

340(07)

34  
K25

О. КАРИМОВА, З. ГАФФОРОВ

# ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги педагогика олий ўқув юртлари,  
ҳунар-техника билим юртлари, лицейлар ва  
ихтисослашган мактаб ўқувчилари учун  
дарслик сифатида тавсия этган*

ЎҚУВ ЗАМ

Библиотека ТЭИС  
№ 351905

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1995

*Махсус муҳаррир: юридик фанлари доктори, профессор  
Мириноят Файзиев*

K25

**Каримова О., Гаффоров З.**

Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик.— Т.:  
Ўқитувчи, 1995.— 608 б.

1. Автордош.

67 я 7

К  $\frac{1202000000-153}{353(04)-95}$  102-95

«Ўқитувчи» нашриёти, 1995 й.

5-645-02351-X

## СУЗ БОШИ УРНИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлиб, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинди. Ҳозирги тараққиёт босқичида республикамиз давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий муаммоларни ҳал этиш, порлоқ истиқболга эришиш жамиятимиз ҳаётининг асосий мазмуни бўлиб қолмоқда. Мустақилликни мустаҳкамлаш эса республикамизда демократик ҳуқуқий давлатнинг барпо этилишига боғлиқ.

Ҳозирги кунда суверен давлатимизда жуда кўп ўзгартиришлар рўй бермоқда. Янги қонун чиқарувчи орган иш бошлаб юборди. Биринчи Конституция ва кўпгина қонунлар қабул қилинди. Жамиятимизнинг барча аъзолари қонунларни ўрганиб, уларга риоя қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш йўлларини ўрганмоқдалар.

Қонунларни амалга ошириш учун республикамиз фуқароларининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий мафқурасини юксалтириш зарур. Ана шулар амалга ошсагина, фуқаролар қонундан четга чиқмайдиغان бўладилар.

Республикамиз меҳнаткашларининг, айниқса ёш авлоднинг ҳуқуқий билим савиясини юқори даражага кўтариш билан биз қонун бузилишлари, адолатсизликлар, жиноятларнинг олдини оламиз. Қонунларга риоя этишимиз, уларни ҳурмат қилишимиз оиламизни, давлатимизни мустаҳкамлашга асос бўлади. Зеро, ҳар бир фуқаро иқтисодий ва сиёсий ислоҳот ўтказиш даврида қаерда ишламасин, хизмат қилмасин, ўқимасин, ҳар қадамда ҳуқуқий билимга эҳтиёж сезади.

Республикада сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий қайта ўзгартиришларни ҳал этиш, демократияни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш жамият турмушининг ҳуқу-

қий асосларни мустаҳкамлаш билан боғлиқдир. Ҳуқуқий маданиятни ошириш, жамият ҳар бир аъзосининг ҳуқуқига саводхонлик билан муносабатда бўлиш, ҳар бир кишининг юридик нормаларни билиши ва уларга амал қилиши ҳамда уларни аниқ ва бениҳсон бажаришга интилиши зарурлиги мана шундан келиб чиқади.

Ҳуқуқий маданият — бу жамият муҳити, иқлимидир. Агар жамият ва ҳар бир фуқаро ҳуқуққа, қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлса, ҳуқуқ ва қонунчиликнинг устиворлигини тан олса давлатда тартиб ўрнатилади. Ва аксинча, ҳуқуқ нормаларига ҳурматсизларча муносабатда бўлиш қонунсизликка, жамият турмуши меъёрининг бузилишига, жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади.

Ҳуқуқий маданият масалалари турмушимизнинг кўп жиҳатларига тегишлидир. Лекин улар бўлғуси ўқитувчилар учун айниқса долзарбдир. Ҳуқуқни ўрганиш уларнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисидаги билимлари ва тасаввурларини кенгайтиради, фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиб олиш, уларни рўёбга чиқариш, қонун ёрдамида ҳимоя қилиш масаласини амалга ошириш имконини беради. Бўлғуси ўқитувчилар бошқа фуқароларнинг, меҳнат жамоаларининг, давлат ёки жамоат ташкилотларининг, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлигини тушунишлари керак.

Бу шахсий ҳуқуқий маданиятни ошириш нуқтаи назаридангина муҳим бўлиб қолмасдан, балки энг муҳими, ёш авлодни ҳуқуқий тарбиялаш, унда фуқароликни, ўз мажбуриятларини, қонунларни, ахлоқ нормалари ва жамият турмуши қоидаларини бажаришда одамларга, алоҳида ҳар бир шахсга ҳурмат билан муносабатда бўлишга онгли ва масъулиятли ёндашиш ҳиссини шакллантириш учун зарурдир.

Ушбу дарслик талабаларга давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, жамият тараққиётида уларнинг ўрни, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолияти принциплари ҳақидаги, маъмурий, фуқаролик, меҳнат, турар жой, оила, табиатни муҳофаза қилиш, жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунларни, қонунчиликнинг асосий тамойиллари, уни янада мустаҳкамлаш вазифалари тўғрисидаги билим асосларини бе-

ришни назарда тутади. Назарий асослашлар, давлат ва ҳуқуқ тушунчалари, ҳуқуқ соҳаларининг хусусиятлари, мақсади ва вазифалари тўғрисида маълумотлар берилади.

Дарслик сиёсий ва ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари билан таништиради. Уни тайёрлашда республикада кейинги йилларда юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳисобга олинди ҳамда давлат ва ҳуқуқ масалаларининг энг янги назарий ишланмаларидан фойдаланилди. Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонуний ҳужжатлари дарсликнинг ҳуқуқий негизи ҳисобланди.

*М. М. Файзиев, юридик фанлари доктори,  
профессор*

## **БИРИНЧИ БУЛИМ. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ**

### **1 БОБ. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ТУШУНЧАСИ ВА ПРЕДМЕТИ**

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси тушунчаси ва предмети.
2. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
3. Давлат ва ҳуқуқ назарияси услубияти.
4. Давлат ва ҳуқуқни ўрганувчи фанлар тизимида давлат ва ҳуқуқ назариясининг ўрни ва вазифаси.

#### **1- §. Давлат ва ҳуқуқ назарияси тушунчаси ва предмети**

Давлат ва ҳуқуқ назарияси тушунчаси давлат ва ҳуқуқ назарияси тўғрисидаги умумлаштирилган назарий-услубий билимлар тизимини ифодалайди. У инсоният жамияти турмушининг мураккаб жиҳатларидан бирини ўрганади ҳамда давлат ва ҳуқуқ нима, унинг табиати нималардан иборатлигини тушунтирибгина қолмасдан, давлат ва ҳуқуқнинг иқтисодиёт, сиёсат, маданият, ахлоқ ва бошқалар билан алоқасини ҳам кўрсатиб беради. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳар хил давлат ва ҳуқуқий тизимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятларини очиқ беради, бошқа ҳуқуқий фанлар учун назарий негиз ҳисобланади, давлат-ҳуқуқ сиёсатининг шаклланиши ва ривожланишига кенг таъсир кўрсатади, ҳуқуқий маданият ва юридик тафаккур асослари негизини яратади.

Давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг асосий ва умумий қонуниятлари, уларнинг моҳияти ва мақсади, вазифаси, жамият ҳаётидаги аҳамияти ва ўрни давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети ҳисобланади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси баъзи олимлар ҳисоблаганидек, бир-биридан ажратиб қўйилган фан соҳалари эмас, балки яхлит фандир. Давлат ва ҳуқуқ уларнинг бирлигида ва ўзаро алоқадорлигида ўрга-

нилади. Давлат ҳуқуқ тамойилларини ҳуқуқий нормада мустаҳкамлайди ва уларнинг рўёбга чиқишини таъминлайди, ҳуқуқ эса давлат ва унинг тузилмаси органларининг фаолиятини тартибга солади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ягона, яхлит фан бўлгани ҳолда иккита ички бўлинмага: давлат назарияси ва ҳуқуқ назарияси бўлинмаларига эгадир; улар ўз навбатида ҳуқуқ фалсафаси, ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқнинг ижтимоий-юридик назарияси каби умумий муаммоларни ҳосил қилувчи нисбатан мустақил гуруҳларга бўлинади. Бу умумий йўналишлар ўз навбатида янада хусусийроқ бўлинмаларга (ҳуқуқий кибернетика, ҳуқуқий психология, юридик техника назарияси ва бошқаларга) бўлинади.

## 2- §. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Давлат ва ҳуқуқ муаммоси инсониятни минг йиллардан бери, давлатчилик пайдо бўлган пайтдан бошлаб ўйлатиб келади. Бу қадимги мисрликлар, ҳиндилар, хитойлар, вавилонликлар, форслар, яҳудийлар, греклар, римликлар ва бошқа халқларнинг мифологик манбаларида ўз аксини топган. Бу миф ва афсоналарда ердаги барча тартиблар, ижтимоий ва давлат қурилиши, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари илоҳий келиб чиқишга эга бўлган умумжаҳон коннот тартибларининг ажралмас қисми сифатида қаралган.

Давлатга қарашда мифологик тасаввурлардан оқиллона дунёқараш томон бурилиш Заратустри (Қадимги Эрон, бизнинг эрамизгача бўлган VIII—VII асрлар) ва Конфуций (Қадимги Хитой, эрамизгача VI—V асрлар) номлари билан боғлиқдир. Конфуций, масалан, давлатни катта оила сифатида талқин қилади. Бунда император ҳокимияти отанинг ҳокимиятига қийёсланади, ҳукмдорлар ва фуқароларнинг муносабатлари эса оилавий муносабатларга ўхшатилиб, кичиклар катталарга боғлиқ эканлиги таъкидланади. Конфуций ҳукмронликнинг аристократик шакли тарафдори бўлиб, оддий халқни давлатни бошқаришдан бутунлай четлаштиради.

Қадимги Грецияда давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги тасаввур жамият турли табақаларининг ҳокимият учун, ижтимоий адолатнинг тегишли шакллари ва

нормаларини қарор топтириш учун кураши вазиятида шаклланади. Сиёсий ҳуқуқий нуқтан назарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихида уч давр ажралиб туради: илк давр (бизнинг эрамингача IX—VI асрлар), иккинчи давр (бизнинг эрамингача V—IV асрлар), учинчи давр (бизнинг эрамингача IV—II асрлар).

Бутун қадимги грек давлат ва ҳуқуқ назарияси ва амалиётининг асосий саъй-ҳаракатлари ва асосий предмети эркинлик ва ҳақиқат эди. Лекин бу эркинлик ва ҳақиқат умумий бўлмай, унда қуллар эътиборга олинмас эди.

Ҳуқуқ ва адолатли ижтимоий тузум ғояси қадимги юнон давлатчилигининг илк даврида яшаган Гомер дostonларидаёқ ўз аксини топди. Бу ғоя Гесиод дostonларида янада каттароқ аҳамият касб этади. Спартанлик Хилон фуқаролар қонунга бўйсунадиган полисни энг яхши полис деб ҳисоблар эди. Адолатли қонунлар ҳукмронлик қилган давлат Пифагор ва унинг тарафдорларининг идеали эди. Қадимги юнон фалсафий тафаккури гуллаб-яшнаган даврда яшаб ижод этган Демокрит инсоннинг пайдо бўлиши ва ривожланишини жаҳон тараққиёти табиий жараёнининг бир қисми деб қарар эди. У адолатнинг умумий фаровонлик учун кафолатини давлатда кўрди ва шу сабабли давлат манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйди.

Антик даврнинггина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий таълимот тарихининг буюк мутафаккирларидан бири Платон давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги назарий тафаккурнинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. У ўзининг «Давлат», «Қонунлар» деб номланган диалогларида идеал ҳуқуқий давлатнинг ўзи англаган тушунчасини берди.

Платоннинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги назарияси Аристотель таълимотида янада ривожлантирилди. Аристотель давлатда эркин ва тенг кишиларнинг сиёсий муомалада бўлишлари воситасини кўрди.

Қадимги Рим сиёсий ва ҳуқуқий тафаккури тарихи бутун бир минг йиллик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётдаги ўзгаришларни акс эттиради. Қадимги Рим тарихи аҳолининг турли табақалари: патрицийлар ва плебейлар, нобилитет (патрицийлар

ва бадавлат полебейлардан) ва камбағаллар, оптиматлар ва популярлар (эркин қуйи табақа тарафдорлари), эркинликдагилар ва қуллар ўртасидаги кураш шароитида ривожланди.

Рим сиёсий-ҳуқуқий тафаккури Салон, Сукрот, Платон, Аристотель сингари қадимги грек файласуф олимларининг сезиларли таъсири остида шаклланди.

Бироқ Қадимги Рим мутафаккирлари ўзларининг грек ўтмишдошларининг қоидаларини шунчаки ўзлаштириб олмадилар, балки уларни ижодий қўлладилар ва ўз даврининг ўзига хос шароитлари ҳамда вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантирдилар. Масалан, қадимги грек фалсафий тафаккури учун хос бўлган сиёсат ва ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқлиги ғояси Цицерон талқинида янги ифода касб этди: унинг тасавурида давлат оммавий-ҳуқуқий умумийлик сифатида намоён бўлади.

Мустақил фан — юриспруденциянинг вужудга келтирилиши қадимги грек тафаккурининг катта ютуқларидан бири бўлди. Римлик ҳуқуқшунослар давлат ва ҳуқуқ назарияси соҳасидаги сиёсий-ҳуқуқий муаммоларнинг кенг йиғиндисини ҳамда ҳуқуқнинг алоҳида тармоқларини пухта ишлаб чиқдилар ва бу билан сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатдилар.

Феодализмнинг ижтимоий-корпоратив тузилмаси, феодаллар билан улар томонидан эзилувчи омма ўртасидаги антагонистик зиддиятлар, черков, поп ва дунёвий феодаллар ўртасидаги шиддатли кураш ўрта асрларнинг сиёсий-ҳуқуқий ғояларида ўз ифодасини топди. Ўрта асрларнинг сиёсий-ҳуқуқий тафаккури диннинг жуда катта таъсири остида шаклланиб ва ривожланиб, антик даврнинг бир қанча муҳим ғояларини ўз тарихий шароитларидан келиб чиқиб идрок қилди ва ривожлантирди. Масалан, илк ўрта асрларнинг илоҳиёт олими Фома Аквинский давлатнинг христианлик доктринасини ўз асарларида Аристотелнинг «Сиёсат» асари негизида ривожлантиришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, давлат инсоннинг бирлашишга бўлган табиий интилиши натижасидир, лекин давлатчиликнинг қарор топиш тартиби оламнинг худо томонидан бино қилинишига ўхшашдир. Дастлаб нарсалар пайдо бўлади, сўнгра уларга хос бўлган вазифалардан келиб чиққан ҳолда улар табақалашти-

рилади, Монарх эса худо сингари бу нарса-лар уюми-га уюшқоқлик ва тартиб беради, кейин эса уларни бошқара бошлайди. Ҳокимиятининг моҳияти, Аристо-телнинг фикрича, ҳукмдорлар билан бўйсунувчилар-нинг муносабати тартибидир, бунда инсоният перар-хиясининг юқорисида турган шахсларнинг продаси қуйи табақаларни бошқариб боради.

Бу даврда Урта Осиё халқлари сиёсий-ҳуқуқий тафаккур тараққиётида катта ютуқларга эришдилар. V—VI асрларда Урта Осиё ҳудудида кўтарилган халқ қўзғолонининг йўлбошчиси Маздак таълимоти бу жи-ҳатдан қизиқини уйғотади. Унинг одамлар тенглиги тўғрисидаги таълимоти кенг ёйилди. Ҳошим ибн Ҳо-шим (Муқанна) унинг ғояларининг издоши эди. IX—X асрларда яшаган Абу Носир ал Форобий оқилона давлат тузуми тўғрисидаги тасаввурларга айниқса салмоқли ҳисса қўшди. Уни Гегель Шарқнинг Афло-туни деб атаган эди.

Форобий ўрта асрлар Шарқ мутафаккирларидан биринчи бўлиб жамият ва давлат муаммолари ҳақида фикр юритди. Унинг «Фозил одамлар шаҳри», «Қонун-лар ҳақида китоб» («Китоб фи-л навомис»), «Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола» («Рисола фи-т танбиҳ ала асбоб ал-саодат»), «Шаҳарни бош-қариш» («Ас-сиёсат ал-маданият»), «Фазилатли хулқ-лар» («Ас-сийрат ал-фазилат») асарларида ижтимоий турмуш тўғрисидаги фан, унинг вазифаси, жамоат бирлашмаларининг келиб чиқиши, таркиби ва турла-ри баён қилинади, инсоният жамияти шакллари ҳа-қида сўз юритилади. Олим шаҳар — давлат; давлат бирлашмасининг ўзига хослиги хусусиятлари ва тур-муши; давлатнинг функциялари ва уни бошқариш шакллари; давлат бирлашмасининг вазифалари ва пировард мақсади; ялпи бирлашишга эришиш йўлла-ри ва усуллари каби тушунчаларга аниқлик киритди.

Форобий давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг фао-лиятини одамларнинг бирлашишга бўлган табиий ин-тилиши натижаси, деб қаради. У ҳар бир кишининг пировард мақсади бахт-саодатга эришишдир, деб билди. Лекин инсон ёлғиз ўзи бахт-саодатга эриша олмайди. Бунинг учун кўплаб кишиларнинг бирга-ликдаги саъй-ҳаракати, зарур шарт-шароит яратади-ган, одамлар фаолиятини йўналтирадиган муайян иж-

тимоний ташкилот зарур. Давлат мана шундай ижтимоий ташкилот ҳисобланади.

Форобийнинг фикрича, давлат икки хил бўлади. Биринчиси — фазилатсиз, хаёлий, ёлғон бахт-саодатга элтади. У ўз давридаги барча давлатларни мана шу турга киритган эди. Иккинчи хили «Фозил», «идеал» давлат бўлиб, бундай давлат ҳақиқий бахт-саодатни таъминлаши мумкин. Олим бундай давлатнинг моделини «Фозил одамлар шаҳри» асарига кўрсатиб беради.

Идеал давлат, Форобийнинг фикрича, унда яшовчиларнинг бир-бирини тушунишга; инсонпарварликка, инсонга муҳаббатга, унда юксак ахлоқий қадриятларни кўришга, унинг ҳаётини яхшилаш учун интилишга асосланади.

Форобий давлатнинг одатдаги мавжуд бўлиши кўп жиҳатдан унинг қандай бошқарилишига боғлиқ деб таъкидлайди, шу сабабли у ҳукмдорнинг шахсига катта аҳамият беради. Ҳукмдор, Форобийнинг фикрича, муайян интеллектуал ва ахлоқий фазилатларга эга бўлиши; бошқаришнинг умумий қонунларини билиши ҳамда ўз мамлақати одамларини ўз орқасидан эргаштира билиши, уларни тарбиялай олиши, уларни ялпи фаровонликка эришишга йўллай олиши керак.

Форобий доно ҳукмдор бошчилик қилган чекланмаган монархия тарафдори эди. Ҳукмдорнинг атрофида ақл-заковат эгаларни бўлиши керак. Шу билан бирга Форобий, агар ҳукмдор зарур фазилатларга эга бўлмаса, давлатни жамоа бўлиб бошқариш ҳам мумкин деб билар эди. У бошқарувнинг демократик шаклини ҳам инкор этмас эди, лекин бундай бошқарувни таълим ва маданият даражаси паст бўлган давлатда мақбул эмас деб ҳисобларди.

Форобийнинг ижтимоий-сиёсий таълимоти Ибн Маскавит асарларида янада ривожлантирилди. Умумий бахт-саодат ва идеал ижтимоий бирлашиш ғояси Шарқнинг Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний ва Абу Али ибн Сино каби қомусий олимларини ҳам илҳомлантирди.

Беруний фуқаролар томонидан навбати билан бошқариладиган давлатни идеал давлат деб ҳисоблар эди. Лекин ҳамма ҳам бундай навбати билан бошқариш ҳуқуқига эга бўлмайди, балки аслзодалар ва йирик ер эгаларигина бундай ҳуқуққа эга бўладилар,

улар ҳам ҳар уч ойда бир-бирларини алмаштиришлари керак.

Ибн Сино ҳам давлатни бирлашишга бўлган табиий зарурият деб ҳисоблар эди. У ўзининг «Қитоб ал-ишарат ва т-Танбихат» асарида «Агар барча юмушни одам бир ўзи бажарганида, бир киши — елкасига жуда оғир юк юкланган бўлур эди, демак одамлар ўртасида муроса бўлиши керак»,— деб ёзади.

У жамиятнинг ҳар бир аъзоси фойдали иш билан машғул бўлган, ишқасмаслик қораланган давлатни идеал давлат деб ҳисоблар эди. У доно ҳукмдорга катта умид билдирар эди. Бундай ҳукмдор давлатда идеал ижтимоий тартиб ва ижтимоий адолат ўрнатилишини таъминламоғи зарур эди.

Форобийнинг прогрессив фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари Носир Хисрав ва Умар Хайём сингари машҳур ҳурфикрли мутаффакирлар дунёқарашининг шаклланишида муҳим манба бўлди.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ғоялар ривожланиши тарихида муҳим ўрин тутлади. А. Навоийнинг давлат тўғрисидаги қарашларининг асосий қоидалари унинг «Садди Искандарий», «Вақфия», «Ажам подшолари тарихи» асарларида баён қилинган.

У мамлакатдаги тарқоқликни, ўзаро урушларни кескин қоралади, донишманд ва адолатли, маърифатли ҳукмдор бошчилик қилган бирлашган давлат тузишга чақирди. Адолат, Навоийнинг фикрича, ҳукмдорнинг фазилатларини белгиловчи олий меъзондир. «Ўзи кофир бўлса ҳам адолатли шоҳ,— деб ёзади у «Ҳамса» асарида,— мамлакатни гуллаб-яшнатади, золим шоҳ эса, гарчи мусулмон бўлса ҳам, мамлакатни хароб қилади».

Навоий ҳатто подшонинг сайлаб қўйилиши, унинг ҳукмронлик вазифаларининг чеклаб қўйилиши ғоясини ҳам илгари суради. Навоийнинг фикрича, подшо бирорта ҳам муҳим давлат масаласини донишманд, ақлли маслаҳатчиларнинг рухсати ва розилигисиз ҳал этмаслиги керак.

Навоийнинг замондоши, форс-тожик адабиётининг классиги Жомийнинг идеал давлат тўғрисидаги тасаввурлари бирмунча бошқачароқ эди. У ўзининг «Искандарнинг донишмандлиги» китобида «на шоҳ, на ҳоким бўлмаган» бахтли шаҳар қиёфасини яратади.

Урта асрлардаги илоҳиётчи Абдул Ҳасан ал Мавридий ҳам адолатли давлат тузумининг тарафдори эди. У давлатни даҳрийлик асосига қуриш мумкин, лекин адолатсизлик асосига қурилган давлат қулашга маҳкумдир, деб ҳисоблар эди.

Ўзбекларнинг менгли уруғидан чиққан, узоқ вақт Ҳиндистонда яшаган буюк шоир ва файласуф Мирзо Абдуқодир Бедил давлатнинг келиб чиқишини ўзига хос тушунтиради. Бедил ижтимоий-сиёсий муаммоларга ҳам катта эътибор берди. Бунда давлат абадий мавжуддир деган ғоядан келиб чиқди. Унинг фикрича, давлат инсоният жамиятининг бойлар ва камбағалларга, эзувчиларга ва эзилувчиларга бўлиниши натижасида келиб чиққан. Бойларнинг ғаразғўйлиги ва уларнинг ҳукмрон бўлишга интилишлари улар ўртасидаги урушларга ҳамда дастлаб майда, вақт ўтиши билан қудратли марказлашган давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай давлат мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади.

Бедил ҳам Навоий сингари оқилона давлат тузумини маърифатли ва адолатли ҳукмдор билан боғлар эди. Бундай ҳукмдор ўз халқи турмушининг яхшилалини тўғрисида ғамхўрлик қилиши керак эди.

Жаҳон сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг янада ривожланиши феодализмнинг емирила бошлаши ва капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Туғилиб келаётган буржуазиянинг мафкурасида (бу мафкура уйғониш мафкураси сифатида машҳурдир) инсон, шахс ва давлатнинг ўзаро муносабати муаммоси муҳим ўрнни тутар эди. Илк буржуазия мафкураси давлат ва ҳуқуқнинг илоҳий назарияларига қарши чиқиб, ўзининг буржуа сиёсий-ҳуқуқий дунёқарashi учун асос тайёрлади. Унинг асосида диндан мустақил бўлган марказлаштирилган давлат ғояси ётар эди.

XVI асрда кенг ёйилган деҳқонлар қўзғолонлари ва шаҳар камбағаллари ҳаракати сиёсий-ҳуқуқий тафаккур тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Социал-утопистлар сифатида машҳур бўлган меҳнаткаш омма идеологлари Т. Мор ва Т. Кампанелла эксплуатацияга асосланган муносабатларнинг бутун тизимини қораладилар. Улар мол-мулкнинг умумийлигига асосланган муносабатларни муҳофаза қиладиган ва ривожлантирадиган, жамоа тузуми шароитида

фаолият кўрсатадиган, шахсни ҳимоя қиладиган давлат тарафдори эдилар.

Сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг ишлаб чиқилиши илк буржуа революцияларини тайёрлаш ва амалга оширишга ёрдам берди. «Табиий ҳуқуқ» ғояси янги талқин касб этди. Унга «ижтимоий шартнома» тамойили қўшилди. Эндиликда эътиқод ва хатти-ҳаракатларда эркин бўлиш, мол-мулкка эгаллик қилиш ва уни тасаруф этиш, тенг ҳуқуқли бўлиш ва ўзбошимчалиқдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи одамларга табиат инъом этган неъмат сифатида қаралди. Инсон, индивид бутун ижтимоий оламнинг ибтидоси деб тан олинди. Табиий ҳуқуқларга эга бўлган индивидлар мажмуи жамиятнинг табиий ҳолатини ташкил этар эди. Пайдо бўлиши мумкин бўлган ноқулайликлар, хавфларни бартараф этиш учун одамлар бу ҳолатдан чиқишга, фуқаролик ҳолатига киришга қарор қиладилар, бунинг учун улар шартнома тузадилар ва шундай қилиб улардан юқори турган, якка бир шахсни ҳам, жамиятни ҳам ўз ичига олган давлатни ташкил этадилар.

Ижтимоий шартнома натижасида тузилган давлат туғрисидаги тасаввур давлатнинг индивид ва жамият ҳаётига аралашувини чеклашни талаб қилиш, ҳукмдорлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни янгича қуриш учун асос берар эди.

Бу даврнинг сиёсий-ҳуқуқий тарихида голланд ҳуқуқшуноси Гуго Гроция, унинг замондоши буюк материалист файласуф Спиноза, инглиз мутафаккирлари Т. Гобс ва Д. Лок, француз маърифатпарварларининг вакиллари Вольтер, Монтескье, Дидро, Гольбах, Гельвеций, Жан Жак Руссо, Россияда эса А. И. Радищев сезиларли из қолдирдилар.

Германияда буржуазиянинг ғоявий платформасини яратишга биринчи бўлиб ҳуқуқий давлат ғоясини фалсафий асослаб берган Имануил Кант киришди. Кантнинг тасаввурига кўра, давлат бу ҳуқуқий қонунларга бўйсунган кўплаб кишиларнинг бирлашмасидир. У умумий мажбурий қонунларга таянувчи буржуа ҳуқуқ-тартиботини феодал ҳуқуқсизлик ва қонунсизликка қарши қўйди ҳамда ҳуқуқий тартибни ўрнатишда халқнинг мустақиллиги ғоясини илгари сурди.

Давлат ва ҳуқуқ муаммоларига Гегель ҳам доимо эътибор берди. Бу муаммолар унинг сиёсий ва ҳуқуқий изланишлар тарихидаги салмоқли асарларидан

бири бўлган «Хуқуқ фалсафаси» асарида анча мукамал ва батартиб ёритилди. Гегелнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғояларининг асоси ақлли ва ҳақиқий фикрларнинг ўхшашлигидадир. Давлатнинг ақллилиги унинг ҳақиқийлигидан иборат бўлса, ҳақиқийлиги эса ақллилигидан иборатдир. Феодал тузумнинг инқирозга учраши ва озодлик курашининг ўсиши Ўрта Осиёда ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг ривожланишига кўмаклашди.

Бу даврда янги прогрессив ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг йирик вакиллар орасида Аҳмад Маҳмуд (у кўпроқ Аҳмад Дониш номи билан машҳур) кўзга кўринарли ўринни эгаллайди. У давлат ва ҳуқуққа илоҳий қарашдан воз кечди ҳамда феодализмни очиқдан-очиқ танқид қилди.

А. Дониш давлатнинг пайдо бўлишини ўзининг кўпчилик прогрессив ўтмишдошлари сингари кишиларнинг бирлашишга бўлган табиий интилишидан келиб чиққан ҳолда тушунтирди. Давлат,— деб қайд этади А. Дониш,— халқ билан подшо ўртасида халқни талон-торож ва ўғрилиқдан ҳимоя қилиш мақсадида тузилган шартнома натижасида шаклланди. Шу сабабли халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш подшонинг энг биринчи вазифасидир. Бухоро амирлигида ҳукм сурган тартиб-қоидадан А. Донишнинг қатъий норозилигининг сабаби мана шундадир.

А. Дониш Ватани ва халқининг асрий қоғоқлик ва адолатсизликдан халос бўлишини дастлаб амир томонидан ўтказилиши керак бўлган ислоҳотлар билан боғлади. Бу ислоҳотларнинг асосий йўналишлари қуйидагилар бўлиши керак эди: мамлакатнинг мустақиллигини таъминлай оладиган адолатли давлат тузумини ўрнатиш; давлат органлари тузилиши ва фаолият кўрсатишини ҳамда мансабдор шахсларнинг уларга бўйсунувчилар билан ўзаро муносабатларини тартибга солиш; қонунсизлик ва ўзбошимчаликка қонунийликни қарши қўйиш; деҳқончиликни ривожлантириш; ҳунармандларни ўз паноҳига олиш; олимларга ёрдам бериш ва бошқалар.

Бироқ ислоҳ қилиш билан боғлиқ бу таклифлар амир томонидан рад этилгандан кейин Дониш ижтимоий ва давлат тузумини янада қаттиқроқ танқид қила бошлади ва оқибат натижада амир ва унинг аён-

ларига қарши халқ қўзғолони кўтарилиши тўғри бўлади деган фикрга келди.

А. Дониш мулкӣ тенгликка асосланган жамиятни мавжуд тузумга қарши қўйди. Ҳар бир киши ҳеч бир ортиқча нарсага эга бўлмаган ҳолда меҳнат қилиши керак. Тарих бундай қарашларнинг хом хаёллигини исботлади.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тафаккури ривожланишига катта таъсир кўрсатди. У дунё ва жамиятга клерикал қарашларга қарши чиқди. Фурқат Бухоро ва Хива ҳукмдорлари ҳокимиятининг мустаҳкамлигига шубҳаланди, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши чиқди. У фан ютуқларини шарафлади, нодонлик ва қабоҳатга қарши курашда уни асосий куч деб билди; феодал урушлар ва уруғлар ўртасидаги низолардан воз кечишга чақирди. Фурқат хонлик тартибларининг бекор қилинишини, черковнинг давлатдан ажратилиши ва халқни маданиятга, шу жумладан Европа ва рус маданиятига ошно қилишни мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигининг асосий шарти деб билди.

XIX ва XX аср оралиғида яшаган ва ижод этган Ўзбекистон демократик тафаккурининг яна бир вакили Муқимий (Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа) нафақат феодал тартибларни, балки янгидан пайдо бўлган эксплуататорларни, Туркистондаги рус маъмуриятини танқид қилиб чиқди. Муқимий Фурқатдан фарқли равишда ислохотларга ишонмас эди. У мавжуд давлат ҳокимияти тўлиғича бойларга боғлиқ, улар халқ манфаатларини ҳеч қачон ҳисобга олган эмас ва олмайди деб таъкидлар эди.

XX аср бошида буржуа муносабатларининг ривожланиши, мустамлакачилик тартибларининг кучайиши, эксплуатациянинг феодал-патриархал ва капиталистик шакллари Туркистонда озодлик ҳаракатларининг ўсишига сабаб бўлди. Бу даврдаги таъсирчан ижтимоий сиёсий оқимлардан бири жадидлар ҳаракати эди. Унинг вакиллари ўз фаолиятларини маданий-оқартув ишларидан бошлашиб, аста-секин сиёсий талаблар қўйишга ўтдилар.

Дастлаб жадидлар Европа намунасидаги маърифатли подшо бошчилигида ҳуқуқий давлат тарафдори бўлиб чиқдилар. Улар мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамланиши, халқ фа-

ровонлиги ва маданияти оширилиши зарурлигини тушунар эдилар. Жадидлар чекланган шаклларда бўлса-да, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бўлишига рози эдилар. Одил суд, уларнинг фикрича, руҳонийлар қўлида бўлиши ва шариат қонун-қоидаларига асосланиши керак эди.

Кейинроқ, жадидлар ҳаракатига миллий зиёлиларнинг европача таълим олган вакиллари келиб қўшилгач, жадидлар ўз сиёсий талабларини ўзгартирдилар. Улар шариатни ижтимоий ва давлат тузумининг ҳамда одил судловнинг асоси деб тан олиб, мавжуд тузумни зўрлик билан афдариб ташлаш ҳамда халқ-демократик давлат ўрнатиш талаби билан чиқдилар. Жамиятнинг ўрта ва камбағал табақалари манфаатларини ифодалаш принципи бошқарувнинг асосига қўйилган эди.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси унинг келиб чиқиши ҳақидаги янги билимлар билан бойишда давом этмоқда, давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти ва функцияларида синфийлик ва умумижтимоий нисбатларининг қўшилиши юз бермоқда. Ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ назариясини баҳолашга янгича ёндашувлар зарур. Республиканинг ҳозирги ривожланиш босқичида унда юз бераётган давлат ҳуқуқий жараёнлар, ҳуқуқий давлатда фуқаролик жамияти муаммолари ўз ечимини кутмоқда. Табиатни муҳофаза қилишда, сиёсатлаштиришдан қайтишда, маънавий ҳаётда, сиёсий йўлбошчилик ва муҳолифият ҳамда бошқа бир қанча масалаларда давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро ҳамкорлиги тобора долзарб бўлиб қолмоқда.

### 3-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси услугияти

Фанда метод (усул) деганда ҳақиқий борлиқни холис акс эттирувчи билимларни олиш учун қўлланиладиган илмий фаолият принциплари, қоидалари, усуллари тушунилади.

Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини аниқлаш, уларнинг мавжуд бўлиш шаклларини, қонуниятларини белгилаш ва мана шу асосда уларни такомиллаштиришга оид тавсияларни ишлаб чиқиш, уларнинг тарихий истиқболини белгилаш имконини берувчи диалектик ва тарихий

материализм давлат ва ҳуқуқ назариясининг услубий (методологик) асоси ҳисобланади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат-ҳуқуқ муаммоларини тадқиқ этишда диалектик ва тарихий материализмга таянган ҳолда билишнинг тизимли-таркибий, қиёсий, тарихий, мантиқий, синергетик, социологик, кибернетик сингари усулларидан кенг фойдаланади.

Тизимли-таркибий усулга мувофиқ, ҳар бир давлат-ҳуқуқий ҳодиса, бир томондан, ички тузилмага эга бўлган ҳодиса, иккинчи томондан, бошқа тузилманинг элементи деб қаралади.

Қиёсий усул давлат-ҳуқуқий ҳодисалар ва тартиботларни уларнинг аниқланган ва тадқиқ этилган умумий белгилари ва фарқловчи белгиларини таққослаш асосида тўғри тушуниш имконини беради.

Мантиқий ва тарихий усуллар назария мазмунига кирувчи тушунчалар, таърифлар, категорияларни ишлаб чиқиш тартиби ва изчиллигини белгилайди.

Синергетик усул кўпгина давлат-ҳуқуқий ҳодисаларни ўзи ҳосил бўлган, ўзи ташкил топадиган, тасодифий жараёнлар сифатида қараш имконини беради.

Социологик усул кишиларнинг давлатга, ҳуқуққа, қонунийликка, ҳуқуқ қўлланиладиган органлар фаолиятига, уларнинг ҳуқуқий соҳадаги ҳаракатига, ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш ва уларни бузиш сабабларига ҳақиқий муносабати тўғрисида ҳолис тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда уни ўрганиш усуллари чамбарчас боғлиқдир. Усулнинг асосида назария ётади, бироқ назария тегишли билиш усуллари мавжуд бўлгандагина билиш предметининг ҳақиқий илмий манзарасини бериши мумкин.

#### 4-§. Давлат ва ҳуқуқни ўрганувчи фанлар тизимида давлат ва ҳуқуқ назариясининг ўрни ва вазифаси

Давлат ва ҳуқуқ фақат давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидангина ўрганилиб қолмасдан, балки фалсафа, иқтисодий назария, сиёсий социология, синергетика, давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда тармоқ юридик фанларининг бутун бир мажмуи томонидан ўрганилади.

Фалсафа, иқтисодий назария, социология, синергетика тафаккур, жамият, табиат тараққиётининг энг умумий қонунларини очиб беради, жамиятнинг сиё-

сий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини ёритади ҳамда илмий негиз ҳосил қилади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси мана шу негизга таянган ҳолда давлат ва ҳуқуқнинг табиати, моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини очиб бериши мумкин.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси сиёсий-ҳуқуқий тартиботларни назарий билишнинг тегишли шакллари ўрганувчи сиёсий фанлар тарихидан фарқ қилган ҳолда мана шу тартиботлар ва ҳодисаларнинг ўзини тадқиқ этади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқни ўрганувчи юридик фанлар тизимини бошқаради. У давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг асосий қонуниятларини ўрганган ҳолда давлат-ҳуқуқий ҳодисаларнинг теран муаммоларини, давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятини, уларнинг функцияларини, жамиятдаги ўрнини, мақсадини қамраб олади, тармоқ юридик фанларнинг предметини эса давлат-ҳуқуқий воқеликнинг айрим жиҳатлари ташкил этади. Назария доирасида ишлаб чиқилган умумий тушунчалар тармоқ юридик фанларида ўзининг аниқ талқини ва изоҳини топади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси қўйидаги функцияларни бажаради:

1. Назарий-билиш функцияси. Унинг жараёнида давлат-ҳуқуқий ҳодисалар билиб олинади, мушоҳада қилинади, ривожланиш қонуниятлари ва истиқболлари аниқланади ва мана шу асосда илмий-асосланган прогнозлар ишлаб чиқилади.

2. Методологик функция, яъни аниқ юридик фанларни йўналтиради.

## **2-БОБ. ДАВЛАТНИНГ ҚЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА МОҲИАТИ**

1. Жамият ташкил топишининг уруғ-қабилла шакли.

2. Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ва давлатнинг пайдо бўлиши.

3. Давлатнинг моҳияти.

4. Давлатнинг белгилари.

5. Давлатнинг типлари.

6. Давлатнинг шакллари.

7. Давлатнинг функциялари.

## 1- §. Жамият ташкил топишининг уруғ- қабила шакли

Давлатнинг моҳиятини, унинг вазифаси ва ўрнини белгилаш муаммоси кишиларнинг жуда кўплаб авлодларини тўлқинлантириб келди. Бугунги кунда ҳам жамиятшунослар ва сиёсатшунослар давлатнинг пайдо бўлишига нима сабаб бўлди? У қачон пайдо бўлди? Унинг аҳамияти нималардан иборат? деган саволлар устида бош қотиришда давом этмоқдалар.

Фан давлатдан олдин ибтидоий жамоа тузуми бўлганлигини тасдиқловчи, жаҳондаги барча халқлар уни босиб ўтганликларини исботловчи кўплаб маълумотларга эгадир.

Меҳнат қилиш умумий бўлган, ҳаёт таъминоти воситалари тенг тақсимланган уруғчилик тузуми инсоннинг яшаши ва ривожланишини кафолатлайдиган жамият тузилишининг бирдан-бир шакли эди. Ривожланишнинг бу босқичида қариндошлик муносабатлари, бир авлоддан келиб чиқишдаги умумийлик айни бир вақтда хўжалик-иқтисодий муносабатлар ҳам эди. Инсон индивид сифатида бутунлай уруғга боғлиқ эди. Фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар, жипслашиш инсоннинг яшашига ёрдам берарди, яшаш манбаи эса табиат неъматлари эди. Шу сабабли ишлаб чиқаришнинг бу типи ўзлаштирувчи иқтисодиёт деб аталади.

Уруғчилик тузуми кўпчилик халқларда икки босқични босиб ўтган: матриархат ёки оналик уруғчилик тузуми ва патриархат-оталик уруғчилик тузуми. Матриархат уруғчилик тузумининг бошланғич босқичи учун хос эди. Уруғчилик тузумининг бошланғич босқичида ибтидоий жамоа жамиятида аёлларнинг ҳукмронлик мавқеи ўша пайтдаги ҳаёт шароитларидан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўзига хослигидан келиб чиқар эди. Ибтидоий деҳқончилик, уй хўжалиги яшашнинг асосий манбаи эди. Улар табиий меҳнат тақсимотига кўра аёлнинг чекига тушган эди. Жамиятдаги эркаклар эса ов ва балиқчилик билан шуғулланарди, лекин бу ишларнинг ҳар иккаласи ҳам тасодифийлик билан боғлиқ бўлиб яшашнинг манбаи бўла олмас эди. Модомики, эркаклар меҳнати иккинчи даражали, аёллар меҳнати асосий ўринда турар экан, уларнинг мавқелари ҳам шунга яраша эди.

Бироқ, кейинчалик чорвачилик, деҳқончилик, металл эритиш, меҳнат қуроллари ва қурол-яроғ тайёрлаш ижтимоий ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнай бошлади. Бу ишлар билан эса асосан эркаклар шуғулланар эдилар. Табиийки, уларнинг ўрни бошқача бўла бошлади ва бу ўз навбатида уларнинг жамиятдаги мавқеи ўзгаришига олиб келди.

Жамият ташкил топишининг ривожланган уруғчилик шакли учун ибтидоий демократия деб аталувчи демократия хос эди. Одатда, уруғнинг барча аъзолари томонидан сайланадиган оқсоқол уруғчилик жамоасини бошқарар эди. Уруш ҳаракатлари вақтида эса лашкарбоши сайланар эди. Унга ҳокимият фақат ҳарбий ҳаракатлар вақтидагина тегишли бўларди. Оқсоқоллар ва лашкарбошилар уруғнинг бошқа аъзолари билан баб-баравар меҳнат қилишарди ҳамда исталган вақтда ўзгартирилишлари мумкин эди.

Гарчи оқсоқоллар ва лашкарбошилар ҳокимияти мажбурий кўринишга эга бўлса ҳам (исталган инсоният жамиятида бундай ҳолни кўриш мумкин) уларнинг ихтиёрида бирор-бир зўрлаш аппарати мавжуд эмас эди. Бу ҳокимият бенстисно маънавий обрўга таянарди. Бу обрў эса шахсий фазилатларга, барча уруғ аъзоларининг ишончи ва қўллаб-қувватлашига асосланар эди. Энг долзарб масалалар барча уруғ аъзоларининг умумий йиғилиши билан ҳал этилар, оқсоқол уларни ҳаётга татбиқ этар эди. Оқсоқол ўз ҳокимиятини жамоанинг ёрдами билан амалга оширар эди.

Жамиятдан алоҳида ажратилган ҳолда турган ҳокимиятнинг йўқлиги уруғчилик шаклининг ижтимоий ташкилотига хос хусусият эди.

Ибтидоий жамоа тузумида уруғ инсоният жамиятининг асосий, бошланғич ячейкаси ҳисобланар эди. Уруғлар кенгроқ бирлашмаларга ҳам бирлашар эдилар. Масалан, грекларда фрактрияни мисол қилиб келтириш мумкин. Бир неча фрактриялар қабилани ташкил қиларди. Ҳар бир қабила ўз ҳуқуқига ва ўз номига эга эди. Қабилага кирувчи уруғлар бир тилда гаплашишар, бир хил диний маросимларни бажаришар эдилар. Қабиланинг бошида уруғ оқсоқолларидан иборат бўлган кенгаш турар эди. Кенгаш қабила-нинг барча аъзолари иштирокида мажлис қилар эди.

## 2-§. Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ва давлатнинг пайдо бўлиши

Аста-секин уруғчилик тузуми иқтисодиётида, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишида жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Бироқ, чорвачилик ва деҳқончиликнинг пайдо бўлиши инсоният жамияти тараққиётида чинакам инқилоб бўлди. Бу меҳнат қуроллари яратилишигагина олиб келмасдан, балки яшаш воситаси пайдо бўлишига олиб келди. Бу воқеа неолит даврида юз берганлиги учун ҳам бу инқилоб-неолит даври деб аталди. У ўзида ўзлаштирувчи иқтисодиётдан ишлаб чиқарувчи иқтисодиётга ўтиш даврини ифодалади. Бу эса инсоният жамияти тараққиёти учун сифат жиҳатидан янги шарт-шароитлар яратиб берди.

Неолитик инқилоб ўз натижаларига кўра жиддий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга эга бўлди. У инсон жамоа меҳнатига муҳтож бўлмай қолишига олиб келди. Давлат уруғ-қабила жамоаси ўрнига ҳудудий қўшнилари жамоаси пайдо бўлди. Бу жамоа одамларни қон-қариндошлик принципи бўйича эмас, балки мол ва ерга биргаликда эгалик қилиш принципи бўйича бирлаштирар эди. Лекин, вақт ўтиши билан анча тақомиллашган меҳнат қуроллари, тўпланган тажриба шунга олиб келдики, чорва молларини биргаликда боқиш ва ерга биргаликда ишлов бериш зарурияти қолмади. Бу ишлар билан алоҳида оила — хўжалик гуруҳи ҳам бемалол шуғулланиши мумкин бўлди. Уй, чорва моллари, ишлаб чиқариш қуроллари бу оиланинг ўз мулкига айланди.

Бу вақтга келиб оиланинг ўзи сезиларли ўзгаришларга учради. Бу ўзгаришлар унинг шаклига ҳам, моҳиятига ҳам дахлдор эди. Гуруҳли никоҳ ўрнига фақат бир аёл билан бир эркак ўртасидаги никоҳ муносабатларини тақозо этувчи жуфтли никоҳ келди. У ўз навбатида никоҳнинг ўзида аёлнинг фақат битта эркак билан вақтинчалик ёки доимий никоҳда бўлишини ифодаловчи моногам (якка никоҳ) шакли билан алмашди. Моногам оиланинг биринчи тарихий шакли — патриархал оиладир. Бу оилани асосида ишлаб чиқариш қуролига мулк эгалигини ота бошқарар эди. Патриархал оиланинг пайдо бўлиши қадимий уруғчилик

тизимда ўпирилиш ҳосил бўлишига олиб келди. Алоҳида оила, Ф. Энгельснинг ифодаси бўйича, уруғчиликка хавф солувчи кучга айланди.

Чорвачиликка ва деҳқончиликка ажралиб чиққан ижтимоий меҳнат тақсимоти оқибатида одамларда яшаш воситаларини олишнинг барқарор манбаи пайдо бўлди, бу манба ҳаёт кечириш минимумидан кўпроқ нарса бериши мумкин эди, яъни сотиш, алмаштириш, тўплаш мумкин бўлган ортиқча маҳсулот вужудга келди. Айрим шахслар ёки жамиятнинг бир қисми қўлида ортиқча маҳсулотнинг тўпланиши мулкдорлар ва йўқсилларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Жамоа мулки ўрнига хусусий мулк кириб келди. Жамоа бўлиб меҳнат қилиш ва тақсимотдаги тенглик шахсий меҳнат ва унинг натижаларига шахсий, хусусий мулкчилик муносабатида бўлиш билан алмаша бошлади.

Қўшимча маҳсулотни ўзлаштириб олиш мумкинлиги, унинг алоҳида шахслар ёки жамиятнинг бир қисми қўлида жамланиши инсоннинг инсон томонидан эксплуатация қилинишини келтириб чиқарди. Қулчилик, оилалар ўртасидаги мулквий нотенглик пайдо бўлди. Жамиятнинг биринчи марта синфларга — мулкдорларга ва йўқсилларга, эксплуататорлар ва эксплуатация қилинувчиларга бўлиниши юз берди.

Неолитик инқилоб туфайли келиб чиққан жараёнлар аста-секин чуқурлашиб ва кенгайиб борди. Темирдан ясалган буюмларнинг пайдо бўлиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ишлов бериладиган ер майдонини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш имконини берди, бу ўз навбатида унинг янада ихтисослашувини тақозо қилар эди. Ҳунармандчилик пайдо бўлди. Бу ҳунармандчилик ишлаб чиқариш буюмларини озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштиришни келтириб чиқарди. Товар ишлаб чиқариши, яъни сотиш мақсадида ишлаб чиқариш туғила бошлайди. Бу алоҳида оилалар ўртасидаги мулквий тофовутларнинг чуқурлашувига ва уруғнинг янада табақалашувига олиб келди. Қўшимча ишчи кучига бўлган эҳтиёж ўсиб борди ва қулчилик ижтимоий тизимнинг муҳим қисмига айланди. У тобора кўпроқ ишлаб чиқариш соҳаларини қамраб ола бошлади. Урушлар ўз йўналишини ўзгартира бошлади, улар аста-секин

ҳимоя воситасидан қўшимча ишчи кучини қўлга кири-тиш воситасига айланди.

Анча бойроқ оилалар қуллар билан бир қаторда иш кучи олиш учун кучсизлашиб ва камбағаллашиб қолган оилалардан фойдаланишга интилдилар, бу бойлар билан камбағаллар ўртасидаги тафовутларни янада кўпайтирди. Мулкий тенгсизлик билан бир қаторда ижтимоий тенгсизлик юзага келди. Ўз мавқеидан фойдаланиб тобора кўпроқ ер, мол, ҳарбий ўлжаларни эгаллаб ола бошлаган доҳийлар, лашкарбошилар, коҳинлар гуруҳи ажралиб чиқа бошлади. Уларнинг ҳокимияти шахсий манфаатни ҳимоя қилишга, қуллар ва йўқсил қабиладошларни ушлаб туриш ва бўйсундиришга тобора кўпроқ хизмат қила бошлади. Доҳийлар ва лашкарбошилар ҳокимияти сайлаб қўйилмасдан аста-секин мерос бўлиб қола бошлади. Доҳийлар ва лашкарбошилар атрофида яқинлар ва доимий ҳарбий дружина жамлана бошлади. Улар вақт ўтиши билан имтиёзли ижтимоий гуруҳлар бўлиб ажралиб чиқди.

Уруғчилик демократияси ўрнига ҳарбий демокра-тия келди. Уруғ аъзолари бошқарувда иштирок этиш-да давом этдилар, лекин ҳукмронлик қилиш оқсоқол-лар ва уларнинг атрофидаги ҳарбийлар қўлига ўт-ди. Барча масалаларни аслида улар ҳал эта бошла-дилар, халқ эса, одатда, улар қабул қилган қарорга ўз муносабатини билдирар эди, холос.

Товар ишлаб чиқариши ва савдонинг янада ривож-ланиши янги ижтимоий меҳнат тақсимотига олиб кел-ди — савдогарлар пайдо бўлди. Ер, чорва моллари, қуллар тобора кўпроқ унча катта бўлмаган оилалар гуруҳи қўлида тўплана бошлади, йўқсиллар сони эса ўсиб борди.

Иқтисодиётда ва жамият тузилмасида юз бераёт-ган ўзгаришлар кескин низоларни келтириб чиқарди, уруғ-қабила ташкилоти шароитида уларни ҳал этиш имкони бўлмади. Бошқа ташкилот зарур эди. Мана шу ташкилот давлат бўлиб чиқди.

Давлат бирданига юзага келмади, балки аста-се-кин, вужудга келаётган синфлар ўртасидаги зиддият-лар кучайиши давомида пайдо бўлди. Давлат ҳали уруғчилик тизими ичидаёқ шаклланган бошқарув ор-ганларини қисман ўзгартириб, қисман янги органлар-ни жорий этган ҳолда уларни сиқиб чиқариб юзага

келди ва ниҳоят, уларни ҳақиқий давлат ҳокимияти билан алмаштирди. Давлатнинг пайдо бўлиши турли халқларда турлича юз берди. Афина давлати, масалан, уруғчилик жамияти ичида туғилган синфий қарама-қаршиликлар туфайли пайдо бўлди.

Қадимги Римда давлат анча мураккаброқ йўл билан пайдо бўлди. Туб аҳоли бу ерда қабила иттифоқини ҳосил қилган қабила ва уруғларга бўлинар эди. Бир уруғга мансублик жамоат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқини берар эди, бу биринчи уруғ аслзодалари — патрицийларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Аҳоли сонининг келгиндилар ҳамда бўйсундирилган вилоятлар аҳолиси ҳисобига кўпайиши шахсан эркин бўлган, лекин уруғчилик жамиятидан четда турган ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланмайдиган плебейларнинг пайдо бўлишини келтириб чиқарди. Патрицийлар билан плебейлар ўртасидаги шиддатли кураш натижасида давлат пайдо бўлди.

Шарқий славян қабилаларида ибтидоний жамоа тuzуми ўрнига бирданига феодал давлат юзага келди.

Шарқ мамлакатларида давлатнинг пайдо бўлишига сунъий суғориш ишларини ташкил этиш эҳтиёжи кўмаклашди. Суғориш ишларини ташкил этиш учун қўшни жамоаларнинг бирлашиши ва ишларга раҳбарлик қиладиган, сув тақсимотини назорат қиладиган алоҳида шахслар гуруҳини ажратиш талаб қилинар эди. Жамият табақалашуви давомида мутлақ бошқарув билан шугулланган шахслар ҳукмрон синфга айланди, уларнинг ҳокимияти синфий, сиёсий ҳокимиятга, яъни давлатга ўсиб чиқди. Урта Осиё ҳудудида давлатнинг пайдо бўлишини ажнабий босқинчиларга қарши доимо қаттиқ кураш олиб бориш зарурияти ҳам талаб қилар эди.

### 3- §. Давлатнинг моҳияти

Жамиятнинг давлат ташкилоти илгариги уруғчилик ташкилоти юқори табақаларининг манфаатлари ҳимоясини таъминланмаганлиги, қуллар ва эксплуатация қилинувчи камбағалларни иттифоқда сақлаб туриш имконини бермаганлиги учун пайдо бўлди. Давлат ҳукмрон синф қуроли сифатида унга қарши синфларга курашиш учун майдонга чиқди.

Давлат туфайли иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон

синф сиёсий ҳукмронлик мавқеига эришди. Агар иқтисодий ҳукмронлик ишлаб чиқариш воситаларига эгалликни билдирса, сиёсий ҳукмронлик бутун аҳолининг давлат аппарати ва қонунлар ёрдамида ҳукмрон синф учун фойдали бўлган муайян ижтимоий тартибга бўйсунишга мажбурлигидан иборатдир.

Бизнинг давлат ҳақидаги фанимиз яқин-яқинларгача бир синфнинг бошқа синф устидан сиёсий ҳукмронлиги ҳар қандай жамиятда давлатнинг моҳиятини ташкил этишидан келиб чиқар ва давлат жамиятнинг расмий вакили ва бошқарувчи тизим сифатида маърифатли инсоният жамияти мавжуд бўлиши учун зарур шарт-шароитларни қўллаб-қувватлашга даъват этилган умумижтимоий фаолиятни амалга оширишини инкор қилар эди.

Давлатни мажбур қилиш, бошқариш воситаси сифатида талқин қилишни жуда муҳим деб билган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг манфаатидан келиб чиққан ҳолда давлат фаолиятининг бу шакли капиталистик жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида прогрессив ғоялар таъсири остида куч ишлатиш, мажбур қилишдан устунлик қилганлиги ҳамда давлат синфий ҳукмронлик қуролидан тобора кўпроқ муросага келиш йўли билан ижтимоий қарама-қаршиликларни бартараф этиш воситасига айланаётганлиги туғрисида лом-мим дейилмас эди.

Бироқ, ҳар қандай ҳолатда давлат ўзида иқтисодий базис томонидан белгиланадиган устқурманинг ишлаб чиқариш муносабатлари типини ифодалайди ва унга фаол таъсир кўрсатади. Инсоният жамиятнинг бутун тарихи шундан гувоҳлик берадики, давлат ҳокимияти бир йўналишда иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳолда ҳаракат қилиши мумкин, ундай ҳолда бундай ривожланиш тезроқ кечади; давлат ҳокимияти иқтисодий ривожланишга қарши ҳаракат қилиши, бинобарин, бу ривожланишга тўсқинлик қилиши мумкин. Бундай ҳолда давлат ҳокимияти ҳалокатга учрайди.

#### 4- §. Давлатнинг белгилари

Давлатни жамиятнинг эски уруғчилик ташкилотидан қуйидагилар фарқлайди:

1. Аҳолининг ҳудудий белги бўйича бўлиниши. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва меҳнатнинг

тақсимланиши баробарида ҳар хил уруғларнинг аъзолари авлоддан-авлодга ўтган сари тобора бир-бирларига қўшилиб борадилар ҳамда уруғ муносабатлари орқа ўринга сурилади. Одамлар яшаш жойлари бўйича (шаҳарларда) гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшай бошладилар ҳамда бу гуруҳларнинг манфаатлари уруғ манфаатларига мос келмай қолди. Бу гуруҳга кирувчиларнинг барчаси у ёки бу уруғга мансублигидан қатъи назар бошқа ҳокимият органларига бўйсунадиган бўдилар.

2. Оммавий ҳокимиятнинг пайдо бўлиши. Давлат фақат бошқарув билан машғул бўлган алоҳида кишилар гуруҳи пайдо бўлганда юзага келади. Ибтидоий жамоа тузуми шароитида полициячилар, тўралар, қироллар, ҳокимлар бўлмаган эди. Бу тузумда ҳар бир уруғ ёки қабила аҳолининг ўз ҳолича ҳаракат қилувчи қуролли ташкилоти сифатида бошқарувни бир-галликда амалга оширар эди. Синфлар пайдо бўлиши билан кишиларнинг бундай ташкилоти фаолият кўрсатиши учун имкон қолмади. Қулларни итоатда сақлаш учун кишиларнинг қуролланган махсус отрядига эҳтиёж пайдо бўлди. Полиция, суд, қamoқхона ва оммавий ҳокимият намоён бўлишининг, қулдорларнинг қуллар устидан зўравонлигининг бошқа шакллари пайдо бўлди. Тўралар аппарати — фақат давлатга хизмат қилувчи шахслар пайдо бўлди. Оммавий ҳокимиятга эга бўлган тўра жамиятдан юқори турган кучга айланди.

3. Солиқларнинг мавжудлиги. Солиқ деганда давлатнинг аҳолидан давлат аппаратини сақлаш учун зарур бўлган моддий маблағларни ундириб олиши тушунилади.

4. Ҳуқуқнинг мавжудлиги. Бу ижтимоий тузумнинг моҳиятидан келиб чиқадиган ва давлат томонидан мустаҳкамланган, ижро этилиши умумий мажбурий бўлган нормалар, ҳуқ-атвор қондаларидир.

5. Ва, шўхоят, гарчи бу барча томонидан тан олинмаса-да, давлатнинг муҳим белгиларидан бири сифатида сиёсий ҳокимият давлат ҳокимиятини айтиб ўтиш керак. Унинг моҳияти ҳукмронлик қилувчиларнинг ўзига бўйсунувчилар продасини бўйсундириш учун ҳақиқий имкониятларга эга бўлишидан иборатдир. Сиёсий ҳокимият — бу ижтимоий ҳокимиятнинг бир туридир. Ижтимоий механизмнинг мавжудлиги,

мана шу туфайли унинг давлат ҳокимиятига айланиши, усиз давлатнинг мавжуд бўлиши мумкин эмаслиги сиёсий ҳокимиятнинг хусусияти ҳисобланади.

Ирода исталган бошқа ижтимоий ҳокимиятда бўлганидек сиёсий ҳокимиятнинг муҳим элементи ҳисобланади. Жамият ривожланишининг индустрлаштирилгангача бўлган даврда давлат иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синфнинг иродасини ифодалар эди, индустрлаштиришдан кейинги даврда эса ҳукмрон кўпчиликнинг ёки умумхалқ иродасини ифодалайдиган бўлди.

Давлат ҳокимиятини амалга оширишда жамиятда давлат ҳокимиятининг устунлиги, барчанинг ҳукмрон субъект (синф, ҳукмронлик қилувчи кўпчилик, халқ) иродасига бўйсунishi билан характерланувчи ҳокимият муносабатлари келиб чиқади.

Шуни назарда тутиш керакки, давлат сиёсий ҳокимиятнинг бирдан-бир воситаси эмас. Жамият олдида турган вазибаларни ҳал этишда ҳар хил нодавлат ташкилотлар (партиялар, касаба уюшмалари, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар) ҳам маълум даражада қатнашади. Улар давлат билан биргаликда жамиятнинг сиёсий тизимини ташкил этади ҳамда ўзларида давлат ҳокимияти субъектлари сиёсий фаолияти ташкилий шакллариининг ўзаро боғлиқ бўлишини ифодалайди.

Лекин давлат сиёсий тизимда алоҳида мавқега эга бўлади. Биринчидан, у давлат ҳокимияти механизмига эга. Давлат ҳокимияти ўзида турли органларнинг — ҳокимият органлари, ижроия-фармойиш берувчи органлар, одил судлов, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, қамоқхона, разведка, армиядан иборат тизимнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишини ифодалайди. Иккинчидан, давлат ҳокимиятининг мамлакатдаги бошқа барча ташкилотлар ва шахсларга нисбатан устунлигини ва бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатлар соҳасида мустақиллигини ифодаловчи суверенитетга эга бўлади.

Қуйидагилар суверенитет мазмунини ташкил этади:

— давлат ҳокимиятининг ягоналиги ва мамлакатнинг барча аҳолиси ва жамият ташкилотларига тааллуқли эканлиги;

— давлат органлари қарорларининг давлатнинг ҳудудида ва унинг ташқарисида кимгаки дахлдор бўлса, уларнинг ҳаммаси учун умумий мажбурийлиги;

— бошқа давлат ҳокимиятининг ҳар қандай кўри-нишини бекор қилиш ва мавжуд эмас деб ҳисоблаш мумкинлиги;

— давлатнинг норматив ҳужжатларида, суд, бош-қарув органлари ва бошқа муассасаларнинг қарорла-рида ўз аксини топган кўрсатмаларни мустақил чи-қаришга, санкция беришга ва қўллашга мутлақ ва-колати.

Давлат тушунчасини қуйидаги тартибда белгилаш мумкин. Давлат — бу сиёсий ҳокимият ташкилотидир. У жамият ривожланишининг индустрлаштиришгача бўлган даврида ҳукмрон синфнинг иродасини ифода-лаган, индустрлаштиришдан кейинги даврда эса дав-лат ҳокимияти тепасида турган демократик кўпчилик ёки халқнинг иродасини ифодалашга ва манфаатла-рини ҳимоя қилишга даъват этилган. Сўзнинг тор маъносида давлат деганда бошқарувчи тизимни ҳам тушуниш мумкин. У индустрлаштиришгача бўлган даврда ҳукмрон синфнинг манфаатларини ифодала-ган ва ҳимоя қилган, индустрлаштиришдан кейинги даврда эса демократик кўпчиликнинг ёки халқнинг манфаатларини ифодалаган.

### 5-§. Давлатнинг типлари

Давлат ва ҳуқуқ назариясида давлатни типларга ажратишда ягона ёндашув йўқ. Анъанага кўра қул-дорлик жамияти тарихдаги биринчи давлат ҳисобла-нади. Давлатнинг бу типининг пайдо бўлиши эрамиз-гача бўлган IV—III асрларга тегишлидир. Бундай давлатлар Қадимги Мисрда, Қадимги Хитойда ва Ик-ки дарё оралиғида пайдо бўлган. Қулдорлик давлати тизими Қадимги Греция ва Қадимги Рим антик дав-латларида энг тўлиқ ривожланган.

Эксплуатация шаклининг ўзгариши қулдорлик ти-пидаги давлатнинг феодал давлат билан алмашинишига олиб келди. Европада унинг пайдо бўлиши янги эра-нининг V—XI асрларига тўғри келади. Феодал жамият-нинг асосини феодалнинг ерга бўлган хусусий мулкчилиги ташкил этар эди, феодал давлат эса фео-даллар синфи диктатураси эди.

Ишлаб чиқаришнинг янада ўсиши, савдонинг ри-вожланиши янги эксплуататорлик синфи — капита-листлар синфининг пайдо бўлишига олиб келди. Ўз-галар меҳнатидан фойдаланишнинг капиталистик

шакли қулдорлик ва феодал шакллардан фарқ қилган ҳолда меҳнаткашларнинг эксплуататорларга шахсан, очикдан-очик қарамлигига эмас, балки расман эркин бўлган, бироқ ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган ва шу сабабли яшаш учун ўз иш кучини капиталистик корхоналарнинг эгаларига сотишга мажбур бўлган ёлланма ишчилар синфининг яширин иқтисодий қарамлигига асосланар эди.

Капиталистик тузумдаги давлат яқин вақтларгача эксплуатация қилинувчиларни эксплуататорларга бўйсундиришда ёрдам берувчи, уларни жамиятни ташкил этишнинг муайян тарихий шаклига мос келувчи тартибларга риоя қилишга мажбур қилувчи машина бўлиб келди.

Бироқ кейинги ўн йилликларда капиталистик жамиятда жиддий ўзгаришлар юз берди. Ижтимоий манфаатлар синфий манфаатлардан, умуминсоний манфаатлар миллий манфаатлардан, умумий манфаатлар хусусий манфаатлардан устунлик қила бошлади. Демократик ғоялар ва институтлар (ташкилотлар) кенг ёйила бошлади, бу жамиятнинг ривожланишида давлатнинг ўрни ва аҳамиятига таъсир қилмасдан қолмади. Давлат фаолиятининг мазмуни, унинг ижтимоий йўналиши жиддий равишда ўзгара бошлади. Давлат зўрлаш, мажбур қилиш воситасидан борган сари бутун жамият ишларини бошқариш механизмига айлана бошлади. Бу ҳозирги капиталистик жамиятда ижтимоий қарама-қаршиликлар йўқ деган маънони англатмайди, аксинча улар сақланиб қолмоқда, баъзан эса жуда кескинлашмоқда. Лекин улар аввалгилардан фарқ қилган йўллар билан бартараф этилмоқда.

Туркистон ўлкасининг таркибий қисми сифатида таркибига Ўзбекистон ҳам кирган Россияда давлатчиликнинг бу табиий ривожланиш жараёни 1917 йилда пролетар революцияси натижасида тўхтатилди. Меҳнаткашларни бостириш қуроли бўлган эски буржуа давлатини йўқ қилиб ташлаш ва уни социалистик давлат билан алмаштириш, революциянинг ғоявий илҳомчиси В. И. Лениннинг фикрига кўра, бу революциянинг муҳим вазифаларидан бири деб эълон қилинди.

Тўғри, Ленин юқори ижтимоий тузум — социализмга ўтишда давлатдан фойдаланишни шафқатсиз зарируят деб ҳисоблар, капитализм билан янги жамият

Ўртасида ўтиш даври ётади, бу ўз умрини яшаб бўлган, бироқ ҳали мағлубиятга учрамаган капитализм билан туғилаётган янги тузум ўртасида кескин кураш боради, деб ҳисоблар эди. Бу даврда антагонистик синфлар ва улар ўртасидаги кураш сақланиб қолади. Йиқитилган буржуазиянинг қаршилигини енгиш учун қаттиқ чоралар кўриш зарур бўлади. Бу даврда пролетариат диктатураси шаклида намоён бўлган давлат мана шу чора-тадбирларни таъминлайди.

Шафқатсиз чоралар кўриш сиёсати, Лениннинг фикрича, вақтинчалик эди. У янги жамият яратилишини ўзича гарчи узоқ давом этса ҳам, лекин зўравонлик жараёни деб билмас эди. Давлат одамлар жамоасини ташкил этиш воситаси, янги ижтимоий тузумнинг иқтисодий асослари қурилишини, ижтимоий адолат, янги ижтимоий турмуш маънавий соҳасининг ривожланишини таъминловчи сифатида ҳаракат қилади. Эксплуататорлар синфининг тугатилиши ва бир-бирлари билан дўстона муносабатларда бўлувчи ва ҳамкорлик қилувчи синфлар ва ижтимоий гуруҳлардан иборат бўлган жамиятнинг ижтимоий-сиёсий бирлиги шаклланиши билан давлат тобора халқ иродасини ифодаловчига, бутун жамият ҳаётининг сиёсий асосига айланиши керак. Сўнгра Лениннинг фикрича, давлатнинг ўлиши узоқ давом этадиган жараёндир, лекин у революциядан кейинги дастлабки йиллардаёқ бошланиши керак.

Лениннинг назарий хулосалари унинг ўлимидан кейин қаттиқ тафтиш қилинди ва кўп йиллар давомида давлат халқ ҳокимиятидан тўлиқ четлатилган ҳолда маъмурий-тўрачилик аппаратининг манфаатлари ва иродасини ифодаловчи зўрлик ва мажбурлаш қуроли сифатида қаралди.

Давлатнинг кучайиш орқали ўлиши ғояси Сталинга тегишли эмас. Бу ғоя Троцкийдан ўзлаштириб олинган. У 20-йиллар бошидаёқ бундай деб ёзган эди: «Социализмга йўл олмай даражадаги кучларни таранглаштириш ва давлат усуллари орқали ўтади. Ўчишидан олдин лоп этиб ёнадиган чироқ сингари давлат ҳам йўқ бўлиб кетишдан олдин пролетариат диктатураси шаклини, яъни ҳамма жойда ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи шафқатсиз давлат шаклини олади» (А. Д. Троцкий, 15-том, 139-бет).

Мана шундай кўрсатмадан келиб чиққан ҳолда

давлат машинасининг жазоловчи, репрессия қилувчи функциялари асоссиз равишда кучайтирилди. Назарий база ҳам шунга мувофиқ ҳолга келтирилди. «Давлатнинг ўлиши давлат ҳокимиятининг кучсизланиши орқали келмайди, деган эди Сталин 1933 йилда МҚ ва МИҚ нинг бирлашган пленумида, балки унинг ўлаётган синфларнинг қолдиқларини янчиб ташлаш ҳамда ҳали тугатилмаган ва тез орада тугатилмайдиган капиталистик қуршовдан мудофаа қилишни ташкил этиш учун зарур бўлган энг кўп даражада кучайиши орқали келади.

Ҳамма жойни қамраб олувчи аппаратли давлатни мустақкамлаш йўли Сталин вафотидан кейинги даврда ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. «Етук» социалистик жамият қурилишини тугаллаш давлат раҳбариятини доимий равишда такомиллаштиришга бевосита боғлиқ қилиб қўйилди.

Жамиятнинг бутун ҳаётини давлатлаштириш сари тутилган бу йўл унинг ҳаётининг барча соҳаларида, энг аввало иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда оғир из қолдирди.

Умумхалқ мулкани давлат мулки билан бир хил деб билиш, уларни тенглаштириш инсонни бу мулкдан бегоналаштиришга олиб келди, табиий бойликларга ва яшаш муҳитига йиртқичларча муносабатда бўлиш ҳиссини туғдирди. Давлат мулкидан фойдаланиш ҳисобига бойувчи, жуда улкан моддий бойликларни ўзлаштириб олувчи жамиятнинг алоҳида ижтимоий табақаси шаклланди.

Омманинг жамиятни бошқаришдан четлатилиши давлатнинг бесўнақай, носамарали бўлишига олиб келди.

Ҳамма нарсани қамраб олувчи давлатнинг ташкил этилиши психологиянинг алоҳида турини туғдирди. Унинг асосида давлат билан боғлиқ бўлган, ундан чиқувчи ҳар қандай нарсага сажда қилиш ётар эди. Одамлар болаликдан бошлаб давлатни катта куч деб билишга, у учун ҳамма нарсани қилишига, унга бўйсунушга ўрганиб қолдилар. Бу эса фуқароларнинг пассивлигини, итоатгўйлигини, мослашувчанликни, ташаббуссизликни, ижтимоий манфаатлардан четлашишни туғдирди.

Ҳозирги вақтда давлатнинг жамият ҳаётидаги роли, ўрни, мақсад ва вазифасини қайта англашнинг

фаол жараёни кечмоқда, давлат билан ижтимоий тузилмалар, фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги таъсир доираларини фарқлаш юз бермоқда.

Жамиятнинг давлатни ютиб юбориши жараёни мураккаб ва зиддиятлидир. Қандайдир жиҳатлари чекланади, тораяди, бошқалари эса аксинча ривожланади, кучаяди. Давлатни мудофаа қилиш зарурияти, бошқа давлатлар билан муносабатларни қўллаб-қувватлаш, янги жамиятнинг иқтисодий асосларини қуриш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш, миллий ва бошқа муносабатлар туфайли келиб чиққан инқирозли вазиятларни бартараф этиш ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Фақат давлатнинг ўлиши ғояси шубҳа остига олинади. Ҳар ҳолда давлатнинг узоқ вақт мавжуд бўлиши шак-шубҳасиздир.

Давлатнинг анъанавий типологияси билан бир қаторда ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқи назариясида бошқача қарашлар ҳам мавжуд. Улардан бири давлатчилик ривожланишини икки даврга: индустрлаштиришгача бўлган даврга ва индустрлаштиришдан кейинги даврга бўлиб давлатнинг айтиб ўтилган типлари мавжудлигини шубҳа остида қолдиради, бошқалари давлатнинг турли типлари мавжудлигини тан олган ҳолда унинг тараққиёти алмаштирилишини рад этадилар.

Улар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтирмасдан шуни айтиш керакки, бу қарашларнинг ҳар бирида ижобий жиҳатлар бор, лекин кўпчилик қоидалар баҳсли бўлиб, асосан социалистик давлатни давлатнинг олий тип деб ҳисобламасликка қаратилган.

Давлатчилик ривожланишининг илгарилаб боришини рад этиш нотўғри бўлур эди. Буни инсоният жамиятининг бутун ривожланиши тасдиқлаб турибди. Бироқ давлатнинг анъанавий типологиясини икки давр доирасида кўздан кечириш мақсадга мувофиқдир. Бу даврлар қулдорлик, феодал ва капиталистик давлатлар, унинг ўзига хос босқичлари ҳисобланган индустрлаштиришгача бўлган давр ва индустрлаштиришдан кейинги давр бўлиб, ҳуқуқий давлат унинг дастлабки босқичларидан бири ҳисобланади. Ундан кейин давлатнинг янги, янада юқорироқ тип келиши мумкин.

## 6- §. Давлатнинг шакллари

Давлатнинг шакллари деганда ҳокимиятнинг ташкил этилиши, унинг ички тузилмаси ва ҳокимиятни амалга оширишнинг асосий усуллари тушунилади.

Давлатнинг шакллари пайдо бўлиш ва ривожланишнинг аниқ бир тарихий шароитларига, жамиятнинг ижтимоий тузилмасига, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига, географик, иқлим ва бошқа шароитларга, аҳолининг ижтимоий таркибига боғлиқ равишда ҳатто бир формация доирасида ҳам турли-туман бўлиши мумкин. Ўзларига хос бўлган белгиларга қараб улар бошқарув шакли, давлат қурилиши шакли ва сиёсий режим бўйича гуруҳланади.

Бошқарув шакли деганда ҳокимиятнинг ташкил этилиши тушунилади. Бошқарувнинг икки асосий шакли: *монархия* ва *республика* шакллари маълум.

**Монархия** олий давлат ҳокимиятини монарх ифодалайдиган бошқарув шакли бўлиб, у одатда тахтга меросхўрлик бўйича эгаллик қилади, баъзан эса умрбод сайланади. Чекланмаган (мутлақ) монархия (бунда монарх ягона ҳокимият органи ҳисобланади) ва чекланган монархия (бунда монарх билан биргаликда олий ҳокимиятнинг бошқа органи ҳам бўлади) фарқланади.

Монархия қулдорлик жамиятидаёқ шаклланади, феодализмда бошқарувнинг асосий шаклига айланади, бизнинг кунларимизда баъзи давлатларда учраб туради.

**Республика** бошқарувнинг шундай шаклидирки, бунда давлатдаги олий ҳокимият муайян муддатга сайланадиган органлар орқали ифодаланади. Аҳолининг қайси табақалари давлат ҳокимият органларини сайлашда расмий ҳуқуққа эга бўлишларига боғлиқ равишда республика аристократик ва демократик республикага бўлинади. Биринчисида қуйи синфлар ҳокимият ваколати органларини сайлашдан ҳатто расман четлаштирилган бўлади, иккинчисида эса улар бундай органларни шакллантиришда қатнашадилар. Шунингдек парламентлик республика ва президентлик республикалари ҳам мавжуд. Парламент республикаларда сиёсий ҳаётдаги ҳал қилувчи роль парла-

мент томонидан шакллантириладиган ҳукуматга, президентлик республикаларда эса президентга тегишли бўлади.

Давлат қурилиши шакли деганда давлат бирлигини ташкил этиш усули тушунилади. Давлатлар давлат қурилиши шаклига кўра оддий ва мураккаб бўлади.

**Оддий ёки унитар давлат** — бу шундай давлатки, унда бутун мамлакат учун давлат суверинитетини амалга оширувчи ягона давлат ҳокимияти мавжуд бўлади. Унитар давлат вилоятлар, округлар, қўрғон, шаҳарлар, департаментлардан иборат бўлади. Булар маъмурий-ҳудудий бирликлар деб аталади, уларни эса ҳукумат раҳбарлари томонидан тайинланадиган, фақат марказга бўйсунадиган шахслар бошқаради.

**Мураккаб давлат** — бу у ёки бу даражада мустақилликдан фойдаланувчи алоҳида давлат тузилмаларидан иборат бўлган давлатдир. Империя, федерация мана шундай мураккаб давлатлар сирасига киради.

**Империя** — зўрлик билан ташкил этиладиган мураккаб давлат бўлиб, таркибий қисмларнинг олий ҳокимиятга боғлиқлик даражаси жуда турли-тумандир.

**Федерация** — бир қанча давлатлар ёки давлат тузилмалари ихтиёрийлик асосида бирлашган давлатдир. Бу давлатлар муайян мустақилликка — суверенитетга эга бўладилар, бу давлатнинг ёки давлат тузилмасининг Конституциясида қайд қилинади. Федерация унитар давлатдан фарқ қилган ҳолда ҳокимият олий органининг икки босқичига: федератив ёки иттифоқ олий ҳокимият органига ҳамда федерация аъзолари ҳокимият органига эга бўлади.

Давлатлар иттифоқининг конфедерация ва ҳамдўстлик деб аталувчи тури ҳам мавжуд. Конфедерацияга кирувчи давлатлар тўлиқ суверенитетдан фойдаланадилар.

Иттифоқ алоҳида олинган бир сиёсий ёки иқтисодий масалани ҳал этиш учун ташкил этилади. Бунинг учун махсус доимий органлар ташкил этилади. Конфедерация барча аъзоларининг вакиллари уларда қатнашадилар.

«Давлатлар ҳамдўстлиги» деган тушунча ҳам мавжуд. Бу сиёсий-иқтисодий манфаатларнинг ёки коллектив келишиш ва ҳаракат қилишнинг ягона йўлини ишлаб чиқиш асосида ҳал этиладиган бошқа ман-

фаатларнинг умумийлиги туфайли бир-бири билан боғланган мустақил, суверен давлатларнинг ихтиёрий бирлашишидир.

Сиёсий режим деганда давлат ҳокимиятини амалга ошириш усули тушунилади.

Авторитар ва демократик режимлар давлатнинг моҳияти намоён бўлишининг асосий шакллари дир. Бироқ бу режимлар амалда соф ҳолда мавжуд бўлмайди. Жамиятнинг барча типларида сиёсий режимлар ҳар иккала шакл қўшиб олиб борилишидан иборат дир. Уларнинг нисбатига боғлиқ равишда сиёсий режимлар қуйидагиларга бўлинади:

1. Тоталитар (ҳаддан ташқари айниган авторитар, деспотик, тираник);

2. Қаттиқ авторитар.

3. Авторитар-демократик;

4. Демократик-авторитар;

5. Авж олдирилган-демократик;

6. Анархик-демократик (жамият ҳаётининг бошбошдоқлигига, тартибсизликка олиб келувчи айниган-демократик, ундан кейин кўпинча тоталитар ёки энг яхши ҳолатда қаттиқ авторитар режим келади).

## 7-§. Давлатнинг функциялари

Давлатнинг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади. Функциялар деганда жамиятни бошқаришнинг предмети — сиёсий фаолияти ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш механизми тушунилади. Давлат функцияларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар давлатнинг моҳиятидан, ижтимоий вазифасидан келиб чиқади. Давлат функцияларининг вазифалари, мақсадлари ва мазмуни ҳар бир тарихий даврда ўзгариб туради, уларни рўёбга чиқариш эса асосан ҳуқуқий шаклларда ва фақат давлат ҳокимиятига хос бўлган алоҳида усулларда амалга оширилади.

Давлатнинг моҳияти асосан синфий тусга эга бўлган индустрлаштиришгача бўлган жамиятда давлатнинг функцияси ҳам синфий белгига эга бўлади, илгарги таъкидланганидек, давлат бунда ҳам синфий вазифалардан ташқари умумижтимоий вазифаларни ҳал этади.

Индустрлаштиришдан кейинги даврда эса умумижтимоий асослар давлат фаолиятида ҳукмрон мавқени

эгаллай бошлади. У зўравонлик қуролидан тобора кўпроқ умумижтимоий мурасага келиш қуролига айланиб боради. Унинг функциялари инсонпарварлик, демократик мазмун билан тобора кўпроқ тўлиб боради.

Давлатнинг функцияси унинг вазифалари ва мақсадлари билан мустаҳкам боғлиқдир. У бу мақсад ва вазифаларни жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўз ривожланишининг у ёки бу босқичида ҳал қилишига тўғри келади. Давлатнинг мақсад ва вазифалари ўзгарар экан унинг функцияларининг мазмуни ҳам ўзгаради. Турли ижтимоий-иқтисодий формациялардаги давлатнинг функциялари мазмуни айниқса фарқ қилади.

Давлатнинг функцияларини тақсимлашнинг кўп турлари мавжуддир, бироқ уларни ички ва ташқи хилларга бўлиш кенг тарқалган. Ички функциялар давлатнинг мамлакат ичидаги мақсад ва вазифаларини таърифлайди. Синфий ҳукмронлик давлати функциясининг асосий мазмуни мажбурлаш, қаршилиқни енгиш, ҳукмрон синф мулкини қўриқлашдан иборатдир. Ижтимоий тотувлик давлати ички функцияларининг асосий мазмуни эса аҳоли турли гуруҳларининг манфаатларини ҳисобга олиш ва мувофиқлаштириш, турли ижтимоий табақалар томонидан қўллаб-қувватланадиган бундай қарорларни ҳаётга татбиқ этишдан иборат бўлади.

Ташқи функциялар бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларни тавсифлайди. Уларнинг мазмуни ички функциялари мазмуни билан мустаҳкам боғлиқдир. Давлат ташқи иқтисодий фаолият ёрдамида ички вазифаларни ҳам ҳал этишга интилади.

Давлатнинг бошқа типларида бўлган каби бизнинг давлатимизга ҳам ички ва ташқи функциялар хосдир. Узоқ вақт давлат ва ҳуқуқ назарияси Совет давлатининг, шу жумладан СССР таркибига кирган Ўзбекистон Республикасининг ички функцияларига қўйидагиларни тегишли деб ҳисоблаб келди:

— ағдарилган синфларнинг қаршилигини енгиш. Бу функция эксплуататорлар синфи тугатилгандан кейин ўз умрини яшаб бўладиган вақтинчалик функция деб қаралди;

— давлатнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва иқтисодиётга раҳбарлик қилишга доир

фаолиятини қамраб олувчи хўжалик-ташкилотчилик функцияси;

— халқ таълими, фан, маданиятга, маърифий ишлар ва оммавий спорт ишларига, оммавий ахборот воситаларига раҳбарлик қилишда намоён бўлувчи маданий-тарбиявий функция;

— иш вақтини нормалашда, ишлаб бериш нормаларини белгилашда, иш ҳақи миқдорларини тартибга солишда, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини белгилашда ифодаланадиган меҳнат меъёрлари ва истеъмол меъёрларини тартибга солиш функцияси;

— давлатнинг соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, уй-жой коммунал хизматлар, транспорт, алоқа, ижтимоий таъминот соҳасидаги фаолиятини қамраб олувчи ижтимоий хизматлар кўрсатиш функцияси;

— ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш, ҳуқуқий нормаларнинг бажарилишини таъминлаш функцияси.

Айтиб ўтилган функцияларни танқидий кўздан кечирганда уларнинг кўпчилик қисми соф маъмурий нуқтан назардан қаралганлигини ҳамда давлатнинг фаолияти моҳият эътибори билан аппаратнинг фаолиятини бир қилиб қўйилганлигини пайқаш мумкин.

Шу муносабат билан давлатимизнинг ички функцияларини унинг ривожланишининг ҳозирги босқичида қуйидаги тартибда шакллантириш тўғри бўлур эди:

— янги жамиятнинг иқтисодий асосини қуриш;

— инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ижтимоий адолатни таъминлаш;

— янги ижтимоий турмушнинг маънавий соҳаси ривожланишига кўмаклашиш

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

— ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий нормаларнинг бажарилишини таъминлаш.

Бу функциялар ривожланишнинг ҳозирги босқичида давлат олдида турган вазифаларни аниқроқ ифодаб беради.

Республика Президенти И. А. Қаримов жамият иқтисодий турмушининг янги асосларини қуриш даврида етакчи ўрин тутишга даъват этилганлигини қайта-қайта таъкидлайди. Тангликдан, турғунлик ҳолатидан чиқиб олиш, иқтисодиётни бозор асосига ўтказиш давлатнинг фаол таъсирсиз самарали амалга оши-

рилиши мумкин эмас. Айнан давлат иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади, тадбир-корликни рағбатлантиради, мулкчиликнинг барча шакллари ривожланишини, мулкдорни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлайди. Давлат эса монополизмга интилишга ва носамимий рақобатга барҳам бериши, истеъмолчининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини, республиканинг ташқи иқтисодий алоқалари тартибга солинишини таъминлаши керак.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ижтимоий адолатни таъминлаш бугунги кунда давлатнинг муҳим функцияси ҳисобланади. У республика Конституциясидан келиб чиқади. Унда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқларнинг муҳим вазифаларидан бири демократик ҳуқуқий давлат қуришдан иборат деб қайд қилинган. Бундай давлатнинг асосий принципларидан бири эса инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ижтимоий фаровонликни таъминлаш, республиканинг барча фуқаролари учун тенг имкониятлар яратиш, давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлганларни ижтимоий ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ўзбекистоннинг ўз ривожланиш ва янгилиниш йўли халқининг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга асосланади, чунки бу республика тараққиёти ва унинг бутун инсоният билан бирлигининг мустаҳкам кафолати ҳисобланади. Маънавиятни тиклаш бутун жамиятнинг, биринчи навбатда давлатнинг ғамхўрлигидир. Давлат маориф, фан, маданият, фуқаролар соғлиги соҳасидаги ўз сиёсатини ишлаб чиқади ва турмушга татбиқ этади, янги ижтимоий турмуш маънавий соҳасининг ривожланишига ҳар томонлама кўмаклашади.

Республикадаги экологик вазиятнинг жиддий хавф туғдиришига сабаб бўлувчи табиий муҳитнинг жадал эксплуатация қилиниши атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашни муҳим давлат вазифаси даражасига кўтарди.

Мураккаб жиноий вазият, қонунлар, фармонлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг паст даражада эканлиги республикада қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш вазифасини жуда долзарб ва муҳим қилиб қўяди.

Назария ва практика яқин вақтларгача бизнинг

давлатимизнинг ташқи функцияларига қуйидагиларни киритар эди:

— тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун кураш;  
— ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам;

— ўз озодлиги учун курашаётган халқлар билан иттифоқни қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий мустақилликни қўлга киритган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш:

— давлат мудофааси ва уни ҳимоя қилиш.

Бугунги кунда юзага келган ҳолат биринчи уч функция ўз маъносини йўқотганлигидан, тўртинчи — мудофаа функцияси эса қайта кўриб чиқишни талаб қилишидан далолат беради. Илгари унинг мазмуни империалистик давлатларнинг гўё доимий равишда хавф солиб туришига қаршилик қилишга қодир бўлган ҳарбий қудратни ҳар томонлама ошириш зарурлиги билан белгиланар эди. Ҳозир республиканинг ҳарбий сиёсати мудофаа қобилиятини етарли даражада сақлаб туриш принципига асосланади. Қуролли кучлар мутлақо республиканинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилади.

Шу билан бирга янги функция фавқулодда муҳим аҳамият касб этди. Улардан бири — республиканинг жаҳоннинг барча мамлакатлари, биринчи навбатда илгари СССР таркибига кирган давлатлар билан иқтисодий интеграцияси, иккинчиси — халқаро вазиятни соғломлаштириш ва давлатлар ўртасидаги ишонччи мустаҳкамлаш, миллатлараро муносабатларни тартибга солишда қатнашишдир.

### 3-БОБ. ҲУҚУҚНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ ВА МОҲИАТИ

1. Ҳуқуқнинг пайдо бўлиши.
2. Ҳуқуқнинг моҳияти ва белгилари.
3. Ҳуқуқ ва ахлоқ.
4. Ҳуқуқий норма ва ҳуқуқнинг шакллари.
5. Ҳуқуқ тизими.
6. Ҳуқуқнинг типлари.
7. Ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий устқурма.

#### 1-§. Ҳуқуқнинг пайдо бўлиши

Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг қарама-қарши

синфларга бўлиниб кетиши ҳуқуқнинг — иқтисодий ҳукмрон синфнинг иродасини ифодаловчи, давлат томонидан мустаҳкамланган ва давлатнинг мажбурлаш чоралари билан таъминланадиган умумий мажбурий хулқ-атвор қоидалари тизимининг пайдо бўлишига олиб келди.

Ибтидоий жамоа тузумида ҳуқуққа зарурият бўлмади. Айни вақтда қулдорлик тузуми давридаги ижтимоий ҳаётда анархия, тартибсизлик йўқ эди. Ҳам уруғ ичидаги, ҳам қабилалар ва уруғлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар урф-одатлар билан тартибга солинар эди. Бу урф-одатларда ажодлар томонидан тўпланган хулқ-атвор тажрибаси қайд қилинар ва уруғ аъзоларининг бир-бирига мос келувчи манфаатлари ифодаланарди. Урф-одатларга риоя қилиш бутун жамиятнинг манфаатларига жавоб берар ва шу сабабли уни таъминлаш мажбур қилишнинг махсус аппаратини талаб қилмас эди. Умум қабул қилинган урф-одатлардан ҳар қандай чекиниш уруғнинг манфаатларига зид бўлар ва жамиятнинг қоралашига олиб келар эди. Шунинг учун урф-одатларга ихтиёрий равишда риоя қилинар эди.

Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ва жамиятнинг синфларга бўлиниши билан урф-одатлар ўз ижтимоий характерини йўқотади, бинобарин уларни ихтиёрий ижро этиш асослари бузилади. Уруғларнинг бойлардан иборат юқори табақаси ҳокимиятни ўз қўлида тўплаб олиб, жамиятга ўзининг тор гуруҳий манфаатларини ифодаловчи янги хулқ-атвор қоидаларини зўрлик билан киритишга, уларни эски урф-одатлар билан алмаштиришга ёки уларнинг мазмунини ўзгартириб ўз мақсадларига мослаштиришга интилди. Қулларнинг пайдо бўлиши уларнинг ҳуқуқсизлигини мустаҳкамловчи нормаларнинг зарурлигини келтириб чиқарди.

Бундай аҳвол уруғнинг барча аъзолари, айниқса қуллар ва камбағаллар томонидан умумий манфаатларнинг ифодаси сифатида қабул қилиниши мумкин эмас эди. Шу сабабли уларнинг қаршилиги кучайиб борди. Мулкдорларнинг манфаатлари ва иродасини ифодалайдиган, мажбурий бўлган ҳамда уларнинг шак-шубҳасиз бажарилиши давлат томонидан таъминланадиган янги қоидалар зарур эди.

## 2- §. Ҳуқуқнинг моҳияти ва белгилари

«Ҳуқуқ» атамаси бир томондан ижтимоий мазмунга (ахлоқий ҳуқуқ, маълум бир ижтимоий ташкилот аъзосининг ҳуқуқи, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи), иккинчи томондан юридик мазмунга (позитив ҳуқуқ, яъни қонун нуқтаи назаридан хулқ-атвор эркинлиги сифатидаги ҳуқуқ) эгадир.

Шахснинг хулқ-атвори ахлоқ, урф-одатлар, анъаналар нуқтаи назаридан асосланган ҳолларда умумижтимоий маънодаги ҳуқуқ тўғрисида сўз боради. Ҳуқуқ тўғрисида юридик ҳодиса сифатида сўз борганда эркинлик, шунингдек хулқ-атвор мажбурияти давлат ҳокимиятининг кучи билан мустаҳкамланиши, норматив аҳамиятга эга бўлиши, қонунлар, бошқа давлат-ҳокимият ҳужжатлари билан мустаҳкамланиши назарда тутилади.

Юридик тушунча сифатида ҳуқуқ объектив ва субъектив ҳуқуқларга бўлинади. Объектив ҳуқуқ — бу шахснинг хулқ-атвори тўғри ёки нотўғри эканлигини белгиловчи умумий мажбурий нормалар тизимидир. Субъектив ҳуқуқ эса хулқ-атворнинг юридик имкониятлари, шахснинг ўз юридик имкониятларини ҳимоя қилиш учун давлатга мурожаат қилиш ҳуқуқидир.

Синфий жамиятда, унинг ривожланишининг ҳозирги замон босқичига қадар, ҳуқуқ ўзида, юқорида айтиб ўтилганидек, иқтисодий ҳукмрон синфнинг иродасини ифодаловчи умумий мажбурий хулқ-атвор нормалари тизимини ифодалар ҳамда синфий, сиёсий ҳукмронликнинг қудратли қуроли ҳисобланар эди. Давлат ҳокимиятини ўз қўлида ушлаб турган синф ёки синфлар ҳуқуқ ёрдамида одамлар ва улар жамоаларининг хулқ-атворини тартибга солар, уларнинг манфаатларига жавоб берувчи ижтимоий муносабатларини мустаҳкамлар ва ривожлантирар эдилар.

Ҳуқуқ айни бир вақтда умумижтимоий тартибга солиш воситаси, ижтимоий ҳаётда уюшқоқлик, тартиб-интизомни таъминлашнинг таъсирчан омили сифатида ҳам иш кўрар эди. Ҳуқуқ моҳиятининг бу жиҳати айниқса жамият ривожланишининг муросисизликдан тотувликка, бостиришдан фикрлар хилма-хиллигига, зўравонликдан келишишга ўтилаётган ҳозирги босқичида намоён бўла бошлади. Ҳуқуқ ҳам давлат сингарин тобора кўпроқ умумий масалаларни

ҳал этиш механизмига айлана бошлади. Маданиятга эришган жамиятда ҳуқуқ бугунги кунда уч асосий вазифани бажаради:

— ташкилий (давлат тузилмасини аниқлаш, унинг органлари ваколатини белгилаш);

— низо ва ихтилофни — муҳофаза қилувчи (жамиятдаги низоларни кўриб чиқиш қоидалари ва уларни ҳал этиш тартибини белгилаш, жамиятни ҳуқуққа хилоф ҳаракатлардан ҳимоя қилиш);

— мафкуравий (одамларнинг онги ва хулқ-атвориغا таъсир кўрсатиш).

Ҳуқуқнинг ижтимоий-синфий моҳияти унинг хусусиятларини зарурият бўлганда давлатнинг мажбур қилиши билан кафолатланадиган умуммажбурий қоидалигини, қатъий расман белгиланганлигини, юксак давлат таъминотини шарт қилиб қўяди.

Ўз навбатида, ҳуқуқ ижтимоий-иқтисодий тузумнинг ҳосиласи сифатида ижтимоий тараққиётнинг боришига кўмаклашган ёки тўсқинлик қилган ҳолда унга жиддий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқ устқурманинг бир қисми ҳисобланган ҳолда барқарор, алоҳида шахсларнинг фикрларига боғлиқ бўлган тарзда юридик нормалар, кўрсатмалар тизими сифатида ҳаракат қилади. Бу жамиятда ҳуқуқий тартиботга барқарорлик бағишлайди ва барча шахслар, шу жумладан давлат органлари, амалдаги юридик нормаларга риоя қилувчи ижтимоий ҳаёт режими ўрнатилиши имконини беради.

Қўрилма тартиботи сифатида ҳуқуқнинг бош мақсади — ижтимоий муносабатларни тартибга солишдир. Ҳуқуқ зарур ёки эҳтимол тутилган хулқ-атвор меъёри ўрнини бажаради, нимани қилиш мумкин-у, нимани қилиш мумкин эмаслигини, жамият манфаатларига зид иш тутмасликни, ижтимоий муносабатлар қатнашчиларининг зарур хулқ-атвори чегараларини белгилайди.

Ҳуқуқ нормалари жамиятнинг барча аъзолари ёки алоҳида гуруҳлар ва тоифаларнинг хулқ-атворини қамраб олган ҳолда умумий тусга эга бўлади. Уларга кўп қирраллик хосдир. Улар узвий ўзаро боғлиқликда, тизимда мавжуд бўлади ва фаолият кўрсатади.

Индустриалаштиришгача бўлган жамиятда муайян синфнинг иродаси, индустриалаштиришдан кейинги жа-

миятда — демократик кўпчилиكنинг иродаси ҳуқуқ-нинг асосий манбаи ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг амалга оширилиши қонуний ҳуқ-атвор, бу қонуний ҳуқ-атворни маънавий ёки моддий воситалар билан рағбатлантириш орқали таъминланади. Лекин ҳуқуқий нормаларни амалга оширишнинг асоси бўлиб давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳисобланади, бу фаолият умуман ҳуқуқнинг махсус юридик хусусиятини ҳам белгилайди.

Юридик нормаларни давлат қўллаб-қувватламаса улар ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсата олмайди, ижтимоий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари ўзининг махсус юридик мазмунини йўқотади. Ҳуқуқ фақат давлат туфайли ҳуқуқ бўла олади.

Бироқ ҳуқуқ билан давлат ўртасида тескари алоқа ҳам мавжуд. Ҳуқуқ давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратади, давлат апаратининг тузилмаси ва принципларини мустаҳкамлайди, унинг ҳокимият кучлари манфаатларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Давлат ва ҳуқуқнинг нисбати муаммоси, яъни ким бош роль ўйнайди — давлатми ё ҳуқуқ деган муаммо ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган жиддий сиёсий ва мафкуравий муаммолардан биридир.

Бизнинг фанимиз яқин-яқинларгача давлат ҳокимиятининг ҳуқуқдан, сиёсатнинг қонундан устун эканлигини тасдиқлар эди. Бу давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар томонидан қонунчиликнинг жиддий бузилишига ва ўзбошимчаликка олиб келди, ҳокимиятни ҳуқуқ-тартиботдан, ҳуқуқдан, ахлоқдан устун қилиб қўйди. Бугунги кунда қўллаб-қувватларда мустаҳкамланиб қўйилган ҳуқуқнинг бирламчилиги, давлатнинг қонунга бўйсунуши, давлат суверенитетининг ҳуқуқий ташкил этилиши конституцион тус олди.

Айтиб ўтилганларни яқунлаган ҳолда ҳуқуқнинг таърифини қўйидаги тартибда ифодалаш мумкин. Ҳуқуқ — бу жамиятнинг ижтимоий табиатидан келиб чиқувчи ва ҳукмрон синфнинг, демократик кўпчилиكنинг ёки бутун жамиятнинг ягона иродасини ифодаловчи, қонун билан мустаҳкамланган ва давлатнинг мажбурлаш кучи билан таъминланадиган ҳуқ-атворнинг юридик қоидалари мажмуидир.

### 3- §. Ҳуқуқ ва ахлоқ

Ҳуқуқ ахлоқ билан узвий боғлангандир. У жами-ятдаги эзгулик ва ёмонликка, бурч ва адолатга, орномус, виждон ва ҳоказоларга бўлган хулқ-атвор қоидалари ва принциплари тизимидан иборатдир. Ахлоқ ҳуқуқдан анча илгари пайдо бўлган. У ибтидоий жамоа тузумидаёқ инсонларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солган. Ахлоқ нормалари ёзма равишда қайд этилмайди ва агар ҳуқуқ нормалари давлатнинг мажбур этиши билан таъминланса, унда ахлоқ нормалари бузилганлиги учун инсон жамоатчилиги танбеҳига дучор қилинади. Ахлоқ нормалари инсон хулқ-атворини ҳаётнинг ҳуқуқ орқали тартибга солиш мумкин бўлмаган ва улар мақсадга мувофиқ ҳам бўлмаган соҳаларида тартибга солади.

Лекин ахлоқ ва ҳуқуқ тафовутлари билан бир қаторда ички бирлик ва ўзаро таъсирчанлиги билан характерланади. Бу шу билан изоҳланадики, ахлоқ ва ҳуқуқ устқурманинг бир қисми, элементлари ҳисобланади ва ягона мақсад ва вазифаларга эга, ўз принциплари ва мазмуни билан бир-бирига мувофиқ. Ҳуқуқ ва ахлоқ ўзаро бир-бирини тўлдиради. Ҳуқуқ ахлоқнинг таъсирчанлигини кучайтиради, ахлоқ эса ҳуқуқнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Амалда ҳамма ҳуқуқий нормалар ахлоқий асосга эга. Бу ахлоқий таъсир, жамоатчилик фикри, тарбиялаш ва ишонтириш усулларида ҳуқуқ нормаларини ба-жарилишини таъминлашнинг ҳал қилувчи воситалари сифатида фойдаланиш имконини беради. Қонунларга риоя қилиш фуқароларнинг нафақат юридик, балки маънавий мажбурияти ҳисобланади, қонунни бузиш нафақат юридик, балки ахлоқий нормаларнинг қўлланилишига олиб келади. Ҳуқуқ нормаларини мукамаллаштиришда ахлоқ катта роль ўйнайди, ҳуқуқ нормалари эса уларни одамлар онгига сингдиришга ёрдам беради.

### 4- §. Ҳуқуқий норма ва ҳуқуқнинг шакллари

**Ҳуқуқий норма.** Ҳуқуқий норма маълум бир шароитларда ўзини қандай тутиш ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган иродавий тартибга солувчи кўрсатмадир. Ҳуқуқий норма ижтимоий норманинг бир туридир. Унинг хусусияти шундаки, бу давлат билан мус-

таҳкам боғлангандир. У қонунда ёки бошқа ҳуқуқий актда акс эттирилган бўлиши, давлатнинг мажбурлаш кучи билан таъминланиши керак. Ҳуқуқий норма ижтимоий муносабатларни давлатнинг вазифалари ва функциялари билан мос келган ҳолда тартибга солинишига қаратилгандир. Давлат эса ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши шаклларини белгилаб беради.

Ҳуқуқ нормалари тақиқловчи, мажбур қилувчи ва ваколат берувчи нормаларга бўлинади. Тақиқловчи нормалар у ёки бу ҳаракатларни тақиқлайди. Мажбур қилувчи нормалар эса бирор-бир ҳаракатларнинг амалга оширилиши зарурлигини, шунингдек шахснинг хулқ-атвори эркинлигини чекловчи доираларга риоя қилиш кераклигини ва шу доиралардан чиқувчи хатти-ҳаракатлар қилмасликни белгилаб беради. Ваколат берувчи нормалар у ёки бу ҳаракатлар (ишлар) ни қилиш ҳуқуқини беради.

**Ҳуқуқнинг шакллари.** Ҳуқуқ нормалари ижтимоий муносабатларни тартибга солиши учун улар маълум бир шаклда акс эттирилган бўлиши керак. Ҳуқуқнинг тўрт шакли маълумдир: одат, суд прецеденти (намуна), норматив акт ва халқаро шартнома, одат — хулқ-атвор қондаси бўлиб, бу хулқ-атворнинг узоқ вақт қўлланилиши оқибатида шаклланган. Бироқ давлат томонидан тасдиқланган одатгина ҳуқуқ манбаи бўлиши мумкин. Бу кулдорлик ва феодал жамиятларда фаол қўлланилган ҳуқуқнинг энг қадимги шакли бўлиб, ҳозирги вақтга келиб амалда ўз кучини йўқотган.

*Суд прецеденти*—суднинг умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган аниқ бир иш бўйича қароридир.

*Норматив акт* — ҳозирги кун учун энг характерли бўлган ҳуқуқ шаклидир. Норматив акт — ҳуқуқ нормаларининг белгиланиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига қаратилган, давлатнинг тегишли органи томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актни ўзида намоён қилади. Ҳамма давлат органлари ҳам норматив актларни чиқариш ҳуқуқига эга эмаслар. Улар фақат давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари томонидан чиқарилиши мумкин. Бунда ҳар бир орган фақат маълум турдаги актларни чиқариши мумкин.

Норматив актлар орасида давлат сиёсати, жамият-

нинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги ҳамма муҳим тадбирлар акс эттирилган қонунлар асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси республика қонунлари Олий Мажлис томонидан ёки халқнинг овоз бериши (референдум) йўли билан қабул қилинишини белгилади. Қонун олий юридик кучга эгадир. Бошқа ҳамма норматив актлар қонун кучидаги ҳужжатлар ҳисобланади. Улар қонунга тўла мос келиши ва унга зид келмаслиги керак. Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва буйруқлари муҳим актлардан ҳисобланади. Ҳокимлар Республика қонунлари уларга йўл қўйиб берган ваколатлар чегарасида қарорлар қабул қилдилар.

Ҳокимият ва бошқарувнинг олий органлари қонунлари, фармонлари, қарорлари ва буйруқлари асосида вазирликлар ва бошқармалар, халқ хўжалигининг маълум бир соҳасида, ташкилотлар ва муассасаларда юзага келувчи у ёки бу муносабатларни тартибга солувчи фармон ва йўриқномалар чиқарадилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, қонун Олий Мажлис томонидан ёки референдум йўли билан қабул қилинади. Қонуннинг Олий Мажлис томонидан киритилиши бир неча босқичдан иборатдир:

Биринчи босқич — қонун чиқариш ташаббуси, яъни қонун лойиҳасини давлат ҳокимиятининг олий органига киритиш. Конституцияга биноан қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Республика Вазирлар Маҳкамаси, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

Иккинчи босқич — қонун лойиҳасини муҳокама қилиш. Республика Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритилган қонунлар лойиҳаси сессиялар ва комиссияларда муҳокама қилинади. Анча муҳим қонунлар умумхалқ муҳокамасига қўйилади.

Учинчи босқич — қонуннинг қабул қилиниши. Республика Олий қонун чиқарувчи органи аъзоларининг кўпчилиги қонун учун овоз берган бўлса у қабул қи-

лингган ҳисобланади. Конституция эса овозларнинг учдан икки ортиқлиги билан қабул қилинади.

Тўртинчи босқич — қонуннинг эълон қилиниши. У қабул қилинган кундан бошлаб етти кун муддат ичида «Олий Мажлис ахборотномаси»да, шунингдек, «Халқ сўзи» ва «Правда Востока» газеталарида эълон қилинади.

**Референдумни ўтказиш тартиби.** Референдумни ўтказиш тартиби Республика Олий Мажлиси томонидан 1991 йил 18 ноябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида референдум тўғрисида»ги Қонун билан қатъий белгиланади. Шу Қонунга кўра референдум — давлат ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қарорларни қабул қилиш халқ ҳокимиятининг бевосита амалга ошириш усули ҳисобланувчи жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз беришидир. Референдум томонидан қабул қилинган қарорлар олий кучга эга ва фақат референдум йўли билангина ўзгартирилиши мумкин.

Республиканинг давлат яхлитлигини ўзгартириш, солиқ, бюджет, амнистия (авф этиш), аҳолининг саломатлиги ва хавфсизлигини, жамоатчилик тартибини таъминлашга доир фавқулодда ва шошилиш чоралар тўғрисидаги Республика томонидан имзоланган, халқаро шартномалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш ҳақидаги масалаларни, шунингдек мансабдор шахсларни тайинлаш ва озод қилиш билан боғлиқ масалаларни референдумга олиб чиқишга қонун томонидан йўл қўйилмайди.

Референдумда руҳий хасталардан ишга лаёқати йўқ, шунингдек судни ҳукми бўйича озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган ёки уларга нисбатан жиноий-процессуал қонунга мос равишда жиноятнинг олдини олиш чораси — қамоққа олинган шахслардан ташқари Республиканинг ҳамма вояга етган фуқаролари иштирок этади. Референдумда иштирок этиш учун фуқаролар ҳуқуқини бошқа чеклашлар қонун томонидан кўзда тутилмайди.

Референдумда иштирок этиш учун фуқаро ҳуқуқини эркин амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи шахслар қонун томонидан белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Фуқаронинг референдумда иштирок этиши ихтиё-

рий, бевоситадир. Овоз бериш яширин равишда ўтказилади, фуқароларнинг хоҳишлари устидан назоратга йўл қўйилмайди. Республика фуқаролари референдумда тенг ҳуқуқлилиқ асосида иштирок этадилар. Ҳар бир фуқаро шахсан овоз беради ва бир овозга эга.

Референдумни ўтказишнинг муҳим принципларидан бири ошкоралиқдир. Ошкоралиқ референдумни тайёрлаш ва ўтказишда сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, оммавий ҳаракатлар, давлат ва жамоат органлари, жамоалар ва фуқароларнинг кенг қатнашиши билан таъминланади. Уларга референдумга қўйилган масала учун ёки унга қарши овоз бериш учун тўсиқсиз тарғибот қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Улар референдумни ўтказиш комиссияларининг мажлисларида, шунингдек, овоз беришда ва участкаларда овозларни санашда, референдум натижаларини аниқлашда қатнашишлари мумкин. Фақат референдум ўтказиладиган куни ташвиқот қилиш тақиқланади.

Референдумга тегишли барча қарорлар ҳамда қонунлар ёки бошқа қарорларнинг лойиҳалари, улар тегишли органлар томонидан қабул қилинган пайтдан бошлаб етти кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Оммавий ахборот воситалари вакилларига референдум бўлиқ барча йиғилишлар ва мажлисларга тўсиқсиз кириш ва тегишли ахборотни олиш таъминланади.

Референдум комиссияси аҳолини ўз таркиби, жойлашган ўрни ва иш вақти тўғрисида, овоз бериш учун участкалар ташкил этилганлиги ва референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхати ҳақида ўз вақтида ахборот бериши керак.

Айни бир вақтнинг ўзида қонун референдум комиссияси аъзоларининг, давлат ва жамоат органлари мансабдор шахсларининг, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар вакилларининг ташаббускор гуруҳ аъзоларининг, имзолар тўпловчи шахсларнинг референдум ҳужжатларини сохталаштирганлик, овозларни қасдан нотўғри ҳисобланганлик, яширин овоз бериш принципини бузганлик ва бошқалар учун жавобгарлигини белгилайди.

Референдумни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи Республика Олий Мажлисининг мут-

лақ ваколоти ҳисобланди. Уни ўтказиш ташаббуси ҳам унга тегишлидир. Ташаббус кўрсатиш ҳуқуқи барчага берилади.

Ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини амалга ошириш учун референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган камиди тўрт юз минг фуқаронинг имзоси қўйилган референдум ўтказиш тўғрисидаги талабнома бўлиши керак. Исталган фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи имзо тўплаш ҳуқуқи ташаббусига эга бўлади. Референдум ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган камиди уч юз фуқаро қатнашиши керак бўлган йиғилишда қабул қилинади. Йиғилиш ўтказилиш жойи ва вақти тўғрисида ҳоким камиди ўн кун олдин хабардор қилиниши керак.

Референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва референдумга қўйиладиган матн тасдиқланган тақдирда йиғилиш очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан таркибда камиди ўн кишидан иборат ташаббус гуруҳини сайлайди ва унга имзо тўплашни ташкил этишни топширади. Йиғилиш баённомаси унинг қатнашчилари рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва ташаббус гуруҳининг рўйхати билан рўйхатга олиш учун ҳокимга берилади. Ҳоким баённома олинган пайтдан бошлаб бир ҳафта муддатда ташаббус гуруҳини рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак. Рўйхатга олишни рад этиш қонун талаблари бузилган тақдирдагина қабул қилиниши мумкин. Ҳокимнинг ташаббус гуруҳини рўйхатдан ўтказиш рад этилган қарори билан келишилмаган тақдирда, бу қарор устидан халқ судига шикоят қилиниши мумкин. Халқ суди беш кун муддатда бу шикоят бўйича узил-кесил қарор қабул қилиши керак.

Ташаббус гуруҳи ҳоким томонидан рўйхатга олинган тақдирда қарор қабул қилингандан кейин уч кун ичида бу ҳақда ташаббус гуруҳи вакилларига қарорнинг нусхаси ва гуруҳ аъзолари гувоҳномаси берилади. Ташаббус гуруҳлари сони чекланмайди. Уч ва ундан ортиқ ташаббус гуруҳларининг қарори бўйича мувофиқлаштирувчи ташаббус гуруҳи ташкил этилишига йўл қўйилади. Ташаббус гуруҳининг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Олий Мажлис раисига берилади.

Референдум ўтказиш тўғрисидаги талабномага имзо тўплаш рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор нусхаси олинган пайтдан бошланади ва ушбу референдум бўйича ташкил этилган биринчи ташаббус гуруҳларининг олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олинган кундан бошлаб икки ойдан кўп бўлмаган муддатда давом эттирилиши мумкин. Имзолар махсус имзо варақаси бўйича тўпланади. Варақада референдумга қўйиш таклиф қилинаётган масаланинг қисқача таърифи ёки таклиф этилаётган қонун лойиҳаси моҳиятининг баёни қайд қилинган бўлиши керак. Референдум ўтказиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаган фуқаро фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган йилини, яшаш жойини, паспорти номери ва сериясини ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг номерини, имзо чекилган санани кўрсатган ҳолда имзо варақасига имзо чекади. Имзо варақалари ташаббус гуруҳининг раиси ва аъзоларидан бири томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Имзо тўплаш тамом бўлгандан кейин ташаббус гуруҳи қайднома тузади, у халқ депутатлари Кенгашининг муҳри билан тасдиқлангандан кейин Олий Мажлис раисига юборилади. Ундаги маълумотлар умумлаштирилади ва республика Олий Мажлиси тегишли қўмиталари ва комиссияларининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда референдум тайинлаш тўғрисидаги масала республика Олий Мажлиси сессиясининг кун тартибига киритилади. Сессия у бўйича қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

— референдум тайинлаш, уни ўтказиш санаси, уни таъминлаш чоралари тўғрисида;

— «Референдум тўғрисида»ги қонун бузилган тақдирда референдум тайинлаш тўғрисидаги қарорни рад этиш ҳақида;

— референдум ўтказиш тўғрисидаги талабда таклиф қилинаётган қонун ёки бошқа қарорни референдум ўтказмасдан қабул қилиш тўғрисида.

Олий Мажлис қарори референдум ўтказиш тўғрисидаги талаб тушган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши керак. Қабул қилинган қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилингандан кейин ўн кундан кечикмай референдумга қўйиладиган қонун ёки қарорнинг лойиҳаси эълон қилинади.

Референдум уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб камида бир ойдан кейин ва уч ойдан кечикмай ўтказилади. Бироқ республика Олий Мажлиси бу муддатни узайтириши мумкин.

Бундан ташқари, қонун референдумни моддий таъминлаш, референдумни ўтказиш бўйича Марказий, округ, участка комиссияларининг ваколатлари ва ишини ташкил этиш тартибини, округлар ва участкалар тузиш тартибини, референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатларини тайёрлашни белгилайди.

Белгилаб қўйилганки, овоз бериш референдум ўтказиш кунда маҳаллий вақт билан соат еттидан йигирмагача ҳарбий қисмларда, ташкил этилган участкаларда, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналарда, бориш қийин бўлган чекка жойлардаги участкаларда ўтказилади. Агар сайловчилар рўйхатига киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, овоз бериш участка комиссияси томонидан исталган вақтда тамомланиши мумкин.

Референдумни ташкил этиш, уни ўтказиш ва овозларни ҳисоблаб чиқиш «Республика халқ депутатлари сайловлари тўғрисида»ги қонун талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Агар овоз беришда референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг ярмидан ками қатнашса, референдум бўлиб ўтмаган ҳисобланади.

Агар референдумга муқобил вариантлар киритилган ва улардан ҳеч бири талаб этиладиган кўпчилик овозни олмаса, барча вариантлар рад этилган ҳисобланади. Қонун бузилишлари аниқланган ҳолларда референдум натижалари республика Олий судига шикоят қилиниши ва бир ой мобайнида ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин. Референдум яқунлари оммавий ахборот воситалари орқали республика аҳолисига овоз бериш тамом бўлгандан кейин ўн кундан кечикмай маълум қилиниши керак.

Овоз бериш натижалари бирор-бир округ бўйича ҳақиқий эмас, деб топилган ҳолларда референдумни ўтказиш бўйича Марказий комиссия тегишли комиссияга икки ҳафта муддат ичида ушбу округда, участкада такрорий овоз беришни ўтказишни топширишга ёки уларсиз референдум умуман ҳақиқий деб топилши шарти билан бундай округлар, участкалар бў-

йича овоз бернш натижаларини референдумнинг умумий натижаларидан чиқариб ташлаши мумкин. Марказий комиссиянинг қарори бир ҳафта ичида Олий судга шикоят қилиниши мумкин.

Референдумда қабул қилинган қарор унинг натижалари тўғрисида расмий хабар берилган пайтдан бошлаб етти кундан кечикмай эълон қилинади ва, агар референдум қарорининг ўзида бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**Юридик нормаларнинг макон, вақт ва шахслар доираси бўйича амал қилиши.** Ҳуқуқий ҳужжатлар шаклида ифодаланган ҳуқуқий нормалар ижтимоий муносабатларни вақт, макон ва шахслар доираси билан чекланган муайян доираларда тартибга солади. Бу чегаралар ҳуқуқий ҳужжатда бевосита кўрсатилиши йўли билан ёки умумий кўрсатмалар йўли билан белгиланади.

Ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг бошланиши унинг кучга кириши пайтидан бошлаб белгиланади. Ҳуқуқий ҳужжат, биринчидан, у қабул қилинган ёки эълон қилинган вақтдан бошлаб; иккинчидан, ҳуқуқий ҳужжат эълон қилингандан кейин белгиланган муддат тугаши муносабати билан; учинчидан, ҳужжатнинг ўзида ёки бу ҳужжатни тасдиқлаган қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган вақтдан бошлаб кучга киради.

Норматив ҳужжатнинг амал қилиш вақти унинг кучга кириши пайтидан бошлаб амал қилиши тўхтатилган пайтгача ўтган вақт билан белгиланади. Ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши янгидан қабул қилинган ҳужжат матнида ёки ваколатли органнинг махсус қарорида бекор қилиш тўғрисидаги тўғридан-тўғри кўрсатма натижасида: илгари амал қилинган норматив ҳужжатни алмаштирувчи янги норматив ҳужжатнинг қабул қилиниши муносабати билан: норматив ҳужжатнинг ўзида белгиланган амал қилиш муддати тугагандан кейин тўхтатилади.

Қабул қилинган қонун, одатда, у кучга киргандан кейин пайдо бўлган муносабатларни тартибга солади ва амалга оширилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга даҳл қилмайди, яъни орқага қайтиш кучига эга бўлмайди. Лекин бу қонундан истисно бор. Жинсий ху-

қуқ нормалари, агар улар қилмиш жазоланиши кераклигини бекор қилса ёки жазони енгиллаштирса, орқага қайтиш кучига эга бўлади. Лекин бу ҳақда қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилиши керак.

Норматив ҳужжатнинг маконда амал қилиши унинг бирор-бир худуд доирасида рўёбга чиқарилишини англатади. Қорақалпоғистон Республикасининг норматив ҳужжатлари фақат мана шу республика ҳудудида, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳужжатлари — фақат тегишли вилоят, туман, шаҳар доирасида амал қилади.

Норматив ҳужжатларнинг шахслар доирасида амал қилиши республика ҳудудида Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган қонунлар республиканинг барча фуқароларига, мансабдор шахсларга, жамоат ташкилотларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ва хорижий фуқароларга жорий этилишини назарда тутати. Айрим норматив ҳужжатлар фақат фуқароларга, бошқалари мансабдор шахсларга, учинчи бирлари жамоат ташкилотларига, тўртинчилари фуқаролиги бўлмаган шахсларга ва хорижий фуқароларга тааллуқли бўлади. Айрим ҳолларда қонун қонуннинг амал қилиши (жорий этилиши) тааллуқли бўлган шахслар доирасини тўғридан-тўғри кўрсатади.

## 5- §. Ҳуқуқ тизими

У ёки бу давлатнинг ҳуқуқини ташкил этувчи юридик нормалар, энг аввало иқтисодий тузумнинг бирлиги ва сиёсий ташкилотнинг бирлиги билан белгиланадиган ички бирлик, ўзаро келишувчанлик билан характерланади. Тартибга солинадиган муносабатларнинг кўп қирралиги туфайли ички яхлит ҳуқуқ муайян таркибий тузилмаларга бўлинади. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда уларнинг ҳир бири мустақил роль ўйнайди. Ҳар қандай жамиятнинг яхлитликда ва таркибий қисмларга бўлинган ҳолда олинган ҳуқуқи ҳуқуқ тизими ҳисобланади. Ҳуқуқ тизими ушбу давлат юридик нормалари ички келишилганлиги ва бирлигини ҳамда айни бир вақтда уларнинг алоҳида таркибий тузилмаларга бўлинишини ифодаловчи иқтисодий ва ижтимоий тузум билан шартланадиган ҳуқуқ тузилмасидан иборатдир.

Қонунлар тизимини ҳуқуқ тизимидан фарқ қила

билиш керак. Ҳуқуқ тизими — бу ҳуқуқнинг ўзидаги ички бўлиниш ҳисобланади. Қонунлар тизими эса қонуний актлар ва бошқа норматив ҳужжатлар нисбатини ифодалайди. Ҳуқуқ тизими ва қонунлар тизими бир-бири билан мустаҳкам боғлиқдир. Ҳуқуқ тизими қонунлар тизимини қуриш учун асос бўлиб хизмат қилади. Айни бир вақтда қонунлар тизими ҳуқуқ тизимига акс таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Ҳуқуқ тармоқларга, кичик тармоқларга, ҳуқуқ институтларига (ташкilotларига) бўлинади. Ўз аҳамиятига, ҳажмига ва умумий ҳуқуқий тартибга солишда улар эгаллайдиган ўрнига кўра бир-бирларидан фарқ қилади.

Ҳуқуқ тармоғи — ҳуқуқнинг энг йирик бўлиниши бўлиб, ўзида ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуини ифодалайди.

Тармоқ кўпинча нормалари ижтимоий муносабатларнинг торроқ гуруҳини тартибга солувчи бутун тармоқ нормалари билан тартибга солинувчи бир ёки бир неча кичик тармоқларни ўз ичига олади. Масалан, мерос ва муаллифлик ҳуқуқлари фуқаролик ҳуқуқининг кичик тармоқлари ҳисобланади.

Тармоқлар ва кичик тармоқлар ҳуқуқий институтларга бўлинади. Ҳуқуқий институт деганда алоҳида гуруҳ сифатида ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган бирор-бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар гуруҳи тушунилади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқидаги мулк институти, шартномалар институти.

Ҳозирги вақтда республика ҳуқуқ фанида ҳуқуқнинг қуйидаги тармоқлари расм-одат бўлиб қолган: халқ суверенитетини амалга оширишнинг сиёсий шаклларини, фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати асосларини, унинг асосий ҳуқуқ ва бурчларини, давлат органлари тизимини шакллантириш тартибини ва уни қуриш принципларини, вакиллик органлари фаолиятининг тузилмаси, ваколати ва ташкилий шаклларини мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат бўлган давлат ҳуқуқи;

маъмурий ҳуқуқ — давлатнинг ижро этувчи ва фармойиш берувчи соҳасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ тармоғи;

пул ресурслари кирими ва тақсимланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи молия ҳуқуқи; ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи ер ҳуқуқи;

товар-пул муносабатларини ва томонларнинг тенглигига асосланган бошқа мулкӣ муносабатларни, шунингдек улар билан бўлган шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқи;

ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини қўллашга доир муносабатларни ҳамда улар билан боғлиқ бошқа айрим муносабатларни тартибга солувчи меҳнат ҳуқуқи;

никоҳ, қариндошлик, фарзандликка олиш ва бошқалардан келиб чиқувчи шахсий номулкий ва улар билан боғлиқ мулкӣ муносабатларни тартибга солувчи оила ҳуқуқи;

қандай ижтимоӣ хавфли ҳаракатлар жиноӣ эканлигини аниқловчи ва жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо белгилувчи жиноӣ ҳуқуқи;

суд томонидан айбдор деб топилган шахсларга нисбатан жазо чоралари ижро этилишини амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини ҳамда бу фаолият жараёнида пайдо бўлувчи муносабатларни тартибга солувчи ахлоқ тузатиш — меҳнат ҳуқуқи;

суд, прокуратура, жиноӣ ишларни куриб чиқиш бўйича дастлабки тергов ва суриштирув органларининг фаолиятини тартибга солувчи жиноят-процессуал ҳуқуқи;

суд органлари ва фуқаролик жараёни бошқа қатнашчиларининг фаолиятини тартибга солувчи фуқаролик-муомала-процессуал ҳуқуқи.

Ҳуқуқнинг барча тармоқлари асосан тартибга солuvi тусга эгадир, лекин улардан айримлари, масалан, жиноят ҳуқуқи асосан қўриқлаш нормаларидан иборат, бу биринчидан, иккинчидан эса ўз мазмунига кўра улар моддий (меҳнат ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи) ва процессуал (жиноят-процессуал ҳуқуқи) нормаларга бўлинади.

Ҳуқуқ тармоқлари юридик режимлар хусусиятига кўра ихтисослик, яъни дастлабки (давлат ҳуқуқи, маъмурий, фуқаролик, жиноят ҳуқуқи ва процессуал ҳуқуқнинг уларга тегишли тармоқлари), махсус (ер, молия, меҳнат, оила, ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи,

ижтимоий таъминот ҳуқуқи), комплекс-иккиламчи (қишлоқ хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, уй-жой ҳуқуқи, прокурор назорати ҳуқуқи) тармоқларга бўлинади.

## 6- §. Ҳуқуқнинг типлари

Ҳуқуқнинг типологиясини аниқлашда, шунингдек, давлат типологиясини кўриб чиқишда ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ назариясида ягона ёндошувлар йўқ. Айрим олимлар ҳуқуқни ижтимоий тузумнинг иқтисодий шароитларига ва ривожланишнинг муайян босқичида унинг ижтимоий тузилмасига боғлиқ бўлган тарихий ҳодиса деб қарайдилар ва шундан келиб чиқиб ҳуқуқнинг тўрт синфий-ижтимоий-иқтисодий формацияга мувофиқ келувчи тўртта тарихий типни фарқлайдилар.

Бошқалар эса ҳуқуқнинг ривожланиш босқичларини давлатнинг ривожланиш босқичлари сингари индустрлаштиришгача ва индустрлаштиришдан кейинги даврга бўлиш керак, деб ҳисоблайдилар. Уйлашимизча, ҳуқуқнинг анъанавий типларини даврлар доирасида уларнинг таркибий қисми сифатида қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Анъанавий ёндашувларга мувофиқ ҳуқуқнинг биринчи тарихий типни қулдорлик ҳуқуқи ҳисобланади. Қулларнинг қулдорлар мулкига айлантирилиши, энг қаттиқ жазолар ёрдамида хусусий мулкнинг қўриқланиши, қулдорларнинг сиёсий жиҳатдан чексиз ҳокимлиги унга хос белгилардир. Вавилонда ва бошқа қадимги Шарқ давлатларида қул эгасининг тўлиқ мулки эди. Лекин қулдорлик ҳуқуқининг энг ривожланган тизими Рим ҳуқуқи эди. Ф. Энгельс уни «хусусий мулк ҳукмронлик қилаётган жамият ҳаёт шароитлари ва низоларининг классик нфодаси» деб атаган эди (21- том, 412- бет). Рим ҳуқуқи кейинги ҳуқуқий тафаккурнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди. Хусусан ашёларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш сифатидаги мулк ҳуқуқи тўғрисидаги Рим хусусий ҳуқуқининг қондаси ҳозирги замон давлатларининг кўпчилиги томонидан тўлиқ қабул қилинган.

Феодал ҳуқуқининг шаклланиш жараёни турли мамлакатларда турлича кечди. Айрим мамлакатларда у қулдорлик жамияти ҳуқуқининг таъсирига учрамай,

ибтидоий жамоа тузуми емирилиши даврида шаклланди (Рус ҳақиқати, Англия-Саксония ҳақиқати). Рим империясининг феодализм даври варвар қабила-ларнинг ҳаракати остида қулдорлик жамияти емирилиши натижасида шаклланган қисмларида қулдорлик ҳуқуқи ва қабила урф-одатларининг таъсири қайд қилинди.

Шарқда, шу жумладан мусулмон дини ҳукмронлик қилган Урта Осиё ҳудудида, ҳуқуқ дунёвий қонунлар кўринишида эмас, балки ислом дини билан мустаҳкам боғлиқ бўлган мусулмон ҳуқуқи ёки шариат (шар — қонун сўзидан келиб чиққан) кўринишида ривожланди.

Ҳуқуқнинг учинчи типи буржуа ҳуқуқи ҳисобланади. Дастлаб у буржуазия ҳукмронлиги тизимининг сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитларини мустаҳкамлаш воситаси сифатида ҳаракат қилди, сўнгра ҳуқуқий давлат ғояси тобора кўпроқ қарор топа бошладди. Ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинди. Айбсизлик презумпцияси, қонунда назарда тутилмаган жазони қўллашга, бир жиноят учун такроран ҳукм қилишга, инсонни қонунда назарда тутилмаган ҳаракати учун ҳукм қилишга, инсонни ҳуқуқий ҳимоядан маҳрум қилишга йўл қўймаслик принциплари шаклланди.

Маданиятга эришган давлатлар қонунларида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган нормалар тобора кўпроқ ўрин эгаллай бошлади. Кишилиқ жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичи ҳуқуқи учун синфий ҳукмронлик ғояси эмас, балки ижтимоий муросага келиш хос бўла бошлади. Умуминсоний қадриятлар: турмуш, саломатлик, адолат, эркинлик, инсоний қадр-қиммат, маънавий қизиқишлар, моддий фаровонлик биринчи ўринга чиқди.

Кейинги вақтларгача социалистик ҳуқуқ деб аталиб келинган ҳуқуқ ҳуқуқнинг энг сўнгги тарихий типи ҳисобланади. Бизнинг ҳуқуқимиз ҳам ҳуқуқнинг мана шу типига тегишли эди. Социалистик ҳуқуқ собиқ Россия империясидаги пролетар инқилобининг натижаси эди.

Бу ҳуқуқ ўзининг мақсади, вазифаси ва принципларига кўра ўзида ҳуқуқнинг олий типини намоён қилиши, кишилиқ жамиятининг олий юридик маданиятини, жаҳон тараққиёти қадриятлари ва ютуқла-

рини ўзида акс эттириши керак эди. Бироқ реал ҳаётда у ўзи эгаллаши керак бўлган ўринга кўтарила олмади. Ҳуқуқ жамиятни сиёсий ҳокимиятнинг бир шахс қўлида тўпланишидан, авторитар бошқарувнинг қарор топишидан сақлаб қола олмади. Ҳуқуқ ўзбошимчаликдан, шахсни эзишдан, қонунийликнинг қўпол равишда бузилишидан сақлаб қолувчи қалқон бўла олмади. Ҳуқуқ инсоннинг фуқаролик фаоллиги учун, унинг ижодий ташаббуси ва мустақиллигини ривожлантириш учун, янги ижтимоий тузум одамларга берадиган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш учун керакли муҳитни таъминлай олмади.

Буларнинг барчаси шу билан изоҳланар эдики, ҳали XX аср бошидаёқ инқилобий ижтимоий фикрда ҳуқуққа нисбатан салбий муносабат шакллана бошланди. Бу муносабат социалистик жамиятни шакллантиришда ва унинг мавжуд бўлишида ҳуқуқнинг ролига етарлича баҳо бермасликка асосланган эди. Ким кимни енгади деган масала ҳал этилаётган инқилобий кураш йилларида қонунга мувофиқ бўлмаган ҳаракатларга йўл қўйилди. Ҳуқуқнинг тез орада ўлиши ва уни ижтимоий турмушни тартибга солишнинг ташкилий-техник воситалари билан алмаштириш тўғрисидаги ғоялар ёйила бошланди. Турмуш инқилоб томонидан қўлга киритилганларни қонун йўли билан мустаҳкамлаш лозимлигини талаб қилганда ҳуқуқ кескин синфий кураш томонидан белгиланган доиралар билан чекланиб қолди. Маъмурий буйруқ-бозлик тизими тобора кўпроқ ҳокимлик кила бошлаган йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмида ҳуқуқни жамият ҳаётининг муҳим омилига айлантириш мумкин бўлган жараёнларда унинг авж олиши имконияти берилмади ва у ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг демократик, иқтисодий усулларига эмас, балки маъмурий буйруқбозлик усуллари томон юз тутди.

Социалистик ҳуқуқ ҳукмрон синфнинг ёхуд ишчилар синфи раҳбарлик мавқеига эга бўлган бутун жамиятнинг иродасини ифодаловчи умумий-мажбурий хулқ-атвор нормалари тизими сифатида қаралган нуқтаи назар совет ҳуқуқ фанида устунлик қилди, сўнгра эса 70 йил давомида ҳукмронлик қилди. Бу нормаларни давлат чиқаради, уларнинг бажарилишини ҳам унинг ўзи таъминлайди.

Ҳуқуқнинг бундай талқин қилиниши унинг жамият турмуш фаолиятининг алоҳида соҳаси сифатида объектив мавжуд бўлиши фактини инкор қилади, эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликларда гуё инсонга юқоридан инъом қилинган бир нарсани кўришга мажбур қилади, барча ҳуқуқий нормаларни кўрсатмалар ва нормалардан, давлат аппарати сиёсий қудратини қарор топтириш қуролидан, давлат йўли билан мажбурлаш воситасидан иборат қилиб қўяди. Ҳуқуқ тушунчасининг марказида давлат туради, у юридик нормаларни белгилайди ва уларга розилик беради, уларнинг бажарилишини таъминлайди. Ҳуқуқни шакллантиришда жамиятнинг, халқнинг, инсоннинг роли йўққа чиқариб қўйилди.

Ҳуқуқий ислоҳот зарурлиги тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилган кейинги бир неча йиллар бизнинг ҳуқуқимиз ривожланишидаги бурилиш нуқтаси бўлди. Ҳуқуқни аввало эркинлик ўлчови, умумижтимоий тартибга солиш қуроли, уюшқоқлик, тартиб-интизомни таъминлашнинг муҳим омили, инсоннинг эркинлиги, индивидуаллиги, ижтимоий эркинликнинг ифодаланиши ва рамзи сифатида тушуниш тобора кенг тус ола бошлади.

Ҳуқуқ табиий-тарихий ривожланишнинг маҳсули, жамият табиатининг ифодаланиши, омманинг ижтимоий-сиёсий ижодкорлиги натижаси деб қаралади. Ҳуқуқнинг ҳақиқий яратувчиси халқдир. У давлатнинг продасини белгилаб беради, унинг ваколатга эга бўлиши ҳуқуқ нормаларини яратади ва уларга умуммажбурий куч бахш этади. Ҳуқуқни давлат эрки — белгиси деб таърифлаш ва у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ нормаларининг мажбурлаш характери иккинчи планга суриб қўйилди, чунки ҳуқуқнинг бу хусусиятлари ўз табиатига кўра иккиламчи, ҳосила ҳисобланади, улар иқтисодий тузумнинг принциплари: ижтимоий адолат, инсонпарварлик, демократия, халқнинг продасидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, бизнинг давлатимиз ҳуқуқини халқнинг манфаатларига жавоб берувчи ва ижтимоий тузумга боғлиқ бўлган кишиларнинг эркин хулқ-атворини тартибга солувчи ва ҳимоя қилувчи тизим сифатида таърифлаш мумкин.

## 7- §. Ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий устқурма

Ҳуқуқ юридик амалиёт ва ҳуқуқий мафкура билан биргаликда ҳуқуқий тизимни ташкил этади. У бирор-бир мамлакатнинг ҳуқуқий воқелиги хусусиятларини ифодалайди. Ҳуқуқ бизнинг республикамизда кўпчилик Европа мамлакатларида бўлгани сингари ҳуқуқий тизимнинг асосий марказий элементи ҳисобланади. Бироқ ҳуқуқий тизимда етакчи роль бошқа элементларга тегишли бўлган мамлакатлар ҳам бор. АҚШда ҳуқуқий тизимда юридик амалиёт биринчи ўринда туради, мусулмон дини ҳукмронлик қилган мамлакатларда эса мусулмон диний ҳуқуқ мафкура-си етакчи роль ўйнайди.

Ҳуқуқ юридик устқурманинг етакчи элементи ҳисобланади, унга шунингдек ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, юридик нормаларни қўллаш ҳужжатлари, қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботлар киради.

Ҳуқуқий онг — ҳуқуқий воқеликнинг онгда акс этиши, унга бўлган муносабатдир. Ҳуқуқий онг — мураккаб маънавий ҳодисадир. У ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психологияга, назарий ва одатдаги ҳуқуқий онгга, ижтимоий, индивидуал ва гуруҳлар билан боғлиқ ҳуқуқий онгга бўлинади. Ижтимоий-ҳуқуқий онг ўз-ўзидан туғилмайди. Ҳуқуқий қарашлар, ғоялар ижтимоий ривожланишнинг объектив қонуниятларини билиш асосида ишлаб чиқилади. Улар ижтимоий қадр касб этиб, бутун жамиятнинг бойлигига айланади. Бироқ ижтимоий-ҳуқуқий онг оддий ҳуқуқий билимнинг йиғиндиси бўлиб қолмасдан, унда мураккаб маънавий билим, умумий яқка билим билан индивидуал нисбатда бўлади.

Ҳуқуқий муносабатлар деганда қатнашчилар субъектив ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган ижтимоий муносабатлар тушунилади. Ҳуқуқий муносабатлар — бу, биринчидан, ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар туридир; иккинчидан, ё давлат продасига мувофиқ, ёки унинг қатнашчиларининг продасига мувофиқ пайдо бўлувчи продавий ижтимоий муносабатлардир; учинчидан, ҳуқуқ нормалари асосида пайдо бўлувчи муносабатлардир; тўртинчидан, юридик мазмунини субъектив ҳуқуқ ва бурчлар ташкил этувчи муносабатлардир.

Ҳуқуқ нормаларини қўллаш акти — бу ҳуқуқий

муносабатлар ўрнатилишига, уларнинг ўзгариши, тўхташига олиб келувчи қонуний ҳуқуқли юридик ҳаракатлар туридир.

Қонунийлик — бу қонунларга ва қонун кучидаги ҳужжатларга аниқ роя қилиш талабидир. Ҳуқуқий тартибот эса қонунийликнинг турмушда реал ифода топишидир.

Ҳуқуқий устқурманинг барча элементлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқий тузилма ва ҳуқуқнинг рўёбга чиқиш жараёни бу алоқадан ташқари юз бериши мумкин эмас.

#### 4- БОБ. ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

1. Қонунчилик тушунчаси.
2. Қонунчиликнинг асосий принциплари.
3. Қонунчиликни мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари.
4. Қонунчиликни янада мустаҳкамлаш йўллари.
5. Ҳуқуқий давлат.

#### 1- §. Қонунчилик тушунчаси

Қонунчилик — бу ижтимоий ҳаётнинг алоҳида тартиботи бўлиб, унинг асосий моҳияти қонуннинг мутлақ ҳукмронлик қилишидир. Ҳар қанча яхши ишланган қонун бўлмасин, агар ҳар бир давлат тузими, ҳар бир ижтимоий ташкилот, ҳар бир фуқаро унинг барча талабларини қатъий ва оғинмай бажаришни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаб, қонунга ҳаётнинг мустаҳкам, бузилмас асоси каби муносабатда бўлмас экан, у қуруқ гап, эзгу ният бўлиб қолаверади. Қонунчилик ижтимоий ходисалардан биридир, у ҳеч қандай орқага қайтишга йўл қўймайди. Ундан ҳар қандай, ҳатто заррача орқага қайтиш ҳам қонунни бузишдир. Ҳаётлари амалий фаолиятдаги қонунчиликнинг унинг талабларидан ҳар қандай баҳоналар билан орқага қайтишга йўл қўймасликнинг муҳим аҳамияти ана шундадир. Қонунчилик жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишни таъминлаш, ҳуқуқни тўғри ва самарали қўллаш, ҳуқуқ бузишга қарши изчил кураш олиб боришдан иборат.

Қонунларни сўзсиз бажариш масъулияти йўқлиги давлат ҳокимияти тузилишларини ахлоқий ва ҳуқуқий

ожизликка олиб келади. Амир Темурнинг «Тузуқлари»да ҳам, унинг ҳарбий соҳадаги ва давлатни бошқариш соҳасидаги муваффақиятларига зарур даражадаги тартиб ва қонунларга риоя қилиши асос бўлиб хизмат қилганлиги қайд қилиб ўтилган.

Қонунчилик жамиятнинг муҳим принциpidир. У жамиятда ўрнатилган тартибнинг мустаҳкамлигини таъминлайди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қатъий риоя қилишни ва уларни ҳимоялашни, уларнинг дахлсизликларини, давлат ва меҳнат интизомига, ҳар бир кишининг ўз мажбуриятларини аниқ бажаришга қатъий риоя қилишларини кафолатлайди, кишиларнинг фаоллигини оширишга кўмаклашади ва шу билан бир вақтда уларни қонунни бузишдан ва ўзбошимчаликдан сақлайди.

Қонунчиликка, ижтимоий тартибот каби, икки томонлама қараш, яъни биринчидан, умумий мажбурий нормаларни ҳаётга қатъий жорий қилишнинг зарурлигининг ифодаси деб, иккинчидан, ўзбошимчаликка йўл қўймайдиган ижтимоий-сиёсий ҳаёт тартибтининг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги ҳақида ғоя, ижтимоий онг ҳодисаси, деб қараш зарур.

Қонунчилик ҳар қандай жамият учун хосдир. У ёки бу хилдаги жамият шароитида унинг хусусиятларини ўзига олади ва тўғридан-тўғри ҳуқуқий тизимнинг ғоявий-маънавий ва ахлоқий асосларини акс эттиради.

Реал қатъий қонунчилик фақат инсонпарварликка, ижтимоий адолатга, ҳақиқий тенгликка, фуқароларнинг кенг, ҳаётий ҳуқуқларини, у ёки бу шахслар фаолиятидаги ўзбошимчаликни ижтимоий турмушдан чиқариб ташлашга қаратилган юқори интизомни таъминлайдиган, юксак ҳуқуқий онгликка асосланган жамият учун хосдир.

Амалий қонунчиликни кўпинча «қонун» тушунчаси билан алмаштириб юбордилар, ҳақиқатда эса уларда ҳар хил маъно бор. Қонун нима рухсат этилганлиги, қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш мумкин-у, қандайлари мумкин эмаслиги тўғрисидаги чегараларни аниқ белгилаб беради. Қонунчилик қонунга чуқур ҳурматни, қонунларни аниқ ва оғишмай бажариш ва уларга риоя қилишни талаб қилади.

«Қонунчилик» тушунчаси билан «ҳуқуқий тартибот» тушунчаси узвий боғланган. Зеро ҳуқуқий тар-

тибот қонунчиликни амалга ошириш, уни ҳаётга татбиқ қилиш натижаси ҳисобланади. Ҳуқуқий тартиботга қонунларга қатъий ва оғишмай риоя қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш орқали эришилади. Қонунчилик ҳуқуқий тартиботни амалга ошириш, уни такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш учун шарт-шароит яратади.

Жамиятда ҳуқуқий тартибот фуқароларнинг қонуний хатти-ҳаракатлари билан, барча давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг қонунларга риоя қилишлари билан ўрнатилади. Ҳуқуқий тартибот жамиятнинг нормал ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади, бусиз кишилар хатти-ҳаракатларининг юксак даражада бўлишига эришиб бўлмайди, ҳуқуқий тартибот эса ўзидан худди ана шундай ташкил этишни мужассамлаштиради.

Қонунчиликни «интизом» тушунчасидан ажратиб бўлмайди, у ижтимоий категориялардан биридир, ижтимоий ҳаётга ва одамга бевосита таъсир қилади. Иқтисодий фаолиятдаги муваффақиятлар, ижтимоий хизмат кўрсатиш сифати, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш маълум даражада интизомга боғлиқдир.

Объектив заруратга кўра бир-бирини тўлдирувчи қонунчилик ва интизом демократиянинг таркибий қисмлари ҳисобланадилар. Улар фақат ўзаро боғлиқ бўлиб қолмай, балки бир-бирларини шарт қилиб қўядилар, бу қонунчилик билан давлат интизомининг узвий боғлиқлигида ёрқин намоён бўлади. Қонунчилик — давлат интизомининг асосидир. Давлат интизоми эса қонунчиликни мустаҳкамлашнинг энг самарали воситасидир. Ҳаёт шунини кўрсатмоқдаки, қаерда интизомни бузиш барҳам топган бўлса, ўша ерда қонунбузарлик бўлмайди, қаерда бебошлик ва тартибсизлик ҳукмрон бўлса, ўша ерда қонунсизлик авж олади. Айни вақтда; агар қонунчилик умумий хусусиятга эга бўлган қонуний ҳужжатларга таянса, бундан ташқари интизом, аниқ фармойишларга ёки бошқача айтганда бир маъноли ҳужжатларга суянади.

Қонунчилик ҳам, интизом ҳам жавобгарлиги билан ўзаро боғланган. Бироқ жавобгарликнинг шакллари ва чоралари ҳар хилдир. Қонунчиликнинг бузилиши маъмурий, фуқаролик ҳуқуқ ва жиноий жавоб-

гарлик билан боғлиқдир. Интизомни бузиш эса интизомий жавобгарлик билан боғлиқдир.

## 2- §. Қонунчиликнинг асосий принциплари

Қонунчиликнинг биринчи принципи қонунларнинг умумий мажбурийлигидир. Қонун истисносиз барча давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоалар, фуқаролар учун мажбурийдир. Ҳеч кимга қонунни бузиш, ўзбошимчалик қилиш ҳуқуқи берилмаган. Барча фуқаролар ва мансабдор шахслар қонунга истисносиз риоя қилишлари, унинг оғишмай амалга оширилиши учун курашишлари шарт. Ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддаси билан таъминланади, яъни унда шундай дейилади: «Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар». Агар қоида нолойиқ топилса уни ўзгартириш тегишли тартибда амалга оширилиши лозим.

Иккинчи принцип — қонуннинг бир маънолигидир, яъни қонунларни Республика ҳудудида бир хил тушунишни ва қўллашни назарда тутувчи қонуннинг ягоналигидир. Республика қонунлари унинг барча ҳудудларида, шу жумладан, Конституциянинг 72-моддасида айтилганидек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам бир хил кучга эгадир. Ўзбекистон Республикаси қонуни билан Қорақалпоғистон Республикаси қонунида тафовут бўлган ҳолларда Ўзбекистон қонуни амалда бўлади.

Учинчи принцип — қонунчилик ва мақсадга мувофиқликнинг бир-бирига қарама-қарши қўйилишига йўл қўймасликдир. Бу, демак, қонуннинг аниқ ижро этилиши ҳамма учун мажбурийдир. Мақсадга мувофиқлик қонунчиликка риоя қилган ҳолда қонунчилик доирасида ҳисобга олинади ва амалга оширилади. Қонун эскириб қолди, замон руҳига, иш манфаатларига жавоб бермайди ва шунинг учун уни бажариш керак эмас деб ўйлаш қонунчиликка тўғри келмайди. Агар қонун ёмон ёки эскириб қолган бўлса, уни алмаштириш керак, лекин бу ҳокимият юқори органининг ишидир, қонун мақсадга мувофиқ эмас деб уни четлаб ўтишга йўл қўйилмайди. Қонунни менсимас-

лик — бу кишиларнинг тақдирини, ҳуқуқларини ва манфаатларини менсимасликка йўл очади.

Тўртинчи принцип қонунчиликнинг маданият билан чамбарчас боғлиқлигини назарда тутлади. Қонунга қатъий риоя қилиш жамият умумий маданиятининг намоён бўлишидир. Маданият бу фақат умумий маълумот берадиган билимлар тизими эмас, балки у ўзига талабчанлик, интизомлилик ва ўзини тута билиш, ҳуқуқ нормаларига ҳурматдир. Қонунчиликни бузиш қонун бузувчи шахс қандай лавозимда бўлиши, қандай дипломга эга бўлишидан қатъи назар, маданиятсизликдир. Ҳуқуқий маданиятсизлик на фақат ноҳуш ҳолат, агар гап, айниқса, раҳбар, ўнлаб ва юзлаб фуқаролар билан бирга ёнма-ён ишлаётган ва улар ундан ўрнак олишга интиляётган мансабдор шахс ҳақида кетаётган бўлса, бу жамият учун хавфли ҳолатдир.

Бешинчи принцип — бу қонунчилик ва демократиянинг бир-бирига қарама-қарши қўйилишига йўл қўймасликдир. Демократия қонунчиликсиз яшай олмайди. Қонунчилик демократия учун зарур шарт ва демократик тартибларни мустаҳкамлаш воситасидир. Демократик жамиятни қатъий қонунчиликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демократия фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади, давлат органларининг фаолиятини устидан қатъий назорат ўрнатади, интизомсизликлар ва ўзбошимчаликларнинг олдини олади, мансабни сунистеъмол қилиш ва бошқа қонунсизликларга қарши кескин кураш олиб боради.

Олтинчи принцип — қонунчиликни таъминлашда жамоатчиликнинг кенг миқёсда қатнашишидир. Давлатни бошқаришда жамоатчиликнинг қатнашиши муҳимдир. Унинг қонунчиликни мустаҳкамлашдаги қатнашиш шакллари кўп қирралидир. Бу фуқароларнинг хатлари, шикоятлари ва аризаларидир. Бу матбуот, радио, телевидение, ҳар хил жамоат ташкилотларида қатнашишдир.

### 3-§. Қонунчиликни мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари

Республикада ва у таркибига кирган бутун собиқ СССРда қонунчилик принциплари йиллар давомида амалга ошмай қолаверди, ҳатто уларни бузиш ҳоллари ҳам бўлди. Совет давлатининг дастлабки йил-

ларида. Ҳа ёилларда мамлакатда вужудга келган шароит туфайли улар Ҳз тасдиғини топмади, шунга қарамасдан давлатнинг ҳуқуқий неғизларини шакллантириш жараёнлари давом этаверди. Кейинчалик бу жараён тўхтаб қолди, қонунчилик принциплари жиддий бузилишларга дучор бўла бошлади.

Мансабни қупол равишда суниستهъмол қилиш, Ҳз-бошимчалик, қонунсизлик, жамоатчилик ва давлат ҳаётида демократик асосларни чеклаш, сиқиштириш, ҳатто фуқаролар ҳуқуқларини юридик кафолатлашни бутунлай бекор қилишлар бошланиб кетди. Ҳуқуққа шахс ва жамиятни эркин қилиш чораси ифодаси деб эмас, балки унга буйруқбозлик, тақиқлаш, чеклаш чораси сифатида қарала бошланди.

Қонунчилик ғояси 50-йиларнинг иккинчи ярми ва 60-йилларнинг биринчи ярмида бузила бошлади. Бироқ тез вақтда ушбу самарали жараён брежневчилик турғунлик тўсиғига дуч келади. Мамлакатда бебошлик ва ҳамма нарсани кечириб юборадиган аҳвол, қонунга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш, мансабни суниستهъмол қилиш ҳолатлари гуллаб бошлади, жиноятчилик, айниқса уюшган жиноятчилик авжига чиқди.

Қонунчиликка нисбатан кескин бурилиш саксонинчи йилларнинг бошида рўй берди. Давлат ва жамоат ишларида ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларига, давлат органлари, мансабдор шахсларнинг бебошликларига қарши кураш олиб борилди.

Қонунчиликка ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий элементи, жамиятда рўй бераётган қайта Ҳзгариларнинг муваффақияти гарови, ижтимоий адолатнинг асоси сифатида қарала бошланди. Бусиз жамиятнинг маънавий-психологик муҳитини соғломлаштириш мумкин эмас.

Республикада қонунчиликни мустаҳкамлаш бўйича ишларнинг асосий мазмуни — уни ривожланишнинг ҳозирги этапида қонуннинг устуңлигини, яъни барчанинг қонунга сўзсиз бўйсунинини таъминлашдан иборатдир. Ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, жамоа, жамоат ташкилоти, ҳар бир киши қонунга бўйсуниниш мажбуриятдан холи бўла олмайди ва иқтисодиётга, сиёсатга, ижтимоий-маданий соҳага бўлган барча муҳим ижтимоий муносабатлар ҳоки-

миятнинг фақат юқори органлари томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Қонун том маъноси билан тантана қилиши учун, энг аввало, унинг ҳуқуқ принциплари ва талабларига мос келишини, қонун ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра ҳуқуқийлигини таъминлаш зарур, бунга эса барча ҳуқуқий ишларнинг конституцион тартиботи қатъий таъминлангандагина эришиш мумкин. Қонунлар, фармонлар, давлат органларининг бошқа норматив ҳужжатлари, шунингдек, уларнинг амалда бўлиши, мансабдор, юридик шахслар ва фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари Конституция нормаларига мос келиши қонунчиликнинг бош асосини ташкил этади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцион суди муҳим рол ўйнаши керак, унинг бош вазифаси Республиканинг Асосий қонунини ҳимоя қилиш, Конституция нуқтаи назаридан қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар устидан ҳуқуқий судни амалга оширишдир.

Қонун давлат томонидан ҳимоя қилинган ва кафолатланган тизим нормаларидан иборат бўлиб, эркинлик, ҳуқуқнинг муҳолифи ҳисобланадиган бараварлаштириш ва буйруқбозликдан холи бўлиши лозим. Яқин кунларгача мавжуд норматив ҳужжатлар кўп бўлгандаги ҳолларда қонунчиликни таъминлаб бўлмайди. Бундан бир неча йил илгари республикада қарийб ўттиз минг фақат умумиттифоқ норматив ҳужжатлар амалда бўлиб, улардан 85 фоизи ҳужалик масалаларига бағишланган эди. Ҳокимият юқори органлари ва бошқарувнинг мингга яқин ҳужжатлари маҳсулот сифатини, беш юзга яқини — мукофотлаш, етти юздан ортиғи режали нормативлар ва кўрсаткичлар масалаларини тартибга солардилар. Агар ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг республика ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан қайтарилганлиги ва улардан кўпчилиги ўз ташаббуслари билан қабул қилинганлиги, қўшимча равишда яна унга Қорақалпоғистон Республикаси ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳужжатлари қўшилганлиги ҳисобга олинса, Республикада амалда бўлган ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони юз мингдан ошиб кетади.

Шунинг учун бугунги куннинг биринчи навбатдаги вазифаси норматив ҳужжатлар уюмини кўриб чи-

қиш, кўп йиллар давомида туپланиб қолган ва ҳозирги кунда фойдаланиш мумкин бўлганларини ажратиб олиш ҳамда бугунги кун руҳига жавоб берувчи ва республика олдида турган вазифаларнинг ечилишини таъминловчи янги қонуний актларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашдан иборатдир.

Бу ишларни муваффақиятли амалга оширишнинг зарур шarti ишлаб чиқиладиган қонунларнинг сифатини таъминлашдан иборатдир, чунки бугунги кунда ҳам асосий камчиликлардан бири ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишдаги шошма-шошарликдир. Шу сабабли кейинги йилларда қабул қилинган қатор қонунларда кўпгина камчиликлар очиб ташланди.

Қонуний ҳужжатларни ишлаб чиқишда асосий нормаларни, уларнинг халқнинг маънавиятига номувофиқлигини ҳисобга олмасдан туриб қонунчиликни мустаҳкамлаб бўлмайди. «Ҳоким қонунларни ишлаб чиқиш чоғида халқнинг ахлоқий негизларини ва уларнинг анъаналарини ҳамда одилликка ундовчи анъаналарни ҳисобга олиши керак»,— деб ёзади ибн Сино ўзининг «Аш-шифо» («Даволов») китобида. Ахлоқ кишиларнинг ҳаётида биринчи даражали рол ўйнаган ва ўйнайди, агар қонуннинг мазмуни жамият томонидан шаклланган ахлоқий нормалардан четлашса, унда қонуннинг нуфузи тушиб кетади. У жамиятга тушунарли бўлмайди, унда ишончсизлик уйғотади ва шунинг учун уни амалга ошириш қийин кўчади ёки бутунлай кўчмай қолиши мумкин.

Қонунчиликни мустаҳкамлаш билан бир қаторда, нормаларни ишлаб чиқишда қонунни амалга оширишнинг самарали ишловчи механизми қонуннинг ус-тунлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Бу давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунни амалга ошириш учун шароитлар ва моддий-техника базаси яратишга доир амалий фаолиятларини такомиллаштиришни талаб қилади. Бизнинг кўпгина қонунларимизнинг самарасизлиги улардаги моддий таъминлаш манбаларини кўрсатувчи нормаларнинг йўқлиги ёки қонунни амалга ошириш учун жамиятда етарли моддий ресурслар йўқлиги, ёхуд давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунни амалга оширишни моддий-техник жиҳатдан таъминлашда қийинчиликлар пайдо қилиш орқали очиқдан-очиқ

қаршилик кўрсатиши билан тушунтирилади. Агар тегишли тартиб ўрнатилмас экан, қонуннинг ишлаш сараси пастлигича қолаверади.

Қонунни ижрочиларга ўз вақтида етказишни ва уларни қонунни самарали амалга ошириш усуллари-га ўргатишни, давлат тузилмаларини ислоҳ қилиш ва уларнинг функционал вазифаларини янги қонун талабларига мувофиқ такомиллаштиришни таъминлаш зарурдир.

Қонунни амалга оширишнинг самарали ишловчи механизмини яратиш қонунни ижобий идрок этиш учун инсонни психологик тайёрлашга, унда қонунга нисбатан қизиқиш уйғотишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ўз вақтида амалга оширишни талаб қилади. Кейинги вақтда Республикада қабул қилинган қонуний ҳужжатлар орасида ўзининг аҳамиятига кўра кўпгина революцион бўлган қонунлар бордир, уларнинг мазмуни жамиятда пайдо бўлган кўпгина

оширишда катта қийинчиликлар туғдиради. Агар қонун қабул қилингунга қадар уларга нисбатан ижобий муносабат ҳосил қилинганида бундай бўлмаслиги ҳам мумкин эди.

Қонунларни қўллаб-қувватлашнинг юридик механизми йўқлиги уларни реал равишда амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Қонунлар кўпинча умумий тусга эга бўлиб қолади, уларни амалга ошириш йўллари ва усуллари равшанлаштирувчи, тушунтирувчи ҳуқуқий ҳужжатлар эса йўқдир. Ҳаётнинг ўзи қонун, уни равшанлаштирувчи ҳужжатлари билан бирга нашр этилишини, қонунни амалга оширишни таъминламаганлик ёки қарши ҳаракат қилганлик учун давлат органлари ва мансабдор шахслар жавобгарлигининг самарали тизими ишлаб чиқилишини талаб қилмоқда. Бу борада Республика Президенти ҳузурдаги Назорат инспекциясининг тузилиши муҳим қадамдир. Унга Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар ва қарорларнинг, Республика Президентининг фармонлари ва фармойишларининг, ижтимоий ва иқтисодий дастурларнинг бажарилиши, давлат ва ижроия интизомига риоя қилиниши юзасидан мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини текшириш вазифаси юкланган.

Қонунчиликни мустақамлаш давлатнинг ўзини

қонунга бўйсунити муаммосини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқий давлат фақат қонун яратмайди, унинг ўзи ҳам шу қонунга бўйсунди, қонунга мувофиқ ишлайди. Платон қонун ҳеч қандай кучга эга бўлмаган ва кимнингдир ҳукмронлигида бўлган давлат тез вақт ичида ҳалок бўлишини кўриб турибман, деган эди. У яна айтади, агар қонун бошқарувчилар устидан ҳукмрон, улар эса унинг қули бўлган ерда мен давлатнинг нажоти ва худолар давлатга инъом қилиши мумкин бўлган фаровонлик ва бахтсаодат деб биламан. Бизда яқин вақтларгача жамият ҳаётида давлат — бу асосий, марказий нарса, қолган барча нарсалар эса, шу жумладан ҳуқуқ ҳам иккинчи даражали, давлатнинг ҳосиласи деб ҳисобланиб келинган эди. Ваҳоланки, ҳуқуқ ва фақат ҳуқуқгина жамиятнинг ягона организм каби фаолият кўрсатишини таъминлайди, зеро давлат ҳам шу организмга киради. У давлат ҳокимиятининг устунлигини ҳуқуқий ташкил этишни таъминлайди, барча давлат органларининг ҳуқуқий мақомини ва шу тартибини белгилайди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, учта асосий ҳокимият — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида соҳалар ва ваколатларни тақсимлаш ҳуқуқий қонунчиликнинг зарурий шартларидандир. Бу ҳокимиятлардан ҳар бири ўзининг табиатига, вазифаларига кўра давлат-ташкилий ҳокимиятнинг умумий тизимида ўз ўрнини эгаллаши ва зарур йўллар ҳамда воситалар билан ўз соҳалари доирасида давлат ишларини олиб бориши керак.

Ижроия ҳокимияти ваколатли органлар томонидан шакллантирилиши, уларнинг назорати остида бўлиши ва уларга ҳисоб бериши, қонунлар асосида ва уларни бажариш учун ишлаши керак.

Суд ҳокимияти ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишининг ва уларни, ким томонидан йўл қўйилган бўлмасин, ҳар қандай бузилишлардан қўриқлашни амалга ошириши керак. Суд ҳокимияти ўзининг ушбу фаолиятида бошқа ҳокимиятларга боғлиқ бўлмасдан ҳуқуқ, қонунга амал қилиши зарур.

Бу йўналишда аниқ қадамлар ташланди ва ташланмоқда. Лекин кўпгина масалалар ҳозирча ўз ечимини топмай турибди.

Давлатнинг қонунга бўйсунити масаласи билан

давлат ва у билан ҳуқуқий муносабатларда бўладиганларнинг ўзаро масъулиятларини таъминлаш ҳақидаги масала чамбарчас боғлангандир. Яқин кунларгача ушбу муносабатларнинг томонлари тенг ҳолатда эмас эдилар. Давлат, одатга кўра, ҳуқуқлар эгаси. Иккинчи томон эса мажбуриятлар эгаси каби ишлар эди.

Агар маданийлашган дунёнинг кўпчилик демократик мамлакатларида томонларнинг ҳуқуқий аҳволини тартибга солишнинг умумий принципи бўлиб, унинг давлат ёки инсон бўлишидан қатъи назар: «Қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага ижозат этилади», деган принцип бўлган бўлса, бизда ушбу принцип фақатгина давлатга жорий қилинган эди, шахс эса бошқа: «Қонун билан рухсат этилмаган ҳамма нарса тақиқланади» деган принципга амал қилар эди, бу эса ҳокимият ва унинг вакилларига ўзбошимчалик учун кенг йўл очиб берган эди.

Жамият ва давлат ҳаётини демократлаштириш курси инсоннинг ҳуқуқий аҳволини тартибга солишнинг рухсат бериш тартибидан қатъий равишда ижозат этиладиган тартибга ўтишни талаб қилади ва аксинча, ижозат этиладиган тартибдан рухсат бериш тартибига ўтиш — ҳокимият ва бошқарув органларининг қонуний ҳуқуққа эга бўлишидир.

Лекин шунинг назарда тутиш керакки, бундай бир йўла алмаштириш бир дақиқалик иш бўлмай, бу узоқ жараён дир. У ҳуқуқий муносабат қатнашчиларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юқори даражасини шарт қилиб қўяди. Шошма-шошарлик қонунчилигининг бузилишига, ўзбошимчаликларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш қонунчилигини мустаҳкамлаш ишининг муҳим таркибий қисмидир. Ўтган йилларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва мафкуравий шаклланиши кўп ҳолларда «инсон ҳуқуқи ва эркинлиги» тушунчасини бузиб кўрсатди. Узоқ йиллар унда ҳуқуқ ва эркинликларга натуралистик ёндашиш ёки инсонни жамиятга қарама-қарши қўйишнинг эгоистик ғояси деб ифодалаб келинди. Кейинги йилларда умуминсоний мазмун билан тўлдирилган «инсон ҳуқуқи ва эркинлиги» тушунчаси мутлақо эътиборга олинмай қўйди.

Бугунги кунда «инсон ҳуқуқи ва эркинлиги» ту-

шунчаси ўзининг асл аҳамиятини тиклади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Республиканинг Янги Конституцияси прогрессив инсоният ушбу соҳада эришган барча ижобий нарсаларни ўз ичига олди.

Конституциядан ташқари охириги йилларда ижтимоий адолатни таъминлашга, шахс эркинлигини ҳимоя қилишга, унинг дахлсизлигига қаратилган қатор қонуний ҳужжатлар қабул қилинди. Айрим қонун чиқариш ишлари эса тайёрланиш босқичида турибди. Лекин, афсуски, бугунги кунда ушбу нормаларнинг ҳаммаси ҳам ишлаётгани йўқ. Инсон ҳуқуқий муносабатларнинг тенг субъекти бўлмай ҳали ҳам шикоятчи, илтимос қилувчи бўлиб қолмоқда. Шунинг учун энг муҳим вазифа инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини реал мазмун билан тўлдиришдан иборат.

Инсон ҳуқуқ ва бурчларининг бирлиги таъминлангандагина ҳуқуқ ва эркинликни тўла амалга ошириш мумкин бўлади, чунки энг демократик, энг чуқур инсоний вазифалар жамиятда юқори уюшқоқликка, интизом, тартиб бўлишига, ўз бурчларини қатъий бажаришга эришилгандагина амалга оширилиши мумкин.

Қўпчилик одамлар орасида гўё ҳуқуқ ва бурчлар бирлиги, уларнинг орасида қарама-қаршилик бўлиши мумкин бўлмаса ҳам, шахс эркинлигини чеклаб қўяди, деган фикр юради. Эркинлик чеклашсиз бўлмайди, чунки бир кишининг мутлақо эркинлиги иккинчи бошқасининг эркинлигини чеклаб қўяди, у зўравонлик, ўтакетган бебошлик, ижтимоий негизини бузиш учун кенг йўл очади. Шунинг учун у фақат бизнинг жамиятимиз томонидан эмас, бошқа ҳар қандай жамият томонидан рад қилиниши бежиз эмас.

Қонунчилик демократияни ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг муҳим шarti ҳисобланади. У маълум бир демократик асосларни ҳаётга киритишни, демократик принципларни ҳақиқатда амалга оширишни, уларни амалга оширишнинг аниқ тартибини таъминлайди. Зеро, бу тартиб жанжалларнинг, турли фикрдаги шахслар тўқнашувининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашни таъминлаш учун зарурдир.

Қонунчиликдан ташқари демократия тескари таъсир этиши ҳам мумкин, пировард натижада қатор мамлакатларда шундай бўлди ҳам. Демократия

учун кураш шиори остида қасд олинади, номақбул одамлар жазоланади, худбинлик, ғараз мақсадлар амалга оширилади. Демократия баъзиларнинг фикрича асосиз талаблар қўйиш, ҳаддан ташқари кўп гапириш ва кам ишлаш деб қабул қилинади. Сиёсий маданиятни, фуқаролик масъулият ҳиссини ривожлантиришни уйғунлаштириш билан бир қаторда, демократик принциплардан виждонсизларча фойдаланиш йўлига тўсиқ бўладиган нарса у қонунчиликдир.

Республиканинг бугунги кунда бошидан кечираётган иқтисодий ҳаётни сифат жиҳатдан янгилаш шароитларида қонунчилик муҳим аҳамият касб этмоқда. Хўжалик механизмини, хўжалик юритиш услубларини такомиллаштириш, одамларнинг ташаббускорлигини кўтариш аниқ ишлайдиган ҳуқуқий механизмни талаб қилади. Шахс ташаббуси, меҳнат жамоаси, бирлашманинг хўжалик соҳасидаги мустақиллиги — бу анархия, хоҳлаган ишни қилиш мумкин деган гап эмас. Улар қонунда ифодаланган умумхалқ манфаатлари ва халқ иродаси билан бир бўлиши керак.

Иккинчи томондан, иқтисодий ислоҳот сезиларли қаршиликка учрамоқда, натижада янги қабул қилинган қонуний ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб амалда ишлаётгани йўқ. Қонунчиликнинг вазифаси — Республиканинг иқтисодий ислоҳотларига ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда бу қаршиликни енгиб ўтишдан иборатдир.

Иқтисодий ислоҳотлар билан бир қаторда республикада сиёсий қайта ўзгартириш ҳам кенг фронт бўйлаб бормоқда. Халқ депутатлари сайловлари демократлаштирилди, юқори ҳокимият органлари ва давлат бошқарувининг тузилмасига ва ҳуқуқий мақомига ўзгартиришлар киритилди, уларнинг фаолияти қайта қурилмоқда, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими пухта ишлаб чиқилмоқда.

#### 4-§. Қонунчиликни янада мустаҳкамлаш йўллари

Халқ депутатлари Кенгашлари ва қонунчиликни мустаҳкамлаш. Қонунчиликни мустаҳкамлашда халқ депутатлари кенгашлари — ваколатли давлат орган-

лари алоҳида муҳим роль ўйнайдилар. Улар фақат қонун чиқармайдилар, балки қонунларнинг қандай бажарилаётганлигини бевосита назорат ҳам қиладилар. Қонунларнинг қўйи давлат органлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан бажарилишини таъминлаш халқ депутатлари Кенгашларининг асосий вазифалари ҳисобланади. Қонун билан халқ депутатлари Кенгашларига фақат ўзларига бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотларнинг эмас, балки ўзларининг ҳудудларидаги республикага бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотларнинг қонунларга қандай риоя қилаётганликларини назорат қилиш, уларга қарашли бўлмаган органлар раҳбарларининг маълум доирадаги ноқонуний ҳужжатларини бекор қилиш ҳуқуқи берилган.

Қонунчиликни ва ҳуқуқий тартиботни ҳимоя қилувчи давлат органлари фаолиятидаги қонунчиликни таъминлаш халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятида асосий ўринни эгаллайди.

Бироқ давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг норматив ҳужжатларни бажариш борасидаги фаолиятларини назорат этиш билан бирга, халқ депутатлари Кенгашларига ўз фаолиятларида ҳам қонунчиликни таъминлаш мажбурияти ётади. Халқ депутатлари Кенгашлари ва уларнинг ижро этувчи органлари томонидан қонунларга бевосита риоя қилиниши — давлат ва ижтимоий ишларнинг барча соҳаларида қонунчиликни мустаҳкамлашнинг бирдан-бир шартидир. Агар халқ депутатлари кенгашларининг ўзлари қонунни бузсалар, бу билан улар бошқаларнинг, шу жумладан, фуқароларнинг қонунга зид ҳаракат қилишларига сабаб бўладилар.

Қонунчиликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенеси катта роль ўйнайди. Зеро қонунчиликни такомиллаштириш ва тартибга солиш уларнинг доимий вазифаларидан бири бўлиб, бу ўз навбатида қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботнинг асоси ҳисобланади.

Халқ депутатларининг қонунчилик ишида қатнашиши халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қонунчиликни таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Халқ депутати давлат ҳокимияти вакили сифатида тартибсизликни тўхтатишни талаб қилиш, зарур ҳол-

ларда эса тегишли органларга ва мансабдор шахсларга қонун, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш талаби билан мурожаат қила оладилар.

Депутат сўрови — депутатларнинг зарур ҳолларда халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида бошқарув органларидан ўз фаолиятларининг ҳар қандай масалалари бўйича, шу жумладан, қонунчилик бузилиши масалалари бўйича, расмий тушунтиришни талаб қилиш ва уни олиш ҳуқуқи қонунчиликни мустаҳкамлашнинг амалий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари орасидаги даврда депутатларни қонунчиликни таъминлаш ишларига жалб қилиш шаклларида бири доимий комиссиялар ҳисобланади, уларнинг ҳар бири ўз тармоқларида қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар томонидан ўз ҳужалик ва ижтимоий-маданий фаолиятларида аниқ ва ўз вақтида ижро этилишни таъминлашлари керак.

Қонунчиликни мустаҳкамлаш давлат бошқарув органларининг фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Зеро уларнинг ишлари бошқа давлат аппарати ишларидан ўз кундалик фаолиятида қонунларни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиши ва ижро этилишини кенгроқ ташкил этиши билан фарқ қилади. Бошқарув органлари ижтимоий ривожланишнинг мақсад ва йўналишларини белгиламоқдалар, бошқарув қарорларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг ижросини ташкил қиладилар. Бошқарув — бу турли меҳнат жамоаларининг саи-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш соҳасидир. Бошқарув жамиятнинг барча тузилмаларига кириб боради. Ҳамма жойда интизом бўлиши, қонунларга аниқ риоя қилиниши керак.

Давлат бошқарув аппаратида қонунчилик принципларини амалга ошириш Конституция ва қонунларнинг сўзсиз бажарилишини, қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этишни, уларни тартибга солиш, барча мулкчилик шаклларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини мустаҳкамлашни билдиради. Қонунчилик принципларига қатъий амал қилиш

давлат аппарати ишининг аниқ бўлишига ва бу соҳадаги ишлар маданиятини кўтаришга имкон беради. Бу эса пировард натижада бошқарув самарадорлигини оширишга, фуқароларнинг онглилиги ва фаолигининг ўсишига кўмаклашади.

Ҳақиқий ижрони назорат қилиш ва текшириш давлат бошқарув органлари фаолиятида қонунчиликни таъминлашнинг муҳим шаклларида биридир. Ҳақиқий ижрони назорат қилиш ва текширишнинг асосий вазифаси — қарорларнинг белгиланган муддатда сўзсиз бажарилишига ёрдам беришдан, юқори пировард натижаларга эришишдан, бошқарув фаолиятида уюшқоқлик ва барча мансабдор шахслар ишидаги жавобгарлик даражасини оширишдан, давлат бошқарув аппаратининг бир маромда, аниқ бир мақсадга қаратилган ҳолда ишлашни таъминлашдан иборатдир.

Фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва уларни тўғри ҳал этиш бошқарув сифатини яхшилашнинг, қонунчиликни мустаҳкамлашнинг амалий воситасидир. Зеро, жамоатчилик фикри давлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти даражасига, иши, маданиятига берилган энг тўғри баҳодир.

**Қонунчиликни мустаҳкамлашда суд органларининг роли.** Қонунчиликни таъминлаш чора-тадбирлари тизимида суд ишлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида ўрин берилади, бу эса қонунчиликни амалга оширишнинг муҳим кафолатидир. Фуқаролик ҳуқуқи тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда ёки жинсий ишларни кўриб чиқиш муносабати билан шахснинг, шунингдек, корхоналар, муассасаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари бўлиб хизмат қилувчи процессуал шаклларга рўя қилган ҳолда қонунни қўллаш ишлари суд фаолиятини ташкил этади. Одил судловнинг асосий вазифаси бузилган ҳуқуқни тиклаш, уни амалга оширилишига эришиш ёхуд ҳуқуқбузарни аниқлаш ва уни жазолашдир, токи бундан кейин қонунни бузиш унинг ёки бошқа бировнинг ҳаёлига ҳам келмасин. Бироқ одил ҳукм фаолиятида қонун талабларига қатъий рўя қилингандагина у ўз бурчини бажарган ҳисобланади. Шу муносабат билан бугунги кунда суднинг ҳақиқий ролини тиклашга муҳим аҳамият берилмоқда. Бирор-

та айбсиз жабрланмаслиги ва бирорта айбдор жавобгарликдан қочиб қутулмаслиги керак — суднинг вазифаси шундай ифодаланган бўлиши лозим.

Амалда эса аҳвол бундай эмас. Бир неча ўн йилликлар давомида суд олдида ҳамма барабар деб келинди, ҳақиқатда эса ушбу қоида йил сайин ўзининг дастлабки маъносини йўқота борди. Шахсга сиғиниш, валюнтаризм ва турғунлик даврларида суд ишларида шакл ўзгаришлар (деформация) рўй берди. Бу даврларда у бутунлай марказий ва маҳаллий бюрократиянинг хизматида бўлди, бу ўтмиш мероси бизнеснинг кунларимизда ҳам барҳам топгани йўқ.

Шунинг учун одил судлов иши фуқароларнинг ижтимоий аҳволи ва лавозимидаги фарқлардан қатъи назар, суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши, айбсизлик презумпцияси асосида инсоннинг ҳуқуқи ва манфаатларини кафолатлаши зарур. Бу соҳада дастлабки қадамлар ташланди. Судлов ишларини юргизиш ҳақидаги қонун Асосларига ўзгартиришлар киритилди; судларнинг мақоми тўғрисида, судга нисбатан ҳурматсизлик учун жавобгарлик ҳақида янги қонунлар қабул қилинди, бу эса амалда судларнинг мустақиллигини кафолатлайди. Бироқ кўпгина масалалар ҳали ўз ечимини топгани йўқ. Агар судлар амалда телефон ҳуқуқи деб аталадиган мажбурлашдан қутулган бўлсалар, энди судларга тазйиқ ўтказишнинг «мегафон ҳуқуқи», «депутатлик ҳуқуқи», «ахборот воситалари ҳуқуқи» каби бошқа шакллари пайдо бўлдики, бу фақат қонунчилигимизни янгилашни эмас, балки асосли равишда қайта ишлаб чиқишни, уни фаоллик билан ва чуқур ўзгараётган жамият ҳаёти шароитларига мувофиқлаштиришни талаб қилади.

**Прокурор назоратини такомиллаштириш.** Жамиятнинг сифат жиҳатидан янгиланаётган шароитларида барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунларга риоя қилиши устидан прокурор назоратининг вазифалари беқиёс даражада ортиб бормоқда. Прокуратура фаолиятини қайта ўзгартиришнинг бош ғояси — жамиятнинг ҳуқуқий асослари бузилишига олиб келувчи жараёнларни кескин бартараф этиш, ҳуқуқий тартиботга қилинадиган ҳар қандай тажовузкорликнинг олдини олишдир.

Прокуратура органлари прокурор назоратининг

ўзига хос усуллари ва воситалари билан халқ депутатлар Кенгашлари, бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фаолиятини қайта қуришнинг қатъий ҳуқуқий тартибини таъминлашга бутун чоралар билан кўмаклашишлари шартдир.

Прокуратура органлари қайси миллатга мансублиги, тили, динга муносабати, эътиқодидан қатъи назар, у ким томонидан содир этилмасин, ҳар қандай камситишларга барҳам бера бориб, инсон ҳуқуқларини таъминлашни ўзларининг энг муҳим вазифалари, деб ҳисоблашлари керак.

Эътиборни умумий назоратга қаратиш асло тергов ва суриштирув ишлари устидан назорат бўшаштириб юборишни англатмайди, бугунги кунда ҳам бу ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишидаги қонунчиликнинг бузилиши ҳолларини йўқотишни таъминламаётир, ваҳоланки уларнинг сони камайибгина қолмай, ҳатто кўпайиб бормоқда. Ушланганлар, қамалганлар ва ҳукм қилинганлар сақланадиган жойларда қонунларнинг қандай ижро этилаётганлигини назорат қилиш ҳам анча яхшиланиши керак.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш прокуратура органларини ўзларига хос бўлмаган ишлардан озод қилиш, прокурорлик тизимини ортиқча марказлаштириш билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш, прокурорларга қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатларга унинг норозилиги билдирилган ҳолларда судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш, прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни белгилаш заруратини келтириб чиқарди.

Қонунчиликни мустаҳкамлашда адвокатура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ролини ошириш. Адвокатларнинг дастлабки терговнинг илк босқичларида иштирок этишга қўйилиши, суд жараёнида уларнинг ролини фаоллаштириш, қонунчиликни кучайтириш, фуқаронинг ҳуқуқларини яхшироқ ҳимоя қилиш мақсадларига хизмат қилиши керак. Бироқ уларнинг фуқароларга, корхоналарга, ташкилотларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ишлари янада такомиллаштиришни талаб этади. Фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар манфаатларини янада фаол ифодалашлари учун ҳокимият ва бошқарув органла-

ри билан ўзаро муносабатларидаги маъмурий ишларни, фуқаролик ва хўжалик низоларини кўриб чиқишда адвокатларга имкон берувчи ҳуқуқий нормалар керак. Адвокатларга фуқароларнинг даъволари, аризалари ва шикоятларини суд, ҳакамлик ёки маъмурий йўл билан кўриб чиқиш учун материаллар тайёрлаш юзасидан тегишли ҳуқуқларнинг берилиши қонунчиликни таъминлашнинг самарали воситаси бўлиши мумкин.

Шартнома интизомини мустаҳкамлаш, корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишида хўжалик суди, адлия органлари ролини ошириш, юридик хизматни мустаҳкамлаш катта роль ўйнайди.

**Жамоатчилик фикри ва қонунчиликни мустаҳкамлаш.** Демократияни изчил чуқурлаштириш шароитидаги қонунчиликни мустаҳкамлашда депутатларнинг доимий назорати жараёнида шаклландиган жамоатчилик фикри, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар тобора катта роль ўйнамоқда. Умуман Республика бўйича фақат прокурорлик органларига ҳар йили ўн минглаб хат ва шикоятлар тушмоқда, улардан ҳар бири ҳам ижобий ечимини олмаётган бўлсада, улар бизнинг ижтимоий организмизнинг нафас олишини ҳис этишга, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича барча ишларни фаоллаштиришга имкон бермоқда.

Кейинги йилларда қонунчилик масалаларига телевидение, радио, газета, бошқа матбуот органлари катта эътибор бермоқдалар, бу эса камчиликлар ва бузилишларни ҳамда уларни содир қилаётганларни аниқлашга ёрдам бераётир.

Лекин оммавий ахборот воситалари томонидан эълон қилинаётган материаллар холис бўлгандагина уларнинг қонунчиликни таъминлашдаги роли анча аҳамиятли бўлади. Эълон қилинаётган материалларда бирон-бир ярим ҳақиқат бошқасининг ўрнини босишига, оммавий ахборот воситалари орқали кимнингдир қасд олишига, фактларни чалкаштиришга, қонунчиликни шубҳа остида қолдиришга йўл қўйиши мумкин эмас. Матбуот саҳифаларида, барча ахборот воситалари билан ҳуқуқий сиёсат йўли аниқ белгиланиши зарур. Қонунлар, бошқа ҳуқуқий актлар тўғрисидаги тегишли ахборотлар аҳолида уларга риоя қилишга тайёрлик ҳиссини ҳосил қилсин.

Қонунчиликни мустақкамлаш ишида аҳоли ижтимоий фаолиятининг барча тизимини, ўқув юртларини, корхоналар, муассасалар жамоасини жалб қилиш ишларини фаоллаштириш зарур.

Ҳар бир киши қонунчиликни мустақкамлаш учун фаол қурашчи бўлса, бебошлик ва қонунсизлик фактларига парво қилмай ўтиб кетадиганлар бўлмаса, ҳар қандай ҳуқуқ бузиш, ҳатто у арзимас бўлса ҳам, жамоатчилик муҳокамасида бўлса, ўрнатилган тартибни бузувчиларга нисбатан умумий муросасизлик вазияти пайдо қилинса қонунчиликни бузиш ҳоллари камайиб кетади.

Қонунчиликни мустақкамлашда жамоатчилик ролинини ошириш аҳолининг юридик маданиятини ошириш билан, яъни ҳар бир кишининг қонун ва қонунчилик масалаларига муносабати билан узвий боғлиқдир. Бу қуйидагиларни талаб қилади:

— биринчидан, кейинги йилларда, ўзининг аҳамиятига кўра бошқа фанларга ўз ўрнини бўшатиб берувчи билимларнинг тармоғи деб қараб келинган, юридик фанга муносабатни тубдан ўзгартириш;

— иккинчидан, юридик таълим даражасини ошириш ва, энг аввало, мутахассис-юристар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш;

— учинчидан, умумий ҳуқуқий тарбия тизимини сифат жиҳатдан қайта қуриш ва аҳолига юридик онг-билим бериш.

## 5-§. Ҳуқуқий давлат

Ҳуқуқий давлат ғояларининг илдизи жуда чуқур. Унинг бошида халқ ҳокимияти ташкил этилишининг назарий асосларини кўрган Солон, Аристотель, Цицерон турган эди. Бироқ ҳуқуқий давлат тўғрисидаги кенгроқ таълимот феодал тузум заминида, оёққа тураётган буржуазиянинг феодал ўзбошимчалик, мутлақ зўравонликка асосланган истибдодига қарши кураш шароитларида шаклланди.

XVII асрнинг мутафаккири Д. Локк пайдо бўлаётган буржуа синфларининг классик ифодаловчиси эди. У ҳуқуқнинг ҳукмронлигини қонун ҳукмронлик қилдиган давлат кўринишида тасаввур қилди.

Ҳуқуқий давлатчилик тўғрисидаги назарий тасаввурларнинг ривожланишига Монтескье сезиларли таъсир кўрсатди. У давлатда ҳуқуқнинг ҳукмрон бў-

лишини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири қилиб ҳокимиятни бўлиш тўғрисидаги ғоянинг тизimini ишлаб чиқди.

Лекин ҳуқуқий давлат назариясининг фалсафий асосини И. Кант берди. У «давлат — бу ҳуқуқий қонунларга бўйсундирилган жуда кўп одамларнинг бирлашувидир», — деб таъкидлади (И. Кант. Асарлар, 4-жилд, 233-бет).

Бизда ҳуқуқий давлат масаласи дастлаб 70-йиллардаёқ муҳокама қилина бошланди, бироқ 80-йилларга келиб ушбу масала ўзининг авж палласига чиқди. Ушанда ҳуқуқий давлат бизнинг ривожланган жамиятимиз, фуқароларнинг манфаатлари, ижтимоий гуруҳлар ва умуман халқимизнинг объектив эҳтиёжларига жавоб беришга шубҳа қолмаган эди.

Ҳуқуқий давлат ғоясининг моҳияти ижтимоий ва сиёсий ҳаётда ҳуқуқнинг устун бўлишидир, бусиз жамиятни шахсга сиғиниш, бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усуллари, меҳнаткашларнинг ҳокимиятдан узоқлашиб қолганликлари оқибатлари билан боғлиқ бўлган барча иллатлардан қутулиш мумкин бўлмас эди.

Ҳуқуқий давлат биринчи навбатда давлат абсолютизми ва тоталитаризмининг ягона муқобили бўлган давлат мустақиллигининг ҳуқуқий ташкил этилишини назарда тутди.

Давлат мустақиллигининг ҳуқуқий ташкил этилиши ижтимоий ҳаётдаги фақат ҳукмронлик, куч ва зулм монополияси ҳуқуқини эмас, энг аввало ушбу ҳукмронликни, ушбу кучни ҳуқуқ билан белгиланган шаклини амалга оширишни англатади. Бу ҳуқуқий шакл ҳуқуқий мажбурият характер кучини давлат йўли билан қўллаш имконини беради. Давлат мустақиллигининг ҳуқуқий баёни шуни билдирадики, давлат ҳокимияти, унинг органлари ва мансабдор шахсларининг ваколатлари ҳеч қандай ҳолатда бузилмайдиган юридик принципларга мувофиқ амалга оширилади.

Фаолият ва меҳнат соҳаларининг бўлиниши, турли давлат органлари ўртасида функциялар ва ваколатларнинг аниқ тақсимланиши, яъни қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши давлатнинг ҳуқуқий характерини ифодаловчи муҳим элементидир. Ҳокимиятнинг бу тизимидаги юқори ўрин-

ни қонун чиқарувчи ҳокимият эгаллаши керак. Фақат қонун чиқарувчи ҳокимият халқнинг мустақиллигини, хоҳишини ифодалайди, давлатнинг ҳуқуқий характери аниқловчи институтлар, нормалар ва тартиботни белгилайди, бошқа ҳокимиятларнинг тўғри ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар белгилайди.

Қонун чиқарувчи ҳокимият ижро этувчи ҳокимиятнинг шакллантиради. Ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолияти қонунлар асосида ва уларни ижро этиш учун амалга оширилади, яъни қонуний характерга эга бўлади.

Ҳуқуқий давлатнинг зарур шартларидан бири суд ҳокимиятининг мустақиллиги ҳисобланади. Суд — ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва қўриқловчи органдир, бошқа ҳокимиятлардан мустақил бўлган судгина уни ҳимоя қилади, суд ишларини амалга оширади ва ўз ишида фақат қонунга амал қилади.

Ҳокимиятларнинг бўлиниши туфайли улардан ҳар бири ўз эътиборини фақат ўзига хос бўлган халқ ҳокимият ваколатларни ечишга қаратади, бу жамиятни халқ ҳокимиятини монополияга айлантиришдан озод қилади, давлатни чекланмаган истибдодга мустабид идора усулига асосланган бошқарувнинг қуролига айлантириш мумкинлигини кескин камайтиради.

Давлат мустақиллигини амалга оширишда ҳуқуқий асосни қарор топтириш — бу шахсни, жамиятни, халқни давлатдан узоқлаштиришга, давлат аппаратыни ҳаддан ташқари катталаштириб юборишга, уни бюрократлаштиришга олиб келган жамиятнинг давлатлаштирилишини бартараф қилиш демакдир, бу эса давлатни ҳаёт билан бирга қадам ташлолмайдиган ва этилган масалаларни оператив ҳал қила олмайдиган қилиб қўйди.

Ҳуқуқий давлат — бу фуқаролик жамияти шаклидир ва давлат ҳуқуқий бўлиши учун кучли, ҳаёт кечириб кета оладиган, эрксевар, ҳар қандай антидемократик авторитар тажовузларга қаршилик кўрсата оладиган жамият бўлиши керак. Бунинг учун эса аввало давлат ҳокимиятини демократия, ўзини ўзи бошқариш ва халқнинг тўла ҳокимлиги принциплари асосида қайта ташкил этиш зарур. Ҳуқуқий давлатга бориш йўлида, аввало жамиятга маъмурий буйруқ-

бозлик билан раҳбарлик қилишни, бюрократизмни, сайлаб қўйиладиган органлар устидан ижро этувчи органлар ҳукмронлигини, шахснинг, жамоаларнинг сиёсий жиҳатдан ўз-ўзини ифодалаш шакллари­нинг ривожланмаганлигини енгиб ўтиш, одамларнинг дав­латга бўлган муносабатларини (унга доимо зўравон­лик, мажбурлаш аппарати деб қараб келинган эди) қайта кўриб чиқиш зарур.

Фуқаролик жамияти қурилиши — бу фақат сиёсий тизимни демократлаштириш эмас, балки иқтисодда ҳуқуқий принципларни тиклаш, хўжалик фаолияти­ни демократик асосларда тубдан қайта қуриш ҳам­дир. Бу хўжалик бошқарувининг маъмурий буйруқ­бозлик усуллари­ни, авторитар ҳокимиятнинг иқтисо­дий ўзбошимчаликларини рад этишни, хўжаликни моддий манфаатдорлик, тадбиркорлик, ташаббус­корлик, меҳнатни иқтисодий рағбатлантириш нуқтаи назаридан йўлга қўйиш ва юритишни билдиради.

Иқтисодий хўжалик турмуши буйруқ асосига эмас, шартнома асосига қурилиши лозим. Шартнома то­монларнинг тенглиги, ўз хоҳишларини эркин билди­ришлари, ўзаро манфаатдорликни келишиб олиш, мувофиқлаштириш ва кооперациялашга асосланила­ди. Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик шаклидан хўжаликни ҳуқуқий шартнома шаклига ўтиш меҳнат­кашларнинг ижтимоий фаоллиги учун кенг йўл оча­ди, меҳнатнинг пировард натижасидаги манфаатдор­ликларини оширади, меҳнаткашларни ярим эркин хо­димлардан ҳақиқий хўжайинларга, халқ мулкининг эгаларига айлантиради. Улар ишлаб чиқаришни таш­кил этишга, меҳнат натижаларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишга реал таъсир қила оладилар.

Хўжалик юритиш усуллари­ни тубдан ўзгартириш товар-пул муносабатларининг ишлаши учун шароит яратиш билан, иқтисодни бозор иқтисоди йўлига киритиш билан бевосита боғлиқдир.

Жамиятни давлат тасарруфидан чиқариш давлат­нинг айрим функцияларини давлатга тегишли бўлма­ган ташкилотларга: бирлашмаларга, иттифоқларга, клубларга, ҳаракатларга, фондларга ва ўз вазифала­рига кўра одамларнинг ижтимоий фаолликларини кў­таришга даъват этилган бошқа ташкилотларга бе­ришни назарда тутди. Бу нодавлат ташкилотлари турли синфлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг

қизиқишларидаги плюрализмни ифодалаш билан (бу қизиқишлар расмий қабул қилинган нуқтаи назарга мос келмаслиги мумкин) давлат ҳокимияти фаолиятига сезиларли таъсир қилишлари, уни жамият назорати остига қўйишлари мумкин.

Жамиятнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий давлатнинг муҳим омили ва шартидир. Аммо тубан сиёсий-ҳуқуқий саводлилиқ ва чаласаводлилиқ, ҳатто саводсизлиқ, расмий нуқтаи назарга қараб иш кўриш, расмий сўз билан ҳақиқий аҳвол ўртасидаги фарққа одатланиш хос бўлган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган давлат ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятидан фарқ қилиб, ҳуқуқий давлат маданияти ва ҳуқуқий онги учун: юқори сиёсий ва ҳуқуқий саводлилиқ ҳамда фаоллик зўравонлик ва ҳуқуқ бузилишларига қарши тура олиш қобилияти ва бунга тайёрлик хос бўлади. Бироқ жамият ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти бундай даражага етиши учун одамларда янги ҳуқуқий тафаккурни, маъмурий-буйруқбозлик психологияси билан муросасизликни, ҳуқуқ бўйича яшаш, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва бошқалар ҳуқуқини ҳурмат қилиш, демократия шароитларида яшашни шакллантириш мақсадида фуқароларга кенг сиёсий-ҳуқуқий таълим ва тарбия бериш керак бўлади.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим хусусияти давлат ва шахс ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий тусда бўлишидир. Яқин вақтларгача бу муносабатлар инсоннинг ҳақиқий эҳтиёжлари ва манфаатларини, фикри ва иродасини менсимаслик, умумдавлат мақсад ҳамда вазифаларини зўрлаб ўтказиш билан ифодаланарди. Инсон ижтимоий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисидан давлат механизми «винтча»сига айлантирилган эди.

Вужудга келган тизимнинг иллатларини бартараф этиш учун инсоннинг ҳаётнинг барча соҳаларидаги ҳуқуқи ва эркинлигини тан олиш ва кафолатлаш зарур. Кўп йиллардан бери ўрганиб қолинган ҳуқуқ ва эркинлик инсонга давлат томонидан берилган инъом деган тушунчадан воз кечиш керак. Шунинг англаш керакки, шахснинг ҳуқуқи ва эркинлиги — бу инсоннинг ажралмас бир қисми, ижтимоий тузумнинг маҳсулотидир. Бунингсиз ҳуқуқий давлатнинг асоси бўлиб

қоладиган фуқаролик жамиятининг ривожига эришиб бўлмайди.

Инсон ҳуқуқи ва эркинликларини тан олиш ҳамда кафолатлаш зарурлиги тўғрисида гап юритилар экан ҳуқуқлар мажбуриятларсиз, эркинлик эса чекланишларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмаслигини назарда тутиш лозим. Ҳуқуқ ва эркинликлар ҳуқуқий мулоқот иштирокчиларининг юридик тенглик меъёрларини ифодалаганда, ҳуқуқий ҳолатдаги барча фарқлардан қатъи назар тенг, эркин ва бир-бирига тобе бўлмаган субъектлар сифатида намоён бўлгандагина шу сўзнинг том маъносидаги ҳуқуқ ва эркинликларга айланади. Бундай тенглик йўқ жойда том маънодаги ҳуқуқ ҳам бўлмайди, чунки эркинлик юридик тенглик асосларида тартибга солинган ва ҳуқуқий адолатни ифодалаган тақдирдагина ҳуқуққа айланади.

Давлат ҳуқуқий давлатга, жамият фуқаролар жамиятига айланиши учун бизнинг ҳуқуқимизда ҳам анча ўзгаришлар рўй бериб келмоқда. Барча ҳуқуқий тизимни қайта тузиш ишлари бошланди. Лекин яна янги сиёсий тафаккурни, иқтисодий муаммоларга янгича ёндашувларни яратиш лозим. Инсон манфаатлари, инсонпарварлик, адолат-ҳуқуқнинг асосий мазмуни бўлиши керак. Жамият ҳаётидаги кишилар ташаббусини, уларнинг ижтимоий ижодкорликларини бўғиб қўядиган барча жиҳатларни регламентлашга интилиш бартараф этилиши лозим.

Одамларда ҳар қандай вазиятларда ҳам мустақил иш тутишга уриниб кўрмаслик, таваккал қилмаслик, у ёки бу шароитларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар пайдо бўлишини кутиш одати юзага келган.

Инсонни ҳуқуқдан бегоналаштиришга барҳам бериш, бу соҳада ҳам халқнинг мустақиллигини тиклаш ҳуқуқини қайта қуришнинг муҳим шартидир. Ҳокимият каби ҳуқуқ ҳам халқдан чиқиши, халқ эса ҳуқуқ устида турган олий ҳакам бўлиши керак.

Ҳуқуқни янгича тушунишда унинг асл маъноси ифодаланган бўлиши керак: ҳуқуқ — яқин вақтларгача бизда талқин этиб келингандек тақиқ меъёри эмас, балки эркинлик меъёридир.

Ҳуқуқий давлат учун ҳуқуқни қайта англашгина зарур эмас. Қонунлар ва бошқа барча ҳуқуқий ҳуж-

жатлар ўз мазмунига кўра ҳуқуқий бўлиши керак. Қонун ёки бошқа норматив ҳужжат фақат ваколатли орган томонидан қабул қилинганлиги учунгина ба-жарилиши шарт ҳисобланмаслиги керак. Уларда ҳу-қуқнинг объектив талаблари ва принциплари мустақ-камланган ва конкретлаштирилган бўлиши лозим. Бунга эса норматив ҳужжатларнинг конституцияга мувофиқлиги таъминланган тақдирдагина эришиш мумкин. Зеро Конституцияда жамиятнинг барча аъзо-лари, шу жумладан қонун чиқарувчи учун ҳам маж-бурий бўлган асосий юридик асослар қайд этилади. Лекин бунинг учун валютаризм ва зўравонликка йўл қўймаслик, ҳуқуқий тартибни сақлаш мақсадида Конституциянинг ўзида ҳуқуқнинг ҳукмронлик прин-ципи ва уни амалга ошириш механизмлари ўрин ол-ган бўлиши керак.

Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги фақат ҳуқуқчиликда эмас, балки уни амалга оширишда, норматив ҳужжатлар-ни қўллашда ҳам бўлиши керак. Давлатнинг барча органлари ва сиёсий тизимнинг барча бўғинлари, ҳар бир фуқаро ҳуқуқ кўрсатмаларига қатъий риоя қи-лиши керак. Ҳуқуқий давлат ҳуқуқ қонунлари ва принципларини бузишнинг ҳар қандай имкониятла-рини мутлақ истисно қилади.

Ҳуқуқий давлат қуриш тўғрисида гапирилар экан, бу пировард мақсад, шундан сўнг ҳуқуқ аста-секин сўниб боради, деб ўйламаслик керак. Ҳуқуқий дав-лат — бу фуқаролар ҳуқуқий жамияти, яъни ҳуқуқ ҳукмронлик қилувчи жамиятни қуришнинг бошлан-ғич босқичидир. Бу ўринда гап ҳуқуқий тартибга со-лиш соҳасини кенгайтириш тўғрисида эмас, балки ҳуқуқнинг адолат, тенглик, эркинлик, ижтимоий му-носабатларнинг нормал ишлаши ва олға қараб ри-вожланишини таъминлаш воситаси сифатидаги нуфу-зини ошириш тўғрисида бормоқда.

#### **5-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

1. Ўзбекистон ҳудудида қулдорлик давлати ва ҳуқуқ.

2. Дастлабки феодал давлатлар ва ҳуқуқ.

3. Ўзбек хонликлари (Бухоро, Хива, Қўқон).

4. Россия босиб олганидан кейинги даврдаги Тур-кистоннинг ижтимоий-сиёсий тузуми.

5. 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ.

### 1-§. Ўзбекистон ҳудудида қулдорлик давлати ва ҳуқуқ

Урта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида, биринчи давлат эрамиздан олдинги биринчи минг йилликда пайдо бўлган. Қўпгина ёзувлар ва археологик манбалар бу ҳақда гувоҳлик беради.

Урта Осиёнинг халқлари биринчи бор Яқин Шарқнинг ёзма манбаларида тилга олинади. Дария шоҳининг машҳур Беҳистун ёзувида, масалан, ўзбек ва тожикларнинг қадимий аجدодлари — хоразмийлар, сўғдийлар, саклар, бақтрияликлар эслатиб ўтилади. Геродот, Страбон, Арриан каби юнон тарихчилари массагетлар ҳақида ҳикоя қиладилар.

Бизгача етиб келган ёзма манбалардан маълум бўлишича, Урта Осиёнинг кўпчилиги халқлари катта ҳудудларни эгаллаган қабилалар иттифоқи тузганлигидан кўплаб жойларни эгаллаганлар. Давлат оқсоқоллар томонидан бошқарилган, уларнинг орасида аёллар ҳам бўлган.

Урта Осиёнинг ери, географик ва иқлим шароитлари турли хил бўлганлиги сабабли унда яшаётган қабилалар деҳқончилик, чорвачилик ва овчилик билан шуғулланганлар. Чорвадор ва овчилар кўчиб юриб, асосан ҳозирги жанубий Қозоғистон чўлларида яшардилар. Дарё бўйи водийларида яшовчи ўтроқ аҳоли деҳқончилик билан шуғулланарди.

Биринчи минг йилликларга келиб, дастлабки деҳқончилик вилоятлари Арпс (Тежен дарёси бўйида), Марғилон (Мурғоб дарёси бўйида), Бақтрия (Амударёнинг юқори қисмида), Сўғдиёна (Қашқадарё, Зарафшон дарёлари бўйида), Хоразм (Амударёнинг қуйи оқимида) пайдо бўлди. Урта Осиё халқларининг асосий ижтимоий бўғинларини қишлоқ жамоалари ташкил қиларди, уларнинг ижтимоий-хўжалик ҳаётларида сув иншоотлари асосий роль ўйнади.

Эрамиздан аввалги VII—VI асрларда тараққиётнинг юқори даражасига кўтарилган деҳқон жамоаларида синфий жамиятга хос ижтимоий-иқтисодий турмуш нишонлари шакллана бошлади. Бу сунъий суғориш системалари бўйича ишни ташкил этишга эҳтиёж сезилаётгандан пайдо бўларди. Бу ишларни

бажариш учун бир нечта жамоалар бирлашиши ва бажариладиган ишларга раҳбарлик қилиши, сув тақсимотига назорат қилиш учун алоҳида раҳбар кишилар ажратилишига тўғри келди. Бошқарув ишларида бўлган кишилардан ҳукмрон синф шаклланди ва уларнинг ҳокимияти синфий, сиёсий, бошқачароқ қилиб айтганда, давлат ҳокимиятига айланди.

Ўрта Осиё халқларининг ривожланиш поғоналари даврида жамоалар орасида меҳнат тақсимлана бошланиши билан бирга дастлабки шаҳарлар — Мароқанд (Самарқанд), Кирополь (Сирдарё бўйида), Эрши (Фарғонанинг қадимги маркази), Хоразм, Нуртепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар пайдо бўлди.

Эрамиздан аввалги VI асрда Ўрта Осиёда иккита катта давлат — Хоразм ва Бақтрия пайдо бўлди.

Ўрта Осиёда жойлашган халқларнинг бу хилда табиий ривожланиши чет эл босқинчиларининг бу ерга тез-тез юришлари сабабли анча тезлашган эди.

Эрамиздан олдинги VIII асрда қабилаларнинг бир қисми Ассирия томонидан босиб олинди, кейин форслар забт этди, шундан сўнг Ўрта Осиёнинг анчагина қисми македониялик Искандар империяси таркибига қўшилди, у инқирозга учраганидан кейин савалкийлар давлати таркибига кирди.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг юқори босқичида бўлган босқинчилар бир томондан, маҳаллий қабилаларда ибтидоий жамоа тузумининг емирилишига ёрдам берди, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий тартибларини ўрнатди ва қулчиликни пайдо қилди. Бошқа томондан, чет эл босқинчиларига қарши кураши уюшмаларини ҳукмдорлар атрофида жипслаштирди ва ҳокимиятни давлатга айланишини тезлаштирди.

Шундай қилиб, эрамиздан аввалги III асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё ҳудудида мустақил Юнон-Бақтрия давлати ташкил топди, унинг парчаланиши туфайли эрамиздан олдинги II асрда икки мустақил давлат — Тохаристон ва Хоразм давлатлари пайдо бўлди.

Эрамизнинг бўсағасида кушонлар давлати бутун Ўрта Осиёни, шу жумладан бутун Бақтрия ва Сўғдиёна ҳудудларини бирлаштирган катта давлатга айланди.

Узоқ йиллар, тарихчи С. В. Юшковнинг қарашлари бўйича, Ўрта Осиё халқлари ўзларининг тари-

хий тараққиёт даврида қулдорликни бир четда қолдириб, ибтидоий жамоа тузумидан бир йўла феодализмга ўтган дейиларди. Аммо, археологлар С. П. Толстов, Я. К. Фуломов, Е. М. Массон, А. А. Асқаров, Г. В. Григорьев, В. А. Шишкин, У. И. Исломовларнинг олиб борган текширишлари бу фикрни инкор қилди ва Юнон-Бақтрия подшолиги давридаёқ озод ер эгалари билан бир қаторда қуллар ҳам пайдо бўлганлигини, катта ва кучли Кушон подшолигининг пайдо бўлиши Ўрта Осиёда қулдорликнинг тез ривожланишига олиб келганлигини исбот қилди. Доимий урушлар кўпгина қуллар берган. Бу қулларнинг меҳнати билан янги шаҳарлар қурилган. Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия ва Фарғонада катта каналлар қазилган.

Шуни ҳам айтиш лозимки, Ўрта Осиёда қулдорлик Юнонистон ёки Римдагидек ривожланмаган. Кушон подшолигида қулдорлик хўжаликлари билан бирга жуда кўп озод деҳқонлар ишларди, бу жамоалар моддий бойлик яратишда катта роль ўйнардилар.

Бундай аҳвол Ўрта Осиёнинг иқлим шароити, ерларининг хусусияти билан тушунтирилади. Ерларнинг ҳосилдорлиги сунъий суғориш тизимларини яхшилаш ва суғориш каналларини қозиш воситасида амалга ошириларди. Суғориш тизимлари яхши ишлаши учун доимий ва яхши қаров талаб қилинарди, ариқларни қум босиб қолиб ишдан чиқармаслик чоралари кўриларди. Жамоалар суғориш тизимларини яхшилаш, канал ва дамбаларни сақлаш учун бор кучини сарфларди. Ана шу туфайли Ўрта Осиёда мустақам ижтимоий-иқтисодий тизим вужудга келди. Ҳукмдор-бошқарувчи эса ерни олий ҳукмдорига, шахсий хўжайинига айланди; у ерни ҳар қандай тузумда ҳам ҳеч кимга тақсимлаб бермади, жамоалар бўлса ернинг жойлардаги биргаликдаги эгалари ҳисобланарди.

Бу жамоаларнинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, уларнинг ҳар қайсилари бошқалардан ажралган ҳолда яшарди, манфаатлари эса ўз жамоаларининг гамини ейишдан ташқарига ўтмасди, Маълум одат ва анъана ёки ҳукмдорнинг иродаси бўйича жамоага берилган ер биргаликда, ҳар бир жамоа аъзоси томонидан мустақил равишда ишланарди, лозим бўл-

ган тақдирда ҳам қўшимча ишчи кучи олинмасди. Шунинг учун, жамоа орасида қулчилик бўлса ҳам у кўп ҳолларда патриархал, оилавий характерга эга эди.

Ўрта Осиёдаги дастлабки давлат тузуми ҳақида гапирар эканмиз, шунни айтиш керакки, уларнинг ҳаммаси бошқариш шакли бўйича истибодли монархия тузуми эди. Монархлар қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳукмронлигини ўз қўлларига тўла олган эдилар. Улар гўё худонинг ердаги соясидай олий коҳин ҳисобланарди. Монархлар ўз ҳукмронликларини ўтказиш учун мансабдорлар ва ҳарбий хизматчиларга суянардди. Унинг ҳукми фуқаролар учун қонун эди.

Биринчи Ўрта Осиё давлатларида ҳуқуқ тизими қандай бўлган эди? Қадимий давр ҳуқуқ тарихи тўғрисида маълумотлар бўлмагани учун буни аниқ белгилаш жуда қийин, фақатгина қандайдир қонунлар бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Шоҳ Дариянинг ёзувларида кўрсатилишича, унинг томонидан қўлланган қонун мамлакатни қаттиқ ушлаб турган. Кишилар қонунни бузишдан жуда қўрққанлар. Чунки тартибни бузувчилар қаттиқ жазога дучор бўларди: қулоқлари, бурни, тили кесиларди, кўзлари ўйиб олинардди, ёғочларга тортиларди.

Ушбу даврдаги ҳуқуқ манбаларидан бири Авесто, унинг қадимги зороастризм диний китоблари тўплами ҳисобланади. Бу диний ақидаларни уқтиришича, инсон турли-туман разолатларга қарши курашмоқ ва адолатни тантана қилдирмоқ учун туғилади.

Авестода жамият ҳаётида ўрнатилган тартиб асрлардан буён мавжудлиги, бу тартибни ҳеч ким бузиши керак эмаслиги таъкидланади. Авесто худованд Ахурамаздага садоқатли бўлишга, босқинчилик урушларда қатнашмаслик, қурол-яроғ ишлатмасликка чақиради.

Авестода оила-никоҳ масалаларига алоҳида эътибор бериларди. Унда яқин қариндошлар билан қон қўшилиши, никоҳ қилиниши, айниқса, подшолик тахтини мустаҳкамлашга асос бўлувчи, шоҳлар оиласидаги ўзаро никоҳ диёнатли ҳисобланарди.

Ўрта Осиёда чорвачиликнинг тез ривожланиши оила муносабатларига революцион ўзгаришлар киритди. Оналик томонидан мерос бўлган гуруҳ-гуруҳ никоҳлар ва қўшма оилалар ўрнига бир никоҳлик

оилалар пайдо бўлди, бу оилаларда ҳукмронлик эрлар, оиланинг отаси қўлига ўтди. Ҳайвонлар, оиланинг мол-мулки ҳам унинг қўлига ўтди. Энди бу мол-мулклар илгаригидай мерос бўлиб, хотиннинг ини-сингилларига эмас, болаларига қоладиган бўлди.

## 2- §. Дастанларки феодал давлатлар ва ҳукук

Эрамининг III асридан бошлаб Кушон давлати емирали бошлади, IV аср охирига келиб ўзининг мустақил давлатини тузган, бир томондан Каспий денгиздан, Қашғаргача, нариги томондан Орол денгиздан Ҳиндистонгача чўзилган кўчманчи эфталитлар қабиласининг зарбасидан ҳалокатга учради. Эфталитлар ҳарбий-демократик тартибларни ва ярим кўчманчилик турмуш тарзини сақлаб қолган бўлсалар ҳам улар қулдорлик тузумини емирилиши ва феодал муносабатларни ўрнатилишида катта роль ўйнадилар. Шу даврда Ўрта Осиёда дастанларки деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ вилоятлар — Хоразм, Сўғди, Фарғона пайдо бўлди. V асрда ва VI асрнинг биринчи ярмида, бошқача қилиб айтганда, эфталитлар давлати тузилгунча, бу ерларда қўрғонлар, боғлар катта деҳқон оилаларининг ҳовли-жойлари пайдо бўлди, бу хонадон эгалари эса ҳурмат-эҳтиром қозона бошлади. Аммо уларнинг орасида катта-кичиклари мавжуд бўлиб, кичиклари катталарига бўйсунарди. Деярли ҳамма шаҳарларда ва қишлоқ жойларида оддий жамоалардан келиб чиққан, ўзларини «шоҳ» деб номлаган ҳукмдорлар пайдо бўлди. Улар турли йўллар билан жамоалар фойдаланишида бўлган ер ва сувларни ўзиники қилиб олардилар, шундан кейин ана шу ер-сувни яна уларга ижарага берардилар.

VI асрнинг иккинчи ярмида эфталитлар давлати ўрнига Турк хоқонлиги келди. Булар асримизнинг I асридан бошлаб Олтойда яшай бошлаган турк қабилаларидан ташкил топган янги кўчманчилар империяси эди.

Эрамининг VI асри сўнги чорагида Турк хоқонлиги маркази Монголияда бўлган шарқий ва маркази еттидарё оралиғи бўлган (ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди ҳам шунинг таркибига кирган эди) ғарбий хоқонликларга бўлинган эди.

Ғарбий ҳоқонликда олий ҳукуматни хоқон бошқарарди, аслида ҳукумат шоҳ қабилалари қўлида бўларди. Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё ҳавзаларида шундай мулкдорликлардан тўққизта бор эди; Самарқанд, Мамурғ, Кеш (Шахрисабз), Нахшоб (Қарши яқинида), Иштихон, Қушония, Бухоро, Амур ва Алхай.

Хоқоннинг фаолияти у томонидан чақириладиган қурултой — аслзодалар кенгаши томонидан бошқариларди. Бу қурултойда муҳим давлат ишлари муҳокама қилинарди. Хоқонликда умумдавлат қонунлари йўқ эди. Ҳар бир сиёсий уюшма ҳудудида оддий маҳаллий қонун ҳаракат қиларди.

VIII аср бошида (705—715 йиллар орасида) Урта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳудуди араб босқинчилари томонидан босиб олинган эди. Араблар Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқларнинг қимматбаҳо маданий бойликларини вайрон қилдилар, катта ҳарбий бойликларни қўлга киритдилар, халқнинг кўпчилиқ қисмини қўлга айлантирдилар. Босиб олинган ерларга мажбурий равишда ислом, у билан бирга шариат жорий қилинди. Турли хил солиқлар ва йиғимлар: ер солиғи (харж), жон бошидан олинadиган солиқ (жизя) пайдо бўлди.

Араб истилоси даврида Ўзбекистон феодализм муносабатлари янада ривожланди. Ер фонди давлат ихтиёрида ва таниқли феодал бойлар қўлида эди. Маҳаллий деҳқонлар ҳам ўз имтиёзларини сақлаб қолдилар. Улар ер эгаси ҳисобланмасалар ҳам бу ерни меросхўрларига қолдириш ҳуқуқига эга эдилар. Озод деҳқонлар бора-бора феодалларга қарам бўлиб борардилар.

Ўзбекистон ҳудуди араб босқинчилари томонидан босиб олинганидан кейин Араб халифалиги таркибига кирди. Уни ноиб бошқарар эди. Ноиб шунингдек айрим шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойларнинг ҳукмдорларини тайинлар эди. Араблар маъмурий идоралар ва миршабларга, ҳокимлар эса ўзларининг шахсий соқчиларига эга эдилар.

IX асрда Араб халифалигининг сиёсий жиҳатдан емирилиши ва халқнинг араб истилосига қарши курашининг кучайиши туфайли Ўзбекистон ҳудудида маҳаллий сомонийлар сулоласи шаклланди, бу даврда феодал муносабатлар янада ривожланди ва мус-

тахкамланди. Феодал ер эгалари тобора бойиб борди, деҳқонларнинг аҳволи эса оғирлашди.

Самонийлар давлати дастлабки феодал монархияси шаклидаги марказлашган давлат эди. Давлат бошлиғи ўзини амир деб атай бошлади.

Самонийлар саройни бошқарувчи катта идоралар ташкил қилдилар. Саройнинг олий даражадаги мансабдорлари Ҳожиб-ал-Хутоб (асосий ходжиб) ҳисобланарди. Саройда ҳокимиятни бошқарувчи бош намоянда — Соhib-Хорас бўлиб, у амир ҳукмини ижро этарди. Сарой хўжалигини вакил идора қиларди.

Сарой бошқарувидан ташқари марказлашган маъмурий органлар — девонлар бор эди. Булардан энг муҳими вазир девони, яъни ҳукумат бошлиғи девони эди. Иккинчи бошқарув органи давлат хазинасини идора этувчи молия девони эди.

Самонийлар давлатида мусулмон руҳонийлари муҳим роль ўйнади, айниқса уларнинг бошлиғи амирнинг кўзга кўринган арбоби ҳисобланарди.

X аср охирида Самонийлар давлати Қорахонийлар зарбасидан таназзулга учради.

Қорахонийлар давлати самонийлар давлатидан тарқоқлиги билан фарқ қиларди. Давлат бошида хонхоқон турарди. Хон оиласининг аъзолари Қорахонийлар давлатининг мустақил эгалари эдилар, мамлакат ҳам улар орасида тақсимланар эди.

Қорахонийлар даврида пул бериб рағбатлантириш ўрнига ерлар (у ерда яшаётган деҳқонлар билан бирга) ҳукмрон гуруҳ вакиллари иқтиларга тақсимланиб бериларди. Иқта эгаси ер соҳиби ҳисобланмасди, аммо бу ерда яшайдиган, аҳволи янада оғирлашган деҳқонларнинг мол-мулки, шахсий буюмларига хўжайинлик қилиш ҳуқуқига эга эдилар.

XI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё кўчманчи — салжуқийлар томонидан забт этилди, уларнинг турмуш тарзи анча паст эди. Шунинг учун тез орада улар маҳаллий халқнинг таъсирига ўтдилар. Бу давлат узоқ яшолмади. Хоразмшоҳлар давлатини вувудга келишига шароит яратди. Бу давлат ҳам анча бўш марказлашган эди, кучли эмасди. Шунинг учун VIII асрнинг биринчи чорагида Ўрта Осиёга босиб кирган Чингизхон қўшинлари томонидан босиб олинди.

Ўрта Осиё расмий равишда Чингизхоннинг ўғли

Чингатай давлати таркибига кирган бўлса-да, амалда унинг ҳукмдори монгол гумаштаси Маҳмуд Ялавоч эди. Бу давр феодал ишлаб чиқаришининг ривожланиши билан характерланади, бу эса феодал амалдорларнинг янада бойишига ва камбағал деҳқонлар аҳволини эса тобора ёмонлашувига олиб келди.

Муғуллар ҳукмронлиги даврида Урта Осиёда ҳуқуқнинг асосини шариат ва Чингизхон яраси, кўчманчи ва ярим кўчманчи муғулларнинг одатдаги ҳуқуқини акс эттирувчи ҳамда аҳоли орасида расм бўлган муғул қоидалари ташкил қиларди.

Кўчманчи монгол зодагонлари орасида кучайган қарама-қаршилик XIV асрда ўрта аср тарихида кўзга кўринган йирик шахс Темурнинг ҳокимият тепасига келишига ёрдам берди.

Бизнинг тарих фанимиз узоқ йиллар Темур шахсиятига салбий муносабатда бўлди. Уни иккинчи Чингизхон деб ҳисобладилар ва унинг Урта Осиё халқлари тарихидаги ролни худди Чингизхондай реакцион деб баҳоладилар. Бугунги кунда эса Темурни миллий қаҳрамон деб танитишга ҳаракат қилиптилар. Афсуски, биринчи ва иккинчи қараш ҳам Темур шахсининг объектив роли ва тарихда тутган ўрнини акс эттирмайди.

Дарҳақиқат, кўпгина истилолар талон-торож ва қонли юришлар, куйдирилиб кулга айлантирилган шаҳар-қишлоқлар, кесилган каллалардан ясалган миноралар, дарё бўлиб оққан қонлар — буларнинг ҳаммаси Темур номи билан боғланган. Шу билан бир қаторда Темур Урта Осиё ерларини бирлаштирувчи ва кучли марказлашган давлат ташкилотчисидир. У ақлли ва узоқни кўра билувчи сиёсатдон, талантили қўмондон ҳамда моҳир лашкарбоши, буюк империяни яратувчидир. Темур Самарқандни ўз давлатининг маркази қилди. Бу шаҳар Шарқнинг йирик сиёсий, иқтисодий ва савдо марказига айланди. Бу ерда ажойиб мачитлар ва бошқа ҳашаматли бинолар барпо бўлди, суғориш иншоотлари тикланди ва кенгайтирилди. Темур илмий адабиётга «Темур тузуклари» номи билан кирган, ҳарбий-маъмурий ҳуқуқ кодекси вазифасини бажарувчи оригинал тарихий ҳужжат муаллифидир.

«Тузуклар»да давлат қурилиши, армияни ташкил қилиш, ташқи давлатлар ва халқлар билан ўзаро му-

носабат масалаларига алоҳида эътибор берилган. Унда давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, шоҳ ҳукуматининг чексизлиги ва мустақиллиги, вазирларнинг вазифалари, улус амирлари ва туман ҳокимлари давлат кенгашлари ҳақида, мамлакатда тартибни сақлаш ва мамлакат тинчлигини таъминлаш, аҳолидан олинадиган солиқлар ҳажми, қўшин бошлиқлари гуруҳини тайинлаш, даражасини ошириш ва рағбатлантириш ҳамда уларга ҳақ тайинлаш, ҳатто юришларда ва урушларда армияни жой-жойига қўйиш, хизмат орденлари бериш кабилар бор.

Мамлакат аҳолиси «Тузуқлар»да 12 табақага, давлат ҳудуди эса тўрт улусга бўлинади. Улуслар марказий ҳокимиятга бўйсунди, аммо шу билан бирга, нисбатан мустақилликдан фойдаланади. Улус ҳокимида ўзининг давлат аппарати ва қўшини бўлади. У Темурнинг ҳарбий юришларида қатнашади ва унинг армиясини зарур қўшинлар билан таъминлайди.

Темур ҳокимиятнинг кучини қонунга қаттиқ риоя қилинишида деб билди. Бу тўғрида «Тузуқлар»да шундай ёзилган: «...Ҳукумат, қонунга таянмайдиган ҳокимият, ўз мавқеини ва кучини узоқ вақт сақлаб қололмайди».

«Тузуқлар»да давлат бошқарувининг изчил тизими берилади, унинг бошида чексиз ҳокимиятга эга бўлган амир туради. Аҳоли ва армияни унинг ўзи мустақил бошқаради, давлат ҳаётига оид барча масалалар бўйича ўзи мустақил қарор қабул қилади, қонунлар чиқаради. «Бошқарув ишларида,— дейилади «Тузуқлар»да,—қўшин ва халққа алоқадор ишларда шоҳ ҳеч кимнинг хатти-ҳаракатлари ва сўзларига амал қилмаслиги лозим».

Бироқ энг муҳим давлат масалаларини Темур жамиятнинг олий табақалари вакилларида ташкил топдиган кенгашда муҳокама қилар, лекин ҳукми ўзи чиқарарди. Кенгаш фақат маслаҳат бериши мумкин эди, холос.

«Тузуқлар»да кўрсатилишича, узоқ мамлакатларга юриш ва уруш очиш билан боғлиқ бўлган масалалар кичкина кенгашда Темурнинг ўғиллари ва амирлар иштирокида муҳокама қилинарди.

«Тузуқлар»да ёзилишича, давлат ишларининг соҳалар бўйича бошқарилиши вазифалар: фуқаро аҳо-

лиси ишлари бўйича, ҳарбий хизматчилар иши бўйича, ташқи алоқалар бўйича, жамғарма ишлари бўйича, давлат корхоналари бўйича, молиявий ишлар ва шу каби ишлар вазирликлари томонидан олиб борилади. Умумий раҳбарлик девонбеги томонидан амалга оширилади. Вилоятлар, ўлка, шаҳар, туман ва қишлоқларни бек, ҳоким ва арбоблар бошқарарди.

Мансабдор шахсларга талабнинг кучлилиги «Тузуклар»нинг асосий қоидаларидан бири эди. «Доно вазир,— дейилади «Тузуклар»да,— доимо давлат аҳолисини, халқ бахтини, қўшинни кучайтиришни, тўкин-сочин, бойликни ўйлайди». Шундан кейинроқ: «Мансабдор, агар у халқ билан ёмон муносабатда бўлса, қилган айбининг муҳимлигига мувофиқ равишда жарима тўлаши лозим».

Давлатга хиёнат қилган вазирлар ўлимга ҳукм қилинарди, аммо тахт ворислари бундан мустасно эди. Буларга азоб беришга йўл қўйилмасди. Аммо, тафтиш тугаши ва амирга хабар берилишига қадар уларни зиндонга ташлаш мумкин эди.

Темур давлатида одил судлов ишини қозилар бажарардилар. Улар турли тоифаларга: аҳоли ишлари, қўшин иши, диний ишлар ва хизматчилар табақасига оид ишлар қозиларига бўлинар эдилар.

Шаҳар, ўлка ва вилоят аҳолиси жиноят ва фуқаролар иши бўйича суд қилинарди, бу ишда шарнат, ҳарбий кишиларга нисбатан трибунал қўлланса-да, «Тузуклар» асосида ҳукм чиқариларди. Ер эгалари бўлган оқсуякларга нисбатан эса умумий ҳуқуқлар бўйича енгиллаштириб ишланган, кейин эса амир томонидан тасдиқланадиган махсус суд белгиланган эди. Тахт ворислари учун ҳукми амирнинг ўзи чиқарарди. Диний мансабдаги кишилар уларни амирга тавсифловчи шайх-ул-ислом томонидан суд қилинарди.

Темур давлатида давлатга қарши жиноят қилганлар, давлатга хизмат қилиш тартибини бузувчилар, ўз вазифасини суистеъмол қилган кишиларни суд қилувчи махсус орган бор эди.

Темур давлатда қандай ишлар бўлаётганини, халқ ва армиянинг кайфияти, забт этилган мамлакатлардаги аҳволнинг қандай эканини билишни ўзи учун зарур деб ҳисобларди. Бундан у армиядаги хабарчи-

лар, халқ орасида юрвчи мухтасиблар орқали хабардор бўларди.

Яширин миршаблардан ташқари жинойи миршаблар ҳам бор эди, уларнинг вазифаси савдо карвонлари ва катта йўллардаги халқ хавфсизлигини таъминлашдан, ўғрилар, босқинчилар, одамларни таловчи кишилар, шариат қоидаларини бузувчилар ва дайди-ларга қарши кураш олиб боришдан иборат эди. Темур ишламайдиган кишилар орасидан ишга яроқли кишиларни топиш ва уларни фойдали ишга солишга буйруқ берганди.

Темур феодал муносабатлар доирасини анча кенгайтирди. У ўзининг ижтимоий таянчини кенгайтириш ва мустақкамлаш учун сунъий равишда феодаллар синфини юқорига кўтарар, ўлка, вилоят ва ҳатто бутун мамлакатларни феодаллар ҳукмронлигига бўлиб берар эди.

Темур армияга хизматга олинаётган қишлоқ аҳолиси ҳисобидан феодалларнинг янги табақалари шаклланишига ёрдам берди. Улар ҳарбий бошлиқлар даражасигача кўтарилиб, ер мулки олардилар ёки ҳарбий юришлардан катта бойлик билан қайтиб, аҳолининг янги табақаларини яратадилар.

### 3-§. Ўзбек хонликлари (Бухоро, Хива, Қўқон)

Бухоро хонлиги. XVI аср бошларида Ўрта Осиёда муҳим сиёсий ўзгаришлар юз берди. Бунга сабаб Темур давлати даврида ўзбеклар номи билан маълум бўлган қипчоқ даштларидаги кўчманчи қабиаларнинг Ўрта Осиёга бостириб кириши ва Темур давлатининг инқирозга учрашидир. Темур ворисларининг ўзаро низоларидан фойдаланган кўчманчи ўзбеклар Ўрта Осиё ерларини босиб олдилар ва бу ерда, маркази дастлаб Самарқандда, кейинроқ Бухорода бўлган давлат туздилар.

Кўчманчи-ўзбеклар жамиятнинг иқтисодий асосини ўзгартирмадилар, ўзлари келган давргача бўлган турмуш тарзини қабул қилдилар. Фақат ҳукмрон синф таркибигина ўзгарди: олдинги феодаллар ўринини, асосан қабила йўлбошчилари ва султонлар эгаллади.

Аҳоли ижтимоий ва миллий жиҳатдан турли хил эди. Бу ерда ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қорақалпоқлар яшарди. Катта ер эгалари хон,

хон сулоласининг аъзолари, амирлар, беклар, саидлар, хўжалар, охунлар, ҳокимлар, эшонлар, шайхлар, суфи-дарвешлик биродарлари эди.

Хонлик деҳқонларини бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: хон ерида ишлайдиган деҳқонлар, ер эгаларига қарам бўлган деҳқонлар, руҳоний феодаллар кўлида ишловчи деҳқонлар.

Мусулмон ҳуқуқи деҳқонларнинг шахсий озодлигини номигагина тан оларди, амалда эса улар феодалларга боғлаб қўйилган эди. Хон томонидан феодалларга берилган «Жазо ва ўлим» тўғрисидаги гувохнома қўрқинчидан қочган деҳқонларни излаб топиш бундан далолат берарди.

Бухоро хонлигининг ташкил топиши аста-секин суниб бораётган феодал муносабатларни ушлаб қолди, аммо марказий ҳокимият нисбатан суст эди.

Бухоро хонлиги руҳонийлар бошқарадиган монархия давлати эди. Унинг бошида хон турарди, у кейинчалик амир деб юритила бошланди. Давлат бюджети ўрнига амир хазинаси бор эди. Олий ҳоким қошида кенгаш бўлиб, унда қабилалар ва руҳонийларнинг вакиллари билан бир қаторда олий вазифадаги кишилар қатнашарди. Олий маъмурий ҳокимият амирдан кейин Бухоро вилоятини ҳукмдори бўлган, амирнинг маъмурий хўжалик ишларини олиб борувчи, шунингдек давлат идора ишларини юритувчи қушбегига қарарди.

Вилоятлар бошида амир ҳокимиятининг вакиллари — ҳоким ва беклар турарди. Қишлоқ ва овулларни эса оқсоқоллар ёки мингбошилар идора қилардилар. Олий судни қозикалон бошқарарди. Суд ҳукми мусулмон ҳуқуқи бўйича чиқариларди.

Бухоро устидан рус ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин амир ва унинг мансабдорлари фаолиятини назорат қилиш учун Бухорода Россия сиёсий агентлиги ташкил қилинди, унинг буйруқларини амир сўзсиз бажарарди.

**Хива хонлиги.** XVI аср бошларида Бухоро хонлигининг шимоли ва ғарбида янги давлат — Хива хонлиги пайдо бўлди. У Хоразм ҳудудига вужудга келди. Бу вақтга келиб Хоразм кўчманчи-ўзбеклар ҳукмронлигидан четда қолган эди. Маҳаллий феодал ҳукумат ўша вақтда Хоразмда ҳукмронлик қилаётган Эрон ноибидан норози эди. Шунинг учун улар 1511

йилда кўчманчи ўзбеклар хони Ильбарсдан ёрдам сўрадилар. У мамлакатни эгаллаб олди. Шу сабабли ўзбеклар сулоласи 200 йилдан ошиқроқ давр орасида мамлакатни эгаллаб, ҳукмронлик қилиб келардилар. Янги давлат Хоразмни, унинг ғарбидаги, жануби-ғарбидаги кўчманчи туркманлар яшайдиган Мангқишлоқни, Балхон тоғлари райони, Дихастон ва Хуросоннинг шимолий қисмини ўз ичига оларди.

Хонлик аҳолиси маданий, иқтисодий ва этник жиҳатдан уч гуруҳга бўлинарди. Биринчи гуруҳга қадимги Хоразм аҳолиси авлодлари кирарди. Улар асосан шаҳарлар ва деҳқончилик билан шуғулланувчи қишлоқлар аҳолисини ташкил қилиб, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланарди. Хонликнинг ғарб ва жанубида жойлашган туркман қабилалари иккинчи гуруҳни ташкил қиларди. Чорвачиликни деҳқончилик билан қўшиб олиб бориш буларнинг асосий касби эди. Учинчи гуруҳ хон билан бирга Хоразмга кўчиб борган ўзбек қабилаларини бирлаштирар эди. Дастлабки йилларда улар кўчманчилик турмуш тарзини давом эттирдилар. Аммо, бориб-бориб, ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошладилар. Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи феодал-патриархал муносабатлари билан характерланарди. Бу ерда феодал муносабатлари бошқа жойлардагидай суст ривожланди. Катта ер эгаларининг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлиги, асосан ерга ва сувга эгаликларидан эди. Ернинг катта қисмига алоҳида шахслар эгалик қиларди, ундан камроқ қисми вақф ерлари эди, булардан қолгани давлат ерлари ҳисобланарди.

Аҳолининг асосий қисмини деҳқонлар ташкил қиларди. Маълум бир қисми ҳунармандлардан иборат эди. Қуллар энг пастки табақада турар эди.

Хива хонлиги оқсуяклар ва руҳоний феодаллар, шунингдек савдогар-судхўрларнинг ҳукмронлик қуроли бўлган монархия давлати эди.

Монархия бу ерда бирданига пайдо бўлгани йўқ, XVI—XVII асрларда хонлик бўлиниб кетган давлат эди. Ишлаб чиқариш кучлари ва товар-пул муносабатларининг ривожланиши марказлашган кучли давлат тузиш эҳтиёжини туғдирди.

XIX аср бошларида олғий хонлик кенгаши тузилди. У хонликнинг энг йирик мансабдор шахсларидан

иборат эди. Солиқ ислоҳоти ўтказилиб, ўлпонлар олиш йўли билан давлат даромади кўпайди, божхоналар пайдо бўлди, зарбхонлар ташкил қилинди.

Мамлакатда хон ҳукмрон эди. Қонун чиқарувчи, маъмурий ҳокимият ва суд ҳокимияти унинг қўлида эди. Давлат аппаратининг тузилиши оддий эди. Давлат вазифалари хон томонидан тақсимланар, ишга хон буйруғи билан тайинланар эди. Юқори давлат лавозимларини каттароқ ер эгалари бўлган аслзодалар ва мусулмон руҳонийлар эгаллаганди.

Юқори вазифа эгаларига: қушбеги — хоннинг биринчи ўринбосари, хонликнинг жанубий қисмида яшовчи ўтроқ халқларнинг бошлиғи ва улардан тушадиган ўлпонларни назорат қилувчи; меhtar — давлатнинг шимолий қисмидаги ўтроқ халқларнинг бошлиғи; девон беги — хонлик идораларининг бошқарувчиси; эшон-раис — тартиб сақловчи; миршаблар бошлиғи ва бошқалар кирарди.

Хонлик 20 беклик ва 2 ноибликка бўлинарди. Бегу ҳокимлар каби ноиблар ҳам хон томонидан тайинланар ва туширилар эди, суд ҳукмронлиги мусулмон руҳонийлари қўлида эди. Суд оғзаки ва очиқ-ойдин бажариларди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода бўлгани каби Хива хонлиги устидан ҳам Россия ҳукмронлиги бошланди. Россия таркибидаги хонликнинг ҳуқуқий қондалари шартнома билан белгиланган эди. Россиянинг хонлик билан бўладиган барча алоқалари махсус дипломатик ваколатхона — Амударё бўлими орқали амалга оширилар эди. Бу бўлим хон ва унинг ҳукумати олиб бораётган барча ишларни назорат қиларди.

**Қўқон хонлиги.** XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлиги таркибидан Фарғона водийси районлари ажралиб чиқиб, мустақил давлат — Қўқон хонлиги пайдо бўлди. Бу хонлик аҳолисининг этник таркиби ҳам ҳар хил эди. Бу ерда ўзбеклар, қozoқлар, тожиклар ва бошқа халқлар яшарди. Хонликда нисбатан деҳқончилик ривожланган эди. Аҳолининг кўпчилиги қисмини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда анчагина тажрибага эга бўлган ўтроқ деҳқонлар ташкил қиларди, қолган қисми эса кўчманчилар, чорвадорлар ва ҳунармандлар эди.

Қўқон хонлиги ҳам Ўрта Осиёдаги бошқа давлатлар каторида қолоқ мамлакат ҳисобланарди.

XVIII аср охиридан бошлаб хўжаликларда юксалиш сезила бошлади. Суғориш иншоотлари қурилиб, суғориладиган ерлар кенгайтирила бошлади. Астасекин қишлоқ хўжалигида ҳам, ҳунармандчилик, саноатида ҳам товар ишлаб чиқариш ривожлана бошлади. Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон каби йирик ҳунармандчилик-савдо марказлари вужудга келди.

XIX асрнинг биринчи чорагида Қўқон хонлиги Тошкент, Ёттидарё оралиғининг бир қисмини ва Сирдарё атрофидаги кўчманчи қозоқлар ерини босиб олди.

Шу даврда хон ҳокимияти ҳуқуқий давлат бошлиғи сифатида шаклланди. Мансаблар, унвонлар таъсис этилди, маълум даражада маъмурий ҳокимиятнинг қатъий тизими аниқланди.

Хон мамлакатнинг тўлақонли хўжайини эди. Хондан кейин мингбоши асосий шахс ҳисобланарди, шунингдек, хазиначи, ҳарбий вазир, миршаббоши ва бошқалар бор эди.

Хон қошида ички ва ташқи масалаларни муҳокама қилувчи кенгаш иш олиб борарди. Хонга руҳонийларнинг таъсири катта эди. Руҳонийлар бошлиғининг фикри юқори баҳоланарди. Руҳоний бошлиқлар судда ва марказий ҳамда маҳаллий идораларда маъмурий вазифаларни эгаллаган эди.

Жойларда беклар, ҳокимлар ҳукмронлик қиларди. Тошкентнинг ҳукмдори шахсан хон томонидан тайинланарди ва бек унвони бериларди. Қишлоқларда маъмурий ҳукуматни оқсоқоллар бошқарарди. Аҳолининг хатти-ҳаракати ва уларнинг шарият нормаларига риоя қилишни мухтасиблар назорат қиларди.

Суд ҳукми бош судья — қозикалон бошчилигидаги қозилар томонидан чиқариларди, бу ҳукм шарият бўйича бажариларди.

#### 4-§. Россия босиб олганидан кейин Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий тузуми

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг кўпгина районлари Россия томонидан босиб олинган эди. Россия бу ерларда босқинчилик сиёсатини амалга

оширар эди. Туркистон ўлкаси деб номланган бу районлар таркибига Қўқон хонлиги, Бухоро ва Хива хонлигининг бир қисми кирарди. Чор ҳукумати Туркистонни ўз империясининг ажралмас бир қисми, рус тахтининг қимматбаҳо бойлиги деб қарарди. Бу бежиз эмас эди, албатта.

Туркистон капиталистик саноати ривожланаётган Россия учун хом ашё манбаи ва рус буржуазиясининг капиталини ишга соладиган объектига айланди. Туркистонда табиий бойликлар кўп эди. Бу ўлканинг табиати пахтачилик, боғдорчилик, ўрмончилик, пиллачилик, қоракўлчилик, асаларичилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантириш учун қулай эди. Ўлка замини фойдали қазилмалар, жумладан кўмир, нефтга бой эди. Бу ерда оз бўлса-да, олтин, озокерит, олтингугурт, туз ва бошқа фойдали қазилмалар олинар эди.

Туркистоннинг Россия учун аҳамияти унинг иқтисодий жиҳати билангина чегараланмасди. У катта сиёсий ва стратегик аҳамиятга эга эди. Туркистоннинг босиб олиниши Россиянинг Европадаги мавқеини кучайтирди, бу билан ўзининг эски рақиби Англияни тинчлатиб қўяр эди. Осиёда қўшнилик, ҳинд ерлари яқинида кучли рус армиясининг пайдо бўлиши Европада қарама-қарши турган Англия ва Россия рақобатини тўхтатиб қўювчи омил бўлди.

Туркистоннинг Россияга қўшиб олиниши зўрлик билан қилинган мустамлакачилик ҳаракати эди. У бошқа мамлакатларнинг мустамлакачилик истилоларидан фарқ қилмасди. У талон-торож қилиш характерида бўлиб, Урта Осиёда ўзига хос мустамлакачилик режимини ўрнатар эди.

Урта Осиёнинг мустамлака қилиниши бу ерда маълум даражада капиталистик муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатишига, Туркистон иқтисодини миллий ва дунё бозорига тортилишига қарамадан бу ўлкада капитализмгача бўлган муносабатлар ҳукм сурарди.

Иқтисодийда саноатнинг тутган ўрни кўзга кўринарли даражада эмасди, саноат корхоналари эса асосан майда ҳунармандчилик, қосибчилик ва мануфактура типда эди. Ишчи куни 12—16 соатни ташкил қиларди, хотин-қизлар ва болалар меҳнатидан кенг фойдаланилар эди. Баъзи корхоналарда аёллар уму-

мий ишчилар сонининг 65—90 фоизини ташкил қиларди. Туркистон ишчиларининг ўртача йиллик маошлари Россиядагидан деярли икки баробар кам эди. Туркистонда капиталистик муносабатлар шакли ярим патриархал, ярим феодал шакллари билан аралаш эди.

Туркистон Россияга қўшилиши билан бу ерда мустамлака бошқармаси вужудга келди. Олий «маҳаллий» ҳукумат ўрнини бевосита Россия императори томонидан тайинланадиган генерал-губернатор ҳукумати эгаллади. Генерал-губернаторга жуда катта ҳуқуқлар берилган эди, биринчи генерал-губернатор Кауфманнинг ваколати бирор-бир ҳужжат билан белгиланмаган эди. Ўлкани ҳарбий кучлар билан фуқаролар ҳукумати бошқарса-да, асосан ҳарбийлар қўлида эди. Генерал-губернатор ўлкани ободонлаштириш учун нимани лозим деб билса, ҳамма чораларни кўриши мумкин эди. У ўлка маъмурияти зарарли, сиёсий жиҳатдан ишончсиз деган шахсларни ўзи судсиз жазолайверарди.

Туркистон ўлкасининг тўртта вилоятдаги ҳарбий губернаторлари ва унинг ҳузуридаги вилоят бошқармаларининг вакиллари чор ҳукумати аппаратининг намояндалари ҳисобланарди. Вилоятлар 27 уездга бўлинарди, унга маъмурий-сиёсий ҳукуматни қўлига олган уезд бошлиқлари бошчилик қиларди. Ҳарбий қисмлар ҳам шуларга бўйсунарди.

Туркистонда суд органи ҳамма халқ учун умумий эмасди. Рус халқи учун мурасага келтирувчи судлар, вилоят, округ судлари, сенат бор эди. Маҳаллий халқ учун қози ва бийлар суди мавжуд бўлиб, асосан шариат ва одат бўйича иш кўрарди.

Ўлкани мустамлака сифатида характерловчи хусусиятларидан бири ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш органларининг йўқлиги эди. Туркистонда 1864 йилдаги ер ислоҳоти ҳам. 1870 йилдаги шаҳар ислоҳоти ҳам ўтказилмади. «Рус маъмурияти маҳаллий халқларнинг турмушига, диний ишларига аралашмайди,»— деб махсус эълон қилинди, холос.

Маҳаллий ҳукуматнинг ўзбошимчаликларидан шикоят қилингандагина аралашувга йўл қўйилар эди.

## 5-§. 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ

1917 йил октябрида Россияда бўлиб ўтган пролетар революцияси унинг барча чекка ўлкаларини, шу жумладан Туркистонни ҳам қамраб олди, 1918 йил охирида Туркистон Совет Автоном Республикаси эълон қилинди. У ўз ҳудуди, унинг ери, суви ва бойликларига ўзи ҳукмронлик қилиш, барча соҳаларидаги вазифадор шахсларни ўзи танлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш нормаларини тузиш каби ҳуқуқлари билан РСФСР таркибига кирди.

1920 йил апрель ойининг охирида Хоразмда, шу йилнинг октябрь ойи бошларида эса Бухорода Халқ Совет республикаси эълон қилинди.

Туркистон, Бухоро ва Хоразмда Совет тузуми тузилган биринчи йилнинг ўзидаёқ Ўрта Осиёда яшаётган халқларни миллий-давлат чегараларини ажратиш зарурати туғилди. Аммо, феодал мустамлакачилик тузумдан мерос қолган хўжалик ва маданий жиҳатдан қолоқлик, граждандар уруши ва чет эл интервенцияси натижасидаги сиёсий ҳамда иқтисодий аҳвол бу ғояни 1924 йил охиридагина ҳаётга татбиқ этиш имконини берди.

1924 йил октябрда олдинги Туркистон Автоном Республикаси, Бухоро, Хоразм республикалари негизида Ўзбекистон ССР ўз таркибига Тожикистон АССРни, Туркменистон ССР, Қирғизистон (Қозоғистон) АССР таркибида Қорақалпоғистон Автоном области, РСФСР таркибида Қора-Қирғиз (Қирғизистон) автоном области ташкил топди.

Янгидан ташкил топган Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти функциясини 18 ноябрда чақирилган революцион комитет ўз зиммасига олди. У 1925 йил февралда Бухорода чақирилган биринчи Советлар съезидигача ишлаб турди. Съезд «Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ҳақида баённома» қабул қилди, халқнинг Олий органи сифатида Советлар МИКни сайлади, ҳукумат — Ўзбекистон ССРнинг ХКСни тузди.

1925 йил май ойида СССР Советларининг учинчи съезди Ўзбекистон ССРни Совет Иттифоқи таркибига қабул қилди.

Ўзбекистон ўзининг ташкил топган дастлабки кун-

ларидан бошлаб, СССРга кирган давлатлар қатори, демократик давлат дейилади.

Аммо, дастлабки йилларда халқ оммаси Советлар орқали давлатни бошқаришда қатнашган бўлса, кейинчалик советлар ҳокимиятидан четланиб қолди. Расмий жиҳатдан барча ҳокимият Советлар қўлида дейилса-да, амалда республикада қаттиқ авторитар режим ўрнатилган эди. Бу тартиб 80- йилнинг ўрталаригача ҳукм сурди. Давлат фаолиятида маънавий одамгарчилик, илғор кишилар фаолиятида ижобий қарашлар пайдо бўла бошлаши билан фуқаролар жамиятининг шакллари шакллана бошлади. Давлатни демократик асосда бошқаришнинг юқори ижтимоий ғоялари умумхалқ иштироки билан боғланди.

Революция туфайли ишлаб чиқариш муносабатларида пайдо бўлган туб бурилиш республикада янги қонунларни вужудга келтириши лозим эди. Ҳуқуқ эса ҳукмрон синф ёки барча жамият хоҳишини ифода этувчи умумхалқ учун мажбурий бўлган ахлоқ нормалари асосида бўлиши лозим, деган тушунча пайдо бўлди. Бу ўринда раҳбарлик ролини ҳукмрон-ишчилар синфи ўйнаши лозим, деган ақида олға суриларди. Ана шу ҳақиқий нормалар давлат томонидан қабул қилинарди ҳамда уни ижросини таъминлашга тиришарди.

Бундай талқин қилиш жамият ҳаётининг махсус муҳитини белгиловчи объектив ҳуқуқ нормалари бўлишини рад қиларди. Ўз ҳукмини юритиш фақат юқоридан буйруқ, топшириқ кутишга мажбур қиларди, давлатнинг бўйсундирувчи аппаратлари йўриқларига қарам қиларди. Ҳуқуқ тушунчасининг марказида давлат турарди. У юридик ҳуқуқлар нормасини тайёрларди ёки бекор қиларди, ижросини таъминларди. Ҳуқуқ яратилишида жамият, халқ ва инсоннинг ўрни ҳисобга олинмасди.

Кейинги йилларда ҳуқуқни ривожлантириш бўйича жиддий силжишлар юз берди, кун тартибида ҳуқуқий ислоҳотни ўтказиш масаласи қўйилди. Бугунги кунда ҳуқуқ озодлик ўлчови, жамиятни бошқариш қуроли, тартибни сақлаш дастури, инсон озодлиги, ижтимоий озодлик ва ижтимоий адолатлилигини таъминловчи омил бўлди. Ҳуқуқ табиий-тарихий тараққиётнинг маҳсули ва омманинг ижтимоий-сиёсий ижодининг натижаси сифатида қоралади. Ҳақи-

қий ҳуқуқни яратувчи одамдир. У давлат хоҳишини ифодалайди ва ҳуқуқ нормаларини яратиш, уларга бўйсундиришни таъминлайди.

Давлатимизнинг бугунги ҳуқуқи — бу халқ манфаатларига жавоб берувчи, ўзи раҳбарликка олган ижтимоий тизимнинг ўзи бошқарадиган ва ҳукумат томонидан одамларнинг эркин муносабатларини ҳимоя қиладиган ҳуқуқдир.

Шуни ҳам айтиш лозимки, бугунги ҳуқуқни бундай таъриф-тавсиф қилиш у ўзгармайди, шу ҳолича қолади деган гап эмас, бу шу кун нуқтаи назаридан берилган баҳо, холос. Жамиятнинг бундан кейинги демократиялаштирилиши ҳуқуқни янада такомиллаш имконини беради. Ҳуқуқий давлатни яратиш ва фуқаролар жамиятнинг тараққиёти бошқарувчи ҳуқуқни яратишнинг янги методларига ўтишни талаб қилади, бунда жамият муносабатларини белгиловчи янги бир ҳуқуқ тартиб ва қонунларига ўтилади. Маъмурий — ҳукмронлик ҳуқуқи нормалари аста-секин турли-туман ижтимоий интилишларни ҳимоя қилувчи янги нормалар билан алмашади.

## ИККИНЧИ БУЛИМ. ҲУҚУҚ СОҲАЛАРИ

### 6- БОБ. ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ

1. Давлат ҳуқуқи тушунчаси.
2. Давлат ҳуқуқи фанининг предмети ва вазифалари.

#### 1- §. Давлат ҳуқуқи тушунчаси

«Давлат ҳуқуқи» атамаси икки хил тушунчага эга: давлат ҳуқуқи фани ва ҳуқуқ соҳаси — у тўғридан тўғри Давлат ҳуқуқи деб аталади.

Давлат ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаси сифатида — ижтимоий тузум ва давлат қурилиши асосларини, шахсининг мавқеини ва давлат органлари тизимини мустаҳкамловчи, шунингдек давлат ҳокимиятини амалга оширишда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни бошқариб турувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидир.

Шундай қилиб, давлат ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаси сифатида биринчи навбатда ижтимоий тузум асосларини мустаҳкамлайди. Бу тасодифий ҳол эмас, негаки ижтимоий тузум бўлмаса — давлат ҳам бўлмайди. Ижтимоий тузум хусусияти эса олий ҳокимият кимга қарашли эканлиги, ким уни амалга ошириши, мулкчиликнинг шакллари қандайлиги, синфлар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар қандай шаклланиши, яъни сиёсий, иқтисодий тизимлар ва жамиятнинг ижтимоий тузилмаси билан белгиланади.

Шунга қўра давлат ҳуқуқи нормалари ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш билан бир қаторда уни белгилаб берувчи сиёсий ва иқтисодий тизимни, шунингдек ижтимоий тузилмани, синфлар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар хусусиятини ҳам мустаҳкамлаши керак.

Давлатнинг моҳияти кўп жиҳатдан инсон, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусияти уларнинг бир-бирлари олдидаги ҳуқуқ ва мажбурият-

лари билан белгиланади, бу ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг нечоғли ҳаққоний ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланганлигини ҳам давлат ҳуқуқи таъминлайди.

Ҳар қандай давлат, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз ҳудудий уюшмасига эга. Давлат ҳуқуқининг вазифаси республиканинг ана шу миллий-давлат қурилмасини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишини ва ҳуқуқий ҳолатини белгилашдан иборат.

Давлат қурилиши ва фаолияти тамойилларини мустаҳкамлай бориб, давлат ҳуқуқи нормалари биринчидан — давлат ҳокимиятини ташкил этиш, иккинчидан — ҳокимиятни амалга ошириш жараёнларида пайдо бўладиган муносабатларни тартибга солади.

Бу муносабатларнинг ўзига хос хусусияти давлат ҳуқуқи нормалари белгилаб берадиган субъектларининг кўплигидир. Давлат-ҳуқуқий муносабатлар субъектларига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси халқи, умуман давлат сифатида Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон таркибига шартнома асосида кирувчи суверен давлат сифатидаги Қорақалпоғистон Республикаси, давлат органлари, ҳудудий ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органлари, халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари, сайлов комиссиялари, Республика фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари.

Аммо ушбу субъектларининг давлат-ҳуқуқий нормалар бўйича ҳуқуқий лаёқатлари турличадир. Энг олий ҳуқуқий лаёқатга Республика халқи эга бўлиб, ҳокимият олий мавқе унга қарашлидир. У буни бевожита умумхалқ овоз бериши (референдум) йўли билан ва ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки ваколатли орган ҳисобланган халқ депутатлари Кенгашлари орқали амалга оширади. Бироқ ҳуқуқий лаёқат кўлами ва мазмуни борасида Кенгашлар бир хил мавқега эга эмас. Республика Олий Мажлиси бу борада энг юксак мавқега эга бўлиб, у ҳокимиятнинг олий органи ҳисобланади ва Республиканинг барча халқлари номидан иш юритади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари эса вилоят, туман, шаҳар аҳолиси номидан иш юритиш ҳуқуқига эга.

Тўла ҳуқуқ лаёқати Республика фуқаролари, чекланган ҳуқуқ лаёқатига эса чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар эгадирлар. Аммо фуқаролар учун ҳам ҳуқуқ лаёқати кўлами ва мазмуни доимий эмас. Фуқароларга 6—7 ёшда билим олиш, 18 ёшдан — сайлаш ҳуқуқи, 25 ёшдан эса Республика Олий мажлиси депутатлигига сайланиш, 21 ёшдан вилоят, туман шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланиш ҳуқуқи берилади.

Давлат-ҳуқуқий муносабатлар умумий ва аниқ хусусиятда, доимий ва муваққат бўлиши мумкин. Умумий тартибдаги муносабатлар бир қатор нормалар билан, аниқ муносабатлар эса у ёки бу аниқ нормани амалга ошириш, ўша ҳуқуқ ва мажбуриятларни бевосита рўёбга чиқариш билан боғлиқдир.

Доимий муносабатлар субъект амалда бор бўлган барча давр давомида, муваққат муносабатлар эса ҳуқуқий нормада кўзда тутилган ҳаракат бажарилгунга қадар амалда бўлади.

Умумий тартибдаги муносабатлар — доимий, аниқ-равшан муносабатлар эса — муваққатдир.

Ўзида давлат-ҳуқуқий нормаларини мужассамлаштирган барча далолатномалар (актлар) ҳуқуқ соҳаси сифатидаги давлат ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади, аммо асосий манба Конституция саналади. Конституцияда ижтимоий тузум асосларини миллий-давлат тузуми ва шахснинг ҳуқуқий ҳолатини, давлат органларининг тузилишига ва уларнинг фаолиятини мустаҳкамловчи, шунингдек энг муҳим давлат-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи барча нормалар мужассамланган. Давлат ҳуқуқининг баъзан конституциявий ҳуқуқ деб ҳам аталиши бежиз эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси қарорлари, шунингдек маҳаллий ҳокимият органларининг давлат ҳуқуқий нормалардан иборат бўлган норматив ҳужжатлар ҳам давлат ҳуқуқининг муҳим манбаларидир.

Ҳуқуқ соҳаси тизимида давлат ҳуқуқи етакчи ўринни эгаллайди, чунки унга кирувчи кўпгина нормалар ҳуқуқнинг бошқа соҳалари учун ҳуқуқий база

булиб хизмат қилади, уларнинг асосий негизини, асосий тамойилларини белгилайди.

## 2-§. Давлат ҳуқуқи фанининг предмети ва вазифалари

Давлат ҳуқуқи фан сифатида икки вазифани бажаради. Биринчидан, Республика давлат қурилишини мустақамловчи давлат ҳуқуқий нормаларни, яъни: Республикадаги ижтимоий тизим ва шахснинг ҳуқуқий ҳолатини, унинг миллий-давлат қурилишини, давлат органлари тизимини ва давлат-ҳуқуқий нормалари билан бошқариладиган ижтимоий муносабатларни тадқиқ этади, иккинчидан, ҳуқуқ яратувчи ташкилотларга илмий тавсиялар беради.

Юқоридаги таърифлардан давлат ҳуқуқи фанининг предмети ҳуқуқ соҳаси сифатидаги давлат ҳуқуқидан иборат деган хулоса келиб чиқади. Ана шундай фан борлигининг ўзи ҳам ҳуқуқнинг шу соҳаси борлиги билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, ўзида давлат-ҳуқуқий нормаларни мужассамлаштирган давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органлари ҳамда давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий актлари, шунингдек давлатшунос олимларнинг илмий ишлари, давлат қурилиши тажрибаси — давлат ҳуқуқи фанининг манбаига киради.

Бугунги кунда Давлат ҳуқуқи фани муҳим вазифаларни бажаришга даъват этилган. Республика-мизнинг давлат мустақиллиги йўлига ўтиши, фуқаролик жамиятини ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги вазифалар давлат-ҳуқуқ фанидан Республиканинг ижтимоий давлат ва жамият қурилиши ҳамда унинг асосларини ишлаб чиқиш ва унинг қарор топишига, давлат органларини такомиллаштиришга ва уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга, инсоннинг жамият манфаатларини, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлашга ҳар томонлама ёрдам беришни талаб этади.

## 7-БОБ. КОНСТИТУЦИЯ — ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

1. Конституция тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Конституциянинг хусусиятлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ривожланиши.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тизими.

### 1-§. Конституция тушунчаси ва унинг моҳияти

Конституция тушунчаси замирида давлатнинг ижтимоий-сиёсий табиатини ифодаловчи асосий қонуни ётади. Конституция, айтиш мумкинки, давлатнинг митти модели, унинг ҳуқуқий устқурмасидир. Ана шу устқурма доирасида ҳоқимият, буст-бутун давлат механизми фаолият кўрсатади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади ҳамда ҳимоя қилинади, ижтимоий ривожланиш, айниқса иқтисодий, ижтимоий маданий ривожланишнинг кўпгина соҳалари олдиндан белгилаб бериллади.

Конституция ўз шаклига кўра ёзилган ва ёзилмаган Конституцияларга бўлинади. Ёзилган Конституция бу ижтимоий ва давлат тузумининг энг муҳим институтларини ўрнатувчи, маълум бир тизим асосида тузилган ягона асосий қонундир. Ёзилмаган Конституция эса — бир қатор қонунлар ва конституцион урф-одатларнинг мажмуидир.

«Конституция» атамаси латинча бўлиб, ўргатиш, тасдиқлаш, тузилиш маъноларини билдиради. Қадимги Римда ҳуқуқ манбаи кучига эга бўлган император ҳоқимияти актлари ана шундай ном билан юритилган. Давлатнинг асосий қонуни сифатида Конституциянинг пайдо бўлишини одатда буржуазиянинг ҳоқимиятга келиши билан боғлашади. Аслида эса конституциялар жамият давлат тузилишининг буржуазияга қадар бўлган шаклларида ҳам маълум эди. Бироқ у пайтларда конституция ёзилмаган тарзда эди.

Буржуа конституциялари капиталистик муносабатлар ва буржуазия ҳуқумронлигини мустаҳкамлаш воситаси, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида капиталистик барқарор ривожланишнинг кафолати сифатида яратилар эди. Ана шу жи-

ҳатдан олиб қараганда, улар буржуазия хоҳиш-иродаси бўлган қонун-қоидаларни ўзида қамраб олган эди.

Аммо капитализмнинг ҳозирги ривожланиш босқичига кириши буржуазия конституциясининг моҳиятини тушунишга муҳим ўзгаришлар киритди. Энди у фақатгина ҳукмрон синф манфаатларини ифода этиб қолмай, балки барча синф ва ижтимоий гуруҳлар учун бирдек аҳамиятга эга бўлган умуминсоний қадриятлар ҳамда манфаатларни мустаҳкамлаш воситасига ҳам айланди.

Бизнинг конституциямиз моҳиятига баҳо беришда ҳам диалектик ёндашув зарурдир, Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар Конституция моҳияти борасидаги эскирган ёки ўзини оқламаган қарашлар ҳамда тасаввурларни енгиб ўтиш, янгича ёндашиш заруриятини тақозо этарди. Бироқ Республикадаги назарий фикр, собиқ иттифокда бўлгани каби, жамиятнинг ижтимоий-тарихий ривожланиш ҳақиқий воқелигига қарамай яқин-яқингача конституциянинг синфийлик моҳиятидан келиб чиқарди.

Юқорида айтиб ўтилганлардан конституциянинг ижтимоий-синфий моҳияти ҳақиқий аҳволни акс эттирмас экан деган хулоса чиқармаслик керак. Бу ҳолат жамият ривожининг маълум бир босқичига тааллуқлидир.

## 2- §. Конституциянинг хусусиятлари

Давлатнинг асосий қонуни сифатида Конституция бошқа қонунлардан ажралиб турган ўзига хос ҳуқуқий тамойиллар билан яратилади. Конституция меъёрлари таъсисчи характерига эга. Агарда кўп сонли ҳуқуқий актлар мажмуини олиб қарайдиган бўлсак, унда конституция энг олий мавқени эгаллайди. Конституция — бу олий қонун, у бошқа қонунлардан устивордир. Конституция қонун-қоидалари ҳаминша бошланғич таъсисчи ҳисобланади.

Конституция ижтимоий муносабатлардаги энг муҳим ва асосий масалаларни еча бориб, ҳуқуқнинг барча соҳаларини ривожлантириш учун, бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий заҳира ва олий ҳуқуқий куч сифатида намоён бўлади, уларнинг тамойилларидаги умумийликни, ўзаро келишувни таъминлайди.

Конституциянинг ажратиб турадиган алоҳида хусусиятлари қаторига унинг барқарорлигини ҳам киритиш мумкин. Бу барқарорлик уни қабул қилиш ва унга ўзгартиришлар киритишдаги алоҳида тартиб билан таъминлади. Агар Ўзбекистон Республикасининг оддий қонунни қабул қилишда Олий Мажлис депутатларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз талаб қилинса, Конституцияни қабул қилиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш учун овозларнинг камида учдан икки қисми зарур бўлади.

Агарда Ўзбекистондаги конституцион ривожланишни бошқа мамлакатдаги ривожланиш билан солиштирсак, ўртача мезон билан олганда бизнинг конституциямиз бошқа мамлакатлардагига қараганда унчалик барқарор ҳужжат эмаслиги, тез-тез ўзгариб, қисман ислохотга учраётганлиги кўринади. 70 йил мобайнида бизда конституция тўрт марта ўзгартирилди, бунга Туркистон АССР, Хоразм, Бухоро халқ Республикалари давлат сифатида ташкил этилганидаги конституциялар ҳисобга кирмайди. Тўғри, бошқа барча мамлакатларда ҳам конституциявий ислохотлар ўтказиб турилади, аммо уларнинг даврийлиги биздагидан анча узоқ муддатга чўзилади.

### 3-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ривожланиши

Ўзбекистон Республикасида, унинг миллий-давлат қурилишига мувофиқ, Асосий қонуннинг икки тури: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси амал қилади. Улар ягона иқтисодий ва сиёсий асосга таянган бўлса-да, айни пайтда бир-биридан фарқ қилади, бу фарқ уларнинг ҳуқуқий кучи тарқаладиган ҳудудларнинг ҳар хиллиги, тарихий ва миллий ривожланишнинг ўзига хослиги, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг суверен ҳуқуқларидан келиб чиқадиган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан тушунтирилади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда миллий-давлат чегараланиши натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳам ташкил топгач, орадан уч йил ўтиб (1927 йилда) биринчи Конституция қабул қилинди. Конституция қабул қилинганига қадар Республикада конституция аҳамиятига молик бўлган бир неча ҳужжатлар эъ-

лон қилинди. Уларга: «Ўзбекистон ССРни ташкил этиш тўғрисидаги Декларация», 1925 йилнинг 22 июлида чиқарилган «Ўзбекистон ССР нинг герби ва байроғи ҳақида»ги республика МИК қарори, 1924 йил 24 январдаги «Ўзбекистон ССРнинг айрим округларни қайта номлаш ҳақида»ги Ўзбекистон ССР МИК кенгашининг қарори, 1927 йил 8 февралдаги «Фарғона областини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР МИК кенгашининг қарори, 1926 йилнинг 10 июнидаги «Янги маъмурий бўлиниш ҳақида»ги Ўзбекистон ССР МИК кенгаши тўртинчи сессиясининг қарори ва бошқа бир қанча ҳужжатларни кўрсатиш мумкин.

1927 йилдаги ЎзССР конституцияси Республика суверенитетини ва унинг СССР таркибига киришини, Ўзбекистон ССР ташкил этилиши ҳамда шаклланиши даврида пайдо бўлган давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари тузилмасини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикасининг иккинчи Конституцияси 1937 йилда, ўша пайтларда иттифоқда амалда бўлган анъанага кўра, СССР Конституция қабул қилинганидан кейин қабул этилди. СССР Конституциясида айтилган каби Ўзбекистон ССР Конституцияси ҳам социалистик тузум асослари қурилиши тугалланганлигини эълон қилди. Бундай қараганда ниҳоятда демократик ва мақсадга мувофиқ бўлиб кўринган бу конституция жамиятни ташкил этишнинг демократик асосларини чуқурлаштириш тенденциясини маълум даражада акс эттирган, кенг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлаган эди. Лекин аслини олганда Конституцияда ёзилганлар ҳаётда амалга оширилмади.

1977 йилда қабул қилинган СССР Конституцияси кетидан 1978 йилда қабул қилинган Ўзбекистоннинг учинчи Конституцияси СССР Асосий қонунидаги барча устунлик ҳамда камчиликларни ўзида мужассам этди. СССР Конституциясида бўлгани каби Ўзбекистон Конституцияси ҳам жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш мумкин бўлган бир қанча демократик имкониятларга эга эди. Конституцияда халқ депутатлари Советлари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширувчи халқнинг тўла ҳокимияти, социалистик қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот тамойиллари мустаҳкамланган эди. 1937 йилги конституцияга қараганда ун-

да фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари хусусидаги моддалар сони икки барабар кўп эди. Унда «Ижтимоий ривожланиш ва маданият» деган алоҳида боб ҳам киритилган эди. Бундан ташқари кун татибида турган бошқа муҳим масалалар ҳам Конституцияда ўз ифодасини топди.

Аммо конституция амалга ошмади, ҳуқуқий қомуснинг ўзи турғунлик даврида одамлар онгига сингимади, эришилган ютуқлар хусусида берилган баҳо-лар сўз билан иш ўртасидаги узилишни тавсифлаб, эълон қилинган идеалларга ишончсизлик туғдирди, Жуда кўп конституцион устиворликлар фақат қоғоздагина қолиб кетди.

Конституция моддаларини ҳаётга татбиқ этиш имкони озлиги уни амалда бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тузуми алмаштиргани билан изоҳланади. Агар ижроия аппарати Советлар устидан ҳукмронлик қилар экан халқ ҳокимияти ҳақида сўз бўлиши мумкинми?! Конституцияда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсади кишилар эҳтиёжини тўлароқ қондиришдан иборатдир, деб эълон қилинган бўлса-да, амалда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида орқада судралиб қолинди. Қопунчиликни тиклаш жараёни охирига етказилмади. Федерация тамойиллари яккаҳокимликка интилиш билан алмаштирилди, айниқса бу нарса марказий вазирликлар ҳамда идораларда яққол намоён бўлди.

1978 йилги Конституция ҳуқуқий жиҳатдан қувватсиздир. Ундаги қуруқдан-қуруқ қонун-қоидалар керакли даражада зарур тадбирлар, ҳуқуқий кафолатлар билан мустаҳкамланмади. Бир нарсани эслаб ўтиш kifоя: бизда 1987 йилга қадар мансабдор шахс ҳаракати устидан фуқароларнинг арз қилиш тартиби ҳақидаги ҳуқуқий акт йўқ эди. Ваҳоланки, ана шундай ҳуқуқий акт хусусида Конституциянинг 56-моддасида очиқчасига айтилган эди. Бир қатор Конституциявий ҳолатлар ҳам қонунлар томонидан мустаҳкамланмади, чунончи: меҳнаткашларнинг ҳокимиятни бошқаришда иштирок этиши шакллари, жамоат ташкилотлари ҳамда меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳақидаги қонун-қоидалар шулар жумласидандир. Амалда конституциявий назорат ва текширувнинг ишончли механизми йўқ эди.

Хуқуқий тизимда конституциянинг чинакам ус-  
тунлиги таъминланмади. Конституциянинг амалдаги  
ҳаракати тўғрисида оғиздагина гапирилар, амалда  
эса у билан ҳеч ким ҳисоблашмас эди. 1978 йилги  
Конституция кўп жиҳатдан муҳим ташвиқот вазифа-  
сини бажарувчи сиёсий манифестга ўхшаб қолди.

Шунга кўра, собиқ ССРда ижтимоий-иқтисодий  
ўзгаришлар бошланган биринчи йилларидаёқ Итти-  
фоқ конституциясининг ўзини ва унга кирадиган рес-  
публикаларнинг конституцияларини ўзгартириш за-  
рурлиги долзарб вазифа сифатида олдинга сурилди.

Ўзбекистон республикасида конституция ислоҳоти  
икки йўналишда олиб борилди: биринчиси — амал-  
даги асосий қонунни қисман қайта кўриб чиқиш; ик-  
кинчиси янги конституцияга тўла тайёргарлик кў-  
риш.

1988 йилдан эътиборан ҳокимият органлари тизи-  
мига ўзгартиришлар киритилди, президентлик ва  
ҳокимлик институти жорий этилди. Республика Прези-  
денти ҳузурида Вазирлар Маҳкамаси тузилди, сай-  
лов тизими бирмунча демократлаштирилди. Иқтисод-  
дий тизим фақатгина мулкчиликнинг кўп шакллари  
асосида ривожланиб қолмай, балки у давлат томо-  
нидан тўла ҳимоя қилиниши ҳам лозим деган қа-  
ролга келинди.

Бир вақтнинг ўзида янги Асосий қонун лойиҳа-  
сини тайёрлаш бўйича иш олиб борилди, у 1992 йил  
8 декабрда Республика Олий Кенгаши томонидан  
қабул этилди.

Янги Конституция мустақил давлатимиз шакллани-  
ши жараёнининг энг муҳим таркибий қисмига ай-  
ланди. У Республика суверенитети ва давлат муста-  
қиллигини, Ўзбекистоннинг ижтимоий ва давлат  
тузумини умуминсоний қадриятлар ҳамда халқаро  
ҳуқуқ устиворлигини мустаҳкамлайди, фуқаролар жа-  
миятини тан олиб тасдиқлади ва ўз-ўзини бошқариш  
шакллари аниқлаб берди, шахсий ҳокимият режи-  
ми ва ваколатли органлар устидан аппаратнинг юқо-  
ри туришига қарши кафолатларни ўрнатди. Консти-  
туция жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва  
маънавий жиҳатдан ташкил этиш шакллари аниқ-  
лаб берди, мулкчиликнинг турли-туман шакллари-  
нинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлади, эркин бозор-  
ни тан олди.

Инсон билан жамият, инсон билан давлат ўрта-тидаги муносабатлар Конституциянинг диққат марказида туради. Инсонга иқтисодий, сиёсий эркинликлар, тинчлик, хавфсизлик, баркамол ҳаёт кечирish, жамият ва давлат ишларини ҳал этишда иштирок этиш, миллий ва жаҳон маданияти бойликларидан фойдаланиш имконияти таъминланди.

#### 4-§. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг тизими

Конституция муқаддима ва олти бўлимдан иборат. Муқаддимада Республика Конституцияси қайси асосларда бунёд этилгани кўрсатилган.

Биринчи бўлим — «Асосий қондалар» тўрт бобдан иборат, уларда давлатчиликнинг асосий тамойиллари — давлат мустақиллиги, халқ ҳокимияти, қонун устиворлиги ҳамда Республика ташқи сиёсатининг принциплари кўрсатилган.

Иккинчи бўлим инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда мажбуриятларини мустаҳкамлайди. Бўлим етти бобдан иборат: умумий қондалар, фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинлик, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари кафолати ҳамда инсон эркинликлари ва мажбуриятлари.

Учинчи бўлим жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларига бағишланган. Биринчи боб жамиятнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлайди. Иккинчиси — жамоат ташкилотларига, учинчиси — оилага ва тўртинчиси оммавий ахборот воситаларига бағишланган.

Тўртинчи бўлимда Республиканинг маъмурий-ҳудудий ва давлат қурилиши масалаларига аниқлик киритилган.

Бешинчи бўлим Республика давлат ҳокимиятининг ташкил этилишини, шу жумладан сайлов тизimini, прокуратура фаолиятини, молия кредит тизimini, мудофаа ва хавфсизликнинг ташкил этилишини мустаҳкамлайди.

Олтинчи бўлимда Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби белгилаб берилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юридик ҳуқуқларнинг умумий тизимида асосий ролни эгаллайди, давлатнинг барча қо-

нунлари ва бошқа ҳуқуқий норматив ҳужатлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

## 8-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИЖТИМОИЙ ТУЗУМИ

1. Республика ижтимоий тузумининг тарихий ривожланиши.
2. Фуқаролик жамиятининг асослари.

### 1-§. Республика ижтимоий тузумининг тарихий ривожланиши

Республика конституциясида ижтимоий тузумнинг асосларини мустаҳкамловчи қоидалар муҳим ўринни эгаллайди. Ижтимоий тузум асослари дейилганда алоҳида олинган мамлакат ривожининг аниқ босқичида жамиятнинг тарихан белгиланган тури тушунилади. Ижтимоий тузум ижтимоий ҳаётнинг айрим томонларини акс эттирувчи «давлат», «ҳуқуқ» тушунчаларидан фарқ қилиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини узвий ўзаро алоқада қамраб олади. Ижтимоий тузум асосида ишлаб чиқаришнинг маълум усули ётади, унинг тузилмаси мазкур жамиятда мавжуд бўлган барча ижтимоий муносабатлардан таркиб топади.

Илгарилари Республикамиздаги ижтимоий тузум бутун собиқ Иттифоқда бўлганидек, уч босқични: капитализмдан социализмга ўтиш даври, социализм асослари яратилгандан кейинги давр ва ривожланган социализм даврини босиб ўтган деб таъкидланарди, бу асл воқеликка зид эканлиги аён бўлди. Жамият эришган ҳолатни ривожланган социализм тарзида баҳолаш утопиядан бошқа нарса эмас.

Асосий нарса — мақсад деб инсонни тушуниш йўқотилган эди. Ҳамманинг эркин ривожланиш ғояси ўрнига инсонни «мурват» сифатида тасаввур қилиш тушунчаси пайдо бўлди. Тоталитар-бўйруқбозлик тизими социализм, капитализм ва ҳатто ярим феодализм муносабатларининг ўта хилма-хил унсурларини зўравонлик цементи билан бириктирди.

Айтилганлар асосида ҳозирги кунда айрим кишилар биз қурган ижтимоий тузум — казарма, давлат

социализми эди ва энди биз инсонпарвар социализмни қуришга ўтишимиз керак, деган фикрни билдирмоқдалар. Бошқалар эса капитализмга қайтиш ва бу ғояни мазкур ҳолат учун махсус ишлаб чиқилган бир давлат туридан иккинчисига ўтишдек давлатчилик тараққиётини инкор этиш назарияси билан мустаҳкамлаб, олий тур сифатида социалистик давлатни тан олмаслик керак демоқдалар. Аммо ҳар иккала фикрни ҳам маъқуллаб бўлмайди. Биринчидан, маълумки социализм деганда киши киши томонидан эксплуатация қилинмайдиган, олий мақсади ҳар бир кишини ҳар томонлама ривожлантириш бўлган адолатли, инсонпарвар жамият тушунилади, демак «инсонпарвар» социализмни қуриш ҳақидаги гаплар тавтологиядир. Иккинчидан, инсоният жамияти ривожининг бутун тарихи давлатчиликнинг олға қараб ривожланишидан далолат беради, демак капитализмга қайтиш ғоясини жамиятимиз социализмни қуришда катта муваффақиятларга эришмаган бўлса-да, унга анчагина пишиқ асос солинганлиги учун ҳам асоссиз деб қарамоқ керак.

Шуни ҳам унитмаслик керакки, кўпгина сиёсатдонлар, айниқса, ҳокимият тепасида турган социалдемократлар эргашишга даъват этаётган ғарбнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари бу йиллар мобойнида социализм томон сезиларли қадамлар ташладилар ва унинг капитализмдан афзалликларини ортиқча инкор ҳам этмайдилар.

Шунинг учун давлатимизнинг етмиш йиллик даврига қанчалик танқидий муносабатда бўлмайлик, ақлни ишлатиб ёндашадиган бўлсак, мақсадни нотўғри танланганлиги тўғрисида эмас, балки унга олиб бориладиган йўл нотўғри танланганлиги тўғрисида гапириш лозим бўлади.

Қалашиб кетган утопик ва инқилобий ғоялар волютаризми, хатоликлар ва бузиб кўрсатишлардан, инсонни жамиятдан, ҳокимиятдан, ўз меҳнати натижаларидан бегоналаштиришдан воз кечиб, «сохта инқилобий сакрашларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз» (И. А. Қаримов, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. «Ўзбекистон», Тошкент, 1992 й., 10-б.) асосий параметрлари — оммани ижтимоий турмушдаги демократик иштирокининг даражаси юқори, «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳна-

тига яраша» принципини тўлиқ амалга ошириладиган, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилиниши юқори даражада кафолатланган ижтимоий тузумни эволюцион йўл билан нормал, маданиятли қуришга ўтиш даври келди.

Ҳозирги даврда биз бошдан кечираётган босқичнинг конституция билан мустақкамланган мақсади — демократик фуқаролик жамиятини, ҳар бир инсонга унинг сўёсий ва иқтисодий эркинлигини, демократик тенглик ва адолатни, ҳалол ва юқори унумли меҳнатни, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар аҳволининг барқарорлигини, билим олиш, маданият, даволанишдаги тенг имкониятларни, кексайганда ҳар бир кишининг моддий қўллаб-қувватлаш ҳуқуқини кафолатлайдиган жамиятни қуриш мана шундан келиб чиқади.

Капитализмга қайтиш оқибат натижада капитализмдан социализмга инқилобий ўтиш натижаларини бериши мумкин, чунки у ҳам ўз-ўзидан уюшадиган, объектив жараёнларга, уларнинг қонунларига зиддир. Бу жараёнларни тегишли йўналишларга буриб юбориш, уларнинг самарали амалга оширилишга ёрдам бериш зарур.

## 2-§. Фуқаролик жамиятининг асослари

Конституция муқаддимасида фуқаролик жамиятининг ифодалаш шакли бўлган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш Ўзбекистон Республикаси халқининг вазифаларидан бири деб белгиланган. Фуқаролик жамияти мазмунини ечиб берар экан Конституция унинг энг муҳим принципларидан бири бўлган халқ ҳокимиятини қарор топтиради. Конституциянинг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» дейилса, унинг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши таъкидланади.

Олдинги Конституцияда ҳам давлат халқ иродасини ифодалаш қайд этилганди. Аммо аслида бошқача бўлиб чиқди. Халқ ҳокимиятдан четлатилди, давлат эса демократияни топташ, халққа қарши зўравонлик қуролига айланди. Жамиятнинг давлатлашуви содир бўлди.

Ҳозирги жамиятда давлатнинг роли каттадир.

Уни вазифалари ҳамда функцияларининг доираси жуда кенг. Бу иқтисодий асосларни мустаҳкамлаш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, кпшиларнинг моддий ва маданий даражаларини оширишга ёрдам бериш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, халқаро муносабатларини ривожлантиришдир. Аммо давлат функцияларининг рўёбга чиқарилишига ҳокимиятни кучайтириш ҳисобига эмас, балки энг аввало демократик омилни фаоллаштириш, кенг халқ омасини бошқаришга жалб қилиш орқали эришилиши керак. Шунинг учун ҳам ҳозирги кундаги энг муҳим вазифа жамиятни давлат тасарруфидан чиқариш бўлиб қолди. Бунинг моҳиятини Конституция жамият ҳаётининг барча жабҳаларида уни ташкил этишнинг фуқаролик шакллари тиклаш ва ривожлантириш асосида давлат монополиясига барҳам беришда, сиёсий ва мафкуравий хилма-хилликда, ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий ва сиёсий ривожланишини, барча фуқаролик ҳуқуқ ҳамда эркинликларни тиклашда деб билади. Давлат жамият ривожининг фуқаролик шакллари бостириш воситасидан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа жабҳаларда фуқаролик асослари ҳамда шакллари кафолатловчи механизмга айланиши керак.

Конституция Республикада фуқаролик жамиятини шакллантириш учун биринчи навбатда ижтимоий ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий жабҳаларини давлат тасарруфидан чиқариш зарурлигини белгилайди. Бу эса.

а) Республикада «халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш» (И. А. Каримов, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, 16-б), халққа ўз ҳокимиятини ҳам бевосита (референдумлар ва ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали), ҳам ҳокимиятнинг вакиллик органлари орқали (Олий мажлис, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари) амалга ошириш имкониятларини бериш. Шунинг назарда тутиш керакки, Ўзбекистон анъанавий жамиятлар, яъни ўтмишдаги барча нарсаларга, асрлар бўйи шаклланган хулқ-атвор нормаларига, иж-

тимой қонун-қоидалар, қарашларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш хос бўлган жамиятлар тоифасига киради.

Жумладан, ўзбеклар ижтимоий онги учун доимо биргалилик психологияси хос бўлган, инсон ўзини юртдошлари, жамоаси, уруғи, элати ёки ижтимоий гуруҳи таркибидагина тасаввур қилган. Муҳим масалалар жамоатчилик билан ҳал қилинган, катта ёшли, ҳаёт тажрибаси бой кексалар сўзи доимо ҳал қилувчи бўлган. Буни эътиборга олмаслик мумкин эмас;

б) ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига (моҳияти олдинги бобларда кўриб чиқилган) бўлиниши;

в) бошқарувчи децентрализациялаш, республика ва маҳаллий ҳокимиятлар функцияларини аниқ чегаралаш. Халқ хўжалигининг ҳозирги кўламида, ижтимоий ҳаёт муаммоларининг хилма-хиллигида юзага келувчи барча масалаларни битта марказдан туриб ўз вақтида ва тўғри ҳал этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам марказий органларнинг ваколатлари жойларга—Қорақалпоғистон Республикасига, вилоятларга, туман ва шаҳарларга берилиши керак, бироқ, табиийки, марказнинг халқ манфаатларини таъминлашда зарур бўладиган функциялари сақлаб қолиниши лозим;

г) ижро этувчи ҳокимиятни ва аввало президент ҳокимиятини мустақкамлаш. Бу талаб ўзбек халқ ижтимоий тафаккурининг патернализмга, яъни ижтимоий ҳокимиятнинг отани ўз болалари устидан ҳукмини эслатувчи шаклига берилганлигидан келиб чиқади.

Айрим кишилар патернализмни яккаҳокимликка (авторитаризмга) тенглаштирадилар, аммо бу бир-бирига зид тушунчалардир. Патернализм — бу шарқ маънавий қадриятларига, ҳокимиятни ҳурмат қилишга ва ҳокимнинг халқига ҳурмат билан муносабатда бўлишига асосланган ҳоким ва халқ ўзаро муносабатларининг маънавий принцидир. Ҳоким ва давлатнинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабат болалар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатга ўхшашдир. (Подшо ўз халқини ўз болалари сингари яхши кўриши, халқ эса ўз подшосини ўз отасидек ардоқлаши керак.) Халқни бошқариш калити подшо-

нинг фуқаролар учун ахлоқий намунаси кучидадир. Мустаҳкам оилавий алоқалар, келажак авлод туғ-рисида ғамхўрлик, катталарга ҳурмат, ворислилик — булар давлат бошлиғи ва халқ ўртасидаги муноса-батлар асосланадиган қадриятлардир:

д) Республикада ҳуқуқ ва Конституциянинг ус-тунлигини таъминлаш, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини, жамият манфаатлари ва аҳоли хавфсизлигини ҳимоя қилиш;

е) фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркин-ликларининг ҳақиқий кафолатини уларнинг юридик мустаҳкамланишини таъминлаш. Конституция ҳар бир фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинлигини суд орқа-ли ҳимоя қилишни, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотларининг ноқонуний ҳа-ракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқини кафо-латлайди.

Фуқаролик жамиятининг қарор топишини Конс-титудия иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқар-иш билан узвий боғлайди. Бу жараён қуйидагилар-ни ўз ичига олади:

а) иқтисодиётни сиёсатдан озод қилиш;

б) иқтисодиётдаги давлат яккаҳокимлигини мулк-чиликнинг турли шакллари, иқтисодий фаолият эр-кинлиги қарор топтириш асосида тугатиш;

в) бозор муносабатларига ўтиш, маъмурий-хў-жалик алоқаларини шартнома алоқалари билан ал-маштириш;

г) иқтисодиётдаги давлат бошқарувини қайта ташкил қилиш;

д) ҳар бир инсон, корхона, тармоқ, минтақа ва умуман давлат манфаатларининг уйғун бирикувини таъминлаш;

е) меҳнат муносабатларини мулкчилик шаклла-рини хилма-хиллаш ва меҳнатни қўллаш шакллари-ни эркин танлаш асосида ўзгартириш;

ё) меҳнаткашларни ижтимоий кафолатлари, иж-тимой ҳимояланишлари тизимини яратиш, бунда ҳимоянинг давлат ва давлат тасарруфида бўлмаган шакллари қўшиб олиб борилади.

Конституция ижтимоий ҳаётнинг ижтимоий-мада-ний ва маънавий-ахлоқий жабҳаларини давлат тасар-руфидан чиқаришни фуқаролик жамиятини яратиш-нинг энг муҳим таркибий қисми деб билади, бу эса

ривожланиш устидан қатъий мафкуравий назорат ва чегаралашларни, давлатнинг мафкуравий ҳамда сиёсий яккаҳоқимлигини қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида давлат томонидан ўзгача фикрловчиларга бевосита тазйиқнинг тугатилишини ва оқибат натижада давлатлаштирилган тизим барқарорлигини, озодлик, ҳурфикрлик, дин эркинлиги принципларининг қарор топишини, маънавийлик ҳамда ахлоқийликнинг тикланишини тақозо қилади.

Конституцияга кўра фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий элементларидан бири жамоатчилик ташкилотларидир. Бу ташкилотлар фуқароларнинг фаолликлари ҳамда мустақилликларини кўтаришга, уларнинг давлат ишларини бошқаришда қатнашишларига ёрдам беришга, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга, ватанпарварлик ва инсоний тарбия тўғрисида ғамхўрлик қилишга даъват этилганлар.

Жамоатчилик бирлашмалари жамиятда ҳали ўзларига муносиб ўринни эгаллаганлари йўқ. Узоқ йиллар мобайнида улар коммунистик партиянинг «узатиш тасмаси» бўлиб келганлар ва асосан унинг топшириқларини бажариб, аҳоли ўртасида илмий-маърифий ишларни олиб бориш билан чекланганлар. Коммунистик партиянинг ташкил этувчилиги ва етакчилиги кучи конституция билан мустаҳкамланган эди.

Коммунистик партиянинг жамиятдаги ўрни ҳамда ролини тушунишдаги деформациялар уни сиёсий мафкуравий яккаҳоқимга, давлат ва ҳўжалик бошқарувчи органлари ўрнини эгаллашига олиб келди. Кўп йиллар мобайнида коммунистик партия авторитар-бюрократик тизимга хизмат кўрсатишга мослаштирилганди, у жамиятни ривожлантириш назарияси ҳамда стратегиясини ана шу тизим нуқтаи назари асосида ишлаб чиқарди.

Босиб ўтилган йўлни ва ривожланишининг ҳозирги босқичида жамият олдида турган вазифаларни қайта баҳолаш, коммунистик партиянинг жамиятдаги ўрни ҳамда ролини қайта кўриб чиқиш лозимлигини тақозо этди. Унинг сиёсий ҳамда мафкуравий яккаҳоқимлиги, давлат органларига ўриндошлик қилиши тугатилди. Бу партиянинг ўзи эса фуқаролик жамияти доирасида амал қилувчи халқ демократик партиясига ўзгартирилди.

Бирорта партия ёки жамоат ташкилотининг келажакда ҳокимиятни ўзлаштириб олишини истисно қилувчи чора-тадбирлар қонун билан белгилаб қўйилган. Янги Конституцияда ва Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1991 йил 15 февралда қабул қилган Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунда партиялар ўз аъзоларининг иродасини ифодалаб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини шакллантиришда қатнашишни, шунингдек, ўзларининг халқ депутатлари Кенгашига сайланган вакиллари орқали ҳокимият органлари фаолиятида иштирок этишни олдиларига мақсад қилиб қўядилар.

Шу билан бирга конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллатчилик руҳидаги ва диний сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузулиши ва фаолияти тақиқланади.

Коммунистик партиянинг сиёсий ва мафқуравий яккаҳокимлиги етмиш йилдан ортиқ муддат мобайнида меҳнаткашлар нуқтаи назарида давлат ҳамда партия ҳокимияти билан тенглаштирилган кўп миллионли жамоат бирлашмаси—қасаба уюшмалари фаолиятида салбий акс этди. Қасаба уюшмалари ҳамма нарса—дафн маросимидан тортиб танқис молларни тақсимлашгача шуғулландилар. Уларнинг асосий вазифаси—меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эди. Бу эса иш ҳақи ва меҳнат шарт-шароитлари, иш билан таъминланганлик ва нархнинг белгиланиши, меҳнаткашлар ва улар оилаларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояланиши, уларнинг маданий қизиқишларини амалга ошириш, жисмоний ва маданий ривожланиш имкониятлари демакдир.

Фуқаролик жамият қуриш вазифалари қасаба уюшмалари фаолиятида кескин ўзгаришларни амалга оширишни, уларни ўзларига хос бўлмаган функциялар ва илгари мажбуран сингдирилган мажбурият-

лардан озод қилишни, ҳимоялаш функцияларини кучайтиришни талаб этди. Бу хусусда илк қадамлар қўйилди. Қасаба уюшмалари давлат бошқаруви, сиёсий ва жамоат бирлашмаларидан устав мустақилликларини эълон қилдилар. Улар ҳозирги кунда тенг ҳуқуқли шерикчилик, зарурият бўлганда эса республика Ҳукумати, вазирликлар ва идораларга, жойлардаги ижро ҳамда хўжалик органларига нисбатан конструктив оппозиция йўлига ўтганлар. Ташкилий ва таркибий ўзгаришлар содир бўлди. Қасаба уюшмаси ҳаракатидаги янги тузилиш бошланғич ташкилотлар роли, тармоқ қасаба уюшмалари мустақиллигининг ортиши билан ифодаланади.

Ёшлар ҳаракати, унинг жамиятдаги ўрни ва роли масаласи ўта кескинлик касб этди. Комсомол фаолияти ёшларда унга нисбатан ишончсизлик туғдирди. Кейинги ўн йиллардаги комсомол ҳукуматнинг ҳар қандай топшириғини сўзсиз бажаришга ҳозирлиги билан характерланади.

Ёшлар олдида ҳозирги кунда турган вазифаларни республика Ёшлар Иттифоқи ҳал этишга ёрдам беради. Шуниси аниқки, бу вазифалар бутун жамият ҳаётини янада демократиялаш масалалари билан узвий алоқада ҳал этилиши лозим. Давлат ўз келажакдаги туғрисида ғамхўрлик қилиши керак. Зеро, ёшлар келажакдаги сиёсий, раҳбарлик соҳасининг зоҳирасидирлар. Булар шу билан бирга ишлаб чиқариш тузилмасини тўлдирувчи, янги билимларни эгаллаган ходимлардир.

Кейинги йилларда юзага келаятган оммавий ҳаракатлар, қайта тикланаётган хотин-қизлар кенгашлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, маданият, болалар жамғармалари, табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари аста-секин жамиятда ўз ўрнини эгалламоқда.

Ҳозирги куннинг ажойиб хусусиятларидан бири мақсади, таркиби, мазмуни, иш усуллари хилма-хил бўлган норасмий ташкилотлар, турли клублар, уюшмалар ва шу кабиларнинг кўплигидир. Уларнинг пайдо бўлиши аҳолининг турли қатламларида ижтимоий фаолликнинг уйғонганлиги, ўзини ифодалашга интилишнинг натижасидир. Бу жараён ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантириш омилларидан бири, бевосита

демократияни ривожлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичи диний ташкилот ва динга ишонувчиларга муносабатни қайта кўриб чиқишни, диний ташкилотлар билан сиёсий тўқнашувлардан воз кечишни талаб этмоқда. Диний ташкилотлар фаолияти заминиди катта маънавий имкониятлар ётишини унитмаслик керак. Улар одамларни меҳнатга, болалар тарбиясига, ўзаро ҳурматга, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, миллий маданият қадриятларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишга чорлайди.

Шу билан бирга дин ва диний бирлашмалар Конституцияга мувофиқ давлатдан ажратилганлиги, давлат диний жамоалар фаолиятига аралashi мумкин эмаслигини унутмаслик керак.

Гарчи Конституцияда мустаҳкамланмаган бўлса-да меҳнат жамоалари фуқаролик жамиятининг муҳим элементи ҳисобланадилар. Улар меҳнаткашларнинг давлат ва ижтимоий ҳаёт масалаларини ҳал этишдаги кундалик, фаол ва амалий иштироклари орқали жамиятнинг ўзини-ўзи бошқаришга аста-секин ўтишини таъминлайдилар. Меҳнат жамоаси жамиятнинг бутун ҳаётини — иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётини акс эттиради. У ҳужаликнинггина эмас, балки сиёсий организмнинг ҳам бошланғич ячейкаси ҳисобланади.

Меҳнат жамоаси ходимларнинг бошқаришда, жамоани ижтимоий ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш ва бошқаришда, ўз аъзоларининг манфаатлари ва хилма-хил эҳтиёжларини қондиришда қатнашишларини таъминлаш фаолиятидан ташқари давлат ва жамият ишларини муҳокама қилиш ҳамда ҳал қилишда, халқ депутатлари Кенгашлари ва жамоатчилик ташкилотларини шакллантиришда қатнашади. Меҳнаткашлар жамоаларига, жумладан халқ депутатлари Кенгашларига депутатлик номзодларни тавсия қилиш, депутатларнинг ҳисоботларини тинглаш, депутатларни чақириб олиш масаласини қўйиш ҳуқуқи берилган.

Меҳнат жамоаларининг қонун чиқариш ишига доир ҳужжатларни муҳокама қилишда, тегишли ҳудудда ҳужалик ва ижтимоий-маданий қурилиш масалаларини ҳал қилишдаги роли юқоридир.

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, деб ёзиб қўйилган Конституцияда. Айнан шу ерда демократик асослар таркиб топади, эҳтиёжлар ва кишиларнинг қадриятлари, ўзаро ҳурмат ва қатъий тартибга, ўз мажбуриятларини сўзсиз бажаришга интилиш, бирга яшаётганларга ғамхўрлик шаклланади. Оила жамиятнинг бошланғич ячейкаси, давлат деб аталмиш катта оила тимсолидир. Оила қандай бўлса, давлат ҳам шундай бўлади.

Фуқаролик жамияти тизимида республикада демократик ҳуқуқий давлат қадрият ва тамойилларини қарор топтиришда ёрдам беришга даъват этилган оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилган.

### 9-БОБ. ЖАМИЯТ ВА ШАХС

1. Шахс ҳуқуқий ҳолатининг асослари.
2. Фуқаролик.
3. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.

#### 1-§. Шахс ҳуқуқий ҳолатининг асослари

Фалсафий маънода шахс — ижтимоий шартланган ва якка тартибда ифодаланган фазилатларга эга бўлган инсондир. Шахс жамиятда яшамаса, у ўз-ўзидан аҳамиятсиз бўлиб қолади. Шахс аниқ тарихий жамият унга яратадиган шароитларга, унинг фаолияти жамиятда қандай акс этишига, унинг манфаатлари билан жамият манфаатлари қандай боғланишига кўра намоён бўлади. Шахс билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосан шахс ва давлатга нисбатан муносабатни акс эттиради, давлат жамиятнинг сиёсий ташкилоти бўлиб, ана шу жамиятни гавдалантиради. Шахснинг жамият ва давлат билан муносабатлари характери инсоннинг жамият ва давлатдаги ҳолатини белгилайди.

Инсоннинг жамиятдаги ҳолати ҳақида гап борганда, унинг бойликларини ишлаб чиқариш ҳамда тақсимлашда, жамият ва давлат ишларини бошқаришда қандай ўрин тутиши, унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, қилмишлари, бошқа одамлар билан ўзаро муносабатлари назарда тутилади. Инсоннинг жамиятдаги ҳолати тегишли норма ва қоидалар билан белгиланади. Синфсиз жамиятда одамларнинг аҳволи, уларнинг хулқ-атвори ва бир-бири билан му-

носабатлари анъаналар, урф-одатлар, ахлоқий нормалар билан белгиланган, уларга риоя этиш эса жамоатчилик фикри, оқсоқоллар ёки ота-оналарнинг обрў-эътибори билан таъминлаб турилган.

Синфий жамиятда давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши билан шахс ҳолатини белгилашда ахлоқий нормалар ва урф-одатлар билан бир қаторда ҳуқуқ нормалари ҳам катта аҳамият касб этади. Шахснинг жамиятдаги ҳолатини юридик нормалар билан мустаҳкамлаш натижасида янги тушунча — шахснинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси пайдо бўлди.

Шахснинг ҳуқуқий ҳолати ҳуқуқнинг бирон-бир соҳаси доираси билан эмас, балки унинг ҳамма соҳалари доираси билан белгиланади. Аммо, бунда давлат ҳуқуқи нормалари алоҳида аҳамиятга эга. Бу нормалар ва аввало Конституция нормалари фуқароларнинг ҳаётнинг асосий, ҳал қилувчи соҳаларидаги ҳолатини тасвирлайди. Шу билан бирга, бу нормалар фуқаронинг жамият ва давлат билан бўлган энг жиддий, туб ҳамда принципиал муносабатларинигина белгилаб беради, бошқача қилиб айтганда, шахс ҳуқуқий ҳолатининг асосларини мустаҳкамлайди.

Синфий зиддиятлар мавжуд бўлган жамиятда инсоннинг ҳолати унинг ижтимоий-синфий мансублиги билан белгиланади. Ҳуқуқий жамиятда эса инсоннинг ҳолати шахснинг жамият ва давлат олдидаги жамият ва давлатнинг шахс олдидаги ўзаро масъулияти билан характерланади. Бу қоида республиканинг янги Конституциясида ҳам мустаҳкамланган.

Жамият билан давлатнинг шахс олдидаги ҳамда шахснинг жамият ва давлат олдидаги ўзаро масъулияти тўғрисидаги фикрлар илгариги Конституцияда ҳам кўп марта ва турли нуқтаи назардан туриб баён қилинган. Бир ўринда гап ижтимоий, ахлоқий ва сиёсий масъулият тўғрисида, бошқа ўринда эса қатъий юридик масъулият хусусида борган эди. Аммо буларнинг ҳаммаси декларатив характерда бўлган эди. Умуман СССРда бўлгани каби республикада ҳам (республика СССР таркибида вақтида) инсоннинг аҳволи бутунлай ҳуқуқсизлик ҳолатига солиб қўйилган эди. Инсон давлат ҳокимиятининг, яъни халқнинг мустақиллигини ифодалаши лозим бўлган ҳокимиятнинг тўлақонли субъекти сифатида эмас, бал-

ки давлат механизмининг иккинчи даражали буюми сифатида намоён бўлар эди. Маъмурий-буйруқбозлик режими инсон тимсолида реал ҳуқуқлар соҳибини эмас, балки мазкур режим томонидан ўзига белгилаб берилган ролни ўйнашга даъват этилган кишини кўрарди. Мана шу негизда кишиларимиз учун жуда характерли бўлган ҳаётий нуқтаи назар: бу менинг ишим эмас, деган фикр шаклланди.

Ҳозир республикада инсоннинг ҳуқуқий ҳолати тубдан ўзгариб бормоқда. Конституциянинг 19-моддасида бундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».

**Шахс ҳуқуқий ҳолатининг таркибий жиҳатлари.** Фуқаролик шахс ҳуқуқий ҳолатининг асосий таркибий жиҳатларидан биридир. Айни фуқаролик республика қонунлари билан белгиланган жамики ҳуқуқ ва бурчларга эгалик қилиш имконини беради. Ҳар қандай бошқа давлатда бўлгани каби республика аҳолиси фақат ўз фуқароларидангина эмас, шу билан бирга ўз ҳудудида вақтинча ёки доимий яшовчи чет эл фуқароларидан, фуқаролиги бўлмаган шахслардан ҳам иборатдир. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати республикадаги фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатидан фарқ қилади, лекин шунга қарамай, улар ҳам давлат билан жамиятга нисбатан муайян ҳуқуқ ва бурчларга эгадирлар. Давлат, ўз навбатида, ўз ҳудудида бўлган ҳар қандай киши, ҳар қандай шахс ҳуқуқларини муҳофаза қилади, бироқ уларга берилган ҳуқуқлар ва улар зиммасига юкланган бурчлар ҳажми ҳар хил бўлиб, бу ҳолат уларнинг республика билан ҳуқуқий алоқалари характерига боғлиқдир. Фақат республика фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликлардан тўлатукис фойдаланадилар ва белгиланган бурчларини адо этадилар. Қолган ҳамма тонфадаги шахслар камроқ ҳажмдаги ҳуқуқ ва бурчларга эгадирлар.

Шахс ҳуқуқий ҳолатининг бошқа жиҳати ҳуқуққа қобилятлиликдан — қонунда назарда тутилган ёки қонунда йўл қўйиладиган ҳуқуқлар ва бурчларга

эга бўлиш қобилиятидан, маълум бир ҳуқуқий муносабатларга киришиш қобилиятидан иборат. Умумий ҳуқуқий лаёқат фуқароликдан келиб чиқади ва унинг мантиқий давоми ҳисобланади. Ҳуқуқий лаёқат фуқаролик каби фуқарога турмушнинг ҳамма соҳаларида ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш имконини беради. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар эса маълум соҳалардагина ҳуқуқий муносабатларга киришадилар.

Жамият, давлат ва фуқаролар ўртасидаги энг муҳим ва энг кўп сонли муносабатларга алоқадор бўлган ҳуқуқлар ҳамда бурчлар фуқаролар ҳуқуқий ҳолатининг учинчи жиҳати ҳисобланади.

Шахс ҳуқуқий ҳолатининг муҳим жиҳатларидан бири — шу ҳуқуқий ҳолатни вужудга келтирадиган қондалардир. Бу — жамоатчилик манфаатларини шахсий манфаатлар билан бирга қўшишдан ҳамда ҳуқуқ ва бурчларнинг шунга асосланган бирлигидан, ҳуқуқ ва бурчларнинг умумийлигидан, инсонпарварликдан иборат.

Фуқаролар ҳуқуқий ҳолатининг бирлиги ҳақида гапирганда шуни назарда туриш керакки, аҳолининг айрим гуруҳлари учун баъзи хусусиятлар мавжуд бўлиб, бу хусусиятлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларида, уларнинг қафолатларида ҳамда ана шуларнинг ҳаммасини рўёбга чиқариш тизимида намоён бўлади. Масалан, хотин-қизлар, ёшлар, пенсионерлар, хўжалик ишларида ва маданиятнинг айрим тармоқларида банд бўлган шахслар муайян имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланадилар. Кишининг ёши ва соғлиғи унинг ўзига берилган ҳуқуқлардан амалда фойдаланиши ва ўз бурчларини бажаришида муҳим аҳамиятга эга. Ана шу ҳуқуқ ва бурчлардан баъзиларини амалга ошириш учун кишининг миллати асос бўлиши мумкин, масалан, у судда она тилида сўзлаш, она тилида ўқиш ҳуқуқига эга бўла олади. Баъзан фуқароларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш ва бурчларини бажариш имкониятига уларнинг ижтимоий хусусиятлари таъсир қилади. Масалан, Ёзувчилар уюшмасига фақат ёзувчилар, Журналистлар уюшмасига эса фақат журналистлар қабул қилиниши мумкин.

Ҳуқуқий ҳолат қафолатларни ҳам ўзига қамраб олади; бунда ўз бурчларини бажариш учун қулай

шароитларни яратувчи фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда рўёбга чиқариш имконини таъминлайдиган воситалар ҳамда усуллар тушунилади. **Ҳуқуқ** ва эркинликларга кафолат бериш — ана шу ҳуқуқ ва эркинликларга эгалик қилинишини таъминлаш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни бузилишлардан ҳимоя қилиш демакдир. Бурчлар кафолати шу бурчлар бажарилиши учун қулай шароитларни яратишдан, ўз бурчларини бажармайдиган шахсларга нисбатан масъулият белгилашдан иборатдир. Сиёсий, иқтисодий ва юридик кафолатлар мавжуд.

*Сиёсий кафолат* — амал қилиб турган сиёсий тизимдир. Бу тизим, юқорида айтиб ўтилганидек, жамиятимизни қонунсизликдан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишидан ҳимоя қила олмади.

*Иқтисодий кафолатларга* вужудга келган ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисодий тизим киради; иқтисодий тизим бугунги кунда, чуқур таназзулга учраган бўлиб, у ҳам ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар тизимининг тўлақонли ишини таъминлай олмаётир.

*Юридик кафолатларга* ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқариш механизмини тартибга солиб турувчи қонун нормалари киради; бу механизм ҳам кейинги вақтларга қадар жиддий нуқсонларга дучор бўлди. Киши ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш усулларининг аниқ меъёрий тартиби бўлмади, шу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда ҳам муайян тартиб бўлмади, ҳуқуқ ва эркинликлар бузилганида уларни ҳимоя қилишга доир воситалар рўйхати тузилмади.

Бизнинг қонунларимиз фуқароларнинг ўз конституциявий бурчларини сўзсиз бажаришларини ҳам таъмин этмади. Бу ўринда мажбур қилиш чоралари тизимини қонун йўли билан мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришгина эмас, айти пайтда юридик имкониятлар, инсонда шахсий манфаатдорликни, ўз бурчини бажариш истаги ва шунга интилишни юзага чиқаришга қаратилган шартлар ҳам назарда тутилади.

Янги Конституцияда ва республиканинг кейинги йилларда қабул қилинган қонунларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир муҳим чора-тадбирлар мажмуи мустаҳкамлаб қўйилди.

Булар сирасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини суд йўли билан ва ундан ташқарида муҳофаза қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан маъмурий йўл билан шикоят қилиш, аҳолининг ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ соҳасидаги маданиятини ошириш, фуқароларни жавобгарликка тортганда уларнинг юридик жиҳатдан тенглигини таъминлаш, қонунчилик ва интизомни мустаҳкамлаш, жиноий ишларни ҳамда фуқаролар ишларини юритишдаги ҳар қандай босқичда малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи ва бошқа масалаларни санаб ўтиш мумкин.

**Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати.** Республикада яшаётган чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатини баён қилишда шуни назарда тутиш керакки, бизнинг қонунларимизга мувофиқ улар турли ҳуқуқий ҳолатдаги икки гуруҳга бўлинадилар.

Биринчи гуруҳга республикада вақтинча ёки доимий равишда яшаётган чет элликлар киради ва улар республика юрисдикциясига тўла бўйсунди. Бунга журналистлар, спортчилар, сайёҳлар, фуқаролар авиацияси самолётларида хизмат қилувчи экипажларнинг аъзолари, Ўзбекистонга шахсий ишлар билан келувчилар, илмий, техникавий ва маданий соҳаларга доир масалалар бўйича келадиган ўзаро алмашув делегацияларининг аъзолари киради. Бу тоифадаги чет эл фуқаролари республика фуқаролари эга бўлган деярли барча ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланадилар. Улар асосий ижтимоий ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин, улар учун шахс дахлсизлиги таъминланади, уй-жой ва ёзишмалар сирининг дахлсизлиги эса қонун билан муҳофаза этилади. Чет элликларнинг ҳуқуқ мақомига бир қатор сиёсий эркинликлар ҳам киради, аммо ана шу сиёсий эркинликларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон халқларининг манфаатларига мос келиши ва улар жамият ёки давлат тузумига бевосита ёки билвосита зиён етказмаслиги керак. Бироқ, айрим ҳуқуқлар ва эркинликлар фақат Ўзбекистон фуқароларига берилган, чет фуқаролари эса бу ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланмайдилар. Жумладан, улар сайлов ҳуқуқига эга эмас. Чет эл фуқароси Президент қилиб сайлана олмайди.

Дипломатик дахлсизликдан фойдаланувчи чет эл фуқаролари иккинчи гуруҳни ташкил этади. Агар улар республика қонунларини бузса, уларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала дипломатик йўл билан ҳал этилади.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар биринчи гуруҳдаги чет эл фуқаролари эга бўлган ҳуқуқий ҳолатга жуда яқин туради. Чет эл фуқаролари сингари буларга ҳам қонунда кўзда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлар шу, жумладан судга ва давлатнинг бошқа идораларига мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Агар фуқаро республика фуқароси ҳисобланмаган ота-онадан туғилган бўлса ёки у республика ҳудудига келиб қолган бўлса-ю, илгари ҳеч қандай фуқароликка эга бўлмаган ва белгиланган тартибда Ўзбекистон фуқаролигига ўтмаган бўлса, у фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолиши мумкин.

## 2-§. Фуқаролик

Фуқаролик — шахснинг муайян давлатга ҳуқуқий жиҳатдан мансублигидир. Айни пайтда шуни ҳам назарда тутмоқ керакки, фуқаролик ҳамиша ҳам бирон-бир давлатга мансубликни билдирган эмас. Масалан, Қадимги Рим қулдорлик жамиятида фуқаролик ҳукмрон синфга мансубликни билдирган. Феодализм даврида «табаалик» тушунчаси пайдо бўлади, бунда феодал билан у эгалик қилган жойларда яшовчи ҳамда унинг фойдасига муайян бурчларни бажарувчи кишилар ўртасидаги юридик алоқа тушунилган.

Буржуа инқилоблари феодал муносабатларини тугатиб, ҳаммани фуқаролар деб эълон қилди, бу тушунчага давлатга мансублик мазмунини киритди. Бироқ, табаалик ҳуқуқи буржуазия ҳокимият тепасига келганидан сўнг ҳам сақланиб қолди, аввало у монархияга асосланган давлатларда сақлаб қолинди.

Ўзбекистон фуқаролиги — бу инсоннинг республика билан сиёсий ва ҳуқуқий алоқасидир, унинг ёрдами билан шахс қонунларда белгилаб қўйилган ҳамма ҳуқуқларга эга бўлади, давлат ҳимоясидан фойдаланади ва давлатга нисбатан жамики муайян бурчларини бажаради.

Давлат билан шахс ўртасидаги фуқаролик сифатида характерланувчи ҳуқуқий алоқа ўзининг мустақкамлиги билан ажралиб туради. Биринчидан, ҳуқуқий алоқа шахс республика фуқароси бўлган пайтдан бошлаб вужудга келади ва унинг вафотига қадар давом этади; иккинчидан, фуқаро республика ташқарисига жўнаб кетганда ҳам ҳуқуқий алоқа тўхтаб қолмайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги қуйидаги асосий хусусиятлар билан характерланади:

— республика фуқаролиги унга эга бўлиш асосларидан қатъи назар, барча учун барабардир;

— республика фуқаролари келиб чиқиши, ижтимоий мавқеи, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, маълумоти, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, машғулотининг тури ва характери, бошқа ҳолатларидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар;

— республика фуқароларининг тенглиги иқтисодиёт, сиёсат ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида таъминланади;

— республика фуқаролари ҳисобланган шахсларга хорижий давлат фуқаролари деб қаралмайди. Алоҳида ҳолларда ватандошларимиз хорижий давлатларнинг фуқаролари республика Олий Мажлиси махсус депутатлик комиссиясининг илтимоси ва ҳулоасасига кўра, республика Президентининг қарори билан республика фуқаролигига қабул қилинишлари мумкин, агар улар ёки уларнинг ота-оналари, бувалари ёки бувилари ўша пайтларда ҳукмронлик қилиб турган тузум таъсирида бир вақтлар ватанни тарк этишга мажбур бўлган бўлсалар.

Фуқароликнинг мазмуни шахснинг республикага нисбатан ҳуқуқлари ва бурчларини ҳамда республиканинг эса шу шахсга нисбатан ҳуқуқлари ва бурчларини ўз ичига олади. Бу ҳилдаги ҳуқуқлар ва бурчлар ичида ҳар бир фуқаронинг республика ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам давлат ҳомийлигидан фойдаланиш ҳуқуқини алоҳида ажратиб кўрсатиш керак.

Фуқаро республика ҳомийлигида бўлиб, унинг олдидаги бутун жавобгарликни ўз зиммасига олган бўлса, уни хорижий давлатга топшириш мумкин эмас.

Фуқароликни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб туриш. Республика фуқаролиги 1992 йил 2 июлда

республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган «Ўзбекисон республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонун ҳамда шунга биноан чиқарилган бошқа қонун актлари билан тартибга солиб турилади.

Фуқаролик тўғрисидаги қонунга мувофиқ қуйидагилар республика фуқаролари ҳисобланади:

— қонун кучга кирадиган кунда республика фуқаролигида бўлган, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳисобланмаган ва Республика фуқаролари бўлиш истагини билдирган ҳамма шахслар;

— республика фуқаролигини қабул қилган шахслар;

— республикадан ташқарида давлат йўли билан ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки таълим олаётган шахслар, агар улар республика ҳудудида туғилган бўлсалар ёки шу ерда доимий равишда яшганликларини исботласалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ҳамда 1993 йилдан кечикмай, республика фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар.

Республика фуқаролигига мансублик масаласи фуқароликни сақлаш масаласи билан чамбарчас боғланган, бу ҳолат Ўзбекистон фуқаролигида бўлмаган шахслар билан республика фуқаролари никоҳдан ўтганида, эр-хотиндан бири фуқаролигини йўқотганида, республика фуқаролари бола қилиб олинганида вужудга келади.

Республика фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг Ўзбекистон фуқаролигида бўлмаган шахс билан никоҳланиши, улар никоҳининг бекор қилиниши, эрхотин фуқаролигининг ўзгартирилишига, улардан бирининг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди. Фуқаронинг чет элда яшаши ҳам республика фуқаролигини тўхтатишга олиб келмайди.

Фуқароликка қуйидаги ҳолларда эришилади:

— туғилган пайтда;

— республика фуқаролигига қабул қилиниш натижасида;

— республиканинг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича;

1992 йил 2 июлда қабул қилинган қонунда кўзда тутилган бошқа асослар бўйича.

Туғилиш юзасидан республика фуқаролигига эга бўлиш масаласининг ҳал қилиниши бола туғилган

пайтда унинг ота-онаси фуқаролигига, бола туғилган жойга, бола туғилган пайтда ота-она ёки улардан бири қаерда доимий истиқомат қилганига бевосита боғлиқдир.

Бола қаерда туғилганлигидан қатъи назар, агар унинг ота-онаси у туғилган пайтда республика фуқароси ҳисобланса, бола республика фуқаролигига эга бўлади. Ўзбекистон ҳудудида туғилган болалар, фуқаролиги бўлмаган, аммо республикада доимо яшаб келаётган шахслар, ота-онаси номаълум болалар ҳам республика фуқаролигига эга бўладилар.

Бола туғилган пайтда унинг ота-онасидан бири республика фуқароси бўлса, иккинчиси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса ёки унинг фуқаролиги номаълум бўлса, бундай бола ҳам республика фуқароси ҳисобланади, агар у Ўзбекистон ҳудудида туғилган бўлса; агар бола республика ҳудудидан ташқарида туғилган бўлиб, ота-онаси ёки уларнинг бири бу пайтда Ўзбекистон ҳудудида доимий равишда яшаган бўлса.

Боланинг ота-онаси турлича фуқароликка эга бўлса, улардан бири бола туғилган пайтда республика фуқароси бўлса, бола Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади, агар у республика ташқарисида туғилган бўлса, аммо ота-онаси ёки улардан бири бу пайтда республика ҳудудида доимий равишда яшаган бўлса.

Боланинг ота-онаси турлича фуқароликка эга бўлса, улардан бири бола туғилган пайтда республика фуқароси бўлса, аммо уларнинг ҳар иккаласи Ўзбекистон ташқарисида яшаётган бўлса, у ҳолда боланинг фуқаролиги масаласи ота-онанинг ўзаро келишувига биноан, ёзма равишда ҳал этилади.

Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ижтимоий келиб чиқиши, миллати, ирқи, тили, дини, жинси, маълумоти, сиёсий ва бошқа эътиқодидан қатъи назар, ўз илтимосларига биноан республика фуқаролигига қабул қилинишлари мумкин, аммо бунда қуйидаги шартлар бўлиши зарур:

— чет эл фуқаролигидан воз кечиш;

— кейинги беш йил мобайнида республика ҳудудида доимий равишда яшаш; ўзлари республика ҳудудида туғилиб, ота-оналаридан бири, бувалари ёки бувиларидан бири шу ҳудудда туғилганлигини ва улар бошқа давлатларнинг фуқаролари эмаслигини

исбот қилинган ҳамда республика фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар бундан мустасно;

— яшаш учун қонуний манбалар мавжуд бўлса;

— Республика Конституциясини тан олиш ва унга амал қилиш.

Ўзбекистон Республикаси олдида катта хизмат кўрсатган ёки илм-фан, техника ва маданият соҳаларида юксак ютуқларга эришган алоҳида шахслар, шунингдек республика манфаатлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган касб ёки малака соҳиблари Президент қарори билан истисно тариқасида дастлабки учта шартсиз республика фуқаролигига қабул қилинишлари мумкин.

Агар фуқароликка ўтиш учун илтимос қилаётган шахс Республиканинг конституцион тузумини зўрлик билан ўзгартириш тарафдори бўлса, фаолияти республиканинг Конституцион принципларига мос бўлмаган партиялар ва бошқа ташкилотларда аъзо бўлса; республика қонунлари билан таъқиб этиладиган хатти-ҳаракатлари учун ҳукм қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш шаклида қамоқ жазосини ўтаётган бўлса, унинг фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаси рад этилади.

Фуқаролик республика Президенти томонидан тикланиши мумкин.

Республика фуқаролиги қуйидаги ҳолатларда тўхтатилади:

— Ўзбекистон республикаси фуқаролигидан чиқиш натижасида;

— Ўзбекистон республикаси фуқаролигини йўқотиш оқибатида;

— Ўзбекистон республикасининг халқаро шартномаларда кўзда тутилган асосларга биноан;

— Фуқаролик тўғрисидаги Қонунда назарда тутилган бошқа асосларга биноан.

Биринчи асос энг кўп амалий аҳамият касб этади, чунки кўп ҳолларда Республика фуқаролигини тўхтатиш ундан чиқиш натижасида содир бўлади, бу фуқароликдан чиқаётган кишининг шахсий ишидир. Аммо, фуқароликдан чиқиш рад қилиниши ҳам мумкин. Башарти фуқароликдан чиқиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилаётган шахс давлат олдидаги мажбуриятларини ёки фуқароларнинг ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг манфаатлари билан

узвий боғланган мулкый мажбуриятларни бажармаган тақдирда юқорида баён қилинган хулосага келиш мумкин.

Агар фуқароликдан чиқиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилаётган шахс айбланаётган киши сифатида жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, унга нисбатан қонуний кучга кирган ва бажарилиши лозим бўлган суд ҳукми мавжуд бўлса ёки ўша шахснинг республика фуқаролигидан чиқиши давлат хавфсизлиги манфаатларига зид бўлса, у ҳолда бундай шахснинг фуқароликдан чиқишига йўл қўйилмайди.

Фуқароликни йўқотиш қўйидаги ҳолларда рўй беради:

а) хорижий давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати органларига ишга кириш натижасида, полициясига, юстиция органларига ёки давлат ҳокимияти ёки бошқарувининг бошқа идораларига ишга кириш натижасида;

б) агар чет элда доимий равишда яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабсиз консуллик ҳисобида турмаган бўлса;

в) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлгонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Боланинг ота-онаси фуқаролигини ўзгартирган, шунингдек бола ўн тўрт ёшга етгунига қадар бошқа кишилар томонидан фарзанд қилиб олинган тақдирда боланинг фуқаролиги тўғрисидаги масала боланинг розилигига боғлиқ қилиб қўйилмайди, бола ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлса — боланинг ёзма равишдаги розилиги бўлган тақдирдагина унинг фуқаролиги масаласи ҳал қилинади.

Боланинг ота-онасидан бири республика фуқаролигига ўтган бўлса, иккинчиси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса ва бола республикада чет эл фуқароси сифатида яшаётган бўлса, у ҳолда бундай бола ҳам республика фуқароси бўлиши мумкин. Кейинги икки ҳолатда боланинг республика фуқаролигига ўтиши масаласи Ўзбекистон фуқароси бўлиб олган отаси ёки онасининг илтимоси билан ҳал қилинади.

Фуқароликка доир барча масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳал қилинади. Шахснинг республика фуқаролигига дахлдорлигини белгилаш, фуқароликка қабул қилиш масалаларига

доир илтимосномаларни расмийлаштириш, шунингдек тегишли ҳужжатларни бериш иши Ички ишлар органлари, Ташқи ишлар вазирлиги, республиканинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари зиммасига юклатилган.

### 3-§. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари

Ҳуқуқий норма кишининг хулқ-атвори қандай бўлишини белгилайди, ҳуқуқлар, эркинликлар ҳамда бурчларни бериш йўли билан унинг **фаолиятини тартибга солиб** туради. Аммо шунга эътибор бермоқ лозимки, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари давлатнинг ёхуд бошқа бирон-бир кимсанинг «муруввати» ва «холис нияти» бўлмай, инсон ҳуқуқлари ижтимоий табиатининг маҳсули, тузумнинг маҳсулидир; ҳуқуқ йўли билан тартибга солиб туриш вазифаси эса кишиларнинг тузумимиз томонидан белгилаб қўйилган имкониятларини қонун асосида тўла-тўқис ифодалаш, юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларга кафолат бериш демакдир.

Ҳолбуки, яқин вақтларга қадар фуқаронинг ҳуқуқлари ҳақида гапирилганда, ана шу жиҳат четлаб ўтиларди. Бунга бизнинг «инсон ҳуқуқлари» иборасига нисбатан назарий фикрлашимиздаги танқидий муносабат кўп жиҳатдан ёрдам берар эди.

Буржуа жамиятида кенг тарқалган «инсон ҳуқуқлари» ибораси аввал бошдан ғоятда буржуача, худбинларча талқин қилинди. У «туғма» хусусий мулк ғояси билан, кишини жамиятга қарама-қарши қилиб қўйиш, чексиз эркинликларни, назорат қилинмайдиган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишини талаб қилиш билан боғлиқ қилиб қўйилди.

Бироқ кейинги ўн йилликлар ичида жаҳон демократик жамиятида инсон ҳуқуқларини тушуниш борасида жиддий силжишлар рўй берди. Улар талқинидаги «инсон ҳуқуқлари» иборасидан натуралистик, худбинлик туси йўқола бошлади ва бу ибора тобора умумдемократик, умуминсоний мазмун билан бойиб борди. Биздаги назарий фикр ана шу ўзгаришларни найқай олмади ёки, тўғрироғи, пайқашни истамади.

Бугунги кунда «инсон ҳуқуқлари» тушунчасини қайта идрок этиш жараёни бормоқда ва у таъсирчан аҳамият касб этмоқда. Бизнинг жамиятимиз одамлар-

нинг ҳуқуқлари ва эркинликларига синфий ёндашишдан воз кечиб, умуминсоний манфаатларни биринчи ўринга қўйди. Инсоннинг шахсий эркинлиги асосий ҳаётий қадрият деб эълон қилинди.

Республиканинг янги Конституцияси инсонни деярли барча ҳуқуқлар ва эркинликлар билан таъминлади, бу ҳуқуқ ва эркинликлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Умумий декларациясида, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро битимда, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро битимда назарда тутилган. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир фикрлар аввалги Конституцияга нисбатан янги Конституцияда ғоятда мазмунли баён қилинган.

Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар ва эркинликлар суд томонидан ҳимоя қилинади.

Ҳуқуқлар ҳам, бурчлар ҳам кишининг белгилаб қўйилган нормаларга мос бўлган хулқ-атвор ҳуқуқини акс эттиради. Бироқ, ҳуқуқ ҳаракат қилиш имкониятини билдиради, бурч эса заруриятни билдиради. Фуқаро бурчини бажарар экан, қонунда белгилаб қўйилган тарзда иш тутиши лозим, у ўз ҳуқуқини амалга оширар экан, ҳаракат қилиш керакми ёки йўқлигини танлайди. Инсон ҳуқуқи — бу муайян хулқ-атворга йўл қўйишликдир, кишининг ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилиши учун маълум бир кенгликдир, эркин ҳаракат қилиш чегарасидир.

Шу боис қонун билан белгилаб қўйилган имкониятларни бир ҳолатда ҳуқуқлар деб, бошқа ҳолатларда эса эркинликлар деб аташади. Бу тушунчалар ўртасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди, чунки у ёки бу ҳуқуқий имкониятни ҳуқуқ деб ҳам, эркинлик деб ҳам ифодалаш мумкин.

Шуни назарда тутиш зарурки, ҳуқуқ шу ҳуқуқ орқали ҳаракатларни танлашда кенг эркинлик бериш билан бир қаторда, шу ҳуқуқлардан фойдаланишни аниқ-равшан чегараларини ҳам белгилаб беради. Бинобарин, қонун ва эркинлик бир-бирига зид тушунчалардир, деб ҳисоблайдиганлар ҳақ эмас. Оқилона ахлоқий асосларга таянувчи эркинликлар қонундан ташқарида бўлиши ва бунинг устига қонунга зид бўлиши мумкин эмас.

Кишининг ҳуқуқий ҳолати унинг юридик ҳуқуқлари ва эркинликларининг, шунингдек бурчларининг

бутун мажмуи билан белгиланади. Аммо, шундай ҳуқуқ ва бурчлар гуруҳи борки, улар инсон ҳуқуқий ҳолатини белгилаш учун асосий аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқ ва бурчларнинг бу гуруҳи асосий ёки конституцион ҳуқуқ ва бурчлар гуруҳи деб аталади, чунки улар Конституцияда белгиланади. Бундан ташқари, асосий ҳуқуқлар ва бурчлар давлат билан шахс ўртасидаги муносабатларни ифодалайди, фуқаро давлат идоралари, меҳнаткашларнинг жамоалари билан ўзаро иш олиб бориши натижасида ана шу муносабатлар юзага келади.

Асосий ҳуқуқлар ва бурчлар фуқаро ҳуқуқий ҳолатининг бошқа жиҳатларидан қуйидаги хусусиятларга кўра фарқ қилади:

— ҳуқуқ ва бурчлар бевосита Конституциядан келиб чиқади, Конституция уларнинг мазмуни ва ҳажмини белгилаб беради;

— ҳуқуқ ва бурчлар энг аввало фуқаро билан давлат ўртасидаги ҳамма муносабатлар ва алоқаларни ифодалайди;

— ҳуқуқ ва бурчлар тўхтаб қолмайди ва қайтадан пайдо бўлмайди. Шахс республика фуқароси бўлиб қолар экан, улар амал қилаверади;

— конституцион ҳуқуқ ва бурчларнинг мазмуни ва ҳажми барча фуқаролар учун бир хилдадир;

— асосий ҳуқуқ ва бурчларнинг реаллиги бутун давлат тузуми ҳамда ижтимоий тузум билан таъминланади. Ҳуқуқнинг барча соҳаларидаги тегишли нормалар ана шу ҳуқуқ ва бурчларни ҳимоя қилишга жалб этилган.

**Асосий ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар тизими ва уларнинг турлари.** Фуқаронинг жамият ва давлатдаги ҳолатини белгиловчи ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар мажмуи шундай бир тизимни вужудга келтирадики, бу тизимга бирлик ҳамда ички уйғунлик хосдир. Аммо, бу нарса битта асосга ёки бир неча асосларга кўра уларнинг гуруҳларга бўлинишини истисно қилмайди.

Ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш соҳаси, давлат ва ижтимоий сиёсий ҳаёт соҳаси ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳаёти соҳаси бўйича бўлиниши ҳуқуқ ва эркинликларнинг умум томонидан эътироф этилган бўлиниши ҳисобланади.

Таркибига Ўзбекистон ҳам кирган Совет Иттифо-

қи ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар Конституциясида мустаҳкамланган биринчи мамлакат эди. Бироқ, шу ҳуқуқларни бажариш кафолотларининг, юридик механизмларининг йўқлиги сабабли ушбу конституцион қоидалар қуруқ баённома бўлиб қолаверди. Одамларнинг турмуш даражаси йилдан-йилга пасая борди. Илгари Иттифоқ таркибига кирган бошқа республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам оддий озиқ-овқатлар етишмаётир, иш ҳақининг ўсиши нархнаволарнинг ўсишидан ортда қолмоқда, ҳозир олинаётган иш ҳақи эса энг зарур нарсаларни олишга ҳам етмаётир.

Тарихий ва маданий меросга баҳо беришдаги тор синфий ёндашув, социалистик реализм усулининг ҳукмронлик қилиши миллий маданиятларнинг бир хилдаги равнақига, уларни тенглаштиришга кўмаклашди. Хаёлий душман мафкурасига қарши кураш шiori остида тарихий таркиб топган анъаналар ва урф-одатлар жамият ҳаётидан чиқариб ташланди. 1989 йилга келиб «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида»ги қонун ва 1992 йилга келгандagina таълим тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу қонунларда эса она тилидан фойдаланиш ҳамда таълим олиш ҳуқуқини жорий этиш механизми белгилаб берилди.

Агар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар муайян тарзда Конституцияда ривожлантирилган бўлса, ижтимоий-сиёсий ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар сўнгги вақтларга қадар кенг ривожлантирилмади, фақат бугунги кунда инсон ана шу ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишда реал имкониятларга эга бўлди.

Давлатнинг амалдаги Асосий қонунида шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга қуйидагилар кириши белгилаб қўйилган:

1. Яшаш ҳуқуқи. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят деб эътироф қилинади.

2. Шахснинг далхсизлик ҳуқуқи. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунгача у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча ша-

роитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

3. Ўз шаъни ва обрўйига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашшидан ҳимояланиш ҳуқуқи.

4. Турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирининг дахлсизлиги ҳуқуқи. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни қўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

5. Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига оид Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

6. Фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи.

7. Ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат шахсий, тижорат, шунингдек давлат сирига тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришлари лозим.

8. Виждон эркинлиги, хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи.

Сиёсий ҳуқуқларга қўйидагилар киради:

1. Давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

2. Ўз ижтимоий фаоллигини митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқи.

3. Қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи.

Ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқи.

Конституцияда баён қилинган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга қуйидагилар киради:

1. Мулкдор бўлиш ҳуқуқи, банкка қўйилган омонатларнинг сир тугилиши ва мерос ҳуқуқи.

2. Меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибида ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда (ҳарбий хизмат ҳам шунга киради) мажбурий меҳнатга йўл қўйилади.

3. Ҳақ тўланадиган меҳнат таътили ҳуқуқи.

4. Қариганда, меҳнатга лаёқатлилигини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи.

5. Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи.

6. Билим олиш ҳуқуқи. Давлат бепул умумий таълим олишни кафолатлайди.

**Фуқароларнинг бурчлари.** Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бир қаторда уларнинг бурчлари ҳам белгилаб қўйилган. Бунга қуйидагилар киради:

Конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадрқимматини ҳурмат қилиш мажбурияти;

— республикадаги халқларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш мажбурияти;

— атрофдаги табиатга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш мажбурияти;

— қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбурияти;

— ҳарбий ва муқобил хизматни ўташ мажбурияти.

## 10-БОБ. РЕСПУБЛИКАНИНГ МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ ВА МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

1. Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг ривожланиш тарихи.
2. Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибида.
3. Республиканинг миллий-давлат тузилиши.

### 1-§. Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг ривожланиш тарихи

Конституцияга ҳамда республика Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августида қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси (Қорақалпоғистон Республикаси унинг таркибига киради) — мустақил, демократик давлатдир.

Бунга қадар Ўзбекистон дастлаб РСФСР таркибига кирган Туркистон Автоном Республикасининг таркибий қисми ҳисобланар эди.

1924 йил октябрида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ўтказилган миллий давлат чегараланишидан сўнг, Ўзбекистон ССР ташкил топди ва у Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи таркибига кирди. ЎзССРнинг биринчи Конституциясида Ўзбекистон ССРнинг суверен давлат эканлиги ва у ўз ваколатларининг бир қисмини, яъни иттифоқдош республикалар ўртасида тузилган битимга биноан СССР органлари ихтиёрига ўтадиган қисмини Иттифоққа топшириши эълон қилинган эди.

Иттифоққа киришнинг дастлабки йилларида маълум даражада иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланишга эришилди. Миллий давлат тузилмалари таркиб топди, ишлаб чиқаришнинг саноат базаси вужудга келтирилди, таълим соҳасида мунтазам тизим йўлга қўйила бошлади. Айти пайтда Иттифоқдаги бошқа халқлар билан дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ёрдам муносабатлари таркиб топа борди.

Бироқ, йигирманчи йилларнинг охирида ижтимоий ривожланиш соҳасида бузилишлар бошланди ва бу ҳол миллатлараро муносабатларга ҳам зарарли таъсир ўтказди. Ҳоятда марказлаштирилган тузилмаларга муҳтож бўлган маъмурий-буйруқбозлик тизими борган сайин миллий ривожланиш эҳтиёжларини эътиборга олмай қўйди. Идоравий, ўртамиёна ёнда-

шувлар устунлик қилиб, ҳамма соҳаларга таъсир эта бошлади. Умумдавлат манфаатларини ҳамоя қилиш баҳонаси билан республикаларнинг мустақиллиги чеклана борди, унитаризм<sup>1</sup> тамойили авж ола бошлади. 1924 йилги СССР Конституциясида асос солинган қонда — Иттифоқ билан республикалар ўртасидаги ҳуқуқлар доирасини белгилаб олиш масаласи аста-секин ўз аҳамиятини йўқота борди. Республикаларнинг суверенитети кўп ҳолларда расмиятчиликка асосланган эди.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон учун феодализм сарқитларидан, ўтмишдаги мустамлакачилик қолдиқларидан халос бўлиш йўлидаги илғор жараёнларнинг тўхтаб қолишига олиб келди, Ўзбекистоннинг хом ашё қўшимчаси сифатидаги ролини яна узоқ йиллар сақланиб қолишига сабаб бўлди. Яна назарий бисотидан собиқ Русия империясининг «пахта мустақиллиги»ни қўлга киритиш зарурлигига доир шиори топиб олиниб, ишга солинди. Пахта якка ҳокимлиги мажбурий равишда жорий этилди, иқтисодиётда хом ашё етиштириш йўналиши қарор топди. Бу хилдаги иқтисодий сиёсат оқибатида ер-сув ресурслари камайиб кетди, Орол бўйида экологик фалокат рўй берди, халқ хўжалиги мажмуи ҳаддан ташқари кенгайиб кетди, аҳолининг турмуш даражаси пасайди.

Маънавий маданият катта зиён кўрди. Илғор фикр юритувчи кишиларнинг тоталитаризм зўравонлигига қарши туришга интилиши ўзбек маданиятининг кўпгина вакиллари устидан жинойи иш қўзғаш ва уларни таъқиб этиш билан тугалланди, кўпинча улар жисмоний йўқ қилинди.

80-йиллар охирида ижтимоий онг соҳасида, маълум даражада кўзнинг очилиши жараёни бошланди, республика халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган ўз сиёсатини ишлаб чиқиш заруратини англаш таркиб топа бошлади, бу сиёсат зўравонликка ва ҳар қандай кимсанинг республика ички ишларига аралашувига йўл қўймайдиган сиёсат эди. Ижтимоий ўз-ўзини англашнинг бу жараёни шунга олиб келдики, 1991 йил 31 августда республика Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилди ҳамда мустақиллик тўғрисида қонун қабул

<sup>1</sup> Унитар — оддий бир бутун давлат турига айланиш.

қилди. Баёнолда ва Қонунда Ўзбекистон Республикаси бундан буён давлат ҳокимиятига тўла-тўқис эга бўлишлиги, у ўзининг миллий давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини мустақил равишда белгилаши айtilган эди.

Мустақиллик эълон қилиниши билан республиканинг ери, ер ости бойликлари, бошқа табiiй ресурслар, иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий потенциаллари унинг миллий бойлигига айланди.

Республикада фуқаролик жамиятининг негизлари фаол қарор топмоқда, ҳокимият органларининг янги тизими шакллантирилмоқда, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ташкил этувчи ташкилий тузилмаларни шакллантириш жараёни бормоқда.

Республика халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиб қолди. Уни кўплаб нуфузли давлатлар тан олди, уларнинг кўпчилиги билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига, Оврупа қайта қуриш ва тараққиёт банкига, Халқаро валюта фондига, Халқаро меҳнат ташкилотига, Халқаро қайта қуриш ва тараққиёт банкига, Блокларга қўшилмаслик ҳаракатига қабул қилинди, парламентлараро Иттифоққа кирди ва бошқа қатор халқаро ташкилотларга аъзо этиб қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги, БМТга ва бошқа халқаро ташкилотлар таркибига кирганлиги унга мустақил равишда сиёсат юритиш, давлатлараро муносабатларнинг йўналишлари ва устиворлигини белгилаш имкониятини берди.

## **2-§ Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибида**

Республика мустақиллик ва суверенитетни ҳар тарафлама мустаҳкамлаб, айна пайтда собиқ Иттифоқ доирасида иқтисодий маконни сақлаб қолиш тарафдори бўлиб чиқмоқда. Шу муносабат билан у 1991 йил 21 декабрда Олмаота шаҳрида илгари СССР таркибига кирган 12 та бошқа мустақил давлатлар қатори Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кириш тўғрисидаги Декларацияга имзо чекди. МДҲ давлат тузуми ҳам эмас, давлатдан юқори турувчи тузум ҳам эмас. Ҳамдўстлик қатнашчиларининг биргаликдаги ўзаро ҳаракати мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали

тенг ҳуқуқлилиқ принципи асосида амалга оширилади, мазкур муассасалар эса тенг асосларда шакллантирилади ва Ҳамдўстлик қатнашчилари ўртасида тузилган битимга мувофиқ белгиланадиган тартибда иш олиб боради.

Ҳамдўстлик ҳозирги пайтда бошидан кечираётган қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон уни қатъийлик билан мустақамлаш ва ривожлантириш йўлини тутмоқда. Бу қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

1. Янги мустақил республикалар илгари ягона давлатнинг таркибий қисмлари эди. Улар ўртасида кўп ўн йилликлар давомида таркиб топган муносабатлар ҳамда алоқаларнинг кескин равишда узилиши республикаларнинг ўзидагина эмас, шу билан бирга халқаро миқёсда ҳам вазиятнинг бузилишига олиб келарди.

2. Республика хўжалик алоқаларининг узилиб қолганлиги унинг иқтисодий аҳволини кескин равишда ёмонлаштириши, ижтимоий муаммоларни мураккаблаштириши мумкин. Хўжалик алоқалари илгари биқик умумиттифоқ иқтисодий макон доирасида, ягона транспорт ва энергетика тизимида, бошқа хўжалик алоқалари билан тегишли даражада тўлдирилмаган ҳолда шаклланган ва ривожланган эди. Бу алоқаларни ўрнатиш учун эса узоқ вақт талаб қилинади.

3. Барча суверен республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, аҳолининг таркиби кўпмиллатли бўлиб, собиқ Иттифоқ миқёсида қардошлик алоқалари билан боғлангандир. Ҳамдўстлик доирасида чегаралар очиқлигича қолган, аҳоли республикалараро бемалол ҳаракат қилади, ахборотлар бир республикадан иккинчисига эркин равишда етказилади. Ана шуларнинг ҳаммаси республикада фуқаролар ўртасидаги ва миллатлараро иноқликни таъминлаш учун шароит яратади ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омили ҳисобланади.

4. МДҲ га аъзо бўлиш ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳали етарли даражада обрў-эътибор қозонмаган ёш суверен давлатларнинг халқаро мақоми қарор топишига ёрдам беради. Бундан ташқари, Ҳамкорлик доирасида бошқа суверен мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш қуйидаги вазифаларни бажаришга:

— миллий мудофаани мувофиқлаштиришга, мил-

лий ҳудуд яхлитлигини ва давлат чегараларини ҳимоя қилишга;

— фан-техника тараққиётига, технологияларга, телекоммуникацияларга, космик алоқа воситаларига эришишга, зарур хом ашё ва тайёр маҳсулотларни сотиб олишга;

— транспорт шохобчаларидан кенг равишда фойдаланишга, денгиз портларига чиқишга, чет эл мамлакатларига товарларни транзит бўйича етказиб беришга;

— долзарб экология муаммоларини ҳал қилиш юзасидан биргаликда чора-тадбирлар кўришга, табиий офат ва ҳалокатларнинг оқибатларини тугатишда ўзаро ёрдам кўрсатишга имкон беради.

### 3-§. Республиканинг миллий-давлат тузилиши

Ўзбекистоннинг миллий-давлат тузилиши деганда: у қандай ҳудудий таркибга бўлиниши; қандай миллатлар ва элатлар вакилини ўз ичига олиши; ички ҳаётига доир масалаларни ҳал этишида давлатлараро муносабати — мустақиллиги, суверенитети; республиканинг тузилишининг шакли, негизлари ва принципларини ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси — суверен, мустақил давлатдир. Суверен деганда, давлат ҳокимиятининг устунлиги ва мустақиллиги тушунилади. Мустақиллик республиканинг ташқи алоқаларида мустақил иш юртиши ва ички ишларда давлатнинг устунлигидан иборатдир.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга биноан мустақил давлатни идора этишда президентлик бошқаруви маъқул топилди.

Республикаимиз Марказий Осиёда, Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган бўлиб, унинг ҳудуди шимоли-ғарабда Турон паст текислигини, жануби-шарқда Тянь-шан ва Олой тоғ тизимларини, жануби-ғарабда Қизилқум чўлларининг бир қисмини эгаллайди.

Унинг майдон узунлиги — 2355 километрни ташкил этади. Ўзбекистон таркибига 12 та маъмурий вилоятлар ва Қорақалпоғистон республикаси, 157 қишлоқ, райони, 123 шаҳар ва 104 шаҳар типигаги қўрғон киради. (Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. Т.,

1994, 18—19 б.) Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тенгҳуқуқлилик, улар ўртасида тузилган икки томонлама шартномалар ҳамда битимлар асосига қурилади. Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига, ўзининг давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларига, ўз ҳудудига эгадир. Ўзбекистон Республикаси унинг ҳудуди яхлитлигини эътироф этади. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан эркин равишда чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг республика фуқаролигига эга бўлиб, бу фуқаролик Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мос келади.

1991 йил 20 ноябрида Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари, вилоятлар, туманлар шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар, қишлоқлар, овуллар ва шаҳарчалар ҳам Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий қисмлари ҳисобланади. Ҳозир Республика таркибида қуйидаги вилоятлар бор: Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Республикага бўйсунувчи Тошкент шаҳри.

Вилоятларни ташкил қилиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таклифи билан, тегишли халқ ноиблари вилоят Кенгашларининг илтимосномалари асосида амалга оширилади. Зарур ҳолларда бу масала бўйича тегишли вилоятларда референдум ўтказиш мумкинлиги назарда тутилади.

Туманларни, шаҳарлардаги туманларни ташкил қилиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг таклифи билан, йириклаштирилаётган, тугатилаётганлари эса халқ ноиблари туман Кенгашлари, шаҳарлардаги туман Кенгашлари ҳамда тегишли халқ ноиблари вилоят Кенгашлари, Тошкент шаҳар Кенгашининг илтимослари асосида амалга оширилади. Қорақалпоғистон Республикасида эса бу ишлар Қорақалпоғис-

тон Республикаси ҳокимиятининг Олий органи томонидан амалга оширилади.

Қишлоқлар ва овулларни ташкил қилиш ва тугатиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқари Кенеши, ҳокимлар томонидан ўзини-ўзи бошқарувчи тегишли овул идораларининг ҳамда тегишли халқ ноиблари туман Кенгашларининг илтимослари асосида амалга оширилади.

Булардан ташқари, аҳоли яшайдиган қўрғонларни шаҳарлар гуруҳига киритиш, шаҳар қўрғонларига айлантириш, уларни қайта ташкил қилиш ва уларнинг кимга бўйсунганини ўзгартириш, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини ўзгартириш, аҳоли яшайдиган қўрғонларни бирлаштириш, шаҳарлар ҳамда шаҳар қўрғонларини белгилаш ва уларнинг чегарасини кенгайтириш, маъмурий-ҳудудий бирликларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш, аҳоли яшайдиган қўрғонларни ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш масалалари ҳам юқорида тилга олинган Қонун билан тартибга солиб турилади.

## 11-БОБ. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ. ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ

1. Давлат органлари тизими
2. Вакиллик ҳокимияти органлари.

### 1-§. Давлат органлари тизими

Давлат ўз фаолиятини давлат органлари орқали амалга оширади, давлат органлари тизимига қуйидагилар киради: вакиллик ҳокимияти органлари, ижро этувчи-фармойиш берувчи ҳокимият органлари, суд органлари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар.

Вакиллик ҳокимияти органлари олий ва маҳаллий органларга бўлинади. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи ҳисобланади. Маҳаллий вакиллик ҳокимият органларига халқ ноиблари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари, шаҳарча, қишлоқ, овуллар ва маҳаллалар аҳолисининг йиғинлари киради.

Олий ва маҳаллий вакиллик ҳокимият органлари халқ продасини ифодалайди ҳамда унга умумий мажбурий тус беради. Давлат органлари тизимидаги вакиллик ҳокимият органлари етакчи аҳамиятга эга,

чунки улар давлат ҳаётининг барча масалаларини ҳал қилади.

Ижро этувчи ва фармойиш берувчи ҳокимият тизимига Ўзбекистон Республикасининг Президенти раҳбарлик қилади. Бунга давлат бошқарув органлари: Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳокимиятлар, шунингдек шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллаларнинг раислари ва оқсоқоллар (уларнинг маслаҳатчилари) ҳам қиради.

Республика судлари тизимига Конституциявий суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳўжалик суди, вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва ҳўжалик судлари қиради.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига прокуратура, дастлабки тергов ва суриштирув идоралари, Адлия вазирлиги идоралари қиради. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари алоҳида вазифаларни — қонунчиллик ва ҳуқуқ-тартиботни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг олдини олиш вазифаларини бажаради, шу тариқа ижтимоий тузумни, унинг сиёсий ва иқтисодий тизимини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкчиликнинг ҳамма шакллари-ни муҳофаза қилишга ёрдам беради.

Давлат ҳокимияти органларининг иши Конституция, Республика қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

## 2-§. Вакиллик ҳокимияти органлари

### а) Олий Мажлис

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси вакиллик ҳокимияти органларига раҳбарлик қилади. У давлат ҳокимиятининг олий органи бўлиб, қонун чиқариш ишларини амалга оширади. Олий Мажлис кенг ваколатларга эга. У Конституцияни қабул қилади, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, Республика қонунларини қабул қилади, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади, Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилайди, Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилади ва уларнинг Республика таркибидан

чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлайди, бож, валюта ва кредит ишларини давлат банкларини бошқаришни, Республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилиши ҳамда чегараларини ўзгартириш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиб туради, Республика ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди, давлат стратегик дастурларини қабул қилади, Республика бюджетини қабул қилади ва унинг ижросини назорат этади, солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни жорий қилади, Олий Мажлисга ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлайди, ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш кунини тайинлайди, Олий Мажлис Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлайди, шунингдек Республика Конституциявий судини, Олий судини, Олий ҳўжалик судини сайлайди, Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлайди, Республика Президентининг бош вазир, унинг ўринбосарлари, Бош прокурор, Марказий банк бошқаруви раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлайди, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа масалаларини ҳал қилади.

Олий Мажлиснинг ташкилий тузилишига унинг Раиси, Раиснинг ўринбосарлари киради, улар Олий Мажлис ноиблари орасидан сайланади. Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларидан бири лавозимига кўра Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидир.

Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарларининг ваколат муддати беш йилдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас. Олий Мажлис Раиси Олий Мажлис ноиблари учдан икки қисмидан иборат кўпчилигининг яширин овоз бериши орқали муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Олий Мажлис Раиси Олий Мажлис муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади; Олий Мажлис йиғилишларини чақиради, қўмиталар ва комиссияларнинг раислар билан биргаликда Олий Мажлис кун тартибига киритиладиган таклифларни тайёрлайди; Олий Мажлис йиғилишларида раислик қилади; Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаш-

тириб туради; қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади; парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади; Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раислари этиб сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади; қўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига мувофиқ қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, сўнгра бу ўзгартишларни Олий Мажлис тасдиғига киритади; Олий Мажлиснинг матбуот органлари фаолият билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади.

Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда қўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун ноиблар орасидан қўмиталар ва комиссиялар сайлайди.

Олий Мажлис умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган 250 нафар ноибдан иборат бўлади. Сайлов кунигача 18 ёшга тўлган фуқаролар Олий Мажлис депутатларини сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар Олий Мажлисга сайлана олмайдилар.

Олий Мажлисга депутатлар сайлови бундан аввалги чақириқ Олий Мажлис ноибларининг ваколат муддати тугашига икки ойдан кечиктирмай тайинланади. Сиёсий партияларнинг олий раҳбарлик органлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси, халқ ноиблари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партиялар ноибликка 250 нафар номзодини — ҳар бир сайлов округидан бир номзодни кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси, халқ ноиблари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан ноиб-

ликка бир номзодни кўрсатишга ҳақлидирлар. Депутатликка кўрсатилаётган партия номзодлари ноиб сифатида рўйхатга олиниши учун улар овоз беришда қатнашган Республика сайловчиларининг умумий ҳисобда камида 8 фоиз овозини олишлари зарур.

### б) Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари

Халқ ноиблари Кенгашлари давлатнинг вакиллик органлари бўлиб, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари тизимининг негизини ташкил қиладилар.

Бугунги кунда кўпинча, Кенгашлар тизими умрини яшаб бўлди ва уни ўзгартириш вақти келди, деган гапларни эшитиш мумкин. Бу фикрнинг мақсадга мувофиқлиги шубҳа туғдиради. Бироқ, Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш зарурати, уларнинг имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланиш лозимлиги аниқ-равшан кўриниб турибди.

Бу борада Республикада бошланган сиёсий тизим соҳасидаги ислоҳот халқ ҳокимияти органлари сифатидаги Кенгашлар иши учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Сиёсий тизимнинг асосий мазмуни давлатга, хўжалик ишлари ва ижтимоий соҳага доир бирон-та ҳам масала халқ ҳокимияти органлари сифатида Кенгашларсиз халқ қилинмаслигини таъминлашдан иборатдир. Давлат тузилишининг энг муҳим вазифаларидан бири — Кенгашлар билан ижро этувчи фармойиш берувчи ҳокимият органлари ўртасида ваколатли изчил ва атрофлича тақсимлаш вазифаси ҳал этилди. Кенгашлар тузилиши амалиётида илк бор вакиллик ҳокимияти олий ва маҳаллий органларининг вакиллик муддатлари тенглаштирилиб, 5 йил қилиб белгиланди. Бу эса вакиллик органлари фаолиятига, шубҳасиз ёрдам беради.

Бошқа барча давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг халқ ноиблари Кенгашлари назорати остида бўлишига доир конституциявий кафолатлар тизими анча кенгайтирилди. Шу нарса белгилаб қўйилдики, ижроия муассасалар таркибига кирувчи шахслар, ҳокимиятлар идоралари, бошқармалари ва бўлимларининг раҳбарлари, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг аъзолари халқ ноиблари Кенгашларининг ноиблари бўла олмайдилар. Халқ ноиблари мақомининг лавозимга тўғри келмаслиги қоидаси кўп минглаб кишиларга дахлдордир, илгари улар халқ

ноиблари Кенгашининг аъзолари сифатида ўз ишлари аслида ўзлари назорат қилар эдилар.

Вакиллик органи томонидан сайланадиган ёки тайинланадиган мансабдор шахслар ўз лавозимларини сурункасига икки муддатдан ортиқ эгаллашлари мумкин эмас, деган қоида кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан қонуний кучга кирди. Бу тадбир ходимларнинг алмашувини ҳамда давлат идораларининг барча муҳим бўғинларини назорат остига олишни кафолатлашга қаратилган. Бу тадбир яна қуйидаги қоида билан кучайтирилган, яъни ҳар қандай даражадаги мансабдор шахс ўз хизмат бурчини лозим даражада бажармаган тақдирда муддатидан аввал лавозимидан бўшатилиши мумкин.

Халқ депутатлари Кенгашлари ишини демократлаштириш кўп жиҳатдан такомиллаштирилган сайлов тизими билан таъминланади. Бир мандатли сайлов округларида бир неча номзодлардан ноибни сайлаш имконияти яратилганлиги «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг асосий жиҳати бўлиб қолди. Эндиликда халқ ноиблигига номзодлар сони чеклаб қўйилмайди.

Ноибликка номзодликларни кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари эгадирлар.

Халқ ноиблари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари Республика халқ ноиблари маҳаллий Кенгашлари ҳисобланади. Маҳаллий Кенгашлар тизимининг бирлиги ҳуқуқий асосларнинг, маҳаллий Кенгашларни ташкил қилиш ва улар фаолиятининг, шунингдек тегишли ҳудудда яшайётган аҳоли манфаатлари йўлида улар ҳал этиши лозим бўлган вазифаларнинг умумийлиги билан таъминланади.

Халқ ноиблари маҳаллий Кенгашларининг фаолияти «Жойлардаги давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун билан тартибга солиб турилади. Қонуннинг асосий мазмуни — ҳудудни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга доир барча масалаларни мустақил равишда ҳал этиш имкониятини таъминлашдан иборат. Қонунда халқ ноиблари маҳаллий Кенгашларига қуйидаги бурчлар бериб қўйилган: қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш; маҳаллий бюджетни, маҳаллий

солиқлар ва йиғимларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш, буюджетдан ташқари жамғармаларни вужудга келтириш; коммунал хўжаликни бошқариш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати тўғрисидаги ҳужжатлар рўйхатга олинишини таъминлаш; норматив ҳужжатларни қабул қилиш; Республика Конституцияси ва қонунларига мувофиқ ўз ҳуқуқ доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг давлат мулки ҳамда вилоят, туман, шаҳарлардаги бошқа мулк (бу мулк уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига хизмат қилади), бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, тармоқ жамғармаларидаги маблағлар, кредит ресурслари, шунингдек давлат ҳокимияти юқори органларидан олинган дотациялар халқ ноиблари маҳаллий Кенгашларининг моддий негизини ташкил этади.

Табий ресурслардан фойдаланишга, тегишли ҳудудда иқтисодий кучларни ҳамда ижтимоий объектларни барпо этиш ёки қайта қуришга доир биронта ҳам масала халқ ноиблари маҳаллий Кенгашларининг розилигисиз ҳал қилиниши мумкин эмас. Кимга бўйсунушидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатиш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, қурилиш ишларини олиб бориш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, табиатни, ерни муҳофаза қилиш, сув ва ўрмонлардан фойдаланиш масалалари бўйича тузган режаларини ҳамда тасдиқланган режаларига киритиладиган ўзгартишларни халқ ноибларининг тегишли маҳаллий Кенгашлари билан албатта келишиб оладилар.

Халқ ноиблари маҳаллий Кенгашлари ўз ваколат ҳуқуқи доирасида қарорлар қабул қилади, маҳаллий Кенгашларга қарашли ҳудудда жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бу қарорларни бажаришлари шарт.

Халқ ноиблари Кенгашларига ҳокимлар бошчилик қиладилар. Ҳоким вилоят, туман, шаҳарнинг юқори мансабдор шахси ҳисобланади, у ваколатли ва ижроия ҳокимиятни ўзида мужассамлаштиради.

Халқ ноиблари Кенгашларининг узлуксиз ишини ташкил қилиш, Кенгашларнинг барча ишларида

ноибларнинг фаол қатнашувини уюштириш мақсадида Кенгашлар доимий ва вақтинчалик комиссияларни тузадилар. Доимий ва вақтинчалик комиссияларга Кенгашга дахлдор масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш вазифаси топширилади. Улар халқ ноиблари Кенгаши кўриб чиқиши учун таклифларни тузадилар, сессияларда кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган масалалар юзасидан хулосаларни тайёрлайдилар, Кенгаш қарорларини амалда бажариш борасидаги ташкилотчилик ишларида, халқ ноиблари Кенгашларининг назорат вазифаларини бажаришда қатнашадилар.

Халқ ноиблари Кенгашларининг фаолияти жамоа асосига, масалаларни эркин, ишчанлик билан муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоралик асосига, Кенгашлар томонидан тузилган идораларнинг ана шу Кенгашлар ҳамда аҳоли олдида мунтазам ҳисоб бериб туриши, Кенгашлар ишида иштирок этишга фуқароларни кенг жалб этиш негизига қурилади.

Халқ ноиблари Кенгашлари жамоатчилик фикрини ҳисобга олади, умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик энг муҳим масалаларни фуқаролар муҳокамасига олиб чиқади, ўз иши ва қабул қилаётган қарорлари тўғрисида фуқароларни мунтазам хабардор қилиб туради.

в) Халқ ноиблари Кенгашлари ишини ташкил этиш

Халқ ноиблари Кенгашлари масалаларни ҳал қилар эканлар, умумдавлат манфаатларига ҳамда Кенгаш ҳудудида яшаётган фуқароларнинг манфаатларига асосландилар, Республика қонунларини, Президент фармонларини, юқори давлат органларининг қарорларини турмушга жорий этадилар, халқ ноиблари қуйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, Республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалалар муҳокамасида иштирок этадилар.

Сессиялар халқ ноиблари Кенгашлари ишининг асосий ташкилий ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Сессияларда давлат, хўжалик қурилишига ва ижтимоий-маданий қурилишга доир барча масалалар кўриб чиқилади.

Сессиялар ишининг юксак самарадорлиги кўп жиҳатдан улар қанчалик яхши тайёрланганига боғлиқ-

дир. Шу сабабли сессиялар ролини ошириш, уларни ўтказишдаги ортиқча ташкилий ишлар ва тантана-бозликка, сессияларни ўтказиш вақтини ва унинг қанча кун давом этишини асоссиз равишда чеклаб қўйиш ҳолларига барҳам бериш халқ ноиблари Кенгашлари ишидаги йўналишлардан бири ҳисобланади. Сессияларда масалаларнинг эркин ва ҳар тарафлама муҳокама қилинишига, муқобил қарорлар лойиҳаларини таққослаш имкониятига эришмоқ зарур. Аҳоли манфаатларига дахлдор масалалар бўйича қарорлар халқ ноиблари Кенгашлари томонидан одатда тегишли ҳудудларда яшовчи аҳоли шу лойиҳаларни олдиндан муҳокама қилганидан сўнг қабул қилиниши керак.

Маҳаллий Кенгашларнинг сессиялари зарур ҳолларда, йилига камида икки марта тегишли ҳоким томонидан чақирилади.

Халқ ўз ноиблари орқали давлат ҳокимиятини бошқаради. Ноиблар халқнинг ваколатли ва масъул вакиллари бўлиб, шу халқ ишончига таянган ҳолда, унинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга, давлат ишларини бошқаришга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга бошчилик қилишга, давлат аппарати ишини йўналтириш ва назорат қилиш даъват этилганлар.

Халқ ноиблари Кенгашлари ишининг самарадорлиги айни шу ноибларга, уларнинг ташаббуси ва фаоллигига, сайловчилар хоҳиш-иродасини ифодалай олишига, давлат манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ноиблар Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар, уларнинг идоралари ишида қатнашар эканлар, давлат, хўжалик, ижтимоий-маданий қурилиш ишларига доир энг муҳим масалаларни ҳал этадилар, қонунларни ва Кенгашларнинг қарорларини қабул қиладилар, давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар ишини назорат қиладилар.

Сессиялар ҳамда сайлов участкалари ишида ва доимий комиссиялар, қўмиталар таркибида қатнашиш ноибларнинг ўз бурчларини бажаришининг шакллари ҳисобланади. Ноибларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, улар фаолиятининг асосий йўналишлари «Ўзбекистон Республикаси халқ ноибларининг мақоми» тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилган.

Ноиб ваколатли ҳайъат органининг аъзоси сифати-

да халқ ноиблари Кенгашлари фаолиятида, улар тузган комиссиялар, бошқа органлар ишида фаол қатнашишини таъминловчи ҳамма ҳуқуқларга эгадир. Ноиб Кенгаш олдида масъулдир. Кенгаш ноиб олиб бораётган ишлар тўғрисида, у қарорлар ва топшириқларни қандай бажараётганлиги ҳақида унинг ахборотини тинглашга ҳақлидир. Ноиб ўз бурчинини бажармаган, белгиланган иш тартибинини, ноиблик одоби талабларинини бузган тақдирда ноибнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала халқ ноиблари Кенгаши ёки тегишли комиссия томонидан кўриб чиқирилиши мумкин.

Давлат ҳар бир ноиб ўз ваколатини монесиз ва самарали бажариши учун унга шароитни кафолатлайди, унинг ҳуқуқларинини, шаъни ва қадр-қимматинини ҳимоя қилади. Ноибнинг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий ёки жиний жавобгарликка тортиладилар. Айни пайтда, агар ноиб сайловчилар ишончини оқламаса, у кўпчилик сайловчиларнинг қарори билан чақириб олиниши мумкин.

#### 12- Б О Б. ИЖРО ЭТУВЧИ-ФАРМОИШ БЕРУВЧИ ҲОКИМИЯТ

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши.
4. Вазирликлар ва Давлат қўмиталари.
5. Маҳаллий давлат бошқарув органлари.
6. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари.

#### 1- §. Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Республикада давлатни бошқаришнинг президентлик шакли Конституцияда назарда тутилади. Президент — давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. У фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, республика Конституцияси ҳамда қонунларига риоя этилишига кафилдир; Республика суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, миллий давлат тузилиши масалаларига оид қарорларни рўёбга чиқариш борасида зарур чора-тадбирларни кўради. Президент мамлакат ичкарисида ва халқаро муноса-

батларда Республика номидан иш кўради; музокара-лар олиб боради ва шартномаларни имзолайди, Республика тузган шартномаларга ҳамда у ўз зиммасига олган мажбуриятларга рия қилинишини таъминлайди; ички ва халқаро аҳвол тўғрисида Олий Мажлисга йиллик маълумотномаларни тақдим этади.

Президент Олий Мажлис билан келишган ҳолда Республика ҳукуматини тузади, ҳукуматда зарур ўзгаришларни амалга оширади, унинг ишига раҳбарлик қилади, ҳокимият ва бошқарув олий органларнинг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва уларни тугатади; Бош вазир, унинг ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади; Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий ҳўжалик суди раиси ва аъзолари лавозимларига номзодларни тақдим этади, вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

Президент бутун Республика ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишларни чиқаради, қонунларни имзолайди. Президентга Вазирлар Маҳкамаси чиқарган қарорлар ва фармойишларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи берилган. У фуқароликка қабул қилиш ва фуқароларни авф этишга оид масалаларни ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин.

Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Президент Ўзбекистон Республикасининг балоғат-

га етган фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тўғрисида» 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган қонун билан белгиланади.

Президентлик учун курашда номзодлар имкониятларининг нотенглигини бартараф этиш мақсадида ҳар қандай ташкилотлар ва алоҳида шахслар, шу жумладан чет эл ташкилотлари ҳамда хорижий хусусий шахслар томонидан номзодларни пул билан таъминлаш ва уларга моддий ёрдам бериш ман қилинади. Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Башарти сайлов тадбирларига атаб бирон-бир хайр-эҳсон ишлари қилинадиган бўлса, у ҳолда йиғилган маблағ сайлов кампаниясида ишлатиш учун номзодлар ўртасида тенг тақсимлаш мақсадида, Республика бюджетига ўтказилиши лозим.

Президент сайлови куни Олий Мажлис томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида белгиланади.

Сниёсий партиялар, касаба уюшмалари Федерацияси, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўрта махсус ва олий ўқув юр்தларининг, меҳнат жамоалари, аҳоли яшайдиган жойлардаги фуқароларнинг мажлислари, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғинлари президентликка номзодларни кўрсатадилар. Бунда кўрсатилаётган номзодни камида 60 минг фуқаро қўллаб-қувватлаши шарт. Республика президентлигига номзодлар сайловга 25 кундан кечиктирмай кўрсатилади, номзодларни кўрсатишга доир қарор эса шу қарор қабул қилинганидан сўнг уч кунлик муддатдан кечиктирмай, Марказий сайлов комиссиясига юборилади. Номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари ҳужжатлар олинган пайтдан бошлаб уч кун давомида ҳамда номзодлар овозга қўйиш ҳақида сайловгача 22 кундан кечиктирмай ёзма равишда розилик бергач, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинадилар.

Республика президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлишга ҳақлидир, ишончли вакиллар сайлов кампаниясини ўтказишда номзодга ёрдам берадилар.

Овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпроғининг овозини сайлов пайтида олган президентликка номзод сайланган деб ҳисобланади. Рўйхатларга киритилган сайловчиларнинг ярмидан ози қатнашган сайлов ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Иккидан ортиқ президентликка номзод овозга қўйилиб, улардан биронтаси ҳам зарур миқдордаги овозга эга бўлмаган тақдирда, янги кўп овоз олган икки номзод иштироки билан қайта овоз берилади. Бу ҳолда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг энг кўп овозини олган номзод, агар рўйхатларга киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овоз беришда иштирок этган бўлса, шу номзод учун берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, сайланган ҳисобланади.

Конституцияда назарда тутилганидек, башарти Президент бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Олий Мажлис тузган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган миқдорда ўн кун муддат ичида Олий Мажлисининг фавқулодда йиғилишида нонблар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи уч ой муддат билан сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

## **2- §. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Вазирлар Маҳкамаси давлатимизнинг ижрочи аппарати ҳисобланади ва давлат бошқарув органлари тизимига ҳамда ўзи ташкил этган хўжалик бошқарув органларига раҳбарлик қилади, уларнинг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқарувига дахлдор барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга, чунки бу масалалар Олий Мажлис ва Президентнинг ҳуқуқ доирасига кирмайди. Вазирлар Маҳкамаси чиқарган қарорлари Республиканинг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажаришлари шарт. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қонунлар ва Президент фармонлари қатори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг ҳоким-

лари чиқарадиган ҳужжатлар учун юридик база ҳи-собланади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, ўзига қарашли бошқа ташкилотларнинг иш-ни бирлаштиради ва йўналтириб туради, Қорақал-поғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши би-лан ўзаро ҳамкорликда ишлайди, қонунлар ва фар-монларнинг ҳамда ҳўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш масалалари бўйича бошқа ҳуқуқий ҳужжат-ларнинг бажарилиши хусусида унинг ишини йўнал-тириб туради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ҳуқуқлари доирасида давлат бошқарув органларининг вазифалари ва ва-колатларини, улар ишини ташкил этиш ва фаолияти тартибини белгилаб беради, вазирликлар, давлат қў-миталари, ўзига қарашли бошқа идоралар тўғриси-даги низомларни тасдиқлайди. Унга Республика ва-зирликлари ва давлат қўмиталари чиқарган ҳужжат-ларни бекор қилиш ҳуқуқи берилган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳу-қуқий нормалар орқали Республика ҳаётининг ҳам-ма соҳаларидаги ижтимоий муносабатлар тартиб-га солиб турилади. Вазирлар Маҳкамаси ташқи иқ-тисодий фаолият, иқтисодий, илмий-техникавий ва маъ-навий қурилиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳалари бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан чоралар кўради, Республика мудофаасини ва давлат хавф-сизлигини таъминлашга доир тадбирларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси эркин тадбиркорлик, бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун шароит яратади, ҳўжаликни юритишнинг янги шаклларини ташкил этиш ва мустаҳкамлашга, пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чораларини кўришга ёрдам беради: нархлар, меҳнат ҳақи, ижтимоий таъминот соҳала-рида ягона сиёсат юритилишини таъминлайди; бош-қарув тизимини такомиллаштиришга, маорифга онд таклифларни ишлаб чиқади.

Вазирлар Маҳкамаси Республика бюджетини иш-лаб чиқади ва уни Олий Мажлисда кўриб чиқилиш хусусида таклиф киритади; бюджетнинг бажарили-шига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъ-минланишига, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш-

га, мулк ва жамоат тартиби муҳофаза этилишига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси қонунлар чиқаришни таклиф этиш ҳуқуқига эга бўлиб, ўз фаолиятида Конституцияга, қонунларга ва Президент фармонларига, шунингдек коллегиялик, демократия ва қонунчилик қоидаларига, Республикада яшайтган барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига амал қилади.

Ҳукумат таркибига Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари киради.

Қарорлар ва фармойишлар Вазирлар Маҳкамаси ваколатларини рўёбга чиқаришнинг шакллари ҳисобланади, бу қарор ва фармойишлар Республика Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, Президент Фармонлари асосида ҳамда уларни бажариш мақсадида нашр этилади. Норматив тусдаги ёки муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган ҳужжатлар қарор шаклида расмийлаштирилади. Тезда бажариладиган ишлар ёки бошқа жорий масалаларга оид ҳужжатлар фармойиш шаклида нашр этилади. Қарорларга фақат Раис, фармойишларига эса Бош вазир ёки унинг биринчи ўринбосари имзо чекади.

Вазирлар маҳкамаси — коллегиял органдир. Унинг мажлисларида иқтисодий, ижтимоий ва маданий турмуш, фан-техника тараққиётини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир муҳим масалалар ҳал қилинади, давлат бюджети лойиҳалари, унинг бажарилиши якунлари ҳамда Республиканинг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамасида масалаларнинг коллегиял равишда кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши Маҳкамга аъзоларининг қабул этилган қарорлар турмушга жорий қилиниши ҳамда ўзларига топширилган участкадаги ишларнинг аҳволи учун шахсий жавобгарлиги билан бирга олиб борилади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз аппаратига эга, бу аппарат масалаларни кўриб чиқиш учун тайёрлайди ҳамда Ҳукумат қарорлари бажарилишини мунтазам текшириб туришни таъминлайди. Бу аппарат Ва-

зирлар Маҳкамасининг ишлар бошқармаси бўлиб, у Вазирлар Маҳкамасининг ишлар бошқарувчиси бошчилигидаги бўлимлар ва бошқа бўлималардан иборатдир. Ишлар бошқарувчиси лавозимига кўра Вазирлар Маҳкамасининг таркибига киради.

### 3- §. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикасидаги ижро этувчи ва фармойиш берувчи органлар тизимига бошчилик қилади. У Қорақалпоғистон Республикаси давлат бошқарув органлари бутун тизимининг тепасида туради. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳуқуқий ҳолатининг асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши Республиканинг Жўқорғи Кенгеси томонидан тузилади, у Жўқорғи Кенгес олдида масъулдир ва унга ҳисоб бериб туради. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилганидек, Ҳукумат ўз ишлари туғрисида Республика Жўқорғи Кенгеси олдида мунтазам равишда ҳисоб бериб туради, Қорақалпоғистон вазирлар маҳкамаси фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши йўналтириб туради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳуқуқ доирасига иқтисодий ва ижтимоий-маданий қурилиш, давлат суверенитетини муҳофаза қилиш соҳаларидаги ваколатлар киради. Иқтисодий ва ижтимоий-маданий қурилиш соҳаларида Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши халқ хўжалигига раҳбарликни таъминлайди, халқнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир чоратадбирларни амалга оширади, пул ва кредит тизимини мустаҳкамлашга, давлат суғуртасини ташкил этишга кўмаклашади; нархлар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий таъминот соҳаларида ягона сиёсатни ўтказишда қатнашади; корхоналар, муассасалар, маҳаллий

аҳамиятга молик ташкилотларни бошқариш ишларини ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва давлат қўмиталарининг, ўзига қарашли бошқа идораларнинг ишини бирлаштиради ва йўналтириб туради, ўз ҳуқуқ доирасида Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бошқарув идораларининг қарорлари ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси каби Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида бажарилиши шарт бўлган қарорлар ва фармойишларни қабул қилади.

#### 4-§. Вазирликлар ва Давлат қўмиталари

Вазирликлар ва Давлат қўмиталари давлат бошқарувининг марказий органлари ҳисобланадилар. Вазирликлар давлат бошқарувининг алоҳида тармоқларига раҳбарлик қиладилар. Давлат қўмиталари тармоқлараро бошқарув органларидир. Улар ўзларига топширилган бошқарув соҳасидаги аҳвол учун жавобгардирлар, улар шуғулланадиган соҳа давлат бошқарувининг барча ёки кўпгина тармоқлари билан боғлангандир. Вазирликлар ҳамда Давлат қўмиталари Ўзбекистон Республикасининг Вазирликлари ва Давлат қўмиталарига ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирликлари ва Давлат қўмиталарига бўлинади. Биринчилари Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди, уларни ташкил этиш уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун чиқарувчи органлари, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тартибга солиб турилади. Иккинчилари эса Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва Давлат қўмиталарига бўйсунди, уларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан, ҳам Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат қўмиталарининг ҳуқуққа оид ҳужжатлари, улар-

нинг ҳар бири тўғрисидаги низомлар билан тартибга солиб турилади.

Вазирликларга вазир, Давлат қўмиталарига раис раҳбарлик қилади. Улар ўзлари раҳбарлик қилаётган вазирликлар ва Давлат қўмиталарга юклатилган вазифаларни ва ўз бурчларини қандай бажараётганликлари учун шахсан жавобгардирлар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлари ва Давлат қўмиталарининг раислари Республика Президенти томонидан тайинланадилар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тасдиқ учун тақдим этиладилар. Қорақалпоғистон Республикаси вазирлари ва Давлат қўмиталарининг раислари Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси томонидан тайинланади.

Вазирликлар ва Давлат қўмиталарида ҳайъат ташкил қилинади, унинг таркибига вазир, Давлат қўмитаси раиси, лавозимига кўра уларнинг ўринбосарлари, вазирликлар ва Давлат қўмиталарининг бошқа раҳбар ходимлари киради.

Вазирлар ва Давлат қўмиталари раислари буйруқлар, йўриқномалар чиқарадилар ва кўрсатмалар берадилар. Булар вазирликлар ва Давлат қўмиталарининг ҳуқуқ доирасига кирувчи масалаларга доир фармойишлардан иборат бўлиб, вазирликлар ва Давлат қўмиталарининг мансабдор шахсларига, вазирликлар ва Давлат қўмиталарига қарашли идоралар, корхоналар, ташкилотларга, зарур ҳолларда эса фуқароларга қаратилгандир. Буйруқлар бир шахсга тегишли, аниқ, алоҳида масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлади, норматив буйруқлар ҳам бўлади, улар муайян қоидаларни ўз ичига олади. Йўриқнома — қонунлар, фармонлар, ҳукумат ҳужжатларини қўллашга доир қоидалардан иборат ҳужжатдир. Барча йўриқномалар норматив тусдаги ҳужжатлардан иборат Кўрсатма вазифа ва бурчларни бажариш соҳасида мансабдор шахсларга, бўлинмаларга ва ихтиёрдаги идораларга берилган йўл-йўриқдир.

## **5-§. Маҳаллий давлат бошқарув органлари**

Давлат бошқарув органлари фаолиятининг таркибий ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида халқ ноиблари маҳаллий Кенгашларининг ижроия қўмиталари узоқ йиллар муҳим ўринни эгаллаб келдилар. Ижроия қўмиталари Кенгашлари қарорларини ба-

жариш ва уларнинг ишини ташкил қилиш учун жавобгар эдилар. 80-йиллар охирида халқ ноиблари Кенгашлари билан уларнинг ижрочи органлари ўрта-сидаги вазифалар ажратилгач, ижроия қўмиталари ихтиёрида фақат Кенгаш қарорларини бажариш вазифаси қолди, бу эса уларга неча йиллардан бери тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилишга фаолроқ қўшилиш имконини берди. Бироқ, уларнинг ишида кескин бурилиш бўлмади. Уларнинг фаолиятида ҳамон расмиятчилик, қоғозбозлик, номигагина жавоб ёзиш, фақат ўз идораси манфаатини кўзлаш, маҳаллийчилик, ҳамма нарсани сир тутиш, дабдабозлик, штатда ходимларнинг ортиқ даражада бўлиши ҳукмронлик қилар эди. Шу боис ижроия қўмиталарини ижрочи, ҳокимиятнинг бошқа шакллари билан алмаштириш зарурлиги тўғрисидаги овозлар тез-тез эшитила бошлаганлиги бежиз эмас.

1991 йил ноябрида Республика Олий Кенгаши Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида ҳоким (шаҳар бошлиғи, мэр) лавозимини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ҳоким ўзида ҳам ваколатли ҳокимиятни, ҳам ижрочи ҳокимиятни мужассамлаштириш лозим эди. 1992 йил бошларида бу тажриба бутун Республикага ёйилди. 1992 йил 4 январида Республика Олий Кенгаши «Республика маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» қонун қабул қилди, ушбу қонунга кўра барча вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳоким лавозими жорий қилинди. 1992 йил декабрида ҳокимлик муассасалари Конституцияда мустаҳкамланди, сўнгра уларнинг фаолияти «Жойлардаги давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинди.

Конституцияга ва юқорида кўрсатилган қонунга мувофиқ ҳоким вилоят, туман, шаҳарнинг олий даражадаги мансабдор шахси ҳисобланади, у ўзида ваколатли ҳамда ижрочи ҳокимиятни мужассамлаштиради. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини Президент тайинлайди ва лавозимидан бўшатади, улар тегишли халқ ноиблари Кенгашлари томонидан тасдиқланадилар. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокимлари томонидан тайинланадилар ва халқ ноиблари шаҳар Кенгаши уларни тасдиқлайди. Туманга бўйсунувчи шаҳарларнинг ҳо-

кимларни туман ҳокими томонидан тайинланадилар ва лавозимидан бўшатиладилар, туман халқ ноиблари Кенгаши уларни тасдиқлайди.

Ҳоким ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади ва ўзи раҳбарлик қилаётган идораларнинг қарорлари ҳамда фаолияти учун шахсан жавоб беради.

Ҳоким тегишли Кенгаш ҳудудидаги хўжалик, ижтимоий-маданий қурилиш ишларига раҳбарлик қилади, Республика қонунлари ва давлат ҳокимияти олий органларининг бошқа ҳужжатлари, Президент фармонлари, тегишли халқ ноиблари Кенгашларининг қарорлари бажарилишини таъминлайди, жамоат тартибини сақлаш, жишоятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўради, қўйи ҳокимларнинг қарорларини бекор қилади ҳамда қўйи Кенгашларнинг ҳужжатлари Конституцияга ва давлат ҳокимияти олий органларининг норматив ҳужжатларига, халқ ноиблари юқори Кенгашларининг қарорларига зид бўлса, уларни бекор қилиш тўғрисида халқ ноиблари Кенгашига таклифлар киритади, мансабдор шахслар халқ ноиблари Кенгашининг ҳужжатларини бажармаган тақдирда уларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимнома топширади, ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантиришга ёрдам беради, ана шу тизим идораларининг ишини йўналтириб туради.

Ҳоким ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли халқ ноиблари Кенгаши ҳудудидаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади, уларнинг сонини Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Ҳокимнинг ўринбосарлари тегишли халқ ноиблари Кенгашининг ноиблари орасидан тайинланади ва тасдиқланади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, ўринбосарлари тегишли ҳокимлар томонидан Президент билан келишилган ҳолда

тайинланадилар ва вазифасидан озод қилинадилар, кейин уларни халқ ноиблари Кенгаши тасдиқлайди.

Туман, шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори билан келишилган ҳолда тайинланадилар ва лавозимидан бўшатиладилар, кейин уларни халқ ноиблари Кенгаши тасдиқлайди.

Ҳоким ўз вазифаларини бажариши учун доимий аппарат (ҳокимият)га эга. Ҳокимият бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлади. Таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари тегишли ҳокимнинг тақдимномасига кўра халқ ноиблари Кенгаши томонидан тайинланадилар ва вазифасидан озод қилинадилар, сессиялар ўртасидаги даврда эса улар ҳоким томонидан тайинланадилар ва вазифасидан озод қилинадилар, кейин уларни халқ ноиблари Кенгаши тасдиқлайди.

#### 6- §. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Шаҳарчалар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар 2,5 йил муддатга раис (оқсоқол) ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Фуқароларнинг йиғинлари раис (оқсоқол) томонидан тегишли халқ ноиблари Кенгаши ёки ҳоким билан келишилган ҳолда, зарурат бўлганида чақирилади. Йиғин халқ ноиблари Кенгаши, ҳоким томонидан ёки 18 ёшга тўлган ва мазкур ҳудудда яшаётган фуқароларнинг камида учдан бир қисмининг ташаббуси билан ҳам чақирилиши мумкин.

Фуқароларнинг йиғинлари ана шу йиғинда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпи тўпланган тақдирда ваколатли ҳисобланади, вакиллар мажлиси эса ноибларининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда сайланадилар. Маслаҳатчилар сонини йиғин белгилайди, номзодларни эса раис тавсия қилади.

Ўзини ўзи бошқариш идоралари жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда уларга кўмаклашишга, ўз ҳудудларида ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал қилиш мақсадида фуқароларни бирлаштиришга, маданий-оммавий ишларни ўтказишга, қонунларни, Президент фармонларини, Республика ҳукуматининг қарорларини, шунингдек халқ ноиблари кенгашлари ва тегишли ҳокимларнинг қарорларини бажаришда давлат ҳокимияти органларига ёрдам беришга даъват этилганлар.

Раис (оқсоқол) ва у танлайдиган котиб йиғин қарорларининг бажарилишини, шунингдек ўзини ўзи бошқариш идорасининг кундалик ишларини ташкил қилади ва бу ишларни амалга оширади. Бундан ташқари, раис ўз маҳкамасига эга, бу маҳкама сонини йиғин туман, шаҳар кенгаши ёки тегишли ҳоким билан келишилган ҳолда белгилаб беради.

Йиғин раиси (оқсоқоли) зиммасига қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари, ҳукуматнинг ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш, фуқароларнинг моддий ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини, оммавий-сиёсий тадбирларни уюштириш; савдо, умумий овқатланиш корхоналари, бозорлар иши устидан назорат ўрнатиш; аҳоли яшайдиган жойларда озодликка риоя этилишини, сув манбаларини назорат қилиш; эгасиз мулк сақланиши юзасидан чоратадбирлар кўриш; деҳқонлар ҳовлиларидаги оилавий-мулкий бўлинишларни рўйхатга олиш, ҳудуд чегараси ичидаги аҳоли сонини ҳисобга олиш; ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, қурилиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш; аҳолидан олинадиган солиқлар, суғурта тўловлари ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланишига кўмаклашиш; ёнғинга қарши кураш тадбирлари текширилишини уюштириш; ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи идораларга ёрдам бериш ҳамда қонун-

ларда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш вазифалари юклатилгандир.

### 13- Б О Б. СУД ОРГАНЛАРИ

1. Конституциявий суд.
2. Умумий судлар.
3. Ҳарбий судлар.
4. Хўжалик судлари.
5. Одил судлов қондалари.

#### 1- §. Конституциявий суд

Конституцияга ва «Конституциявий суд тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Республиканинг Конституциявий суди конституциявий назорат бўйича олий суд органи ҳисобланади.

Конституциявий суд таркибида Раислик қилувчи, унинг ўринбосари, котиби ва суднинг 8 нафар аъзоси бўлади, Қорақалпоғистон Республикасининг вакили ҳам шу жумлага кирилади. Судьялар Олий Мажлис томонидан Президент тақдимномасига биноан 5 йил муддат билан якка-якка тартибда сайланидлар.

Конституциявий суд судьялар таркибидан 7 киши, шу жумладан Раислик қилувчи, унинг ўринбосари ва котиби сайланган тақдирдагина ишга киришади.

Сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида мутахассис бўлган сайлов кунигача камида 35 ёшга тўлган, одатда, юридик мутахассислик бўйича камида 10 йил иш стажига, сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида чуқур билимга, Конституциявий суд судьяси вазифаларини бажариш учун юқори малакага эга бўлган Республика фуқароси Конституциявий суд судьяси этиб сайланиши мумкин.

Конституциявий суд аъзоси ноиб бўла олмайди, сиёсий партия аъзоси бўлолмайди, турли ҳаракатларда қатнаша олмайди. У Олий Мажлисининг розилигисиз жиной жавобгарликка тортилиши, қамоққа олинishi, ушлаб келтирилиши ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Конституциявий суд судьясига нисбатан жиной иш қўзғаш, шунингдек маъмурий йўл билан қонунни бузганликда айблаб, иш қўзғаш фақат Республика

Бош прокурори томонидан амалга оширилиши мумкин.

Конституциявий суд аъзоси алмаштирилмайди. Унинг ваколатлари фақат Олий Мажлис қарори билан қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин: агар у истеъфога чиқиш ҳақида илтимос қилса; касаллик сабабли узоқ вақт ётиб қолса (тиббийёт комиссиясининг хулосасига кўра); Республикадан ташқари жўнаб кетса; унга нисбатан айблаш ҳукми кучга кирса.

Конституциявий суд:

— қонунлар ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Президент фармонлари, ҳукуматнинг ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг қарорлари, Республиканинг давлатлараро шартномалари ва бошқа мажбуриятлари Республика Конституциясига мос бўлишлигини аниқлайди;

— Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мос эканлиги тўғрисида хулосалар беради;

— Республика Конституциясининг нормалари ҳамда қонунларини изоҳлайди;

— ўз ҳуқуқ доирасига кирувчи бошқа ишларни кўриб чиқади.

Конституциявий суд чиқарган хулосалар давлат ҳокимияти ва бошқарувининг ҳамма органлари учун, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Конституцияни бузишда аниқланган жамчиликларни тугатиш хусусида, шунингдек норматив ва бошқа ҳуқуқий актлар, ҳужжатларнинг матнларини ва уларнинг нусхаларини тақдим этиш тўғрисида, Конституциявий суд кўриб чиқаётган масалалар бўйича тушунтиришлар, маслаҳатлар бериш ҳамда маънавий фикр билдириш ҳақида Конституциявий суд талабларини барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар (агар шу масалалар уларга дахлдор бўлса) бажаришлари шарт.

Конституцияга содиқлик, мустақиллик, коллегиялик, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглиги Конституциявий суд фаолиятининг асосий қондалари ҳисобланади.

Конституциявий суд ишларни кўриб чиқиш ва ху-

лосалар беришда фақат Конституцияга амал қилади.

Конституциявий суд судьялари қарорлар қабул қилар эканлар, амалдаги мақсадга мувофиқлик фикридан, сиёсий мойиллик ва бошқа ёт таъсирлардан холи бўлган ўз ҳуқуқий нуқтаи назарини ифодалайдилар.

Конституциявий суд ишига аралашушга йўл қўйилмайди, унга аралашув қонунда кўзда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Масалалар Конституциявий судда кўриб чиқиладиганида ва шу масалалар бўйича овоз беришда суднинг ҳамма аъзолари тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Ишларни кўриб чиқиш ва хулосалар бериш коллегиял равишда бажарилади, бунда суд таркибий рўйхатидаги аъзоларнинг камида 7 нафари иштирок этиши шарт.

Конституциявий суд мажлислари одатда очиқ равишда ўтади. Раислик қилувчининг қарори билан мажлислар залига матбуот вакиллари киритилиши мумкин.

Суд юритиш ишлари давлат тилида олиб борилади.

Конституциявий суд муҳокамасига масалаларни Олий Мажлис, Президент, Олий Мажлис Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси номидан унинг давлат ҳокимиятининг олий органи, Олий Мажлисининг ноиблар гуруҳи (камида 5 киши), Бош прокурор, Олий суд Раиси, Олий хўжалик суди Раиси олиб чиқадилар, шунингдек Конституциявий суднинг камида тўрт нафар судьяси ташаббуси билан масалалар олиб чиқилади.

Материаллар олинган пайтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай Конституциявий суд масалани ўрганишга киришади, қарор эса олти ой давомида қабул қилинади.

Конституциявийлиги шубҳа туғдирадиган масалалар бўйича Конституциявий суд хулосалар беради. Айни пайтда у ишончли норматив ҳужжатга асосланган ёки шу ҳужжат қоидаларни такрорловчи норматив ҳужжатларга нисбатан ҳам қарор чиқариши мумкин, гарчи Конституциявий суд кўриб чиқиши учун киритилган масалада ўша ҳужжатлар эслатиб ўтилмаса ҳам.

Давлатлараро шартноманинг Конституцияга мос-

лиги хусусида Конституциявий суд қарор қабул қилади.

Конституциявий суднинг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Судья овоз беришда бепараф қолиши ва қатнашмаслиги мумкин эмас. Бепараф у суднинг қарори ёки ҳулосасига қўшилмаси у ҳолда ўз фикрини ёзма равишда баён қилишга ва уни Конституциявий суд мажлисининг баённомасига қўшиб қўйилишига ҳақлидир.

Мажлисида қатнашаётган судьяларнинг кўпчилиги қарор учун овоз берган тақдирда суд қарори қабул қилинган деб ҳисобланади. Агар овозлар тенг тақсимланиб қолса, у ҳолда Раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Конституциявий суднинг қарори ушбу қарор қабул қилинганидан сўнг дарҳол кучга киради. Бу қарор узил-кесилдир ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Аммо Конституциявий суднинг ташаббуси билан ва унинг томонидан қарор қайта кўриб чиқиши мумкин; конституциявий норма ўзгарган бўлса, қарор ана шу норма бўйича қабул қилинган бўлса ёки қарор қабул қилинаётган пайтда Конституциявий судга маълум бўлмаган янги, жиддий ҳолатлар юзага келса, ана шундай йўл тўтилади.

## 2-§. Умумий судлар

Умумий судларнинг вазифалари ва тизими. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда 1993 йил 2 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ умумий судлар тизимига Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, вилоятларнинг судлари, Тошкент шаҳар суди, туманлар ва шаҳарларнинг судлари киради.

Ушбу судларнинг вазифалари Республика Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро битимларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар қандай тажовузлардан муҳофаза қилишдан, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ҳамда тотувликни таъминлашдан, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун умумий судларга алоҳида ваколат-

лар берилган. Улар бу борада давлат йўли билан мажбур қилиш чораларини қўллайдилар.

Конституцияга мувофиқ фуқаролик ишларини, жиноий ва маъмурий ишларни текшириш юзасидан Республика суд идоралари тизимига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туманлар ва шаҳарларнинг судлари.

Ҳар бир суд органи одил судловни амалга ошириш учун аниқ-равшан ваколатларга эгадир, унинг ихтиёрига жиноий ва фуқаролик ишларининг муайян доираси бериб қўйилган, у тегишли ҳуқуқлар ва бурчларга эгадир.

Бир хил ваколатларга эга бўлган судлар суд тизими бўғинини ташкил этади. Барча туман ва шаҳар судлари суд тизимининг биринчи бўғинини ташкил қилади. Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоятларнинг судлари, Тошкент шаҳар суди иккинчи бўғинга мансубдирлар. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди эса учинчи бўғинга киради — у Республиканинг олий суд органи ҳисобланади.

Барча судлар биринчи инстанция судлари ва иккинчи инстанция судларига бўлинадилар. Асосан фуқаролик ишини ёки жиноий ишларни биринчи бўлиб кўриб чиқадиган ва шу хусусда қарор ёки ҳукм чиқарадиган суд биринчи инстанция суди ҳисобланади. Судларнинг бу тоифасига ҳамма бўғиндаги судлар киради. Биринчи инстанция суди чиқарган қарор ёки ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилигини шикоятлар ёки норозилик хати (протест) бўйича текширувчи суд иккинчи инстанция суди ҳисобланади. Бу гуруҳга туман ва шаҳар судларидан ташқари ҳамма судлар киради, чунки ҳукм ёки қарор чиқарган судга нисбатан юқори даражада турган судгина иккинчи инстанция суди сифатида иш кўради.

Вилоят суди туман, шаҳар судига нисбатан иккинчи инстанция суди ҳисобланади, Тошкент шаҳрида Тошкент шаҳар суди, Қорақалпоғистон Республикасида Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди иккинчи инстанция суди ҳисобланади. Улар туман ва шаҳар судларининг ҳали қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва қарорларининг қонунийлиги ҳамда асослилигини текшириб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий суди вилоят судларига, Тошкент шаҳар судига, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига нисбатан иккинчи инстанция суди ҳисобланади.

Юқори даражадаги суд қўйи даражадаги судларнинг кучга кирган ёки кучга кирмаган ҳукмлари ҳамда қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириб чиқиши мумкин. Биринчи ҳолатда суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари назорат тартибида ёки янги аниқланган ҳолатлар сабабли кўриб чиқилиши мумкин. Фақат прокурорнинг ёки юқори даражадаги суднинг норозилик хати бўйича ва қонун йўли билан тузилган тегишли органларнинг бевосита аралашуви билан иш шу тартибда кўриб чиқилиши мумкин. Иккинчи ҳолатда, яъни кассация тартибида иш ё прокурорнинг норозилик хати бўйича ёки суд процессидаги ҳар қандай қатнашчининг шикоят аризаси бўйича кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзолари Олий Мажлис томонидан, Қорақалпоғистон Олий судининг аъзолари Жўқари Кенгес томонидан 5 йиллик муддатга сайланадилар, вилоят, шаҳар, туман судларининг аъзолари ҳам ўшанча муддатга Президент томонидан тайинланадилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Олий суди.** Ўзбекистон Республикасининг Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишлари соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Унинг таркибида Раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, суд ҳайъатларининг раислари, судьялар бор. Қўйидагилар унинг таркибий бўлинмалари ҳисобланади.

**Олий суд Пленуми.** Олий суд Пленуми суд инстанциясидан иборат бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг Раиси киради.

Республика Олий судининг Пленуми назорат қилиш тартибида ишларни, суд практикасини умумлаштиришга оид материалларни кўриб чиқади, қонунларни қўллаш масалалари бўйича раҳбарлик тушунтиришлари беради, қонунларни қўллаш практикаси ҳамда Пленум раҳбарлик қарорларининг бажарилиши тўғрисида Қорақалпоғистон Олий суди, вилоятлар

судлари, Тошкент шаҳар суди, Қуролли кучлар ҳарбий суди раисларининг ҳисоботларини тинглайди, баъзи ташкилий ва ходимлар масалаларини ҳал қилади, жумладан, Олий суд Раёсати таркибини тасдиқлайди, Судьяларнинг олий малакали ҳайъатини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Президиуми. Олий суд Президиуми Пленум томонидан Олий суд судьялари орасидан ташкил қилинади. У назорат тартибда ишларни, суд практикасини умумлаштириш якунларини, суд ҳайъатлари ҳамда Олий суд аппарати ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қуролли кучлар ҳарбий суди раисларининг қонунларни қўлланиш практикаси ҳусусидаги ҳисоботларини тинглайди.

Фуқаролик, жиний ишлар бўйича суд ҳайъатлари, ҳарбий суд ҳайъати — булар биринчи инстанция бўйича ишларни кассация ва назорат қилиш тартибда кўриб чиқади. Биринчи инстанция бўйича ишлар Олий суд томонидан уч нафар судья таркибда кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзолари Президент тавсияси билан Олий Мажлис томонидан беш йил муддатга сайланадилар. Олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камда етти йиллик иш стажига, шу жумладан, одатда, судья сифатида камида беш йиллик стажига эга бўлган ва малака имтиҳонидан ўтган Республика фуқаросигина Олий суд судьяси этиб сайланиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди Раиси, унинг ўринбосарлари, суд ҳайъатларининг раислари, судьялар ва халқ маслаҳатчилари таркибда иш юритадилар. Президиум, жиний ишлар бўйича суд ҳайъати, фуқаролик ишлари бўйича суд ҳайъати уларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди Раёсати, вилоятлар судлари ва Тошкент шаҳар судининг ҳуқуқ доирасига қуйидаги вазифалар киради: туман ва шаҳар судлари томонидан тугалланган ишларни

назорат қилиш тариқасида кўриб чиқиш, ана шу судлар раисларининг, шунингдек суд ҳайъатларининг қонунларни қўлланиш ҳақидаги суд практикасига доир умумлашма материалларни, ходимлар ва ташкилий масалалар бўйича баъзи ишларни кўриб чиқиш тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш.

Суд ҳайъатлари ишларни биринчи инстанция бўйича, кассация тартибида кўриб чиқадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг судьялари шу Олий суд раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Республика Жўқари Кенгес томонидан беш йил муддатга сайланадилар.

Вилоятлар судларининг, Тошкент шаҳар судининг судьяларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ўша муддатга тайинлайди. Олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида беш йиллик иш стажига, шундан судья сифатида камида йиллик иш стажига эга бўлган ва малака имтиҳонидан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, вилоятлар судларининг ҳамда Тошкент шаҳар судининг судьялари бўлишлари мумкин.

**Туманлар ва шаҳарларнинг судлари.** Туманлар ва шаҳарларнинг судлари Республикадаги умумий суд органлари тизимининг негизини ташкил қилади. Улар суд раислари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади. Туман, шаҳар суди таркибида беш нафардан ортиқ судьялар бўлган тақдирда суд раисининг ўринбосари ҳам тайинланади. Туман, шаҳар судида маъмурий ишлар билан шуғулланувчи судьялар бўлади.

Туман, шаҳар суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий ишларни кўриб чиқади.

Туман, шаҳар судларининг судьяларини Президент Адлия вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ беш йил муддатга тайинлайди. 25 ёшга тўлган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган ва малака имтиҳонидан ўтган Республика фуқароларигина туман, шаҳар судларининг судьялари бўла оладилар.

Қорақалпоғистон Республикаси туман, шаҳар судларининг судьялари Жўқорғи Кенгес томонидан унинг раисининг Республика Президенти билан келишил-

ган тақдимномасига биноан лавозимга тайинландилар.

Ёши 25 ёшдан кам бўлмаган, одамлар истиқомат қиладиган жойда ёки иш жойида фуқаролар йиғинида очиқ овоз бериш йўли билан 2,5 йилга сайланган Республика фуқароси туман, шаҳар судининг, шунингдек вилоят судининг халқ маслаҳатчиси бўла олади.

Халқ маслаҳатчилари бир йилда икки ҳафтадан ошмаган муддат билан ва навбатма-навбат ўз бурчларини бажариш учун ишларига чақириладилар, улар иштирокида бошланган суд ишларини тугатиш учун зарурат туғилганида бу муддатни узайтириш ҳоллари бундан мустаснодир. Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ана шу давр учун иш жойида халқ маслаҳатчиларининг ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

### 3- §. Ҳарбий судлар

Ҳарбий судлар тизими Республика Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Қуролли кучлар ҳарбий суди, гарнизонлар ҳарбий судидан иборат. Ҳарбий судларга тегишли ишлар қуйидагичадир:

— Қуролли кучлар, чегара қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари ва бошқа ҳарбий тузилмалар таркибида хизмат қиляётган шахслар, шунингдек ўқув йиғинларига чақирилган ҳарбий мажбуриятли кишилар Республика ҳудудида қилган жиноий ҳаракатларга доир ишлар;

— ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги қўмондонликка нисбатан даъволари ҳамда ушбу мансабдор шахсларнинг ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят бўйича фуқаролик ишлари;

— фавқулодда ҳолатлар таъсирида умумий судларнинг иши тўхтаб қолган жойларда барча фуқаролик ва жиноий ишлар.

Республика Олий судининг Ҳарбий ҳайъати таркибига Раис (у ўз лавозимига кўра Республика Олий суди Раисининг ўринбосари ҳисобланади), унинг ўринбосарлари ва судьялар киради.

Қуролли кучлар ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқларига эга бўлиб, у Раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборатдир.

Гарнизон ҳарбий суди туман, шаҳар суди ҳуқуқларига эга, у раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади, зарурат туғилган пайтда эса гарнизон ҳарбий суди раисининг ўринбосари ҳам тайинланади.

Қуролли кучлар ҳарбий судининг ҳамда гарнизонлар ҳарбий судининг судьялари Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан Адлия вазирининг Олий суд Раиси хулосасига асосланган тақдимномасига мувофиқ тайинланадилар.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган ва офицер ҳарбий унвонига эга бўлган Республика фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов вақтигача 18 ёшга тўлган Республика фуқароси ҳарбий судининг халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Халқ маслаҳатчилари ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан бир ярим йиллик муддатга сайланадилар.

#### 4- §. Хўжалик судлари

Республиканинг хўжалик судлари тизимига Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг ва вилоятларнинг хўжалик судлари киради. Зарур ҳолларда шаҳарларда ҳам ана шундай судлар ташкил этилиши мумкин.

Хўжалик судлари мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, Республиканинг ҳамда бошқа мамлакатларнинг халқаро бирлашмалари ва ташкилотлари, давлатлар ва бошқа органлар ўртасидаги хўжалик ишлари соҳасига оид жанжалли масалаларни ҳал қилиш йўли билан суд ҳокимиятини амалга оширадилар.

Хўжалик судларнинг вазифаларига қуйидагилар киради: одил судловни амалга ошириш йўли билан корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда уларнинг қонун муҳофазасидаги манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; ваколатли воситалар ёрдамида иқтисодий муносабатларда қонунчиликка риоя қилинишига қўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди хўжалик ишларидаги судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Унинг таркибига Раис, унинг ўринбосарлари, ҳайъатларнинг раислари,

судьялар, Олий хўжалик судининг Пленуми, жанжалли масалаларни ҳал қилиш бўйича суд ҳайъати, хўжалик судлари қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текширувчи суд ҳайъати киради. Олий хўжалик суди хўжалик судларининг суд фаолиятини назорат қилиб туради ва уларнинг ишларига раҳбарлик қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик суди, вилоятларининг хўжалик судлари таркиби раис, раис ўринбосарлари ва судьялардан иборат бўлиб, улар биринчи инстанция судлари сифатида ҳам, назорат қилиш тартибида ҳам ишларни кўриб чиқади-лар.

Олий суд судьялари каби Олий хўжалик судининг судьялари ҳам Президент тақдимномасига биноан Олий Мажлис томонидан беш йил муддатга сайланадилар, вилоятлар хўжалик судларининг судьялари Президент томонидан ўша муддат билан тайинланадилар.

Республика Олий судининг судьялари қилиб сайланган шахслар Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайланишлари мумкин, умумий тусдаги туман ва шаҳар судларининг судьялари эса вилоятлар хўжалик судларининг судьялари қилиб сайланишлари мумкин.

## 5- §. Одил судлов қоидалари

Республика одил судлов демократик қоидалар асосига қурилади, бунда қонунийлик принципи ана шу қоидалар ичида энг муҳими ҳисобланади. Судларнинг фаолияти қонунларга қатъий амал қилинган ҳолда олиб борилганидагина улар ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал қила оладилар. Шу боис судларнинг фаолияти ҳуқуқ нормалари ва биринчи галда Конституция билан, жиноят-процессуал ва фуқаролик-муомала процессуал қонунлар билан аниқ-равшан тартибга солинган. Суд фаолиятидаги қонунийлик принципи жинойи ва фуқаролик процессларининг бутун тизими билан таъминланади, бунда кейинги ҳар бир босқичда ундан аввалги босқичларда қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилиги текшириб кўрилади. Қонунларда ёзиб қўйилган қоидалардан чекинишга (бундай чекиниш қандайдир сабаблар туфайли келиб чиқмасин) йўл қўйил-

майди ва бунинг учун қонунда белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

Одил судловнинг бошқа бир муҳим қондаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдир. Бу қонданинг маъноси шундан иборатки, фуқаролик ва жиноий ишларни юритиш билан машғул бўлган барча давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини муҳофаза қилишлари шарт. Ҳеч ким шубҳали ва айбдор шахс сифатида жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, фақат қонунларда белгилаб қўйилган асосларда ва тартибдагина жавобгарликка тортиш мумкин.

Ҳеч кимнинг ўзига, эри ёки хотинига, яқин қариндошларига нисбатан гувоҳлик бериши шарт эмас. Бундай гувоҳлик беришдан бўйин товланганида буни жиноят содир қилишда айблаш ҳолати сифатида баҳолаш мумкин эмас.

Суд қарорисиз ёки прокурорнинг рухсатисиз ҳеч ким қамоққа олиниши мумкин эмас. Ғайриқонуний равишда қамоққа олинган ёки қонунга хилоф тарзда озодликдан маҳрум қилинган ҳар бир шахс озод қилиниши шарт.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уй-жойларининг дахлсизлиги, уларнинг ёзишмалари, телефон орқали гаплашуви, телеграфда бериладиган хабарларининг сир тутилиши қонун билан муҳофаза қилинади.

Суд айбланувчиларнинг айбини ечиш учун мажбур этиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширади, бироқ бу иш шахснинг қадр-қимматини қатъиян ҳурматлаш асосида бажарилиши лозим. Бу одил судловнинг навбатдаги қондаси ҳисобланади. Қонунда бундай дейилган: иш юзасидан қатнашаётган шахсларнинг қадр-қимматини камситишга қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этиш ёки қарорлар қабул қилиш ман этилади, шунингдек уларнинг шахсий ҳаёти ҳолатларига доир ахборотларни тарқатишга олиб келадиган, уларнинг ҳаёти ва соғлигини хавф остида қолдирадиган, уларни асоссиз равишда жисмоний ёки маънавий азоб-уқубатга соладиган хатти-ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар қабул қилиш ҳам ман этилади.

Суд ишларини юритишда миллий тилдан фойдаланиш қондаси жуда муҳимдир. Конституцияда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида суд

ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган, судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Айбланувчининг айби бўйига қўйилмагунча уни айбдор деб ҳисобламаслик қондаси одил судловнинг энг муҳим жиҳатидир. Шунга кўра айбланувчининг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва суд ҳукми билан қонуний кучга кирмагунча у айбсиз ҳисобланади. Шу билан бирга қонунда айбланувчининг айбини исботлаш вазифаси айбловчига юкланиши, айбланувчи эса ўз айбини исботлаши шарт эмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Агар айбланишга доир барча шубҳаларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, бу ҳолат айбланувчи фойдасига ҳисобга олинмоғи лозим.

Бу қоида билан маҳкам боғлиқ бўлган яна бир қоида борки, у юзага келган ҳолатларни ҳар томонлама ва холисона тадқиқ қилишдан иборатдир. Суд ҳақиқатни рўёбга чиқариш мақсадида иш билан боғлиқ ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ равишда ва холис тадқиқ қилиш учун қонунда назарда тутилган ҳамма чора-тадбирларни кўриши, айбдорни айбловчи ва оқловчи, унинг жавобгарлигини юмшатувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларни, шунингдек ишнинг тўғри ҳал қилиниши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни ҳам аниқлаши, иш бўйича қатнашаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши шарт.

Ишдаги ҳолатларнинг ҳар томонлама, тўла-тўқис ва холис тадқиқ қилинишини таъминлаш мақсадида қонунда қўйидагилар белгилаб қўйилган: судья, прокурор, суд мажлисининг котиби, эксперт, мутахассис, таржимон, мазкур ишдан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлсалар, у ҳолда улар жиноий иш бўйича суд ишида қатнаша олмайдилар ва улар рад қилинадилар.

Кейинги қонда — одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилишидир. Суд ҳукми билан ҳамда қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилувчилардан ташқари ҳеч ким жиноий иш қилишда

айбдор деб ҳисобланиши ва жиний жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Бу қонда қонунийликни, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофиза қилинишини таъминлайди. Фаолияти ҳақиқатни аниқлашнинг реал кафолатлари билан таъминланган судгина иш бўйича ўз қарорини чиқаради.

Фақат юқори даражадаги суд ана шу қондага асосланиб, қўйи даражадаги суд фуқаролик ёки жиний ишни кўриб чиқиш пайтида йўл қўйган хатони тузатиши мумкин.

Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Бу судларнинг ишларни холисона кўриб чиқишдаги, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофиза қилишларидаги асосий кафолатлардан биридир. Қонунларда судьялар ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўсиқларсиз, самарали равишда бажаришлари учун уларга шароитлар яратиб берилган.

Судьяларнинг дахлсизлигини белгилаб қўйиш, одил судлов соҳасида қатъий юридик тартибларни ўрнатиш, ҳукм чиқарилаётганда ёки қарор қабул қилинаётганида судьяларнинг яширин равишда маслаҳатлашуви, ҳукм ва қарор ошкора бўлишини талаб қилишнинг ман этилиши, судга ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик, суд фаолияти учун зарур ташкилий-техникавий шароитларни яратиш билан, шунингдек судьяларни моддий ва ижтимоий таъминлаш билан аниқ-равшан ишларни ҳал қилишга аралашганлик учун жавобгарлик ана шуларнинг ҳаммаси судьялар мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади. Судьялар мақоми ҳақида қонунда, жумладан, бундай дейилган: ишнинг ҳар томонлама, тўла-тўқис ва холисона кўриб чиқилишига халақит бериш мақсадида бирон-бир шаклда судьяларга таъсир ўтказиш ёки суднинг қонуний қарорини чиқаришга эришиш йўлидаги хатти-ҳаракатлар учун жиний жавобгарлик қўлланилади.

Олий суд ва Олий хўжалик судининг раислари ва аъзолари Олий Мажлиснинг ноиблари бўла олмасликлари Конституцияда таъкидлаб ўтилган. Судьялар, шу жумладан туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзолари бўлишлари ва бошқа

ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглигига асосланган одил судловни амалга ошириш жуда муҳим қондадир.

Конституциянинг 113-моддасида айтилишича, ҳамма судларда ишлар очиқ қўрилади; ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади, яъни давлат сирларини сақлаш манфаатларига зид бўлган ҳолларда, шунингдек ун олти ёшга тўлмаган шахслар қилган жиноий ишлар, жинсий алоқалар билан боғлиқ жиноий ишлар қўрилаётганида (мазкур ишда қатнашаётган шахслар турмушининг сирли томонлари тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинишига йўл қўймаслик мақсадида), буни жабрланган кишининг хавфсизлиги манфаатлари, гувоҳлар ва иш бўйича қатнашган бошқа шахсларнинг, улар оила аъзолари ҳамда яқин қариндошларининг манфаатлари талаб қилса, ана шу қондага амал қилади — иш ёпиқ мажлисда тингланади. Ҳамма ҳолатларда ҳам чиқарилган ҳукм ошкора эълон қилинади.

Айбланувчига ҳимояланиш ҳуқуқининг берилиши муҳим Конституциявий принцип ҳисобланади. Айбланувчига берилган ҳимояланиш ҳуқуқи — жиноий ишлар юзасидан суд иши олиб борилишида ўша айбланувчи таъминланган ҳуқуқлар мажмуидан иборат бўлиб, бунга айбланувчининг ўзи учун зарур ахборотларни олиш ҳуқуқи, ҳимояланиш учун зарурий хатти-ҳаракатлар қилиш, ҳимоячига эга бўлиш, зиён етказилган қонуний манфаатларининг тикланишига эришиш ҳуқуқи, унинг ҳуқуқларини бузаётган тегишли мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани муҳокамага қўйиш ҳуқуқи, ҳимояланиш учун адвокатлар ҳайъатининг юридик ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи киради.

Одил судловни мусобақалашув асосида олиб бориш принципи муҳим аҳамиятга эга. Бундай мусобақалашув айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг суд ишларини юргизишдаги тенглигига асосланади. Илгари айбловчи ва ҳимоя қилиш борасидаги процессуал ҳуқуқлар бир-биридан фарқ қилар эди, чунки прокурор суд жараёнида фақат айбловчи сифатида

эмас, айни пайтда суд фаолиятини назорат қилувчи шахс сифатида ҳам иш кўрар эди.

Сўнгги қонда — процессуал хатти-ҳаракатлар ҳамда қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлашдир. Қонунда суд процессида қатнашаётган ҳамма кишиларга суднинг процессуал хатти-ҳаракатлари ва қарорларни устидан шикоят қилиш ҳуқуқни берилади.

#### 14-БОБ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ

1. Прокуратура органлари.
2. Дастлабки тергов органлари.
3. Суриштирув органлари.
4. Адлия вазирлиги ва унинг органлари.
5. Нотариат.
6. Адвокатура.

#### 1-§. Прокуратура органлари

Прокуратура органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Прокуратуранинг вазифаси жиноятчиликка қарши курашишдан иборат. Прокурор қотил, безори, ўғриларни ва шу каби жиноятчиларни судда айблайди ҳамда уларни жазолашни талаб қилади, деган умумий фикр мавжуд. Бироқ, амалда ҳамма иш шу тарзда бўлавермайди.

Агар қонун бузилишидаги ҳамма ҳолатлар жиний иш билан боғлиқ бўлса, яъни улар жиноят кодексига ман қилинган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлса, у ҳолда прокурорнинг вазифаси жиноятчиликка қарши кураш билан чегараланган бўлур эди, албатта. Аммо, қонуннинг бузилиши ҳоллари турли-туман бўлиши мумкин. Масалан, завод директори балоғатга етмаган шахсни зарарли ишлаб чиқаришлар рўйхатига кирган ишга қабул қилиш учун буйруқ чиқарди дейлик. Бу меҳнат қонунини бузиш ҳисобланади. Кассир пул ҳужжатини қалбакилаштирса, бу жиноят ҳисобланади. Корхона маъмурияти ишлаб чиқаришда маъмуриятнинг айби билан рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли ишчига етказилган зарар ўрнини қоплашдан воз кечса, бу фуқаролик қонунининг бузилиши демакдир. Дўкон сотувчиси спиртли ичимликларни сотиш бўйича ўрнатилган

тартибни бузса, бу ҳолат маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Бундай хатти-ҳаракатларнинг айримлари кўпроқ хавфли, бошқалари эса камроқ хавфлидир, аммо ана шу ҳамма ҳолатларда ҳам амалдаги қонунларнинг бузилганлиги аёндыр, демек, бунда қонунийликка путур етади. Шу сабабли прокуратуранинг асосий вазифаси — республиканинг барча қонунлари аниқ ва сўзсиз бажарилишини назорат қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида бундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади». Барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва муассасалари, давлат назорати идоралари, ҳокимиятлар, шунингдек кимга қарашлиликдан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳамма корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда бажаришлари устидан назорат прокуратура зиммасига юклатилган.

Конституцияда мустақамланган қондалар — қонунлар устиворлигини ҳар томонлама қарор топтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш, инсоннинг ҳамда фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ғайриқонуний хуружлардан, шунингдек ижтимоий давлат тузумига, сиёсий ва иқтисодий тизимга, миллий гуруҳлар ҳамда ҳудудий тузилмаларга нисбатан хуружлардан уларни ҳимоя қилишни таъминлаш — буларнинг ҳаммаси прокуратуранинг бош вазифасидир. Прокуратура ўзининг бутун фаолияти билан мансабдор шахслар ва фуқароларни ўз бурчини ҳалол бажариш, қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялашга ёрдам бермоғи лозим. Прокурар назорати давлат номидан, давлатнинг олий органи бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси номидан амалга оширилади.

Прокурор назорати бир қатор йўналишлар бўйича олиб борилади. Бунга қуйидагилар киради:

— қонунлар бажарилиши устидан умумий назорат;

— жиноятчиликка қарши курашувчи органларнинг қонунларни бажариши устидан назорат;

— қўлга олинган кишилар, дастлабки тарзда қамоққа олинганлар ушлаб туриладиган жойларда, қонунлар бажарилиши устидан, шунингдек суд томонидан тайинланган жазо чораларини ва мажбурий тусдаги бошқа чораларни ижро этиш пайтида қонунлар бажарилиши устидан назорат.

Ана шу барча йўналишлар қонунчиликни мустаҳкамлаш вазифалари ҳамда прокурор ваколатларининг доираси умумийлиги билан маҳкам боғланган. Бироқ, умумий назорат прокурор назоратининг етакчи йўналишидир. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий турмушида туб ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги кунда умумий назоратнинг аҳамияти ошди.

«Умумий назорат» ибораси қадимдан давом этиб келаётган тушунчадир. Унинг моҳияти—давлат бошқаруви соҳасида қонунлар аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборат. Қонунларга риоя этмаслик ҳоллари бир вақтлар кўпинча ана шу соҳада кўпроқ кўзга ташланарди.

Умумий назоратнинг бошқа бир жиҳати ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунлар аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашдан иборатдир.

Умумий назоратни амалга оширишда прокуратура органларининг асосий диққат-этибори қуйидаги ҳолатларда қонунчиликни таъминлашга қаратилади:

— давлат бошқарувчи органлари, маҳаллий бошқарув идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқий ҳужжатлар нашр қилинганида;

— мансабдор шахслар ҳуқуқий ҳужжатларни аввало шахснинг дахлсизлигини, инсоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлашга, унинг шон-шарафи ва қадр-қиммати ҳимоя қилинишига, иқтисодий муносабатлар ва атроф-муҳит муҳофаза қилинишига қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни бажараётганида;

— фуқароларнинг конституциявий бурчларини адо этаётганларида.

Прокурор умумий назоратни амалга оширар экан, қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

— қарорлар, фармойишлар, йўриқномалар, буй-

руқлар ҳамда бошқа ҳужжатлар ва материалларни текшириш учун уларни талаб қилиб олиш, қонунийликнинг ҳолати ва уни таъминлаш тадбирлари ҳақидаги ахборотларни олиш;

— ўз назорати остидаги ҳамда ўзига қарашли корхоналар, муассасалар, ташкилотларда текширувлар ўтказилишини, текширувларни ўтказиш учун мутахассислар ажратилишини, идоравий ва идорадан ташқари экспертизалар ўтказилишини давлат органлари ва ҳарбий қисмларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларидан талаб қилиш;

— мансабдор шахслар ва фуқароларни чақиртириш, қонун бузилганлиги хусусида улардан оғзаки ёки ёзма равишда тушунтириш хатларини талаб қилиш.

Қонун бузилганлиги аниқланганида прокурор ёки унинг ўринбосари ўз ҳуқуқи доирасида қуйидаги ишларни бажаришга ҳақли:

— вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, ҳокимиятлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмаларининг ҳужжатлари, шунингдек мансабдор шахсларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари юзасидан норозилик билдириш;

— белгиланган тартибда жиноий иш қўзғаш, интизомий ишлар ёки маъмурий тартибдаги қонун бузишлар бўйича иш қўзғаш, материалларни жамоатчилик кўриб чиқиши учун топшириш;

— қонун бузилганлиги аниқ кўриниб турган ҳолларда уни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш;

— қонунни бузиш мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахслар ва фуқароларни ёзма равишда огоҳлантириш;

— қонун бузилганлигини бартараф этиш, шунингдек бунга ёрдам берган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни тугатиш ҳақида давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга тавсияномалар юбориш;

— фуқароларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқларини ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судларга ёки хўжалик судларига мурожаат этиш;

— давлат органлари ва жамоат бирлашмалари-

нинг норматив ҳужжатлари Конституцияга мос бўлмаган ҳолларда Конституциявий судга мурожаат қилиш (бу хусусда Конституцияга мувофиқ прокурор назорати амалга оширилмайди).

Қонун бузилганлиги аниқланган тақдирда прокурор бу хусусда норозилик хати (протест), кўрсатма, тавсиянома, огоҳлантириш хати, қарор тайёрлайди.

Қонунга зид бўлган норматив ҳужжат бўйича ёзилган норозилик хати ўша норматив ҳужжатни нашр этган идорага ёки юқори органга юборилади ва у олинган пайтидан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай албатта кўриб чиқилиши шарт. Фавқулодда ҳолатларда прокурор бундан камроқ муддат белгилашга ҳақли.

Ҳуқуққа оид ҳужжатни нашр қилган идора ёки юқори орган норозилик хатини рад этган, шунингдек норозилик хати белгиланган муддатда кўриб чиқилмаган ҳолларда прокурор бундай хатти-ҳаракатнинг қонуний эмаслигини тан олиш хусусида судга ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир. Прокурор судга ариза бериши билан юқорида тилга олинган ҳужжатнинг амал қилиши то суд бу ишни кўриб чиққунигача қадар тўхтатиб қўйилади.

Қонун бузилиши аниқ-равшан кўриниб турган бўлса ва агар бу ҳолат тезлик билан бартараф этилмаса, у фуқароларнинг ҳуқуқларига ҳамда давлат, корхона, муассаса, ташкилотнинг қонуний манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлса, прокурор ёзма буйруқ чиқаради.

Қ а р о р — жиноий иш қўзғаш тўғрисидаги, интизомий ёки маъмурий қоида бузишлар бўйича иш қўзғаш тўғрисидаги ҳужжатдир.

Т а в с и я н о м а — қонун бир неча бор бузилиши бўйича бунинг келиб чиқишига ёрдам берган сабаблар ва шарт-шароитлар, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар бериш бўйича прокурор назоратини амалга оширувчи ҳужжатдир.

О г о ҳ л а н т и р и ш х а т и — бу ёзма равишдаги юридик ҳужжат бўлиб, унда башарти шахс бундан буён ҳам қонун бузилиши ҳолларига йўл қўядиган бўлса, шў шахсга нисбатан тегишли маъмурий жазо чораси қўлланилиши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида у огоҳлантириб қўйилади.

Прокуратура умумий назорат ишнини юритар экан,

Ўз ихтиёридаги мавжуд ҳуқуқий омиллардан иложи борича тўла фойдаланиши лозим. Бундан кузатилган мақсад — Республиканинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли ривожланишини таъминлашдан, демократияни кенг қулоч ёйдиришдан, жамиятимизнинг олға ҳаракат қилишига халақит бераётган жиноятчиликка қарши курашдаги фаолликни имкони борича кучайтиришдан, бошқарув органлари, хўжалик раҳбарлари, юридик ва тафтиш хизматлари, назорат қилувчи идоралар қонунчиликни таъминлаш борасида ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришлари учун уларнинг масъулиятини оширишдан иборатдир.

Прокуратура органлари прокурор назоратига хос усуллар билан иш юритиб, иқтисодиётни янги изга солишда қатъий ҳуқуқий тартиб ўрнатилишига ҳар томонлама ёрдам беришлари керак.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласига прокуратура органлари диққат-эътиборни кучайтиришлари ҳам талаб қилинади. Бунда тақиқлаш чораларига нисбатан ҳимоя қилиш чораларига кўпроқ эътибор берилмоғи лозим. Инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш, қонун олдида ҳамма кишиларнинг тенглигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилишига қаратилган хатти-ҳаракатлар пайини қатъий суратда қирқиш, фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини диққат-эътибор билан кўриб чиқиш прокуратура барча ходимларининг фуқаролик бурчидир.

Прокуратура диққат-эътиборининг умумий назорат соҳасига жамланиши назорат фаолиятининг бошқа йўналишларига нисбатан эътибор сусайишини асло билдирмайди. Ваҳоланки, бошқа йўналишлардаги ишлар ҳам ҳали кўнгилдагидек эмас. Масалан, жиноятчиликка қарши кураш олиб бораётган органларнинг фаолиятини назорат қилиш билан мазкур органлар ишидаги қонун бузилиши ҳолларини тугатишга эришиб бўлмапти. Улар ишидаги қонун бузилиши ҳоллари камайиш ўрнига аксинча, ортиб борапти. Фуқароларни ғайриқонуний равишда жиний жавобгарликка тортиш фактлари жуда кўп, уларни қонунга ҳилоф равишда қамаб қўйиш ва ушлаб туриш ҳоллари мавжуд. Шу биле жиноятчиликка қарши кураш олиб бораётган органлар фаолиятида қонунчиликни

таъминлаш прокуратура органлари ишидаги муҳим йўналишдир.

Прокуратура органларининг бу соҳадаги энг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:

— жазоланишнинг муқаррарлигини таъминлаш. Биронта ҳам жиноят очилмай қолмаслиги мумкин эмас, жиний иш қилган биронта ҳам шахс қонун билан белгилаб қўйилган жавобгарликдан қочиб қутилмаслиги керак;

— процессуал фаолиятни ва айниқса инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари чеклаб қўйилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш. Жиний иш қилишда шубҳа остига олинган фуқаролар фақат қонунда белгилаб қўйилган тартиб ва асосларга мувофиқ ушланиши мумкин. Суднинг қарорисиз ёки прокурорнинг розилигисиз ҳеч ким қонунга хилоф тарзда ва асоссиз равишда жиний жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас;

— иш бўйича айбланувчининг айбини очувчи ва уни оқловчи, шунингдек унинг жавобгарлигини юмшатовчи ёки оғирлаштирувчи барча ҳолатлар ҳар томонлама, ҳолисона тадқиқ қилинишини таъминлаш;

— жиноятни содир қилишдаги сабабларни ҳамда бунга ёрдам берган шароитларни аниқлаш, жиноят содир қилишнинг олдини олиш чораларини кўриш.

Ушлаб турилганлар, дастлабки тарзда қамалганлар яшаётган жойларда, суд томонидан белгиланган жазо чораларини ҳамда бошқа мажбурий чораларни ижро этиш чоғида қонунларнинг ижросини назорат қилиш вазифаси муҳим аҳамиятга эга.

Прокуратура органлари назорат қилиш вазифасидан ташқари бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар, чунончи:

— судларда жиний ишлар кўрилаётганида давлат қораловчиси сифатида қатнашади, судларда фуқаролик ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари ва хўжалик ишларига доир жанжалли масалалар кўрилаётганида иштирок этади, суд ҳужжатлари қонунга тўғри келмаса, улар юзасидан норозилик билдиради;

— жиний ишларни текширади, жиний иш содир қилган шахсларни жиний жавобгарликка тортади;

— қонунларни такомиллаштиришда ва тарғиб этишда қатнашади.

Прокуратуранинг ташкил этишининг ва бу орган фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

1. Республика Бош прокурори раҳбарлигидаги прокуратура органларининг бирлиги ва марказлашганлиги, қуйи даражадаги прокурорларнинг юқори даражадаги прокурорларга бўйсунishi. Прокуратура органлари бутун тизимининг бирлиги ва қатъий тарзда марказлаштирилиши шароитидагина қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши таъминланади. Прокуратура ўз таркибига ҳамма турдаги прокуратураларни бирлаштирган ягона давлат органидир. Улар: ҳудудий, транспорт, ҳарбий прокуратура ҳамда табиатни муҳофаза қилиш прокуратураларидир.

Барча бўғин ва даражадаги прокурорлар олдида ягона мақсад ҳамда вазифалар туради. Уларнинг фаолияти иш шакли ва услубларининг умумийлиги, қонунлар бажарилишини назорат қилиш соҳасида бир хилда йўл тутиши, ваколатларнинг бирлиги билан белгиланади.

2. Прокуратура фаолиятида қонунийликни таъминлаш. Прокуратуранинг фаолияти Республика Конституцияси ва қонунларига жуда мос ҳолда амалга оширилиши керак, чунки қонуннинг ҳар қандай тарзда бузилиши бошқаларнинг қонунларига риоя этишини талаб қилишда прокурорни шу ҳуқуқдан маҳрум қилади, унинг обрў-эътибори ва ҳурмати пасайишига олиб келади.

3. Прокуратура органларининг ҳокимият бошқа ҳар қандай органларидан мустақиллиги. Фақат мустақил прокуратура Республиканинг бутун ҳудудида қонунчилик бирлигини ҳамда қонунларни маҳаллий шароитларга мослаб олиш йўлидаги уринишларга қарши туришни таъминлашга қодирдир. Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

4. Қонунни ким бузишидан қатъи назар, қонун бузилиши ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш. Прокурорнинг қонунлар бажарилишини назорат қилишга доир фаолияти қонунларнинг бузилиши ҳолларини аниқлаш ва уларни бартараф этишни,

бузилган ҳуқуқларни тиклашни, айбдорлар қандай лавозимда бўлмасин, уларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида бундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар».

5. Прокуратура органлари фаолиятида демократия ва ошкоралик. Прокуратура органлари нималар билан шуғулланаётганини, қандай қийинчиликларга дуч келаётганини, Республикада қонунчиликнинг аҳволи қандайлигини жамоатчилик аниқ-равшан тасаввур қилмоғи лозим. Айни пайтда шунини ҳам назарда тутиш керакки, прокуратура органлари ишидаги ошкоралик фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларига, шунингдек давлат сирларини ҳамда қонун билан ҳимояланадиган бошқа сирларни сақлаш талабларига зид келмайдиган даражада бўлиши зарур.

Прокуратура органлари тизими Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасини, Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратурасини, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар прокуратураларини, туманлараро ва бошқа ҳудудий прокуратураларни ўз ичига олади. Бу тизим таркибига транспорт, ҳарбий, табиатни муҳофаза қилиш прокуратуралари ва бошқа ихтисослаштирилган прокуратуралар ҳам киради.

Республика Конституциясига мувофиқ Республика қонунларининг бажарилишини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори зиммасига юклатилган. Бош прокурор Президент томонидан беш йил муддатга тайинланади, сўнгра Олий Мажлис уни тасдиқлайди. Бош прокурор Олий Мажлис олдида жавобгар бўлиб, унга ҳисоб бериб туради.

Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тавсияси билан Қорақалпоғистон Республикаси ҳокимиятининг Олий органи томонидан тайинланади.

Вилоятларнинг, Тошкент шаҳрининг, шаҳарлар, туманларнинг ва уларга тенглаштирилган бошқа тармоқларнинг прокурорларини Республика Бош проку-

рори тайинлайди. Прокурорларнинг ваколоти муддати — беш йил.

## 2-§. Дастлабки тергов органлари

Жиноятчиликка қарши кураш олиб боровчи органлар тизимида дастлабки тергов органлари муҳим ўрин тутлади. Жиноий ишга доир ҳамма ҳолатларни холисона тадқиқ қилиш ана шу органлар зиммасига юкланган.

Прокуратура органларининг, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари амалдаги қонунларга мувофиқ дастлабки тергов ишларини олиб борадилар. Ушбу органлар терговчилари ўртасида турли хил ишларни текшириш бўйича ҳуқуқ доираси белгилаб олинган ёки юридик тил билан айтганда, бу соҳада изчиллик йўлга қўйилган.

Терговчиларнинг жиноий ишларни текшириш соҳасидаги бутун фаолияти, уларнинг ҳуқуқ доирасидан қатъи назар, жиноят-процессуал қонунлар билан тартибга солиб турилади.

Тергов аппарати, унинг қайси идорага мансублигидан қатъи назар, ҳудудий ёки ҳудудий-ишлаб чиқариш принципига кўра, яъни туман, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси доирасида, ҳаво ва темир йўл транспорти бўйича ташкил қилинади. Дастлабки тергов органларининг асосий вазифаси жиноий ишларни текширишдан иборат бўлиб, бу жараёнда қуйидаги ишлар бажарилади: тез ва тўла-тўқис текширув ўтказиш.

Тез текширув ўтказишнинг маъноси шуки, биринчидан, излар босилмасдан, рўй берган воқеа гувоҳлар хотирасидан чиқмасидан жиноят излари, ашъвий далиллар борлигида ишнинг ҳамма ҳолатларини аниқлаш имкони бўлади; иккинчидан, иложи борича қисқа вақт ичида айбдорни жавобгарликка тортиш ва унга жазо чораси белгилаш мумкин бўлади.

Жиноий ишни тўла очиш содир қилинган мазкур жиноий ишга доир барча ҳолатлар, бунга ёрдам берган шароитлар, айбдор шахслар аниқланганини ҳамда ушбу аниқланган ҳолатларнинг ҳаммаси равшан далиллар билан исботланганини билдиради:

— айбдорларни фош этиш ва уларни айбланувчи сифатида жавобгарликка тортиш;

— жиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш;

— жиноий иш содир этилишига ёрдам берган сабаблар ҳамда шароитларни аниқлаш;

— қонунчилик мустаҳкамланишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

— фуқароларни қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш.

Суриштириш шаклидаги текширувлардан ҳамда судгача материалларни баённома шаклида тайёрлашдан ташқари, барча ишлар юзасидан дастлабки ёки тергов ўтказилиши шарт. Балоғатга етмаганлар, шунингдек жисмоний ёки руҳий камчилиги туфайли ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олмайдиган шахслар томонидан содир этилган барча жиноий ишлар бўйича ҳам дастлабки тергов ўтказилиши шарт.

Дастлабки текширувни мансабдор шахс бўлмиш терговчи ўтказадн, унинг асосий вазифаси — дастлабки тергов ишини олиб боришдан иборат. Унинг зиммасига қандайдир бошқа вазифалар юкланиши мумкин эмас.

### 3-§. Суриштирув органлари

Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари тизимида суриштирув органлари муҳим аҳамиятга эга. Улар зиммасига жиноий иш белгиларини ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш мақсадида зарур тезкор-қидирув ишларини ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа чора-тадбирларни кўриш, шунингдек жиноий ишларнинг олдини олиш ва улар пайини қирқишга доир барча тадбирларни амалга ошириш вазифалари юкланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 97-моддасига мувофиқ қуйидагилар суриштирув органлари ҳисобланади:

- милиция;
- давлат хавфсизлиги хизмат органлари;
- ҳарбий қисмларнинг командирлари, ҳарбий муассасаларнинг бошлиқлари;
- ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг бошлиқлари;
- чегарани қўриқлаш органлари.

Суриштириш ишларини олиб бориш юқорида санаб ўтилган органлар ва мансабдор шахсларнинг ак-

сарияти учун асосий вазифа ҳисобланмайди. Бу иш уларнинг қўшимча вазифасидир. Аммо, милиция учун суриштириш — унинг фаолиятидаги муҳим йўналишлардан биридир. Чунки милиция томонидан жиноий ишларни суриштириш шаклида ўтказиладиган текширувлар кўпинча жамоат тартибини бузиш, ёки мулкка қасд қилиш, безорилик, ўзбошимчалик, майда ўғрилиқ билан шуғулланиш ва ҳоказо ҳолатлар билан боғлиқ бўлади.

Жиноят белгилари мавжуд бўлган чоғда суриштирув органлари жиноий иш қўзғайдилар ва жиноят-процессуал қонунларга амал қилган ҳолда жиноий ишни аниқлаш ва унинг изларини исботлаш бўйича шошилиш равишида тергов ишларини олиб борадилар.

Дастлабки тергов ўтказиш шарт бўлган ишлар бўйича суриштирув мазкур иш қўзғатилган пайтдан бошлаб ўн кундан кечиктирмай тугалланиши лозим. Зарур ишлар бажариб бўлинганидан сўнг суриштирув органи прокурорнинг кўрсатмасини ва ўн кунлик муддат тугашини кутмай, ишни терговчига топшириши, аynи пайтда бу ҳақда прокурорга хабар бериши керак.

Суриштирув органи ишни терговчига топширганидан сўнг терговчининг махсус топшириқларига бинангина шу иш юзасидан тергов қилиши мумкин.

Дастлабки тергов қилиш шарт бўлмаган ишлар бўйича суриштирув ушбу иш қўзғатилган пайтдан бошлаб бир ойдан кечиктирмай тугалланиши лозим. Бундай ишлар юзасидан суриштирув материаллари ишнинг судда кўриб чиқилиши учун асос бўлади.

Суриштирув органининг раҳбари суриштирув ишларини олиб боради. Бироқ, у ана шу ишни олиб боришни ўз қўли остидаги ходимларга ёки суриштирувчига топшириш мумкин. Энг муҳим масалаларни ҳал қилиш суриштирувчига эмас, балки суриштирув органига топширилади. Бунинг маъноси шуки, суриштирувчининг қарори раҳбар томонидан тасдиқланганидан кейингина кучга кирилади.

Суриштирув органи раҳбари билан суриштирувчи шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бир томондан, хизмат юзасидан бирининг иккинчисига бўйсунуши тарзида бўлади, иккинчи томондан эса жиноят-процессуал тусга эга бўлади.

#### 4- §. Адлия вазирлиги ва унинг органлари

Адлия органлари фуқаролик ва жиноий ишларни ҳал қилиш борасида суд органларини ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туради. «Адвокатура ҳақида»ги қонун талабларига адвокатларнинг ҳайъатлари рия этишларини назорат қилади, давлат нотариуслари устидан ёзилган шикоятларни кўриб чиқади (агар бу шикоятлар нотариуслар томонидан бажарилаётган нотариал ҳаракатларга дахлдор бўлмаса), жамоат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиши.

Адлия органларининг суд органларини ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги бош вазифаси — судлар ишларини ташкил этиш даражасини оширишдан, судьяларнинг мустақилликка қатъий рия қилишларига ва фақат қонунга бўйсуниларига эришган ҳолда, одил судлов мақсадлари ҳамда судларнинг вазифалари амалга ошишига ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат.

Адлия органлари судларни ташкил қилиш, судьялар сайловини ўтказиш масалалари бўйича таклифларни ишлаб чиқади, судьяларнинг аҳоли олдида ҳисобот беришини уюштиришга раҳбарлик қилади, суд ходимларининг малакасини ошириш ишларини бажаради.

Адлия органлари фаолиятига Адлия вазирлиги раҳбарлик қилади. Бундан ташқари, Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 1992 йил 8 январда чиқарган Фармонига мувофиқ Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий сиёсатни ўтказиш соҳасида Республикадаги давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради; Республика органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг ва мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди; тегишли ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шон-шарафи ва қадр-қимматини ҳимоя қилишда Президент манфаатларини ёқловчи вакил сифатида иш кўради; бошқа давлатларнинг судларида баҳсли масалалар кўрилаётганида, агар Республика томонлардан бири ҳисобланса, Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради.

Адлия вазирлиги зиммасига яна қуйидаги вазифалар юклатилган:

— давлат ва хўжалик органларидаги юридик хизмат ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш ишларини ташкил қилиш, шунингдек фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш;

— вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ҳуқуқ доирасида қабул қилган ҳамда умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш;

— Адлия вазирлиги тасарруфидаги масалалар бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни Республика Олий Мажлис Риёсатига ҳавсла этиш.

### 5-§. Нотариат

Нотариат — турли хил юридик ҳужжатларни тасдиқлаш, ҳужжатлардаги имзолар ва унинг нусхалари ҳақиқий эканлигига гувоҳлик бериш, шунингдек қонунга биноан ўз ҳуқуқ доирасига кирувчи бошқа ишларни бажариш учун махсус тузилган давлат идоралари тизимидир.

Нотариал идораларнинг мансабдор шахслари давлат нотариуслари деб аталади, улар бажарадиган ишлар эса нотариал ишлар деб юритилади.

Нотариал ишларни бажариш учун давлат нотариал идоралари ташкил қилинган. Республика пойтахти — Тошкентда ва Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти — Нукусда, вилоятларнинг марказларида нотариал идоралардан бири биринчи давлат нотариал идораси сифатида таъсис этилади. Бу идора ғоят мураккаб ишларни бажаради ва ўз зиммасига юклатилган бошқа вазифалар билан шуғулланади.

Давлат нотариал идоралари бўлмаган истиқомат жойларида баъзи нотариал ишларни қишлоқ, овул, қўрғон, ижроқўм ёки ҳокимиятларнинг раислари, оқсоқоллари бажарадилар. Бу хусусдаги ишларга қуйидагилар киради: васиятномалар ва битимларни тасдиқлаш (шахсий уй-жойларни қуриш учун ер участкалари берилиши ва улардан муддатсиз фойдаланишга, хориждаги мол-мулкка доир шартномалар

бундан мустасно), мерос қилиб қолдириладиган мулкни муҳофаза қилиш чораларини кўриш ва ҳоказо.

Васиятномаларни ва ишонч қоғозларини тасдиқлаш ҳуқуқи касалхоналар, даволаш муассасалари, санитарийларнинг бош шифокорларига ва уларнинг ўринбосарларига, кексалар ҳамда ногиронлар уларнинг директорларига ва уларнинг ўринбосарларига, озодликдан маҳрум этиш муассасаларининг бошлиқларига ва бошқа баъзи шахсларга берилади.

Чет мамлакатларда нотариал ишларни консуллик муассасалари амалга оширадилар.

Нотариал ишларни юритиш судлов иши қайси тилда олиб борилса, ўша тилда олиб борилади.

Давлат нотариуслари ва худди шу хилдаги ишларни бажарувчи бошқа мансабдор шахслар фуқароларнинг сирларини сақлашлари шарт. Бироқ, улар суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органларининг талаби билан, шу органлар шуғулланаётган жиноий ва фуқаролик ишлари билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлар ҳамда ҳужжатларга доир маълумотномаларни беришлари шарт.

## 6-§. Адвокатура

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамла-нишини, қонунларнинг тарғиб этилишини, фуқароларнинг, шунингдек корхоналар, муассасалар, ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминловчи давлат ва жамоат бирлашмалари тизимида адвокатлар уюшмаси муҳим аҳамият касб этади. Адвокатлар уюшмаси аҳолига ҳамда ташкилотларга юридик жиҳатдан ёрдам беради. Адвокатлар ҳайъати — махсус юридик маълумотга эга бўлган шахсларнинг ўзини ўзи бошқарувчи ва ўзини ўзи пул билан таъминловчи, давлат таркибига кирмайдиган ташкилотидир.

Республика ва Қорақалпоғистон, вилоятларининг адвокатлар ҳайъатлари, Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати адвокатлар уюшмасининг ҳудудий идоралари ҳисобланади. Қонунларда кўзда тутилган бир қатор ҳолларда адвокатлар ҳайъатлари бошқа шаҳарларда ҳам ташкил қилиниши мумкин.

Юридик маслаҳатхоналар шаҳарларда ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда бевосита юридик ёрдам кўрсатади. Юридик маслаҳатхоналар берадиган ёр-

дам турлари қуйидагичадир: юридик масалалар бўйича маслаҳатлар, тушунтиришлар бериш, қонунчиликка доир оғзаки ва ёзма маълумотлар бериш, ҳуқуқий тусдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузиш, фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича ваколатларни амалга ошириш, юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.

Адвокатлар фаолиятининг муҳим шакли — жиноий ишлар судда қўрилишида қатнашишдир. Жиноят-процессуал қонунга киритилган ўзгаришлар биноан бугунги кунда адвокат ҳимоячи сифатида айбланувчига айб қўйилган пайтдан бошлаб жиноий иш қўрилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Жиноят содир этишда шубҳа остига олинган шахс ушланса ёки унга нисбатан эҳтиёт чоралари қўрилиб, айб қўйилгунга қадар у қамаб қўйилса, у ҳолда адвокатга эҳтиёт чоралари қўрилгани ҳақидаги қарор етказилган пайтдан бошлаб суд ишларига аралашшишга йўл қўйилади.

Бир қатор ишлар бўйича адвокатнинг ҳимоячи сифатида қатнашуви шарт. Бунга балоғатга етмаганлар, соқовлар, карлар, кўзи ожизлар ва бошқа шу хил шахслар билан боғлиқ ишлар киради. Бу тоифадаги шахслар жисмоний ёки руҳий камчиликлари сабабли ўзларини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар ёки суд ишлари олиб борилаётган тилни билмасликлари мумкин. Агар судлов ишида давлат қораловчиси қатнашаётган бўлса, ҳимоячи сифатида адвокатнинг қатнашуви шарт.

Адвокат гумонсиралаётган ёки айбланаётган шахсни ўз ҳимоясига олган бўлса, уни ҳимоя қилиш вазифасидан воз кеча олмайди.

Шуни ҳам айтиш зарурки, бизнинг жамиятимизда адвокатнинг имкониятлари лозим даражада қадрланаяпти деб бўлмайди. Адвокатура ҳамон ҳуқуқий тизимда тўлақонли муассаса бўла олган эмас, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари қонунчиликка рия этишларини кузатиш соҳасида жамоат назоратининг чинакам воситаси, жамиятни давлат билан боғловчи ҳақиқий омил бўлганича йўқ. Адвокатларнинг кўпдан-кўп ҳайъатлари штатида ўринлари кам, натижада зарур ходимлар етишмайди, улар замонавий ташкилий-техника воситалари билан, юридик

адабиётлар, маълумотномалар ва норматив ҳужжалар билан таъминланмаган.

Адвокатлар учун давлат ва жамоат ташкилотларида фуқароларнинг манфаатларини фаолроқ ҳимоя қилишда, фуқаролик ва маъмурий ишларни пишиқ-пухта кўриб чиқишда уларга катта мадад бериши мумкин бўлган ҳуқуқий нормалар тайёрланмаган.

#### 15-БОБ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ

1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси.
2. Давлат бошқаруви.
3. Маъмурий ҳуқуқ тизими.
4. Маъмурий ҳуқуқ манбалари.
5. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар тушунчалари ва уларнинг турлари.
6. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар.
7. Президент маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида.
8. Давлат бошқарув органлари.
9. Давлат хизмати.
10. Жамоат бирлашмалари.
11. Фуқаролар маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатида.
12. Давлат бошқарувининг шакллари ва усуллари.
13. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жазо.
14. Халқ таълимини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш.

#### 1-§. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси

Маъмурий ҳуқуқ — бу давлат органларининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидир.

Маъмурий ҳуқуқ ўзининг табиатига кўра давлат ҳокимиятини амалга оширишни тартибга солишга, барча ҳокимлик органларининг фаолиятларини қонуннинг аниқ доирасига киритишга даъват этилган. Ҳокимлик функцияларининг сарҳадларини, уларни сақлашни тартибга солиш, бошқарувнинг буйруқбозлик шаклларига қарши туришга ёрдам берувчи юридик механизмларни белгилаш, бу эса маъмурий ҳуқуқнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Ҳокимлик қилувчи тузилмаларнинг ички ташкилий фаслияти соҳасидаги муносабатларни ва давлатнинг назорат фаолиятини маъмурий ҳуқуқ амалга оширадн.

Ижро этувчи ҳокимият фаолияти жараёнида пайдо бўлувчи муносабатлардан ташқари маъмурий ҳуқуқ соҳасига ҳокимият барча турлари ва барча давлат органларининг ички ташкилий фаолиятлари, шунингдек, давлатнинг назорат фаолияти ҳам кирази. Шу нарса тан олинганки, маъмурий ҳуқуқ давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятларини ва принциплари (давлат фаолиятининг бошқа турлари билан мунсабати, давлат бошқаруви органларининг тузилиши, ташкил этилиш тартиби, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, мақсади, вазифаси, компетенцияси ва уларнинг ҳуқуқий аҳволининг фаолиятлари иш тартибларининг бошқа томонлари) ни белгилаб бориб, фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий аҳволларини, уларнинг бурч ва мажбуриятларини тартибга солишга кўпроқ эътибор беради. Республикамиз қуришга киришган фуқаролик жамиятида давлатнинг асосий мақсади — фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлашдир. Фуқаро маъмурий-ҳуқуқий бошқаришнинг объекти эмас, балки маъмурий ҳуқуқнинг асосий субъектидир.

Ҳуқуқий муносабатларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулининг ўзига хослиги томонларнинг нотенглиги ҳисобланади: бир томоннинг иродаси одатда иккинчи томоннинг иродаси устидан ҳукмронлик қилади. Бир томон одатда иккинчи томонга нисбатан давлат-ҳокимиятчилик ваколатлари билан таъминланган бўлади, бошқармага хос қарорлар қабул қилади, бошқа томоннинг ҳаракатлари устидан назоратни амалга оширади, қонун билан назарда тутилган ҳолларда мажбур қилиш чораларини қўллаши мумкин.

Маъмурий-ҳуқуқий усулга фақат томонларнинг тенгсизлигигина хос эмас, келишув бўлган тақдирда қабул қилиш мумкин бўлганда, у розиликни ҳам тан олади.

## 2- §. Давлат бошқаруви

Давлат бошқаруви — бу ижтимоий бошқарувнинг бир хилидир, яъни жамиятни бошқаришдир.

Давлат бошқаруви жамият аъзоларининг биргаликдаги ҳаракатларининг бир-бирига мослигини ва интизомини ҳам таъминлайди. Давлат бошқарувини давлат бошқарув органларининг амалий фаолияти каби белгилаш мумкин, у давлат фаолияти кўринишида намоён бўлади, унинг ўзига хослиги давлат функцияларини амалга оширишга оид кундалик амалий ишларни ташкил этишдан иборатдир. Бу жараёнда қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳамда уларни бажариш мақсадида иқтисодий алоқаларнинг ижтимоий-маданий қурилиш ва маъмурий-сиёсий фаолиятнинг барча томонларига бевосита раҳбарлик қилиш амалга оширилади, у қонунга оид хусусиятга эга бўлади.

Ижро этувчи ва бошқарувчи фаолият давлат бошқарувининг асосий мазмуни ҳисобланади. Бу шуни англатадики, биринчидан, давлат бошқарувининг ҳокимият органлари томонидан аниқ ифодалаб берилган амалдаги қонунни ижро этиш фаолиятидир. Ҳокимият органлари улар орқали ўз қарорларининг ижро этилишини таъминлайдилар, иккинчидан, бу фаолиятни бутун жараёни бошқарув, юридик жиҳатдан ҳуқуқий ҳаракатларни такомиллаштириш йўли билан келиб чиқади. Ушбу фаолият ҳаракатни юридик бошқаришни амалга оширадиган мажбурий норматив ёки алоҳида кўрсатмаларда ўз ифодасини топади.

Давлат бошқаруви — бу ташкил этувчи фаолиятдир. Турли даражадаги ижро этувчи ва бошқарувчи фаолият давомида ҳужалик юритиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилиш соҳасидаги вазифаларни бажарувчи кишиларнинг биргаликдаги фаолияти ташкил этилади. Бу мақсадда давлат бошқарув органлари бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни амалга оширадилар, бошқариладиган тизимларнинг фаолият кўрсатиш билан боғлиқ умумий масалаларни ҳал қиладилар, бошқариш муносабатлари қатнашчиларининг фаолиятларини бирлаштирадилар ва мувофиқлаштирадилар.

Давлат бошқаруви жамият турмушининг қандайдир алоҳида элементини эмас, балки унинг барча соҳасини қамраб олади. У бунга ёки марказлашган ҳолда ҳам, ёки оператив ҳолда ҳам амалга оширади.

Марказлашган раҳбарлик қилиш — фаолиятни му-

вофиқлаштириш, унинг умумий йўналишини аниқлаш, умумий қоидаларни белгилашдир. Унинг ўзига хослиги шундаки, у давлат бошқарувининг тегишли органи ва бошқарув объектлари билан тўғридан-тўғри алоқа қилмайди.

Оператив бошқарув органи ва объект ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа билан ифодаланади.

Давлат бошқарув органларининг амалий фаолияти бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, қабул қилинган қарорнинг ижро этилишида, ижронинг текширишда, назорат қилишда, ҳисобга олишда, олдиндан тайёргарлик кўришда, режалаштиришда, маблағ билан таъминлашда, кадрларни танлаш ва улэрни жой-жойига қўйишда ҳамда уларни ўқитишда намоён бўлади.

Давлат бошқаруви ижтимоий бошқарувдан фарқ қилиниши керак.

Давлат бошқаруви давлат хизматчилари ҳақолиб ишлайдиган давлатнинг махсус аппарати билан амалга оширилади. Бундай аппаратнинг фаолияти юридик-буйруқ бериш хусусиятига эга бўлади ва давлатнинг мажбур қилувчи кучи билан таъминланади. Давлат бошқаруви органларининг қарорлари фақат бошқарув аппарати ходимлари учун мажбурий бўлмай, балки бошқарув муносабатлари, шу жумладан, жамоат ташкилотларининг барча қатнашчилари учун мажбурийдир.

Ижтимоий бошқарув эса ўз функциясини ташаббускорлик асосида, қоидага кўра, давлатнинг мажбур қилмайдиган қўллаб-қувватлаши асосида бажарувчи жамоатчилик ташкилотлари фаолиятлари орқали намоён бўлади. Жамоат ташкилотларининг қарорларини бажариш унинг барча аъзолари учун мажбурийдир.

**Давлат бошқарувининг принциплари.** Давлат бошқарувининг принциплари — бу шундай бошқарувни амалга оширувчи энг муҳим ғоядир, у шунга мувофиқ қурилиши ва фаолият кўрсатиши керак. Давлат бошқаруви принципларига қуйидагилар киради:

1. Вакиллик органлари билан давлат бошқарув органлари ташкил этилганлигини, уларнинг халқ депутатлари Кенгашлари назорати остида бўлишлари, юқори турувчи бошқарув органлари қарорларининг қўйи турувчилар учун бажариш мажбурийлиги, икки

томонлама бўйсуниб тизими бўйича бошқарув органларининг фаолияти, ягона марказлаштирилган раҳбарликнинг қуйи бошқарув органларининг ташаббускорлик ва ижобий фаоллик билан уйғунлашиб кетганлигини билдирувчи демократик марказлаштириш.

Демократик централизм кўп йиллар бизда ўз қиёфасини бутунлай ўзгартириб, принципнинг централистик ва демократик бошланиши ўртасида ажралган ҳолда бўртиб чиқди. Централистик тенденцияни ҳар томонлама мустаҳкамлаб ва бошланғич демократияни босиб, маъмурий-буйруқбозлик тизими демократик централизмга тамоман қарама-қарши бўлган бюрократик централизм принципини тузди.

Бугунги кунда демократик централизмни тиклашга киришилди, чунки ҳар қандай давлатга, унинг туридан қатъи назар, марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимият ўртасида ҳаёт учун энг муҳим бўлган ўзаро муносабатларни бошқарувчи, уларнинг тўғри муносабатда бўлишларини таъминловчи механизм зарур бўлиб қолди. Худди шундай механизм демократик централизмдир. У марказ ва жой, тармоқлар ва ҳудудлардаги функциялар ва ваколатларнинг ҳажмларини ҳаддан ташқари аниқ мувозанатлаш имконини беради.

Бироқ, централизм меъёри билан мустақиллик меъёрига энг мақбул муносабатда бўлиш муҳимдир, бунинг учун энг аввало бошқарувни марказлаштириш, централистик бошланмалардан барча ортиқча нарсаларни олиб ташлаш, унинг барча имкониятларини фақат ўзига тегишли масалаларни ҳал этиш учун бир жойга тўплаш, қолганларини эса бошқарувнинг қуйи қисмларига бериш керак. Бу марказий ва мустақил бошланмаларни мустаҳкамлаш имконини беради. Ана шу бирликда давлат бошқаруви органлари фаолиятидаги демократик централизм принципини мустаҳкамлаш ўз ифодасини топади.

2. Омманинг бошқарувда қатнашиши, ошкоралик, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш. Омманинг давлат бошқарувида қатнашиши: биринчидан, уларни давлат ишларини бошқаришга кенг жамоатчиликни жалб қилиш; иккинчидан, давлат бошқаруви органлари ишларига, уларнинг фаолиятини назорат қилишни ташкил этишга жалб қилиш. Республикамиз фуқаролари Конституцияга мувофиқ вакиллар ва бошқа

хил сайлаб қўйиладиган давлат ҳамда жамоат органларини шакллантиришда ва уларнинг ишида ҳам умумдавлат, ҳам маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қонунлар ва қарорларни муҳокама қилишда ҳамда уларни қабул қилишда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқароларнинг бошқарувда қатнашишлари ошкораликни кенгайтиришга, аҳолининг қабул қилинган қарорлар ва уларнинг бажарилиши натижалари тўғрисида хабардорликларини оширишга кўмаклашади. Ривожланишнинг ҳозирги замон бошқичига ошкораликнинг изчиллик билан кенгайтирилиши Республикамиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида демократизацияни авж олдиришнинг бирдан-бир шarti ҳисобланади. Ошкораликни ривожлантира бориб, бошқарув органлари шу ҳақдаги Низомга амал қилишлари керакки, токи омма ҳамма нарсани билиши, муҳокама қилиши ва ҳамма нарсага онгли равишда қараши керак.

Шу билан бир вақтда давлат бошқарув органлари омма фикрини ўрганиш тизимини доимий равишда такомиллаштириб боришлари керак, чунки бу ҳокимият томонидан ўтказилаётган тадбирларни аҳоли қандай қабул қилаётганлигини, қандай масалалар муҳимлигини, уларни қандай йўллар билан ҳал этиш кераклигини, одамлар нималарга тайёр, нималарга тайёр эмаслигини билиш имкониятини беради. Жамоатчилик фикри социалогик тадқиқотларни, фуқароларнинг бошқарув органларига ёзган хатлари ва мурожаатларини ўрганиш ёрдамида, бошқарув аппарати ходимларининг аҳоли ва меҳнат жамоалари билан учрашувлар ўтказиш йўли билан аниқланади.

3. Барча давлат бошқарув органларининг ва мансабдор шахсларнинг Конституцияга ҳамда республикамиз қонунларига риоя қилишлари қонунчилик принциpidир. Фуқароларнинг, жамоат ташкилотлари, корхоналар ва муассасаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофаза қилиниши керак. Қонун талабларини бузганлик учун бошқарув муносабатларининг ҳар бир қатнашчиси қатъий жавобгарликка тортилади.

4. Коллегиалликнинг яккабошчилик билан уйғунлашуви. Коллегиаллик шуни билдирадики, раҳбариятнинг масалалари жамоа бўлиб муҳокама қили-

нади ва ҳал этилади, яккабошчиликда эса улар раҳбар томонидан ҳал этилади. Республика бошқарув тизмида бир томондан коллегиял ёхуд яккабошчилик органлари тузилади, бошқа томондан масалаларни коллегиял ҳал этиш ёхуд яккабошчилик асосида бошчилик қилиш усулидан фойдаланадилар. Бу билан коллегиял органларда айрим масалалар яккабошчилик асосида ҳал этилиши мумкин, яккабошчилик органларида эса ишларнинг коллегиял шаклидан кенг фойдаланиш мумкин.

**5. Ҳар бир органнинг ва мансабдор шахснинг компетенцияси, уларнинг ўзаро муносабатларини аниқ белгилаш.**

**6. Компетентлик атрофидаги жавобгарлик шуки, ҳар бир масъул шахснинг қабул қилинадиган қарор ёки қарорни қабул қилмаганлик, этилган қарорни қабул қилишни чўзиб юборганлик учун жавобгарлигини билдиради.**

**7. Бошқарувдаги тармоқ, тармоқлараро ва ҳудудий бошланмаларнинг уйғунлашуви.** Тармоқ бошланмалари ҳўжалик ва ижтимоий-маданий фаолият турли тармоқларининг техник, иқтисодий ва бошқа хил хусусиятларини ҳисобга олишни таъминлайди, ягона техник, иқтисодий ва кадрлар сиёсатини юргизиш имкониятини беради. Бироқ, тармоқ бошланмаларидан фойдаланиш тармоқлараро ва ҳудудий бошланмалар билан уйғунлашиб кетиши керак, чунки акс ҳолда улар ягона иқтисодий алоқаларнинг, табиий, энергетика ва меҳнат ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг тузилишига олиб келиши мумкин.

Функционал тизим шундан иборатки, ҳар бир алоҳида функция ёки функциялар гуруҳи айни бир объектни ихтисослаштирилган раҳбарлик инстанцияни бошқаргандек бошқаради, натижада худди ўша бошқарилаётган объект бир вақтнинг ўзида ушбу инстанцияларнинг ҳар бирига бўйсунди.

Линия тизими бошқарилаётган объектнинг аҳволи учун жавобгарликни осонгина таъминлайди. Функционал тизим эса алоҳида олганда ҳар бир функцияни бажариш сифатини ошириб, кўп ҳокимиятчиликни келтириб чиқаради. Шунинг учун органнинг линияли қурилиши тизимига кўпроқ афзаллик берилади.

### 3-§. Маъмурий ҳуқуқ тизими

Шу кунгача амалда бўлган маъмурий ҳуқуқ тизими га мувофиқ умумий ва махсус қисмлардан иборат эди. Умумий қисм барча ижро этувчи ва бошқарувчи органлар учун улар фаолиятини ташкил этиш принципларини белгиловчи нормаларни ўз ичига олар, махсус қисм эса бошқарув органининг у ёки бу тармоқлари доирасида умумий принципларнинг қўлланилишини белгилар эди. Агар бу шаклдаги бўлинишга алоҳида эътироз бўлмаган бўлса, мазмунига ва айниқса, умумий қисмида жиддий эътирозлар бор.

Гап шундаки, махсус қисм асосий эътиборни бошқарув органлари тизими фаолиятининг тузилмалари, функциялари ва шаклларига берар, унинг асосий вазифаси эса иқтисодий, ижтимоий ривожланиш, маданият, таълим-тарбия, муҳофаа, тартибни сақлаш, ташқи алоқалар соҳасидаги муносабатларни маъмурий-ҳуқуқий бошқаришдир.

Умумий қисмининг мазмуни ҳам тузатишлар киритишни талаб қилади. Субъектлар томонидан маъмурий ҳуқуқ, маъмурий назорат, маъмурий адлия компетенция шакл ва усуллари ҳозиргидан кўра чуқурроқ ишланмаларни талаб қилади.

Маъмурий ҳуқуқнинг нормалари Умумий ва Махсус қисмларга бўлинишдан ташқари ҳуқуқий институтлар (Давлат бошқарув органлари, давлат хизмати, маъмурий масъулият) бўйича гуруҳлаштириладилар. Ҳар бир шундай институт ўзига норма ҳамда умумий ва махсус қисмларни киритиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари моддий ва процессуалларга бўлинади. Моддий ҳуқуқ давлат бошқарув органлари тизимини, уларнинг компетенциясини, тузилмасини, шунингдек, фуқароларнинг, маъмурий ҳуқуқнинг субъектлари каби жамоат ташкилотларининг аҳолини мустаҳкамлайди. Процессуаллари маъмурий ҳуқуқ нормаларини реализация қилиш тартибини аниқлайдилар, ижро этувчи ва эгаллик қилувчи фаолият соҳасида уларни амалга ошириш иш тартибини белгилайдилар.

### 4-§. Маъмурий ҳуқуқ манбалари

Ўзларида маъмурий ҳуқуқий нормалари бўлган давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув

органларининг ҳуқуқий аклари маъмурий ҳуқуқ манбалари ҳисобланадилар.

Давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомларини ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш асосларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи Республикамиз Конституцияси бош манба ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида Қонун, корхоналар ҳақида қонун, жамоат ташкилотлари тўғрисида қонун муҳим ўрин эгаллайди.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг жуда кўпи Президент фармонларида, Вазирлар Маҳкамасининг норматик актларида бор. Давлат бошқарувининг тегишли тармоқларида маъмурий ҳуқуқ манбалари сифатида Вазирликлар ва Давлат қўмиталарининг қонунга хилоф бўлмаган буйруқлари ва йўриқномалари амал қилади.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари каби халқ депутатлари Кенгашларининг қарорлари, улардаги қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳокимларнинг қарорлари ва фармойишлари ҳам амал қилади.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари тизимида асосий ўринни Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекси эгаллайди.

## 5-§. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар тушунчалари ва уларнинг турлари

Маъмурий ҳуқуқ нормалари — бу қонунга таянган давлат ҳокимияти қоидалари воситалари орқали белгиланган ва таъминланган, давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатларни бошқаришга даъват этилган ижтимоий тузимнинг табиатидан келиб чиқади.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари йўл қўйилиши ёки тавсия этилиши керак бўлган хатти-ҳаракатнинг, давлат бошқарув органлари фаолиятининг, шунингдек, давлат бошқаруви соҳасидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг чегарасини аниқлайди. Маъмурий ҳуқуқ нормалари давлат бошқаруви субъектлари ва объектлари ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий режимини, бошқарилаётган фаолиятини кўпгина томонларини

амалга ошириш тартибини белгилайди. Маъмурий ҳуқуқ нормалари фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, уларни амалга оширишнинг тартиби ва кафолатини белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ нормаларининг кўп қисми буйруқ тусига эгадир. Уларни бузиш юридик жавобгарликка тортади. Лекин яхши ишлаганлик, ўз бурчини виждонан бажарганлик учун рағбатлантириш тўғрисидаги нормалар ҳам бор.

Маъмурий ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқнинг бошқа соҳалари каби замон ва маконда ҳамда шахслар доирасида таъсир чегарасига эгадир.

Ҳуқуқ нормаларининг кучга кириш тартиби давлат ҳуқуқи нормалари билан белгиланади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар ижрочиларга етиб борган вақтдан бошлаб кучга кириш умумий қондаси ҳолати бўлиб шу ҳисобланади, фақат маъмурий масъулиятни назарда тутувчи нормалар, одатда, бирдан эмас, балки маълум бир муддатдан сўнг кучга киради.

Одатда, маъмурий-ҳуқуқий нормалар ноаниқ муддатда амалда бўлади, бироқ айрим ҳолларда шундай нормалар қабул қилиниши мумкинки, уларнинг амалда бўлиши маълум воқеа-ҳодисалар билан (табiiй офатлар, эпидемия ва б.), ҳодиса содир бўлиши билан, шунингдек, олдиндан белгиланган муддат билан боғланади. Маълум ҳолларда ҳуқуқий нормаларнинг амал қилиши маълум вақтга қадар тўхтатиб қўйиши мумкин.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар, айниқса уларнинг маъмурий-ҳуқуқий масъулиятни белгиловчилари, қондага кўра, тескари кучга эга эмас. Бироқ, шундай ҳоллар ҳам учрайдики, у ёки бу норманинг амалда бўлиши илгари пайдо бўлган муносабатларга ҳам жорий этилади. Бундай ҳол норматив ҳужжатларда махсус айтиб ўтилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг маконда амалда бўлиши ҳуқуқий ҳужжат нашр этувчи орган мавқеи билан боғлиқдир: умуман республика, маҳаллий ҳажмда, умумий тусдаги ва тармоқ нормалари, шунингдек, корхоналар доирасида амал қилувчи маҳаллий нормалар.

Шахслар доираси бўйича маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг амалда бўлиши ёки фуқароларнинг ҳам-

масига, ёки уларнинг алоҳида гуруҳига жорий қилинади. Кўпгина нормалар фақат давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар, корхоналарнинг фаолиятини бошқаради.

### 6- §. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар — бу маъмурий ҳуқуқ нормаларига асосланган муносабатлардир. Уларнинг мазмуни субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланади. Президент, унинг таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслар ва давлат апаратининг бошқа хизматчилари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, уларнинг бўлинмалари ва ходимлари, шунингдек, республика фуқаролари, хорижликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, фойда олишни мақсад қилиб олмаган фуқароларнинг бирлашмалари субъектлар бўлиб ҳисобланади.

«Бошқарув субъекти», «маъмурий ҳуқуқ субъекти» ва «маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти» тушунчаларини фарқлаш керак. Маъмурий ҳуқуқ субъекти умумий тарзда (фуқаро, давлат бошқарув органи), ҳуқуқий муносабатлар субъекти—аниқ тарзда белгиланади.

Бошқарув субъекти остида маъмурий ҳуқуқ нормалари бошқариладиган объектлар фаолиятини ташкил этиш вазифасини юклайдиган органлар ва мансабдор шахслар тушунилади. Шу билан бир вақтда улар бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва бошқариладиган объектлар ўртасида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳам бўладилар.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши, тўхтатилиши кўпинча бошқарувнинг ҳуқуқий ҳужжатлари нашр этилиши билан боғлиқ бўлади. Бироқ улар бошқариладиган объектлар ва фуқаролар (ариза, шикоят, таклиф) ташаббуси билан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар фақат одамларнинг хатти-ҳаракати натижалари билан эмас, балки ҳодисалар натижасида (бола туғилиши билан ота-оналарда уни туғилганлигини расмийлаштириш, ФХДЁ органларида эса — фуқаролик ҳолати далолатларида ёзиш мажбуриятлари) пайдо бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабат «тик» (вертикаль)

бўлиши мумкин, бунда орган, мансабдор шахс бошқа томонга нисбатан ҳукмини ўтказиш ҳамда «ётиқ» (горизонталь) ҳолдагисида ундай имконият бўлмайди ва икки бошқарув органи қўшма, келишилган ҳолдаги бошқарув далолатномасини нашр этадилар. Бунда агар икки органнинг муносабати «ётиқ» тусда бўлса, унда улардан ҳар бирининг ўз тобеликларидагиларга нисбатан муносабатлари «тик» тусда бўлади.

Юридик фактлар (хатти-ҳаракат, ҳодиса) туфайли маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ўзгартилиши ёки тўхталлиши, ушбу муносабатлар субъектларининг ижобий ҳаракатлари амалга оширилиши ёки ҳуқуқбузарликлар сабабли пайдо бўлиши мумкин.

Томонлардан бири маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар мажбуриятини бажармаган ҳолларда юридик масъулият энг аввало ваколатли бошқарув органи тимсолида давлат олдида пайдо бўлади, ҳатто айрим ҳолларда муносабатлар томони ўзи бўлган шахс тимсолида пайдо бўлади. (Давлат ёнгин назорати органи, масалан, мансабдор шахсга илгари аниқланган ёнгинга қарши қондаларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги ёзма буйруқни белгиланган муддатда бажармаганлик учун жарима солиши мумкин.)

#### **7-§. Президент маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида**

Республика Конституциясига кўра, Президент давлат бошлиғи ҳисобланади ва айни вақтда ижро этувчи ҳокимиятга ва на фақат унинг марказий бўғинига, балки Республиканинг барча ижро этувчи тизимига раҳбарлик қилади. Давлат бошлиғи сифатида у ҳокимиятнинг барча тармоқларига бошчилик қилиб, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Ижро этувчи органларнинг Президентга бевосита бўйсунлиши унинг обрўсининг кучи билан ижро этувчи ҳокимиятни, қонунчиликни, интизомни мустаҳкамлаш, қарорларнинг бажарилишини назорат қилишни кучайтириш, пайдо бўладиган масалаларни янада тезкорлик билан ҳал этишни таъминлаш имконини беради.

Ижро этувчи ҳокимиятга бошчилик қилиш билан бирга Президент бевосита давлат бошқаруви ишларининг кўпгина масалаларини ҳал қилади, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига ва давлат бошқарувининг

қўйи органларига раҳбарлик қилади ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунинг учун Президент ҳузурида Назорат инспекцияси ташкил этилган. Президент давлат бошқарув органлари, шунингдек, ҳокимларнинг актларини, уларнинг қонунга хилоф бўлганлиги учун, унинг мақсадга мувофиқ бўлмаганлиги учун ҳам тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

Президент ижро этувчи-бошқарувчи ҳокимият ҳуқуқи билан таъминланиши билан Министрлар Совети Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Унинг ҳуқуқий мақоми Министрлар Советининг ҳуқуқий низомидан анчагина фарқ қилади. Агар Министрлар Совети давлат бошқарувининг юқори органи ҳисобланган бўлса, Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарув органларига бошчилик қилувчи орган ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамаси президентлик ҳокимиятининг ижро этувчи органи бўлиб қолди. Унга Бош вазир бошчилик қилса ҳам, бироқ у бевосита Президентга бўйсунди. Президент агар зарур деб топса, маҳкама мажлисларига раислик қилиши мумкин.

Президент Вазирлар Маҳкамасини шакллантиради, унинг бошлиғи — бош вазирни, унинг ўринбосарларини, вазирларни, давлат қўмиталари раисларини, вилоятлар ва ташкилот ҳокимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш ҳуқуқига эгадир.

Президент қонунларга имзо чекади, фармонлар ва фармойишлар чиқаради, уларни бажариш давлат бошқарувининг барча органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

## 8-§. Давлат бошқарув органлари

Давлат бошқарув органлари — булар қонун билан белгиланган тартибда ташкил топган ва унинг функциялари ҳамда вазифаларини амалга ошириш учун давлат томонидан ваколат берилган, бу мақсадда давлат-ҳокимият ваколоти билан таъминланган ва белгиланган тартибда иш кўрувчи фуқаролар гуруҳидир.

Давлат бошқарув органлари белгиланган тартибда ташкил топади. Унинг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш учун давлат томонидан вакил

қилинган. Бу билан улар функцияларнинг бир қисмини ва умуман барча функцияларни бажаришлари мумкин. Вазирлар Маҳкамаси барча функцияларни, вазирликлар — айрим ёки бир қатор функцияларни бажаради.

Бошқарув органларининг энг муҳим белгиларидан бири шуки, уларда ўзларига берилган ҳуқуқлар доирасига маълум масалаларни ечиш, бошқа давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар чиқариш, уларни ишонтириш ва мажбур қилиш йўли билан бажарилишини таъминлаш имконини берадиган давлат-ҳокимият ваколатларининг борлигидир.

Давлат бошқарув органларининг ҳукмронлик ваколатлари уларнинг ваколатлиликларида ифодаланadi, бунинг остида уларнинг иш юритиш мақсадлари ва ваколатлари тушунилади.

Давлат бошқарув органлари учун шу нарса хоски, улар қонун билан белгиланган тартибда ҳаракат қиладилар ва ягона тизимни ташкил этадилар. Улар ижтимоий моҳияти, мақсад, вазифалар, функциялари жиҳатидан ўзаро алоқада ва бир-бирига боғлангандир.

**Давлат бошқарув органларини таснифлаш.** Давлат бошқарув органлари юзага келишнинг ҳуқуқий асослари, фаолиятнинг ҳудудий миқёслари бўйича, юзага келишнинг тартиби, усуллари, ваколатининг ҳажми ва тусига, идораларга қарашли масалаларнинг ҳал этилиш тартиби, молиявий манбаларига кўра фарқланадилар.

Ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларига кўра, давлат бошқарув органлари ташкил этилиши тўғридан-тўғри Конституция билан назарда тутилган органларга ва жорий қонунлар билан назарда тутилмаган ёхуд давлат ҳокимияти ва бошқаруви ваколатли органларининг бошқа ҳужжатлари билан яратиладиган органларга бўлинади.

Фаолиятларининг ҳудудий миқёсларига кўра давлат бошқарув органлари юқори, марказий ва маҳаллий органларга бўлинади. Юқори органларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши киради. Марказий органларга ва-

зирликлар, давлат қўмиталари, идоралар киради. Маҳаллий бошқарув органларига ҳокимлар, шунингдек, айрим вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг органлари, бир нечта маъмурий-ҳудудий бирликлар ҳудудидаги объектлар: саноат бирлашмалари бошқармалари, темир йўллар ва шу кабилар кирадилар.

Тузилиш тартибига кўра давлат бошқарув органлари давлат бошқарув органлари томонидан бевосита тузиладиган, давлат ҳокимияти юқори ижро этувчи-бошқарувчи органлари томонидан тузиладиган, вазирликлар, идоралар томонидан тузиладиган, ҳокимлар томонидан тузиладиган давлат бошқарув органларига бўлинади.

Тузилиш усулига кўра давлат бошқарув органлари тузиладиган (Вазирлар Маҳкамаси) ва тайинланган — барча қолганлари давлат бошқарув органларига бўлинади.

Ҳажми ва ҳуқуқий тусига кўра давлат бошқарув органлари умумий, тармоқ, тармоқлараро ҳуқуқий органларга бўлинади. Биринчи гуруҳга Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликлар киради. Иккинчисига — вазирликлар, идоралар, ҳокимликларнинг бўлимлари ва бошқармалари киради. Учинчисига — давлат қўмиталари киради.

Идораларга қарашли масалаларни ҳал этишга кўра, бошқарув органлари коллегиялик ва яккабошчилик бошқарув органларига бўлинади.

Молиявий таъминланиш манбаларига кўра, бошқарув органлари бюджет ва хўжалик ҳисоби бошқарув органларига бўлинади. Биринчилари давлат бюджети ҳисобига, иккинчилари ўзига бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотларнинг даромадларидан ажратмалар ажратиш йўли билан молиявий таъминландилар.

Давлат бошқаруви органлари тизими. Давлат бошқаруви органлари ягона тизимни ташкил этадилар. У Республика миқёсида хўжаликка, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишга кундалик ҳар томонлама раҳбарлик қилишни таъминлаш зарурлигидан келиб чиқади.

Давлат бошқарув органлари тизими Республиканинг миллий-давлат тузилиши ва маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиб қу-

рилади. Унга Ўзбекистон Республикасининг, Қорақалпоғистон Республикасининг, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва овуллар, шунингдек улар таркибидagi маҳаллалар ҳамда шаҳарлардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари, шаҳар, қишлоқ киради. Давлат бошқарув органлари тузилиши умум-республика, марказий ва маҳаллий органлар ташкил этади.

Давлат бошқарувининг умумреспублика органларига қўйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, у Олий Мажлис билан келишган ҳолда Президент томонидан ташкил этилади ва ўз ҳуқуқ доирасида Ўзбекистон Республикасини бошқаришга тегишли барча масалаларни ҳал этишга ваколатлидир;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Жўқорғи Кенгеси томонидан тузилади ва ўз ҳуқуқ доирасида Қорақалпоғистон Республикасига тегишли масалаларни ҳал этиш учун ваколатлидир.

Марказий бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва давлат қўмиталари киради, улар топширилган тармоқларга раҳбарлик қиладилар ёки тармоқлараро бошқарувни амалга оширади. Уларга республика вазирликлари ва давлат қўмиталари киради, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига бўйсундилар. Уларнинг ихтиёрида республикага бўйсунувчи идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар бор;

Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва давлат қўмиталарига бўйсундилар.

Маҳаллий бошқарув органларига:

— вилоятлар, туманлар, шаҳарларда вакиллик қилиш ва ижро этиш-бошқаришни ўзида мужассамлантирган ҳокимликлар;

— жойларда хўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишнинг айрим тармоқларини кундалик тезкорлик билан бошқариш учун ҳокимлар то-

монидан тузиладиган ҳокимликларнинг бўлимлари, бошқармалари ва хизматлари кирадилар.

Давлат бошқаруви органларининг умумий тизимига бирлашмаларнинг бошқарув органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг маъмуриятлари киради. Бироқ, давлат бошқаруви органларидан фарқли равишда улар раҳбарликни амалга оширмай, балки жамиятнинг, давлат ва фуқароларнинг моддий, маънавий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш-хўжалик, ижтимоий-маданий ва бошқа фаолиятни амалга оширадилар.

Корхоналар ушбу фаолиятни моддий бойликлар яратиш ёки моддий хизматлар кўрсатиш билан амалга оширадилар.

Муассасалар тегишли ижтимоий-маданий ёки маъмурий-сиёсий функцияларни бажарадилар.

Ташкилотлар биров бошқача аҳамиятга эгадирлар. Қўпинча ишлаб чиқариш-хўжалик комплекслари (бирлашмалар, трестлар) ёхуд корхоналар, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик, технологик тусдаги муассасалар шундай деб аталадилар.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида давлат бошқарувини такомиллаштириш. Давлат бошқаруви тизими ижтимоий ҳаётнинг шундай соҳасига тушиб қолган эдики, Республикамиз ўтган йилларда бошидан кечирган барча салбий ҳолатлар ёрқин намоён бўла бошлади. У ижтимоий ва давлат ҳаётининг барча нуқсонларини ўз ичига олган эди, натижада у жамиятнинг ва халқнинг қатъий назоратидан чиқиб кетди, давлатдан ўз мақсадлари йўлида фойдалана бошлади, уни ўзининг тизимига айлантириб қўйди. Унинг ҳукмронлиги бошқарувнинг мазмунини, унинг принципларини, шакллари ва усуллари тўғрисидаги тасаввурни бузиб юборди.

Тақиқлаш, буйруқбозлик, апелляциясизлик, ҳурматсизлик, аслида ҳамма нарсани қатъий чегаралаб қўйиш — давлат бошқарув органларининг маъмурий-буйруқбозлик дунёқарашларининг қатъий бош ифодаси бўлиб қолди. Худди ана шу дунёқараш бошқарувда пайдо бўлган барча янги нарсаларни ва ҳаракатчанликларни эзиб ташлашга интилиш, бюрократизм каби хусусиятлар мафкуравий базани ривожлантиришга хизмат қилди.

Ҳеч қаерда, давлат-жамоат ҳаётининг ҳеч бир бошқа соҳасида давлат бошқаруви фаолиятидагидек ўз манфаатини кўзлаш каби чидаб бўлмас даражадаги тор эгоистликка дуч келинмаган. Аини мана шу давлат бошқаруви тизимида аппарат ва жамият ўртасидаги узоқлашув сезиларли даражада ўзини намоеён қилди.

Давлат бошқарув тизимининг энг жиддий нуқсонларидан бири маҳкамачилик эди. Иқтисодиёт, сиёсат, маданиятларни тармоқларга бўлиб, аппарат ҳар ким ўз хоҳишига эгаллик қилувчи отамерос мулкчиликни яратди. Ана шунинг заминида маҳкама актлари, маҳкамача фикрлашлар кучая бошлади. Маҳкамачилик минтақалар ўртасидаги табиий-иқтисодий алоқаларга путур етказди. Оролни нобуд қилиб қўйиш даражасига олиб борди.

Ҳозирги жамиятда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар муваффақияти бошқарув органлари фаолиятини чуқур, тубдан қайта қуриш билан чамбарчас боғланади, ўз навбатида у қуйидагилар билан таъминланади:

1. Сиёсий тизимни ислоҳ қилиш, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, Кенгашларнинг тўла ҳукмронлигини тиклаш, Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқларини тиклаш, унинг салмоғини ва сиёсий обрўсини кучайтириш, сиёсий ўзини-ўзи англаш, демократия ва ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш;

2. Иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш, хўжалик мустақиллигини, маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни мустаҳкамлаш;

3. Ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш. Ҳуқуқий нормаларнинг маҳкамачилиқдан ҳимоя қилиниши, сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ҳуқуқларини кенгайтиришни мустаҳкамлаш.

Янги бошқарув давлатлари органларига йўл халқ депутатлари Кенгашлари билан муносабатларни тартибга келтириш, Кенгашлар ва бошқарув органлари ўртасидаги вазифаларни аниқ тақсимлаш, бошқарув органларининг топширилган иш учун жавобгарликни ошириш орқали ўтади.

Давлат бошқарув органлари фаолиятини қайта

қуришнинг энг муҳим йўналишларидан бири — уни демократиялаштириш, бунинг бошқарув аппаратида йўқлиги жиддий нуқсон эди. Буйруқбозлик тизими бошқарувда демократик жараёнларни чуқурлаштириш имкониятини бўғиб қўйган эди. Демократизм ўзинини расмиятчилик, ташкилий ишлар билан кўмиб ташлаш, демагогия эгаллаган эди.

Давлат бошқарув органлари фаолиятини демократиялаш, энг аввало, ошкораликни, улар ишидаги очиқликни кўзлайди, бу эса фуқароларга улар фаолияти тўғрисида ахборот олиш, улар тўғрисидаги фикрларини очиқ-ойдин айтиш имконини беради.

Бошқарув органлари фаолиятида қонунчиликни таъминламай туриб уни демократиялаштириш бемаъниликдир. Кўп жиҳатдан уларнинг обрў-эътибори шунга ҳам боғлиқдир. Қонунга итоат қилишда улар фуқароларга намуна бўлишлари керак. Бошқарув аппарати фаолиятидаги мустақкам қонунчилик фуқароларнинг ҳуқуқ эркинликларини кафолатлайди, жамиятни қонунсизликдан сақлайди, демократияни ривожлантиришни ва мустақкамлашни таъминлайди.

Бошқарув аппаратининг иши, «рухсат этилган ҳамма ишларни қилишга йўл қўйилади» принципи бўйича ташкил этилади. Бу ўзбошимчалikka йўл қўймайди ва унинг фаолиятини тақиқлашдан рухсат этишга қайта йўналтирилади.

Давлат бошқарув органларини демократиялашнинг энг муҳим таркибий қисми бошқаришда аҳолининг реал иштирок этишини таъминлаш ҳисобланади. Бу эса, юқорида айтиб ўтилганидек, бошқарувнинг бош принципларидан биридир. Бироқ, у яқин кунларгача амалда ишланади. Буйруқбозлик тизими халқни ҳокимият органлари ва бошқарувдан бугун чоралар билан сиқиб чиқарди. Мана эндигина ушбу принцип ишлай бошлади. Раҳбарларнинг аҳоли олдида мунтазам равишда ҳисоб беришлари, турли йиғинлар, минтақавий референдумлар, аппарат, раҳбарлар иши ҳақида жамоатчилик фикрини мунтазам равишда билиб бориш бунинг исботидир.

Ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантирмай туриб бошқаришни демократлаштириш мумкин эмас. Лекин ўзини ўзи бошқариш демократлаштириш билан ёнма-ён эмас, балки унинг ичида ривожланиши керак. Давлат бошқарув органлари фаолиятидаги туралар-

ча расмиятчилик муносабатлари ўрнини ишчанлик, норасмиятчилик муносабатлари эгаллаши керак.

Бошқарув органлари фаолиятини қайта қуришнинг энг муҳим йўналишлари — бутун аппаратдаги каби унинг таркибий бўлинмаларидаги вазифаларни ҳам тартибга келтиришдир. Бунга юқори турувчи органларнинг кўпгина оператив вазифаларни қуйи органларга бериш, уларнинг ҳар хил таркибий бўлинмалар билан уларни қайтаришни бартараф этиш, вазифаларни марказлаштирилмаган тизимга ўтказиш ва уларни сақлашни тубдан қайта кўриб чиқиш йўли билан эришиш мумкин.

Функционал қайта қуриш бошқарув органларини таркибий қайта қуриш билан уйғунлашиб кетиши керак, яъни ортиқча бўғинлардан, бир-бирига яқин вазифаларни бажарувчи бирлашмалардан воз кечиш, тузилмаларни республикамизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишларга маслаш, бошқарув органларининг баъзи бир таркибий бўғинларини жамоатчилик бўғинларига айлантириш зарурдир.

Бошқарув аппаратининг ҳозирги замон муаммолари фақат унинг функционал ва таркибий жиҳатдан янгилашига эмас, балки чуқур ташкилий-техник қайта қуришнинг зарурлигига таянади. Бошқарув тизимининг янги моделларини ишлаб чиқариш, бошқарув меҳнатини илмий ташкил этишни жорий этиш, замонавий техника воситаларидан автоматлаштирилган тизимлардан кенг фойдаланиш назарда тутилади.

### 9-§. Давлат хизмати

Давлат хизмати меҳнат фаолиятининг турларидан биридир. У моддий неъматлар яратиш билан боғлиқ бўлмай, иш жараёнида амалда давлат вазифаларини амалга оширади.

Давлат хизмати фаолиятининг принциплари ҳам барча давлат бошқаруви кабидир, бироқ унинг қуйидагича ўзига хосликлари бор, жумладан:

а) давлат хизматини халқ манфаатларига бўйсундириш, меҳнат, турмуш, маданиятга оид ижтимоий масалаларни ҳал этиш тўғрисида фуқароларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш ҳақида доимий ғамхўрлик қилиш;

б) давлат хизматчиларининг халққа ва унинг ваколати органларига ҳисоб бериши ва уларнинг назо-

ратида бўлиши. Ушбу принцип ҳаммамизга маълум бўлган халқ ҳокимиятининг суверен манбаи ҳисобланиши ҳақидаги конституциявий қонундан келиб чиқади;

в) давлат лавозимларини эгаллаш ва хизмат поғоналаридан кўтарилишда тенгликни, меҳнати учун бир хил мукофот олиш, рағбатлантириш ва жавобгарликнинг ягона тартиби мавжудлигини тақозо этувчи фуқароларнинг давлат хизматидаги ҳуқуқларининг тенглиги;

г) кадрларни ишчанлик ва ахлоқий сифатларига кўра танлаш ҳамда жой-жойига қўйиш. Бундай ёндашув давлат лавозимларининг сифатлироқ бутланишини ва қўйилган вазифаларни бажаришга ҳам қобилиятлироқ бўлса, ўша лавозимдаги шахсларнинг ўсишини таъминлайди;

д) кадрларнинг топширилган иш учун шахсан жавобгарлиги ва алмаштириб турилиши.

**Давлат хизматчиси.** Давлат хизмати, давлат аппаратидаги лавозимни белгиланган тартибда эгалладиган ва давлат вазифалари ҳамда функцияларини амалга оширишга оид ўзларига юклатилган мажбуриятларни тақдирлаш учун бажарувчи шахслар томонидан бажарилади.

Хизматчининг хизмат бурчлари доираси, ҳуқуқи ва жавобгарлик чегаралари, унинг касб-малака жиҳатдан тайёргарлигига талаблар лавозим билан белгиланади. У, шунингдек, бажарилаётган ишларнинг хусусиятини ёритади.

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари ва бурчларининг мазмуни уларнинг умумфуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари ҳамда эгаллаб турган лавозимларга кўра, бурчлари ва ҳуқуқлари билан ажралиб туради.

Давлат хизматчиларининг умумфуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари Конституция билан ҳамда бошқа умумфуқаролик қонун ҳужжатлари билан мустақамлаб қўйилган.

Хизмат бурчлари ва ҳуқуқлари давлат хизматчиларига хизмат фаолиятини амалга ошириш учун берилади. Улар давлат органининг ҳуқуқлари доирасида, ўзининг вазифалари ва функцияларини амалга ошириш учун белгиланади. Хизмат ҳуқуқи ва бурчлар барча хизматчилар учун умумийга ва эгаллаши

аниқ бўлган бўлим лавозимлар билан боғлиқ махсусга бўлинади.

Умумий лавозим ҳуқуқлари ва бурчлари қуйидагиларга бўлинади:

— раҳбарларнинг ҳуқуқ ва бурчлари — бу энг аввало, ўзига бўйсунувчилар меҳнатини ва жамоада ўзаро муносабатни тўғри ташкил этиш, меҳнатни ва бошқарувни фан ютуқлари орқали жорий этишни таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш ва иш сифатининг самарадорлигини ошириш; моддий ресурслардан тежаб-тергаб ва самарали фойдаланишни таъминлаш; қонунга қатъий риоя қилиш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга қаратилган барча зарур чора-тадбирларни кўриш. Раҳбарларнинг бурчи — талабчанликни ўзига бўйсунувчилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан моҳирона уйғунлаштириш, одамларга, уларнинг эҳтиёжлари сўровларига эътиборли бўлиш, меҳнат мажбуриятларини бажаришда ўзини кўрсатган ходимларни рағбатлантириш, меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан қатъий чоралар кўриш;

— раҳбарларнинг ҳам ва бошқа мансабдор шахсларнинг ҳам бурчлари ва ҳуқуқлари (давлат номидан ва унинг топшириғига кўра томонлар сифатида бошқа томон учун мажбурий ҳисобланган тегишли талаблар билан ҳуқуқий муносабатларда иш кўриш мажбурияти ва ҳуқуқи);

— барча давлат хизматчиларининг умумий мажбуриятлари (давлат ва хизмат интизомига, қонунчиликка риоя қилиш, меҳнатга виждонан ва ҳалол муносабатда бўлиш, давлат ва хизмат сирларини сақлаш, хизмат мавқеини сунистеъмол қилишга, бюрократизм ва қоғозбозликка йўл қўймаслик; ўз мутахассислигини яхши эгаллаш, хизмат фаолияти масалаларини билиш, берилган ҳуқуқлардан тўла ҳажмда ва тўғри фойдаланиш).

Давлат хизматчиларининг махсус мажбуриятлари ва ҳуқуқлари ҳажми улар хизматда бўлган органининг ҳуқуқий мавқеи, эгаллаб турган лавозимларига боғлиқдир. Масалан, бош бухгалтерлар, иқтисодчилар ва бошқаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари махсус ҳисобланади.

Давлат хизматчиларининг турлари. Давлат фаолияти турларига кўра давлат ҳокимияти органлари,

давлат бошқарув органлари, одил судлов органлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари хизматчиларини фарқлайдилар.

Меҳнатнинг тусига кўра, давлат хизматчилари раҳбарлар, мутахассислар ва техник ходимларга бўлинади.

Раҳбарларга давлат органлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг таркибий бўлинмаларининг раҳбар ходимлари киради. Улар ўзлари бошчилик қилаётган органлар ва бошқа ташкилотларнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қиладилар.

Олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва махсус билимлар ва меҳнат кўникмалари талаб қилувчи ишларни бажарувчи хизматчилар мутахассислар деб тан олинади.

Техник ижрочилар — булар ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш, хўжалик хизмати кўрсатиш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш, иш юритиш билан банд бўлган хизматчилардир.

Ваколатларининг хусусиятига кўра, давлат хизматчилари давлат-ҳокимият ваколатига эга бўлган хизматчиларга ва бундай ваколатга эга бўлмаган хизматчиларга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ ўз навбатида мансабдор шахсларга ва ҳокимият вакилларига бўлинадилар.

Ўз ҳуқуқлари доирасида ўзига бўйсунувчилар учун ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи буйруқ оҳангида ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган давлат хизматчиларини мансабдор шахслар деб атайдилар. Буларга, шунингдек, бундай ҳаракатларга амалга оширмайдиган хизматчилар кирадилар, лекин ўзларига бўйсунувчи ходимларга раҳбарлик қиладилар ва улар учун бажариш мажбурий бўлган талаблар қўйишга ваколатлидирлар.

Мансабдор шахсларга, юридик ҳужжатлар чиқара олмасалар-да, лекин юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширадиган мутахассислар ҳам кирадилар.

Ҳокимият вакиллари — булар давлат номидан давлат-ҳокимият талабларини қўйиш ва ўзларининг бўйсунувида бўлмаган органлар ва шахсларга ҳуқуқий асосда таъсирий чоралар кўриш ҳуқуқига эга бўлган давлат хизматчиларидир.

Ҳокимият ваколатларига эга бўлмаган давлат хизматчилари (оператив таркиб) ўзлари ишлаётган давлат органининг нормал фаолият кўрсатишлари учун шарт-шароит яратадилар.

Давлат хизматчилари давлат бошқаруви тизимидаги шу бўғинга мансубларки, нафақат бошқарув аппарати фаолиятини қайта қуриш, балки барча янгиликлар тақдирини уларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳар қандай ташаббус, ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, айниқса ҳозирги вақтда республикамиз миқёсида рўй бераётган ўзгаришлар, кадрларни яхшилаш билан бошланиши керак, улар шу ишларни амалга оширишга даъват этилгандирлар. Бундай янгиланишнинг бош воситалари кадрларни тарбиялаш, қайта ўқитиш, зарурат бўлган жойларда эса уларни алмаштириш ҳисобланади.

Давлат хизматчиларига қўйиладиган асосий талаблар, илгари бўлганидек, уларнинг чуқур билимга эга эканликларига, ҳалолликларига, ташкилотчилик қобилиятларининг мавжудлигига қаралади. Лекин ҳозирги вақтда чуқур билимлиликнинг ўзи камлик қилади, дунёқараши кенг бўлган, келажакни кўра билладиган, янгиликни пайқайдиган, топширилган иш учун жуда масъулиятли мутахассис бўлиш керак. Фаол ҳаётий назарга эга бўлиш ва бошқаларнинг қинғир ишларига мурасасиз бўлиш зарур.

Бугунги кунда оддий ташкилотчиликни эмас, балки бошқариш илмини билиш, ишчанликни ва кўзланган мақсадга эришиш қобилиятига эга бўлиш керак.

## 10-§. Жамоат бирлашмалари

Давлат органлари ва давлат хизматчиларидан ташқари жамоат бирлашмалари ҳам маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бўлишлари мумкин, уларнинг остида Олий Мажлис томонидан, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасидаги жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология соҳасидаги ва турмуш бошқа соҳаларидаги ўзларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини биргаликда амалга ошириш учун бирлашган фуқароларнинг эркин истаклари натижасида пайдо бўлган ихтиёрий тузилмалар тушунилади.

Қонунга мувофиқ, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ноғиронлар ташкилотлари, илмий, техник, маданий-оқартув, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа жамиятлар, ижодий уюшмалар, ватандошлар уюшмаси, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоатчилик бирлашмалари, деб тан олинади.

Жамоат бирлашмалари — бу халқнинг ўзини-ўзи бошқариш тизими бўғинидир. Улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини тузишда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қарорларини ишлаб чиқишда қатнашадилар, давлат ва жамоатчилик органларида ўз аъзоларининг қонуний манфаатларини ифодалайдилар. Бироқ, мазкур фаолият фақат Конституция доирасида амалга оширилиши керак. Жамоат бирлашмаларига ва уларнинг органларига қонуний ва демократик йўл билан шаклланган ҳокимият органлари ва бошқаруви ҳамда ваколатли ҳокимият эгаларига демократияга қарши куч билан тазйиқ қилиш қонун билан тақиқланади. Қонуний фаолият кўрсатаётган ҳокимият бошқарув органлари ва мансабдор шахсларга нисбатан тазйиқ ўтказиш каби ҳар қандай уринишлар қонун билан бартараф этилади.

Жамиятнинг ахлоқий негизларини, умуминсоний қадриятларни бузишга қаратилган фаолият, шунингдек, конституцион тузумни қонунга қарши ўзгартириш ёки ҳудудларнинг бирлигини бузиш, жамиятни бўлиниб кетишга олиб келувчи урушни, зўравонликни ва шафқатсизлигини тарғиб қилувчи ижтимоий, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдирувчи фаолият тақиқланади. Шу сабабли жамоа ҳарбийлаштирилган ва қуролли уюшмалар, шунингдек, диний тусдаги партиялар, уюшмалар тузиш қонун билан тақиқланади.

Ихтиёрийлик, улар аъзоларининг тенг ҳуқуқлиги, ўзини-ўзи бошқариш, қонунчилик ва ошкора-лик жамоат бирлашмалари фаолиятининг асосий принципларидир.

Барча жамоат бирлашмалари ўзларининг уставларида, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган функцияларни бажара бориб, Конституция ва

республикамизнинг бошқа қонунлари доирасида ишлайдилар.

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлайди ва Конституцияга мувофиқ, улар томонидан устав вазифаларининг бажарилиши учун шарт-шароитларни кафолатлайди. Давлатнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда рухсат этилади.

### 11-§. Фуқаролар маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатида

Ўзларининг шахсий ҳуқуқлари ва бурчларини давлат бошқаруви соҳасида амалга ошириб, хусусий шахслар сифатида ишловчи фуқаролар ҳам маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бўлишлари мумкин. Фуқаролар иштирокидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар қўйидаги муносабатлар билан пайдо бўлиши мумкин:

— қонун бўйича фуқароларга тегишли ҳуқуқни давлат бошқаруви соҳасида амалга ошириш;

— давлат бошқаруви соҳасида фуқароларга юкланган мажбуриятларни бажариш;

— давлат бошқаруви соҳасида ўз мажбуриятларини бузиш;

— бошқарув органлари ёки уларнинг мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш учун фуқаро маъмурий ҳуқуқий лаёқатга ва муомала лаёқатига эга бўлиши керак.

Маъмурий ҳуқуқий лаёқат — бу маъмурий-ҳуқуқий тусдаги ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлиш қобилиятидир. У одам дунёга келган пайтда пайдо бўлиб, у умрининг охиригача давом этади.

Республикамизнинг барча фуқаролари тенг ҳажмда ҳуқуқий лаёқат қобилиятига эгадирлар. Бироқ, айрим фуқаролар учун, қонунда назарда тутилган ҳолларда, ушбу лаёқат қисман ёки вақтинча чегараланган бўлиши мумкин. Масалан, маъмурий ҳуқуқбузишликлар қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида Кодексда фуқаро унга махсус берилган ҳуқуқ (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи, ов қилиш ҳу-

қуқи) дан вақтинча маҳрум қилиш мумкинлиги назарда тутилади.

Маъмурий муомала лаёқатга эга бўлиш — бу ўз хатти-ҳаракатлари билан маълум ҳуқуқни эгаллаш ва давлат бошқаруви соҳасида ўзига юкланган мажбуриятларни бажариш қобилиятидир. Муомала лаёқат, одатда, фуқаро 18 ёшга тулганда пайдо бўлади. Лекин айрим ҳолларда у эрта ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан, 16 ёшга етган шахслар маъмурий ҳуқуқ бузишлар субъектлари бўлишлари мумкин.

Айрим фуқаролар қисман ёки тўла равишда муомала лаёқат эгалари эмас, деб топилиши мумкин. Қонун билан, масалан, маъмурий қонун бузишларни ўзини билмайдиган ҳолатда содир этган шахслар маъмурий ҳуқуқ бузишлар субъектлари ҳисобланмасликлари белгилаб қўйилган.

Фуқаролар иштирокидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам ўзларининг ташаббусига кўра, ҳам давлат ошқаруви органлари, мансабдор шахслар ёки тегишли давлат-маъмурий ваколатлари берилган жамоат бирлашмалари вакиллари ташаббусига кўра пайдо бўлади.

Фуқаролар иштирокидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни бўлиб уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва давлат бошқаруви соҳасидаги мажбуриятлари ҳисобланади. Кўпинча улар давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қонунлар ҳамда қарорларни муҳокама қилиш ва қабул қилишда қатнашиш, давлат ва бошқарув органларига уларнинг ишларини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритиш, давлат хизматида бўлган ҳолда давлат вазифалари ва функцияларини бажаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу билан бир вақтда фақароларга ҳарбий ҳисобда туриш, ҳарбий хизматга чақирилишнинг белгиланган тартибига, кўча ҳаракати, паспорт ва рухсат этиш тизимлари қоидаларига, жамоат тартибини сақлашга оид қоидаларга риоя қилиш каби мажбуриятлар юкланади.

## 12- §. Давлат бошқарувининг шакллари ва усуллари

Давлат бошқарувининг самарали бўлиши унинг олдида турган вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиладиган усуллар ва шаклларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шакл деганда аниқ бошқарув фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ифодаси тушунилади. Усул деганда — олдинда турган вазифаларни ечиш йўли тушунилади.

Бошқарув фаолиятининг асосий шакллари нормаларини ижод қилиш фаолияти, яъни давлат бошқаруви ҳужжатларини нашр этиш; маъмурий шартномалар тузиш; фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқиш ва уларга жавоб қайтариши ҳисобланади.

Давлат бошқаруви усулларига кузатиш, назорат қилиш, маъмурий ва иқтисодий бошқариш, умумий раҳбарлик қилиш ҳамда бевосита бошқариш, рағбатлантириш ва мажбур қилиш киради.

Кузатиш — бу давлат бошқарувининг пассив усулидир. Назорат қилиш — қонунлар, фармонлар, қарорлар ва давлат органларининг ёзма кўрсатмалари қандай бажарилаётганини, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари томонидан уларга юкланган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилишга оид фаолият.

Маъмурий бошқариш — бу объектлар бошқаруви фаолиятига ҳокимлик ваколатлари ва бўйсунуш тизимидан фойдаланиб, уларнинг мажбуриятларини белгилаш йўли билан таъсир этиш усули. Иқтисодий бошқариш — бу ҳам таъсир этиш усули, бу энди иқтисодий усуллар ёрдамида бўлади.

Рағбатлантириш — бу ижобий баҳолашнинг ва ишдаги ҳамда хатти-ҳаракатдаги эришилган натижаларни маъқуллашнинг махсус шакллари ёрдамида юкланган мажбуриятларни бажаришга майл билдиришдир. Ижобий баҳолашнинг бундай шакллари: рағбат мукофотлари, фахрий унвонлар бериш, мукофотлаш, қимматли совғалар билан мукофотлаш ва маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа чора-тадбирлари.

Мажбур қилиш — бу бошқариш объектига шундай ўз сўзини ўтказишни, уни қонун ҳужжатлари ёки

давлат ҳокимияти органларининг қонуний ёзма кўрсатмаларига мувофиқ ҳаракат қилишдир.

Қонунчиликни, ҳуқуқий тартиботни ва интизомни мажбурий чоралар билан таъминлашга интизомий ва маъмурий мажбур қилиш чоралари киради.

Интизомий мажбур қилиш, одатда, хизмат жиҳатдан бўйсунуш тартибида ва фақат интизомий ҳокимликнинг маълум доирадаги субъектлари томонидан қўлланилади. Унинг мақсади бошқарилаётган объект томонидан бошқарув субъекти фармойишларининг зарур даражада ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш ҳисобланади. Интизомий мажбур қилиш қонунни ёки бошқа хил ҳуқуқий ҳужжатни, давлат ҳокимияти органининг қарорини руҳий жиҳатдан, бажаришни ихтиёрий талаб қилиш шаклида, ёхуд интизомий жавобгарлик шаклида ифодаланади. Интизомий жавобгарликнинг мавжуд турлари: бўйсунуш тартибида, интизом тўғрисидаги устав билан белгиланган тартибда ва ички меҳнат интизومي қоидалари билан белгиланган тартибда. Маъмурий мажбур қилиш чоралари интизомий мажбур қилиш чорасидан фарқ қилиб, улар фақат махсус шунга ваколати бўлган давлат бошқарув органлари томонидан, айрим ҳолларда эса суд томонидан қўлланади. Маъмурий мажбур қилиш чорасидан фойдаланиш хизмат юзасидан бўйсунуш доиралари билан боғлиқ эмасдир. Улар кимга бўйсунушидан қатъи назар, қонунни бузган ҳар қандай шахсга нисбатан қўлланилади. Маъмурий мажбур қилиш хизмат қилиш-меҳнат муносабатлари соҳасида интизомни сақлашга эмас, балки давлат интизомини, қонунчиликни ва тартибни таъминлаш мақсадларига хизмат қилади. Маъмурий мажбур қилиш чоралари интизомий мажбур қилиш чораларига қараганда турли-туман бўлади.

Маъмурий мажбур қилиш чоралари: маъмурий-огоҳлантириш, интизомни олдини олиш ва маъмурий жазолашларга бўлинади. Биринчиси, ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишни таъминлайди, иккинчисидан ҳуқуқ бузишларни мажбурий олдини олиш воситаси сифатида фойдаланилади, учинчиси — юридик жавобгарликни ифодалайди, у маъмурий жазо деб номланади.

### 13- §. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жазо

Маъмурий жавобгарлик — бу юридик жавобгарликнинг бир туридир. Унга маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишда (хатти-ҳаракат қилган) айбдор бўлган шахслар тортилади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси.** Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 10-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриқонуний, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг энг муҳим белгиларидан бири ғайриқонунийликдир. Бу ғайриқонуний ҳаракат каби ғайриқонуний ҳаракатсиз бўлиши мумкин. Масалан, кўчадан ўтиш қонуннинг пиёда томонидан бузилиши — ғайриқонуний ҳаракатдир. Ҳарбий хизматга чақирилувчи узрли сабабларсиз мудофаа ишлари вазирлиги органларига келмаса — бу ғайриқонуний ҳаракатсизликдир.

Бироқ, шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилди дейиш учун унинг айбдорлигини аниқлаш зарур. Бунда унинг айби атайин қилинган хатти-ҳаракатда ёки ҳаракатсизликда ва белгиланган тартибни бузишда ифодаланади.

Агар уни содир этган шахс ўз хатти-ҳаракатининг ёки ҳаракатсизлигининг ғайриқонуний эканлигини тушунган, унинг оқибатларининг зарарли эканлигини олдиндан кўрган ва унинг содир бўлишини хоҳлаган ёки билиб туриб бунга йўл қўйган ҳоллар қасддан қилинган маъмурий ҳуқуқбузарлик деб тан олинади.

Агар уни содир этган шахс эҳтиётсизлик оқибатида содир этган бўлса, ўз хатти-ҳаракатининг ёки ҳаракатсизлигининг зарарли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини билган бўлса, лекин унинг олдини олишга енгилтаклик билан қараган бўлса ёхуд унинг шундай оқибатлар келтириб чиқаришини билса ҳам унинг шундай оқибатларни келтириб чиқариш мумкинлигини кўрмай қолса, маъмурий ҳуқуқ бузилишлар содир этилган деб тан олинади.

Қасддан қилинган ҳуқуқбузарликка майда безорилик, таъқиқланган усул билан овлаш киради. Эҳтиётсизлик билан содир этилганларга—ёнғин хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси қондаларини бузишлар киради.

Маъмурий ҳуқуқбузишларни кўпинча жиноятларга яқинлаштирадилар ва уларни бир-биридан фарқлаш учун, бундай вазиятда, у қандай ҳолатда содир бўлганини, айниқса, келтирилган зарар миқдори, оғир оқибатларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини ҳисобга олиш зарур бўлиб қолади.

Кўпгина ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарликнинг қайтарилиши унинг қаттиқ жиноятга айланиб кетишига сабаб бўлади. Масалан, йил давомида ов қилиш қондалари қайта бузилиш ҳоллари.

Республиканинг 16 ёшга тўлган фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган фуқаролар ва дипломатик иммунитетга эга бўлмаган хорижий фуқаролар маъмурий ҳуқуқ бузилишларнинг субъектлари бўлишлари мумкин. Шундай ҳуқуқ бузишлар бўладики, фақат 18 ёшга тўлгандагина жавобгар бўлиши мумкин (ҳарбий ҳисобга олиш қондаларини бузиш).

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларга вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади. Улар томонидан майда ўғирликлар содир этилган, транспорт воситалари ва кичик ҳажмли кемалар билан боғлиқ қоида бузишлар, оз миқдорда талон-тарож қилиш, ўқ отар қуроллардан белгиланган тартиби бузилган ҳолда отиш, майда безорилик жамоат тартибига ва фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаган ёки тарқатганда, милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, ўқ отувчи қуроллар ва ўқ-дориларини сақлаш, ташиниш, рўйхатдан ўтказиш қондалари бузилган ҳолларда улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари керак. Айрим ҳолларда эса бу ишлар ҳам вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун берилиши мумкин.

Айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун фақат маълум касб билан шуғулланувчи шахслар (тозалаш иншоотларининг бузилганлиги сабабли суви ифлосланган сув ҳавзаларига тушиш, электр ва иссиқлик

энергиясидан беҳуда фойдаланиш) жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилганлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун интизом уставига кўра жавобгар бўладилар. Фақат йўл ҳаракати, ов қилиш, балиқ тутиш қоидаларини бузганлик ва контрабанда учун улар умумий асосларда жавобгарликка тортиладилар.

Қонун маъмурий жавобгарликдан озод қилиш асосини назарда тутди. Бу зарурий мудофаа, охириги зарурат, ақли норасолик содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамият бўлганда.

Жиноий жавобгарликни белгилашга фақат юқори ҳокимият органлари ваколатли бўлсалар, унда маъмурий жавобгарликни эса бундан ташқари Президент, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий Кенгашлар, ҳокимлар аниқ ифода қилишлари мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилган органлар ва мансабдор шахсларнинг сони кўп. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи асосий органлар қуйидагилар ҳисобланади:

— туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси;

— шаҳар, қишлоқ ва овул фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар;

— ички ишлар (милиция) органлари (мансабдор шахслари), давлат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари) ва қонунда назарда тutilган ҳамда ваколат берилган бошқа органлар;

— давлат инспекциялари органлари ва республика қонунчилиги билан ваколат берилган (ёнғин назорати, ҳаво ва сув транспорти органлари, фуқаролар шаҳар ва электр транспорти органлари, ҳуқуқий ва техник инспекциялар, давлат шаҳар техник назорати ва бошқалар) органлар.

Маъмурий комиссиялар раис, ўринбосари, масъул котиб ва камида олти аъзоси бўлган тартибда тузилади. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар 6—12 аъзоларни ўз ичига олади. Бу комиссиялар ишларни улар таркиби аъзоларининг камида ярми ва ижрокўм умумтаркибининг камида 2/3 қисми бўлганда кўриб чиқадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг турлари. Қонун билан маъмурий бузишлар қуйидагиларга бўлинадилар:

— шахснинг қадр-қимматини, уй-жойнинг ва ёзиш-малар сирининг даҳлсизлиги учун ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасида;

— меҳнатни ва соғлиқни (меҳнат ҳақидаги қонунни, санитария-гигиена қоидаларини бузиш, наркотик моддалар истеъмол қилиш, таносил касалликлари билан зарарланиш манбаларини яшириш, уни тузатишдан бош тортиш) муҳофаза қилиш соҳасида;

— мулкка тажовуз қилиш соҳасида;

— табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида (ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерларини ишдан чиқариш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш ва бошқалар);

— саноат қурилишидаги, иссиқлик ва электр энергияси соҳасида;

— қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария-санитария соҳасида;

— транспортда, йўл хўжалиги ва алоқа соҳасида;

— фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасида;

— савдо тадбиркорлик ва молия соҳасида;

— одил судловга тажовуз қилиш соҳасида;

— жамоат тартибига тажовуз қилиш соҳасида;

— бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилиш соҳасида.

Маъмурий жарима мақсади жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарликнинг ўзи томондан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 23-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

1. Жарима.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли

ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш.

4. Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш.

5. Маъмурий қамоққа олиш.

1. Жарима — маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришидир.

Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жарима юқори ҳокимият органлари ва бошқарув томонидан белгиланади ва фақат қонун билан белгиланган ҳолларда солиниши мумкин.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача ва мансабдор шахсларга ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори фуқароларга — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ошмаслиги керак.

2. Асосан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, шу ашёни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш, ундан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатдир.

Ўқ отар қурооллар ва ўқ-дориларини ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш асосан тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин эмас.

Ашённи ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чорасини қўллаш тартиби ва тартиб олинадиган ашёларнинг турлари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси ва бошқа қонунлари билан белгилаб қўйилади.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш шу ашёнинг ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборатдир, бу чора туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат ҳуқуқбузарликнинг шахсий мулки бўлган янғина мусодара қилиниши мумкин. Мусодара қилиш чорасини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

4. Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш—муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати 15 кундан кам бўлмаслиги керак.

5. Маъмурий қamoққа олиш — ҳуқуқбузарликларнинг алоҳида турлари учун камдан-кам учрайдиган ҳолларда 3 суткадан 15 суткагача фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун — 30 суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қamoққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади. Маъмурий қamoққа олиш чораси ҳомилдор аёлларга 3 ёшгача боласи бўлган аёлларга 14 ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, 18 ёшга тўлмаган шахсларга, I ва II гуруҳ ногиронларга нисбатан қўлланиши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо норматив ҳужжатлар билан белгиланган доирада берилади. Бунда содир этилган хатти-ҳаракатларнинг хусусияти айбдорнинг шахси, айбнинг даражаси, уни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Енгиллаштирувчи ҳолатларга қуйидагилар киради:

— айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиш;

— айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлар олдини олиш, етказган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;

— кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликни содир этиш;

— ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсири ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;

— ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаганлар томонидан содир этилиши;

— ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки 14 ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўрувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Оғирлаштирувчи ҳолатларга қуйидагилар киради:

— ғайриқонуний ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;

— ҳуқуқбузганлик учун жазоланган шахснинг бир йил мобайнида яна шу хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шундай ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;

— вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш;

— ҳуқуқбузарлик бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;

— ҳуқуқбузарлик табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулотда ҳолатларда содир этилиши;

— ҳуқуқбузарликни маст ҳолда содир этилиши.

Бир нечта ҳуқуқ бузишлар содир этилган тақдир-

да ҳар бирига алоҳида маъмурий жазо берилади. Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб икки ойдан кечикмай берилади. Йил давомида янги ҳуқуқбузарлик содир этилмаса, шахс маъмурий жавобгарликка тортилмаган ҳисобланади.

**Маъмурий жазолар тўғрисидаги ишларни юритиш.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва холис аниқлаш, уни қонунга мувофиқ аниқ ҳал этиш, чиқарилган қарорнинг бажарилишини, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан ҳуқуқбузарликнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни амалга ошириш тартиби маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс билан белгиланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қуйидаги ҳолларда бошланиши мумкин эмас:

— ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати бўлмаганда;

— айбдорнинг 16 ёшга етмаганлиги сабабли;

— уни содир этган шахс ақли норасо бўлса;

— шахс ҳаракати зарурий мудофаа ёки охириги зарурий ҳолатида қилинган бўлса;

— амнистия акти чиқиш, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишни бекор қилса;

— маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;

— маъмурий жазо қўллаш муддатлари тугаганда;

— маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тузатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса;

— шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса.

Ишларни кўриб чиқиш барча фуқароларнинг келиб чиқиши, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенглиги асосида амалга оширилади. Ишлар очиқ ҳолда кўриб чиқилади. Ишлаб чиқаришни юритувчи шахслар тил билмасалар таржимонлар билан таъминланадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлик тўғрисида унга вакил қилинган шахс ёки жамоатчилик вакили томонидан баённома тузилади. Унга барча зарур маълумотлар киритилади. Баённома ишни кўриб чиқиш учун ваколатли тегишли орган (мансабдор шахс)га юборилади.

Баённомада: шу баённоманинг санаси, тузилган жойи, уни тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар; ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат, гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари, ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Башарти ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади. Баённома уни тузган шахс ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади, гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса баённома улар томонидан ҳам имзоланади. Ҳуқуқбузар унга имзо чекишдан бош тортган ҳолларда бу ҳақда алоҳида ёзиб қўйилади.

Баённома тузишнинг иложи бўлмаганда ҳуқуқбузар милицияга олиб келиниши мумкин. Бевосита қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳуқуқбузарни уч соатдан ортиқ бўлмаган муддатга маъмурий ушлаб туришга, нарсаларни шахсан кўриб чиқишга ва нарсаларни ҳамда ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилади. Маъмурий ушлаб турилганда баённома тузилади. Ушланиб турувчининг илтимосига кўра у турган жой тўғрисида ота-оналари, иш жойи маъмурияги хабардор қилинади.

Маъмурий ушлаб туриш:

— майда безорилик қилган, атайдан айбини бўйнига олмаган, йўл ҳаракати, ов қилиш, балиқ ушлаш

қоидалари бузилган ҳолларда — ички ишлар органлари томонидан;

— чегара тартиби бузилганда — чегара қўшинлари томонидан;

— қўриқланаётган объект жойлашган жой бўйича — бошлиқ томонидан;

— ҳарбий автоинспекциянинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Чегара тартибини бузганлик учун, шахсни аниқлаш мақсадида уч кундан ортиқ (уч суткагача), бунда албатта прокурор хабардор қилиниши керак ёки прокурорнинг рухсати билан ўн суткагача ушлаб туриш мумкин.

Шахсий текшириб чиқиш бир жинсдаги шахс томонидан ва гувоҳлар иштирокида ўтказилади. Текширишни ўтказиш айбдор иштирокида амалга оширилади. Айрим ҳолларда — айбдорсиз, лекин икки гувоҳ иштирокида амалга оширилади.

Ушлаб туриш муддати тартиб бузувчини баённома тузиш учун олиб келинган пайтдан, маст ҳолдаги шахслар учун эса, кайфи тарқаган вақтдан бошлади.

Ҳуқуқбузарлар иш материаллари билан танишиб чиқиш, тушунтириш бериш, далил келтириш, илтимос қилиш, ишларни кўриб чиқиш чоғида адвокат ёрданидан фойдаланиш, ўз она тилида сўзлаш ва таржимон хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир. Шикоятни ўн кун муддатда бериш қарорни ижро этишни у кўриб чиқилгунига қадар тўхтатиб қўяди. Иш тартиб бузувчи иштирокида кўриб чиқилади. У йўқ бўлганда фақат у келишининг зарурлиги ҳақида аниқ хабардор қилинган бўлса ва ундан масалани кўриб чиқишни бошқа кунга қолдириш ҳақида илтимоснома тушмаса, иш кўриб чиқилиши мумкин.

Майда ўғирликлар, радиоэшиттириш қурилмалари тайёрлаш ва фойдаланиш, майда безорилик, милиция ходимининг қонуний буйруғига бўйсунмаслик, маъмурий назорат қоидаларини бузганлик тўғрисидаги иш кўриб чиқиляётган пайтда шахснинг қатнашини шартдир.

Агар шахс келишдан бош тортса, у ушлаб келтирилиши мумкин. Жабрланувчи ва унинг адвокати

ҳам иш материаллари билан танишиш ва илтимос қилиш, шикоят қилиш, ҳуқуқига эгадир.

Ҳуқуқбузар ёки жабрланувчи вояга етмаган бўлса ёки жисмоний ва руҳий касал бўлса, ўз кучи билан ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олмаса, уни қонуний вакиллари (ота-оналари, васийлари, хомийлари ва бошқалар) ифодалашлари мумкин.

Иш юзасидан гувоҳ сифатида воқеани аниқлаш учун керак бўладиган бирорта ҳолатни биладиган ҳар қандай шахс чақиртирилиши мумкин. Гувоҳ чақириқ бўйича келишга ва кўрсатмалар беришга мажбурдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар баённома олинган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда кўриб чиқилади. Майда безорилик, ҳокимият вакилларига қаршилик кўрсатиш сутка давомида кўриб чиқилади. Радиоэшиттириш воситаларини тайёрлаш ва фойдаланиш тўғрисидаги ишлар уч кун муддатда, майда ўғирликлар ҳақидагилар эса беш кун муддатда кўриб чиқилади.

#### 14- §. Халқ таълимини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш

Таълим тўғрисидаги қонуннинг умумий хусусияти. Республикамининг халқ таълими органларининг маъмурий-ҳуқуқий ҳолатлари Конституция, «Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун, «Таълим тўғрисида»ги қонун билан ва уларга мувофиқ чиқариладиган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Конституция халқ таълимини маъмурий-ҳуқуқий бошқариш масалаларига оид принципиал қондаларни олдиндан белгилаб боради. Конституциянинг 41-моддаси маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатида ҳар бир фуқаронинг билим олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди ва бепул умумий таълим олишни кафолатлайди, мактаб иши давлат назоратида бўлишини таъкидлайди.

Конституциянинг ушбу принципиал қондалари «Таълим тўғрисида»ги қонунда ўзининг қатъий ифодасини топган. Қонун фуқароларнинг билим олиш учун конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди, ўзаро муносабатларнинг принципларини, субъектларнинг таълим соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий компетенцияларини ва жавобгарликларини,

Ўзбекистон республикасида таълимни эркин ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатини белгилайди. Қонунда келиб чиқишидан, жинсидан, тилидан, ёшидан, миллатидан, ирқидан, этниқодидан, динга муносабатидан, ижтимоий аҳволидан, машғулотивнинг туридан, турар жойидан, республика ҳудудига қанча муддат туришидан қатъи назар, билим олиш учун тенг ҳуқуқни таъминлайди.

Таълим олиш ҳуқуқи қуйидагича таъминланади: таълим олиш учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш; давлат ва давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш; давлат ва давлат тасарруфида бўлмаган муассасаларда ўқитиш учун белгиланган нормативлар доирасида бепул таълим бериш; ўқитишнинг турли хил шаклларида фойдаланиш — сиртқи, кечки, кундузги, оилавий таълим бериш ва экстернат, давлат таълим муассасаларида шартнома асосида пулли ўқитишга йўл қўйиш; кейинги даражадаги ўқув юртлигига киришда барча турдаги таълим муассасалари битирувчиларига тенг ҳуқуқлар бериш.

Таълим тизимидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг қуйидаги принципларига таянади:

— ўқитиш ва тарбиялашнинг инсонпарварлик ва демократик хусусиятлари;

— ўқитиш тизимининг изчиллиги ва узлуксизлиги;

— давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;

— таълимда умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устиворлиги;

— давлат таълим стандартлари доирасида ҳамма-нинг таълим олиш учун имконият яратилганлиги;

— таянч (тўққиз синф ҳажмидаги) таълимнинг мажбурийлиги;

— маънавий ва жисмоний тарбия дастурларини танлашга ягона табақалаштирилган ёндошув;

— билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш;

— таълим муассасаларида чет тилларини ўрганиш, дин тарихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиш;

— таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан ҳоли бўлиши;

— тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳур-  
матлаш;

— педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини  
ҳурматлаш;

— амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг  
барча шаклларидаги таълим муассасаларини тенг  
ҳуқуқлиги, уларнинг мустақиллигидан иборатдир.

Республика таълим тизими ўз ичига: мактабгача  
тарбия; умумий таълим; мактабдан ташқари таълим;  
ҳунар-техника таълими; ўрта махсус таълим; олий  
таълим; илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёр-  
лаш; кадрларнинг касб-кор малакасини ошириш ва  
уларни қайта тайёрлаш; оиладаги таълим; мустақил  
таълимни олади.

Мактабгача таълим оилада амалга оширилади  
ва бола шахси асосларининг шаклланишини, унинг  
билишга қизиқишларини, ахлоқ-одобга бўлган эҳти-  
ёжларини, дастлабки меҳнат кўникмаларини ривож-  
лантиришни, билимга муҳаббат уйғотишни таъмин-  
лайди.

Умумий таълим узлуксиз таълимнинг давлат ти-  
зимидagi муҳим бўғини ҳисобланади, у илмий би-  
лимларнинг асосларини, тадбиркорликни, меҳнат ва  
бошланғич ҳунар кўникмаларини эгаллашни, шунинг-  
дек, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ва ахло-  
қий сифатларини ривожлантиришни таъминлайди.  
Умумий таълим ўз ичига уч босқич: бошланғич (1—  
4- синфлар), таянч (5—9- синфлар), ўрта (10—11/12)  
синфларни олади ва бошланғич, таянч, ўрта ўқув-  
юртларида, гимназияларда, лицейларда амалга оши-  
рилади.

Таянч таълим мажбурий ҳисобланади ва ўқишни  
ўрта умумтаълим муассасаларида, ҳунар ва ўрта  
махсус ўқув юртларида давом эттириш ҳуқуқини бе-  
ради. Ҳар бир босқичда ёш ва ўқишни давом этти-  
риш тегишли умумтаълим муассасасининг устави  
билан белгиланади. 3 босқичдаги умумтаълим муас-  
сасаларига ўқувчилар қабул қилиш танлов асосида  
амалга оширилади.

Ўрта умумтаълим муассасаларида ўқитишни их-  
тисослаштириш, ўқувчиларнинг танлов бўйича курс-  
лар жорий этиш ва фанларни чуқурлаштириб ўрга-  
ниш амалга оширилиши мумкин. Бундай дастурларни

тасдиқлаш ҳуқуқи умумтаълим муассасаларига берилган.

Мактабдан ташқари таълим маданий-эстетика, табиий-илмий, техник, спорт ва бошқа йўналишларидаги мактабдан ташқари муассасаларда амалга оширилади, улар давлат органлари, мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар, жамоатчилик ташкилотлари ва фуқаролар томонидан амалга оширилади. Мактабдан ташқари таълимнинг мақсади — болалар ва ўсмирларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтлари ва дам олишларини ташкил этишдир.

Ҳунар-техника таълими ҳунар-техника билим юртлари, ўқув-ишлаб чиқариш, ўқув-курс комбинатларидаги, марказлар ва бошқа ўқув юртларидаги таянч таълими асосида ёхуд бевосита ишлаб чиқаришда амалга оширилади. Ушбу ўқув муассасаларида таълим олаётган шахслар бир вақтнинг ўзида ҳунар-техника ва умумий ўрта таълим оладилар ёхуд фақат ҳунар ўрганадилар. Иш билан бандлик хизмати йўлланмаси бўйича биринчи ҳунарни олганлар ёки қайта тайёрловдан ўтганлар бепул ўқийдилар.

Ўрта махсус таълим техникумларида, билим юртларида, колледжларда ва бошқа ўрта махсус ўқув муассасаларида, шу жумладан таянч, умумий ўрта ва ҳунар-техника таълими асосида бошқа турдаги ўқув юртлари билан бирлаштирилган ўқув муассасаларида амалга оширилади. Иш билан бандлик хизмати йўлланмаси бўйича биринчи ҳунарни олганлар ёки қайта тайёрловдан ўтганлар ҳам бепул ўқийдилар.

Олий таълим умумий ўрта, ҳунар-техника, ўрта махсус таълим негзида олий ўқув юртлари томонидан амалга оширилади. Олий ўқув юртларида ўқитиш ишлари икки босқичли асосда бакалаврият ва магистратура даражалари бериш билан олиб борилади. Бундай ўқитишни ташкил этиш республика ҳукумати томонидан тасдиқланган Низом билан тартибга солинади. Ҳукумат томонидан яна ихтисосликлар ва мутахассисликлар рўйхати белгиланади, уларни сиртдан ёки мустақил ўқиб эгаллашга йўл қўйилмайди. Фуқаролар иккинчи олий маълумотни пул тўлаб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Олий ўқув юртларининг фаолияти ўзларининг ус-

тавлари билан тартибга солинади. Олий ўқув юртларининг ўзлари вақти-вақти билан аттестация ва аккредитациядан ўтиб турадилар.

Ўзлуксиз таълим тизимидаги олий босқич илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Илмий даражалар ва унвонлар бериш ҳам махсус қонунлар билан тартибга солинади. Олий таълим тизимидаги илмий фаолият илмий жамоалар, шартномалар, контрактлар, давлат буюртмаси, дастурлар, лойиҳалар, шунингдек, ўзларининг илмий манфаатлари бўйича алоҳида муассасалар орқали амалга оширилади. Ана шу мақсадда илмий-ишлаб чиқариш бўлинмалари, бирлашмалар, уюшмалар, студент ёшларнинг илмий-техника ижодиёти марказлари ташкил этилади.

Кадрларнинг касбий малакаларини ошириш уларни қайта тайёрлаш касбий билимларни ва кўникмаларни чуқурлаштириш ва янгилаш, шунингдек, давлат ва бошқа хил ўқув юртлари базаларида давлат маблағлари ҳисобига, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва алоҳида шахслар билан тузилган шартномалар асосида янги мутахассисликлар олиш мақсадида амалга оширилади.

Қонун ота-оналарга ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларга болаларга уйда таълим беришни рухсат қилади. Бундай ўқитиш боланинг ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар, таълим муассасалари, томонларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа мажбуриятларини белгиловчи таълимни бошқарувчи тегишли органлар ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Болаларни уйда ўқитиш ўқув юртлари дастурлари бўйича, кейинчалик экстернат тартибида аттестациядан ўтказиш билан амалга оширилади.

Оилада таълим оловчи шахслар таълим муассасасида ўқитишнинг ҳар қандай босқичда давом эттириш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат оилавий ўқишга услубий, консультация ёрдами бериш йўли билан, айрим ҳолларда эса оилага компенсация тўлови тўлаш йўли билан ёрдам кўрсатади.

Давлат мустақил равишда ўзи билим, маданий ва касбий даражасини оширишга интилишни қўллаб-қувватлайди, мустақил ўқиш йўли билан ўз билимини оширувчи шахсларга имтиҳонларни экстернат тартибида топшириш имконияти берилади.

Таълим муассасалари битирувчиларига, мустақил ёки оилавий билим олувчи шахсларга халқаро қондаларга мувофиқ келувчи таълим тўғрисида ҳужжатлар берилади.

**Таълим тизимини бошқариш.** «Таълим тўғрисида» қонунига мувофиқ Ўзбекистонда таълим тизимини бошқариш давлат-ижтимоий хусусиятига эгадир. Таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини белгилаш ва амалга ошириш, ҳуқуқий тартибга солиш, таълимни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, таълим давлат бошқарувининг марказий органларини шакллантириш Республика ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг ҳуқуқ доирасига киради. Уларнинг ўзи таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибларини белгилайдилар. Ҳокимият юқори органларининг ҳуқуқ доирасига таълим муассасалари тўғрисидаги низомларни, таълим тўғрисида ҳужжатларининг намуналарини ва уларни бериш тартибини тасдиқлаш киради. Улар таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, акредитациялаш ва рухсатнома бериш (лицензиялаш) тартибини, таълимнинг давлат стандартларини, таълим эҳтиёжлари учун бюджет маблағлари миқдорини, уни молиявий таъминлашнинг нормативларини белгилайдилар. Уларнинг ўзлари таълимни ривожлантириш республика фондиди шакллантирадилар ва педагогик кадрлар тайёрлашни ташкил этиш билан шуғулланадилар.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари таълим муассасалари тармоқларининг минтақалар эҳтиёжларига мос келишини таъминлайдилар, ўзларига қарашли ўқув юртларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар, маҳаллий ҳокимиятга эга бўлган таълим муассасаларини очиш учун рухсатномалар берадилар, ўз ваколатлари доирасида молиялаштириш миқдорларини, таълим муассасалари учун иш ҳақи тўлаш шартларини белгилайдилар, ихтиёрий бадаллар ва хайриялар ҳисобига таълимни ривожлантириш фондларини шакллантирадилар. Таълим бўйича кенгашлар ва таълим муассасалари раҳбарлари билан биргаликда ўқувчиларнинг ва таълим ходимларининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қиладилар, минтақаларнинг ўқитувчиларга бўлган талабларини аниқ-

лайдилар, яшаш жойларида болалар ва ёшларни тарбиялаш учун қулай шароитлар яратадилар, васийлик ва ҳомийлик масалаларини ҳал қиладилар, таълимнинг ва ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасининг давлат талабларига мослигини назорат қиладилар.

Таълимнинг давлат бошқарувини махсус ваколати бўлган органлар амалга оширадилар. Таълим муассасаларида давлат талабларининг ва нормативларининг бажарилишини таъминлайдилар, уларга услубий раҳбарликни амалга оширадилар. Давлат органларининг, уларнинг ҳуқуқий иш доираларига кирувчи ҳоллардан ташқари, таълим муассасалари фаолиятига аралашиларига йўл қўйилмайди.

Таълим муассасаларини бошқариш Ўзбекистон республикаси қонунларига ва уларнинг Уставларига мувофиқ амалга оширилади. Бевосита раҳбарлик таълим муассасасининг мудирини, директорини, ректорини ёки бошқа раҳбари томонидан амалга оширилади.

Ўрта умумтаълим, ҳунар-техника ва ўрта махсус муассасаларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг тегишли органлари томонидан лавозимга тайинланадилар. Давлат олий ўқув юртларининг раҳбарлари тегишли вазирликларнинг тақдимномасига кўра Республика ҳукумати томонидан тайинланадилар. Давлат тасарруфида бўлмаган ўқув юртларининг раҳбарлари уларнинг таъсисчилари томонидан, Республика аҳамиятига эга бўлган таълим муассасаларининг раҳбарлари эса, ҳукумат билан келишган ҳолда таъсисчилар томонидан тайинланадилар.

Таълим муассасаларини бошқаришда ўқувчилар, талабалар, педагог ходимлар, ходимлар, ота-оналар, жамоатчиликнинг бошқа вакиллари қатнашадилар.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари таълим фаолияти учун ҳуқуққа рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг эга бўладилар. Агар давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаси таълим тўғрисидаги қонунни бузса, у вақтда унинг фаолияти низо суд йўли билан ҳал этилмагунча тўхтатиб қўйилади. Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш давлат таълим муассасалари учун белгиланган тартибда ва муддатларда ўтказилади. Давлат тасарруфида бўлмаган таъ

лим муассасаси у давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини олади.

Таълим тизимидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Таълим жараёнининг қатнашчилари қонунда тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминланганлар. Қўпинча ўқувчилар қўйидаги ҳуқуқларга эгадирлар: уларнинг инсоний, қадр-қимматларини ҳурматлаш виждон эркинлиги, ахборот олиш, ўз қарашлари ва эътиқодларини ифода этиш, ўқув юртларини, шунингдек, соҳаларни, шаклларни, ўқиш муддатларини, якка тартибдаги дастурларни танлаш, илмий, фаолиятнинг турли хил кўринишларида қатнашиш, соҳа, мутахассислик, иш фаолияти бўйича ўқишни давом эттириш, унинг ёшга ва саломатликка мос бўлиши, иш жойида ҳақ тўланадиган қўшимча таълим ва бошқа ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийдиган шахслар учун назарда тутилган имтиёзлар.

Қонун ўқувчиларни ўқиш вақти ҳисобига ўқиш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилишни таъқиқлайди.

Республика қонунларига, ахлоқ ва одоб қоидаларига, устав ва ички тартиб қоидаларига риоя этиш, билимларни мунтазам ва чуқур эгаллаш, амалий кўникмалар, касб-кор маҳоратларини мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориш ҳамда узининг умумий маданий савиясини оширишларига риоя қилиш, ўқувчиларнинг мажбуриятлари ҳисобланади.

Ўқувчилар стипендиялар, ётоқхоналар, қўлланмалар, интернатлар, имтиёзли ёки текин овқат билан таъминланадилар. Уларга кутубхоналар, ўқув-ишлаб чиқариш, илмий, спорт, майший, соғломлаштириш базаларидан, транспорт ва бошқа хизматлардан текин ва имтиёзли фойдаланишни кафолатлайди.

Таълим муассасаларида ўқиётганларнинг саломатлигини муҳофаза қилишни ва мустаҳкамлашни кафолатловчи шарт-шароитлар яратиш, ота-оналарга — болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлом бўлишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг қадр-қимматларини ҳурматлаш, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш, яхшилик қилиш, меҳр-муҳаббат, Ватанга муҳаббат, катталарга, умуминсоний ва миллий, тарихий ҳамда маданий бойликларга нисбатан ҳурмат бажо келтириш руҳида тарбиялаш мажбурияти юк-

ланади. Қонунга нисбатан ҳурмат ҳиссини пайдо қилишга, унинг мутлақо устиворлигини тан олишга; ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга алоҳида эътибор бериш керак.

Ота-оналарга ўз болалари учун таълим шакллари, умумтаълим муассасаси тури ва ўқитиш тилини танлаш, болага ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш, таълим муассасаларини бошқаришда иштирок этиш, зарур шарт-шароитлар яратишни талаб қилиш ҳуқуқи берилади.

Педагогик ходимлар ҳам алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминланганлар, бу ҳақда кейинги саҳифаларда батафсил сўз юритилади.

#### 16-Б О Б. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

1. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси.
2. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар.
3. Ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати.
4. Юридик шахслар.
5. Қорхоналар.
6. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари. Кооператив ташкилотлар.
7. Хўжалик бирлашмалари.
8. Тадбиркорлик.
9. Вакиллик.
10. Битим.
11. Нарса-буюмлар.
12. Муддатлар ва даъво муддати.
13. Мулк ҳуқуқи.
14. Мажбурият ҳуқуқи.
15. Шартнома мажбуриятлари.
16. Зарар етказиш ва асосиз равишда бойиш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятлар.
17. Ворислик ҳуқуқи.
18. Муаллифлик ҳуқуқи.
19. Саноат объектига мулкчилик ҳуқуқи.
20. Фуқаролар шаъни ва қадриятини фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш.

#### 1-§. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси

Фуқаролик ҳуқуқи товар-пул муносабатларини ва томонларнинг (қатнашчиларнинг) тенглигига асосланган бошқа муносабатларни, мулкий муносабатларни, шунингдек мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўл-

ган шахсий номулкий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат.

Фуқаролик ҳуқуқи — инсоннинг кундалик ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ соҳаларидан биридир. У фуқарога мулкӣ ва шахсий номулкий муносабатлар соҳасида катта ҳуқуқлар беради ва бу ҳуқуқларни бошқа фуқаролар томонидан бузилишидан муҳофаза қилади. Ҳар бир фуқаро қонунга биноан шахсий ва хусусий мулкка эга бўлиш, мулкни мерос қилиб олиш ва васият қилиб қолдириш, ижодий фаолият ва ҳоказолар билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ҳуқуқларни қўлга киритишга ҳақлидир. Инсон ҳаёти ва саломатлигини, унинг шаъни ва қадр-қимматини сақлаш ишида фуқаролик қонунлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Фуқаролик ҳуқуқи фуқароларнинг манший, савдоттиқ, кумуннал, транспорт хизмати кўрсатиш соҳасидаги муносабатларини тартибга солиб туради. Кўпгина ҳолларда инсон ўзининг ижтимоий фаолиятида, хусусан касаба уюшмаси ишида, халқ маслаҳатчиси бўлиб иштирок этишда фуқаролик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлади.

Бироқ фуқаролик ҳуқуқи фақат фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб қолмасдан, шу билан бирга корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва давлат иштироки билан бўладиган муносабатларни ҳам тартибга солади. Буларга мулкӣ муносабатлар соҳасидаги аҳволни белгилаб берадиган нормалар, улар ўртасидаги ҳужалик алоқаларини, маҳсулот ва моллар етказиб бериш, капитал қурилиш, юк ташиш ва ҳоказолар соҳасидаги алоқаларни тартибга солувчи нормалар киради.

Жаҳон ҳуқуқи тараққиёти, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ҳам фуқаролик ҳуқуқи билан боғлиқдир. Фуқаролик ҳуқуқий фуқаролик жамиятининг асосларини (мулк, моддий неъматларга эга бўлиш ҳуқуқий тизимини, мол-мулкка эга бўлиш ва уни бировга бериш тартиби, шартномаларни) қамраб олади ва шахснинг, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг эркинлиги ҳамда мустақиллигини, уларнинг мустақил мақомини таъмин этади.

**Мулкӣ ва шахсий номулкий муносабатлар. Юқо-**

рида айтиб ўтилганидек, фуқаролик ҳуқуқи мулкый муносабатларни ва улар билан боғлиқ бўлган шахсий номулкий муносабатларни тартибга солиб туради.

Мулкый муносабатлар мол-мулкнинг муайян шахсларга тегишли эканлиги, мол-мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши билан боғлиқ бўлади. Мулкый муносабатларнинг биринчи гуруҳига мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш соҳасидаги муносабатлар киради. Мулкый муносабатларнинг иккинчи гуруҳига, аввало, кўпдан-кўп шартнома муносабатлари (мол етказиб бериш шартномаси, нудрат шартномаси, юкларни ташиш шартномаси муносабатлари) киради. Бироқ бу муносабатлар шартнома асосида пайдо бўлмаслиги ҳам мумкин. Хусусан етказилган зарарнинг ўрнини қоплашда, асоссиз равишда қўлга киритилган ёки сақланган мол-мулкни қайтариб беришда, мерос мулкнинг меросхўрга ўтишида шундай бўлади.

Лекин ҳар қандай мулкый муносабат ҳам фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинавермайди. Шундай муносабатлар ҳам борки, улар маъмурий, меҳнат ҳуқуқи билан тартибга солинади. Фуқаролик ҳуқуқи товар-пул шаклларида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни ҳам тартибга солади.

Шахсий номулкий муносабатлар мулкый муносабатлардан шу билан фарқ қиладики, улар қиймат билан ифодаланмайди, шахс билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ундан ажралмасдир. Шахсий номулкий муносабатлар фуқаролар ўртасида ҳам, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Шахсий номулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлиши ва боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Биринчи ҳолда бирор киши шахсий номулкий муносабатларининг поймол қилиниши унга маълум миқдорда моддий зарар етказиши ҳам мумкин. Масалан, кишининг оладиган қалам ҳақи унинг асар муаллифи деб тан олинган ёки тан олинмаганига боғлиқ бўлади.

Иккинчи ҳолатга мулкый мазмундан маҳрум бўлган неъматлар билан боғлиқ муносабатлар киради. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: ном, муаллифлик номи, ор-номус ва қадр-қиммат, ҳаёт ва соғлиқ, тан дахлсизлиги. Бу муносабатларнинг деярли

ҳаммаси одам туғилиши билан пайдо бўлади ва унинг вафот этиши билан тўхтайди.

Республиканинг Фуқаролик кодекси (540<sup>1</sup>- модда) шундай қондани ҳам ўз ичига оладики, у хат ёзувчининг манфаатларини муҳофаза қилади, уларни хат муаллифининг розилигисиз эълон қилиш мумкин эмас, унинг ўлиmidан кейин эса марҳумнинг эри ёки хотини, болаларининг розилигисиз маълум қилиб бўлмайди.

Мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган номулкий муносабатларга, шунингдек, тасвирий санъат асарини (агар унда бошқа шахс тасвирланган бўлса) эълон қилиш, нусха кўчириш ва тарқатиш туфайли вужудга келадиган муносабатлар киради. Умумий қондага кўра бу иш фақат унинг розилиги билан, унинг вафотидан кейин эса фарзандлари ва турмуш ўртоғининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Лекин шуни ҳам назарда тутиш керакки, бундай шахсий номулкий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинади, бундай ҳолда у қонунда бевосита назарда тутилган бўлиши ёки шахсий номулкий муносабат моҳиятидан келиб чиқиши лозим.

**Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш фуқаролик-ҳуқуқий усулининг хусусиятлари.** Ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги фуқаролик-ҳуқуқий усули учун шундай нарса хоски, фуқаролик муносабатларининг иштирокчилари бир-бирларига боғлиқ бўлмаган, бир-бирларига нисбатан тенг мавқеда бўлган тенг ҳуқуқли кишилар сифатида иш кўрадилар.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги низолар хўжалик суди, ёхуд ҳакамлик суди томонидан даъвогарлик тартибида ҳал этилади, бунда фуқаролик процессуал қонунлар белгилаган алоҳида қондаларга риоя қилинади. Қонунда махсус кўзда тутилган ҳолларда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маъмурий тартибда амалга оширилади.

Қонунларда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиларига муайян ҳуқуқ ва вазифалар берилар экан, уларни бузганлик учун тегишли жавобгарлик чоралари ҳам назарда тутилган. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг объектив мезони етказилган зарарни тўлиқ қоплаш принциpidан либорат бўлиши лозим.

Фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларининг вужудга келишидаги энг муҳим асос шартнома ҳисобланади. Фуқаролик муносабатлари фақат қонунда кўзда тутилган асосларда пайдо бўлиб қолмай, шу билан бирга фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида ҳам вужудга келади.

**Фуқаролик қонунлари.** Фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим масалалари Ўзбекистон Республикасининг 1964 йил 1 январда кучга кирган Фуқаролик Кодексига киради. Янги Фуқаролик Кодекси қабул қилinishига қадар республика ҳудудида собиқ СССР ва иттифоқдош республикаларнинг 1991 йил 31 майда тасдиқланган фуқаролик қонунлари асослари ҳам амал қилди. Фуқаролик ҳуқуқи манбаларига Конституция, республика Вазирлар Маҳкамасининг фуқаролик муносабатларини тартибга солиш масалаларига доир қарорлари ва ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

## 2- §. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар

Фуқаролик ҳуқуқи ижтимоий муносабатларни тартибга солади ёки бу муносабатлар иштирокчиларига муайян ҳуқуқлар ва вазифалар юклайди ёхуд уларга бу ҳуқуқ ва вазифалар ўзлари белгилашларига имкон туғдиради. Натижада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг битта томони ваколатли шахс, иккинчиси бажарувчи шахс сифатида намоён бўлади.

Мазкур ҳуқуқлар ва вазифалар муайян субъектларга, яъни қонун билан ана шундай муносабатларга киришиш имкони берилган шахсларга юкланганлиги сабабли субъектив ҳуқуқ ва вазифалар деб аталади. Шунинг учун қатнашчилари фуқаролик ҳуқуқи нормаларида кўзда тутилган ёки рухсат этилган субъектив ҳуқуқ ва вазифаларнинг ижрочилари сифатида майдонга чиқадиган муносабат ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабат деб аталади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир: субъектларнинг кенг доираси, объектларнинг кўп сонли эканлиги, томонларнинг келишувига биноан бир қатор ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини белгилаш имконияти, ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва тўхтатилиши асосларининг хилма-хиллиги, фуқаролик ҳуқуқларини, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик

чора-тадбирларини амалга ошириш усулларининг ўзига хос томонлари.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг таркиби ўзгариши мумкин, бу ҳол ҳуқуқнинг қабул қилиниши туфайли содир бўлади, ҳуқуқнинг қабул қилиниши деганда ҳуқуқларнинг бир шахсдан (олдинги ҳуқуқ эгасидан) иккинчи шахсга (ҳуқуқни қабул қилган кишига) ўтиши тушунилади. У ўзидан олдинги ҳуқуқ эгасининг ўрнига ҳуқуқий муносабатларга киришади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий унсурлари: субъект, объект, мазмун ҳисобланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари сифатида фуқаролар (жисмоний шахслар), юридик шахслар, давлат, шунингдек маъмурий-ҳудудий тузилмалар майдонга чиқадилар.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти қуйидагилардир: нарса-буюмлар, пул, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар, ихтиролар, саноат намуналари, илм-фан, адабиёт, санъат асарлари, ақлий фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек бошқа моддий ва номоддий неъматлар, хатти-ҳаракатлар. Шунингдек, инсоннинг номи, ор-номуси, қадр-қиммати, ҳаёти, саломатлиги, тан дахлсизлиги ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объектларига киради.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мазмуни субъектив ҳуқуқ ва вазифалардан иборатдир, чунки улар шундай бир асосий нарсани ташкил этадики, усиз ҳуқуқий муносабатлар бўлмайди, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Субъектив ҳуқуқ дейилганда ваколатли шахснинг мумкин бўлган хулқ-атворининг қонунда рухсат этилган чора-тадбири тушунилади. Субъектив вазифалар дейилганда жавобгар шахснинг лозим даражадаги хулқ-атворининг чора-тадбири тушунилади, у қонунда белгиланган ёки рухсат этилган бўлади.

Субъектив ҳуқуқ субъектив тегишли вазифалар билан узвий боғлиқдир. Субъектив ҳуқуқ билан субъектив вазифа бир вақтнинг ўзида пайдо бўлади. Вазифа ўз хусусиятига кўра субъектив ҳуқуқнинг мазмунига тўлиқ мос келади. Бунда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни кейинчалик ўзгариши, мураккаблашуви, ҳуқуқий муносабат иш-

тирокчиларида янги ҳуқуқлар ва вазифлар пайдо бўлиши мумкин. Кўпгина ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлган вақтидан бошлаб мураккаб бўлади. Уларнинг субъектлари айна вақтнинг ўзида ҳам ваколатли томон, ҳам мажбурий томон бўлиб майдонга чиқиши мумкин.

Субъектив ҳуқуқни объектив ҳуқуқдан фарқлаш зарур. Объектив ҳуқуқ ҳамма учун мажбурий бўлган нормалар, хулқ-атвор қоидаларидан ташкил топади (мулкдорга эгалик қилиш, фойдаланиш, тассарруф этиш ҳуқуқи маъсуб бўлади). Конкрет шахслар эса шу нормага мувофиқ нарса-буюмга эга бўлиш, фойдаланиш, тасарруф қилиш учун уни йўл қўйиладиган усул билан қўлга киритиши ва бу билан буюмга бўлган субъектив фуқаролик ҳуқуқига ҳам бўлиши лозим.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мулкӣ ва шахсий номулкий муносабатлар, моддий ва мажбуриятли, мутлақ ва нисбий муносабатлар бўлади. Моддий-ҳуқуқий муносабатлар нарсага эга бўлиш ҳуқуқи билан, мажбуриятли муносабатлар талаб қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлади. Моддий муносабатларга мулк ҳуқуқи, тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи, гаровга олиш ҳуқуқи, мажбуриятли муносабатларга шартномалардан келиб чиқадиган муносабатлар киради.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ҳар доим юридик фактлар — ҳаракатлар, воқеалар асосида вужудга келади. Воқеалар кишиларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўладиган юридик фактлардир (табӣий офатлар). Ҳаракатлар пайдо бўлиши одамлар иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўладиган юридик фактлардир (битишув, шартнома, зарар етказиш, маъмурий ҳужжат чиқариш, кашфиёт яратиш).

Ҳаракатлар қонунӣ ва ғайри қонунӣ ҳаракатларга бўлинади. Қонунӣ ҳаракатлар қонунга мувофиқ амалга оширилади, ғайри қонунӣ ҳаракатлар эса қонунни бузган ҳолда содир этилади.

Фуқаролик ҳуқуқларини суд (хўжалик суди) ҳимоя қилади. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг маъмурий тартиби ҳам мавжуддир.

### 3-§ Ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати

Фуқароларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришувининг ҳуқуқий асоси фуқароларнинг ҳу-

қуқдорлик қобилияти ҳисобланади, бундай ҳуқуқий қобилият дейилганда фуқароларнинг ҳуқуқ ва вазифаларга эга бўлиш қобилияти тушунилади. Фуқароларнинг ҳуқуқдорлик қобилияти тенг равишда ҳар бир фуқарога татбиқ этилади, бунда унинг ёши, саломатлиги, миллати, жинси ва шу қабила ҳисобга олинмайди. Ҳар бир фуқаро: катта ёшидаги киши ҳам, бола ҳам, соғлом ва руҳий хаста бола ҳам фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларига эга бўлиши мумкин. Фуқаролик қонунлари бир қатор ҳолларда боланинг ҳам фуқаролик ҳуқуқларини тан олади, бу бола ҳали туғилмаган ҳам бўлади, у тирик туғилади (меросхўр бўлади) деб фараз қилинади.

Республика фуқаролари билан бир қаторда ажнабий фуқаролар ва фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар ҳам фуқаролик-ҳуқуқий лаёқатдан (гарчи баъзи бир чеклашлар билан бўлса ҳам) фойдаланадилар.

Фуқаролик-ҳуқуқий лаёқати — бу ҳуқуқлар миқдорин эмас, балки фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларига эга бўлиш учун керак бўладиган ҳуқуқий асосдир. Ҳуқуқий лаёқат инсон туғилиши билан қўлга киритилади ва унинг вафоти билан тугайди. Лекин бир қатор ҳолларда бу ҳуқуқ илгарироқ, хусусан шахснинг номаълум тарзда йўқ бўлганлиги суд томонидан эътироф этилган, вафот этган деб ҳисобланган ҳолларда ҳам тугайди.

Ҳуқуқий лаёқатнинг мазмуни фуқаролик қонунларига биноан шахс эга бўлиши мумкин бўлган фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифалари мажмуидан иборатдир.

Фуқаро мулкий ҳуқуқ асосида мол-мулкка эга бўлиши, мулкни мерос қилиб олиши, тадбиркорлик фаолияти ва қонунлар билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият билан шуғулланиши, ўзи мустақил равишда ёки бошқа фуқаролар ва ташкилотлар билан юридик шахс бўлиши, қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай битимни амалга ошириши ва мажбуриятларда иштирок этиши, яшаш жойини танлаши, ихтиро, фан, адабиёт, санъат асарини муаллифи бўлиши ёки бошқа ақлий фаолият натижасига эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритиши, бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

Фуқаро қонунчилиги белгилаб қўйганидек, ҳуқу-

қий лаёқатни чеклашга қаратилган битишувлар ҳақиқий ҳисобланмайди. Қонун билан белгиланган ҳолларда ва тартибда фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқатини чеклаш мумкин. Бундай чеклаш суднинг ҳукми билан қуйидаги ҳолларда жазо чораси сифатида амалга оширилиши мумкин:

— озодликдан маҳрум этилиб, эркинлигини чеклашга, ҳибсга олишга ҳукм этилганда;

— муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганда.

Фуқаролик-ҳуқуқий лаёқати фақат муайян муддатга чекланиши мумкин.

Ҳуқуқий лаёқатдан муомала лаёқатини фарқлаш керак. Муомала лаёқати дейилганда фуқаронинг ўз хатти-ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларини қўлга киритиш қобилияти тушунилади. Ҳуқуқий лаёқатдан фарқли равишда фуқароларнинг муомала лаёқати турлича бўлади. Муомала лаёқати фуқаро 18 ёшга етганда вужудга келади. Фуқаро ана шу ёшга етмасдан никоҳдан ўтган тақдирда у никоҳдан ўтган вақтдан бошлаб тўла ҳажмда юридик салоҳиятга эга бўлади.

Қонунда шундай ҳолларга ҳам йўл қўйиладики, бунда шахс тўла равишда муомала лаёқатига эга эмас деб топилади, қонун асосида чекланган салоҳиятга эга бўлади ёки унинг муомала лаёқати суд қорори билан чекланади.

Агар фуқаро ўзининг руҳий хасталиги ёки ақлий заифлиги туфайли ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушунишга қобил бўлмаса, у тўлиқ муомала лаёқатига эга эмас деб топилади. Бундай шахслар устидан васийлик ўрнатилади. Бу шахс номидан бўладиган барча ҳуқуқий ҳаракатларни васийлик қилувчи киши амалга оширади. Соғайиб кетган тақдирда фуқарони суд муомала лаёқатига эга деб топади ва унга васийлик қилишни бекор қилади.

15 ёшгача бўлган вояга етмаган болалар қисман муомала лаёқатига қобилиятли деб тан олинади. Улар учун битимларни ота-оналари, асраб олган кишилар, васийлар тузадилар. Бироқ қонун 15 ёшгача бўлган болаларнинг майда маиший битимларни амалга оширувига йўл қўяди.

15 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар нис-

бий муомала лаёқатига эга деб эътироф қилинади. Улар 15 ёшгача бўлган болаларга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бирмунча кенгроқ иштирок этадилар. Улар ҳар қандай битимларни фақат ота-оналари розилиги билан амалга оширишлари мумкин. Улар мустақил равишда маошларидан фойдаланишга, ўзларнинг муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга ҳақлидирлар. Бироқ, пулдан оқилона фойдаланилмаган тақдирда ота-она, жамоатчилик, васийлик ва ҳомийлик идоранинг илтимоси билан ўсмир иш ҳаққи ёки стипендиядан чекланган миқдорда фойдаланиши мумкин.

Агар фуқаро спиртли ичимликларни суистеъмол қилса ёки гиёҳвандлик қилса ва бу билан ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўйса, фуқаролик қонунларида унинг муомала лаёқатини чеклаш имконияти кўзда тутилган. Бундай шахсларнинг муомала лаёқатини суд чеклайди. Фуқаро спиртли ичимликни суистеъмол қилишни ва гиёҳвандликни тўхтатган тақдирда суд муомала лаёқатлигини чеклаишини бекор қилиши мумкин.

Шахснинг ҳуқуқий лаёқати чекланган тақдирда ўз-ўзидан унинг муомала лаёқатлигини чеклаш бошланиши мумкин.

#### 4- §. Юридик шахслар

Юридик шахслар ҳам фуқаролик ўзаро муносабатларининг субъектлари ҳисобланадилар. Бундай шахслар сифатида ўз мол-мулкига эга бўлган, ҳужаликни тўла равишда юритадиган ёки алоҳида мулкни тезкорлик билан бошқарадиган ташкилотлар эътироф қилинади, улар ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулк билан жавоб берадилар ва судда (ҳужалик судида) жавобгар сифатида чиқа оладилар.

Шундай қилиб, юридик шахс-уюшган жамоадир. Юридик шахс муайян мол-мулкка эга бўлиши ва ўз қарзлари бўйича мустақил жавоб бериши лозим. У фуқаролик муомаласида ўз номидан иш кўришга қодирдир.

Юридик шахснинг ташкилий бирлиги Низом билан мустаҳкамланади. У юридик шахсни таъсис этувчилар, улар тузадиган таъсис шартномаси ёки биргаликда бошқа ҳужжат билан тасдиқланади. Улар юридик шахснинг номини, унинг тузилишини, мақса-

дини, фаолият тартибини, мулкый аҳволини белгилаб беради.

Юридик шахсларнинг мулкый мустақиллиги турличадир. Уларнинг бир хиллари (жамоат ва диний ташкилотлар) мулкый ҳуқуқ асосида, бошқалари тўла хўжалик ҳуқуқи асосида (давлат корхоналари, давлат ташкилотлари), учинчилари — тезкор бошқариш ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўладилар. Мулкый мустақиллик ҳам Устав ёки таъсис ҳужжати билан мустаҳкамланади.

Мустақил мулкый жавобгарлик шунин билдирадики, юридик шахснинг кредиторлари (қарз берувчилар) фақат шу юридик шахсга тегишли мажбуриятлардан келиб чиқадиган талаблар билан мурожаат қилишлари мумкин, мазкур талаблар бўйича жавобгарлик умумий қоидага кўра, фақат шу юридик шахс мулкига қаратилиши мумкин. Юридик шахснинг таъсисчиси ҳам, унинг мол-мулкнинг эгаси ҳам унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Бордию, юридик шахс синса, бунга унинг мол-мулки эгасининг нотўғри савъ-ҳаракатлари сабаб бўлса, юридик шахсда кредиторнинг талабини қондириш учун маблағ етарли бўлмаса, шундагина мол-мулк эгаси юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади.

Юридик шахс ўз мол-мулкни ўз номидан мустақил равишда тасарруф қилади, фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларига эга бўлади, хусусан, шартномалар тузади, мажбуриятлар қабул қилади ва улар юзасидан мустақил жавобгар бўлади. Юқорида санаб ўтилган белгилардан ақалли бирортаси бўлмай қолса, бу ташкилотнинг юридик шахс эмаслигидан далолат беради.

Юридик шахслар ҳам ҳуқуқдорлик қобилиятга ва юридик салоҳиятликка эга бўладилар. Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқдорлик қобилияти ва юридик салоҳиятидан фарқли улароқ юридик шахсларда ҳуқуқдорлик қобилият ва салоҳият улар аълия идораларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб бир вақтда пайдо бўлади.

Юридик шахснинг ҳуқуқдорлик қобилияти махсус ҳуқуқий қобилият дейилади. Ҳар бир юридик шахс фақат ўз фаолиятининг мақсадига биноан ҳуқуқий қобилиятга эга бўлади. У Низомда белгилаб қўйилган бўлади. Низомда белгилангандан ташқари у амалга

оширилган барча ҳуқуқий қобилиятлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Юридик шахснинг юридик салоҳияти қонунлар ва таъсис ҳужжатларига биноан иш олиб борадиган унинг идоралари орқали ёки вакиллар орқали рўёбга чиқарилади.

Юридик шахслар тижорат ва нотижорат ташкилотлар бўлиши мумкин. Тижорат ташкилотлари учун фойда олиш улар фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади, нотижорат ташкилотлар учун эса фойда олиш улар фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланмайди.

Тижорат ташкилотлар ҳисобланган юридик шахсларга ҳужалик жамиятлари ва ширкатлар, ишлаб чиқариш кооперативлари, давлат, ижара, жамоа корхоналари ва бошқа корхоналар киради.

Иккинчи гуруҳ юридик шахсларга жамоат ва диний ташкилотлар, матлубот кооперативлари, хайрия жамғармалари ва мулкдорнинг муассасаси маблағини олиб турадиган бошқа жамғармалар киради.

Юридик шахс мулк эгасининг қарори билан ёки унинг вакили бўлган идора ёки шахснинг, шунингдек, таъсисчилар деб аталувчи бошқа ташкилотлар ва фуқароларнинг қарори билан ташкил этилиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганидек, юридик шахс Низом ёхуд таъсис ҳужжати асосида, ёки Низом ва таъсис ҳужжати билан биргаликда улар асосида иш олиб боради. Айрим ҳолларда юридик шахс мазкур типдаги ташкилотлар ҳақидаги умумий Низом асосида ишлаши ҳам мумкин.

Таъсис шартномаси тузилади, Низом тасдиқланади. Юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида унинг номи, манзили, фаолиятининг мақсади, юридик шахс органлари таркиби ва ваколати белгилаб берилиши лозим. Шунингдек бошқа ҳужжатлар: тегишли турдаги юридик шахслар учун қонунда кўзда тутилган ҳужжатлар ҳам бўлади.

Таъсисчининг таъсис шартномасида юридик шахсни ташкил этиш соҳасида биргаликдаги фаолият тартиби, унга ўз мол-мулкини бериш ва унинг фаолиятида қатнашиш шартлари белгилаб берилади. Шартномада таъсисчилар ўртасида фойдани ва зарарни тақсимлаш, юридик шахснинг фаолиятини бошқариш,

таъсисчиларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгиланади.

Барча юридик шахслар ҳокимиятлар ёки адлия идораларида давлат рўйхатидан ўтишлари керак. Юридик шахсни ташкил этишнинг қонун билан белгиланган тартиби бузилган тақдирда ёки унинг таъсис ҳужжатлари қўйилган талабларга жавоб бермаган тақдирда юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтишига рад жавоби берилиши мумкин. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган баҳона билан унинг рўйхатдан ўтишини рад қилишга йўл қўйилмайди. Давлат рўйхатидан ўтказишга рад жавоби берилганда судга, хўжалик судига шикоят қилиш мумкин.

Юридик шахсни қайта тузиш (қўшиб юбориш, бирлаштириш, тақсимлаш, бўлиш, қайта ташкил қилиш) мулк эгасининг ёки унинг вакили бўлган идоранинг қарори билан, шунингдек юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан, вакил қилинган идоранинг қарори билан амалга оширилади. Юридик шахс юридик шахслар рўйхатидан чиқарилган пайтдан эътиборан у тарқатиб юборилган деб ҳисобланади.

Юридик шахс бошқа юридик шахс билан қўшилиб кетган тақдирда улардан ҳар бирининг мулкӣ ҳуқуқлари ва вазифалари қўшилиши натижасида вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Юридик шахс бўлиниши натижасида пайдо бўлган янги юридик шахсларга тарқатиб юборилган юридик шахснинг мулкӣ ҳуқуқлари ва вазифалари тегишли қисмларда тақсимлаш ҳужжати асосида ўтади. Юридик шахсдан битта ёки бир нечта юридик шахслар ажратишда мулкӣ ҳуқуқлар ва вазифалар ҳам тегишли қисмларда тақсимлаш ҳужжатига мувофиқ ўтади.

Юридик шахсни тугатиш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

— мулк эгаси ёки унинг вакили бўлган идоранинг, шунингдек юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган идоранинг қарори;

— юридик шахс синган тақдирда ёки юридик шахснинг фаолияти мақсадларига зид фаолият ёхуд қонун билан тақиқланган фаолият мунтазам равишда амалга оширилган тақдирда ёки бўлмаса қонун-

чилик бир неча марта ёки қўпол равишда бузилган тақдирда суднинг, хўжалик судининг қарори;

— юридик шахс қайси муддатга ташкил этилган бўлса, ўша муддат тугагандан сўнг ёки у қайси мақсадлар учун ташкил этилган бўлса, ўша мақсадларга эришилгандан кейин.

Юридик шахсни тугатиш учун тугатиш комиссияси тузилади, уни тугатиш ҳақида қарор қабул қилган идора тузади. Тугатиш комиссияси юридик шахс жойлашган жойдаги расмий матбуотда унинг тугатилиши, қарз берганларнинг даъво қилиш тартиби ва муддати ҳақида эълон беради.

Тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулкни баҳолайди, қарз берганлар билан ҳисоб-китоб қилади, тугатиш балансини тузиб чиқади ва уни мулк эгасига ёки тугатиш комиссиясини тузган идорага тақдим этади.

Қарз берганлар билан ҳисоб-китоблар қўйндаги тартибда амалга оширилади:

— меҳнат шартномаси асосида ишлаган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳисоб-китоблари;

— бюджетга ва ижтимоий суғурта мақсадларига, шунингдек ижтимоий таъминотга тўловлар;

— тугатилаётган юридик шахс фойдаланаётган ерларга ишлов бериш харажатларини қоплаш;

— қонун актларига биноан қарз берганлар билан ҳисоб-китоблар.

Мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда у қарз берганлар ўртасида қондирилиши лозим бўлган талаблар миқдорига мутаносиб равишда тегишли навбат билан тақсимланади. Агар қарз берганларнинг талабини қондириш учун юридик шахснинг пул маблағи етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси юридик шахснинг мол-мулкни сотиши мумкин.

Даъво қилиш муддати ўтгандан кейин билдирилган даъволар, биринчи навбатдаги даъволар, ўз муддатида тушган даъволар қондирилгандан кейин қолган мол-мулк ҳисобидан қондирилади.

Қарз берганларнинг даъволари қондирилгандан сўнг қолган маблағлар мулк эгасига берилади ва унинг ихтиёрига кўра фойдаланилади.

## 5- §. Корхоналар

**Корхоналар тушунчаси ва уларнинг турлари.** 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Корхоналар туғрисида»ги қонун ва унга Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 7 майда киритилган ўзгартишлар корхонани юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик субъекти сифатида таърифлаб берган. У ўзига мулк ҳуқуқи асосида ёки тўла хўжалик ҳисоби асосида тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаради, сотади ёки айирбошлайди, ишлар бажаради, хизматлар кўрсатади, бунда ўз фаолиятини мустақиллик ва барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги шароитида амалга оширади.

Корхонанинг асосий вазифалари — ўз маҳсулотлари, ишлари, хизматларига бўлган ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва шу асосда меҳнат жамоаси аъзоларининг ҳамда корхона мол-мулки эгасининг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини таъминлашдир.

Агар хўжалик фаолиятининг ҳар қандай турлари республика қонунларига зид келмаса, корхона уларни амалга оширишга ҳақлидир. Айрим фаолият турлари билан (уларнинг рўйхати алоҳида белгиланади) корхона фақат махсус рухсат асосидагина шуғулланиши мумкин.

«Мулк ҳақида»ги қонунда белгиланган мулк шаклларига мувофиқ корхонанинг қуйидаги турлари фаолият кўрсатиши мумкин:

— жисмоний шахсларнинг хусусий мулкига асосланган корхоналар;

— ширкат жамоа мулкига асосланган жамоа, оилавий, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари, жамиятлар ва ширкатларга тегишли корхоналар, жамоат ва диний ташкилотларнинг жамоа мулкининг бошқа шаклларига асосланган корхоналар;

— давлат мулкига асосланган корхоналар — республика давлат корхоналари, Қорақалпоғистон Республикасининг давлат корхоналари, вилоятлараро, туманлараро, туман, шаҳар давлат корхоналари ва бошқа турдаги корхоналар;

— мулкнинг аралаш шаклларига асосланган давлатлараро, биргаликдаги корхоналар, турли мулк

шаклларини тўлиқ ва улуш қўшиш асосида иштирокига доир корхоналар.

Республика қонунчилигига биноан кичик корхоналар, шунингдек ижара ва бошқа турдаги корхоналарнинг мавжуд бўлишига ҳам йўл қўйилади.

**Корхоналарнинг ташкил этилиши.** Корхона мулк эгасининг ёки унинг вакили бўлган идора, корхона, ташкилот ёки меҳнат жамоаси бир гуруҳ ёки айрим муассасалар қарори билан ташкил этилиши мумкин. Амалдаги корхоналар ташкилотлар таркибидан битта ёки бир нечта ташкилий бўлинмаларни ажратиб чиқариш, кўрсатиб ўтилган бўлинма меҳнат жамоасининг ташаббуси билан ҳам ташкил этилиши мумкин, лекин шу шарт биланки, мулк эгасининг розилиги бўлиши ва корхона илгари қабул қилган мажбуриятларнинг бажарилиши таъмин этилиши лозим.

Корхона ҳокимият ва жойлашган жойидаги бошқарув идораларида давлат йўли билан рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, агар қонунларда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, ташкил этилган ҳисобланади ва юридик шахс мақомига эга бўлади. Рўйхатдан ўтказилганлик ҳақидаги маълумотлар ўн кун муддат ичида республиканинг ягона давлат рўйхатига киритиш учун Молия вазирлигига маълум қилинади.

Корхонанинг давлат рўйхатидан ўтказилиши учун унинг ташкил этилганлиги ҳақидаги қарор, Низом ва Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган махсус рўйхатда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатлар тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ариза берилган пайтдан бошлаб кўпи билан 30 кун ичида амалга оширилиши лозим. Корхонани рўйхатдан ўтказиш асосиз рад қилинган тақдирда таъсисчи судга мурожаат қилиши мумкин. Бордию, суд рад жавобини асосиз деб ҳисобласа, ҳокимият ва бошқарув органи моддий жавобгарликка тортилади, унинг миқдори суд томонидан белгиланади.

Корхоналарда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўба корхоналар, шунингдек бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиш ҳуқуқи берилган. Улар жорий ва ҳисоб-китоб счётлари очиш, ўзлари ҳақидаги низомиларни ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Корхоналар ихтиёрий асосда хўжалик уюшмаларига бирлашишлари мумкин.

**Ижара корхоналарининг ҳуқуқий мавқеи.** Ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан янгилаш тадбирлари тизимида корхоналарни ижарага бериш катта аҳамиятга эгадир. Бундай ижара корхоналари корхона ва бирлашмалар меҳнат жамоалари аъзоларининг камида  $\frac{2}{3}$  овози, қарори билан ташкил этилади.

Ижара корхонаси жамоанинг умумий йиғилиши тасдиқлайдиган Низом асосида ишлайди. Ҳокимиятда рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб у юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Ижара корхонаси ўзи ижарага олган давлат корхонасининг мулкӣ ҳуқуқлари ва вазифаларини ўз зиммасига олади, лекин ижарага берувчи ўз зиммасига корхонанинг кредит қарзини тўлиқ ёки қисман қоплашни олиши ҳам мумкин. Ижарага берувчи учун ортиқча бўлган объектларни ижарага беришга мажбур этиш мумкин эмас.

Ижара корхонаси ишлаб чиқариш мулкани, давлат корхонаси цехларини, бўлимларини, фермалари ёки бошқа бўлимларини ижарага олиш асосида ташкил этилиши мумкин. У тегишли давлат корхонаси (бирлашмаси)нинг розилиги билан ташкил этилади. Ижара шартномаси ҳам шу корхона билан тузилади.

Давлат корхонаси танлов тартибида ижарага берилиши мумкин. Танловни мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлган давлат идораси эълон қилади. Танловда давлат корхоналарининг ва улар бўлимларининг меҳнат жамоалари, бу корхоналарда ишловчи ходимларни ҳам ўз ичига олувчи аралаш жамоалар, корхоналарни ижарага олиш мақсадида уюшган фуқаролар гуруҳлари, кооперативлар, бошқа корхоналар, жамоат ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Бошқа тенг шароитларда меҳнат жамоалари корхона ва унинг бўлимларини ижарага олишда устун ҳуқуққа эга.

Жамоат ташкилотлари ҳам ўз корхоналарини ижарага беришга ҳақлидирлар.

**Ижара пудрати.** Давлат корхоналари, жамоа ва

жамоат корхоналарида ички хўжалик пудрати татбиқ этилиши мумкин. Давлат корхонасининг пудрат жамоалари меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва усуллари-ни, иш вақти тартибини, ишнинг алмашилиб туриши-ни мустақил белгилайдилар, иш вақтини ялли ҳисобга олишни жорий этиш ҳақида қарор қабул қиладилар, дам олиш кунлари бериш тартибини жорий этадилар. Ижара жамоаси таркибига янги ходимлар қабул қилиш жамоанинг розилиги билан амалга оширилади.

Ижара пудрати шартномасига мувофиқ жамоа ўз зиммасига шартномада кўзда тутилган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни корхонага топшириш ёки унинг кўрсатмаси бўйича бошқа корхоналар ёхуд фуқароларга сотиш мажбуриятини олади. Нормадан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотни жамоа мустақил равишда тасарруф этишга ҳақлидир.

Ижара пудратида корхона умуман корхона фаолияти натижаларига қараб бюджет, банк ва юқори идора билан ҳисоб-китоб қилади. У ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосий номенклатурасини ва ҳажмини режалаштириш вазифасини ўз зиммасида сақлаб қолади, шунингдек ягона техника сиёсатини амалга оширади. Ижара жамоаси ишлаб чиқариш дастурини мустақил равишда шакллантиради.

Ижара пудрати шартномасида ижарачи жамоанинг корхона ҳужжатлари ва тўловларида, шу жумладан ишлаб чиқариш, фан, техникани ривожлантириш ва ижтимоий эҳтиёжларга қаратилган харажатлар ва тўловларда иштирок этиш миқдори ва тартиби, томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун уларнинг жавобгарлиги белгилаб берилади. Корхона ижарачи жамоага корхона номидан хўжалик шартномаси тузиш ҳуқуқини бериши мумкин.

Давлат хўжаликлари, жамоа ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари шартнома асосларида ижарачи жамоаларга маҳсулотни мустақил сотиш, олинган даромаддан меҳнат ҳақини, солиқларни, бюджетга тўловларни, ижтимоий суғурта бадалларини тўлаш учун фойдаланиш ҳуқуқини бера олади.

Ижарачи жамоага бириктирилган мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш шартнома билан бел-

гиланади, нархлар ва бошқа иқтисодий шарт-шароитлар ўзгарган тақдирда ижара ҳақи миқдори қайта кўриб чиқилиши мумкин.

**Кичик корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолати.** Тартибга солиб туриладиган бозор муносабатларига ўтиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кичик корхоналар тармоғини кенгайтиришни талаб қилади. Улар иқтисодиётни таркибий қайта қуришга, кенг танлов эркинлигини ва қўшимча иш ўринларини, ҳаражатларнинг тезлик билан ўз ўрнини қоплашини таъмин этишга, истеъмол бозорининг ўзгаришига зудлик билан жавоб беришга қаратилган.

Кичик корхоналарнинг ривожланиши билан бозорнинг товарлар ва хизматлар билан тез тўлиши, монополизмга барҳам бериш, рақобатни кенгайтириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жадал жорий этиш, экспорт имкониятларини ошириш, меҳнат сарфлаш соҳаларини кенгайтириш, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш, маҳаллий ҳокимият идоралари иқтисодий базасини мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар яратиш имкони туғилади.

Республикада ва ундан ташқарида кичик корхоналарнинг иш тажрибасига шиддаткорлик, бозор ўзгаришига тез жавоб қилиш, техника билан қайта қуроллантириш ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш масалаларини жадал ҳал қилиш, маҳаллий хом ашё ва меҳнат ресурсларидан, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан янада тўлароқ ва самарали фойдаланиш қобилияти ҳосилдир. Шу билан бирга бошқарув чиқимлари анча камайтирилади, меҳнат жамоасида хўжайинлик туйғуси, меҳнат натижаларидан манфаатдорлик туйғуси ривож топади.

Кичик корхоналар халқ хўжалигининг барча тармоқларида мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида ташкил этилиши ва қонун билан чекланмаган барча хўжалик фаолияти турларини амалга оширишлари мумкин.

• Кичик корхоналарга қуйидагилар киради:

— саноат ва қурилишда — ишловчилар сони 200 кишигача бўлганда;

— фан ва илмий хизмат кўрсатишда — ишловчилар сони 100 кишигача бўлганда;

— ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида — ишловчилар сони 50 кишигача бўлганда;

— ноишлаб чиқариш тармоқларида — ишловчилар сони 25 кишигача бўлганда;

— чакана савдода — ишловчилар сони 15 кишигача бўлганда.

Кичик корхоналар қуйидагилар томонидан ташкил этилади:

— фуқаролар, оила аъзолари ва биргаликда меҳнат ҳўжалиги юритадиган бошқа кишилар;

— давлат ижара, жамоа, қўшма корхоналари, жамоат ташкилотлари ва уларнинг корхоналари, кооперативлар, ҳиссадорлик жамиятлари, ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлар, ҳўжалик уюшмалари, юридик шахслар бўлган бошқа корхоналар ва ташкилотлар;

— давлат мол-мулкни бошқаришга вакил қилинган давлат идоралари.

Кичик корхоналар юқорида кўрсатиб ўтилган идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар билан биргаликда ҳам, шунингдек ижара асосида ҳам ташкил этилиши мумкин. Кичик корхона ишлаб турган корхона, бирлашма, ташкилот таркибидан битта ёки бир нечта таркибий бўлинмаларни ёхуд таркибий бўлинмани жамоа ташаббуси билан ажратиб ўли билан ташкил этилиши мумкин (агар бунга корхона мулк эгасининг розилиги бўлса ва корхона, бирлашма, ташкилот илгари қабул қилган мажбуриятларнинг бажарилиши таъмин этилса), шунингдек таъсисчилар ташаббуси билан ҳам ташкил этилиши мумкин. Якка тартибдаги ва онлавий корхоналар бевосита фуқаролар томонидан, уларнинг оила аъзолари ва ҳўжалик юритувчи бошқа шахслар томонидан ташкил этилади.

Жамоа мулкига асосланган кичик корхоналар таъсисчилар, мулк эгалари ёки мулкдан фойдаланувчилар томонидан ташкил топади, улар ижара, жамоа корхоналари, жамоат ташкилотлари ва уларнинг корхоналари, кооперативлар, ҳиссадорлик жамиятлари, ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ҳўжалик уюшмалари ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа ташкилотлар ва корхоналар бўлиши мумкин.

Кичик давлат корхоналари бевосита давлат корхоналари, ташкилотлар томонидан, шунингдек бошқа мулкчилик шаклларига қарашли корхоналар ва ташкилотлар иштирокида ташкил топиши мумкин, лекин шундай шарт биланки, кичик корхона Низом жамғар-

масъннинг кўпроқ улуши давлат мулки ҳисобидан ташкил топган бўлиши лозим.

Тегишли равишда давлат, кооператив корхоналарга, қўшма ва бошқа турдаги корхоналарга тааллуқли бўлган кичик корхоналарни ташкил этиш тартиби, фаолияти, уларни қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби корхоналар ҳақидаги қонунни ҳисобга олган ҳолда тегишли қонунлар билан тартибга солинади.

Якка тартибдаги корхоналар, оилавий, жамоа корхоналари ва бошқа турдаги корхоналарни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш ва тугатиш тартиби махсус қонун билан тартибга солинмайди, бунда Низомга ва корхоналар ҳақидаги қонунга амал қилинади.

Кичик корхона Низоми унинг таъсисчиси томонидан тасдиқланади. Низом корхона ҳақидаги қонунда кўрсатиб ўтилган масалалардан ташқари, ишловчиларнинг тахминий сони ва маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажми ҳақидаги маълумотларни ҳамда қонунга зид бўлмаган бошқа қоидаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Кичик корхона ҳокимиятда рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Кичик корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш бир ой эмас, икки ҳафта муддат ичида амалга оширилиши лозим.

Якка тартибдаги ва оилавий корхоналарни рўйхатдан ўтказиш фуқароларнинг шахсий аризалари асосида амалга оширилади.

Кичик давлат корхоналарини давлат рўйхатидан ўтказиш учун халқ ноиблари маҳаллий Кенгашига корхона Низоми, корхона раҳбарларининг (у таъсисчи ҳисобланади) буйруғи ва таъсис шартномаси тақдим этилади.

Жамоа мулкига асосланган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш учун Низом ва таъсис шартномасини тақдим этиш зарур. Кичик ижара корхоналарини ва масъулияти чекланган жамиятларни рўйхатдан ўтказишнинг баъзи бир ўзига хос хусусиятлари бор. Кичик ижара корхонасини рўйхатдан ўтказишда таъсис ҳужжати ўрнига ижара шартномаси тақдим этилади, у кичик корхона билан ижарага берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади. Низом ва шартномадан ташқари меҳнат жамоасининг

Низомни тасдиқлаган умумий йиғилиши баёни ҳам тақдим этилиши мумкин.

Кичик корхоналар ўз хўжалик фаолиятини амалга оширишда мустақилликка эгадирлар. Якка тартибдаги ёки оилавий кичик корхона ишлаб чиқарган ва сотиб олган ҳамма нарсалар уларда ишловчи фуқаролар мулки ҳисобланади.

Жамоа мулкига асосланган кичик корхоналарда янги сотиб олинган барча мол-мулклар ва маблағлар уларнинг ходимлари ўртасида пай бадалига мутаносиб равишда ёки Низомда кўзда тутилган бошқа мезонлар бўйича тақсимланади.

Кичик ижара корхонасида фақат ишлаб чиқарилган маҳсулот, олинган даромадлар ва шу корхона ҳисобига сотиб олинган мол-мулк жамоанинг мулки бўлиб қолади.

Давлат кичик корхонасининг мол-мулки унга хўжаликни тўлиқ юритиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлади, фойда эса меҳнат жамоаси тасарруфига ўтади, бир қисми эса жамоа аъзоларининг мулкига айланади.

**Корхона мол-мулкининг ҳуқуқий аҳволи.** Корхоналар ҳақидаги қонунга биноан корхонанинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида ёки хўжаликни тўлиқ юритиш асосида тегишли бўлади. Фуқароларнинг хусусий мулкига, жамоа мулкига асосланган корхона, шунингдек акционерлик (ҳиссадорлик) шаклида ёки бошқача хўжалик жамияти ёхуд ширкати шаклида ташкил этилган корхоналар ҳам мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Давлат корхонасининг давлат мулки бўлган ва давлат корхонасига бириктирилган мол-мулки тўлиқ хўжалик киритиш ҳуқуқи асосида бу корхонага тегишли бўлади. Мулк эгаси бўлган давлат корхонага мол-мулкни бериб қўяр экан, унинг бу мулкка эгалик қилиш ваколатини, ўзига бириктирилган бу мулдан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ваколатини эътироф қилади.

«Корхоналар ҳақида»ги Қонуннинг 11-моддаси 1-бандига мувофиқ корхонанинг мол-мулки таркибига асосий ва айланма фондлар (жамғармалар), шунингдек қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар ҳам киради.

Жамғармалар дейилганда иқтисодий белгилари

бўйича бир хил бўлган моддий объектлар гуруҳлари, умумий аниқ мақсадга эга бўлган, ҳар бир гуруҳ учун белгиланган тегишли ҳуқуқий тартибга бўйсунадиган пул маблағлари тушунилади.

Асосий жамғармаларга моддий буюмлардан иборат бойликлар киради, улар узоқ вақт мобайнида ўзгармас табиий шаклда амал қилади ва ўз қиймати-ни қисмлар бўйича йўқотиб боради.

Асосий воситалар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш хусусиятига қараб ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади.

Асосий жамғармалар пул билан баҳоланганда асосий воситалар деб ҳам аталади. Уларга бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва ҳоказолар киради.

Ҳар бир корхона асосий воситалар билан бир қаторда айланма воситалар, материаллар, хом ашё, ёқилғи ваа ҳоказоларга ҳам эга бўлади. Асосий воситалардан фарқ қилиб, айланма воситалар ҳар бир меҳнат жараёнида ўзининг табиий буюм шаклида тула истеъмол қилинади, уларнинг қиймати бутунлай маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматларни бажариш) харажатларига қўшилади. Айланма воситалар доимий равишда қайта тикланиб туради, бу эса узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайди.

Қийматидан қатъи назар бир йилдан камроқ хизмат қиладиган нарса-буюмлар, қийматидан қатъи назар махсус асбоблар ва махсус мосламалар; коржомалар, махсус пойабзал ва қиймати ҳамда хизмат қилиш муддатидан қатъи назар кўрпа-тўшаклар асосий воситаларга кирмайди ва айланма воситалар сифатида ҳисобга олинади.

Шаклланиш манбалари бўйича айланма воситалар ўз воситаларига ва қарз олинган воситаларга бўлинади. Ўз воситаларига қуйидагилар киради: муассасаларнинг пул ва моддий бадаллари; маҳсулот, ишлар, хизматларни сотишдан, шунингдек хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромадлар; қимматли қоғозлардан тушган даромадлар; капитал маблағлар, бюджетлардан берилган дотациялар; қайтариб берилмайдиган ва ҳайрия бадаллари, ташкилотлар, корхоналар, фуқароларнинг қилган ҳай-

риялари, шунингдек мерос тариқасида айирбошлаш ва нибом этиш йўли билан олинадиган мол-мулк; республиканинг қонун актлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар. Қарз олинган воситаларга банклар ва бошқа кредиторлар (қарз берувчилар)нинг берган қарзлари кирадн.

Бошқа бойликлар дейилганда ноишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган ва асосий воситалар таркибига кирмайдиган (биринчи навбатда маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган) бойликлар, қурилиши тугалланмаган ва асосий жамғармалар қаторига киритилмаган капитал қурилиш объектлари ва бошқа айрим объектлар назарда тутилади.

Корхоналар тўғрисидаги қонун ўз моддий ва молиявий ресурсларини тасарруф қилиш соҳасида мол-мулкнинг ҳуқуқий режимига жиддий ўзгаришлар киритди: корхоналарнинг хўжалик фаолиятига директив аралашув имкониятларини кескин чеклади.

Бугунги кунда корхона ўзига қарашли мол-мулкни бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бериш ва топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, вақтинча фойдаланиш учун бепул ёки қарзга бериш, шунингдек уни баланسدан чиқариш (агар қонунда бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса) ҳуқуқига эгадир.

Корхона, агар Низомда бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса, ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни фуқароларга сотишга, бепул беришга, ижарага топширишга ҳақлидир, қонунга биноан уларнинг мулки бўлолмайдиган ёки улар тасарруф қилиши мумкин бўлмаган бойликлар бундан мустаснодир.

Ижара ҳақидаги қонун ижарачининг ваколатларини чеклаб қўяди, ижарачида унинг ўзига берилган мол-мулкка эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини қолдиради, мазкур мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқига йўл қўймайди. Ижарачи ўзи ижарага олган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот ва даромадлар унинг мулки ҳисобланади.

Давлат корхонанинг мулкый ҳуқуқларини ҳимоя этишни кафолатлайди. Корхонанинг асосий жамғармаларини, айланма маблағларини ва бошқа мол-мулкни давлат томонидан мусодара қилинишига йўл

қўйилмайди, қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат органлари томонидан корхона мулкӣ ҳуқуқларининг бузилиши натижасида корхонага, шу жумладан ижара корхонасига етказилган зарарлар корхонага суд ёки хўжалик судининг қарори билан ундириб берилади (қопланади).

Корхонанинг мол-мулкани ҳимоя қилиш усуллари ва воситалари орасида ҳуқуқий воситалар, аввало фуқаролик, маъмурий, меҳнат, жиноий қонунлар нормалари катта аҳамиятга эгадир.

**Корхонани бошқариш.** Корхонани бошқариш унинг Низомига мувофиқ амалга оширилади. Корхона бошқарув тузилишини, шакл ва усулларини мустақил равишда белгилайди, штатларни белгилаб чиқади.

Мулк эгаси ёки тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи субъекти корхонани бошқаришни ё бевосита ёки ўзи вакил қилган идоралар орқали амалга оширади. Бошқарув ҳуқуқи корхона кенгашига ёки Низомда кўзда тутилган қандайдир бошқа органга, мулк эгаси, меҳнат жамоаси манфаатларини ифодаловчи органга топширилиши мумкин.

Мулк эгаси, тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи субъекти корхона раҳбарини ёллаш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига ҳам эгадир, бу ҳуқуқ ё бевосита ёки у вакил қилиб юборган органлар орқали ёхуд корхоналар кенгаши, бошқаруви ва ҳоказолар орқали амалга оширилади.

Корхона билан раҳбар ўртасида меҳнат муносабатлари вужудга келишининг асоси битим бўлиб, унда корхона раҳбарининг ҳуқуқлари, вазифалари ва жавобгарлиги, уни моддий таъминлаш ва эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш шартлари белгилаб берилади, бунда амалдаги қонунларда кўзда тутилган кафолатлар ҳисобга олинади.

Корхона фаолиятининг барча масалаларини раҳбар мустақил равишда, ишончномасиз ҳал қилади, қонун билан умумий мажлис ёки корхона ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир. Раҳбар корхона номидан иш кўради, унинг манфаатларини ҳимоя қилади, корхона мол-мулкани тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкда ҳисоб-китоб ва

бошқа счётлар очади, маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, дирекциянинг ижрочи аппарати штатларини тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва йўл-йўриқлар беради.

Раҳбар ва ўринбосарларини, бошқарув аппарати ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини мустақил равишда тайинлайди ва бўшатади. Шартнома муддати тугашига қадар корхона раҳбари фақат шартномада кўзда тутилган асосларга ёхуд амалдаги қонунларга биноангина бўшатилиши мумкин.

Мулк эгаси корхонани бошқариш соҳасидаги ўз ваколатларини корхона кенгашига топширган тақдирдагина бундай кенгаш тузилади.

Кенгаш (бошқарув) ҳуқуқи ва бурчлари у ҳақидаги Низом билан белгилаб берилади. Низомни мулк эгаси ёки тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи субъекти ёхуд унинг вакил қилиб юборилган органлари тасдиқлайди.

**Корхона хўжалик фаолиятининг асослари.** Барча турдаги корхоналар фаолиятининг асосий умумлаштирувчи кўрсаткичи фойда ҳисобланади, у солиқлар ва бюджетга бошқа тўловлар тўлаб бўлингандан кейин корхонада қолади (соф фойда) ва тўла равишда унинг ихтиёрига ўтади. Корхона ўз фойдасини ишлатиш йўналишларини мустақил белгилайди. Соф фойдани ишлатиш йўналишини танлашга давлатнинг таъсир кўрсатиши солиқлар, солиқ имтиёзлари, шунингдек иқтисодий санкциялар орқали амалга оширилади. Бу нарса қонунда ёки низомда назарда тутилган ҳолларда соф фойданинг бир қисми меҳнат жамоаси аъзоларининг мулки қилиб берилади.

Корхонанинг туридан қатъи назар, ҳар бир ходимнинг меҳнат даромадлари унинг шахсий меҳнат ҳиссаси билан белгиланади, корхона ишининг пировард натижалари ҳисобга олинади ва энг кўп миқдор билан чекланиб қолинмайди. Қонунда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг фақат энг кам миқдори белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари, тизимлари ва миқдори, шунингдек ходимлар даромадининг бошқа турлари корхона томонидан мустақил равишда белгиланади.

Корхона ўз фаолиятини мустақил равишда режалаштиради, тараққиёт истиқболларини белгилаб ола-

ди. Давлат эҳтиёжлари учун қилинадиган ишлар, маҳсулотни сотиш шартнома асосида амалга оширилади. Бошқа корхоналар, ташкилот ва фуқаролар билан бўладиган ўзаро муносабатлар ҳам шартномалар асосида ташкил этилади. Шу билан бирга шартнома мазмунини танлашда, мажбуриятларни, ҳар қандай бошқа хўжалик муносабатларини белгилашда улар мутлақо эркин бўладилар ва илгари бўлганидек ҳеч қандай режа ёки бошқа топшириқлар билан чекланиб қолмайдилар.

Илгари шартнома асосан қаттиқ маъмурий-буйруқбозлик доираларида белгиланадиган битим сифатида талқин этилиб, идрок қилинарди. Давлат режаси, йўл-йўриқлари, намунавий шартномалар шартномавий муносабатларни сохталаштириб юборади, чунки ҳамма нарса ҳал этилган, шартлашиб қўйилган, белгилаб олинган бўларди ва келишиб олиш учун амалда ҳеч нарса йўқ эди.

Бугунги кунда эса иқтисодиёт тубдан қайта қурилиб, хўжалик фаолияти демократлашиб бораётган бир пайтда шартноманинг моҳияти, шартнома муносабатларининг мазмуни тубдан ўзгариб борапти. Шартнома буйруқдан муҳим меъёрий ҳужжатга айланмоқда, у тенг ҳуқуқли субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиди, субъектлар тўлиқ молиявий ва хўжалик мустақиллигига эга бўлмоқдалар. Шартнома томонларнинг эркин фикр билдириш ҳужжати, мустақил мажбуриятлар олиш шакли бўлиб қолмоқда. Бугунги кундаги шартнома корхоналарнинг ўзаро, кооперативлар ва фуқаролар билан бўладиган барча хўжалик-ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солувчи бирдан-бир ҳуқуқий ва иқтисодий ҳужжатдир.

Хўжалик юритишнинг янги шароитларида шартномаларнинг сифати қонунда кўзда тутилган барча реқвизитларни, мажбуриятлар мазмунини, бажариш муддатларини, ҳисоб-китоб тартиби ва масъулиятини қамраб олиши лозим. Қонун шартноманинг барча шартлари аниқ ва равшан баён этилган бўлишини талаб қилади. Шартнома бир томонлама тартибда бекор қилинганда шартларнинг ўзгаришига қонунда кўзда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Шартномалар албатта ёзма шаклда тузилиши ва корхона раҳбари томонидан имзоланиши лозим. Мазкур талаб бузил-

ган тақдирда шартнома ҳақиқий эмас, деб топиллиши мумкин.

Хўжалик муносабатларидаги қонунийлик принципи шартнома интизомига риоя этилишини, яъни шартномада белгиланган ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг виждонан бажарилишини талаб қилади.

Шартнома интизомига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тизимида иқтисодий жавобгарлик етакчи ўрин эгаллайди, у биринчидан, рағбатлантирувчи вазифани бажаради, иккинчидан, фақат якка тартибда эмас, балки жамоа тартибида таъсир кўрсатади. Хўжалик муносабатларидаги жавобгарликнинг муҳим хусусияти унинг қатъийлигидир.

Мажбуриятларни бажармаган ёки етарли даражада бажармаган айбдор қонунда ёки шартномада кўзда тутилган жаримани, ўсимни тўлаши, етказилган зарарни қоплаши шарт. Айбдорларга нисбатан шошилиш санкциялар қўлланилиши мумкин, уларга қуйидагилар киради: маҳсулотни қўшимча равишда етказиб бериш, камчиликларни тугатиш, дастлабки тўлдириш ёки сифатсиз маҳсулотни алмаштириш; уddaлай олмаётган тўловчини счётларни дастлабки тарзда тўлашга кўчириш, банкнинг қарз беришини тўхтатиш ва ҳоказо.

Корхонанинг маҳсулоти ва мол-мулки сотилади, корхона ўз ихтиёри бўйича хизматлар кўрсатади. Корхона фақат истеъмолчининг манфаатлари ва унинг маҳсулот сифатига, ишлар ва хизматлар сифатида талабларини ҳисобга олиши зарур.

Маҳсулотлар сотиладиган ва ишлар бажариладиган нархлар ҳамда тарифлар корхона томонидан мустақил равишда ёки шартномалар воситасида белгиланади. Давлат бу масалага корхона бозорда фуқароларни ҳимоя қилиш мақсадида монопол мавқега эга бўлган ҳолдагина аралашувни мумкин.

Корхонанинг молиявий ресурсларини ҳосил қилишнинг манбаи фойда, амортизация маблағлари, қимматбаҳо қоғозларни сотишдан олинadиган маблағлар, корхоналар, ташкилотлар меҳнат жамоаси ва аъзолари ва фуқаролардан олинadиган пай ёки бошқа бадаллар, шунингдек бошқа тушумлардир.

Корхона кредитлар (қарзлар)дан ҳам фойдаланиши мумкин, уларни тижорат шартномаси негизда банклар ва бошқа корхоналардан олади. Ўзи ҳам

фоиз олиш шарти билан қарз бера олади. Корхона қарзга маҳсулотлар етказиб бериши, ишлар бажариши, хизматлар кўрсатиши мумкин, харидорлар ва истеъмолчилар бу қарзни кейинчалик фоизи билан тўлайдилар.

Корхона қарз шартномалари ва ҳисоб-китоб интизомига риоя қилиш учун тўла жавобгар бўлади. Агар корхона мунтазам равишда ҳисоб-китоб интизомини бузиб келса, банк уни банкрот (синган) деб эълон қилиши мумкин.

Корхона ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Валюта маблағи унинг валюта счётига келиб тушади ва мустақил фойдаланилади.

Корхона давлат ижтимоий суғурта ва нафақа жамғармасига маблағлар ажратиб туриши, корхонадаги барча ишловчилар учун хавф-хатарсиз меҳнат шароитини яратиб бериши, уларнинг соғлиғига ва меҳнат қобилиятига зарар етказган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши, аёлларнинг ва корхонада нафақага чиқишга қадар меҳнат қилган нафақахўрларнинг турмуш ва меҳнат шароитини доимо яхшилаб бориши, тиббий хизмат, турар-жой, соғломлаштириш ва профилактика муассасаларига йўланмалар билан таъмин этиши, шунингдек бошқа ижтимоий хизматларни ва жамоанинг умумий йиғилишида белгиланган имтиёзларни бериши шарт.

**Давлат билан корхонанинг ўзаро муносабатлари.** Корхона хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш чоғида барча қарорларни мустақил равишда қабул қилади. Корхона фаолиятига давлатнинг аралашувиغا йўл қўйилмайди, қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир. Давлат органили ва мансабдор шахслар корхонага фақат ўз ваколатларига мувофиқ, яъни қонунда уларга рухсат этилган масалалар юзасидан кўрсатмалар беришлари мумкин. Агар давлат органи ўзининг ваколатларини ошириб юборган тақдирда корхонага бундай хатти-ҳаракатни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги ариза билан судга ёки хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Бундай ғайриқонуний йўл билан корхона ишига аралашув натижасида унга етказилган зарарлар қопланиши лозим. Зарарларни қоплаш ҳақидаги низо-

лар халқ суди ёки хўжалик суди томонидан ҳал этилади

Корхоналар мулк шаклларида қатъи назар хўжалик юретишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлари билан таъмин этилади. Давлат бозорнинг ривож топишига ёрдам беради, монополияга қарши чора-тадбирларни амалга оширади, барча меҳнаткашларга ижтимоий кафолатларни таъминлайди, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва молия органлари орқали рақобат эркинлигини таъмин этади, истеъмолчиларни ўз ҳуқуқлари поймол этилишидан, монополиячилик кўринишларидан ҳимоя қилади.

Корхоналар иш натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширадилар, давлат статистика органлари белгилаган ҳисобот бериб туришни юритадилар.

Корхона раҳбарининг ўзи тижорат сири бўлган маълумотлар таркиби ва ҳажминини аниқлайди. Тижорат сири дейилганда давлат сири бўлмаган, лекин корхонанинг ишлаб чиқариш, технология ахбороти, бошқариш, режалаштириш, молия ва бошқа фаолияти билан боғлиқ булган маълумотлар тушуниладик, уларни ошкор қилиш корхонага зарар етказиши мумкин.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва жамиятга зарар етказиши мумкин бўлган бошқа салбий фаолият ҳақидаги маълумотларни корхона яшириб келаётганига барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан корхоналар фаолиятининг шундай турлари аниқлаб чиқилганки, улар ҳақидаги маълумотлар тижорат сири ҳисобланмайди.

Шартнома мажбуриятлари, кредит, ҳисоб-китоб интизомининг, маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларнинг, хўжалик фаолиятини амалга оширишга доир бошқа қоидаларнинг бузилганлиги учун корхона тўлиқ мулкый жавобгар бўлади. Корхона ердан ва бошқа табiiй ресурслардан оқилона фойдаланишга, атроф-муҳитни ифлосланишдан муҳофаза этилишига доир талабларга риоя этилмаслиги; ишлаб чиқаришнинг хавфсизлиги қоидалари, санитария-гигиена нормалари ва ходимлар, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишга доир талабларнинг бузилганлиги туфайли етказилган зарарни қоплаши, шунингдек қонун билан белгиланган жаримани ҳам тўлаши шарт. Табиатдан

фойдаланиш юзасидан белгиланган тартибни бузган корхонанинг фаолияти йўл қўйилган камчиликка барҳам берилишидан олдин тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш мулк эгаси ташаббуси билан йилга камидан бир марта ўтказилади. Корхона фаолиятининг айрим томонларини текшириш вазифаси зиммаларига юкланган солиқ ва бошқа давлат идоралари бундай текширишларни заруратга қараб ва ўз ваколатлари доирасида ўтказадилар. Агар бу идоралар белгиланган доирадан четга чиққан тақдирда корхоналар уларнинг талабларини бажармасликлари ҳам мумкин. Текширув ва тафтишларнинг барча турлари корхона ишининг нормал боришини бузмаслиги лозим.

Корхона билан давлат бошқарув ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларининг ўзаро муносабатлари уларнинг ваколат доирасини белгилаб берадиган қонун актларига, корхоналар ҳақидаги қонунга мувофиқ қурилади.

Ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш борасида ҳоким амалга ошираётган ишларда корхоналар шартномавий асосда ихтиёрий равишда иштирок этадилар.

Корхона маҳаллий кенгаш ёки бошқа ваколатли идораларнинг қарорига кўра бу идораларнинг маблағи ҳисобидан меҳнат қобилияти чекланган шахслар учун махсус иш ўринлари ташкил этишлари лозим.

Корхонага тегишли турар жой, ишлаб чиқариш майдонлари, айрим объектларнинг ҳокимиятнинг олиб қўйишига йўл қўйилмайди.

## **6- §. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари. Кооператив ташкилотлар**

Республикада кейинги йилларда хўжалик юришнинг ўз вақтида рад қилинган шундай шакллари, чунончи, бирор-бир хўжалик мақсадига эришиш учун янги мустақил ташкилотлар, ширкатлар ва жамиятлар тузиш йўли билан турли мулк эгаларининг ихтиёрий бирлашмалари қайта тикланди.

**Хўжалик ширкати** — мустақил юридик шахс бўлиб, қатнашчиларнинг розилигига асосланган; тижорат мақсадига эришиш учун уларнинг маблағлари ва куч-ғайратларини бирлаштиради.

Хўжалик ширкатининг ўзига хос хусусиятлари:

1. Унинг қатнашчилари сони иккитадан кам бўлмайди.

2. Ширкат қатнашчиларининг шартномаси ширкатнинг пайдо бўлиши учун асос ҳисобланади.

3. Ширкат албатта юридик шахс ҳисобланади.

4. Умуман ширкат ўзига таъсисчилар томонидан берилган ёки ўз хўжалик фаолиятининг натижасида олинган мол-мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

5. Ширкатни ташкил этишнинг мақсади тижорат фаолияти, яъни фойда олишдир.

6. Ширкатнинг ҳар бир аъзоси мазкур ташкилот фаолиятида шахсан иштирок этади ва қатнашчилар ўртасидаги муносабатлар шахсий ишонч характерида бўлади.

Хўжалик жамияти — бу ҳам мустақил юридик шахс; ўзи олган мол-мулкнинг эгаси бўлиб, тижорат мақсадини кўзлайди. Лекин ширкатдан фарқли равишда у кўпроқ иштирокчиларга эга бўлади, бунинг оқибатида ҳар бир қатнашчининг жамият фаолиятида шахсан иштирок этишига имкон бўлмайди ва улар ўртасида шахсий ишонч муносабатлари вужудга келмайди.

Хўжалик жамияти қатнашчилари бир-бирлари билан битимга киришмайдилар, балки унинг таъсисчилари билан битимга киришадилар. Хўжалик жамияти тузиш учун асос унинг барча қатнашчилари шартномаси эмас, балки таъсисчиларнинг битимга келишидир.

Тулиқ ширкат, командант ширкат бўлади, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, ҳиссадорлик (акциядорлик) жамияти бўлади.

Тулиқ ширкат шу билан фарқ қиладики, унинг қатнашчилари (одатда жисмоний шахслар) сони унчалик кўп бўлмайди, уларнинг ҳаммаси биргаликда хўжалик фаолияти билан шуғулланади ва ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг барча мол-мулки билан, бирдамлик билан жавоб берадилар, бу эса уларнинг бошқа жамиятларда иштирок этишларига имкон бермайди.

Командант ширкат шундай ширкатки, унда ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ширкат мажбуриятлари бўйича ўзининг бу-

тун мол-мулки билан бирдам жавоб берувчи битта ёки бир нечта қатнашчилар билан бир қаторда ширкат мажбуриятлари бўйича ўзлари қўшган маблағ миқдори доирасида жавобгар бўладиган битта ёки бир нечта қатнашчилар (командантлар, ҳиссадорлар) ҳам бўлади.

**Масъулияти чекланган жамият** шу билан ажралиб турадики, унинг низом жамғармаси қатнашчилари қўшган маблағларга мувофиқ улушларга бўлинган бўлади. Бундай улуш пайга эга бўлиш ҳуқуқини беради. Масъулияти чекланган жамият қатнашчилари ўз улушларига пай гувоҳномаси оладилар, у даромаднинг бир қисмини олиш, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш ва ширкат ишларинин бошқаришида қатнашиш ҳуқуқини беради.

Масъулияти чекланган жамият қатнашчилари бир вақтнинг ўзида масъулияти чекланган бир нечта ширкатларда иштирок этиш имкониятига эга бўладилар. Масъулияти чекланган ҳиссадорлик жамиятига айланиб қолмаслиги учун унга акция чиқариш ман этилган, лекин у облигациялар чиқаришга ҳақлидир.

Масъулияти чекланган жамиятларни рўйхатдан ўтказиш учун айрим ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Жамият рўйхатдан ўтказилиши учун ҳокимиятга жамиятни рўйхатдан ўтказишни сўраб ариза, Низом ва таъсис ҳужжати тақдим этилади, бу ҳужжатда ҳар бир қатнашчи улушининг миқдори, уларнинг пулни тўлаш муддатлари ҳақида албатта маълумотлар бўлиши лозим. Низом жамғармасининг энг кам миқдори 50 минг сўм қилиб белгиланган. Шу билан бирга рўйхатдан ўтказиш пайтига келиб қатнашчилардан ҳар бир маблағнинг камида 30% ини тўлаши керак, бу банк ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши лозим. Маблағ ўрнига мол-мулк, илмий ишланмалар, ихтиролар, кашфиётлар ҳам ўтказилиши мумкин.

**Қўшимча масъулиятли жамиятда** унинг қатнашчилари зиммасига тегишли маблағни тўлашдан ташқари айрим вазифаларни бажариш: қўшимча бадаллар тўлаш, жамиятга шахсий хизматлар кўрсатиш, муайян тижорат ахборотини тақдим қилиш, жамиятнинг бошқа қатнашчилари билан рақобат қилишдан тийилиш, умумий мол-мулк етишмай қолганда жамият мажбуриятлар бўйича қўшимча жавобгарликни зиммага олиш юкланади (лекин бу нарса таъсис ҳужжатлари-

да олдиндан айтиб қўйилиши лозим). Кейинги ҳолда жамият иштирокчилари низом жамғармасига маблағ тўлаш билан жавобгар бўлиб қолмасдан, ўзларига тегишли бошқа мол-мулк билан ҳам жавоб берадилар, лекин барча маблағ билан бўлмаса ҳам, фақат бўлиб-бўлиб топширилган маблағ миқдорига жавобгар бўладилар.

**Ҳиссадорлик жамияти** шу билан ажралиб турадики, унинг низом жамғармаси муайян миқдордаги акцияларга бўлинган ва уларни сотиш ҳисобига ташкил этилган бўлади, шу билан бирга акциялар бу жамиятнинг қарзлари бўйича ўзларига тегишли акцияларнинг қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Кооператив дейилганда қонун фуқароларнинг биргаликдаги хўжалик юритиши ёки ўзларига тегишли мулк негизда бошқа фаолият кўрсатиш учун кўнгили бирлашмасини тан олади. Айни вақтда қонун бошқа кооперативларга, давлат ва жамоат корхоналари ҳамда ташкилотларига жамоа тарзида аъзоликка ҳам йўл қўяди.

Шундай қилиб, кооперативларнинг фарқ қилувчи белгиси, биринчидан, у фуқаролик ҳуқуқи субъекти ҳисобланади, иккинчидан, у қатнашчиларнинг аъзолиги асосида қуриладиган бирлашмадир. Учинчидан, уларнинг ўзига хос хусусияти фақат бирлаштириладиган мулк ҳуқуқи асосида кооперативнинг мулкий алоҳидалигидир. Кооператив ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича, кооператив аъзолари эса кооперативнинг қарзлари бўйича жавобгар эмаслар.

## 7- §. Хўжалик бирлашмалари

Қонунда юридик шахсларга ихтиёрийлик асосида хўжалик бирлашмалари ташкил этиш ҳуқуқи берилади. Хўжалик бирлашмалари фаолиятни мувофиқлаштириш, ҳуқуқларни ҳимоя этишни таъминлаш, давлат идораларида ва бошқа идораларда, шунингдек халқаро ташкилотларда умумий манфаатларни ифодалаш мақсадида ҳудудий, тармоқ ёки бошқа принцип асосида ташкил этилади. Хўжалик бирлашмалари консорциум, уюшмалар, концерн шаклида тuzилади.

**Консорциум** — бу ресурсларни бирлаштириш ҳақида ташкилотлар, корхоналарнинг вақтинча бир битимга келишидир, бундан мақсад йирик ягона хўжа-

лик объектини барпо этиш ёки маблағ билан таъминлашдир. Мақсадга эришиб бўлиниши билан консорциум фаолиятини тўхтатади.

Консорциум юридик шахс ҳисобланмайди, лекин барча қатнашчиларнинг ўзаро келишувини билан бошқарилади, қатнашчилар келишилган умумий раҳбарликка бўйсунадилар, бироқ биргаликдаги мақсадга эришиш соҳасида консорциумнинг ҳар бир иштирокчиси шартномага биноан умумий эҳтиёжларга ўз улушини қўшади ва ўз улуши доирасида умумий мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлади, умумий мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда бошқа мол-мулк билан ҳам жавобгар бўлади.

**Уюшма (ассоциация)** — юридик шахсларнинг тармоқ, ҳудудий ёки бошқа белгилар бўйича ихтиёрий бирлашмаси бўлиб, у консорциумдан фарқ қилиб, вақтинча эмас, балки доимий хусусиятга эгадир. У юридик шахс бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

**Концерн**, одатда, ишлаб чиқариш белгиси бўйича ихтиёрий бирлашма бўлиб, ҳамиша юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Концернга кирган ташкилотлар ягона ҳўжалик механизмини ташкил этадилар, лекин ички ўзаро муносабатлар ўзаро шартномалар тузиш асосида қурилади, бунда иқтисодий ва юридик мустақиллик сақланиб қолади.

## 8- §. Тадбиркорлик

«Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга биноан, тадбиркорлик — бу мулк субъектларининг амалдаги қонун доирасида ташаббускорлик асосида амалга ошириладиган иқтисодий фаолияти бўлиб, бу фаолият фойда олиш мақсадида тадбиркорларнинг таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги асосида олиб борилади.

Тадбиркорлик қуйидагича амалга оширилади:

- тадбиркорнинг ўз мулки асосида;
- тадбиркорнинг бошқа фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шу жумладан ажнабий фуқароларнинг мол-мулкани жалб қилишидаги турли шакллар асосида;
- тадбиркорнинг давлат мол-мулкидан ва жамоат ташкилотларининг мол-мулкидан фойдаланиш асосида;

— юқорида санаб ўтилган шакллارни бирга қўшиб олиб бориш асосида.

Тадбиркорлик фаолияти мол-мулк эгасининг ўзи томонидан ҳам, унинг мол-мулкини тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида бошқарувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда ана шундай хўжалик юритиш чегараларини мулк эгасининг ўзи белгилайди.

Тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этишига ва бошқа фуқароларнинг ёлланиб меҳнат сарфлашига асосланган.

Тадбиркорлик фаолияти қуйидаги принциплар асосида қурилади:

— тадбиркорнинг қонунда тақиқланмаган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланишдаги эркинлиги;

— хўжалик фаолиятида ва унинг натижаларини тақсимлашда тадбиркорнинг мустақиллиги;

— мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар, тадбиркорлик фаолияти барча турларининг қонун олдида тенглиги;

— тадбиркорликни амалга ошириш ва ходимларни ёллашнинг ихтиёрлиги;

— даромадларни олиш манбаи ва уларнинг усулларида қатъи назар, улар ҳақида солиқ идоралари олдида ҳисобот беришнинг декларация шаклида бўлиши, тадбиркорларнинг даромадларни яширганлиги (пасайтириб кўрсатганлиги) учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ мулкий жавобгарлик.

Тадбиркорлик субъектлари республиканинг қобиляти чекланмаган фуқароси, фуқаролар гуруҳи, шу жумладан меҳнат жамоаси, ажнабий фуқаро ёки юридик шахс, шунингдек фуқаролиги йўқ шахслар, аралаш мулкчилик субъектлари ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви идоралари раҳбар ходимларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари тақиқланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари қуйидагилардир: якка тартибдаги меҳнат фаолияти; айрим фуқаронинг ёлланма меҳнатни жалб қилиш асосида амалга оширадиган хусусий тадбиркорлиги; бир гуруҳ фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоа

тарзидаги тадбиркорлик; мол-мулкни бирлаштириш ва мулкый ҳуқуқлар асосида юридик шахслар ва фуқаролар томонидан амалга ошириладиган биргаликдаги тадбиркорлик.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркор тадбиркорлик ташкилотлари (фирмалари) ташкил этиши мумкин, уларнинг фаолияти «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади.

Ҳар бир фуқаро (фуқаролар гуруҳи) хўжалик юри-тишнинг бошқа субъектлари билан тенг асосларда қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

— қонунда белгиланган шарт-шароитларга риоя қилган ҳолда корхоналар ва ташкилотлар тузиш, таъсис этиш, сотиб олиш, қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва юритиш;

— мулкый жавобгарлиги турли даражада бўлган ўз тадбиркорлик ташкилотини таъсис этиш;

— бу фаолиятни юритиш учун бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг мол-мулки ва пул маблағларини ихтиёрий асосларда жалб этиш;

— ходимларни мустақил равишда ёллаш ва бў-шатиш.

Шунингдек у тадбиркорликдан қонунда белгиланган тартибда солиқ ундириладиган чекланмаган миқдордаги шахсий даромадга эга бўлиш ҳамда ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта ҳуқуқига эгадир.

Қонунда тадбиркорга ҳуқуқлар бериш билан бирга у бажариши лозим бўлган вазифалар ҳам белгилаб берилади. Бу вазифаларга қўйидагилар киради:

— қонунда ва шартномалар билан белгилаб берилган барча мажбуриятларни бажариш;

— ёлланиб ишлаётган ходимлар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузиш;

— корхонанинг молиявий аҳволидан қатъи назар ишлаш учун жалб қилинган барча ходимлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ тўла ҳисоб-китоб қилиш;

— ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта қилишни амалга ошириш;

— махсус билим ва малакаларни талаб қилувчи ишларга фақат зарур тайёргарликка, касбий лаёқат-

га ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнигина жалб қилиш.

Тадбиркор солиқ ва кредит мажбуриятларини, тузилган шартномаларни бажармаганлик учун, бошқа субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқларини бузганлик, меҳнат шароитининг хавфсизлигига риоя қилмаганлик, кишилар соғлиғига зарар етказадиган маҳсулот сотганлик, атроф-муҳитни ифлослантирганлик, монополияга қарши қонунларни бузганлик учун жавобгар бўлади. Одатда, жавобгарлик мулкӣ тарзда бўлади. лекин суд тартибида тадбиркорлик фаолиятини тўхта-тишга қадар бўлган бошқача тарзда ҳам бўлиши мумкин.

### 9-§. Вакиллик

Вакиллик деб, бир шахснинг бошқа шахс номидан иш кўришига айтилади. Вакилликдан фуқаролар ҳам, юридик шахслар ҳам кенг фойдаланадилар. Ҳаракатлар шахснинг шахсан ўзи амалга ошириши мумкин бўлган ҳолларда (васият қилиш, никоҳдан ўтиш) вакилликка йўл қўйилмайди.

Вакилликнинг моҳияти шундан иборатки, вакил иш олиб боради, ҳуқуқ ва вазифалар вакил юборган кишида бўлади. Вакиллик қонуи бўйича (ота-оналар, васийлар) ва топшириқ асосида бўлиши мумкин. Топшириқ махсус ҳужжат-ишончномада — бир шахс иккинчи шахсга учинчи шахс олдида вакиллик қилиши учун бериладиган ёзма ваколатда қайд этилиши лозим.

Ишончнома умумий ва махсус бўлиши мумкин. Умумий ишончнома турли сабъ-ҳаракатларни амалга ошириш (шахсий мол-мулкни бошқариш) учун ваколатни назарда тутати. Махсус ишончнома муайян соҳадаги битишувларни (хом ашё харид қилиш, маҳсулотлар сотиш) назарда тутати. Ишончнома ёзма шаклда тузилиши лозим. Унда ким, кимга ва нимани қилишни топшириши кўрсатилиши лозим.

Айрим ишончномалар учун қонунда нотариал шакл белгиланган. Булар:

- нотариал шаклни талаб қиладиган битишувларни тузиш учун ишончнома;
- қайта ишониб топшириш тартибида бериладиган ишончнома;
- фуқароларга, юридик шахсларга нисбатан ҳара-

катларни амалга ошириш учун бериладиган ишончнома.

Фуқароларга иш ҳақини ва меҳнат муносабатлари билан боғланган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар, ихтирочилар, рационализаторларнинг қалам ҳақини, пенсияларни, нафақаларни, стипендияларни, омонат кассаларидан пул олишга хат-хабарларни, шу жумладан пул ва посилкаларни олишга бериладиган ишончномалар оддий тартибда (уй-жой муассасаларида, иш жойида, ўқиш жойида, ўқув муассасаси маъмурияти томонидан) тасдиқланади. Юридик шахс номидан ишончнома раҳбарнинг имзоси ва муҳри қўйилган ҳолда, товар-моддий бойликлар олишга бериладиган ишончнома бош ҳисобчи (бухгалтер)нинг имзоси билан ҳам берилади.

Ишончнома ўзининг юридик қучини белгиланган муддат давомида, лекин уч йилдан кўпроқ бўлмаган муддатда сақлаб туради. Агар муддат кўрсатилмаган бўлса, ишончнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб роса бир йил амал қилади, шунинг учун ишончнома берилган муддатни кўрсатиш зарур шарт ҳисобланади. Акс ҳолда у ҳақиқий бўлмайди. Ишончномасиз вакиллик тоифаси ҳам мавжуд бўлади. Уларга сотувчилар, кассирлар, ательеда буюртмаларни қабул қилувчилар ва ҳоказолар киради.

Ҳуқуқий салоҳиятга эга бўлган фуқаролар вакил бўлишлари мумкин. 16 ёшга етганлар эса истисно тариқасида вакил бўла оладилар.

Вакил ўз ваколатларини фақат вакил қилиб юборган шахс манфаатлари йўлида бажариши лозим. У ўз шахсий манфаатлари ёки бошқа шахслар манфаатлари йўлида ҳеч қандай ҳаракатни амалга ошира олмайди.

Агар битишув уни амалга оширишга ваколати бўлмаган бошқа шахс номидан ёки ваколатларни ошириб юборган ҳолда амалга оширилса, одатда вакил қилинган кишига юридик оқибатлар келтириб чиқармайди. Битишув агар вакил қилинган шахс томонидан кейин маъқулланган тақдирда унинг учун ҳуқуқий оқибатга эга бўлиши мумкин.

#### 10- §. Битим

Битим фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлишида энг кўп тарқалган асосдир. Битим де-

йилганда фуқаролар ва ташкилотларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларини белгилаш, ўзгартириш, тўхтатишга қаратилган ҳаракатлар тушунилади. Лекин ҳар қандай ҳаракат ҳам битим бўлавермайди. Қонун доирасида амалга оширилиши лозим бўлган, яъни ҳуқуқий ҳаракат битим бўлади.

Битим иродавий ҳаракат, яъни қўйилган мақсадга эришишга қаратилган ва ундан ташқари ифодаланган ҳаракатдир. Аниқ ифодаланмаган ирода битишув бўла олмайди. Иродани ташқарида ифодалашда у бошқа шахсларнинг идрок этиши учун қулай бўлса ва юридик оқибатлар келтириб чиқармаса, иродани ифодалаш (истак билдириш) дейилади. Шунинг учун ҳам битим субъектив унсур бўлган ирода билан объект унсур бўлган истак билдиришнинг бирлигидан иборат бўлади. Битим учун истак билдириш муҳим унсур бўлиб, у билан юридик оқибатлар боғлиқ бўлади. Томонларнинг истак билдириши уларнинг иродасига тўғри келмаса, битим амалга ошмаган ҳисобланади ва томонлар, хоҳласалар, ўз ифодаларини янгидан ифодалашлари мумкин.

Агар бир томоннинг истак билдириши унинг ҳақиқий иродасига мос келмаса, у ҳолда битимга ишонч билдирилмайди, унда истак билдиришга аҳамият берилмайди, балки шахснинг чинакам иродаси ҳисобга олинади.

Айрим ҳолларда битим амалга ошмоғи учун истак билдиришдан ташқари яна пул ёки нарса-буюмларни бериш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам битимни таърифлашда «ҳаракат» тушунчаси ишлатилади, у истак билдиришни ҳам, бошқа юридик ҳаракатни ҳам қамраб олади, у битимни ҳақиқий деб эътироф қилиш зарурдир (мол-мулкни сақлаш соҳасидаги битим фақат томонларнинг истак билдиришини эмас, балки нарса-буюмнинг ўзини беришни ҳам талаб қилади).

Битимларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар битимга асос бўладиган қандайдир мақсадга эришиш учун амалга оширилади. Айрим ҳолларда битимнинг асоси унинг мазмунидан билиниб туради. Бошқа ҳолларда битим мазмунидан уни амалга ошириш мақсадини билиб олиш қийин бўлади (вексель чек). Биринчи ҳолда битим тасодифий, иккинчи ҳолда абстракт (мавҳум) дейилади.

Битимлар қандай мақсадда амалга оширилаётган

бўлса, ана шу мақсадга эришиш учун улар муайян шартларга мувофиқ келиши зарур. Биринчидан, битимни амалга оширувчи онгли равишда ҳаракат қилиши, яъни ўз ҳаракатлари оқибатини тушуниши лозим. Иккинчидан, битимни амалга оширувчи эркин, ҳеч бир мажбур қилишсиз ҳаракат қилиши лозим. Учинчидан, битим қонуний бўлиши — амалдаги қонунларга мос келиши керак. Тўртинчидан, битим қонунда мазкур битим учун бирдан-бир мумкин бўлган шаклда амалга оширилиши лозим. Агар бу шартлардан ақалли биттасига рноя этилмаган бўлса, битим бўлмағур ёки мутлақо ҳақиқий эмас деб эътироф этилади.

Ҳуқуқ нормасига кўра тузилган пайтида ҳақиқат бўлмаган битимлар бўлмағур ёки мутлақо ҳақиқий эмас деб аталади. Амалга оширилган вақтда томонларда ҳуқуқ ва вазифалар келтириб чиқарса, лекин баҳслашув натижасида ҳақиқий эмас, деб топилса, нисбатан ҳақиқий эмас ёки баҳслашиладиган битимлар дейилади. Баҳслашиладиган битим ҳақиқий эмас, деб топилса, у амалга оширилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб тан олинади.

Битимнинг ҳақиқий эмас деб топилиши қуйидагиларга сабаб бўлади: биринчидан, ҳар бир томон битим бўйича нима топширган бўлса, унга шу нарса қайтарилади, олинган нарсани натура шаклида қайтаришнинг иложи бўлмаса, унинг қиммати пул билан қайтарилади, бу икки томонлама реституция деб аталади; иккинчидан, томонлар олган барча нарсалар ёки олишга мўлжалланган нарсалар давлат даромадига ўтказилади, яъни реституцияга йўл қўйилмайди; учинчидан, битта томонга (зарар кўрган томонга) мол-мулкни қайтариш ва айбдор томон олган барча нарсани давлат даромадига ўтказиш ёки бир томонлама реституция. Бундан ташқари, қонунда келгуси вақтга битимни тўхтатиш имконияти, айбдор томоннинг зарар кўрган томонга унинг ўрнини тўлдириши (мол-мулкни қайтариб беришдан ташқари).

Республиканинг фуқаролик кодексига мувофиқ қуйидаги битимлар ҳақиқий саналмайди:

- ғайриқонуний битимлар;
- юридик шахснинг ҳуқуқий қобилиятини бузган ҳолда тузилган битимлар;
- муомала лаёқатига эга бўлмаган шахснинг туз-

ган битимлари (майда маиший битимлардан ташқари; улар битимни тузиш вақтида амалга оширилади);

— қонунда белгиланган шаклни бузиб амалга оширилган битимлар, агар бундай оқибат қонунда кўзда тутилган бўлса;

— сохта ёки ёлғондакам битимлар, яъни юридик оқибатларни вужудга келтириш ниятсиз ёки бошқа битимни ниқоблаш учун тузилган битимлар.

Нисбатан ҳақиқий ёки эътироз билдириладиган битимларга унинг қатнашчиларининг хоҳиши тўлақонли бўлмаганлиги сабабли эътироз билдириладиган битимлар ёхуд унга бошқа томоннинг нотўғри таъсири ёки шароит таъсири остида тузилган битимлар киради.

Битим қатнашчилари хоҳишининг тўлақонли бўлмаслиги унинг суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиб хизмат қилади:

— 15—18 ёшли балоғатга етмаган ўсмир томонидан ота-онасининг розилигисиз битим тузилгани ҳақида ота-оналар, васийлар даъвоси бўйича;

— муомала лаёқати чекланган фуқароннинг уни васийликка олган фуқароннинг розилигисиз битим тузгани, спиртли ичимликлар ёки гиёванд моддаларни суистеъмол қилиш оқибатидир;

— муомала лаёқати фуқаро битим тузилган вақтда ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ҳолатда бўлганда (кучли маст бўлиш, кучли асабий ҳаяжонланиш ва ҳ. к.).

Битимни амалга оширган шахснинг иродасини шакллантиришнинг нормал бўлмаган шарт-шароитларига қуйидагилар киради:

— янглишув; у бирор ҳолат ҳақидаги хато тасаввурдан иборат. Шу билан бирга янглишув муҳим бўлиши керак, шахс усиз оқилона иш қўриб ва нарсаларнинг ҳақиқий аҳволини билиб ҳаракат қилганда бу битимни амалга оширмаган бўларди;

— алдаш, ёлғон гап айтиш, ваъда бериш, қандайдир фактлар ҳақида ҳеч нарса айтмаслик йўли билан бошқа шахсни атайлаб янглиштириш. Алдаш фақат битим қатнашчиси томонидан эмас, балки унинг илтимоси ёки руҳсати билан учинчи шахс томонидан ҳам бўлиши мумкин;

— зўравонлик — бошқа шахснинг ўзига ёхуд унинг қариндошларига жисмоний ёки маънавий зулм ўтқа-

зиш йўли билан унинг иродасига ғайриҳуқуқий таъсир кўрсатиш;

— дуқ қилиш, бошқа томонга ғайриҳуқуқий таъсир кўрсатиш, бунинг оқибатида битимга киришади;

— бир томон вакилининг иккинчи томон вакили билан ёвуз ният билан келишувга кириши — бу келишув вакилга зарар етказиш ҳақидаги келишув бўлиб, лекин у қарши агент ёки вакилнинг ўзи, ёхуд униси ва бунисининг манфаати йўлида амалга оширилади;

— шахсда вақтинча биринчилик ўтказиш учун маблағ, биринчи галда зарур бўлган буюмлар йўқлигини ифодаловчи оғир вазиятлар натижасида ниҳоятда фойдасиз битим тузилиши.

Битимлар бир томонлама, икки томонлама ёки кўп томонлама бўлади. Бир томонлама битимлар шундай битимларки, бунда битта шахснинг хатти-ҳаракати бошқа шахслар учун ҳуқуқ ва вазифалар вужудга келтиради (васият, ишончнома бериш). Икки ёки кўп томонлама битимлар — бу икки ёки бир неча кишининг шартномаларидир (олди-сотди, пудрат, ёлланиш шартномаси).

Кўп ҳолларда битимнинг ҳуқуқий оқибатлари қуйидагиларни белгилаш билан боғлиқ бўлади: а) томонларда ҳуқуқ ва вазифалар пайдо бўла бошлайдиган вақт; б) битимни бажариш вақти; в) битимни тўхтатиш пайти. Бундай битимлар муддатли битимлар дейилади. Улар муайян муддатга тузилган битимларга (агар муддати бошланиши маълум бўлса) ва номуайян муддатга тузилган битимларга (бунда муддати бошлангани маълум бўлмайди) бўлинади.

Агар муддати аниқ кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда битим бўйича ишга киришиш ваколатли томоннинг талаби билан исталган пайтда бошланиши лозим, лекин етти кунлик имтиёзли муддат берилади.

Битим бўйича ҳуқуқ ва вазифаларнинг пайдо бўлиши ёки тўхтатилиши қандайдир ҳолатлар, шартшароитларнинг бошланишига боғлиқ бўлади, улар битим мазмунига киритилади. Бундай битимлар шартли битишувлар дейилади. Шартлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

— улар келажакка қаратилган бўлиши;

— улар муқаррар бўлмаслиги лозим, акс ҳолда улар муддатли шартларга айланиб қолади;

— улар ғайриҳуқуқий бўлмаслиги лозим.

Шартлар кечиктириб бўладиган бўлиши мумкин, ҳуқуқ ва вазифалар фақат ана шу шартлар бошланиши билан пайдо бўлиши мумкин. Шунингдек, бекор қилинадиган шартлар бўлиши ҳам мумкин, бунда ҳуқуқ ва вазифаларнинг тўхтатилиши шартларнинг бошланишига боғлиқ қилиб қўйилади. Ҳуқуқ ва вазифалар битим тузилгандан кейин дарҳол вужудга келади.

Битим қонунда белгиланган муайян кўринишда бўлиб, у оғзаки ва ёзма шаклда бўлиши мумкин. Ёзма битим оддий ва нотариал битимларга бўлинади.

Ёзма шаклдаги битим истак билдирган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланиши лозим. Агар шахс жисмоний камчилиги ёки касаллиги оқибатида битимга ўз қўли билан имзо қўя олмаса, уни имзолани бошқа шахсга топширишга ҳақлидир. Лекин бу имзо лозим даражада (нотариал йўл билан, уй-жой бошқармасида, иш жойида) тасдиқланиши керак.

Хат ёки телеграмма айирбошлаш, тасдиқномалар ҳам оддий ёзма битим ҳисобланади (агар қонунда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса).

Агар оддий ёзма шаклга риоя қилинмаса, низо келиб чиққан тақдирда, томонлар гарчи ёзма далиллар келтира олсалар ҳам, гувоҳларга таяна олмайдилар.

Агар даъво билдирилган томон битим тузилганлиги фактини, унинг бажарилмаганлиги ёки қисман бажарилмаганлигини инкор этмаса, у ҳолда суд даъво-ни қондиришга ҳақли бўлади.

Қонун талаб қилгани ҳолда ёзма шаклга риоя этилмаглиги битимни ҳақиқий эмас деб топишга олиб келади.

Нотариал битим қонунда кўзда тутилган ҳолларда, хусусан уйни сотиш-олишда, қишлоқ жойларидан ташқарида беш юз сўмдан ортиқ миқдордаги мол-мулкни инъом этган шартномасида, васият тузиш чоғида шарт бўлади.

Айрим битимлар саъй-ҳаракатлар шаклида тузилиши мумкин, улар ўз-ўзидан шахснинг битимга киришув ҳақидаги ниятидан гувоҳлик беради (конклюдент битимлар).

## 11- §. Нарса-буюмлар

Асосан мол-мулк билан боғлиқ фуқаролик қонунлари аввало «нарса-буюмларга бўлган ҳуқуқлар»ни мустаҳкамлайди. Нарса-буюмлар мулк ҳуқуқи, гаров ҳуқуқи, олди-сотди, мол етказиб бериш, шартнома тузиш, айирбошлаш, инъом этиш, заём, мулккий ёллаш, гаровга олиш, сақлаш ҳуқуқлари объекти ҳисобланади. Нарса-буюмлар табиат буюмлари ёки меҳнат натижаларидир.

Фоятда хилма-хил нарса-буюмларни қонун муайян тизимга солади: уларни гуруҳларга бирлаштиради, уларнинг ҳар бирига оддий ҳуқуқий тартиб белгилайди.

Нарса-буюмлар ишлаб чиқариш воситаларига ва истеъмол воситаларига бўлинади, улар истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган, бўлинмайдиган ва бўлинмайдиган, алоҳида ва биргаликда олинган, асосий нарсалар ва ашёлар бўлади.

Истеъмол қилинадиган нарсалар деб бир марта фойдаланиладиган нарсаларга айтилади, гарчи улар едирилса ҳам, ўзининг сифатини озми-кўпми узоқ муддат сақлаб қолади (уй-жойлар, машиналар, дастгоҳлар, китоблар).

Бўлинмайдиган нарсалар шундай нарсаларки, уларни мазкур нарса-буюм учун хўжалик жиҳатидан зарар келтирмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин, лекин уларнинг ҳар бири қиммати ва хўжалик аҳамиятини сақлаб қолади.

Бўлинмайдиган нарсалар-қисмларга бўлиш вақтида улар хўжалик аҳамияти ва қимматини йўқотади.

Нарсалар йиғиндиси — умумий хўжалик ёки бошқа мақсадда бирлаштирилган бир хил ёки хилма-хил нарса-буюмлар мажмуидан иборат бўлиб, кишилар рўзғорида ягона бир бутун, яхлит нарса деб қаралади, лекин табиатан улар ўзаро бирлаштирилмаган бўлади (кутубхоналар, мебеллар гарнитураси). Нарсалар йиғиндисини топшириши лозим бўлган қарздор (агар қонунда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса) уни ўзгартира олмайди.

Ашё, асосий нарса-буюмга хизмат қилишга мўлжалланган бўлиб, унга умумий хўжалик вазифаси билан боғланган бўлади. Асосий нарса-буюм мустақил аҳамиятга, ашё эса боғлиқ аҳамиятга эгадир.

Нарса-буюмларнинг алоҳида тури — пул ва қимматли қоғозлардир. Пул шундай нарсалар жумласига кирадики, улар ўзига хос белгилардан ҳоли бўлиб, уларни миқдор ажратиб туради. Пул зарур тўлов ҳисобланади.

Қимматли қоғоз бу мулкий ҳуқуқдан гувоҳлик берувчи шундай бир ҳужжатки, унинг асл нусхасини кўрсатган тақдирдагина бу ҳуқуқни амалга ошириш мумкин. Бу ўринда шундай қоида амал қилади; ҳужжат бўлса ҳуқуқ бўлади, ҳужжат йўқми, демак ҳуқуқ ҳам йўқ.

Қимматли қоғозлар номи ёзилган, ордер шаклидаги тақдим этиладиган қоғозлар бўлиши мумкин. Тақдим этиладиган қимматли қоғозда тақдим этувчининг номи ёзилмайди ва уни унга эга бўлган ҳар ким тақдим этиши мумкин (лоторея билети). Номи ёзилган қимматли қоғозда шахснинг номи қайд этилган бўлиб, у ҳужжатда мустақамланган мулкий ҳуқуқни амалга оширишга ваколатли ҳисобланади.

Ордер шаклидаги қимматли қоғоз биринчи марта харид қилган муайян шахс номига тузилиб, «унинг буйруғига биноан» деб кўрсатилади. Бу қимматли қоғозда кўрсатиб ўтилган шахснинг ўз навбатида қарз олувчи мазкур қоғози бўйича кимга тўлаши лозимлиги кўрсатилади (чек, коносамент).

Қимматли қоғозларга қуйидагилар киради:

— облигациялар — қимматли қоғоз бўлиб, уни сақловчининг облигацияни чиқарувчи шахсдан облигациянинг унда кўрсатилган номинал қийматини ёки бошқа мулкий эквивалентни кўрсатиб ўтилган муддатда олиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Облигация уни сақловчига унда қайд этилган номинал қиймат фоизини олиш ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкий ҳуқуқларни беради. Облигациялар тақдим этилувчи ёки номи ёзилган облигациялар бўлади, улар эркин муомалада ёхуд муомала доираси чекланган бўлиши мумкин;

— чек — қимматли қоғоз; у чек берувчининг чекни сақловчига унда кўрсатилган суммани тўлаши ҳақида банкка берган ва ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ёзма фаолиятини ўз ичига олади. Чек қонунда белгиланган муддатда тўлаш учун кўрсатилмоғи лозим;

— вексель — қимматли қоғоз; у вексель берувчининг ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг унда назарда тутилган муддат етиб келиши билан век-

сель эгасига (вексель берувчига) муайян суммани тўлаш бўйича ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган мажбуриятини тасдиқлайди. Биринчи ҳолда вексель оддий, иккинчи ҳолда ўтказилувчи вексель дейилади;

— **акция** — қимматли қоғоз; у акцияни сақловчининг (ҳиссадорнинг) ҳиссадорлик (акционерлик) жамияти фойдасининг бир қисмини дивиденд сифатида олишга, ҳиссадорлик жамияти ишини бошқаришда иштирок этишга жамият тугатилгандан сўнг унинг қолган мулкнинг бир қисмини олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди. Акциялар ҳам номи ёзилган ва тақдим этувчига мўлжалланган, эркин муомалада ёки чекланган доирада муомалада бўладиган акциялар бўлади;

— **коносамент** — товарни тасарруф қилиш ҳужжати бўлиб, уни сақловчининг ҳужжатда кўрсатилган юкни тасарруф қилиш ва ташиб бўлингандан сўнг юкни олиш ҳуқуқини тасдиқлайди;

— **жамғарма сертификати** — пул маблағлари қўйилганлиги ҳақида банкнинг берадиган ёзма гувоҳномаси бўлиб, пул қўювчининг белгиланган муддат томом бўлгач, омонат суммасини ва ундаги фоиз миқдорини мазкур банкнинг ҳар қандай бўлиmidан олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди. Сертификат муддатидан олдин ҳақ тўлаш учун тақдим этилган тақдирда пасайтирилган миқдор бўйича ҳисобланган омонат суммаси ва фоизлар тўланади. Жамғарма сертификатлари номи ёзилган ва тақдим этувчига мўлжалланган бўлади.

**Мол-мулк.** Мол-мулк дейилганда айрим нарса-буюмлар ёки уларнинг жами тушунилади. Баъзи ҳолларда мол-мулк қимматли қоғозлар, пул, шунингдек талаб қилиш ҳуқуқидан (харидордан) иборат бўлади. Баъзан бу атама мулкий ҳуқуқлар ёки мулкий ҳуқуқлар ва вазифалар мажмуи сифатида ҳам ишлатилади.

Мол-мулк кўчмас ва кўчма мол-мулкка бўлинади. Кўчмас мол-мулкка ер участкалари, бинолар, иншоотлар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, кўп йиллик ўсимликлар киради. Мол-мулкни унинг вазифасига зарар етказмаган ҳолда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлса, (агар қонунда бошқа нарсалар белгиланмаган бўлса), бундай мол-мулк кўчма мулкка киритилади.

## 12- §. Муддатлар ва даъво муддати

**Муддатлар.** Қўп ҳолларда фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқий жараёнларнинг бошланиши муддатлар билан боғланади. Муддатлар ҳуқуқий асослар бўйича қуйидагиларга бўлинади:

— ҳуқуқ ҳосил қилувчи муддатлар — ҳуқуқ ва вазифаларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи муддатлар (18 ёшдан бошлаб ҳуқуқий қобилиятнинг пайдо бўлиши);

— ҳуқуқни ўзгартирувчи муддатлар — ҳуқуқий муносабатларнинг, айрим ҳуқуқлар ва вазифаларнинг ўзгаришига сабаб бўлувчи муддатлар (масалан, қонун юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши билан ҳуқуқ ва вазифаларнинг ўтишини боғлиқ қилиб қўяди);

— ҳуқуқни тугатувчи муддатлар — ҳуқуқий муносабатлар, айрим ҳуқуқлар ва вазифаларнинг тўхташига сабаб бўлувчи муддатлар (агар олти ой муддат ичида даъво билдирилмаса, қарз берувчиларнинг мерос берувчига ҳуқуқининг тўхтатилиши).

Бир хил муддатлар томонларнинг розилиги билан ўзгартирилиши (диспозитив муддатлар), бошқалари ўзгартирилмаслиги мумкин (императив муддатлар).

Муддатлар маълум ва номаълум муддатларга бўлинади. Биринчи ҳолда муддат қачон бошланиши маълум бўлади, иккинчи ҳолда муддат қачон бошланиши маълум бўлмайди. Номаълум муддатларни чексиз муддатлардан фарқлаш керак. Номаълум муддатда гарчи қачон бўлиши маълум бўлмаса ҳам, барибир муддат келиши лозим. Чексиз (муддатсиз) муддатларда муддат умуман бўлмайди (мулкчилик ҳуқуқи).

Муддатларни ким белгилашига қараб улар қуйидагиларга бўлинади:

- қонунда кўзда тутилган муддатлар;
- битим томонлари кўрсатган муддатлар;
- суд белгилайдиган муддатлар.

Муддатларни белгилаш усулига қараб улар календарь санаси билан белгиланадиган, вақт ўтиши билан содир бўлиши муқаррар бўлган воқеаларни кўрсатадиган муддатларга бўлинади.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш муддат-

лари, вазифаларни бажариш муддатлари, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муддатлари бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш муддатлари вакил этилган кишига ваколатли идоралар ёрдамида таянмай ўзига тегишли ҳуқуқни рўёбга чиқариш имконини беради. Бу муддатлар қайд этиладиган, кафолатли, даъво қилинадиган муддатларга бўлинади. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш муддатлари дейилганда, ҳуқуқнинг ўзи вақт жиҳатидан амал қиладиган чегаралар тушунилади (ишончнома уч йил мобайнида амал қилади; муаллифлик ҳуқуқи муаллиф вафот этгандан кейин 50 йил мобайнида амал қила олади).

Фуқаролик-ҳуқуқий вазифаларни бажариш муддатлари шундай муддатларки, улар мобайнида шахс вазифаларнинг мазмунини ташкил этувчи саъй-ҳаракатларни амалга оширмоғи лозим. Вазифаларни бажариш муддати бошланиши бошқа томон учун ҳуқуқларни амалга оширишнинг бошланишини англатади.

Фуқаролик-ҳуқуқий вазифаларни бажариш муддатлари умумий ва хусусий бўлади. Умумий муддатлар дейилганда вазифаларни умуман бажариш муддатлари назарда тутилади. Хусусий муддат вазифаларнинг муайян қисмини ёки қисмларга бўлиб бажариш муддатини билдиради.

Муддатлар йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар, соатлар билан ҳисобланади. Муддатнинг ўтиши унинг бошланиши белгиланган календар санадан ёки воқеадан кейинги кундан бошланади. Масалан, меросни қабул қилиб олиш муддати меросни берувчи вафотининг эртасидан бошланади.

Йиллар билан ҳисобланадиган муддатнинг охири муддатнинг охириги йилдан тегишли ой ва кунда тугайди. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат муддатнинг охириги ойидаги тегишли кунда тамом бўлади. Ярим ой билан белгиланадиган муддат кунлар билан ҳисоб қилинадиган муддат сифатида қаралади ва 15 кунга тенг бўлади.

Ойлар билан ҳисоб қилинадиган муддатнинг охири тегишли числоси (кўни) бўлмайдиган ойга тўғри келиб қолса, у ҳолда муддат ойнанинг охириги кунинда тамом бўлади.

Ҳафталар билан ҳисобланадиган муддат муддат-

нинг охирги ҳафтасининг тегишли кунда тамом бўлади. Агар охирги кун иш кунига тўғри келмай қолса, муддатнинг тамом бўлиш кунини иш кунини бўлмаган кундан кейин келадиган энг яқин иш кунини ҳисобланади.

Бирор ҳаракатни бажариш учун муддат белгиланган бўлса, у ҳаракат муддатнинг охирги кунини соат 24 га қадар бажарилиши, ташкилотда эса ишларни тўхтатишнинг тегишли соатида адо этилиши мумкин.

Почта ёки телеграфга муддатнинг охирги кунини соат 24 га қадар топширилган барча ёзма аризалар ва билдиришлар муддатида топширилган ҳисобланади.

**Даъво муддати.** Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўзларининг субъектив ҳуқуқларини фақат муайян муддат мобайнида — даъво билдириш муддати ичида ҳал этишлари мумкин. Даъво билдириш муддати дейилганда ҳуқуқни бузилаётган шахснинг даъвоси бўйича унинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш муддати тушунилади.

Фуқаролик қонунини даъво билдиришнинг икки хил муддати: умумий ва қисқартирилган муддатини белгилайди. Даъво билдиришнинг умумий муддати уч йил қилиб белгиланган. Агар аниқ ҳодиса бўйича қисқартирилган муддат назарда тутилмаган бўлса, умумий муддат татбиқ этилади. Қисқартирилган муддат талабларнинг айрим турлари учун назарда тутилган бўлиб, давом этиши турлича бўлади, масалан, жарималар ундириш ҳақидаги даъволар юзасидан муддат — олти ой қилиб белгиланган.

Даъво билдириш муддатининг ўтиши судга мурожаат қилиш ҳуқуқини йўққа чиқармайди. Субъектив фуқаролик ҳуқуқини бузилган пайтдан бошлаб қанча вақт ўтишидан қатъи назар манфаатли шахс судга даъво билдириб ариза бериши мумкин. Даъво билдириш муддатининг ўтиб кетиши даъвога рад жавоб бериш учун асос ҳисобланади. Судга даъво билдириш учун ариза бериш ҳуқуқини — процессуал маънодаги даъво билдириш ҳуқуқини бўлиб, бузилган субъектив фуқаролик ҳуқуқини мажбурий равишда амалга ошириш имконияти эса моддий маънодаги даъво билдириш ҳуқуқидан иборатдир.

Даъво билдириш муддати ўтиб кетган тақдирда

суд ишни тўхтатиб қўйишга ҳақли эмас. У тегишли қарор чиқариши лозим.

Даъво билдириш муддатларини ҳисоблаш учун муддатнинг қачон бошланганлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Қонунда белгиланишича, шахс ўз ҳуқуқининг бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан даъво билдириш ҳуқуқига эга. Даъво билдириш муддати қачон бошланганлигини билиш мажбурийлигини талаб қилиш учун мажбуриятларни бажариш муддати қандай аниқланганига боғлиқлигини ҳам билиш лозим. Агар у белгиланмаган бўлса ёки талаб қилинган вақтда белгиланган бўлса кредитор ижрони талаб қилишга ҳақлидир, қарздор эса мажбуриятни исталган вақтда бажариши шарт. Шу вақтдан бошлаб кредиторда даъво билдириш ҳуқуқи бошланади. Агар қарздор мажбуриятни бажармаса, даъво билдириш муддати қарздорга бериладиган етти кунлик имтиёзли муддат тамом бўлгандан кейин бошланади.

Қонунда кўзда тутилган баъзи ҳолларда даъво билдириш муддатини тўхтатиш ва танаффус қилиш ҳам содир бўлиши мумкин. Тўхтатиш шунини билдирадими, қонунда кўзда тутилган ҳолат бўйича даъво билдириш муддатида даъво билдиришга халақит берувчи муайян вақт истисно қилинмайди. Даъво билдириш муддатининг бориши қўйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин: агар даъво билдиришга фавқулодда ва даф қилиб бўлмайдиган воқеа тўсқинлик қилса; Республика қонунларида ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажариш муддатини узайтириш белгиланган бўлса; даъвогар ёки жавобгар ҳарбий хизматда бўлса.

Даъво муддатида танаффус қилинган тақдирда танаффусгача ўтган вақт даъво билдириш муддатига киритилмайди. Танаффусдан кейин бу вақт яна бошланади. Танаффус қилиш учун асос қўйидаги ҳолларда бўлади: даъво белгиланган тартибда билдирилса-ю, фақат уни суд ёки хўжалик суди кўриб чиқишга қабул қилса. Бундай кўриб чиқиш қабул қилинмаса, даъво билдириш муддатида танаффус қилинмайди.

Даъво билдириш муддати қўйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

— шахсий номулкий ҳуқуқлар бузилишидан келиб чиқадиган талабларга (қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир);

— омонатчиларнинг омонатларни бериш ҳақида банкка билдириган талабига;

— фуқаронинг ҳаётига ёки саломатлигига етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги талабномага. Бироқ, даъво билдириш мuddати ўтгандан кейин билдирилган талаблар даъво билдиришдан кейин камида уч йил ичида қондирилади;

— қонунда белгиланган ҳолларда ва бошқа талабларга.

### 13-§. Мулк ҳуқуқи

Мулк ҳуқуқи ҳар қандай ҳуқуқий тизимнинг, шу жумладан бизнинг ҳуқуқимизнинг туб омили ҳисобланади.

Мулк эгаси мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларига эга. Мулк билан мулкчилик ҳуқуқини фарқлаш керак.

Мулк — иқтисодий тушунча, мулкчилик ҳуқуқи — ҳуқуқий тушунчадир. Мулк — бу кишилар ўртасида нарса-буюмлар хусусида бўлган муносабатлардир. Улар моддий неъматларнинг бир шахс (жамоа) томонидан ўзлаштирилиши ёки уларга тегишли бўлиши ҳамда тегишли равишда бу неъматларнинг барча бошқа шахслардан бегоналаштирилишидир.

Мулк ҳуқуқи субъектлари республика фуқаролари жамоалари ёки бирлашмалари, жамоа диний ташкилотлар, фуқароларнинг оилавий ва бошқа бирлашмалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари барча даражадаги халқ депутатлари Кенгашлари ва давлат бошқарувининг улар вакил қилиб юборган кишилари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар, юридик шахслар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги йўқ шахслар ҳисобланади.

Маълумки, мулк умумий мулк бўлиши ҳам мумкин. Мол-мулк умумий мулк дейилганда моддий неъматларнинг мансублигидаги шундай муносабатлар тушуниладики, бунда мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида бир вақтнинг ўзида бир неча кишига тегишли бўлади. Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат ихтиёрида бўлган мол-мулкни бирлаштириш йўли билан ҳосил бўладиган аралаш мол-мулкдан фарқли ўлароқ (бунда мол-мулкнинг янги ва бирдан-бир эгаси

янги хўжалик бирлиги бўлади), умумий мулкнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, ягона ҳуқуқ субъекти бўлмайди ва мол-мулк бир вақтнинг ўзида бир неча шахсларга тегишли бўлади; иккинчидан, у мулкчиликнинг мустақил шакли бўлмайди, балки мулкчиликнинг қандайдир бир мустақил шаклининг бир варианты, кўриниши бўлади.

Илгари амалда бўлган қонун умумий мулкчиликнинг йўл қўйилган вариантларининг аниқ бир рўйхатини назарда тутар эди. Мулк тўғрисидаги қонун мулкнинг барча шакллари тенглигига асосланиб, унинг ҳар қандай вариантларига йўл қўяди, лекин унинг иккита кўринишини фарқлайди, улушлари белгилаб чиқилган умумий мулк; улушлари белгилаб чиқилмаган улушли ёки биргаликдаги мулк.

Умумий улушли мулк шу томон билан ажралиб турадики, бунда аниқ бир мол-мулкка бўлган мулкчилик ҳуқуқи улушлар бўйича биргаликда бир неча шахсларга тегишли бўлади, яъни мол-мулк бўлинмайди, балки мулкчилик ҳуқуқи бўлинади. Мулк эгаларидан ҳар бири умумий мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатларининг муайян қисмига эга бўлади ва, демак, унга маълум даражада мулк эгасининг барча ваколатлари тегишли бўлади ва шу сабабли бу ваколатлар бутун мулк эгаларининг бирдамлиги асосидагина амалга оширилиши мумкин. Бундай бирдамлик бўлмаса, низони суд ҳал қилади.

Мол-мулкка бўлган ҳуқуқ улуши турли битимларнинг мавзуси (олди-сотди, инъом қилиш, мерос тариқасида бериш) бўлиши, шунингдек, қарз берувчилар даъволарининг объекти бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам мулк эгаси умумий мулкдаги ўз улушидан мустақил равишда фойдаланишга ҳақлидир. Бироқ, одатда, бундай битимлар қолган барча мулк эгалари манфаатларига ҳам дахлдор эканлигини ҳисобга олиб, қонун шу нарсани назарда тутадими, бундай ҳолларда мулк улуши муносабатлари бошқа иштирокчиларида асосан эгасиз қолган улушни харид қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади, яъни улушини бошқа шахсга умумий мулк ҳуқуқи асосида сотмоқчи бўлган мулк эгаси ўз улушини худди ўша нарх ва ўша шартлар билан бошқа мулк эгаларига олдиндан ёзма равиш-

да таклиф этиб чиқиши лозим. Агар улар улушни харид қилишга бўлган устивор ҳуқуқдан воз кечсалар ёки уни амалга оширмасалар — унга нисбатан бир ой ичида, бошқа мол-мулкка нисбатан эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида бажармасалар — у ҳолда сотувчи ўз улушини исталган шахсга сотишга ҳақлидир. Агар мулк эгаси ўз улушини бошқа аниқ бир мулк эгасига сотмоқчи ёки уни бегона шахсга совға қилмоқчи ёхуд бошқа мол-мулкка (уйни сотиш ҳолларидан ташқари) алмаштирмоқчи бўлса, устивор сотиб олиш ҳуқуқи вужудга келмайди.

Умумий улушли мулкни тўхтатиш учун асослар жумласига умумий мол-мулкни ажратиш ва тақсимлаш киради. Беришда мулк эгаларидан бири ажратган қисмининг умумий мулклиги тўхтайдди. Лекин мол-мулкни ажратиш шундай шарт билан амалга ошириладики, бу ажратиш мол-мулкнинг хўжалик аҳамиятига беҳисоб зарар етказмаслиги лозим, тураржой учун эса кирадиган йўлагини алоҳида бўлган қисм талаб қилинади ёки ажратиладиган қисм қайта жиҳозланиши йўли билан алоҳида хонага айлантирилишининг техник имконияти талаб этилади.

Тақсимлаш (бўлиш) улушларни, мол-мулкни «мулк» эгаларидан ҳар бирига ажратиш йўли билан амалга оширилади.

Умумий биргаликдаги мулк ҳам ўзлаштириш субъектларининг кўплиги билан ажралиб туради. Бу ўринда ҳам мол-мулк бир неча кишиларга тегишли бўлади, лекин улушлар аниқлаб чиқилмайди. Улар умумий мол-мулкка тенг ҳуқуқлар билан таъмин этилган бўлади, бу ҳол уларнинг алмаштириб бўлмаслигини назарда тутаяди. Биргаликдаги мулкнинг муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар қандай субъектлари ўртасида эмас, балки оилавий яқинлик билан боғланган кишилар ўртасида пайдо бўлиши мумкин. Эр-хотинларнинг биргаликдаги мол-мулкни, оилавий мулк умумий биргаликдаги мол-мулкнинг кўрнини ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва тўхтатилиши. Юридик фактлар мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва тўхтатилишига асос бўлиши мумкин. Нормал товар оборотида битта шахснинг конкрет мол-мулкка доир мулк ҳуқуқининг пайдо бўлиши бошқа

шахсининг бу мулкка бўлган мулкчилик ҳуқуқининг тўхтатилишини билдиради. Шунинг назарда тутиш керакки, айтилган бир юридик фактлар одатда мулк ҳуқуқининг пайдо бўлишига ҳам, унинг тўхтатилишига ҳам асос бўлиб қолади.

Мулк ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва тўхтатилиши асослари умумий ёки умумфуқаролик ва махсус асосларга бўлинади. Уларга қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш фаолияти натижасида янги нарса-буюмларнинг яратилиши; мевалар ва даромадларга мулкчилик ҳуқуқининг қўлга киритилиши; сотиб олувчининг нарсанинг эгаси ёки уни бегоналаштиришга вакил этилган шахс билан шартнома тўзиши (олди-сотди, мол етказиб бериш); бир томонлама битимлар (васият).

Махсус асосларга эгасиз мол-мулкни талаб қилиб олилмаган топилма, хазинани мусодара қилиш, унинг давлат мулкига ўтиши киради. Асосларнинг бу тури фақат қонун билан қатъий белгиланган мулк эгаларида мулкчилик ҳуқуқи вужудга келишига имкон беради.

Мулкчилик ҳуқуқи бошланадиган пайтти аниқ белгилаб олиш муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Одатда мулкчилик ҳуқуқи мол-мулкни ҳақиқатда топшириш пайтида вужудга келади, лекин бу қонундан қонун ёки шартнома билан ўзгартириш мумкин. Агар мол-мулкни мусодара қилиш ҳақидаги шартнома рўйхатдан ўтказилиши ёки нотариал йўл билан тасдиқланиши лозим бўлса, сотиб олувчида мулкчилик ҳуқуқи тегишли равишда давлат рўйхатидан ўтказиш ёки нотариал йўл билан тасдиқлаш пайтида вужудга келади.

Нарса-буюмлар турли усуллар билан берилиши мумкин: сотиб олувчининг ўзига топшириш йўли билан, уларни сотиб олувчи кўрсатган манзилгоҳга юбориш учун почтага топшириш йўли билан, тақсимлаш ҳужжатини (коносаментни) топшириш йўли билан.

Мулкчилик ҳуқуқининг ўтиш пайтини аниқлаш уни сотиб олиш вақтини белгилаш учунгина эмас, шу билан бирга тўсатдан вафот этиб қолган ёки мусодара қилинадиган нарсаларининг тасодифан бузилиб қолиши рўй берган тақдирда ким ҳақ тўлайди деган масалани ҳал қилиш учун ҳам муҳимдир, чунки

умумий қондаги кўра зарарни мулк эгаси тўлайди.

Мулкчилик ҳуқуқининг тўхталishi асослари мулк эгасига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган асосларга бўлинади. Боғлиқ асослар — булар мол-мулкни мусодара қилиш бўйича ёки пул маблағларини сарфлаш бўйича битимлар; нарса-буюмлар истеъмол қилиш; нарса-буюмларни йўқ қилишдир.

Мулкчилик ҳуқуқини тўхтатишнинг мулк эгасига боғлиқ бўлмаган асосларига қўйидагилар киради: мулкни мажбурий сотиш ёки мулк эгасидан унга жарима солиш тарзида тортиб олиш; табиий офат туфайли мол-мулкнинг зарар кўриши; мулк эгасининг хоҳишидан қатъи назар мол-мулкнинг виждонли харидор томонидан сотиб олиниши.

**Мулк шакллари.** Маълумки, ишлаб чиқариш муносабатлари характериға қараб мулкнинг қўйидаги шакллари (хиллари) фарқ қилади: ибтидоий жамоа шакли, феодал шакли, капиталистик ва социалистик шакллари. Бироқ айни бир жамиятда у ёки бу мулк шакллари ҳукмрон бўлганда, ўзлаштиришнинг турли усуллари мавжуд бўлади. Моддий неъматларни ўзлаштиришнинг уларни аниқ иқтисодий муносабатлар субъектларига бириктириб қўйишнинг ана шу усуллариға қараб мулк якка тартибдаги, гуруҳ (жамоа) тарзидаги ва ижтимоий (умумхалқ) мулки бўлиши мумкин.

Ривожланган бозор иқтисодиётиға мулкчиликнинг хилма-хил шакллари хосдир. Ҳатто социалистик типдаги мулк ичида ҳам одатда давлат, кооператив ва жамоат ташкилотлари мулки ажратиб кўрсатилган эди. Жамиятнинг иқтисодий базисида мулкчилик турли шаклларининг роли бир хил бўлмайди — бир хил шакллар унинг асосини ташкил этса, бир хиллари уни тўлдиради, бошқалари устунлик қилади, яъни ҳукмрон мавқега эга бўлади, яна бир хил шакллари эса иккинчи даражали аҳамият касб этади. Давлатнинг вазифаси эса у ёки бу мулкчилик шаклларининг юридик камситилишиға йўл қўймасдан турли мулк шаклларининг мавжуд бўлишида юридик шарт-шароитларнинг тенг бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Бу талабнинг назар-писанд қилинмаслиги шунга олиб келадикки, яқин вақтларгача бизда давлат мулки ҳукмрон мавқени эгаллаб турди. Бу ҳол ўз нав-

батида инсоннинг ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулотларидан бегоналашувига олиб келди, тараққиётдан ниҳоятда кам манфаатдор бўлган ходимни юзага келтирди.

1990 йил 31 сентябрда Республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган «Корхоналар тўғрисида»ги қонун (у 1993 йил 7 майдаги қонун билан тўлдирилди) мулк шакллари тизимига доир янгича ёндашувни мустаҳкамлади. Қонун фуқароларнинг мулкӣ мустақиллигини ва ҳимояланишини мулкчилик муносабатларига асос қилиб олади. Давлат фуқароларга ҳуқуқ ва мол-мулкни ҳадя этмайди, балки фуқаро ўз манфаатларидан келиб чиқиб, давлатга ўз ҳуқуқлари ва мол-мулкнинг бир қисмини топширади. Қонун мулкӣ муносабатларининг шундай поғонасини яратадики, у ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш муносабатларидан бегоналашувига барҳам беради, ҳуқуқларнинг тикланишини, ҳам хусусий мулкнинг, ҳам эркин равишда яратиладиган жамоа мулкнинг даҳлсизлигини таъминлайди.

Қонун мулкчиликнинг асосий шакллари сифатида хусусий, ширкат (жамоа), давлат ва аралаш мулкчилик шаклларини, шунингдек бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларга қарашли жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни мустаҳкамлайди.

Мулкчиликнинг санаб ўтилган шакллари юридик тушунчалар эмас, балки иқтисодий тушунчалар ҳисобланади. Уларни ҳуқуқий мазмун билан тўлдириш учун мулкӣ муносабатларнинг иштирокчиси бўлишга қодир аниқ бир субъектни белгилаб чиқиш зарур. Шу сабабли ҳуқуқий шакли мулкчилик шаклига мос келмайди ва қуйидаги тарзда шаклланади: мулк ҳуқуқи шакли бу моддий неъматларнинг муайян субъектларга мансублигини мустаҳкамлайдиган ва тегишли мол-мулкнинг ҳуқуқий режимини белгилайдиган ҳуқуқий нормалар (меъёрлар) жамидан иборатдир.

Мулк ҳуқуқи тизими қуйидагилардан ташкил топди:

- республика фуқароларининг хусусий мулкӣ ҳуқуқи ва хорижий фуқароларнинг мулкчилик ҳуқуқи;
- оилавий мулк ҳуқуқи, маҳалла мулкӣ ҳуқуқи ва юридик шахсларнинг мулкчилик ҳуқуқи;
- Ўзбекистон Республикаси давлат мулкчилик

ҳуқуқи ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар давлат мулкчилиги (коммунал мулкчилик) ҳуқуқи;

— ажнабий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг мулкчилик ҳуқуқи; ажнабий давлатлар, юридик шахсларнинг мулкчилик ҳуқуқи.

Ўзбекистон Республикасида Мулк тўғрисидаги қонуннинг 24 ва 26-моддалари қўйидаги тушунчаларни киритади: тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи ва давлат мулкни тезкорлик билан бошқариш ҳуқуқи; улар бегоналарнинг мол-мулкига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этишга доир мутлақ ваколатлардан иборат бўлиб, мулк эгасининг ҳуқуқларидан келиб чиқади ва унинг хоҳиши билан (ёки қонуннинг бевосита кўрсатмаси билан) вужудга келади, мулк ҳуқуқига нисбатан чекланган мазмунга эга бўлса ҳам, у билан баробар қонун билан ҳимоя қилинади.

Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи ишлаб чиқариш корхоналарига, тезкорлик билан бошқариш ҳуқуқи давлат муассасаларига берилади. Тезкорлик билан бошқариш ҳуқуқи тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига нисбатан бирмунча чекланган бўлади.

Мулк тўғрисидаги қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер, унинг конлари, ички сувлари, ҳаво ҳавзаси, ўсимликлар олами, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, моддий ва маънавий маданият буюмлари, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар, шунингдек хўжалик фаолиятининг натижалари (маҳсулот ва даромадлар) (агар қонунда ёки шартномада бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса) мулкка киритилиши мумкин.

Қонуннинг 1-моддасида айтилишича, мулк эгаси ўз ихтиёри билан ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид келмайдиган ҳар қандай хатти-ҳаракатни амалга оширишга ҳақлидир. Шунин билан бирга қонун мулк эгасига унинг ўзига берилган мулкчилик ҳуқуқини амалга оширишда ёлланма меҳнатдан белгиланган донрада фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Хусусий мулк мол-мулкка хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш натижасидир. Хусусий мулк мулк эгасининг шахсий меҳнатига ва ёлланма меҳнатни татбиқ этишга, яъни меҳнатни ташкил этишнинг мажбур этувчи шаклини эмас, балки

мулк эгаси билан эркин шартномага асосланган меҳнат негизда ташкил топиши мумкин.

Объектив маънода хусусий мулк ҳуқуқи — бу тегишли ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат натижаларининг фуқароларга тегишли эканлигини мустаҳкамловчи ва муҳофаза қилувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмундир, субъектив маънода — бу тегишли ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат натижаларининг аниқ фуқароларга мансублигини мустаҳкамловчи ва муҳофаза қилувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмундир.

Хусусий мулк ҳуқуқининг манбалари шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, тадбиркорлик, кичик ва қисман ўртача давлат, кооператив ва бошқа корхоналарни сотиб олиш, мол-мулкни ижарага олиш, кредит муассасаларига қўйилган маблағлардан олинадиган даромадлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, мерос бўйича ва бошқа асосларда қонун билан тақиқланмаган мол-мулкни харид қилишдир.

Хусусий мулк объектлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, чакана савдо соҳасидаги корхоналар ва мулкий мажмуалар ёки бошқа соҳадаги тадбиркорлик фаолияти, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмол аҳамиятига эга бўлган бошқа ҳар қандай мол-мулк бўлиши мумкин.

Ўзининг пай бадалини тўлиқ тўлаб бўлган тураржой, дала ҳовли, гараж ёки бошқа кооперативнинг аъзоси уй-жой, дала ҳовли, гараж ёки бошқа қурилиш, бино, фойдаланишга берилган хонага эгалик ҳуқуқига эга бўлади.

Давлат ва идора уй-жой фондига қарашли уйдан тураржой ёлловчи ва унинг оила аъзолари мулк эгасидан тегишли квартира ёки уйни (уйнинг бир қисмини) сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кўрсатиб ўтилган мол-мулк сифатида сотиб олингандан кейин фуқаро уни ўз ихтиёри бўйича тасарруф қилиш — сотиш, бировга васият қилиб қолдириш, ижарага бериш, гаров воситаси сифатида фойдаланиш, қонунга зид келмайдиган бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

Қонунда кўзда тутилишича, айрим объектлар ху-

сусий мулк бўлиши мумкин эмас. Бундай объектларнинг рўйхати қонун билан белгилаб берилган.

**Ширкат жамоа мулки ва унинг ҳуқуқий шакллари.** Жамоа мулки иқтисодий тушунча сифатида моддий неъматлар (мулк)нинг жамоага тегишли эканлигини, яъни ўзлаштиришнинг якка тартибдалигини эмас, балки жамоа шаклини билдиради. Бундай жамоа меҳнаткашлар жамоаси ҳам, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган ҳамкор эгалар жамоаси (ҳиссадорлар) ҳам бўлиши мумкин; бу жамоа доимий ва вақтинча жамоа бўлиши, ишлаб чиқариш ва соф маиший фаолият билан шуғулланиши мумкин. Юридик жиҳатдан жамоа мулкининг иқтисодий муносабатлари умумий мулк ҳуқуқида, юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқида ҳамда юридик шахсларнинг бошқа моддий ҳуқуқларида ифодаланади.

Умумий мулк ҳуқуқи учун ўзлаштириш субъектларининг кўп сонли эканлиги, яъни қатнашчиларнинг бирлашган мулкига нисбатаъ битта мулк ҳуқуқининг бир нечта субъектлари бўлиши хосдир. Қатнашчилар умумий мажбуриятлар бўйича ўзларининг бутун мол-мулки билан (фақат бирлашган мулк билан эмас) жавобгар бўладилар, бу жавобгарлик одатда уларнинг ҳиссаларига (улушларига) мутаносиб равишда бўлади.

Юридик шахснинг мулк ҳуқуқи ўзлаштириш субъектининг бирлиги билан ажралиб туради, чунки юридик шахс шу шахсларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки янги мустақил ташкилий тузилма ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг бошқа моддий ҳуқуқларига тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқи ва тезкорлик билан бошқариш ҳуқуқи киради.

«Ўзбекистон Республикасида мулк тўғриси»даги қонун умумий мулк ҳуқуқининг икки турини назарда тутди: оилавий мулкчилик ҳуқуқи ва маҳалла мулкчилиги ҳуқуқи.

Қонун оилавий мулк деб онла мулкни ҳисоблайди. У, шу жумладан, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари, онланинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган, онла аъзоларининг эҳтиёжларини биргаликда қондириш учун, ўй ва ёрдамчи хўжаликни юритиш ҳамда даромад олиш мақсадида қонун рўхсат этган бошқа фаолиятни юритиш учун зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Оилавий мулк ҳуқуқи эр-хотин ва бошқа оила аъзоларининг умумий мулк ҳуқуқидан, шунингдек уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган шахсий ва хусусий мулк ҳуқуқидан қарор топади.

Маҳалла мол-мулки—бу ўзини ўзи ижтимоий бошқариш идораларининг бошланғич бўғинлари—маҳаллалар ихтиёрида бўлган, улар фойдаланадиган ва тасарруф этадиган мол-мулкдан, маҳалла аҳолисининг мол-мулки ёки уларнинг биргаликдаги даромадлари, шунингдек мазкур мол-мулкдан хўжалик жиҳатидан фойдаланишдан тушган маблағлар, ихтиёрий бадаллар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар кўрсатадиган моддий ёрдам, халқ депутатлари Кенгашлари берадиган молиявий ресурслардан иборатдир.

Маҳалла мулк ҳуқуқининг субъектлари маҳалла аҳолисидир, маҳалла қўмиталари, бу мулкка тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида эгаллик қиладилар, фойдаланадилар, тасарруф этадилар.

Мулк тўғрисидаги қонунга биноан юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқи бир қанча турларга эга: ижара ва жамоа корхоналарининг мулкчилик ҳуқуқи; кооперативларнинг мулкчилик ҳуқуқи; ҳиссадорлик жамиятлари, бошқа хўжалик жамиятлари ширкатларининг мулкчилик ҳуқуқи; хўжалик ассоциацияларининг мулкчилик ҳуқуқи; жамоат ташкилотларининг мулкчилик ҳуқуқи; диний жамиятлар, жамғармаларнинг мулкчилик ҳуқуқи. Бунга хорижий юридик шахслар ва халқаро ташкилотларнинг мулкчилик ҳуқуқини, шунингдек хорижий иштирокчилар қатнашуви билан ташкил этилган қўшма корхоналарнинг мулкчилик ҳуқуқини ҳам киритиш мумкин.

Юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқи вужудга келиши учун асос янги мулкдор ташкилотлар ташкил этиш учун фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулкни ихтиёрий бирлаштиришдир, шунингдек олинган даромадлардан давлат мол-мулкни ҳақ тўлаб сотиб олиш учун фойдаланиш имконияти билан давлат корхоналарини ижарага олиш, давлат мол-мулкни жамоа мол-мулки қилиб тўғридан-тўғри сотиб олиш, давлат корхоналарини ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш, жамоат ташкилотларининг мулкни кичик бўлақларга бўлишдан иборатдир.

Ижара корхонасининг мулк ҳуқуқи. Жамоа мулк-

кининг мазкур турини ҳосил қилиш тартиби ижара ҳақидаги қонун билан тартибга солиб турилади. Бу ҳуқуқнинг субъекти — ижара корхонаси бўлиб, у давлаб корхонасининг меҳнат жамоасидан вужудга келади, бунинг учун дастлаб уни мустақил юридик шахс сифатидаги ижарачилар ташкилотига айлантириш, сўнгра бу ташкилотнинг корхона мақомини олишидир. Ҳуқуқ субъекти пайдо бўлишининг бундай тартиби шундай изоҳланадики, давлат корхонаси жамоаси ўз-ўзидан юридик шахс ҳисобланмайди — фуқаролик ҳуқуқи субъекти бўлмайди ва шу сабабли у билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузиб бўлмайди.

Давлат корхонасининг жамоаси мустақил юридик шахс деб эътироф этиладиган ижарачилар ташкилотини тузади, бу ташкилот эса мулк эгаси ёки у вакил қилиб юборган шахс билан корхонани ижарага олиш ҳақида шартнома тузади, кейин эса мазкур ташкилот ижара корхона мақомига эга бўлади.

Ижарага олинган давлат мол-мулки ижара корхонасининг мулки ҳисобланмайди. У мазкур мулкка тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига яқин ҳуқуқлар асосида эгалик қилади, фойдаланади, тасарруф этади. Бундан ташқари, ижара шартномаси билан ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш кўзда тутилиши, кейин эса ижара корхонаси меҳнат жамоасининг қарори билан у жамоа корхонасига, кооператив ҳиссасдорлик жамиятига ёки жамоа мулкчилиги асосида ҳаракат қиладиган корхонанинг бошқа турига айлантирилиши мумкин.

Ижара корхона мулк ҳуқуқининг объекти, унинг ишлаб чиқарган маҳсулоти, олган даромадлари ва улар ҳисобига сотиб олинган мол-мулк ҳисобланади. Ижара корхона мулкнинг муҳим қисми унинг меҳнат жамоаси аъзоларининг маблағлари ҳисобланади, улар корхона низомида назарда тутилган шартлар билан белгиланади.

**Жамоа корхонасининг мулк ҳуқуқи.** Жамоа корхонасининг мулки, юқорида айтиб ўтилганидек, бу корхона меҳнат жамоаси томонидан давлат корхонасини бевосита ҳақ тўлаб сотиб олиш натижасида, ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш ёки қонунда кўзда тутилган бошқа йўл орқали сотиб олиш йўли билан ҳосил бўлади. Бу ерда мулк ҳуқуқи субъек-

ти меҳнат жамоаси ёки унинг айрим аъзолари эмас, балки корхона жамоаси ҳисобланади.

Жамоа корхонаси мулк ҳуқуқининг объекти унинг бутун мол-мулки, шу жумладан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадлардир. Жамоа корхонаси мулкининг таркибий қисми унинг ходимлари қўшган ҳиссаси. Улар давлат ёки ижара корхонаси мол-мулкига қўшилган маблағлардан ва ходимнинг мазкур корхона тузилгандан кейин унинг мол-мулкни қўлайтиришга қўшган ҳиссасидан иборат бўлади, бу ҳисса ходимнинг корхона фаолиятидаги меҳнат иштироки билан белгиланади. Қўрсатиб ўтилган ҳиссага фонслар ўтказиб турилади ва тўланади. Ходимлар ҳиссасининг ажратилиши уларни улуш асосида мулк эгасига айлантормайди, чунки унинг қийматини фақат пул эквиваленти шаклида ва фақат жамоа корхонаси билан меҳнат муносабатини тўхтатгандан кейингина олиш мумкин.

**Кооператив мулк ҳуқуқи.** Жамоа мулки мазкур турининг субъекти кооператив мулк ҳисобланади. Кооператив мулкка бўлган мулкчилик ҳуқуқи тўлиқ ҳажмда фақат шу кооперативнинг ўзига тегишли бўлади ва унинг аъзолари ўртасида тақсимланмайди. Кооператив аъзолари кооператив тугатилган тақдирдагина унинг мол-мулкининг кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган тегишли қисминингина олишлари мумкин.

Айни вақтда шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, уй-жой, уй-жой қурилиш, дала ҳовли, гараж ёки бошқа матлубот кооперативининг аъзолари пай бадалини тўлиқ тўлаб бўлганларидан сўнг хонадон, дала ҳовли, гаражга, бошқа иморатга, кооператив томонидан унга фойдаланиш учун берилган хонага эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади, кооперативнинг ўзи эса фаолиятини тўхтатади ёки тегишли мол-мулк якка эгаларининг ширкатига айлантирилади.

Кооператив мулк ҳуқуқининг объектларига ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мол-мулк, шу жумладан кооператив маблағи ҳисобидан ташкил этиладиган ёки сотиб олинadиган бутун-бутун корхоналар ва ташкилотлар киради. Шу билан бирга, мазкур мол-мулк кооперативнинг низомда белгиланган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлган лозим.

Кооператив мулкнинг муҳим қисми унинг аъзолари тўлайдиган бадаллар ҳисобланади, бу бадаллар пул шаклида ҳам, шунингдек бошқа моддий шаклда ҳам бўлиши мумкин. Кооперативлар кредит муассасаларидан қарз олишлари, қимматли қоғозлар чиқаришлари мумкин, уларнинг умумий қиймати кооперативнинг йиллик ялпи даромадининг миқдоридан, ҳиссдорлик жамияти учун эса мол-мулкнинг бутун баланс қийматидан ошиб кетмаслиги керак. Ана шу қимматли қоғозларнинг эгалари айрим фуқаролар эмас, балки фақат мазкур кооперативда меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган аъзолар, юридик шахслар бўлиши мумкин.

Кооператив мулк ҳуқуқи объектларига, шунингдек, кооперативнинг хўжалик фаолияти натижасида олинган даромадлари, шу билан бирга уларнинг соф фойдасини ташкил этадиган қисми ҳам киради.

Матлубот кооперацияларида кооператив мулкни ҳосил қилишнинг асосий манбаи пай бадаллари ҳисобланади.

Республика қонунлари мол-мулкка бўлган ҳуқуқнинг мустақил субъекти бўлган кооператив иттифоқ тузиш мумкинлигини назарда тутди, бу мол-мулк умумий мулк ҳуқуқи асосида бу иттифоққа кирувчи кооперативларга тегишли бўлиши ёки бутун иттифоқнинг мулки бўлиши мумкин. Мулк эгаси сифатидаги иттифоқнинг ваколатлари фақат унга бериб қўйилган кооператив мол-мулкка тегишли бўлади.

**Хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг мулк ҳуқуқи.** Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ҳуқуқининг пайдо бўлиш манбаи уларга жамиятлар ва ширкатлар қатнашчилари томонидан улуш (ҳисса) сифатида берилган мол-мулк, шунингдек улар хўжалик фаолияти натижасида олган мол-мулк ҳисобланади. Хўжалик ширкати ва жамияти қатнашчиларининг ҳиссаси сифатида бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар, мол-мулкдан, ихтиродан, техника янгилиги ёки саноат сиридан, товар белгиси, саноат намунасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Ширкат, жамият даромадлар ҳисобидан ўзига зарур мол-мулк, шу жумладан корхоналар, ташкилот-

ларни сотиб олиши, уларнинг фаолиятига маблағлар қўйиши мумкин.

**Хўжалик уюшмаларининг мулк ҳуқуқи.** Хўжалик уюшмалари мулк ҳуқуқининг объекти уларга фақат ихтиёрий равишда ташкилотчи-таъсисчилар томонидан берилган мол-мулк ва ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган мол-мулк ҳисобланади, лекин уюшмага кирган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки бундай ҳуқуқ объекти бўла олмайди.

**Жамоат ташкилотларининг мулк ҳуқуқи.** Жамоат ташкилотлари бир бўғинли тузилмалар (китобсеварлар жамияти) шаклида ва кўп бўғинли тузилмалар (касаба уюшмалари) шаклида ҳам бўлади. Бир бўғинли тузилмалар яхлит ташкилот сифатида юридик шахс бўлишлари, бинобарин, мулк эгалари бўлишлари мумкин.

Кўп бўғинли тузилмалар яхлит ташкилот сифатида юридик шахс ҳисобланмайдилар. Юридик шахслар қуйидаги жамоат ташкилотларининг айрим бўғинлари бўлишлари мумкин: туман, шаҳар, баъзан бошланғич ташкилотлар. Мулк эгаси эса жамоат ташкилоти ҳисобланади. Уларнинг таркибий бўлинмалари тўла хўжалик юртиш ҳуқуқи асосида мол-мулкка эгаллик қиладилар, ундан фойдаланадилар ва тасарруф этадилар.

Жамоат ташкилотларининг асосий вазифаси тижорат мақсадларини эмас, балки сиёсий ва ижтимоий-маданий мақсадларни ҳал қилишдан иборат эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг мулкчилик ҳуқуқи объекtlари оdatда ноишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган объектлар ҳисобланади. Айни бир вақтда йирик жамоат ташкилотлари ўз ихтиёрларида ишлаб чиқариш корхоналарига, чунончи, босмаҳона, фабрика, ишлаб чиқариш устакхоналари ва ҳоказоларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Расмий аъзолик асосида қуриладиган жамоат ташкилотларининг мулкчилик ҳуқуқи объектларига аъзолик бадаллари ҳам киради. Жамоат ташкилотлари мол-мулкни шакллантиришнинг муҳим манбаи ташкилотлар ва фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари, маърузалар, кўргазмалар, спорт ва бошқа тадбирлар, лотереялар ўтказишдан тушган маблағлар, ишлаб чиқариш-хўжалик ва нашрчилик фаолиятидан,

тақиқланмаган бошқа фаолиятдан олинган даромадлардан тушумлар ҳисобланади.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, қонунчиликда давлат ва жамоат хавфсизлиги мулоҳазалари билан ёки халқаро шартномаларга биноан ўз ихтиёрида жамоат ташкилотлари бўлмайдиган мол-мулк турлари белгиланиши мумкин.

**Диний ташкилотларнинг мулк ҳуқуқи.** Ўзбекистон Республикасидаги мулк тўғрисидаги қонунда диний ташкилотларнинг мулкчилик ҳуқуқи субъекти тушунчасига таъриф берилмаган, лекин қонуннинг 9-моддаси 1-бандидан хулоса қилиш мумкинки, юридик шахс ҳисобланувчи ана шундай диний ташкилот бундай субъект бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар мулкчилик ҳуқуқи объектларига бинолар, диний буюмлар, диний ташкилотларнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўладиган ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия аҳамиятига эга бўлган объектлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар, шунингдек улар ўз маблағи, фуқаролар, ташкилотларнинг хайр-эҳсонлари ҳисобига сотиб олган ва яратган ёки давлат томонидан берилган, чет элларда жойлашган мол-мулклар киради.

**Давлат мулки ва унинг ҳуқуқий шакллари.** Давлат мулки ҳақида гапирганда шуни назарда тутиш керакки, бунда мазкур тушунча остида, биринчидан, умуман республика халқларига тегишли бўлган мол-мулк кўзда тутилади, давлат ваколатли ҳокимият органлари орқали ана шу халқлар номидан шу мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади; иккинчидан, у халққа эмас, балки фақат давлат аппаратиغا тегишли бўлган мол-мулкдир.

Ўзбекистон Республикасидаги мулк тўғрисидаги қонун давлат мулкини умумхалқ мулки нуқтаи назаридан олиб қарайди. Бинобарин, ана шу нуқтаи назардан қараганда, давлат мулкчилик ҳуқуқи объектив маънода моддий неъматларнинг республика халқларига тегишли эканлигини мустаҳкамлайдиган ва муҳофаза қиладиган ҳуқуқий нормаларнинг мажмуидан иборатдир, субъектив маънода — ана шу мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Аввалги Иттифоқ қонунлари давлат мулкининг аниқ субъектини белгилаб бермаган эди. «Давлат»

тушунчаси остида умуман олинган давлат кўзда тутилган, бу ҳол ҳақиқатда иттифоқдош республикаларнинг мустақиллигини ва уларнинг ҳудудда яшовчи халқларнинг манфаатларини тўла-тўқис инкор этишга олиб келган эди.

Мулк тўғрисидаги қонун мулкчилик муносабатларини тушунишга бўлган ёндашувларни тубдан ўзгартириб юборди. Давлат мулкчининг суверен субъектлари (эгалари) Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида, маъмурий-ҳудудий тузилмаларда истиқомат қилувчи халқлар, давлат мулкчилик ҳуқуқининг субъекти эса ана шу халқлар номидан иш кўрувчи халқ депутатлари тегишли Кенгашларидир. Шу билан бирга, хўжалик муносабатларида Кенгашларнинг ўзлари эмас, балки улар томонидан тузиладиган ва бунга вакил қилинган давлат бошқаруви идоралари, шунингдек тўла хўжалик юритиш ёки тезкорлик билан бошқариш ҳуқуқига эга бўлган мустақил юридик шахслар иштирок этадилар. Юридик шахслар мазкур ҳуқуқни амалга оширар эканлар, ўзларига давлат томонидан бериб қўйилган мулкка эгалик қиладилар, ундан фойдаланадилар ва тасарруф этадилар ҳамда бу мулкка нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай саъй-ҳаракатларни ўз хоҳишлари билан амалга оширадилар. Бу амалда мулк ҳуқуқи бўлиб, шу билан унинг барча қондалари ана шу мулкка ҳам татбиқ этилади.

Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқидан фойдаланадиган давлат корхоналарида, ташкилотларида солиқларни ва бошқа тўловларни тўлаб бўлгандан сўнг қолган фойда корхона, ташкилот жамоаси мулкига тушади ҳамда ана шу корхоналарнинг Низомига ва республиканинг қонунларига мувофиқ ишлатилади. Меҳнат жамоасининг аъзосига тегишли бўлган фойда миқдори унинг ҳиссасини ташкил этади, бу ҳисса корхона тугатилаётган вақтда меҳнат жамоасининг аъзоларига ёки унинг меросхўрларига тўланади, лекин бундан олдин бюджет, банклар ва бошқа қарз берувчилар билан ҳисоб-китоблар қилинади.

Шундай қилиб, мулк тўғрисидаги қонун давлат мулкчилик ҳуқуқининг қўйидаги шакллари назарда тутаяди: Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик ҳу-

қуқи, маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулк ҳуқуқи ёки, бошқача айтганда, коммунал мулк ҳуқуқи.

**Ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ва объектлари** ана шу шаклларни фарқлаш. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкчилиги субъекти халқ ҳисобланади, халқ номидан мулкчилик ҳуқуқини Олий Мажлис, Президент ва улар томонидан вакил қилинган давлат бошқаруви идоралари амалга оширадилар. Коммунал мулкнинг эгаси маъмурий-ҳудудий тузилмалар аҳолиси ҳисобланади, мулкчилик ҳуқуқини эса тегишли халқ депутатлари Кенгашлари амалга оширадилар.

Қонун Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларига ерни ва унинг конларини, ички сувларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, республика ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзасини, ҳокимият идоралари ва республика бошқарув идораларига қарашли давлат мулкни, халқларнинг маданий ва тарихий бойликларини, республика бюджети маблағларини, республика банкларини, суғурта заҳиралари ва бошқа жамғармаларни, давлат аҳамиятига эга бўлган корхоналарни давлат олий ўқув юртларини, ижтимоий-маданий соҳадаги объектларни ҳамда республиканинг суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлайдиган бошқа давлат мол-мулкни кирилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига маҳаллий бюджет ҳисобидан ташкил этилган ва сотиб олинган мол-мулк, шунингдек давлат мулки қилиб берилган ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган мол-мулклар киритилади.

Қонун шунини белгилаб берадики, давлат мулкчилик ҳуқуқи субъектлари бир-бирларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар, балки ўз мол-мулкларига мустақил жавобгар бўладилар: бир-бирларининг олдида ўзаро мулкий жавобгарлик имконияти ҳам назарда тутилади.

Хорижий фуқаролар, хорижий юридик шахслар, шунингдек хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкига эга бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Хорижий давлатлар республика ҳудудида корхоналар ташкил этишлари, мол-мулк харид қилишлари, шу жумладан қимматли қоғозлар ҳам сотиб олиш-

лари мумкин. Улар томонидан ташкил этиладиган корхоналар республика юридик шахслари ва фуқаролари билан улуш қўшиш асосида ҳам, шунингдек фақат чет эл капитали маблағлари ҳисобига ҳам ташкил этилиши мумкин.

Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар дипломатик, консуллик, ижтимоий-маданий ва бошқа халқаро муносабатларни амалга ошириш учун зарур бўлган мол-мулкка эга бўлишга ҳақлидирлар.

**Давлат мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари.** Давлат мулки қуйидагилар натижасида ҳосил бўлади:

— ишлаб чиқариш жараёнида мол-мулкнинг ташкил этилиши;

— республика ички оборотига ва ташқи савдога тааллуқли бўлган турли битимлар тузилиши;

— солиқлар тўлаш, йиғимлар, молиявий органларга бойликларнинг топширилиши;

— қонун бўйича мерос олиш, мусодара қилиш, мол-мулкнинг эгасиз деб топилиши, ҳақиқий бўлмаган битимлар бўйича олинган ёки ҳисобга киритилган мол-мулкни давлат даромади ҳисобига ўтказиш.

Давлат мулк ҳуқуқи пайдо бўлишининг асосий усули ишлаб чиқариш ҳисобланади. Гарчи бевосита ишлаб чиқарувчи-корхона ҳисобланса-да, ишлаб чиқарилган маҳсулотга эгаллик ҳуқуқи мулк эгаси бўлган давлат қўлида бўлади, корхона эса тўлиқ хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Давлатда мулк ҳуқуқини пайдо қиладиган битимларга биринчи навбатда шартномалар киради. Мулкчилик ҳуқуқи, шунингдек, васият қилиб қолдириш, давлатга инъом қилиш, давлат заёмини ва пул-буюм лотереяларини амалга ошириш натижасида ҳам вужудга келади.

Агар вафот этган кишининг меросхўри бўлмаса ёхуд у мол-мулкни қабул қилмаса, ёки васият қилувчи томонидан мол-мулкдан маҳрум этилган бўлса, мол-мулк мерос тариқасида давлат мулки қилиб ўтказилади.

Мусодара ва реквизиция қилиш натижасида ҳам мулк ҳуқуқи вужудга келади. Мусодара дейилганда ҳуқуқбузарлик қилганлик учун мол-мулкни санкция сифатида давлат мулки сифатида мажбурий равишда қайтариб берилмайдиган қилиб тортиб олиш тушу-

нилади. Реквизиция мазкур мол-мулкнинг ҳақи тўланган ҳолда давлат фойдасига мулк эгасидан мажбурий равишда тортиб олиншидир. Мусодара қилиш—жазо чорасидир. Реквизиция жамиятнинг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари туфайли келиб чиқади.

Давлат мулкчилик ҳуқуқининг келиб чиқиши учун асосларга мол-мулкнинг эгасиз деб эътироф этилиши кирати, бундай мулкнинг эгаси бўлмайди ёки мулк эгаси номаълум бўлади. Мулк эгасининг ундан воз кечиши натижасида, шунингдек мулк эгаси қонун кучи натижасида бу мулкка эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлса (гаровга қўйган нарсасини ўз вақтида олмаса) бунинг натижасида эгасиз мол-мулк пайдо бўлади.

Эгасиз мол-мулк молия идорасининг аризаси бўйича чиқарилган суд қарори билан давлат мулки қилиб ўтказилади, бундай ариза мол мулк ҳисобга олинган кундан бошлаб бир йил муддат ўтгандан кейин берилади.

Агар иморатнинг эгаси бошқа ерда истиқомат қилиб ва иморат ҳақида ғамхўрлик қилмаса ҳам у эгасиз деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Белгиланган муддатда талаб қилиб олинмаган қаровсиз чорва моллари, топилма ва хазина ҳам эгасиз мол-мулк турлари қаторига қиради.

Топилма — эгаси томонидан йўқотиб қўйилган ва бошқа киши томонидан топиб олинган нарса-буюмдир. Уни топиб олган киши дарҳол бу ҳақда уни йўқотган кишига хабар бериши ва топган нарсасини унга қайтариб бериши керак. Агар нарсасини йўқотган киши маълум бўлмаса, уни топиб олган киши милицияга ёки ҳокимиятга топшириши шарт. Агар нарса-буюм муассасада, корхонада ёки транспортда топиб олинган бўлса, топиб олган киши уни ташкилот маъмуриятига топшириши керак, ташкилот эса икки кун муддат ичида уни милиция ёки ҳокимиятга топширади. Милиция ёки ҳокимият нарсани олти ой муддат сақлаб турадилар, ана шу муддат ўтиб бўлгандан кейин нарсанинг эгаси топилган тақдирда ҳам у эгасига қайтарилмайди. Нрсани топиб олган киши уни йўқотган шахсдан, нарса давлатга ўтган тақдирда эса тегишли ташкилотдан уни

сақлаш ва топшириш билан боғлиқ бўлган чиқимларни қайтариб олишга ҳақлидир.

Хазина — ерга кўмиб қўйилган ёки бошқача усул билан яширилган пул (олтин ва кумуш тангалар) ёки қимматбаҳо нарсалар, қимматбаҳо тошлар: марварид, қимматбаҳо металл қуймалар бўлиб, уларнинг эгаси топилмаслиги ва қонун кучи билан унга эгаллик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган бўлиши мумкин. Топилган хазина давлат мулки ҳисобланади ва маҳаллий молия идорасига топширилиши лозим. Хазинани топиб олган кишига молиявий идора топширилган нарсалар қийматининг 25% миқдорида мукофот беради. Бу мукофот хазина қиймати аниқланган кундан бошлаб бир ой муддат ичида тўланади. Агар хазинани қазиб олиш ва излаш ишлари шахснинг вазифалари доирасига кирса, мукофот тўланмайди.

Қаровсиз қолган ёки дайдиб юрган чорва молни ушлаган киши уни дарҳол эгасига қайтариши ва уч кун муддат ичида милиция ёхуд ҳокимиятга топшириши шарт. Агар қорамолнинг эгаси олти ой муддат ичида, майда молларнинг эгаси икки ой ичида топилмаса, бу моллар давлат мулки бўлиб қолади.

**Мулк ҳуқуқининг кафолати ва унинг ҳимоя қилиниши.** Давлат мулкий муносабатларининг барқарор бўлишини кафолатлайди, фуқаролар, ташкилотлар ва бошқа мулк эгаларига баравар ҳимоя шарт-шароитларини таъминлаб беради. Мулкчилик ҳуқуқи деярли барча ҳуқуқий тармоқлар билан ҳимоя қилинади, лекин бу ўринда фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари алоҳида ўрин тутади.

Мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситалари етарли даражада хилма-хилдир. Улардан асосийлари қуйидагилардир: мулк эгасининг ўз мулкини бегона ғайри қонуний эгаликдан талаб қилиб олиши (виндикацион даъво); мулк эгаси ҳуқуқининг ҳар қандай бузилишига барҳам берилишини талаб қилиш, гарчи бу бузилишлар эгалик қилишдан маҳрум этилиш билан бирга қўшилмаган бўлса ҳам (негатор даъво); мулк эгасининг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш; мулк эгаси ҳуқуқини бузган давлат бошқаруви идораси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идорасининг ҳаракатини суд ёки хўжалик суди томонидан қонунчиликка тўғри келмайдиган, деб эътироф этилиши.

Виндикацион даъво мулкчиликни ҳимоя қилишнинг энг қадимги ва самарали фуқаролик-ҳуқуқий усулларидан биридир. Унинг номи «куч ишлатишни эълон қиламан» деган латинча сўзлардан келиб чиққан.

Виндикацион даъвони фақат мулк эгаси ёки тўла ҳужалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар билдиришга ҳақлидир. Бунда нарса йўқотилган дейилганда унинг ўғирлаб кетилиши, йўқолиши ёки мулк эгасининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра (нарсани кимгадир сақлаш учун берилган, у бўлса нарсани йўқотиб қўйган) мулк эгасининг ихтиёрида эмаслиги тушунилади. Даъво мавзуи фақат табиий ҳолда сақланадиган яқка тартибдаги муайян нарса бўлиши мумкин, чунки виндикациянинг мазмуни нарсага эгаллик қилишнинг тикланишини талаб қилишдир, уни бошқа нарсалар ёки шунга ўхшаш ва сифати ҳам бир хил нарса билан алмаштириш эмас.

Виндикацион даъво фақат ғайри қонуний эгаллик қилувчига билдирилиши, яъни мулкни эгасидан сотиб олмаган (қўлга киритмаган) шахсга билдирилиши мумкин. Нарсани қўлга киритганлар ҳалол ва ноҳалол одамлар бўлиши мумкин. Ҳалол қўлга киритувчилар нарсани буюмни кимдан олганлигини билмаслиги, унинг эгасини мулкдан маҳрум қилиб қўйишини билмаган бўлиши мумкин. Ноҳалол қўлга киритувчиларга бу нарсанинг эгаси унга эгаллик қилиш ҳуқуқига эга эканлигини билса ҳам уни олаверган кишилар киради. Ноҳалол қўлга киритганлардан мол-мулк барча ҳолларда талаб қилиб олиш муддати доирасида талаб қилинади, ҳалол қўлга киритганларда фақат фавқулодда ҳолларда бўлади.

Виндикацион даъво бўйича ҳалол қўлга киритувчидан мол-мулкни талаб қилиб олиш икки ҳолда мумкин бўлади: биринчидан, агар мол-мулк унга қайтариб берилмайдиган қилиб ўтган бўлса (ҳадя қилиш, мерос тариқасида); иккинчидан, агар мол-мулк унга эгаси томонидан йўқотилганлиги ёки эгаллик қилиш учун берилган киши йўқотганлиги, мулк эгасидан ёки берилган кишидан ўғирлаб кетилганлиги учун бошқа шахсга ўтиб қолса; мулк эгаси қўлидан ёки кўрсатиб ўтилган шахслардан уларнинг хоҳишидан ташқари йўқ бўлса (туфон, сув тошқини туфайли).

Агар мулк эгаси ўз буюмини бирор кишига ишониб топширса-ю, у уни виждонли харидорга сотган бўлса, энди буюмни бу кишидан талаб қилиб олиш мумкин эмас. Ҳалол харидордан пул ва қимматли қоғозларни талаб қилиб олиш ҳам мумкин эмас, ҳа-то бу мулк унинг эгаси ёки бошқа кишига берилган бўлса, бу киши ихтиёридан чиқиб кетадиган бўлса ҳам. Агар ҳалол харидорга мулк суд қарори билан белгиланган тартибда сотилган бўлса (мусодара қилинган мулкнинг кимошди савдосида сотилиши), ундан бу мулкни талаб қилиб олиб бўлмайди.

Агар нарса-буюм фойда келтирадиган бўлса мулк эгаси нарсанинг эгасидан олинган ёки олиниши мумкин бўлган даромадни ҳам талаб қилишга ҳақлидир. Ноҳалол қўлга киритган киши мулк эгасига бу мулкка эгалик қилган барча давр учун даромадни қайтариб бериши, ҳалол қўлга киритган киши эса фақат мулкни нотўғри эгалик қилаётганини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб қайтариб бериши лозим бўлади.

Нарсани сотиб олган киши ўз навбатида мулк эгасидан нарсани нормал ҳолатда сақлагани ва асраб қўйгани билан боғлиқ чиқимларни қайтариб бериши талаб қилишга ҳақлидир. Нарсанинг сифатини яхшилашга ва унинг қимматини оширишга сарфланган фойдали чиқимлар ноҳалол қўлга киритган кишига қайтариб берилмайди. Ҳалол қўлга киритган киши бу такомиллашувларни ўзида сақлаб қолиши, агар бунинг иложи бўлмаса, ўзи қилган чиқимларни талаб қилишга ҳақлидир, лекин нарсанинг қимматини ошириш миқдоридан бу харажат ортиб кетмаслиги керак.

Фуқаролик кодексининг 167-моддасида айтилишича, мулк эгаси агар ўзининг ҳуқуқлари бузилиши эгалик қилишдан маҳрум этиш билан бирга қўшилмаган бўлса, бу ҳар қандай бузилишларни тузатишни талаб қила олади. Бу хилдаги бузилишларга мол-мулкдан фойдаланиш имконини бермайдиган ёки уни қийинлаштирадиган хатти-ҳаракатлар киради, бу билан мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи бузилади.

Негатор даъво билдириш ана шундай нуқсонларни тузатиш имконини беради. У ҳам мулкчиликни ҳуқуқий ҳимоя этиш соҳасидаги энг қадимги ва Рим

папасига маълум бўлган усуллардан бири эди. Мазкур даъво мулкчилик ҳуқуқини амалга оширишга ҳақиқат берувчи тўсиқларни барҳам топтириш ҳақидаги талабномадан иборатдир. Негатор даъво билдириш учун ғайри қонуний ҳаракатлар қилган шахснинг хатти-ҳаракатлари айбли бўлишининг аҳамияти йўқ. Негатор даъво учун даъво билдириш муддати тааллуқли бўлмайди, чунки бузилишнинг ўзи чўзилувчи тусда бўлади.

Мол-мулкни ғайри қонуний эгалик қилишдан талаб қилиб олиш ҳуқуқи ёки унинг ҳуқуқи бузилганлигини тузатишни талаб қилиш ҳуқуқи (гарчи улар эгалик қилиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам) фақат мулк эгасига тегишлидир, лекин бундай ҳуқуққа қонун кучи ёки эгалик қилиш шартномаси туфайли эгалик қилаётган киши (ёлловчи, тижоратчи, юк ташувчи, сақловчи) ҳам эгадир.

Мулк ҳақидаги қонун мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг янги усулини — давлат идораларига уларнинг мулкчилик ҳуқуқини бузувчи қарорлари қонунийлиги ёки қонуний эмаслиги ҳақида эътироз билдириб, даъво қилишни жорий эди. Мазкур усулнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бундай талабномалар бўйича жавобгарлар сифатида ҳукмронлик ваколатига эга бўлган давлат идоралари, яъни давлат майдонга чиқади. Эндиликда мулкчилик ҳуқуқини фақат фуқаролар ва ташкилотлардан эмас, балки давлатнинг ўз идоралари орқали мулкка нисбатан ўзини оқламайдиган аралашувидан ҳимоя қилиш имкони пайдо бўлди.

Қонун давлат идораларига даъво билдиришнинг икки турини назарда тутди: давлат бошқаруви идорасининг қонун билан йўл қўйиладиган асослар бўйича мулкчилик ҳуқуқининг тўхталишига сабаб бўлувчи ҳужжатига (ер участкасининг тортиб олинишига) эътироз билдириш тўғрисида ва давлат бошқаруви идораси ёки ҳатто давлат ҳокимияти маҳаллий идорасининг мулк эгаси ёки бошқа қонуний эгалик қилувчининг ҳуқуқини бузувчи ёки тўхтатиб қўювчи ҳужжатига эътироз билдириш ҳақидаги даъволар.

Агар янги ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинадиган бўлса, мулкчилик ҳуқуқи тўхтатилади, кўрилган зарар-

лар суд қарори билан тўла ҳажмда ундириб берилди.

Мулк эгасининг уйи қурилган ёки бошқа иморатлар барпо этилган, дарахтлар экилган ер участкасининг тортиб олиншига қонунда кўзда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Агар мулк эгаси ўзининг ана шу объектларга бўлган мулкчилик ҳуқуқидан маҳрум этилиши билан келишмаса, жанжални суд қарори билан ҳал қилмагунча мулкчилик ҳуқуқининг тўхтатилишини амалга ошириш мумкин эмас.

Мулк тўғрисидаги қонунга мувофиқ мулк эгасидан мулкнинг тортиб олинши қонунда кўзда тутилган тартибда мулк эгасининг мажбуриятлари бўйича унинг мол-мулкига жарима солинган тақдирдагина содир бўлиши мумкин.

Тибий офатлар, фавқулодда ҳолатлар юз берган ва шу каби ҳолларда мол-мулк жамият манфаатлари йўлида қийматини тўлаш йўли билан тортиб олинши мумкин. Мол-мулкка содир этилган жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик учун санкция тарзида суд, хўжалик суди ёки бошқа идоранинг қарори билан ҳам тортиб олинши мумкин.

Агар давлат бошқаруви ёки маҳаллий ҳокимият идорасининг қонунга хилоф ҳужжат чиқариши натижасида мулк эгасининг ёки эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқи бузилган тақдирда бундай ҳужжат мулк эгаси ёки ҳуқуқи бузилган шахснинг даъво билдириши асосида ҳақиқий эмас, деб топилади. Қўрилган зарарлар тегишли ҳокимият ёки бошқарув идораси ихтиёрида бўлган маблағлар ҳисобидан тўлиқ ҳажмда қопланиши керак.

#### 14- §. Мажбурият ҳуқуқи

Мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар. Мажбуриятлар бу фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, улар мол-мулкни топшириш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, зарар келтириш ёки мол-мулкни асоссиз равишда қўлга киритиш билан боғлиқ ҳолда қарор топади, бу муносабатлар натижасида битта томон бошқасидан муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширишни ёки қандайдир хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Маълумки, мажбурият муносабатлари мулкӣ ҳусусиятга эга бўлади, лекин номулкӣ муносабатлар ҳам булиши мумкин.

Мажбуриятнинг мазмуни ҳуқуқлар ва вазифалардан иборат бўлади. Қимнинг ҳуқуқи бўлса, у кредитор (қарз берувчи), қимнинг вазифалари бўлса, у қарздор деб аталади.

Мажбуриятлар вужудга келиш асосларига биноан шартномавий ва шартномадан ташқари мажбуриятлар (бир томонлама битимлар, маъмурий ҳужжатлар, зарар етказиш, мол-мулкни асоссиз равишда қўлга киритиш ёки сақлаб туриш) бўлади, томонлар ўртасида ҳуқуқлар ва вазифаларнинг тақсимланишига кўра оддий ва ўзаро мажбуриятлар бўлади. Оддий мажбуриятларда битта томон фақат ҳуқуқларга, иккинчи томон мажбуриятларга эга бўлади, ўзаро мажбуриятларда эса ҳар бир томон ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади. Ҳуқуқий алоқаларнинг миқдорига қараб мажбуриятлар оддий ва мураккаб мажбуриятларга бўлинади. Оддий мажбуриятларда битта ҳуқуққа битта вазифа тўғри келади, иккинчи, яъни мураккаб мажбуриятда бир неча ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғри келади.

Шунингдек, мажбуриятлар муқобил ва факультатив мажбуриятларга, асосий ва қўшимча мажбуриятларга бўлинади. Муқобил мажбуриятда қарздор кўзда тутилган бир неча мажбуриятдан биттасини амалга ошириши лозим. Факультатив мажбуриятда қарздорга мажбуриятни алмаштириш (ишни бажаришни мол-мулкни топшириш билан алмаштириш) ҳуқуқи берилади.

Асосий ва қўшимча мажбуриятлар бир-бири билан боғланган бўлади. Асосий мажбуриятнинг тўхтатилиши қўшимча мажбуриятни ҳам тугатади.

Мажбуриятлар орасида регресс мажбуриятлар ҳам кенг тарқалган бўлиб, бундай мажбуриятлар дейилганда шундай мажбуриятлар назарда тутиладики, улар туфайли кредитор қарздордан ўзига у учинчи шахсга берган мол-мулкни топширишни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Мажбуриятларнинг вужудга келиши учун асослар — битимлар, маъмурий ҳужжатлар, бошқа шахсга зарар етказиш, етарли асос бўлмаган ҳолда бошқа шахс ҳисобидан мол-мулкни сотиб олиш ёки сақлаш,

фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа хатти-ҳаракатлари ҳисобланади.

Битимлар орасида шартномалар муҳим ўрин эгаллайди. Айрим мажбуриятлар бир томонлама битимлардан келиб чиқади (ёдгорлик ўрнатиш учун лойиҳа яратишга танлов эълон қилиш, васият қилиш; васиятда шундай фармойиш бериладигани, у васият бўйича меросхўрга бир неча шахслардан биттасинин фойдасига қандайдир мажбуриятни бажариш топширилади).

Мажбуриятларни келтириб чиқарадиган маъмурий ҳужжатлар қаторига уй-жой майдонини тақсимлаш тўғрисидаги қарорлар (ордер) киради.

Зарар етказиш, етарли асос бўлмагани ҳолда бошқа шахс ҳисобидан мол-мулкни сотиб олиш ёки сақлаш мажбуриятларини келтириб чиқарадиган юридик фактлар ҳисобланади.

Мажбуриятларнинг пайдо бўлиши учун бошқа асосларга давлат манфаатлари йўлида амалга ошириладиган фаолият (бунинг натижасида шахс зарар кўради), топшириқсиз бошқа шахс манфаати йўлида амалга ошириладиган фаолият ҳам киради.

Умумий қоидага кўра мажбуриятда икки томон бўлади; кредитор ва қарздор. Лекин шундай мажбуриятлар ҳам борки, унда томонларнинг сони иккитадан ортиқ бўлади, улар кўп шахсли мажбуриятлар деб аталади. Улар улушли ва бирдамлик мажбуриятларига бўлинади.

Мажбурият олганлар кўп бўлганда (пассив кўпчилик) улушли мажбурият шундан иборат бўладигани, унда қарздорлардан ҳар бири кредиторга ўз соҳаси бўйича муайян ишни бажариб бериши лозим бўлади.

Кредиторлар кўп сонли бўлганда (фаол кўпчилик) ҳар бир қарз берувчи қарздордан ўз фойдасига қонунда белгиланган ёки шартномада кўзда тутилган умумий мажбуриятдаги улушни бажариб беришни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Улушли мажбурият (агар қонунда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса) кўп шахслар иштирок этадиган ҳар қандай мажбурият бўлиши мумкин.

Бирдамлик мажбуриятлари уч турда бўлади: битта кредитор — бир неча қарздор (бирдамлик мажбурияти); битта қарздор бир неча кредитор (бирдам-

лик талаби); бир нечта қарздор ва бир нечта кредитор (аралаш бирдамлик).

Бирдамлик мажбуриятларидан энг кўп тарқалгани биринчи турдаги мажбуриятдир, бунда кредитор барча қарздорлардан биргаликда, шунингдек улардан ҳар бирдан алоҳида мажбуриятлар бажаришни ҳам тўлиқ, ҳам қарзнинг қисмлари бўйича талаб қилишга ҳақли бўлади.

Фаол бирдамликда ҳар бир кредитор қарздордан тўлиқ ҳажмда мажбурият бажаришни талаб қилишга ҳақлидир. Битта кредитор ҳисобига мажбуриятларни бажариш бошқаларнинг талабларини йўққа чиқаради. Қарзни олган кредитор эса бошқа кредиторларга унинг улушини тўлаши шарт (агар уларнинг муносабатларидан бошқа нарсалар келиб чиқмаса).

Субсидия мажбуриятлари ҳам бўлади (қўшимча мажбурият). Уларнинг моҳияти шундан иборатки, қўшимча қарздорга, агар борди-ю, қарздор охиригидан муддатда лозим бўлган мажбуриятларини бажармаса, унинг мажбуриятини адо этиш топширилади. Бу бамисоли асосий мажбурият бўйича ижронинг таъмин этилиши кафолати бўлади.

Қонун мажбуриятдаги кредиторни ҳам, қарздорни ҳам алмаштиришни (ҳуқуқий ворислик) назарда тутлади. Лекин шундай мажбуриятлар ҳам борки, улар қатъиян шахсий тусда бўлади (рассомнинг расм ишлаб бериш учун олган мажбурияти).

Янги қатнашчининг ҳуқуқий муносабатга киришуви умумий бўлиши мумкин, бунда ҳуқуқий ворисга ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бутун мажмуи ўтади. Шунингдек, янги қатнашчининг ҳуқуқий муносабатга киришуви хусусий бўлиши ҳам мумкин, бунда ҳуқуқий ворисга битта ҳуқуқ ёки битта вазифа ўтади, ёки унис ҳам, буниси ҳам мулкни топширувчининг бошқа мулкдан ажралган ҳолда ўтади. Мажбуриятдаги шахсларнинг ана шундай алмаштирилиши битимлар асосида амалга оширилади, улар талабни ён бериш ва бурчни ўтказиш деб аталади.

Талабни ён бериш — кредитор билан янги шахс ўртасида бу шахсга қарздордан талаб қилиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги битимдир. Бундай битим қонунга, шартномага ёки мазкур талабнинг шахсий хусусиятига зид келмаса амалга ошириши мумкин. Қарздорнинг ана шундай битимга розилиги талаб қилинмайди,

чунки унинг манфаатларига даҳл қилинмайди, лекин у бўлиб ўтган битимдан хабардор этилиши лозим.

Бурчни ўтказиш деганда кредитор, қарздор ва учинчи шахс ўртасида қарздорни бу шахс билан алмаштириш ҳақидаги битим тушунилади. Кредиторнинг битимда иштирок этиши зарур шартдир, чунки унга қарздор ким бўлиши бефарқ эмас. Бурчни бошқага ўтказиш ва талабни ён бериш ҳақидаги битим ёзма равишда амалга оширилган битимга асосланган бўлиб, ёзма шаклда бўлиши лозим.

**Шартнома, унинг турлари ва шакллари.** Шартнома фуқаролик-ҳуқуқий битимларнинг турларидан бири ҳисобланади. Унинг фарқ қилувчи хусусияти шуки, у иккита ёки кўп томонлама битимдан иборат бўлади. Шартнома мажбуриятлар пайдо бўлишининг энг муҳим асосларидан биридир. Айрим шартномалар мулкчиликка доир ҳуқуқий муносабатларни, тўла ҳўжалик юритишга доир муносабатларни вужудга келтиради. Бир қатор ҳолларда улар шахсий номулкий муносабатларни келтириб чиқаради (муаллифлик шартномаси).

Шартнома корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар ўртасида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳўжалик муносабатларининг асоси ҳисобланади. Фуқаролар ўзларига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш вақтида, ташқи савдо-сотиқда шартнома шаклидан фойдаланадилар.

Шартноманинг мазмуни уни тузиш вақтида томонлар келишиб олган шартларнинг мажмуидир. Шартлар муҳим, оддий, тасодифий шартларга бўлинади. Барча муҳим шартлар бўйича бир битимга келинган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Бундай шартларга шартноманинг шундай шартлари кирадики, улар қонун бўйича эътироф этилган ёки мазкур турдаги шартномалар учун зарур бўлади; шунингдек, шундай шартларнинг ҳаммаси кирадики, улар бўйича томонлардан бирининг аризаси билан битимга келинган бўлиши лозим. Оддий шартлар келишиб олишга муҳтож бўлмайди, улар қонунда кўзда тутилган бўлади ва шартноманинг бир қисми ҳисобланади. Тасодифий шартлар эса томонларнинг ўзлари томонидан қайд этилади.

Шартномалар бадалли ва бадалсиз бўлади. Бадалли шартномада бир томоннинг бажариши иккин-

чи томоннинг талаби муқобил қондирилишига мос келади. Бадалсиз шартномада талабнинг муқобил қондирилиши бўлмайди. Фуқаролик ҳуқуқи шартномаларининг кўплари бадалли шартномалар ҳисобланади.

Ҳуқуқ ва вазифаларнинг пайдо бўлиш вақтига қараб шартномалар консенсуал ва ҳақиқий шартномалар бўлади. Консенсуал шартномаларга шундай шартномалар кирадик, бунда ҳуқуқлар ва вазифалар бевосита томонлар битимга келишгандан кейин пайдо бўлади (олди-сотди, мулкий ёллаш). Шартномаларнинг иккинчи гуруҳига шундай шартномалар кирадик, бунда ҳуқуқлар ва вазифалар бир томоннинг мол-мулкни иккинчи томонга берган вақтидан кейин вужудга келади (темир йўлда юк ташиш шартномаси, қарз бериш шартномаси). Айрим шартномалар муайян шаклга; ёзма ёки нотариал шаклга киргандан кейин амалга ошган, деб ҳисобланади.

Томонлар дастлабки шартнома ва учинчи шахс фойдасига ҳам шартнома тузишлари мумкин.

Дастлабки шартнома бўйича томонлар келгусида моллар бериш, ишларни бажариш ва дастлабки шартномада кўзда тутилган бошқа шартлар асосида шартномалар тузиш мажбуриятини оладилар.

Учинчи шахс фойдасига шартномани бажаришни шартнома тузган шахс, шунингдек бажариш кимнинг фойдасига амалга оширилиши шартлашиб олинган бўлса, ўша учинчи шахс талаб қилиши мумкин. Масалан, суғурта шартномаси бўйича томонлар қуйидагилар ҳақида шартлашиб олишга ҳақлидирлар: суғурта ҳолати бошланиши билан ёки кўрсатиб ўтилган вақт тугагандан кейин суғурта ташкилоти ё суғурта қилинган кишининг ўзига ёхуд учинчи шахсга муайян суммани тўлаши шарт.

Шартномалар ижтимоий-ҳўжалиқ вазифасига кўра қуйидагича бўлиши мумкин: мол-мулкни мулк сифатида беришга, тезкорлик билан бошқариш ёки тўла ҳўжалиқ юритишга қаратилган, бошқа томоннинг фойдаланишига қаратилган шартномалар (олди-сотди, мол етказиб бериш, уй-жойни сотиб олиш, ижарага олиш); муайян ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган шартномалар (пудрат); хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган шартномалар (юк ташиш, экспедиция шартномаси); биргаликда ҳўжалиқ фаолия-

тини ташкил этишга қаратилган шартномалар; ижодий фаолият маҳсулини сотиш билан боғлиқ бўлган шартномалар (нашриёт, саҳнабоп шартномаси).

Шартнома субъектлари бўйича корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан тузилган шартномалар ва фуқароларнинг иштироки билан тузилган шартномаларга бўлинади.

Шартномалар шакли бўйича ёзма ва оғзаки шартномаларга бўлинади.

Шартномани тузиш жараёни икки босқичдан иборат бўлади: бир томоннинг иккинчи томонга мурожаат қилиб, шартнома муносабатларига киришишни таклиф қилиши (аферталар) ва иккинчи томоннинг таклифни қабул қилиш (акцепт); у таклифда мавжуд бўлган шартлар асосида шартнома тузишга розилигини билдиради.

Таклиф дейилганда шахснинг аниқ шартномага киришиш ҳақидаги аниқ ифодаланган узил-кесил нияти тушунилади (бу ишни қандайдир шартлар асосида қилишга тайёргарлик ҳақида ахборот эмас).

Таклиф шартноманинг барча муҳим шартларини ўз ичига олиши лозим. Одатда таклиф муайян шахсга қаратилган бўлади, лекин номаълум шахслар доирасига ҳам тааллуқли бўлиши мумкин (масалан, хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан турли мақсадда ишлатиладиган автоматларни ўрнатиб бериш ҳақидаги таклиф).

Шартнома тузиш учун мўлжалланган қарши агент таклифни уни айтган шахсдан қабул қилиши керак. Ўз навбатида, таклиф кимга қаратилган бўлса, у таклиф қилган кишининг таклифни қабул қилиши ҳам лозим.

Шунингдек, шартнома бир томоннинг бошқа томон буюртмасини ижро этиш учун қабул қилиш йўли билан ҳам тузилиши мумкин.

Шартнома тузиш ҳақидаги таклиф жавоб муддатидан кўрсатиш билан юборилган бўлса, таклиф қилган шахс бошқа томондан ана шу муддат ичида таклифни қабул қилиш тўғрисида жавоб олгандан кейин шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартнома тузиш ҳақидаги таклиф жавоб муддатини кўрсатмасдан қилинган бўлса, бу таклиф оғзаки ёки ёзма шаклда қилинганига қараб шартномани тузиш пайти белгиланади. Биринчи ҳолда шартнома агар

бошқа томон таклиф қилган шахсга уни қабул қилганини дарҳол айтса, шартнома тузилган деб эътироф этилади. Иккинчи ҳолда агар жавоб нормал зарур вақт ичида келган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Таклиф қилинганидан бошқа шартлар асосида шартнома тузишга розилик ҳақида гувоҳлик берувчи жавоб таклифни рад қилиш деб тушунилади ва айни вақтда янги таклиф деб эътироф қилинади.

Шартнома интизомини таъминлашнинг муҳим шартти мажбуриятнинг бажарилиши ҳисобланади. Мажбуриятнинг бажарилиши дейилганда қарздорнинг ундан кредитор талаб қилишига ҳақли бўлган ҳаракатни амалга ошириши тушунилади. Мажбуриятларнинг бажарилиши муайян талабларга жавоб бериши лозим. У лозим даражада ва ҳақиқий бўлиши керак. Лозим даражада бажариш мажбуриятнинг қонунда, шартномада билдирилган талабларга мувофиқ равишда адо этилишини билдиради. Лозим даражада бажариш буюмнинг сифат ва миқдорий тавсифларига оғишмай риоя этилишини, мажбуриятларнинг муддатида, муайян жойда, муайян усулда (умуман ёки қисмларга бўлиб) бажарилишини назарда тутати.

Мажбуриятни ҳақиқий бажариш уни табиий тарзда бажаришни кўзда тутати. Ижро этишнинг мумкин эмаслиги бошланиши билан ҳақиқий бажариш талаби бекор бўлади.

Кредитор қарздорнинг шартномани аниқ ва ўз муддатида бажаришига ишончи комил бўлмаган тақдирда қонун шартномани таъминлаш воситаларига мурожаат қилиш имконини яратиб беради, бу воситаларга неустойка, бай пули, кафиллик ва гаров киради.

Неустойка (жарима, пеня) — қонунда ёки шартномада белгиланган пул миқдори бўлиб, уни қарздор мажбуриятни бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда, хусусан бажаришни чўзиб юборганда тўлаши лозим.

Бай пули — пул миқдори бўлиб, томонлардан бирининг шартнома бўйича ўзидан бошқа томонга берадиган тўлов ҳисобидан бериледи, у шартноманинг тузилганлигини ва унинг ижроси таъмин этилишини исботлаш учун топширилади. Агар шартноманинг бажарилмаганлиги учун бай пули берган томон жавоб-

гар бўлса, бай пули бошқа томонда қолади, агар бай пулини олган томон жавобгар бўлса, бу томон иккинчи томонга бай пулининг икки ҳиссасини тўлаши шарт бўлади. Бай пули ҳақидаги битим ёзма шаклда бўлиши лозим.

Кафиллик туфайли кафолат берувчи бошқа шахснинг (қарздорнинг кредитори олдида бу шахснинг мажбуриятини бажариш учун тўлиқ ёки қисман жавобгар бўлиш мажбуриятини олади. Ёзма шаклдаги шартнома кафилликнинг пайдо бўлишига асос ҳисобланади. Кафиллик қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

— ўзи таъминлайдиган мажбуриятнинг тугаши билан;

— агар кафиллик берувчи янги қарздор учун жавобгар бўлишга рози бўлмаса, қарз бошқа кишига ўтказилганда;

— агар кредитор мажбурият муддати бошланган кундан бошлаб уч ой ичида кафиллик берувчига даъво билдирмаса.

Талаб қилиш пайти номаълум бўлган ёки маълум бўлган мажбуриятлар бўйича (агар жавобгарлик тўғрисида бошқа битим бўлмаса), кафиллик берувчининг жавобгарлиги кафиллик ҳақидаги шартнома тузилган кундан бошлаб бир йил ўтгандан сўнг тўхтатилади.

Қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда гаров туфайли гаровга қўйилган мулкнинг қийматидан қаноат ҳосил қилишга ҳақлидир. Гаровга қўйилган мулкнинг қийматидан кредитор талабининг қондирилиши (агар қонунда бошқа нарса белгиланган бўлса) суднинг, хўжалик судининг қарорига кўра амалга оширилади.

Гаров ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

— гаров билан таъмин этилган мажбуриятнинг тўхтатилиши билан;

— гаровга қўйилган мулк нобуд бўлган тақдирда;

— гаровга сақлаб турувчи шахс гаровга қўйилган мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган тақдирда;

— гаровга қўйилган мулк мажбурий равишда сотилган тақдирда.

Фуқароларга гаровхона (ломбард)нинг гаров асосида қарз бериши ҳамиша мулкни гаровхонага топшириш билан амалга оширилади. Буюмлар томон-

ларнинг келишувига биноан баҳоланади. Гаровга нарса қўйган киши гаровхонага қарзни шартномада (гаров билетиди) кўрсатилган муддатда қайтариши шарт. Қарз қайтарилмаган тақдирда гаровхона бир ой муддат ўтгандан кейин мулкни комиссия шартномасига кўра сотиш учун савдо ташкилотларига топширади. Буюмни сотишдан тушган пулдан қарз ва унинг фоизлари, сақлаш, суғурта ва сотиш харажатлари қопланади. Қолган маблағ гаров билети эгасига қайтарилади. Агар у уч йил ичида талаб қилиб олмаса, қолдиқ давлат даромадига ўтказилади.

**Фуқаролик ҳуқуқлари ва вазифаларини бузганлик учун жавобгарлик.** Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик — таъсир кўрсатишнинг алоҳида чораси бўлиб, у фуқаролик қонунини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузган шахсни ҳеч бир товоносиз мол-мулкдан маҳрум этишдан иборатдир. Жавобгарликнинг асосий шакли ҳуқуқбузардан у етказган зарарлар ва жарималарни ундириб олиш ҳисобланади. Лекин шундай шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин: битим бўйича қўлга киритилган ҳамма нарса ни давлат даромадига ўтказиш, мол-мулкни мусодара қилиш, мулкий санкциялар.

Фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бузган кишига нисбатан уни жавобгарликка тортишдан ташқари, таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ҳам мавжуддир. Булар қарзни ундириб олиш, шартномани бажармаган қарздор билан шартномани бекор қилиш, қарзга берилган пул миқдорини талаб қилиб олиш, мол-мулкни ғайри қонуний равишда ўзиники қилиб олган кишидан суд қарорига биноан мулк эгасининг ўз нарсасини тортиб олишидир.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик принципи қуйидагилардир:

— бу жавобгарликнинг қонунбузарларга муқаррар равишда татбиқ этилиши;

— мулкий жазо чорасининг содир қилинган жиноятга мувофиқ келиши.

Фақат қонунда кўзда тутилган ҳоллардагина оширилган жавобгарлик белгиланиши мумкин (масалан, сифатсиз маҳсулот етказиб берилган тақдирда).

Фуқаролик-ҳуқуқий ва жавобгарликнинг бошланиши учун бир қатор шарт-шароитлар бўлиши зарур. Биринчидан, масъулият юкланган киши хуқ-атвори-

нинг ҳуқуққа зидлиги, иккинчидан, бошқа субъектга зарар етказилиши, учинчидан, биринчи шартнинг иккинчиси билан сабабий боғланиши, тўртинчидан, ҳуқуққа зид хулқ-атворда ва содир бўлган зарарли натижаларда қонунбузарнинг айби.

Бироқ айбсиз ҳолда ҳам бир қатор жавобгарлик ҳолларининг мавжудлигини назарда тутиш керак. Масалан, асоссиз равишда олинган ёки бировнинг ҳисобига сақланган нарсалар учун жазо белгилашда, хавфсизлиги юқори даражада бўлган манбага зарар етказилганда шундай бўлади.

Хулқ-атворнинг ҳуқуққа зидлиги шунини билдирадики, жавобгарнинг хатти-ҳаракатлари ҳуқуқ нормасини ва уларга асосланган субъектив ҳуқуқларни ва бошқа шахсларнинг манфаатларини бузади.

Зарар етказиш дейилганда қуйидагилар тушунилади: мол-мулкнинг нобуд бўлиши, унга шикаст етказилиши, ортиқча чиқимлар қилиниши, даромад олмаслик. Зарарларнинг ана шу тўрт турини содир қилганлик учун жазолаш тўлиқ жавобгарликдан иборатдир. Агар қонун санаб ўтилган зарар турларидан фақат айримларини қилганлик учун жазолашга йўл қўйса, у ҳолда чекланган жавобгарлик ҳақида гап боради.

Зарар етказилиши ҳуқуққа зид хулқ-атвор билан боғлиқ бўлиши лозим. Бу боғлиқлик бевосита ва бавосита хусусиятга эга бўлади. Бевосита боғлиқлик шундай боғлиқликки, унда сабаб ва оқибат бевосита алоқадор бўлади, яъни ҳаракатнинг кетидан мазкур оқибат ҳам бошланади. Бавосита боғлиқлик шундай боғлиқликки, унда сабаблар бавосита намоён бўлади, оқибати эса кейинги бўғинлар орқали юз беради.

Бевосита сабаб боғланиши ҳаминша юридик аҳамиятга эга бўлади, бавосита боғланиш эса бошқа сабаб боғланишлари орасида устун аҳамиятга эга бўлганда юз беради.

Айб — бу шахснинг ўзи содир қилган ҳуқуққа зид хулқ-атвориға руҳий муносабатда бўлишидир. У атайлаб қилиш ва эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади. Агар жиноят ҳуқуқи шахснинг айбсизлиги презумпциясидан келиб чиқса, фуқаролик ҳуқуқи эса айбдорлик презумпциясидан келиб чиқади. Одатда ҳуқуқбузар ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши лозим бўлади.

Жавобгарлик ўз асосларига кўра шартномавий ва ношартномавий жавобгарликка бўлинади. Қарздорлар бир неча киши бўлганда, ҳиссали, шерикликдаги ва қўшимча жавобгарликлар бўлиши мумкин. Ҳиссали жавобгарлик, агар қонунда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса бошланади. Шерикликдаги жавобгарлик эса бунинг учун қонун кўргазмалари бўлган тақдирда содир этилади (қарздор ва кафолат берувчи, оловчи ва унинг она аъзолари уй олганлари тақдирда). Қўшимча жавобгарликда агар вояга етмаган ўсмир зарарни қоплаш учун етарли даражада мол-мулкка эга бўлмаса, унда ота-онаси ёки ҳомий кишилар жавобгар бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, зарарларни ва жаримани тўлашдан ташқари жавобгарликнинг фуқаролик-ҳуқуқий санкциялар каби шакли ҳам мавжуд. Улар шошилич санкцияларга ва жавобгарлик чоралари санкцияларига бўлинади. Шошилич санкциялар учун ҳуқуқбузарга нисбатан мулкий жазосиз чоралар кўрилади. Жавобгарлик чоралари санкциялари учун жавобгардан мул-мулкни тортиб олиш ҳосдир.

Жавобгарлик чоралари санкциялари мусодара санкциялари, жарима солиш компенсация (ўрнини қоплаш) санкцияларига бўлинади. Мусодара санкциялари қарздорни мулкдан маҳрум этишни билдиради. Жарима солиш санкциялари зарарларни қоплаш имкониятидан ташқари белгиланади. Компенсация санкциялари бошқа томонга етказилган зарарни қоплаш мақсадида қарздорнинг мол-мулкни олишга қаратилади (зачёт жарима).

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг миқдори ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа зид хулқ-атвори туфайли зарар кўрган кишига етказилган зарарлар билан белгиланади.

Одатда айбнинг миқдори ҳуқуқбузарнинг қилган айбининг шакли ва даражасига боғлиқ бўлмайди. Қарздорнинг жавобгарлигини камайтириш ҳақидаги масала шундай ҳолда келиб чиқиши мумкинки, агар айбдор келтирган зарарнинг ҳажмига қарздорнинг айби ҳам таъсир қилсагина шундай бўлади, ў ўзига етказилган зарарни камайтиролмаган бўлади.

Шартнома мажбуриятларида кредиторнинг ҳар қандай шакл ва даражадаги айби қарздорнинг жавобгарлиги камайишига олиб келади. Мажбуриятлар-

да зарар етказилганлиги ҳақида зарар етказувчининг жавобгарлигини камайтиришга фақат зарар кўрган кишининг нияти ва ёки қўпол эҳтиётсизлиги таъсир кўрсатиши мумкин.

**Мажбуриятларнинг тўхтатилиши.** Мажбуриятларнинг тўхтатилиши билан қатнашчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ҳам тўхтайдди, кредитор талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, қарздор эса кредитор олдида жавобгар бўлмай қолади, лекин бунда ҳамиша ҳам мақсадга эришиб бўлмайди.

Мажбуриятларнинг тўхтатилишига доир асослар томонларнинг иродасига боғлиқ бўлган асосларга ва унга боғлиқ бўлмаган асосларга бўлинади. Биринчи гуруҳга қуйидагилар кирди:

1. Мажбуриятларнинг бажарилиши шу билан ажралиб турадики, ё ҳар иккала томон мажбуриятларнинг тўхтатилишини хоҳлаган, ёки улардан биттаси хоҳлаган. Лекин мазкур ҳолатда мажбуриятларнинг тўхтатилиши бажариш факти билан боғлиқдир. Агар қарздор ўзининг барча мажбуриятларини бажарган бўлса, мажбуриятлар тўхтатилган бўлади. Асосий мажбуриятни бажариш вақтида бу мажбуриятларнинг бажарилишини таъмин этган қўшимча мажбуриятлар ҳам бекор қилинади. Бажариш факти ҳужжатлар асосида тасдиқланиши лозим. Кредиторнинг мажбуриятларни бажарганлиги тилхат ёки қарз ҳужжатидаги ёзув билан тасдиқланади. Агар кредитор тилхат бермаса, қарздор бажаришни чўзишга ҳақлидир.

2. Чегириш-ҳаракат, унинг натижасида муқобил бир хил мажбуриятлар тўхтатилади, бошқалари камроқ ҳажмда давом этади. Чегириш учун қуйидагилар зарур:

— кредитор битта мажбурият бўйича қарздор, бошқасида кредитор бўлиши учун мажбуриятлар муқобил бўлиши лозим;

— ўзаро мажбуриятлар бир хил бўлиши, яъни уларнинг мазмуни бир хил, лекин айни бир турдаги белгилар билан аниқланиши лозим;

— бажариш муддати ҳар иккала мажбурият бўйича бошланиши лозим. Агар мажбуриятларнинг бажарилиш муддати аниқланмаган ёки талаб қилиш вақти билан белгиланган бўлса, у ҳолда чегиришга ҳар қандай вақтда талаб қўйиш мумкин.

Бироқ шундай ҳоллар ҳам бўладики, чегиришга йўл қўйилмайди ва мазкур шартлар мавжуд бўлганда, хусусан мажбуриятлар бўйича, яъни даъво билдириш муддати ўтиб кетган мажбуриятлар бўйича кишининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказган зарарни қоплаш муддати ўтиб кетган бўлади.

3. Кредиторнинг ўзига тегишли бўлган оддий мажбуриятдан, масалан, қарзни ундириб олишдан воз кечиши. Бундай воз кечиш оддий ёзма шаклда ёки агар талаб нотариал шартномадан келиб чиқадиган бўлса, нотариал шаклда бажарилиши лозим.

4. Агар томонларнинг битимга келиши қонун билан чекланмаган ва яшаш учун тирикчилик воситалари беришни тўхтатишга қаратилмаган бўлса.

5. Томонларнинг розилиги билан мажбуриятни янги мажбурият билан алмаштириш (агар у қонунга зид келмаса).

6. Қарздорга кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқининг ўтиши ёки кредиторга қарздор вазифаларининг ўтиши; бу ҳол юридик шахснинг мерос олишида ёки қўшилиш, ё бўлмаса бирлашиш асосида қайта тузилишида содир бўлади.

Мажбуриятларни тўхтатишнинг иккинчи гуруҳ асосларига қуйидагилар киради:

— мажбуриятлар бўйича қарздорнинг вафот этиши; мазкур мажбуриятларни фақат мазкур қарздор бажариши мумкин эди. Кредиторнинг вафот этиши қарздорни унинг кредитор олдидаги қарзини бажаришдан озод қилмайди;

— юридик шахснинг тугатилиши; тугатилган юридик шахснинг мажбуриятлари қонун бўйича бошқа юридик шахсга ўтади;

— қарздор олдиндан кўра олмаган ҳолатларнинг бошланиши; бу ҳол мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлай олмайдиган қилиб қўяди (табiiй офатлар);

— жамғарма банки ва лотерея билетларига чиққан ютуқларни тўлайдиган бошқа муассасаларнинг мажбуриятлар бўйича муддати ўтиб кетиши;

— даъво билдириш муддатининг ўтиб кетиши.

## 15- §. Шартнома мажбуриятлари

Олди-сотди шартномаси. Олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи мулкни харидорнинг мулки қилиб

ёки унинг тўла хўжалик ихтиёрига топшириш мажбуриятини олади, харидор эса молни қабул қилиб олиш ва унинг учун муайян миқдорда пул тўлаш (нархини тўлаш) мажбуриятини қабул қилади.

Агар қонунда ва шартномани тузиш вақтида бошқа нарсалар кўзда тutilмаган бўлса ва битим моҳиятидан бошқа нарсалар келиб чиқмаса, олди-сотди ҳақидаги умумий қондалар биржаларда, кимошди савдосида, оммавий савдода валюта бойликларини ва қимматли қоғозларни сотишга ҳам тааллуқли бўлади.

Олди-сотди шартномаси — бу консенсуал, бадалли, икки томонлама мажбурият юкловчи шартнома бўлиб, фуқаролик муомаласида энг кўп тарқалган ва муҳим шартномалардан биридир.

Фуқаролик муомаласидаги барча иштирокчилар шартноманинг томонлари бўла оладилар.

Олди-сотди шартномасининг мавзуи мол-мулк, нарсалар, шунингдек муайян нарсаларнинг турларига эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган мажбурият ҳуқуқларидир.

Олди-сотди шартномаси учун зарур бўлган шартлардан бири томонларнинг келишуви билан белгиланадиган нархдир (агар уни белгилаш тартиби қонунда кўрсатилмаган бўлса). Агар нарх қонунда кўзда тutilган тартибда белгиланган бўлса, у ҳолда сотувчи шартнома мавзуи нархини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Шартноманинг шартлари ва қонун сотилган буюмининг нархини аниқлаш имконини бермаган ҳолларда у нархи бўйича сотилган деб ҳисобланади, бундай нарх одатда шу хилдаги қиёсий ҳолларда сотиладиган молларга шартнома тузиш вақтида белгиланган бўлади.

Агар шартнома шартларидан, қонун ва амалий муомала одатларидан муайян муддат ичида нархни белгилаш вазифаси келиб чиқмаса, харидор ўзига сотилган буюм топширилиши ва бу буюмга товар тақсимлаш ҳужжатлари берилиши биланоқ дарҳол тўлаши шарт.

Одатда, нақд пулга мол-мулк харид қилиш миқдори чекланмаган, оғзаки шаклда сотилади, агар битим олди-сотди шартномасини нотариал тарзда расмийлаштиришни талаб қилса, мазкур шартга риоя

қилинмай тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб топилди.

Шартнома бўйича мол-мулкни харид қилувчида мулкчилик ҳуқуқи буюмни олиш пайтиданоқ вужудга келади. Кўзда тутилган алоҳида ҳолларда мол-мулк бошқа вақтда мулк сифатида ўтиши мумкин.

Агар бирор томон мажбуриятларни бажаришда муддатни чўзиб юборишга йўл қўйса, унга мол-мулк тўсатдан нобуд бўлди ёки тасодифан бузилди, деган баҳона ҳам юкланади.

Олди-сотди шартномасини тузиш вақтида сотувчи харидорни учинчи шахсларнинг сотилаётган нарса-буюмга бўлган барча ҳуқуқларини эслатиб ўтиши лозим. Бу мажбуриятни бажармаслик харидорга буюмнинг нархини арзонлаштиришни талаб қилиш ёки шартномани бекор қилиш ва кўрилган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Агар сотувчи харидорга сотилган мулкни топшириш вазифасини бажармаса ёки ёмон бажарса, у ҳолда харидор сотувчидан шартномани реал равишда бажаришни талаб қилишга, ундан шартноманинг бузилиши билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб этишга ҳақлидир.

Агар харидор шартномани бузиб, ўз вазифаларини бажармаса, у ҳолда сотувчи харидорнинг ижронни кечиктириш билан етказган барча зарарларини тўлаш ёки қоплаш билан буюмни қабул қилишини талаб этишга ҳақлидир, ёхуд ўз томонидан шартномани ижро этишга ҳақлидир, ёхуд ўз томонидан шартномани ижро этишдан воз кечиб, харидорнинг шартномани бузиш оқибатида унга етказган зарарини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Сотувчининг асосий вазифаларидан бири харидорга яхши сифатли, яъни шартнома шартларига жавоб берадиган буюмни топширишдир. Яхши сифатли бўлмаган нарсани харид қилган харидор ўз танловига биноан сотувчидан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақлидир:

— бундай буюмни сифати яхши бўлган буюм билан алмаштиришни;

— буюмнинг камчиликларини бепул барҳам топтиришни;

— харидорнинг камчиликларини тугатиш учун қилган харажатларини қоплашни;

— харид нархини илож иборича қисқартиришни.

Сотувчи сифати яхши бўлмаган нарсани сотган бўлиб, уни тайёрловчи бўлмаса, алмаштириб бериш ва камчиликларини бепул тузатиб бериш ҳақидаги талаблар сотувчига ёки буюмни тайёрловчига билдирилиши, камчиликларни бепул тузатиб бериш ҳақидаги талаб, шунингдек, тайёрловчи томонидан тузатиш ва унинг молларига хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган ташкилотларга ҳам ёки уларни тузатишни тайёрловчи билан тузилган шартнома асосида амалга оширадиган ташкилотларга ҳам билдирилиши мумкин.

Харидор юқорида айтиб ўтилган талаблар ўрнига ёмон сифатли буюмни сотувчига қайтариб бериб шартномани бузишга, сотувчидан буюм учун тўланган пулни қайтариб беришни талаб қилишга ҳам ҳақлидир. Агар харидор талабларини қондириш унга етказилган зарарни қоплашга етмаса, у зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Харидорда юқорида санаб ўтилган талабларни билдириш ҳуқуқи шундай ҳолда вужудга келадик, агар сотиб олинган буюмнинг камчиликлари буюмга эгаллик қилиш ҳуқуқи ўтгандан кейин олти ой ичида аниқланса, шунингдек, қонун ёки шартномада бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса. Агар узоқ давом этадиган кафолат муддати белгиланган бўлса, айтиб ўтилган ҳуқуқлар кафолат муддати доирасида амалга оширилиши мумкин.

Товарнинг яроқлилиги муддати белгиланган бўлса, бу ҳуқуқларни харидор товарнинг яроқлилиги муддати давомида амалга ошира олади.

Сотувчи харидорнинг талабларини қондиришдан бош тортган тақдирда у буюмнинг камчиликлари харидорнинг буюмдан фойдаланиш қоидаларини бузган ҳолда пайдо бўлганлигини ёки уни сақлаш, учинчи шахсларнинг ёки енгиб бўлмас кучнинг ҳаракати туфайли унинг камчиликлари пайдо бўлганлигини исботлаб берсагина харидорнинг талабини қондиришдан бош тортиши мумкин.

Сотиб олинган нарсанинг камчиликлари юқорида кўрсатиб ўтилган муддатлар ўтиб бўлгандан сўнг буюмнинг хизмат қилиш муддати доирасида аниқланган тақдирда харидор нарсанинг бу камчиликларини у сотилмасдан олдин пайдо бўлганлигини исбот-

лаб берсагина, харидорга берилган ҳуқуқлар амалга оширилиши мумкин, қонунда бошқа нарсалар белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир.

**Товар етказиб бериш шартномаси.** Тадбиркор (корхона эгаси) бўлган маҳсулот етказиб берувчи мазкур шартнома бўйича белгиланган муддатларда харидорга мулк сифатида, унинг тўла ҳужалик юртиши учун товар етказиб бериш мажбуриятини олади, бу товар тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ёки шахсий (оилавий, уй-рузғор) истеъмоли билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадлар учун мўлжалланган; харидор эса товарни харид қилиш ва унга муайян нарх тўлаш мажбуриятини олади.

Товар етказиб бериш шартномасига (агар қонун ёки шартномада бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса) олди-сотди шартномаси ҳақидаги қондалар татбиқ этилади.

Товар етказиб бериш шартномаси субъектлари тадбиркорлардир. Тадбиркорлар дейилганда илгари бўлганидек фақат давлат корхоналари, кооператив ва жамоат ташкилотлари эмас, балки республиканинг ҳар бир фуқароси, хорижий фуқаро, фуқаролиги бўлмаган шахс, фуқаролар гуруҳи ёки тадбиркорлар жамоаси тушунилади.

Шартнома мавзуи тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланган товар ҳисобланади.

Шартномада мажбуриятларни бажариш муддатлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Аҳолини товарлар билан таъминлашнинг узлуксизлиги, турдош корхоналардаги ишлаб чиқаришнинг бир меъёрда бориши ана шу муддатларга риоя этилишга боғлиқдир.

Агар шартнома бир хил товарларни айрим туркумлар билан етказиб беришни назарда тутса, бошқа битим бўлмаган тақдирда, шартномада кўзда тутилган муддатлар доирасида бу етказиб бериш бир текисда амалга оширилиши лозим.

Товар етказиб бериш муддати чўзиб юборилган бўлса, харидор товар етказиб берувчини хабардор қилиб, бу товарни қабул қилишдан бош тортишга ҳақлидир (агар шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса). Етказиб берувчи хабарни олмасдан туриб, юборилган товарни харидор қабул қилиши ва ҳақини тўлаши шарт.

Сифати шартномада белгиланган талабларга жа-

воб бермайдиган товар етказиб берилган тақдирда харидор ўз ихтиёри билан қуйидагиларни бажаришга ҳақлидир:

— товар етказиб берувчидан товарнинг камчиликларини тузатиб беришни талаб қилиш, бунинг учун мақбул муддатни белгилаш;

— ҳақиқатда етказиб берилган товар етказиб бериш вақтида қандай қийматга эга бўлса, ўша қийматни тўлашдан бош тортиш;

— товарнинг камчиликларини етказиб берувчи ҳисобидан тузатиш, бу ҳақда уни олдиндан хабардор қилиш.

Агар сифати яхши бўлмаган товарни етказиб бериш шартномани жиддий равишда бузишдан иборат бўлса, харидор товарни алмаштириб беришни талаб қилиши мумкин. Агар харидорнинг талаб қилган нарчаси ўзига етказилган зарарни қопламаса, унинг ўрнини қоплашни талаб қилиши мумкин.

Томонлардан бири шартномани бузган тақдирда товар етказиб бериш шартномасини тўлиқ ёки қисман бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилади, бу эса иккинчи томонга шундай зарар етказадик, у шартнома тузиш вақтида умид қилган нарчасидан маълум даражада маҳрум бўлади. Шартномани бундай бузишларга қуйидагилар киради:

— бир неча марта сифати яхши бўлмаган товарлар етказиб бериш;

— товар етказиб берувчининг шартномада назарда тутилган муддатларни мунтазам равишда чўзиши;

— харидорнинг етказиб берилган товарга шартномада кўзда тутилган муддатларда ҳақ тўлашни мунтазам ва анча орқага суриши ёки харидорнинг тўлов қобилиятига эга эмас, деб эълон қилиниши.

Товар етказиб бериш шартномаси ҳақидаги қоидалар контрактация шартномасига ҳам татбиқ этилади, у шундай шартнома ҳисобланадигани, унга биноан қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи шундай маҳсулотни тайёрловчига ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шартномада кўзда тутилган муддатларда, миқдорда ва ассортиментда мулк сифатида тўла хўжалик юритиш учун топширади, тайёрловчи эса ишлаб чиқарувчига қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришда ёрдам бериш, уни қабул қилиш, олиб

кетгиш ва унга муайян миқдорда ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Контрактация шартномаси томонлари сифатида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи (фермер, кооператив, хўжалик ширкати) ва тайёрловчи (фуқаро, кооператив, давлат корхонаси, жамоа корхонаси) майдонга чиқади.

Шартнома мавзуи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳисобланади.

**Ижара шартномаси.** Ижара — ерга, бошқа табиий ресурсларга ва мулкий мажмуаларга, шунингдек ижарачига хўжалик ёки бошқа фаолиятни мустақил равишда амалга оширишга зарур бўлган бошқа мулкка шартнома асосида шошилиш равишда бадалли эга бўлиш ва улардан фойдаланишдир.

1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Ижара ҳақида»ги қонунга биноан ижара ҳамма мулкчилик шакллари ва турларига нисбатан республика қонунларида тақиқланмаган барча фаолият соҳаларида татбиқ этилиши мумкин. Ана шу қонунга мувофиқ қуйидагилар ижара муносабатлари объектлари бўлишлари мумкин:

— корхоналар, айрим ишлаб чиқаришлар, цехлар, фермалар, бошқа бўлинмалар, ташкилотлар;

— айрим бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, транспорт воситалари, асбоблар, бошқа моддий бойликлар;

— ер ва бошқа табиий ресурслар.

Ижара муносабатлари субъектлари ижарага берувчи ва ижарага олувчидир. Ижарага берувчи мулк эгаси, шу жумладан ажнабий юридик шахс ва фуқаро, ёки мулк эгаси томонидан мол-мулкни ижарага беришга вакил қилинган идоралар ва ташкилотлар бўлишлари мумкин. Давлат корхоналари, кооператив, жамоат ва бошқа ташкилотлар ўзларининг хўжалик ихтиёрида бўлган мол-мулкни ижарага беришга ҳақлидирлар.

Ижарачилар фуқаролар, юридик шахслар (қўшма корхоналар, республика ва ажнабий юридик шахслар иштирок этадиган халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар) шунингдек ажнабий давлатлар, халқаро ташкилотлар, ажнабий юридик шахслар ва фуқаролар ҳам бўлиши мумкин.

Ижарага берувчи билан ижарачи ўртасидаги му-

носабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат ижара ҳақидаги шартнома бўлиб, у ихтиёрийлик ва томонларнинг тўла тенг ҳуқуқлиги асосида тузилади.

Ижара шартномасида қуйидагилар назарда тутилади: ижарага бериладиган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати, ижара ҳақининг миқдори, уни тўлаш муддати ва ижарага олиш муддати, шунингдек шартнома тўхтатилганидан кейин мол-мулкнинг аҳволи ва уни ижарага берган кишига қайтариб бериш тартиби; ижарага олинган мол-мулкни тиклаш ва таъмирлаш юзасидан томонларнинг вазифалари тақсимланади; ижарага олинган мол-мулкни ҳақ тўлаб сотиб олиш шартлари, тартиби ва муддати айтиб ўтилади, агар у кейинчалик ҳақ тўлаб сотиб олиш учун бериладиган бўлса, у ҳолда ижарага олинган мол-мулкни пудрат ижарасига бериш тартиби, шартлари ва имконияти, ахборот ҳажми ва унинг ижарачи томонидан ижарага берувчига тақдим этилиш муддати, томонларнинг жавобгарлиги айтиб ўтилади.

Ерни ва бошқа табиий ресурсларни ижарага бериш ва олиш шартномаларига, шунингдек, ижарачининг табиат объектидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги вазифаларини назарда тутувчи қоидалар ҳам киритилади.

Ижара шартномасида ижарага берувчининг ношлаб чиқариш соҳасига тааллуқли бўлган мол-мулкнинг объектлари, уларнинг қиммати алоҳида ажратиб кўрсатилади, томонларнинг ана шу объектларга нисбатан мажбуриятлари кўрсатиб ўтилади.

Ижара шартномасига ижарага берувчининг моддий-техника таъминоти, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмаклашишга, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни жорий этишга, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантиришга, ижтимоий ривожлантириш, ахборот, маслаҳат ва бошқа ёрдам кўрсатишга, кадрлар тайёрлашга ёрдам бериш, ижарага олинган мулкдан самарали фойдаланиш ва уни яхши сақлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга доир вазифалари киритилиши мумкин.

Ижарага олинган мол-мулкнинг қиймати шартномада уни ижарага топшириш вақтидаги ҳақиқатда едирилишини ҳисобга олинган ҳолда баҳолашдан келиб чиқиб белгиланади. Ижарага бериладиган мол-

мулкнинг бўлажак хизмат қилиш муддати томонларнинг келишувига биноан белгиланади, лекин бу муддат амалдаги тегишли амортизация нормаларига мувофиқ келадиган янги тўлиқ амортизация муддатидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Ижарага берувчига мол-мулкни унинг вазифасига қараб ёки шартномада кўзда тутилган ҳолатда ижарага бериш мажбурияти юкланади. У ижара берилган мол-мулкнинг камчиликлари учун, шу жумладан шартнома тузиш вақтида аниқланмаган ва ундан фойдаланишга халақит берувчи камчиликлар учун ҳам жавобгардир. Агар ижарага берувчи мол-мулкни ижарачига ўз вақтида топширмаса ижарачи уни ижарага берган кишидан талаб қилиб олишга ва ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга, ёки шартномадан бош тортишга ва зарарни ундириб олишга ҳақлидир.

Ижарачи ижарага берувчининг розилиги билан шартнома бўйича берилган мол-мулкни пудрат ижарасига беришга ҳақлидир (агар қонуда бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса), ер ва бошқа табиий ресурсларни пудрат ижарасига топшириш бундан мустасно.

Ижарага берган киши мол-мулкни ижарага топшириш билан ана шу мол-мулкка бўлган эгалик ҳуқуқидан маҳрум этилмайди, балки ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланган ҳолда тайёрланган маҳсулот ва олинган даромад, шунингдек шу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк ижарачига тегишли бўлади.

Ижарачига ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағлари ҳисобидан ижарага олинган ер участкасида зарур ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бинолари, шу жумладан турар жой бинолари қуриш ҳуқуқи берилади, лекин бу нарса шартномада айтиб қўйилган бўлиши керак.

Ижарага берган кишининг ерида ижарачи томонидан ўз ҳисобига бинолар ва иншоотлар қурилган бўлса, агар уларни бошқа жойга кўчириб олиб кетиш мумкин бўлмаса, шартнома муддати тамом бўлгандан кейин ёки шартнома бекор қилингандан кейин ижарачи ижарага берувчидан уларнинг қийматини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир. Агар шундай бино ва иншоотлар ижарага берувчининг ружсатисиз

қурилган бўлса, улар унинг мулки бўлиб ўтади, борди-ю, у мазкур биноларнинг бузиб ташланишини талаб қилса, ижарачи бу ишни ўз ҳисобидан амалга ошириши ёки уларни бузиш билан боғлиқ бўлган чиқимларни тўлаши шарт бўлади.

Ижарачи ижарага олинган мол-мулк таркибига ўзгаришлар киритишга ҳақлидир. Агар ижарага олинган мол-мулк эгасининг рухсати билан яхшиланган бўлса, шартнома муддати ўтгандан кейин ижарачи барча қилинган харажатларни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Агар бу иш ижарага берувчининг рухсатисиз қилинган бўлса ва киритилган ўзгаришларни мол-мулкдан ажратиб бўлмаса, улар шартнома муддати ўтиши билан ижарага берувчининг мулки бўлиб қолади. Агар ажратиб бўладиган ўзгаришлар қийматини ижарага берувчи тўлашга рози бўлмаса, ижарачи уларни олиб кетишга ҳақлидир.

Ижара ҳақи фойданинг бир қисmini ўз ичига олади, бу фойда ижарага олинган мол-мулкдан ижтимоий зарур фойдаланиш натижасида олиниши мумкин (ижара фоизи). Одатда, у шартномада банкдаги фоиздан кам қилиб белгиланмайди. Ижара ҳақи ижарага олинган мол-мулкни ижарага олиш вақтидаги қийматидан амортизация ажратмасини ҳам ўз ичига олади. Ижара ҳақига кирадиган амортизация ажратмаларининг миқдори ижара шартномасида белгиланади, бунда томонларнинг ижарага берилган мол-мулкни такрор ишлаб чиқариши бўйича вазифаларини тақсимлашдан келиб чиқилади. Шунингдек, ижара ҳақи объектларининг ижара муддати ўтиб бўлгандан кейин уларни тузатиш учун ижарачи томонидан ажратилган маблағларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ижара ҳақи ижарага олинган мол-мулкнинг жами учун ёки ҳар бир объект бўйича табиий, пул ёки аралаш шаклларда белгиланиши мумкин. Ижара ҳақининг миқдори томонларнинг келишувига биноан шартномада кўзда тутилган муддатларда ўзгартирилиши лозим, лекин бу беш йилда бир мартадан кўп бўлмаслиги шарт. Ижара ҳақи миқдорлари нархлар ва тарифлар ўзгарган тақдирда томонлардан бирининг талаби билан муддатидан олдин қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Томонларнинг келишувига биноан шартноманинг шартлари ўзгартирилиши мумкин. Томонлардан бири шартнома шартларини бузган тақдирда томонлардан бирининг талабига кўра буни суд қарори билан тезда ҳал қилиш мумкин.

Ижарачи ногирон бўлиб қолса ёки у ҳуқуқий са-лоҳиятга қобилиятсиз деб топилса, шартноманинг амал қилиши тўхтатилади. Бундай ҳолларда ижара шартномаси тузишга унинг оила аъзоларидан бири устун ҳуқуққа эга бўлади. Ижарачи жиноят қилгани учун жазо чорасига ҳукм этилган тақдирда шартноманинг бундан кейинги бажарилиши мумкин бўлмай қолади ва ижара шартномаси тўхтатилади.

Ижарага берувчининг қайтадан тузилиши ёки ижарага олинган мол-мулк эгасининг ўзгариши шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўла олмайди. Ижара шартномаси муддати тугагандан кейин ижарачи уни қайта тиклашга ҳақлидир. Шартнома муддати тугагандан сўнг уни тўхтатиш ёки ўзгартириш ҳақида томонлардан бирининг аризаси бўлмаган тақдирда шартнома ўша муддатга ва кўзда тутилган ўша шартлар асосида узайтирилган ҳисобланади. Шартнома узайтирилган тақдирда унинг шартлари ўзгартирилиши мумкин.

Ижарачи вафот этган тақдирда унинг меросхўрларидан бири амалдаги ижара шартномаси асосида ва шартлари билан ўзини ижарачи деб талаб этишга ҳақлидир. Агар вафот этган кишининг шахсий фазилатлари амалдаги шартномани тузишнинг шarti қилиб олинган бўлса, ижарага берувчи ижарачининг меросхўрини тан олишдан бош тортишга ҳақлидир.

Ижара шартномаси тўхтатилгандан кейин ижара-чи ижарага олинган мол-мулкни шартномада келишилган ҳолатда ўз вақтида эгасига қайтариши шарт. Агар мол-мулкнинг ҳолати ёмонлашувига йўл қўйилган бўлса, ёки уни ўз вақтида қайтариб беришмаса, у ҳолда ижарага берувчи бунинг натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини ижарачи қоплаши (тўлаши) шарт.

Ижарачи ижарага олинган мол-мулкни тўлиқ ёки қисман сотиб олиши мумкин (ер ва табиий ресурслар бундан истисно). Ҳақ тўлаб сотиб олиш шартлари, тартибли ва муддати ижара шартномаси билан бел-

гиланади. Бу масалалар юзасидан келиб чиққан низолар суд томонидан ҳал этилади.

Ҳақ тўлаб сотиб олиш ижарачининг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Бу мақсадда давлат бюджети маблағларидан фойдаланиб бўлмайди. Ҳақ тўлаб сотиб олиш шартномасида қуйидагилар аниқланади: сотиб олинadиган мол-мулкнинг таркиби ва пул билан ҳисобланган баҳоси; сотиб олиш турлари ва манбалари; сотиб олиш тартиби, муддатлари; сотиб олишда учинчи шахсларнинг иштирок этиши; сотиб олинadиган мол-мулкнинг кафолатлари ва сифати; қонунга зид келмайдиган бошқа қондалар. Сотиб олиш шартномасини тузиш ва бажариш вақтида пайдо бўладиган низолар суд идораси томонидан қараб чиқилади.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ҳар қандай мол-мулкни эмас, балки чекланиши белгиланмаган мол-мулкнигина ҳақ тўлаб сотиб олиш мумкин.

Ижара муддатлари шартнома билан белгиланади. Бунда корхоналарни ижарага олиш одатда узоқ муддатли (камида беш йил) бўлиши лозим.

**Пудрат.** Пудрат шартномаси бўйича пудратчи буюртмачининг топшириғи билан унинг ёки ўзининг материалларидан фойдаланган ҳолда муайян ишларни бажаришни таваккал қилиб ўз зиммасига олади, буюртмачи эса ишни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Пудрат ишлари қатъий ёки тахминий сметалар асосида амалга оширилади. Агар тахминий сметани бирмунча ошириш зарур бўлса, пудратчи бу ҳақда буюртмачини ўз вақтида огоҳлантириб қўйиши лозим, буюртмачи бундай ҳолда шартномадан воз кечишга ҳақлидир. Пудратчига унинг қилган харажатларини тўлаши керак. Агар буюртмачи сметанинг оширилгани ҳақида огоҳлантирилмаган бўлса, пудратчи ишни ўз ҳисобидан бажариши лозим бўлади.

Буюртмачи исталган бир вақтда ишнинг бориши ва сифатини текширишга, пудратчи эса буюртмачи томонидан ишониб топширилган мол-мулкнинг яхши сақланишини таъминлаши шарт ва мазкур мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланишига олиб келувчи ҳар қандай камчилик учун жавобгардир.

Пудратчининг ишни топшириш муддати келишидан олдин материал тасодифан нобуд бўлса, бунда

матернални берган томон жавобгар бўлади, топшириш муддатидан кейин уни топшириш муддатини чузиб юборган томон жавобгар бўлади.

Агар пудрат топшириғи уни буюртмачига топширишдан олдин тасодифан барбод бўлса, ёки буюртмачининг айби билан уни тугаллаш мумкин бўлса, пудратчи иш учун ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Пудратчи шартномани бажариш учун бошқа шахсларни (субпудратчиларни) жалб қилиши, буюртмачи олдида уларнинг иш натижалари учун жавоб бериши мумкин. Бундай ҳолда пудратчи буюртмачи олдида бош пудратчи сифатида, субпудратчи олдида эса буюртмачи сифатида намоён бўлади.

Агар пудратчи шартноманинг ишни ёмонлаштирувчи шартларидан чекинишга йўл қўйса ёки ишда бошқа камчиликларни содир қилса, буюртмачи бу камчиликларни бепул тузатиб беришни ёки буюртмачи ишдаги камчиликларни тузатиш юзасидан кўрган харажатларни қоплашини талаб қилишга ёхуд тўланадиган тегишли ҳақни камайтиришни талаб қилишга ҳақлидир.

Агар пудратчи шартномадан жиддий равишда чекинишга йўл қўйса буюртмачи шартномани бекор қилиш ва зарарларни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Шартноманинг ишни ёмонлаштирувчи шартларидан пудратчининг чекиниши юзасидан ёки бошқа камчиликлар юзасидан даъволар ишни қабул қилгандан кейин олти ой ичида билдирилиши мумкин, агар камчиликларни дарҳол аниқлаш имкони бўлмаса, иш қабул қилингандан сўнг бир йил ичида билдирилиши мумкин.

Бино ёки иншоотлардаги ана шундай камчиликларни оддий шароитда аниқлаш имкони бўлмаса уларга нисбатан даъволар иш қабул қилингандан сўнг уч йил ичида билдирилиши мумкин. Агар кафолат муддати белгиланган бўлиб, ишдаги камчиликлар ана шу муддат ичида аниқланса, даъво билдириш муддати камчиликлар аниқланган кундан бошлаб бекор қилинади.

**Юкни ташиб бериш.** Юкни ташиб бериш шартномаси бўйича юк ташувчи ўзига жўнатувчи томонидан ишониб топширилган юкни белгиланган жойга етказиб бериш ва юкни қабул қилиб олишга вакил

қилинган шахсга (олувчига) уни топшириш, жўнатувчи эса юкнинг ташилгани учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Йўловчи ташиш шартномаси бўйича ташувчи йўловчини белгиланган жойга олиб бориб қўйиши ва вакил қилинган шахсга уни топшириш мажбуриятини олади. Йўловчи йўлқира учун белгиланган ҳақни тўлаш, юкни топширган тақдирда эса уни ташиш учун ҳам ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Умумий фойдаланиладиган транспорт ташкилотлари томонидан юклар, йўловчилар ва бағажни ташиш ҳақи тарифлар асосида тўланади, агар улар белгиланмаган бўлса томонларнинг келишувига асосан тўланади.

Ташувчи йўловчиларни, бағажни, юкни белгиланган жойга тегишли ҳужжат билан белгиланган муддатда олиб бориши лозим. Агар бундай ҳужжат мавжуд бўлмаса шартнома асосида олиб бориш шарт. Бу муддатнинг бузилгани, шунингдек транспорт воситаларининг кечиккани учун ташувчи Низом, Кодекс ва шартномаларга биноан жавобгар бўлади.

Ташиш учун қабул қилинган юк ва бағажнинг йўқолгани, кам чиққани ва шикастлангани учун ташувчи жавоб беради. Жавобгарлик миқдори ва шартлари ҳам тегишли ҳужжатлар билан белгиланади.

Юк ташиш шартномасининг бир тури транспорт экспедициясининг шартномасидир. Бу шартномага кўра экспедитор ҳақ тўлаш эвазига ва юк жўнатувчининг ҳисобидан унинг номидан ёки ўз номидан юк ташиш учун битта ёки бир неча шартномалар тузиш, экспедиция шартномасида белгиланган юк ташиш билан боғлиқ бўлган хизматларни бажариш ёки уларни ташкил этиш мажбуриятини олади.

**Суғурта қилиш.** Суғурта қилиш объекти мол-мулк, шунингдек мулкий манфаат бўлиши мумкин. Суғурта қилиш ихтиёрий ва қонунда белгиланган ҳолларда мажбурий суғурта шаклида амалга оширилади, мажбурий суғуртани давлат ташкилотлари амалга оширади.

Суғурта шартномасига биноан суғурта шартлашилган ҳақ учун шартномада кўрсатилган воқеалар (суғурта ҳодисаси) рўй берган тақдирда суғурта қилинувчи ёки шартнома кимнинг номига тузилган бўлса, ўша шахс уларга етказилган зарар учун шартно-

мада келишиб олинган сумма (суғурта суммаси) доирасида тўлиқ ёки қисман тўлаш мажбуриятини олади.

Мол-мулкнинг фақат бир қисми суғурта қилинган бўлса зарарнинг тегишли қисми тўланади. Агар суғуртанинг шартномада эълон қилинган суммаси мол-мулкнинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетган бўлса, мол-мулк қийматининг ошириб юборилган қисми учун шартнома ҳақиқий бўлмайди.

Суғурта ҳолати рўй берган тақдирда шахсий суғурта шартномаси бўйича суғуртачи суғурта қилинган кишига ёки шартнома кимнинг номига тузилган бўлса, ўша шахсга ижтимоий суғурта бўйича, ижтимоий таъминот бўйича ва зарарни қоплаш тартибида қанча маблағ тегишидан қатъи назар, унга шартномада келишилган суммани тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта қилинувчи шартномада белгиланган суғурта тўловларини тўлаш мажбуриятини қабул қилади.

Суғурта ҳолати рўй берган тақдирда суғуртачи суғурта қилинувчига ёки шартнома кимнинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга суғурта маблағини тўлаши, шунингдек, тўланиши лозим бўлган зарарни камайтириш мақсадида қилинган зарур харажатларни суғурта суммаси доирасида тўлаши лозим.

Қонунда ёки шартнома шартларида назарда тутилган ҳолларда суғурта қилинувчи суғурта ҳодисаси рўй бергандан кейин суғуртачига суғурта қилинган мол-мулкка бўлган ўз ҳуқуқларидан ва суғурта ҳақининг тўлиқ суммасини олишдан воз кечганлигини билдиришга ҳақлидир.

**Комиссия.** Комиссия шартномасига кўра комиссионер комитент (бошқа шахсга топшириқ берувчи шахс) топшириғига кўра ҳақ тўланиши шарт билан ўз номидан комитет ҳисобидан битта ёки бир нечта битим тузиш мажбуриятини олади. Агар комиссиянинг шартномаси комитентга боғлиқ бўлган сабабларга биноан бажарилмай қолса, комиссионер комиссия ҳақини олиш ва қилинган харажатлар ўрнини қоплаш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Комиссионернинг учинчи шахс билан тузган битими бўйича ҳуқуқ ва вазифаларни (гарчи битим тузиш вақтида комитентнинг номи айтилган бўлса ҳам) комиссионернинг ўзи олади. Лекин комитентнинг та-

лаби билан комиссионер худди шундай ҳуқуқ ва ва-  
зифаларни унга бериши, бу ҳақда битим тузилган  
учинчи шахсни хабардор қилиши лозим. Учинчи шахс  
комитентга қарши ўзининг комиссионерга бўлган ва  
ушбу битимдан келиб чиқмайдиган талабларига асос-  
ланган эътирозларини илгари суришга ҳақли эмас.

Комиссионер ўз зиммасига қабул қилган топши-  
риқни комитентнинг кўрсатмаларига мувофиқ ўзи  
учун энг қулай шартлар асосида бажариши шарт.  
Агар анача қулай (фойдали) шартлар асосида битим  
тузган бўлса, бундан олинган фойда барабар тақсим  
қилинади (агар қонунда бошқа нарса кўзда тутил-  
маган бўлса).

Комиссионер учинчи шахснинг у билан комитент  
номидаги тузган битимини бажармаганлиги учун ко-  
митент олдида жавоб бермайди. Комитент мазкур  
шахсни танлаган вақтда зарур эҳтиёткорлик қилма-  
ганлиги ёки битимни бажариш учун ўзига кафиллик  
қабул қилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Комитентдан комиссионерга келиб тушган мол-  
мулк ёки комиссионер комитент ҳисобидан сотиб ол-  
ган нарса комитентнинг мулки ҳисобланади. Комис-  
сионерга комиссия шартномасидан келиб чиқадиган  
ҳақни тўлаш ҳақидаги талабни бажариш учун комис-  
сия мавзуини ташкил этувчи нарса-буюмларга бўлган  
гаров ҳуқуқи унга тегишли бўлади.

Комиссионер комитентнинг мол-мулкани йўқот-  
ганлиги ва унга зарар етказганлиги учун комитент  
олдида жавоб беради.

**Банкка қўйилган маблағ шартномаси.** Банкка қў-  
йилган маблағ шартномаси бўйича банк омонатчи-  
нинг қўйган пул маблағларини сақлаб бериш, улар  
бўйича фоиз миқдорида ёки бошқа шаклда даромад  
тўлаш, омонатчининг ҳисоб-китоблари бўйича топши-  
риқини бажариш ва омонатчининг маблағ суммасини  
биринчи талаб биланоқ мазкур турдаги омонатлар  
учун қонунда ёки шартномада кўзда тутилган шарт-  
лар ва тартибда қайтариб бериш мажбуриятини  
олади.

Банк мижоз ҳисобидаги пул маблағидан фойдала-  
ниш, талаб қилинган вақтда уни олишни таъминла-  
ши керак. Мижоз бу маблағларни тасарруф қилиш  
ва улар бўйича даромад олиш ҳуқуқига эгадир. Банк  
мижознинг бу маблағларни қаерга ва нимага ишла-

тишни белгилаш ва назорат қилишга, миждознинг ҳуқуқларини қонунда кўзда тутилмаган ёки шартномада белгиланмаган қандайдир чеклашларни белгилашга ҳақли эмас. Миждознинг буйруғисиз маблағларни ҳисобдан чиқаришга фақат суднинг қарори билан йўл қўйилади (агар қонунда бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса).

Банк миждоз ҳисобининг сирлигини кафолатлайди. Қонунда кўзда тутилмаган ҳоллардан ташқари, банкнинг миждоз розилигисиз ҳисобларининг аҳволи ва улар бўйича операциялар ҳақида маълумот беришига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг омонатларига жазо чораси фақат суднинг ҳукми ёки қарори асосида белгиланиши мумкин.

**Заём.** Заём (қарз шартномаси) бўйича қарз берувчи (кредитор) қарздорга пул ёки нарсаларни мулк сифатида тўла хўжалик юритиш учун беради, қарздор (қарз олувчи) худди шундай миқдордаги пулни ёки барабар миқдордаги нарсаларни (хили ва сифати ҳам шундай бўлиш керак) ўз вақтида қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ўзлари бериб турган қарз ҳисобидан фоииз оладилар. Унинг миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, бунда қонунда белгиланган фоииз миқдорларига қўйиладиган талабларга риоя этилади, келишиб олинмаган тақдирда эса банк фоиизининг ўртача миқдорида белгиланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган фуқаролар ўртасидаги шартнома умумий қоидага кўра фоиизсиз бўлади (агар бунда бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса), 500 сўмдан ортиқ қарз шартномаси ёзма шаклда бўлиши лозим.

Қарзни ўз вақтида қайтаришни таъминлаш мақсадида банклар ва бошқа кредиторлар мажбуриятнинг гаров, кафиллик ва бошқа шакллари қўллайдилар. Қарз таъминотсиз ҳам берилиши мумкин. Қарзни қайтаришни таъминлаш бўйича мажбуриятнинг бажарилмаслиги уни муддатидан олдин талаб қилиб олиш учун асос бўлади.

## 16- §. Зарар етказиш ва асоссиз равишда бойиш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятлар

Юқорида айтиб ўтилганидек, мажбуриятлар фақат шартнома асосида бўлмасдан, шу билан бирга шартномасиз ҳам қабул қилиниши мумкин. Шартномасиз мажбуриятларга зарар етказиш ва асоссиз равишда бойиш оқибатида пайдо бўладиган мажбуриятлар киради.

Зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари Республика фуқаролик Кодекси биринчи қисмининг 479-моддаси билан белгиланади. Унда айтилишича, фуқаронинг шахсига ва мол-мулкига, шунингдек юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарни зарар етказган шахс тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг пайдо бўлиши учун етказилган зарарнинг мавжудлигини аниқлаш зарур. Етказилган зарар маънавий ва моддий зарар бўлиши мумкин. Моддий зарар — бу шахсий ва мулкий манфаатни, бойликни ҳар қандай камситиш, маънавий зарар эса жисмоний ёки маънавий (руҳий) азоб чекишдир.

Етказилган зарар учун жавобгарликнинг иккинчи зарур шarti айбнинг мавжудлигидир. Фуқаролик кодекси 479-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилишича, зарар етказган шахс, агар бу зарарнинг ўз айби билан етказмаганлигини исботласа жавобгарликдан озод қилинади.

Етказилган зарар учун жавобгарликнинг учинчи шarti қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг қонунга хилоф эканлигидир. Агар зарар кўрган киши ўзининг қўпол эҳтиётсизлиги туфайли зарар кўрган бўлса, зарар зарур равишда мудофаа қилиш натижасида содир этилса ва бунда унинг чегаралари бузилишига йўл қўйилмаган бўлса, қонунда унинг ўрнини қоплаш миқдорини камайтириш ёки ундан воз кечиш мумкинлиги ҳам назарда тутилади. Зарар охириги зарурат ёки зарурий мудофаа туфайли етказилган бўлса, бу зарарни суд ҳукм қилган кишига юклаши мумкин. Охириги зарурият ва зарурий мудофаа шароитида зарар етказилган бўлса, уни тўлашни суд зарар етказувчи кимнинг манфаатини кўзлаб қилган бўлса, ўша шахс зиммасига юклаши мумкин.

Зарар ўн беш ёшга тўлмаган вояга етмаган шахс

томонидан етказилган бўлса, зарарни унинг ота-онаси ёки васийлари тўлайдилар (агар зарар ўзларининг айблари билан бўлмаганлигини исбот қилиб бермасалар).

Ун беш ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган балоғатга етмаганлар етказган зарар учун умумий асосларда жавобгар бўладилар. Агар балоғатга етмаган ўспириннинг ўзи етказган зарарни қоплаш учун мол-мулки ёки иш ҳақи бўлмаса, зарарнинг тегишли қисмини унинг ота-онаси тўлаши лозим (агар зарар ўз айблари билан бўлмаганлигини исбот қилиб бермасалар).

Муомала лаёқатсиз кишилар томонидан етказилган зарар учун унинг васийлари ёки улар устидан назорат қилишни амалга оширадиган ташкилотлар жавобгар бўладилар.

Зарар етказган фуқаро муомала лаёқатли бўлса-ю, у ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуниб етмаган ёки уларга амал қилмайдиган ҳолатда бўлса, агар, у ўзини спиртли ичимлик ёки гиёҳванд модда истеъмол қилиб, ёки бошқа усул билан шундай аҳволга солмаган бўлса, ўзи етказган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Етказилган зарар учун жавобгарликнинг умумий асосларидан ташқари, фуқаролик қонуни, шунингдек ходимнинг хизмат вазифасини адо этаётган вақтда етказган зарари, давлат идораларининг ғайриқонуний ҳаракатлари билан етказилган зарар, кучли хавф-хатар манбалари томонидан етказилган зарар, фуқаронинг ҳаётига ва соғлиғига етказилган зарар, маънавий зарар учун жавобгарлик ҳам кўзда тутилган.

Фуқарога унинг ғайриқонуний ҳукм қилиниши, ғайриқонуний жиноий жавобгарликка тортилиши, ғайриқонуний равишда унинг олдини олиш чораси сифатида соқчилик остида ҳисобга олиниши ёки бирор жойга жўнаб кетмаслик ҳақида тилхат олиниши, ҳисобга олиш ёки ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиш тарзида ғайриқонуний-маъмурий чора кўрилиши натижасида етказилган зарар қайта аниқлаш органлари мансабдор шахсларининг, дастлабки тергов прокуратура ва суд идоралари мансабдор шахсларининг айбидан қатъи назар, қонун билан белгиланган тартибда давлат томонидан қопланади.

Қайта аниқлаш идораларни, дастлабки тергов, прокуратура, суд идораларининг бошқа ғайриқонуний фаолияти натижасида фуқарога ёқп юридик шахсга етказилган зарар умумий асосларда қопланади.

Атрофдагилар учун ўта кучли хавф-хатар манбаи томонидан етказилган зарар одатда фаолияти ўта кучли хавф-хатар манбаи билан боғлиқ бўлган юридик шахслар ёки фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, автотранспорт воситаларининг эгалари) томонидан қопланади. Улар зарарнинг енгиб бўлмас куч ёки зарар кўрган кишининг нияти оқибатида вужудга келганлигини исбот қилган ҳоллардагина жавобгарликдан озод қилинадилар.

Фуқаронинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига товар ишлаб чиқариш, конструктив ва башқа камчиликлари борлиги туфайли ёки бажарилмаган ишлар натижасида етказилган зарарни сотувчи ёки ишларни бажарувчи (товар ишлаб чиқарувчи), зарар кўрган киши у билан шартнома муносабатларида бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, тўлаши лозим. Сотувчи ёки ишларни бажарувчи (товар ишлаб чиқарувчи) зарар кўрган киши фойдаланиш ёки сақлаш қоидаларини бузганлиги оқибатида зарар вужудга келганлигини исботлаб берган тақдирда жавобгарликдан озод қилинади.

Агар зарар қонунда белгиланган хизмат муддати мобайнида етказилган бўлса тўланиши лозим бўлади, агар бундай нарсалар мавжуд бўлмаса товар (ишлар) ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ўн йил ичида тўланиши керак.

Фуқарога шикаст етказилганда ёки унинг соғлиғига бошқа зиён етганда бой берилган иш ҳақи (даромад), шунингдек соғлиққа шикаст етиши билан боғлиқ бўлган харажатлар тўланиши керак.

Зарар кўрган киши вафот этган тақдирда вафот этган кунигача ундан нафақа олиб туриш ҳуқуқига эга бўлган киши, шунингдек унинг вафотидан кейин туғилган гўдак зарарнинг ҳақини олишга ҳақлидир.

Шартнома мажбуриятлари (шартнома, юк ташиш, меҳнат шартномаси) ни бажариш вақтида фуқаронинг соғлиғига ва ҳаётига етказилган зарар юқорида баён қилинган қоидалар асосида қопланади (агар қо-

нуний актлар билан оширилган жавобгарлик кўзда тутилмаган бўлса).

Гайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан фуқарога етказилган маънавий зарар уни етказган киши томонидан (агар унинг айби бор бўлса) қопланади. Маънавий зарар мулкий зарарни қоплашдан қатъи назар, пул билан ёки бошқа моддий шаклда суд белгиланган миқдорда тўланади.

Асоссиз равишда бойиш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар ношартномавий мажбуриятларга киради.

Асоссиз равишда бойиш янглиш юкланган ва ҳақи тўланмаган маҳсулотни олиш натижасида, тегишли бўлганидан ташқари хато ҳисоблаш натижасида ўзининг сақлаб қўйилган молини бошқа шахснинг маблағлари ҳисобидан хато ва онгли равишда сақлаш, совға қилиш нияти бўлмаган ҳолда бошқа киши ҳисобидан бир кишининг мол-мулки ортиб кетган ва бошқа шу хилдаги ҳолларда содир бўлади. Мол-мулкнинг ортиб кетиши дейилганда белгиланган ҳақни тўламаган ҳолда пул ёки нарсаларга эга бўлиш, мол-мулкнинг яхшиланишига, унинг қийматининг ортишига эришиш тушунилади. Мол-мулкни сақлаш дейилганда шахснинг сарфлаши лозим бўлган маблағининг сақланиши тушунилади, бунда бошқа шахс ўз ҳисобидан тегишли харажатлар қилмаган ёки бошқаларнинг нарсалари сарфланмаган бўлиши керак.

Қонунда шу нарса белгиланганки, бирор шахс қонунда ёки битимда белгиланмаган асосларда бошқалар ҳисобидан мол-мулкка эга бўлган бўлса, уни эгасига қайтариб бериши керак.

Асоссиз равишда олинган мол-мулкни табиий ҳолида қайтариб беришнинг иложи бўлмаса, унинг мол-мулкни қайтариш талаби билдирилган пайтдаги қиймати тўланиши керак.

Мол-мулкни асоссиз равишда қўлга киритган шахс шу мол-мулкдан олиши мумкин бўлган ёки олган барча даромадларини қайтариб бериши ёки ўрнини қоплаши лозим (бу шахс асоссиз равишда бойишни билиб қолган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб шундай қилиши лозим).

Асоссиз равишда ортиб кетган пулдан бошқаларнинг маблағидан фойдаланганлик учун кредиторнинг

яшаб турган жойидаги банкнинг ўртача ставкаси миқдорида фоиз ундирилади. Худди шундай тартиб қонунда ёки битим билан белгиланмаган асосларсиз бошқа кишининг ҳисобига мол-мулк сақланган ҳолларга ҳам татбиқ этилади. Қонунда махсус белгилаб қўйилган айрим ҳолларда асоссиз равишда қўлга киритилган ёки сақланган мол-мулк қайтариб берилмайди.

### 17- §. Ворислик ҳуқуқи

Ворислик ҳуқуқи дейилганда вафот этган фуқаронинг мол-мулки унинг меросхўрларига ўтиши тушунилади. Ворислик ҳуқуқи фуқаролар вафот этгандан кейин уларнинг мулкӣ ва айрим номулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бошқа шахсларга ўтиши натижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади.

Фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулкига тааллуқли бўлган мол-мулк мерос қилиб олиш объекти ҳисобланади. Булар фуқароларнинг меҳнат даромадлари ва жамғармалари, уй-жой, хонадон, уйдаги ёрдамчи хўжалик, уй-рўзғор буюмлари ва ашёлари, шахсий истеъмол буюмлари ва жиҳозлардир.

Вафот этган кишининг хусусий мулк ҳуқуқи, айрим мажбурият ҳуқуқлари (жамғарма банкида омонатни талаб қилиб олиш, суғурта пули, қалам ҳақи олиш ҳуқуқи), шунингдек муаллифлик ҳуқуқи, ихтиро қилиш ҳуқуқлари мерос бўлиб ўтади.

Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғланган мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар (нафақа олиш, алимент олиш ҳуқуқи, алимент тўлаш бурчи) мерос сифатида ўтмайди.

Ворислик ҳуқуқининг пайдо бўлиш мероснинг очилиши билан боғлиқ бўлиб, у мерос қолдирувчининг вафот этиши ёки унинг вафот этган деб белгиланган тартибда эълон қилиниши билан бошланади. Мероснинг очилиш вақти мерос қолдирувчининг вафот этган куннинг эртаси ёки суднинг шахснинг вафот этганлигини эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган кун ҳисобланади.

Мерос очилган жой қуйидагилар ҳисобланади:

- мерос қолдирувчининг кейинги яшаган жойи;
- кейинги яшаш жойи номаълум бўлган тақдир-

да мерос қилиб олинадиган мол-мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган манзил.

Мерос қилиб олиш қонун ва васият бўйича амалга оширилади. Қонун бўйича мерос қилиб олиш васият билан алмаштирилмаган ҳолда содир бўлади. Васият қилувчига қарши қаратилган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан унинг ўлимига сабабчи бўлган фуқаро қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва бу ҳуқуқлари қайта тикланмаган ота-оналар болалари вафот этгандан сўнг мерос олишлари мумкин эмас.

Биринчи навбатдаги ворислар марҳумнинг эри ёки хотини, оилада туғилган ва асраб олган фарзандлари ва ота-онаси ҳисобланади.

Иккинчи навбатдаги ворислар вафот этган кишининг ака-укалари, опа-сингиллари, учинчи навбатдаги ворислар — бувилари, боболари, набиралари, амакилари (тоғалари) ва аммалари (холалари) ҳисобланади.

Қонун бўйича ворис бўлиб, шунингдек вафот этган кишининг қарамоғида у вафот этишидан олдин камида бир йил турган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ҳам киради. Ворислар мавжуд бўлган тақдирда улар меросхўр бўлишга чақирилганлар билан баравар мерос оладилар. Қарамоқдаги меҳнатга лаёқатсизларга, 16 ёшга етмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, 55 ёшдан ошган аёллар, уч гуруҳдаги барча ногиронлар киради.

Қонун бўйича ворисларнинг улушлари тенгдир. Мерос қолдирувчи билан биргаликда яшовчи ворислар айрим устунликларга эгадир. Улар меросдан ташқари одатдаги уй-рўзғор жиҳозлари ва ашёларини (мебель, идиш-товоқлар, уй-анжомлари, васият қилувчининг касб фаолиятига хизмат қилган нарсалардан ташқари, китоблар, ёзув машинкаси), шунингдек шахсий буюмларини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мерос қолдирувчи мол-мулкни тўлиқ ёки қисман битта ёки бир нечта ворисларга — қонуний ворисларга ҳам, шунингдек давлатга ва юридик шахсларга ҳам васият қилиб қолдиришга ҳақлидир. У васиятда

ҳар қандай ворисни мерос ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳақлидир. Бироқ биринчи навбатдаги меросхўрлар — балоғатга етмаганлар ёки меҳнат қилишга лаёқатсизлар васиятнинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича мерос олишда мероснинг қанча қисмини олишлари лозим бўлса, унинг 2/3 қисмини олишга ҳақлидирлар.

Мерос қолдирувчи фақат ўзига тегишли мол-мулк доирасидагина васият қилиши мумкин. Васият қилиш чоғида у ҳуқуқий салоҳиятга эга бўлиши лозим. Васият ёзма равишда тузилган бўлиши, васият қилган киши томонидан шахсан имзоланган ва нотариал жиҳатдан тасдиқланган бўлиши лозим. Агар васият қилувчи ўзи имзо қўя олмаса, у ҳолда унинг топшириғига биноан, унинг иштирокида ва давлат нотариуси қатнашувида бошқа шахс томонидан васиятчи нима сабабдан ҳужжатни имзолай олмаслигини кўрсатган ҳолда имзоланиши мумкин. Мазкур жойда нотариус бўлмаган тақдирда васиятни ҳокимият тасдиқлаши мумкин.

Нотариал жиҳатдан тасдиқланган васиятларга қуйидагилар тенглаштирилади:

— касалхонада, санаторийда, даволанаётган, қариялар уйларида турган кишиларнинг бош шифокорлар, уларнинг ўринбосарлари ёки шу даволаш муассасаларининг даволовчи шифокорлари томонидан тасдиқланган васиятлари;

— денгиз кемаларида ёки ички сузиш кемаларида хизматда бўлган фуқароларнинг ана шу кемалар капитанлари томонидан тасдиқланган васиятлари;

— геология ва бошқа экспедицияларда бўлган фуқароларнинг ана шу экспедицияларнинг бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятлари;

— ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек ҳарбий қисмлар жойлашган пунктлардаги ва давлат нотариуси йўқ жойларнинг ишчилари ва хизматчиларининг ана шу қисмлар қўмондонлари тасдиқлаган васиятлари;

— ҳукм қилинганлар ва тергов назоратида турган жойдаги шахсларнинг ана шу муассасалар бошлиқлари тасдиқлаган васиятлари.

Васият қилувчи васиятини бекор қилиш ёки ўзгартириши мумкин. Васият тасдиқланган жойдаги нотариал конторасига тегишли ариза берилган йўли

билан ўзгартирилади. Васият анча кейинги сана билан ёзилган янги васият ёзиш ёки уни бошқаси билан алмаштирмасдан бекор қилиш ҳақида ариза бериш йўли билан ҳам бекор қилинади.

Мол-мулк қўйидаги ҳолларда давлатга мерос ҳуқуқи бўйича ўтади:

— мерос берувчининг қонун бўйича ворислари бўлмаган тақдирда ёки васиятнинг бегона киши фойдасига ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши;

— барча ворисларнинг меросни қабул қилишдан воз кечиши;

— мерос очилган кундан бошлаб олти ой ичида ворисларнинг меросни қабул қилмаслиги;

— васият қилувчи томонидан ҳамма ворисларни меросхўрлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш.

### 18-§. Муаллифлик ҳуқуқи

Муаллифлик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб, у фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ифодалайди.

Муаллифлик ҳуқуқининг объекти фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳисобланади. Бунда асарнинг қадр-қиммати ва нашр этилган ёки этилмаганлигининг аҳамияти йўқ. Асар муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида тан олиниши учун қонун икки шартни қўяди: биринчидан, асар маълум бир объектив шаклда ифодаланган бўлиши; иккинчидан, бу объектив шакл муаллиф ижодий фаолияти натижаларини (қўлёзма, чизма) акс эттиришга имкон бериши керак.

Ижодий фаолияти натижасида асар яратган шахс муаллифлик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади. Бу ерда белгилловчи таркибий қисм ижоддир.

Агар республика ҳудудида биринчи марта босилиб чиқарилган ёки босиб чиқарилмаган бўлса-да, лекин бирдан-бир объектив шаклда республика ҳудудида бўлган асар учун, у қайси мамлакат фуқароси бўлишидан қатъи назар, муаллифлик ҳуқуқи берилади.

Асарлари биринчи марта босилиб чиққан ёки бирон-бир объектив сабабларга қўра чет давлат ҳудудида бўлган республика фуқароларининг муаллифлик ҳуқуқи тан олинади.

Муаллифлар бир неча шахслар (шериклик) дан

ибрат бўлиши мумкин. Шерик муаллифликдан асар маълум қисмининг муаллифлари аниқ бўлса, тўла яратилган қисми учун муаллифлик ҳуқуқи сақлаб қолинади, агар асар яхлит бир бутунни ташкил этса ва биргаликда ёзилган бўлса, асар шерик муаллифларнинг ҳаммасига тегишли бўлади.

Тўпلام тузувчилар, юридик шахслар муаллифлик ҳуқуқи субъекти бўлишлари мумкин. Асар муаллифига ўз асарлари учун тўла муаллифлик ҳуқуқи, ном қўйиш, даҳлсизлик ҳуқуқи, нашр этиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи, ҳақ олиш ҳуқуқи берилган.

**Муаллифлик ҳуқуқи** — муаллиф ҳуқуқи бўлиб, муайян асарнинг яратувчиси ҳисобланади. Қонуни муаллифлик ҳуқуқини фақат унинг ҳаётлик вақтида эмас, балки вафот этгандан кейин ҳам ҳимоя қилади.

**Ном бериш ҳуқуқи** ҳам муаллифлик ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ ва у асарини ўз номи, тахаллуси билан ёки умуман номини кўрсатмай чоп эттириш ҳуқуқини сақлаб қолади.

**Фойдаланиш ҳуқуқи** — асарни ҳар қандай усулда — матбуотда, омма олдида ижро этиш йўли билан ҳаво тўлқинлари орқали эшиттириш, видеода, овоз ёзиб олишда, кабелли телевидениеда ернинг сунъий йўлдоши ва бошқа техника воситалари ёрдамида, таржима қилиш, асарни қайта ишлаш, чоп этилган нусхаларини тарқатиш, меъморчилик ва дизайн лойиҳасини ўтказиш орқали оммага етказиш муаллиф ҳуқуқи доирасига киради.

Муаллиф розилигини олмасдан ва муаллифлик ҳақини тўламасдан, лекин муаллиф исм-шарифини ва олинган манбани кўрсатиш йўли билан қуйидагиларда фойдаланиш мумкин: кўчирма олиш, радио, телевидение ва газеталарда, омма олдида айтилган нутқ, маърузалар, газета ва журналда эълон қилинган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва диний мақолаларда (бунда асар муаллифи томонидан махсус ман этилган бўлиши керак), кино, радио, телевидениеда кундалик воқеалар баён этганда ва умумлаштирилганда. Ана шу шартлар билан босилиб чиққан асарларни фойда олиш манфаатини кўзламаган ҳолда илмий-ўқув ва оқартув ишлари мақсадларида репродукция (нусха олиш) қилишга, босилиб чиққан асарларни кўрлар учун бўрттириб ишланган нуқтали шрифт билан нашр этишга йўл қўйилади. Шу мақ-

сада махсус яратилган асарлар бунга кирмайди, ЭВМ дастури учун ягона нусхаси тайёрланган асарлар дастур нусхаси эгаси билан қонунда белгиланган шартлар асосида фойдаланилади.

Муаллиф асаридан ўзга шахслар томонидан фойдаланиш муаллиф билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Бу шартномага мувофиқ муаллиф буюртма асарни яратиши ва уни фойдаланиш учун бериши, фойдаланувчи эса ундан фойдаланиши ёки шартномада кўрсатилган усулда асардан фойдаланишни бошлаши шарт.

Асардан бошқа шахс томонидан фойдаланганлик учун ҳақ олиш — муаллифнинг асосий мулкӣ ҳуқуқидир. Ҳақ бериш миқдори ва тартиби, уни тўлаш тартиби ва муддати муаллиф билан тузилган шартномада кўрсатилади.

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун умри давомида ва у вафот этган йил ёки кейинги йилнинг 1-январидан бошлаб 50 йил давомида амал қилади.

Муаллиф ворисларига асар дахлсизлигини муҳофаза қилиш, чоп эттириш, ундан фойдаланишни амалга ошириш ва унга рухсат бериш, шунингдек, асардан фойдаланишга рухсат этганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқи берилади. Муаллифнинг бошқа ворисларига, шу жумладан юридик шахсларга фақат асардан фойдаланиш ҳуқуқи ўтиши мумкин.

#### **19- §. Саноат объектига мулкчилик ҳуқуқи**

Саноат объектига мулкчилик ҳуқуқи — бу ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиб турувчи юридик нормалар йиғиндисиدير.

Республика Олий Кенгаши томонидан 1994 йил 6 майда қабул қилинган ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонунга мувофиқ башарти у янги, ихтирочилик даражасига эга бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, бундай объект ихтиро ҳисобланади.

Ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражасида маълум бўлмаса янги ҳисобланади, ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражаси ҳақида маълумотлардан яққол аён бўлмаса ихтирочилик даражасига эга бўлади. Техника даражаси эса Патент

идорасига ариза берилганга қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Қўйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилади: қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штамлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизм штамларининг янги мақсадда қўлланилиши.

Қўйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди: илмий-назарий ва математика усуллари, ҳужаликни ташкил этиш ва бошқариш усуллари, шартли белгилар, жадваллар, қондалар, ақлий операцияларни бажариш қондалари ва усуллари, электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар, бинслар, иншоотлар, ҳуқуқларни режалаштириш лойиҳалари ва схемалари, эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотларнинг фақат ташқи кўринишига оид ечимлар, интеграл схемаларнинг топологиялари, ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари, жамоат манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ қондаларига зид ечимлар.

Фойдали модель сифатида кўрсатилган объект, башарти у янги бўлса ва уни саноатда, яъни амалда қўллаш мумкин бўлса ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Фойдали модель, башарти унинг муҳим аломатлари мажмуи техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги ҳисобланади. Техника тараққиёти даражасига фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳақидаги ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотлар, шунингдек уларни қўллашга доир маълумотлар киради.

Саноат намунаси — янги, ўзига хос ва саноатда қўллаш мумкин бўлган объектдир. Унинг янгилиги буюмнинг эстетик ва эргономик хусусиятларини (намуналардан фойдаланиш бўйича кишиларнинг имкониятлари ва қобилиятлари) белгиловчи муҳим аломатлари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаганларидир.

Саноат намунасининг аслиги — унинг муҳим ало-

матлари мажмуи буюм эстетик хусусиятларининг ижодий характери билан боғлиқдир.

Саноат намунасини такрор-такрор ҳосил қилинса, демак, уни саноатда ҳам қўллаш мумкин, деб эътироф этилади.

Буюмнинг ташқи кўринишини ифодалайдиган бадий конструкторлик ечимлари саноат намунаси жумласига киради.

Саноат мулки объекти учун ҳақуқ унинг муаллифига берилади, у бу саноат мулкига ўз номини бериши ёки махсус ном қўйиш ёки меросхўрининг номини қўйиши мумкин.

Саноат мулки объектини шахсий ижодий меҳнати билан яратган жисмоний шахс бу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади. Агар саноат мулкининг объекти бир неча жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати асосида яратилган бўлса, уларнинг ҳаммаси бу объектнинг тенг ҳуқуқли муаллифи деб эътироф этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи бегоналаштирилмайдиган шахсий ҳуқуқ бўлиб, қонун билан муҳофаза қилинади. Ихтиро ёки саноат объектига муаллифлик ҳуқуқи патент, дастлабки патент берилади, фойдали моделга гувоҳнома берилади.

Дастлабки патент ва гувоҳнома Республика Давлат патент идорасидан дастлабки экспертизадан ўтказилгандан кейин 5 йил муддатга, патент эса мохиятан экспертизадан ўтказилгандан кейин берилди. Ихтиро учун олинган патент 20 йил мобайнида, саноат намунасига олинган патент 10 йил мобайнида амал қилади. Патент эгасининг илтимосига кўра ихтиро учун берилган патент муддати 5 йилга, саноат намунаси 3 йилгача узайтирилиши мумкин.

Ихтиро патенти ихтиронинг янгилигини; ихтирочлик даражасини, патентнинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг ихтирога эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди. Саноат намунаси патенти саноат намунасининг янгилиги ва ўзига хослигини, патентнинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг саноат намунасига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Дастлабки патент ва гувоҳнома патент эгасининг саноат мулки объектига эгалик қилиш, уни тасарруф

этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат мулкининг объектига патент ва дастлабки патент ёки гувоҳнома муаллифдан ташқари қуйидагиларга берилади:

— унинг меросхўрига;

— муаллиф ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан патент, дастлабки патент, гувоҳнома ёки объект Патент идорасида рўйхатдан ўтказилганга қадар топширилган аризада кўрсатилган жисмоний ёки юридик шахсларга;

— иш берувчига, башарти хизматчи ўз хизмат вазифасини, иш берувчидан олган аниқ бир топшириқни бажариш билан боғлиқ тарзда ёки корхонанинг ихтисосига доир техник билимлар ёрдамида яратилган саноат мулки объекти бўлса, шунингдек мулк объектига бўлган ҳуқуқни ўзгага ўтказиш муаллиф ва иш берувчи ўртасида тузилган шартномага асосан расмийлаштирилган бўлса.

Башарти иш берувчи саноат мулки объекти яратилганлиги ҳақида муаллиф маълум қилган санадан эътиборан тўрт ой мобайнида Патент идорасига талабнома топширмаса, талабнома топшириш ҳуқуқини ўзга шахсга ўтказмаса, муаллиф талабнома топшириш ва патент, дастлабки патент, гувоҳномани ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда иш берувчи саноат мулкининг тегишли объектдан ўз корхонасида патент эгасига шартномада белгиланадиган тоvon пулини тўлаган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Патент эгаси патент, дастлабки патент, гувоҳнома билан муҳофаза қилинадиган саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга бериши мумкин.

Патент, дастлабки патент, гувоҳнома, шунингдек уни олиш ҳуқуқи мерос бўйича ўтади.

Патент эгаси саноат мулки объектига ўз хоҳишича эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Агар патент эгаси бир неча бўлса, уларнинг ўзаро муносабатлари ўртада тузилган битимга биноан белгиланади. Бундай битим бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофазаланган саноат мулки объектдан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, лекин қол-

ган патент эгаларининг розилигисиз лицензия беришга ёки патентни ўзга шахсга топширишга ҳақли эмас.

Қонун патент эгасидан саноат мулки объектдан фойдаланишни талаб этади. Агар патент рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил мобайнида бутунлай фойдаланилмаса, ундан фойдаланмоқчи ва фойдаланишга тайёр бўлган ҳар қандай шахс мажбурий лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат этиши мумкин.

Патент эгаси бўлмаган ҳар қандай шахс саноат мулки объектдан фақат патент эгасининг руҳати билан лицензия шартномаси асосида фойдаланиш ҳуқуқига эгадир, бунга мувофиқ патент эгаси саноат мулки объектга бўлган ҳуқуқини ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини ўзга шахсга (лицензиатга) беради, лицензиат эса шартлашилган тўловларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Муаллифликни ўзлаштириш, ҳаммуаллифликка мажбур қилиш, саноат мулки объекти тўғрисидаги маълумотларни қонунга хилоф равишда ошкора қилиш амалдаги қонунга мувофиқ жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилади.

Патент берилганлиги ва патент юзасидан билдирилган эътирозлар тўғрисидаги, мажбурий лицензия берилганлиги тўғрисидаги низолар Республика Олий судида кўрилади. Саноат мулки объектга муаллифлик тўғрисидаги, ундан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши тўғрисидаги, патент эгасини аниқлаш тўғрисидаги низолар барча инстанциядаги судларда кўриб чиқилади. Патент эгасининг мулкий ҳуқуқлари тўғрисидаги, лицензия шартномаларининг ижроси тўғрисидаги, муаллифга мукофот пули тўлаш тўғрисидаги низолар хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади.

## 20- §. Фуқаролар шаъни ва қадриятини фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш

Кўп йиллар давомида фуқаролар шаъни ва қадрияти фақат жиноий-ҳуқуқий руҳдаги тадбирлар билан муҳофаза қилиб келинди. Аммо бу тадбирлар етарли бўлмай қолди. Жиноий жавобгарлик фақат жиноятчининг жазоланишига вазифасини ҳал қилди, аммо фуқаролик-ҳуқуқий усулда муҳофаза қилинганда жабрланувчи номини тиклаш масаласи ҳал қилин-

май қоларди. Шу муносабат билан фуқаролик қонунида фуқаро ёки ташкилот шаъни ва қадриятини камситувчи маълумотларни, агар тарқатилган бундай маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаса, рад қилишни суддан талаб қилиш ҳуқуқи кўзда тутилган қонда киритилди. Бундай талаблар қуйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина қондирилади:

— фуқаро талаб қилган раддия маълумотлари аниқ далиллар ёки далилларга берилган баҳога асосланган бўлиши зарур;

— жавобгар ҳаракатларида бу маълумотларни тарқатиш шакли ифодаланган бўлиши, яъни рад этиладиган маълумотлар учинчи бир шахсга етказилган бўлиши зарур, юзма-юз айтилганлар инobatга олинмайди;

— тарқатилган маълумотлар ёлғон бўлиши керак;

— тарқатилган маълумотлар маънавий, ҳуқуқий жиҳатдан одам шаъни ва қадриятини камситувчи, объектив равишда уни ерга урадиган бўлиши керак.

Қонун одам номини камситиш қандай усулда бўлган бўлса, худди шу усулда тикланиши зарурлигини таъкидлайди. Агар одам шаъни ва қадрияти мажлисда ерга урилган бўлса, унинг раддияси ҳам шу мажлисда амалга оширилиши керак. Агар камситувчи маълумот буйруқда содир этилган бўлса, унинг раддияси ҳам буйруқ билан айтилиши керак. Агар камситувчи маълумот ҳужжатда бўлса, унда бошқа янги ҳужжат бўлиши керак.

Фуқаро ёки юридик шахснинг шаъни, қадрияти ёки обрў-этибори камситиладиган маълумотлар тарқатилган бўлса, бунда улар ушбу маълумотлар раддиясини талаб қилиш билан бунга унинг тарқалишидан келадиган зарар ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилишлари мумкин.

Одам шаъни ва қадриятини тиклаш тўғрисида суд қарорининг бажарилиши раддия учун белгиланган муддатда амалга оширилади, агар у кўрсатилган муддатда келмаса, жавобгар шахсдан ундирилдиган жарима миқдорини суд аниқлаб бериши мумкин.

## 17-БОБ. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

1. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, предмети, принциплари ва субъектлари.
2. Меҳнат ҳуқуқи муносабатлари.

3. Аҳолини иш билан таъминлаш.
4. Меҳнат шартномаси (контракт).
5. Иш вақти ва дам олиш вақти.
6. Умумтаълим мактабларда иш вақти ва дам олиш вақти.
7. Мактабгача болалар муассасаларида иш вақти ва дам олиш вақти.
8. Иш ҳақи.
9. Қафолатланган ва бадал тўловлари.
10. Меҳнат интизоми.
11. Моддий жавобгарлик.
12. Меҳнат муҳофазаси.
13. Аёллар меҳнати.
14. Ёшлар меҳнати.
15. Ишни таълим билан бирга қўшиб олиб борувчи ходимлар учун имтиёзлар.
16. Меҳнат низолари ва уларни кўриш тартиби.
17. Жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилиш тартиби.

### 1-§. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, предмети, принциплари ва субъектлари

Меҳнат ҳуқуқига умумий тавсифнома. Республика меҳнат қонунлари бизнинг барча ҳуқуқларимиз каби зиддиятли йўлни босиб ўтди. Дастлабки йилларда меҳнаткашларнинг юқори даражада ижтимоий муҳофазасини таъминлайдиган ҳуқуқий қафолатларни мустаҳкамлаш амалга оширилди. Аммо 20-йиллардан кейин ва айниқса урушдан олдинги йилларда меҳнат ҳуқуқига маъмурий-буйруқбозлик тизимининг чексиз ҳукмронлиги жорий этилиши муносабати билан салбий жараёнларнинг таъсири кучайди.

Меҳнат муносабатларини қатъий равишда марказдан бошқариш вужудга келди ва ҳуқуқий қафолатдан воз кечилди.

60-йилларнинг ўрталарида қисман ижобий силжиш рўй берди, аммо у кейинчалик ўз ривожини топа олмади. Республика давлат мустақиллигига эришиб, бозор муносабатларини шакллантириш бошлангач меҳнат қонуни ҳозирги кун талабларидан кескин орқада қолаётганлиги маълум бўлиб қолди. Меҳнат қонунлари меҳнатни ташкил этиш ва мулкчилик шакллари билан номувофиқлиги, меҳнат учун ҳақиқий ҳақ тўлаш таъминланмаганлиги, меҳнатга

ҳақ тўлаш мезони йўқлиги, меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш даражаси пастлиги, ишлаб чиқариш ва ижтимоий кафолат мувозанатининг бузилиши, меҳнаткашлар манфаатини муҳофаза қилиш механизмларининг заифлиги жамият олдида турган вазифаларни ҳал қилишда тўсиқ бўлиб турди. Бу Республика Олий Кенгаши XII чақириқ 12-сессияси қарорлари бошлаб берган меҳнат қонунини ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо қилди.

**Меҳнат ҳуқуқи предмети.** Мулкчилик шаклларидаги ва шу билан боғлиқ баъзи бир бошқа муносабатлардаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорлар билан меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлаётган барча шахслар меҳнат муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқ тармоғи меҳнат ҳуқуқи ҳисобланади.

Юқоридаги тарифдан кўринадики, меҳнат ҳуқуқи предмети, энг аввало, меҳнат муносабатлари ҳисобланади. Меҳнат муносабатларининг икки тури мавжуд: меҳнат шартномаси (контракти) асосида юзага келадиган муносабатлар ва жамоа ҳўжалигида ёки бошқа бир кооперативда аъзоликка асосланган меҳнат муносабатлари.

Меҳнат ҳуқуқи меҳнат шартномаси (контракти) асосида юзага келадиган меҳнат муносабатларини тартибга солиб туради. Кооператив, шу жумладан жамоа ҳўжаликларига тегишли иккинчи тур меҳнат муносабатлари тегишли қонунлар билан тартибга солинади.

Яқин вақтларгача меҳнат ҳуқуқи фақат ишлаб чиқаришнинг давлат шаклида қатнашаётган ишчи ва хизматчилар меҳнат муносабатларини тартибга солиб турарди. Эндиликда давлат корхоналарида ва ширкат (жамоа) ва хусусий мулкка асосланган корхоналарда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳар бир ходимнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш меҳнат ҳуқуқининг предмети ҳисобланади. Меҳнат жараёни, шунингдек, меҳнат ҳуқуқи билан тартибга солинадиган, у билан боғлиқ бошқа ижтимоий муносабатлар доирасига ходимларни меҳнат фаолияти учун тайёрлаш ва малакасини ошириш, баъзи бир тоифадаги фуқароларни ишга жойлаш, меҳнат тўғрисидаги қонунни ва меҳнат муҳофазасига оид қоидага риоя қилишни назорат қилиш, меҳнат

баҳоларини ҳал қилиш каби муносабатлар киради.

Якка тартибдаги меҳнат муносабатлари билан бирга ходимни жамоага қабул қилиш бир қатор жамоа муносабатларини вужудга келтиради, унинг маъмуни меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришдан иборат бўлиб, меҳнат фаолиятини амалга оширишни асосий шартларини белгилаш ва жорий этиш ҳам шунга киради.

**Меҳнат ҳуқуқининг асосий принциплари ва меҳнат ҳуқуқини амалга оширишни кафолатлаш.** Меҳнатни ҳуқуқий бошқаришнинг асосий принциплари қуйидагилар:

- меҳнат қилишда тенг ҳуқуқли бўлиш;
- ишни эркин танлаш ва мажбурий меҳнатни таъқиқлаш;
- ишсизликдан муҳофаза қилиш ҳуқуқи ва ишсизлик юз берган тақдирда давлатнинг ёрдам кўрсатиши;
- адолатли меҳнат шароити ҳуқуқига эга бўлиш;
- бир хил ишга тенг ҳақ тўлаш ҳуқуқи ва энг кам иш ҳақини кафолатлаб қўйиш;
- ўз мутахассислиги ва касби бўйича ишга тайинланиш ҳуқуқи;
- ходим ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқи;
- дам олиш, касал бўлганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, шунингдек кексайганда ижтимоий жиҳатдан таъминланиш ҳуқуқи;
- меҳнаткашларнинг корхона, муассаса, ташкилотларни бошқаришда кенг миқёсда иштирок этиши;
- меҳнат мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажариш, интизомга риоя қилиш ва белгиланган нормани бажариш, муайян меҳнат интизомига риоя қилиш.

**Меҳнат ҳуқуқи субъектлари.** Меҳнат ҳуқуқи субъектларига қуйидагилар киради: 1. Фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар, шунингдек уларнинг маъмурияти. 2. Муассаса, ташкилотлар касаба уюшмалари қўмиталари.

Фуқароларнинг меҳнат муносабатларига киришининг зарурий шarti меҳнат ҳуқуқий лаёқати бўлиб, у 16 ёшга тўлганда бошланади. Айрим ҳолларда 15 ёшга тўлган шахслар ҳам ишга қабул қилиниши мумкин.

Мақтаб ўқувчиларини аста-секин меҳнатга кўник-  
ма ҳосил қилиб бориш зарурлиги ҳисобга олиниб,  
қонунда 14 ёшга тўлган, балоғат ёшига етмаганлар-  
ни ҳам ишга қабул қилиш ҳолатлари назарда тутил-  
ган.

Меҳнат ҳуқуқий лаёқатни чеклашга, яъни маълум  
фаолият билан шуғулланиш ёки маълум бир лаво-  
зимда хизмат қилишдан маҳрум этишга жиноят со-  
дир этган шахсларга асосий ёки қўшимча жазо сифа-  
тида қонунда белгиланган асослар бўйича ва фақат  
суд ҳукми билан йўл қўйилади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар меҳнат  
ҳуқуқининг субъекти сифатида меҳнат фаолиятини  
амалга ошириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда  
асосан фуқароларни иш билан таъминлаш, меҳнатни  
ташкил этиш, унга ҳақ тўлаш ва ходимлар меҳнати-  
ни муҳофаза қилишни уюштиради.

Корхоналарни меҳнат муносабатларида иштирок  
этишининг муқаррар шарти уларнинг юридик шахс  
ҳуқуқига эга бўлишидир. Аммо баъзи бир ҳолларда  
юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган корхоналар ҳам  
меҳнат муносабатлари субъекти бўлиши мумкин,  
бунда юқори органлар амалдаги қонунга мувофиқ  
меҳнат муносабатлари бўйича ўз ваколатини қўйи  
бўғиндагиларга берадилар.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш бирлигининг  
раҳбари гарчи мазкур бирлик юридик шахс бўлмаса  
ҳам, ўз хизмат вазифаси доирасида ишчиларни ишга  
қабул қилиш ва бўшатиш ҳуқуқига эга бўлади. Кў-  
пинча корхона, муассаса, ташкилот ваколати маъму-  
рият томонидан амалга оширилади, бунда улар баъ-  
зи бир меҳнат муносабатларида меҳнат ҳуқуқининг  
мустақил субъекти сифатида иш кўради. Бундай му-  
носабатларга кўпроқ ташкилий бошқарув муносабат-  
ларини киритиш мумкин. Корхона ваколати доираси-  
да маъмурият ҳамма ходимлар учун албатта қарор  
қабул қилади. Бундай ҳолда у корхона органи сифа-  
тида эмас, балки бошқарув органи сифатида иш кў-  
ради.

Касаба уюшма қўмитаси меҳнат ҳуқуқи субъек-  
ти сифатида ўз номидан (меҳнатни муҳофаза қилиш  
устидан назорат) ёки тегишли меҳнат жамоаси но-  
мидан (жамоа меҳнат шартномаси) иш кўради. Ка-  
саба уюшма қўмитаси маъмурият билан биргаликда

меҳнат шароити ва иш ҳақи масалаларини ҳал қилади, меҳнат муҳофазаси ҳолатини меҳнат ва жамоа шартномаси тўғрисидаги қонунга маъмурият томонидан риоя қилинаётганлигини назорат қилиш ва жамоат назоратини ўрнатишда иштирок этади, жамоа меҳнат низоларида қатнашади.

## 2-§. Меҳнат ҳуқуқи муносабатлари

Меҳнат ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинадиган муносабатларга меҳнат ҳуқуқи муносабатлари дейилади. Аммо бу таъриф меҳнат ҳуқуқи муносабатлари моҳиятини тўла очиб бермайди, чунки уларнинг таъсир доирасига кирадиган бир қатор ўзига хос ва фарқли хусусиятлар ҳисобга олинмаган. Биринчидан, меҳнат ҳуқуқи муносабатларида у ёки бу шахс бирор корхона, муассаса ва ташкилотда ижтимоий меҳнатда қатнашиш орқали ўзининг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширади. Иккинчидан, меҳнат муносабатлари юзага келишининг юридик асоси бир томондан ходим, иккинчи томондан корхона, муассаса, ташкилот ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки контракт ҳисобланади. Биринчиси маълум бир ишни бажариш мажбуриятини олади, иккинчиси эса унга меҳнат шароитини яратиб бериш ва ишлаган иш ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Учинчидан, меҳнат муносабатлари ҳар икки томоннинг ихтиёрий розилиги натижасида юзага келади.

Шунинг учун меҳнат ҳуқуқи муносабатлари дейилганда ихтиёрий розилик ва меҳнат шартномаси ёки контракт асосида юзага келадиган фуқароларнинг ижтимоий меҳнатда қатнашуви бўйича юридик муносабатларни тушунмоқ керак.

Ўзаро боғлиқ фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан фарқли равишда (уларнинг иккаласи ҳам меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ) меҳнат муносабатларининг асосий принципларига қуйидагилар кирди:

— ходимнинг меҳнат жамоасига мансуб бўлиши ва унинг таркибида жамоа олдидан турган вазифани бажаришда иштирок этиши;

— маълум меҳнат турини бажариш, яъни якка тартибда белгиланган аниқ вазифани эмас, балки маълум ихтисос, малака, лавозим бўйича ҳамма турдаги ишларни бажариш;

— белгиланган меҳнат интизомига амал қилиш (бунда ходим ички меҳнат интизомига, яъни ходимларни биргаликда фаолият кўрсатиш шартларига бўйсунди);

— меҳнат мажбуриятининг шахсий хонаки ерда эканлиги, яъни ходимнинг шахси билан боғлиқ эканлиги хусусияти.

Меҳнат ҳуқуқи муносабатларининг мазмуни томонларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбурияти бўлиб, ходимларнинг асосий ҳуқуқи ва мажбуриятларини амалга ошириш ва аниқлаш имкониятини беради. Бу меҳнат тўғрисидаги Кодекснинг 2-моддасида мустақамланган: меҳнат хавфсизлиги ва гигиена талабларига жавоб берган иш шароити ҳуқуқи; иш туфайли соғлиққа шикаст етса, келтирилган зарарни тўлатиш ҳуқуқи; меҳнатга тенг миқдорда ҳақ тўлаш ва бунда ҳеч қандай камситишга йўл қўймаслик ҳамда ҳақ тўлашда қонунда белгиланган энг кам миқдордаги иш ҳақидан кам ҳақ тўламаслик ҳуқуқи; белгиланган иш вақти узунлиги давомидан кейин дам олиш, баъзи бир касбдагилар учун қисқартирилган иш кўни белгилаш, ҳар ҳафтадан кейин, байрамларда дам олиш, шунингдек иш ҳақи тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқи; кексайганда, меҳнат қобилиятидан айрилганда, боқувчисини йўқотганда ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқи; шу жумладан судларда ўз меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳуқуқи; касбий уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи; ўз вазифасини виждонан бажариш, меҳнат интизомига риоя қилиш, корхона, муассаса, ташкилот мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, белгиланган меҳнат нормасини бажариш ҳуқуқлари.

Ходимларнинг субъектив ҳуқуқи қаторига, жумладан, қуйидагилар киради: ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ билан таништириш; қонунда белгиланган ҳужжатларнигина кўрсатиш; меҳнат шартномасида (контрактда) кўрсатилган шартлардаги ишни талаб қилиш; иш вақтининг нормал давомийлигини таъминлаш, ҳафтада қирқ соатдан оширмаслик; байрам ва дам олиш кунлари арафасида қисқартирилган иш кунини таъминлаш; дам олиш ва овқатланиш учун танаффус олиш; дам олиш ва байрам кунларида ишлаганларга компенсация тўлаш; меҳнат миқдори ва сифати бўйича иш ҳақи тўлаш;

маъмурият томонидан эътибор билан қарашни таъминлаш ва ҳ. к.

Корхона, муассаса, ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқи ва мажбурияти низом ва уставларда кўрсатилиб қўйилади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1) меҳнат жамоасини вужудга келтириш ва келажақда унинг ишларини ташкил этиш (кадрларнинг касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлаш бўйича ходимларни қабул қилиш ва ўтказиш ҳуқуқи ва мажбурияти ва ҳ. к.); 2) меҳнат шароитларини яхшилаш билан боғлиқ (ходимга маълум иш ўрни биркитиш, уларни аттестациядан ўтказиш, ишини оқилона ташкил этиш); 3) меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ (меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилаш, устама ва қўшимча ҳақ тўлашни жорий этиш ҳуқуқи ва мажбурияти); 4) алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларни рағбатлантириш ва интизом ваколатини амалга ошириш, келтирилган зарарни ўндириш билан боғлиқ.

Меҳнат муносабатларининг амал қилишига асос меҳнат шартномаси ёки контракт бўлиб, унда ҳар икки томоннинг хоҳиши ифодаланади; фуқаронинг мазкур корхона, муассаса, ташкилотга ишга кириши, уни ишга қабул қилиши сўралади.

Баъзи ҳолларда меҳнат муносабатларини вужудга келтириш учун меҳнат шартномаси (контракт) дан ташқари компетентли органларнинг ишга юборганлиги тўғрисида маъмурий-ҳуқуқий далолатнома ҳам зарур бўлади (масалан, олий ва ўрта махсус ўқув юртини ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда битирган шахслар).

Сайланидиган лавозимга қабул қилинганда унинг мазкур лавозимга сайланганлиги тўғрисидаги далолатнома меҳнат ҳуқуқи муносабатларини вужудга келтириш учун асос бўлади.

Юқори органлар томонидан лавозимга тайинланганда меҳнат муносабатлари лавозимга тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатнома қабул қилингандан кейин кучга киради.

Меҳнат ҳуқуқи муносабатларида киритилдиган ўзгаришлар ҳар икки томон розилиги асосида амалга оширилади (бошқа ишга ўтказиш учун ходим

билан маъмуриятнинг ўзаро келишуви бўлиши керак).

Меҳнат ҳуқуқи муносабатларини тўхтатишда томонлар келишуви асос бўлади (бошқа ишга кўчиришда иш олувчи билан маъмуриятнинг ўзаро розилиги керак).

Меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларига икки томон келишуви билан бир қаторда ҳар бир томоннинг бир томонлама розилиги ҳам киради.

Баъзи ҳолларда учинчи шахс ташаббуси билан (касаба уюшма талаби билан меҳнат шартномаси (контракти) ни бекор қилиш), шунингдек, ишни давом эттириш мумкин бўлмаган муайян бир вазият (ҳарбий хизматга чақириш, ходимнинг вафоти) юзага келиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин.

### 3-§. Аҳолини иш билан таъминлаш

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳуқуқий ташкилоти. Аҳоли бандлиги муносабатлари 1992 йил 13 январда Республика Олий Кенгашида қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун ва 1993 йил 7 майда Республика Олий Кенгаши қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан тартибга солиб турилади.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ иш билан таъминланган дейилганда Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган, кишиларнинг меҳнат даромадини келтирадиган, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга меҳнат ҳақини келтирадиган фаолияти тушунилади. Қуйидагилар иш билан таъминланган ҳисобланади:

— ёлланиб ишловчилар, улар тўла иш куни ёки тўла бўлмаган иш куни ишлайдиларми ёки касаллиги, таътилга чиққанлиги, ишлаб чиқариш вақтинча тўхтатилганлиги муносабати билан ишга келмаганлиги, бундан қатъи назар, иш билан таъминланган ҳисобланадилар;

— ўзини мустақил равишда иш билан таъминлайдиганлар (тадбиркорлар, кооператив аъзолари, ижодий ходимлар);

— ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган, тайинланган ва тасдиқланганлар;

— қуролли кучларда, ички ва темир йўл қўшинларида, миллий хавфсизлик ва ички ишлар органларида, шунингдек муқобил хизматда хизмат қилаётганлар;

— ёрдамчи хўжаликда ва деҳқон хўжалигида ишлаётганлар;

— ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда умумтаълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, олий, ўрта, ўрта махсус ўқув юртларида, аспирантура, ординатура, докторантурада ўқинётганлар;

— жамоат, диний ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётганлар.

Иш жойларига ва иш ҳақига эга бўлмаган, иш қидираётган, меҳнат қилишга, касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишга тайёр ва иш билан таъминлаш давлат хизмати рўйхатидан ўтган, аммо улар томонидан бирор иш таклиф қилинмаган меҳнатга лаёқатли 16 ёшга тўлган ва нафақа ёшига етмаган шахслар ишсиз ҳисобланади.

Республика Конституцияси ҳар бир фуқарога ўз қобилиятини унумли ва ижодий меҳнатга сарфлаш, хоҳлаган машғулот ва ишни танлаш ҳуқуқини берган. Аммо аҳолини меҳнат билан таъминлаш давлат фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади.

Иқтисодиёт тузилмасини таҳлил қилиш, меҳнат бозори ҳолатини, аҳолининг иш билан таъминланганлиги соҳасидаги аҳволни олдиндан айтиб бериш, аҳоли бандлиги бўйича республика ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, қўшимча ишчи ўринлари вужудга келтириш, ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат шароитини яхшилашга таъсир кўрсатиш, тадбиркорликни рағбатлантириш, фуқароларга ширкатлар, кичик ижара корхоналари ва ҳиссадорлик жамияти корхоналари орқали давлат аҳолини иш билан таъминлаш ишларини бошқариб туради. Бу фуқароларни иш билан таъминлаш, касб ўргатиш, қайта тайёргарликдан ўтишда ёрдам беради, ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга оширади. Бу ўз навбатида бозор иқтисодиёти ва тенг ҳуқуқли турли шаклдаги мулкчилик шароитида аҳолини иш билан таъминлаш ҳуқуқининг кафолатланган амалдаги ижроси ҳисобланади.

**Аҳолини иш билан таъминлашда қатнашадиган давлат органлари.** Бундай фаолиятларнинг ҳаммаси давлат томонидан тегишли давлат органларининг бевосита иштирокида амалга оширилади. Буни умумий фаолият ва махсус фаолиятга бўлиш мумкин. Умумий фаолиятга Вазирлар Маҳкамаси, меҳнат вазирлиги, ҳокимиятларни киритиш мумкин. Буларнинг ҳар қайси ўз ваколати доирасида аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишга масъул ҳисобланадилар. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили ишчи ўринлари вужудга келтирилган ҳудудларни аниқлаб, Республика Ҳукумати томонидан рағбатлантирилади. Меҳнат вазирлиги давлат, жамоат органлари, мулк ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунлар қандай бажарилаётгани устидан назорат ўрнатади. Ҳокимиятлар ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади ва уларни амалга оширади.

Аҳолини иш билан таъминлашда қатнашадиган давлат органларига, биринчи навбатда, аҳолини иш билан таъминлаш давлат хизматини киритиш мумкин. Унинг ваколатига қуйидагилар киради:

— меҳнат бозори ҳолатини таҳлил қилиш ва олдидан айтиб бериш ҳамда тегишли ахборот тарқатиш;

— бўш ишчи ўрни ва ишга жойлаштиришни сўраб мурожаат қилган фуқаролар ҳисоб-китоби;

— иш билан таъминлаш хизматига мурожаат қилган фуқароларга иш билан таъминланиш имкониятлари, ҳар бир касбга, ходимга қўйилган талаблар, иш берувчиларга эса ишчи кучи билан таъминлаш тўғрисида маслаҳатлар бериб туриш;

— фуқароларга муносиб иш танлашга, иш билан таъминловчиларга эса зарур ходимларни танлашга ёрдам кўрсатиш;

— ишламайдиган фуқароларга касб ўргатиш, уларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш;

— ишга жойлашиш бўйича хизмат кўрсатиш, бўшаётган ходимларга ва ишсиз аҳолига касб танлашда ёрдамлашиш;

— ишсизларни рўйхатдан ўтказиш, уларга ёрдам кўрсатиш.

Аҳолини ишга жойлаштириш давлат хизмати бу вазифаларни бажариш мақсадида корхона, муассаса ва ташкилотлардан тузилмада бўладиган ўзгаришлар ва бошқа тадбирлар тўғрисида зарур маълумотлар олиш ҳуқуқига эга, чунки бундай ўзгаришлар натижасида ходимлар ишдан бўшатилиши, ёки бўш ишчи ўрни ҳосил бўлиши мумкин. Шунингдек, ишнинг тавсифи ва шарт-шароитлари ҳам маълум қилиб турилиши; барча турдаги корхона, муассаса, ташкилотларга фуқароларнинг ишга жойлашиш учун юборилиши; корхона, муассаса, ташкилотларда ишга жойлашиш бронь<sup>1</sup> жорий қилиш ва муҳтожларни ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан ҳокимиятга таклиф киритиш; корхона, муассаса, ташкилот ишонч қоғози бўйича фуқаролар билан иш жойига бориш учун йўл ҳақини қоплаш юзасидан меҳнат шартномаси (контракт) тузиш; иш билан таъминланмаган фуқароларнинг штатига қараб, уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юбориш; ишсизларга ёрдам кўрсатиш фонди ҳисобидан ишсизларга касб ўргатиш ва қайта ўқитиш; белгиланган тартибда уларга ишсизлар нафақасини бериб туриш. Республика қонунлари чет эл фуқароларининг ёлланиб ишлаши ва ишга жойлашишига рухсат этади, физик ва юридик шахслар томонидан кадрларни ўқиши ва қайта тайёргарликдан ўтиши, янги ихтисос олишига ва уларнинг ишга жойлашишига пуллик хизмат кўрсатади. Аммо бунинг учун улар Республика меҳнат вазирлиги томонидан рухсатнома (лицензия) олиши керак.

Иш билан таъминлаш юзасидан давлат сийсатини амалга оширишда, мулк ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотлар фаол иштирок этишлари зарур. Улар меҳнат муносабатларини тартибга солиб турган шартнома шартларини бажаришлари, ишлаётганларга касб тайёргарлигидан, қайта тайёргарлик ва малака ошириши учун шароит яратиб бериши, иш билан таъминлаш давлат фондига молиявий ёрдам кўрсатиши, маҳаллий органлар томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган шахсларни ишга жойлаштириш, давлат хизматига аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида маълумотлар бериб боришлари керак. Ўз вақтида маълумот бермаган ва бўш ишчи ўринларини яшир-

<sup>1</sup> Бронь — сақланган иш ўрни.

ган, шунингдек иш билан банд қилиш давлат фонди-га пул ўтказмаган айбдор шахсларга уч ойлик маошигача бўлган миқдорда жарима солинади.

Корхона, муассаса, ташкилот зиммасига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва штат қисқарганлиги муносабати билан ишдан бўшаган ходимлар учун ихтисослаштирилган ишчи ўринлари ташкил этиш вази-фаси юклатилади.

**Ишсизларни ишга жойлаштириш тартиби.** Иш билан таъминлаш давлат хизматига ишга жойлашиш масаласида ишидан ажралган, биринчи марта ишсиз қолган, шунингдек узоқ танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини давом эттириш истагини билдирган ҳар бир фуқаро мурожаат қилиши мумкин. Агар иш билан таъминлаш хизмати ўн кун давомида уни иш билан таъмин этмаса, ўн биринчи кун ишсиз мақо-мини олади. Иш билан таъминлаш хизматига муро-жаат этгандан кейин ўн кун давомида таклиф қи-линган ишдан икки марта бош тортган шахс ишлик мақомига эга бўлмайди, аммо у 30 календарь кун-дан сўнг умумий асосда иш қилдирувчи шахс сифа-тида иш билан таъминлаш хизматида янгидан руй-хатга олинади.

Иш ўрни ва иш ҳақидан айрилган шахс учун унинг касб тайёргарлиги, ёши, соғлиғи, илгариги иш стажини ва тажрибаси, транспортга яқинлигига қараб меҳнат биржаси таклиф этган иш унга муносиб ҳи-سوبланади. Аммо ўн икки ойнинг 26 календарь ҳафт-аси давомида касбига муносиб иш топилмаса, кас-бинини (мутахассислиги) ўзгартириш билан боғлиқ иш муносиб деб топилади. Бунда одамнинг қобилияти, унинг кучи, тажрибаси ва қайси ўқув воситаси тушу-нарли бўлишини ҳисобга олиш зарур.

Биринчи марта ишга кирадиган шахс бирор касб (ихтисос) га эга бўлмаса, ишни олдин касб тайёргар-лигидан бошлаш муносиб топилади, агар бунинг ҳам иложи бўлмаса ҳақ тўланадиган, жумладан, вақтин-ча бажариладиган бошқа иш муносиб топилади.

Агар таклиф қилинган ишнинг турар жой шарои-ти иш билан таъминлаш давлат хизматига муро-жаат қилганга қадар бўлган уй-жой шароитидан ёмон бўлса, доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса, иш ҳақи ва бошқа меҳнат шароити мазкур жой ва маз-кур ихтисос эгаси учун ўртача даражадан паст бўл-

са, таклиф қилинган ишдан узрли сабабларга кўра (шахсий ёки онлавий аҳволи туфайли) бош тортса — бундай иш муносиб эмас, деб топилади.

Ишсизларни ҳокимият маҳаллий органлари ўзларига қарашли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборишлари, маҳаллий органларга қарашли бўлмаган корхона, муассаса, ташкилотларга эса шартнома асосида юборишлари мумкин Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш истагини билдирганлар икки ой муддатга (кейин бу муддатни чўзиш мумкин) шартнома тузадилар. Жамоат ишларида ишлаган вақти — умумий ва сурункали иш стажига кирди. Ходим пенсия олиш ва меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганда нафақа олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Агар бирор шахс меҳнат биржаси ҳисобида турганда илгариги ихтисоси бўйича ишлаш қобилиятини йўқотса ёки зарурий касб малакаси бўлмаганлиги сабабли муносиб иш топилмаган бўлса, ёхуд ишсизнинг касб малакасига мос иш бўлмаганлиги муносабати билан касбни ўзгартириш зарурияти туғилса, иш билан таъминлаш давлат хизмати уни касб тайёргарлигидан ўтадиган, қайта тайёрлайдиган ёки бошқа касбга ўқитадиган жойга юборди. Бу вақтда унга стипендия берилади, ўқиган вақти эса умумий меҳнат стажига кирди.

Ишнинг, иш ҳақини йўқотган ва иш билан таъминлаш давлат хизмати рўйхатига олинган, қарамоғида болалари ва бошқа меҳнатга яроқсизлари бўлган шахс касб тайёргарлиги, қайта тайёргарлиги ва бошқа касбга ўқийдиган даврида унга тўланадиган стипендия илгариги иш жойидан оладиган ўртача ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорини ташкил этиши, аммо республикада қарор топган энг оз иш ҳақидан кам бўлмаслиги, ўртача ойлик иш ҳақидан кўп бўлмаслиги лозим. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар тугатилганлиги, қайта ташкил этилганлиги ёки штатлар қисқартирилганлиги муносабати билан ишдан бўшаган ва ўн кун давомида иш билан таъминлаш давлат рўйхатидан ўтган шахсга стипендия бўшагандан кейинги ўқиш даврининг дастлабки уч ойи давомида илгариги иш жойидан олаётган ўртача иш ҳақи миқдорида тўланади.

Меҳнат интизомини бузганлиги учун бўшатишган,

шунингдек, узоқ вақт ишламаган, биринчи марта иш қидираётган ва касб тайёргарлиги, қайта тайёргарлиги ва бошқа касбга ўқишга муҳтож шахсга стипендия иш тоифадаги ишсизлар оладиган нафақа миқдоридан кам бўлмаслиги ва энг кам миқдордаги иш ҳақидан юқори бўлмаслиги керак.

Белгиланган тартибга кўра ишсиз деб тан олинган шахс ишсизлик нафақасини олади, бу ишини ва иш ҳақини йўқотган ёки узоқ танаффусдан кейин ўз ишига тикланишга ҳаракат қилиб юрганлар учун ўн икки ойлик давр мобайнида 26 календарь ҳафтасидан ошмаслиги, илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахслар учун 13 ҳафтадан ошмаслиги керак. 16 ёшгача боласи ёки қарамоғида бошқа боқимандалар бўлган ишсизларга нафақа миқдори 10 фоиз кўпаяди.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида фоал равишда иш излаши ва камида ҳар икки ҳафтада бир марта иш билан таъминлаш давлат хизматига учрашиб қўйиши керак.

Ишсиз ишга жойлашиб олса ёки икки марта таклиф қилинган ишни рад этса, пенсия ёшига етган, озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган, даволаш-меҳнат профилакториясида даволанаётган, иш билан таъминлаш давлат хизматига хабар қилмай вақтинчалик ишга жойлашиб олган, нафақани алдаш йўли билан олаётганлар бўлса — бундайларга нафақа бериш тўхтатилади.

Ўзрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда иш билан таъминлаш давлат хизматига келмаганда, меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатиладиганда нафақа бериш уч ойгача тўхтатиб қўйилиши ёки нафақа миқдори қисқартирилиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг тугатилиши, қайта ташкил этилиши ва штатлар қисқартирилиши билан боғлиқ бўлган шахсларни ишга жойлаш ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай шахслар ишдан бўшатиладиганлиги тўғрисида икки ой олдин шахсан қўл қўйдирилиб маъмурият томонидан тақдим этилади. Маъмурият ходимни ишдан бўшаётганлиги тўғрисида огоҳлантириш билан бирга унга шу корхона, муассаса ва ташкилотнинг ўзида бошқа ишни ёзма равишда таклиф қилиб кўриши керак. Бу ҳам ишга жойлаштиришнинг бир шакли бўлиб, фар-

қи шундаки, бу вазифани ишга жойлаштирувчи орган эмас, балки корхона, муассаса ҳал қияпти. Бундай мажбурият шундай шароитда туғиладики, ҳақиқатдан ҳам корхона, муассаса, ташкилотда бошқа иш ўрни мавжуд бўлса, айтиш керакки, бу иш бўшатилаётган ходим ихтисосига тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Корхона фаолиятининг тугатилиши муносабати билан ходим ишсиз қолса уларни иш билан таъминлаш мажбурияти шу корхона, муассаса, ташкилотни тугатиш ҳақида қарор қабул қилган орган зиммасига ёки юқори орган зиммасига тушади.

Корхона, муассаса, ташкилотнинг тугатилиши, қайта ташкил этилиши, шунингдек штатларнинг қисқартирилиши билан боғлиқ ходимлар ишдан бўшатиладиганда, биринчидан, ўртача бир ойлик маоши миқдоридан пул берилади, иккинчидан, иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади, аммо бу давр икки ойдан ошмаслиги керак. Агар ходим ишдан бўшатиладигандан кейин ўн кун давомида иш билан таъминлаш давлат хизматида иш қидирувчи сифатида рўйхатдан ўтса, унда у илгариги учинчи ўртача ойликни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар ишсиз ходимга уч ой мобайнида муносиб иш топилмаса, у ишсиз мақомини олади. Шу давр ичида у тақлиф қилинган ишдан икки марта бош тортган бўлса, у ишсиз ҳисобланмайди ва ўттиз календарь кунидан кейин умумий асосда иш излаётган шахс сифатида рўйхатга олинади.

Штат қисқартирилиши, корхона, муассаса, ташкилотнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши муносабати билан ишсиз қолган ходимнинг умумий меҳнат стажи пенсияга чиқиш имкониятини берса, қонунда белгиланган муддатдан икки йил аввал пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Республика қонунида меҳнат бозорида бир хил шароитда рақобатлашиш имконига эга бўлмаган шахслар учун иш билан таъминлашда қўшимча кафолат белгиланган. Бевалар, 14 ёшгача боласи бўлган кўп болали ота-оналар ва ногирон болалар; умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув юртларини тамомлаган ёшлар; қуролли кучлар, ички ишлар вазирлиги қўшинлари, чегара қўшинлари, миллий хавфсизликда хизмат қилиб қайтганлар; ногиронлар, пенсияга чиқиш арафасида бўлганлар; қамоқдан

озод бўлганлар ёки суд қарори билан мажбурий даволанишдан қайтганлар шу тоифага кирадилар.

Корхона, муассаса, ташкилотлар шундай тоифадаги шахслар учун ҳокимият органлари таклифи бўйича умумий ишлаётганларнинг (шу жумладан, ногиронлар учун уч фоиздан кам эмас) 7 фоизи ҳажмида ихтисослашган ишчи ўрни ташкил этишлари мумкин. Бу талаб бажарилмаган тақдирда ташкил этилмаган ҳар бир ишчи ўрни учун корхона, муассаса, ташкилотдан ходимнинг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида жарима ундирилади.

Олий ёки ўрта махсус ўқув юртини ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тугатганларни иш билан таъминлаш бир неча усулларда амалга оширилади. Бундай шахслар ўқишга кираётганда ёхуд ўқиш жараёнида ишга кириш тўғрисида контракт тузادилар ва шу контрактда кўрсатилган шартларга мувофиқ ишга қабул қилинадилар. Аммо ижтимоий йўналишдаги ўқув юртларини битирувчилар, асосан, вазирликлар, маҳкамалар буюртмасига мувофиқ ҳар ким алоҳида иш билан таъминланади.

Контракт тузмаган, вазирлик ва маҳкама буюртмаси бўйича йўлланма олмаган шахслар ё мустақил, ёхуд иш билан таъминлаш давлат хизмати орқали иш билан таъминланадилар. Контракт ёки йўлланма битирувчига алоҳида корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатига киришиш ва айни вақтда улардан ўқув юртида олган ихтисоси бўйича иш билан таъминлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Бу ҳужжат кўрсатилган корхона, муассаса, ташкилотга юборилган ишчи ва мутахассисни қабул қилиш, уларни ўз ихтисоси ва малакаси бўйича иш билан таъминлаш, нормал ишлаб чиқариш ва турар жой шароити яратиш ва қонунда белгиланган иш ҳақи тўлаш мажбуриятини юклайди. Ўқув юртини битирганлар олинadиган штат жадвалидаги вазифалар бошқа ходимлар билан банд қилинмаслиги керак. Олий, ўрта, махсус ўрта ва профессионал-техника ўқув юртларини битирувчиларни қабул қилишдан бош тортган корхона, муассаса, ташкилотлар ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида жарима тўлайдилар. Ўқув юртини битирганлар контракт ёки йўлланмада келишилган ишга жойлашишдан бош тортса ёки келмаса ундан ўқиши учун сарфланган харажат ундирилади.

#### 4- §. Меҳнат шартномаси (контракт)

Меҳнат шартномаси фуқаро билан корхона, муассаса, ташкилот ўртасидаги битим бўлиб, бу битимга кўра фуқаро муайян ихтисос (малака), лавозимга оид ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда бажариш, корхона, муассаса, ташкилот эса меҳнат қонунларида, жамоа шартномасида ва тарафларнинг ўзаро битимида кўзда тутилган иш ҳақини ходимга тулаб туриш ва меҳнат шароитини таъминлаб бериш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Меҳнат шартномасида кўрсатилган шартлар унинг мазмуни ташкил этади. Бу шартлардан бир қисми меҳнат қонунларида ёхуд жамоа шартномасида кўзда тутилган бўлади, иккинчи қисми тарафларнинг бевосита ўзаро битими асосида ишлаб чиқилади. Ана шу иккинчи қисмининг ўзи ҳам яна иккига бўлинади, биринчиси зарурий шартлар бўлиб, уларсиз меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланмайди ва иккинчиси, қўшимча шартлар бўлиб, уларнинг бўлиши шарт қилиб қўйилмайди.

Иш жойи, ишга кираётган ходим бажариши лозим бўлган меҳнат вазифаси, меҳнат мажбуриятлари, ишнинг бошланиш вақти, иш ҳақи зарурий шартлар ҳисобланади. Ана шу шартлардан биронтаси бўйича ўзаро битимга келинмаган тақдирда меҳнат шартномаси тузилган ҳисобланмайди.

Қўшимча шартлар ғоят турли-туман бўлиши мумкин: шартноманинг амал қилиш муддати ҳақида бир битимга келиш, ётоқхона билан таъминлаш, иккинчи касбга ўргатиш, синов муддати ва ҳоказо.

Меҳнат шартномаси номуайян муддатга, муайян муддатга, муайян ишни бажариш учун кетадиган вақтга тузилади.

Меҳнат шартномасининг энг кўп тарқалган тури — номуайян муддатга тузиладиган шартномадир. Меҳнат шартномасининг учинчи тури қуйидаги икки шарт мавжуд бўлган, янги ходим айти шу ишни бажариш учун керак бўлган, ишнинг муддатини белгилаш мумкин бўлмаган тақдирдагина тузилади.

Муддатли меҳнат шартномаси тури 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга бажарилажак ишнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг бажарилиш шартлари ёхуд ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда но-

муайян муддатга мўлжалланган меҳнат муносабатларини ўрнатиш мумкин бўлмаган тақдирда, шунингдек қонунларда кўзда тутилган ҳолларда тузилади. Жумладан, халқ депутати депутатлик ваколатларини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод қилинганлиги муносабати билан унинг ўрнига лавозимга қабул қилинган ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилади, депутат аввалги ишига қайтганида бу шартнома бекор қилинади. Шунингдек, болани парваришлаш таътилида бўлган аёлнинг ўрнига қабул қилинган ходим билан тузилган шартнома ҳам шундай шартнома турларидан бири ҳисобланади.

Муддатли шартноманинг ўзига хос хусусияти шундаки, бундай шартнома тузган ходим ўз ихтиёри билан ишдан бўшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Меҳнат ҳақидаги қонунларда шунингдек вақтинчалик ва мавсумий ишларни бажариш тўғрисида ҳам, меҳнат шартномалари тузилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган. Вақтинчалик бўлиб 2 ойгача муддатга қабул қилинган ишчилар ҳисобланади. Иш жойи сақланадиган, вақтинча ишда бўлмаган ходимларнинг ўрнига ишга, қабул қилинадиганлар учун эса 4 ойгача бўлган муддатга ишга қабул қилинган ходим вақтинчалик деб ҳисобланади. Табиий ёки иқлим шароитларига кўра йилнинг муайян даври мобайнида, аммо олти ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида бажариладиган ишлар мавсумий ишлар деб ҳисобланади, бундай ҳолда ана шу ишлар мавсумий ишлар рўйхатига киритилган бўлиши шарт. Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади.

**Контракт.** Контракт — меҳнат муносабатларининг янги ва истиқболли шакли бўлиб, гарчи амалда илгарилари ҳам (ижодий фаолият, спорт, фан соҳаларида, ажнабий фуқаролар билан) қўлланиб келинган бўлса-да, республикада яқинда меъёрий жиҳатдан мустаҳкамлангандир.

Контракт — бу ҳам меҳнат шартномасидир. У меҳнат ҳақидаги битим бўлиб, ундан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

— биринчидан, асосан тарафлар томонидан ишлаб чиқилган, амма ҳуқуқий меъёрлар билан белгиланмаган (лекин қонунларга зид келмайдиган) шартларни ўз ичига олади, меҳнат шартномасида эса бунга йўл қўйилмайди;

— иккинчидан, контрактнинг кучга кириши ҳаммиша ҳам меҳнат муносабатларида юзага келган пайтга мувофиқ келавермаслиги мумкин. Контракт ишлаб турган шахс томонидан ҳам, ёхуд меҳнат муносабатлари юзага келишидан анча бурун, масалан, институтни тамомлаганидан кейин мазкур корхонага ишга кириш мажбуриятини олган талаба билан ҳам тузилиши мумкин;

— учинчидан, меҳнат шартномаси одатда унинг мазмунини белгилловчи шахслар томонидан тузилади, контракт шаклида эса меҳнат муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги қарорни бир киши қабул қилиши мумкин бўлса контрактнинг мазмунини бошқа киши белгилаши мумкин (ижара корхонаси раҳбарининг танлаганини жамоа амалга оширади, контрактни эса бошқарув тузади);

— тўртинчидан, меҳнат шартномаси, одатда, номуайян муддатга ва истисно тариқасида, муайян муддатга тузилади, контракт эса ҳаммиша меҳнат муносабатларининг муддатли хусусиятга эга эканлигини тақозо қилади, аммо республика меҳнат қонунлари кодексининг 22-моддасида контрактни номуайян муддатга тузиш мумкинлиги айtilган, бу, бизнинг фикримизча, контрактга табиатан зид келади.

Контракт шакли ҳам меҳнат шартномаси сингари, фақат ёзма шаклда бўлиши мумкин.

Меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш тартиби, юқорида айтиб ўтилганидек, меҳнат шартномаси (контракт) меҳнат ҳуқуқи муносабатлари юзага келишининг асоси ҳисобланади.

Меҳнат қонунлари кодексининг 24-моддасига мувофиқ корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ишга қабул қилаётганда ишга кираётган шахслардан: паспорт ёхуд унинг ўрнини босадиган ҳужжат кўрсатишни, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслардан эса туғилиш ҳақида гувоҳнома кўрсатишни; белгиланган тартибда расмийлаштирилган меҳнат дафтарчасини, ишга биринчи кираётган шахслардан эса унинг сўнгги машғулоти ҳақида яшаб турган жойидан ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органлари томонидан берилган маълумотномани, қуролли кучлар сафидан озод бўлганлардан ҳарбий билетини кўрсатишни; махсус билимга эга бўлишни талаб қи-

лувчи ишга қабул қилинаётган шахслардан маълумоти ёхуд касбий тайёргарлик олганлиги ҳақидаги ҳужжатларни (диплом, аттестат, гувоҳнома) кўрсатишни (уларнинг бир нусхаси маъмурият томонидан тасдиқланган ҳолда шахсий ишда сақланиши керак) талаб қилиши лозим.

Санаб ўтилган ҳужжатлар бўлмаса ишга қабул қилишга йўл қўйилмайди. Шу билан бир вақтда ишга қабул қилишда қонунларда кўзда тутилмаган бошқа ҳужжатларни кўрсатишни талаб қилиш тақиқланади. Қонунда, жумладан, умумий таълим мактабига (кундузги-сиртқи ва сиртқидан ташқари), шунингдек мактабгача болалар муассасаларига ишга кираётган шахслардан болалар муассасасида ишлаш учун соғлиғи мувофиқ келиши ҳақида тиббий хулоса, ўқув юртларини тамомлаганлардан эса — ё контракт, ёхуд мазкур ишга йўлланма тақдим этишни талаб қилишлари лозимлиги кўзда тутилган. 18 ёшга тўлмаган ўсмирлар учун, оғир ишларда, меҳнат шароити зарарли ишларда, шунингдек транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларда банд бўлган ишчи ва хизматчилар учун, озиқ-овқат саноати, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг, даволаш-профилактика муассасаларининг ходимлари учун ҳам шундай тиббий гувоҳнома кўрсатиш талаб қилинади. Бир қанча мансабдор шахсларни ишга қабул қилишда, меҳнат шартномаси тузишдан ташқари ушбу лавозимга тайинланганликлари ёхуд тасдиқланганликлари ҳақида юқори бошқарув органининг буйруғи талаб қилинади. Сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллашда ҳам шахснинг лавозимга сайланганлиги ҳақидаги далолатнома бўлиши зарур.

Ишга қабул қилиш маъмуриятнинг буйруғи билан расмийлаштирилади ва у тилхат ходимга маълум қилинади. Буйруқда шахс қабул қилинган лавозимнинг ишлар ва ишчи касблари ягона тариф-малака справочниги ҳамда раҳбарлар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар учун лавозимлар малака справочниги ёхуд штатлар жадвалига мувофиқ аниқ номи, шунингдек меҳнат ҳақи тўлаш шартлари кўрсатилиши лозим.

Ишнинг бошланиш пайти одатда ходим билан маъмурият ўртасида меҳнат шартномаси контракт

тузилаётганда улар томондан белгиланади. Битим тузилмаган бўлса ишнинг бошланиш пайти, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган-расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, ходимнинг ўз хизмати вазифасини бажаришига ҳақиқатда рухсат берилган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

**Ишга қабул қилишда синаб кўриш.** Ходимга топширилажак иш учун унинг касбий яроқлигини текшириш мақсадида синов муддати белгиланиши мумкин. Синов муддати, одатда, уч ойдан ошмаслиги керак. Алоҳида ҳолларда у олти ой муддатга белгиланиши ҳам мумкин, аммо бунда касаба уюшмасининг розилиги бўлиши керак.

Синов муддати тарафларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланади. Ходим синов муддати ўрнатилишига рози бўлмаган тақдирда маъмурият буни шартнома (контракт) тузилишини рад этиш сифатида баҳолаб, ходимни ишга қабул қилишни рад этишга ҳақли.

18 ёшга тўлмаган шахслар, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган шахслар, бошқа муассасалар, корхоналар, ташкилотлардан ўтказиш тартибида ишга таклиф этилган ходимлар, бошқа жойга кўчиб келиб ишга жойлашаётган ҳомиладор аёллар ва бир ярим ёшга тўлмаган боласи бўлган оналар бронь ҳисобига ишга юборилган, ватан уруши поғиронларига нисбатан синов муддати белгилаш тақиқланади. Вақтинча ишлаётган ходимларга нисбатан синов муддати белгиланмайди.

Синов шarti ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқда кўрсатилган бўлиши керак. Акс ҳолда ходимга нисбатан синов муддати белгиланмаган ҳисобланади. Ходим синов муддатидан муваффақиятли ўтган тақдирда янги буйруқ чиқарилмайди ва ходим ўз-ўзидан доимий ишга қабул қилинган ҳисобланади. Синов муддати қониқарсиз деб топилганда ходим касаба уюшмаси кўмитасининг розилигини олмасдан ишдан бўшатилади.

**Ходимни ишга қабул қилишда маъмуриятнинг мажбуриятлари.** Ходимни ишга қабул қилишда ва белгиланган тартибда бошқа ишга кўчиришда маъмурият: ходимни топширилган иш, меҳнат шароитлари ва тўланадиган меҳнат ҳақи билан таништири-

ши, лавозим йўриқномаларига мувофиқ унинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтириш; уни ички меҳнат тартиби қоидалари билан таништириши; меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси, ёнгина қарши хавфсизлик қоидалари бўйича йўл-йўриқ бериши, мактабгача болалар муассасалари ва ўрта ўқув юртларида эса болалар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ишини ташкил этиш бўйича йўл-йўриқ бериши ҳамда бу ҳақда белгиланган намунадаги махсус дафтарга қайд этиши шарт.

Корхона, муассаса, ташкилотда беш кундан ортиқ ишлаётган барча ходимларга, шунингдек, мавсумий ва вақтинча ишлаётган ходимларга меҳнат дафтарчаси тугилади. Ўриндошлик бўйича ишловчи ходимларга меҳнат дафтарчалари асосий иш жойи бўйича юритилади.

Меҳнат дафтарчаси — ходимнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги асосий ҳужжатдир.

Меҳнат дафтарчасига ходимнинг шахси, иши, касби, маълумоти, рағбатлантиришлар ва мукофотлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Агар фуқаро ишга илк бор кираётган бўлса, меҳнат дафтарчаси унинг иштирокида тўлдирилади. Шундан кейин меҳнат дафтарчасига ёзиб берилган ишга қабул қилиш, бошқа ишга кўчириш, ишдан бўшатиш ҳақидаги ҳар бир қайд билан ходим тилхат олиб таништириб борилиши керак.

Жазолар меҳнат дафтарчасига ёзилмайди, меҳнат интизомини мунтазам равишда бузганлик, узрли сабабларсиз прогул қилганлик, ишга маст ҳолда, наркотик ёки заҳарли моддалар истеъмол қилиб, гангиган ҳолда келганлик, иш жойида ўғирлик қилганлик учун ишдан бўшатиш ҳоллари бундан мустасно.

Ўқув юртларининг педагог ходимлари, шунингдек мактабгача муассасалар ходимларига шахсий ҳужжатлар йиғма жилди тугилади, унга ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржиман ҳол, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси, тиббий хулоса, аттестация бўйича материаллар, болалар билан ишлаш учун зарарли касаллик йўқлиги ҳақидаги тиббий хулоса, лавозимга тайинлаш ва хизмати бўйича бошқа лавозимга ўтиш, рағбатлантиришлар, ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқларнинг нусхаси йиғиб берилади.

Ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш қонунларда тақиқланган. Ишга қабул қилиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, жамоат бирлашмаларига мансублигига, шунингдек ходимнинг ишга доир сифатлари билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатларга қараб бирон-бир тарзда камситишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат қилиш ёшига етмаган (муайян шароитларга қараб 14—18 ёшда бўлган) шахсларни; тиббий рухсатнома талаб қилинадиган ҳолларда шундай рухсатнома бўлмаганда; меҳнатга лаёқатлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганда; муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан, шу жумладан педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи суд томондан чекланган ҳолларда ишга қабул қилиш тақиқланган.

**Уқитувчи ходимларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.** «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ педагог ходимлар зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

— ўқитишни касб жиҳатдан юксак савияда олиб бориш, таълим олувчиларнинг ўқув дастурларини зарур давлат талаблари даражасида ўзлаштиришларини таъминлаш;

— педагог одобига риоя этиш, бола, ўқувчи, талабанинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш, уларни меҳнатга, қонунларга, ота-оналарга, маънавий, тарихий, маданий-миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат билан қараш, атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

— ўзининг бутун фаолияти ва шахсий намунаси билан умуминсоний ахлоқ принциплари: адолатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, хушмуомалалик сингари яхши хислатларга нисбатан ҳурмат билан қарашни қарор топтириш;

— ёш авлодни ўзаро бир-бирини тушуниш, жамики этник, миллий диний гуруҳлар ўртасида тинчлик, ҳамжиҳатлик ўрнатиш руҳида тарбиялаш;

— болаларни, ёшларни зўравонлик кўренишларидан ҳимоя қилиш;

— ўзининг касбий малакаси ва педагогик маҳоратини муттасил такомиллаштириб бориш.

Таълим муассасаларининг низомларида бошқа мажбуриятлар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Жумладан мактаб директори ўқитувчи зиммасига дарс бериш ишига қўшимча равишда синф раҳбарлигини, ўқув кабинети мудирлигини, ўқув-тажриба участкаси раҳбарлигини, ўқув устахоналари устаси вазифасини бажаришни, меҳнат таълимини ташкил этишни шунингдек бошқа хил таълим-тарбиявий вазифаларни бажаришни ҳам юклаш мумкин.

Педагог ходимлар дарс вақтида, мактаб томонидан уюштирилладиган синфдан ташқари ва мактабдан ташқари тадбирларда болаларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғи учун тўла жавобгар ҳисобланадилар.

Педагог ходимлар беш йилда бир марта аттестациядан ўтадилар. «Таълим тўғрисида»ги қонун педагог ходимларга кенг ҳуқуқлар ҳам берганки, уларга қуйидагилар киради:

— ўз касбининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи;

— таълим муассасаларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқи;

— касб фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, ўз малакасини ошириш, қайта тайёргарлик олиш, таълимнинг шакли, усули ва воситаларини танлашда ташаббус кўрсатиш ҳуқуқи;

— якка тартибда педагогик фаолияти олиб бориш.

Мактаб ходимлари юқорида айtilганлардан ташқари касб ва лавозимлар бўйича ишни қўшиб олиб бориш, ўзининг асосий ишини бажаришдан озод қилинмаган ҳолда вақтинча ишда бўлмаган ходимнинг вазифасини ўриндошлик бўйича бажариш ҳуқуқига ҳам эга.

Ўриндошлик деб ходим ўзининг асосий ишидан ташқари асосий иш вақтидан бўш пайтда ҳақ тўланадиган бошқа ишни меҳнат шартномаси (контракт) шартлари асосида бажариши тушунилади.

Касб (лавозим)ларни қўшиб олиб боришга, ишда вақтинча бўлмаган ходимнинг ўрнини босишга айна бир корхона, муассаса, ташкилотнинг ўзида, белгиланган иш куни муддати доирасида ва ходимнинг розилиғи билан йўл қўйилади.

«Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ давлат таълим муассасаларининг ходимларига яна бир

қанча ижтимоий ҳуқуқлар берилган. Бу ҳуқуқлар қуйидагилардан иборат:

— баҳолар индекси (шартли рақами)даги ўзгаришларга мувофиқ мунтазам равишда тузатишлар киритиб туриладиган меҳнат ҳақининг кафолатланган даражаси;

— малакаси ва педагогик фаолияти натижаларига қараб табақалаштирилган меҳнат ҳақи олиш, тегишли равишда қисқартирилган муддатли иш вақти, узайтирилган ҳақ тўланадиган таътил олиш;

— қишлоқ жойларда ва шаҳарчаларда иситиладиган ва ёритиладиган уй-жой майдонидан бепул фойдаланиш;

— якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини биринчи навбатда ажратиш ва қурилиш материаллари сотиб олишда енгилликлар туғдириш;

— улар яшаб турган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни шахсий мулк қилиб текинга бериш, турар жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдаги имтиёзлар;

— пенсияга чиққандан кейин педагогик фаолиятини давом эттирган тақдирда пенсияни тўла ҳажмда олиш.

Таълим муассасаларига меҳнат ҳақи тўлашга мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида ойлик ва лавозим маошларига табақалаштирилган тарзда устамаларни мустақил белгилаш ҳамда меҳнат ҳақи тўлаш ва рағбатлантиришни ташкил қилишнинг турли хил шаклларини қўллаш ҳуқуқи берилган.

Қишлоқ хўжалик мутахассисларига белгиланган имтиёзлар қишлоқ жойларда жойлашган давлат таълим муассасаларининг педагог ходимлари учун ҳам тааллуқлидир.

Давлат таълим муассасаларининг таълим-ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш устахоналари ва ўқув хўжаликларининг ходимларига тегишли корхоналарнинг шундай йўналишидаги ходимлари учун белгиланган имтиёзлар қўлланилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органлари, корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар ва бошқа муассасалар давлат таълим муассасаларининг ходимларига қўшимча ижтимоий имтиёзлар беришга ҳақлидирлар.

**Бошқа ишга кўчириш.** Меҳнат қонунларига мувофиқ маъмурият ходимдан меҳнат шартномасида шарт қилиб қўйилмаган ишни бажаришни талаб қилишга ҳақи эмас. Бошқа ишга кўчиришга фақат ходимнинг розилиги билангина йўл қўйилади. Қуйидагилар бошқа ишга кўчириш ҳисобланади:

— шартномада шарт қилиб қўйилмаган, яъни меҳнат шартномасида кўрсатилган вазифалар, малакалар, лавозимларга мувофиқ бўлмаган ҳар қандай иш;

— иш жойи хусусида меҳнат шартномаси шартларининг ўзгартирилиши;

— афзалликлар ёхуд бошқа муҳим меҳнат шартларининг ўзгартирилиши (иш ҳақининг камайтирилиши, меҳнат ҳақи тизимидаги, имтиёзлар олиш ҳуқуқидаги ўзгаришлар ва ҳоказо);

— иш ҳажмининг анча кўпайтирилиши;

— ишда бўлмаган ходимнинг ўрнида иш давомида бир ойдан кўпроқ муддат мобайнида унинг вазифасини бажариш;

— бўш лавозим бўйича вазифаларни бажариш.

Аввалги меҳнат шартлари сақланиб қолиши мумкин бўлмаса, ходим эса янги шартлар асосида ишни давом эттиришга рози бўлмаса, шартнома тўхтатилади.

Ходимнинг айти бир ернинг ўзидаги бошқа иш жойига, бошқа таркибий бўлинмага ишга ўтказилиши, унга меҳнат шартномасида назарда тутилган ихтисоси, малакаси ёки лавозими доирасида бошқа механизм, агрегатда ишлаш топширилиши бошқа ишга кўчириш ҳисобланмайди. Бунинг учун ходимнинг розилиги талаб қилинмайди.

Ходимнинг розилигисиз унинг иши билан боғлиқ муҳим шартларни маъмурият меҳнатни ташкил қилишда ўзгаришлар бўлган тақдирдагина ўзгартириши мумкин. Ана шу шартлар мавжуд бўлганда маъмурият, ихтисос, малака ёки лавозимни ўзгартирмаган ҳолда, иш ҳақи тизими ва миқдорини, имтиёзларини, иш тартибининг ўзгартириш, тўлиқ бўлмаган иш вақтини белгилаш ёки бекор қилиш, бир неча касбда ишлашни белгилаш, лавозимлар номини ўзгартириш, меҳнат шароитларида бошқа муҳим ўзгаришлар қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ бундай ўзгаришлар ходим камида икки ой бурун бу ҳақда ёзма

равишда огоҳлантирилгандан кейингина қилиниши мумкин. Башарти ходим янгича шароитларда ишлашга рози бўлмаса, у ҳолда ишдан бўшайди. Уқитувчи фақат ўқув йили тамом бўлгандан кейингина ишдан бўшатилиши мумкин.

Бошқа ишга кўчириш маъмуриятнинг ҳам, шунингдек ходимнинг ҳам ташаббуси билан бўлиши мумкин. Бошқа ишга кўчириш ходимнинг ташаббуси билан бўлиши учун у ҳар ёқлама асосланган илтимоснома билан маъмуриятга мурожаат этиши лозим. Агар маъмурият бошқа ишга кўчиришни рад этса, бу иш амалга ошмайди. Рози бўлган тақдирда буйруқ чиқарилади.

Бошқа ишга кўчириш ҳар иккала тарафнинг розилиги билан бўлиши мумкин. Бошқа иш жойига кўчиришда ходимнинг шу билан боғлиқ сарф-харажатлари қопланади.

Бошқа ишга кўчириш ходимнинг соғлиғи бўйича ҳам бўлиши мумкин, аммо бунда тиббий хулоса бўлиши зарур.

Қонун бўйича бир қанча ҳолларда маъмурият ходимга айтиб берилган корхона, муассаса, ташкилотнинг ўзида бошқа ишга кўчиришни таклиф этиши мумкин. Масалан, штат қисқартирилган, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ бўлмаган ҳоллар шулар жумласидандир.

Куйидаги ҳолларда маъмурият ходимни меҳнат шартномасида шарт қилиб қўйилмаган ишга унинг розилигисиз ҳам вақтинча кўчириши мумкин:

— ишлаб чиқариш зарурияти туфайли, бунда, биринчидан, корхона, муассаса, ташкилот манфаатлари тақозо қилса, иккинчидан, иш жараёнига кутилмаган даражада таъсир этувчи алоҳида ҳолатлар (табiiй сфат, бахтсиз ҳодиса) тақозо қилади. Бетоблиги сабабли, таътилда, сафарда бўлганлиги туфайли ишда бўлмаган ходимнинг ўрнини босиш ҳам ишлаб чиқариш заруриятига киради. Бу ҳилда бошқа ишга кўчириш муддати йил давомида бир ойдан ошмаслиги лозим;

— бекор туриб қолиш туфайли. Ишлаб чиқариш жараёнига хос бўлган кутилмаган ҳолатлар сабабли ишнинг мажбурий равишда тўхтаб қолишидан иборат. Бекор туриб қолиш натижасида бўш қолган ходимлар айтиб шу корхонанинг ўзида дарҳол бошқа

ишга кўчирилиши лозим. Башарти тўхтаб қолиш беш кундан ортиқ муддатга чўзилса ва мазкур корхонада ходимдан фойдаланиш имконияти бўлмаса, у ҳолда ташкилот ходимни айни шу ернинг ўзидаги бошқа корхонага бир ойгача бўлган муддат билан ишга кўчириши шарт.

Бекор туриб қолиш натижасида бошқа ишга кўчириш ходимнинг ихтисоси ва малакаси ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Тўхтаб қолинган ҳолларда ёки ишлаб чиқариш зарурияти туфайли бошқа ишга кўчишдан бош тортиш меҳнат интизомини бузиш ҳисобланади;

— ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш манфаатларини кўзлаб (ҳомиладор аёллар, бир ярим ёшга тулмаган боласи бор аёллар, сил касаллиги ёки бошқа касб касалликлари билан оғриган ходимлар шулар жумласидандир);

— интизомий жазо чораси сифатида уч ойгача муддатга кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказиш (бу ўқитувчиларга тааллуқли эмас).

Бошқа корхонага ёхуд бошқа жойдаги ишга кўчириш ишдан бўш қолган ходимларни маълум (бир ойдан ортиқ бўлмаган) муддатга, шунингдек чекланмаган муддатга ишга жойлаштириш зарурияти туфайли амалга оширилади. Вақтинча бошқа ишга кўчириш ишлаб чиқариш зарурияти туфайли айни бир жой доирасида амалга оширилиши мумкин.

Бошқа корхонага доимий ишга кўчиришда: ходимнинг розилиги, кўчиш муносабати билан бўладиган сарф-харажатларнинг қопланиши, моддий рағбатлантирилиши керак. Ходимнинг бундай бошқа ишга кўчишдан бош тортиши маъмуриятнинг меҳнат шартномасини бекор қилиши учун асос бўла олмайди.

Меҳнат шартномаси фақат қонунда кўзда тутилган асослар бўйичагина бекор қилиниши мумкин. Улар эса *умумий асосларга* ходимнинг ташаббуси билан ишдан бўшатиладиган асосларга, ходим маъмуриятнинг ташаббуси билан ишдан бўшатиладиган асосларга, меҳнат шартномасининг тарафлари бўлмаган учинчи шахсларнинг ташаббуси билан ишдан бўшатиладиган асосларга бўлинади.

*Умумий асосларга қуйидагилар киради:*

— тарафларнинг келишуви бўйича ишдан бўша-

тиш. Бу одатда, муайян муддатга ёки муайян ишни бажариш вақти учун тузилган меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилишда қўлланилади, ammo муайян муддатга меҳнат шартномаси тузиш тўғрисидаги келишувни бекор қилишда ҳам қўлланилиши мумкин. Чунончи, олий ўқув юр்தларини таъмомлаганлар ўзлари ишга йўлланма олган корхона, муассаса, ташкилотда мажбурий ишлаб бериладиган икки йиллик муддат ўтгандан кейин фақат маъмурият билан келишув асосидагина ишдан бўшашлари мумкин. Тарафларнинг келишуви бўйича ишдан бўшатишганда бирон-бир органнинг розилиги бўлиши талаб қилинмайди, вояга етмаганларнинг ишдан бўшатилиши бундан мустасно;

— шартнома муддатининг тугаганлиги; меҳнат муносабатлари ҳақиқатда давом этаётган ва тарафларнинг биронтаси бу муносабатларни бекор қилишни талаб қилмаган ҳоллар бундан мустасно. Бундай асос бўйича муддатли, вақтинча, мавсумий меҳнат шартномаси (контракт)нинг муддати тугаган бўлса-ю, ammo тарафлар уни бекор қилиш ниятида бўлмасалар, меҳнат шартномаси номуайян муддатга қайта тузилган, ходим эса доимий ишга қабул қилинган ҳисобланади;

— ҳарбий хизматга чақирилганлиги ёки ўтганлиги;

— бошқа ишга кўчирилганлиги ёки сайлаб қўйилладиган вазифага ўтганлиги;

— ходимнинг корхона, муассаса, ташкилот билан бирга бошқа жойдаги ишга кўчирилишдан, шунингдек, меҳнатнинг туб шароитлари ўзгарганлиги муносабати билан ишни давом эттиришдан бош тортганлиги;

— ходимни озодликдан маҳрум этишга, иш жойидан бошқа жойда ахлоқ тузатиш ишларини ўташга ёхуд ўз ишини давом эттириш учун имконият бермайдиган бошқа бир жазога маҳкум қилган суд ҳукмининг (шартли ҳукм қилиш ҳоллари бундан мустасно) кучга кирганлиги, тергов ишлари олиб борилаётганда ишдан бўшатиш қонунга хилофдир; ходим суднинг қарори билан махсус даволаш-профилактика муассасасига юборилиши;

— ишга қабул қилишда белгиланган қондаларнинг бузилганлиги.

Ходимни ўз хоҳиши бўйича ишдан бўшатиш. Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси (контракт)ни маъмуриятни икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Ходимнинг ўз хоҳиши бўйича ишдан бўшаш тўғрисидаги аризаси у ўз ишини давом эттиришнинг имкони йўқлиги (ўқув юртига кирганлиги, пенсияга чиққанлиги ва шунга ўхшаш бошқа ҳоллар) туфайли ёзилган бўлса, маъмурият меҳнат шартномасини (контрактни) ходим илтимос қилган муддатда бекор қилади.

Бу муддатлар тугагандан кейин ходим ишни тўхтатишга ҳақли, маъмурият эса ходимга ишдан бўшаган кун меҳнат дафтарчасини бериб, у билан ҳисоб-китоб қилиш шарт. Ходимга меҳнат дафтарчаси ўз вақтида берилмаган ёки у билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаган тақдирда, ходим ишдан қолиш ва меҳнат дафтарчаси ушлаб турилган вақт учун маъмуриятдан иш ҳақи тўлашни ва ўзи билан ҳисоб-китоб қилишни талаб этишга ҳақли.

Маъмурият огоҳлантириш муддати тугагунича қадар ходимни унинг розилигисиз ишдан бўшатишга ҳақли эмас, муддатидан олдин ишдан бўшатиш ходим билан маъмурият ўртасида ўзаро келишув асосидагина бўлиши мумкин.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида маъмуриятни огоҳлантирган ходим белгиланган муддат тугамасидан олдин ўзи берган аризасини қайтариб олишга ҳақли, бунда агар унинг ўрнига қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузишни рад қилиш мумкин бўлмайдиган бошқа ходим ишга таклиф қилинмаган бўлса, у ишдан бўшатилмаган ҳисобланади.

Муддатли меҳнат шартномаси ходимнинг шартномада кўрсатилган ишни бажаришига имкон бермайдиган касаллиги ёки ногирон бўлиб қолганлиги сабабли маъмурият меҳнат қонунларини бузган тақдирда ва бошқа узрли сабабларга кўра ходимнинг талаби билан муддатидан олдин бекор қилиниши лозим.

Меҳнат шартномасининг маъмурият ташаббуси билан бекор қилиниши асослари. Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси, шунингдек муддатли меҳнат шартномаси муддати тамом бўлмасдан

олдин маъмуриятнинг ташаббуси билан қуйидаги ҳоллардагина бекор қилиниши мумкин:

а) корхона, муассаса, ташкилот тугатилган, ходимлар сони ёки штати қисқартирилган, иш ҳажми камайган тақдирда.

Ходимларнинг сони ёки штати қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатиш чоғида маъмурият ишни ташкил қилиш манфаатларидан келиб чиқмоғи лозим. Биринчи навбатда малакаси паст ва ишлаб чиқариш тажрибаси камроқ ходимлар ишдан бўшатилади. Шу муносабати билан маъмурият мавжуд лавозимларга ходимларни қайта тайинлашга ҳақли. Штат қисқариши муносабати билан бир ҳолда ходим қисқарса ҳам лавозими қолиши ва бошқа ҳолда лавозими қисқарса ҳам ходим олиб қолиниши мумкин. Аммо лавозимларнинг бу хилда қайта тақсимланиши бир хил лавозимларни эгаллаган ходимлар доираси билан чекланмоғи лозим. Меҳнат унумдорлиги ва малакаси бир хилда бўлган тақдирда ишда қолиш учун афзаллик қуйидагиларга берилади:

— қарамоғида иккита ёки ундан кўпроқ оила аъзолари бор ходимларга;

— оиласида мустақил иш ҳақи оладиган бошқа ходимлар бўлмаган шахсларга;

— мазкур корхонада узлуксиз меҳнат стажи кўпроқ бўлган ходимларга;

— мазкур корхонада меҳнатдаги майиб бўлган ёки касб касаллигига учраган шахсларга;

— олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз малакасини ошираётган ходимларга;

— ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ёки ўрта ўқув юртини тамомлаган шахсларга ўқишни тугатганидан кейин 2 йил давомида;

— уруш ғоиронларига ҳамда Ватанни ҳимоя қилиш пайтида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига.

Маъмурият бўш қолган ходимлардан бошқа ишларда фойдаланиш чора-тадбирларини кўриши шарт ва бунинг имконияти бўлмаган ёки ходим бундай ишга ўтиб ишлашга розилик бермаган тақдирдагина у ишдан бўшатилиши мумкин, аммо икки ой олдин у бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиниши керак.

Ишдан бўшаган ходимга ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Иш ҳажмининг (дарс соатларининг) қисқариши муносабати билан педагог ходимларни ишдан бўшатиш фақат ўқув йили тугагандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Вақтинча ишлаётган ходимлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ сабаблар, шунингдек иш ҳажмининг қисқариши туфайли корхонада бир ҳафтадан кўпроқ муддат давомида иш тўхтаб қолган тақдирдагина ишдан бўшатилишлари мумкин;

б) ходим малакаси етарли бўлмаганлиги ёхуд бетоблиги натижасида шу ишни давом эттиришга қодир бўлмай қолганлиги сабабли ўзи эгаллаб турган лавозимга ёки бажараётган ишига нолойиқ эканлиги аниқланган тақдирда. Бошқа сабаблар мазкур асос бўйича ишдан бўшатишга баҳона бўла олмайди.

Ходимнинг бажараётган ишига номувофиқлиги: маълумотлар, маълумотнома ҳужжат билан тасдиқланмоғи лозим. Педагог ходимларнинг эгаллаб турган лавозимга номувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлардан бири у ҳар беш йилда бир марта ўтадиган аттестация бўлиши мумкин.

Агар ходимнинг иш қобилияти ўз меҳнат вазифаларини тегишли суратда бажаришига имкон бермайдиган даражада қатъиян пасайиб кетган бўлса, ёхуд унинг соғлиғи путурдан кетганлиги туфайли меҳнат вазифаларини бажариши, жамоа учун зарарли ёки хавфли бўлса, ходимни ишдан бўшатишга сабаб бўлиши мумкин;

в) ходим ўз зиммасига юкланган меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бажармаётган тақдирда, башарти унга илгари интизомий ёки жамоат таъсири чоралари қўлланилган бўлса (уларга меҳнат жамоаси, жамоат ташкилотлари томонидан берилган жазо чоралари киради).

Бунда берилган пайтидан то буйруқ чиққанига қадар бир йилдан кўп муддат ўтмаган ва муддатидан олдин олиб ташланмаган жазоларгина эътиборга олинади. Шунинг назарда тутиш керакки, агар ходим айни шу ноҳўя хатти-ҳаракати учун интизомий жазо олган бўлса, уни ишдан бўшатиб бўлмайди. Бундай сабаб билан ишдан бўшатаётганда маъ-

мурият қандай ноҳўя хатти-ҳаракат қилганлигини ходимга кўрсатиши шарт;

г) узрсиз сабаблар билан прогул қилган, шу жумладан иш куни давомида ишда уч соатдан ортиқ бўлмаслик. Узрсиз сабаблар билан бутун иш куни давомида ишга келмаслик прогул ҳисобланади. Шунингдек қўйидаги ҳоллар ҳам прогул саналади:

— номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузган шахснинг шартномани бекор қилиш ҳақида маъмуриятни огоҳлантирмасдан ишни ташлаб кетиши, шунингдек унинг огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин маъмуриятнинг розилигисиз ишни ташлаб кетиши;

— муддатли меҳнат шартномаси тузган шахснинг шартнома муддати ўтмасдан олдин маъмуриятнинг рухсатисиз ишни ташлаб кетиши;

— ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда курсларда таълим олган ва таълим олиб қайтгандан кейин белгиланган муддат давомида ишлаб бермаган шахсларнинг ишни ўз ҳолига ташлаб кетиши;

— ходимнинг қонуний асосда кўчирилган ишга чиқмаслиги.

Айби бўлган ходимга нисбатан илгар интизомиий ёки жамоат таъсир чораси курилган-курилмаганлигидан қатъи назар, прогул қилганлик, шу жумладан узрсиз сабаблар билан ишда уч соатдан ортиқ бўлмаганлик учун ишдан бўшатишга йўл қўйилади:

д) вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик сабабли узоқ муддат давомида ишга келмай қолган тақдирда.

Қасаллиги туфайли вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган ходимларнинг иш жойи, ҳомиладорлик ва туғиш таътилини ҳисобламаганда, тўрт ой давомида сақланиб туради. Тўрт ойдан кўпроқ муддат давомида ишга сурункасига келмаслик ҳолларигина ишдан бўшатиш учун асос бўлиши мумкин. Бундай ҳолда ишдан бўшатиш меҳнат шартномасини бекор қилиш ишлаб чиқариш учун нечоғли зарурлигига боғлиқ бўлади. Сил кассалигига чалиниш натижасида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган ходимнинг иш жойи ўн икки ойга қадар сақланиб туради, меҳнатда майиб бўлиб қолганлиги ёки касб касал-

лиги билан оғриганлиги натижасида меҳнат қобилиятини йўқотган ходимнинг иш жойи эса меҳнат қобилиятини қайта тиклаб олгунича ёки ногирон эканлиги аниқлангунча сақланиб туради.

Вақтинча ишлаётган ходим вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлиги натижасида сурункасига икки ҳафтадан кўпроқ муддат давомида ишга келмаган тақдирда ишдан бўшатилиши мумкин;

е) ишни илгари бажариб келган ходим шу ишга қайта тикланган тақдирда. Бундай асос бўйича қуйидаги ҳолларда ишдан бўшатишга йўл қўйилиши мумкин:

— ишни илгари бажариб келган ходим МНК, касаба уюшмаси қўмитаси, суднинг қарорига бинотан ишга қайта тикланган тақдирда;

— ҳарбий хизматчи запасга бўшатилиши муносабати билан илгариги иш жойига қайтган тақдирда;

— ғайриқонуний ҳукм этилган ёки ғайриқонуний ҳибс қилинган шахснинг оқлиниши муносабати билан;

ж) маст ҳолда ишга келган тақдирда. Бундай ҳолда ходим маст ҳолатда бўлганлиги сабабли ишдан четлаштирилган-четлаштирилмаганлигининг, маст ҳолда қайси вақтда ишга келганлигининг аҳамияти йўқ;

з) суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан ёки маъмурий жазо бериш чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган органнинг чиқарган қарори билан аниқланган мулкни талон-торож, шу жумладан майда талон-торож қилиш иш жойида содир этилган тақдирда.

Бундан ташқари, ходимлар ва хизматчиларнинг айрим тоифаси билан меҳнат шартномаси қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

— корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари, шунингдек уларнинг ўринбосарлари ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол тарзда бузганлари тақдирда;

— пул ёки товар қимматдорликлари билан бевосита хизмат кўрсатувчи ходим айбли хатти-ҳаракат қилган бўлса, агар бу хатти-ҳаракат унга нисбатан ишонч йўқолишига асос бўла олган тақдирда;

— тарбиявий вазифаларини бажараётган ходим мазкур ишнини давом эттиришига номувофиқ келади-ган ахлоққа хилоф хатти-ҳаракат содир этган тақдирда.

Қасаба уюшмаси қўмитасининг розилигисиз меҳнат шартномаси (контракт)ни маъмурият ташаббуси билан бекор қилишни тақиқлаш. Қасаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олмасдан маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

корхона, муассаса, ташкилот тугатилганда;

ишга қабул қилиш пайтида белгиланган синов натижаси қониқарсиз топилганда;

ўриндошлик тарзида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан ўриндошлик асосида бажарилаётган ишдан, шунингдек қонунга кўра ўриндошлик асосидаги иш чекланиши муносабати билан бўшатишганда;

илгари шу ишни бажариб келган ходим ишга қайта тикланганда;

қасаба уюшмаси мавжуд бўлмаган корхонадан ишдан бўшатишганда;

корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари лавозимга сайлаб, тасдиқлаб ёки тайинлаб қўядиган раҳбар ходимлар ҳар қандай асос бўйича ишдан бўшатишганда.

Маъмурият қасаба уюшмаси қўмитасига ходимни ишдан бўшатишга розилик беришини илтимос қилиб ёзма равишда мурожаат қилади. Қасаба уюшмаси қўмитаси ҳам мазкур масала юзасидан қабул қилган қарори ҳақида ўн кунлик муддат ичида маъмуриятни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

Қасаба уюшмаси қўмитаси маъмуриятнинг илтимосини кўриб чиқиш чоғида ишнинг ҳолатини фақат қонунийлиги нуқтаи назаридангина эмас, балки мақсадга мувофиқлиги нуқтан назаридан ҳам текшириб чиқади. Қасаба уюшмаси қўмитасининг ишдан бўшатишни рад қилиши узил-кесил ҳисобланади ва юқори турган қасаба уюшмаси органи томонидан бекор қилиниши ёхуд қарор билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Маъмурият касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олган кундан бошлаб узоғи билан бир ой мобайнида интизомни бузганлиги учун ишдан бўшатишда ноҳўя ҳаракат қилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой муддат давомида меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли. Агар бир ой давомида буйруқ чиқарилмаса, иккинчи марта касаба уюшмасига мурожаат этиш зарур, иккинчи ой ҳам ўтказиб юборилган тақдирда эса ишдан бўшатиш ҳуқуқи умуман ўз кучини йўқотади.

Маъмурият ишдан бўшатишга розилик олгач, умуман уни амалга ошириши шарт эмас. Маъмурият ўзининг қарорини ўзгартириши мумкин.

Меҳнат шартномасининг тарафлари ҳисобланмаган учинчи шахсларнинг ташаббуси билан, яъни суд, касаба уюшмаси органи, мудофаа ишлари вазирлиги органлари аралашуви натижасида ходимни ишдан бўшатишга тўғри келиб қолиши мумкин. Ходимнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати бунда ишдан бўшатиш учун асос бўлади.

Молия вазирлигининг назорат-тафтиш органларига бошланғич касаба уюшмалари қўмиталари ишдан бўшатиш ҳақидаги масалани қўйишлари мумкин; суд органлари, Мудофаа ишлари вазирлиги органлари, касаба уюшмаси органлари ишдан бўшатишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Ана шу органларнинг талабига биноан маъмурият ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиши шарт. Жумладан, маъмурият касаба уюшмаси органларининг талаби билан муайян тоифадаги раҳбар ходимларни, агар улар меҳнат қонунларини бузаётган, жамоа шартномаси бўйича зиммасига олган мажбуриятларини бажармаётган, тўрачилик қилаётган, сансалорликка йўл қўяётган бўлсалар, ишдан бўшатиш ёхуд эгаллаб турган лавозимидан олиши шарт.

**Ишдан четлаштириш.** Ишдан четлаштиришга фақат шунга ваколати бўлган органларнинг таклифи билангина ва қонунда кўзда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкин. Ишдан қўйидагилар четлаштириши мумкин:

— терговчи — ҳар томонлама асосланган ва прокурор томонидан тасдиқланган қарорга биноан четлаштира олади;

— давлат санитария назорати органлари бакте-

рия ташувчи ва юқумли касалликларни юқтириши мумкин бўлган шахсларни вақтинча ишдан четлаштиришлари мумкин;

— давлат автомобиль назорати — маст қолда бўлган ва автомобиль бошқариш ҳуқуқи бўлмаган ҳайдовчиларни ишдан четлаштира олади;

— меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўлими.

Ходимларни ишдан четлаштириш мумкинлиги интизом тўғрисидаги низомларда назарда тутилган.

**Ишдан бўшатиш нафақаси.** Ходимнинг ҳарбий хизматга чақирилиши, бошқа жойдаги ишга кўчирилишдан бош тортиши, эгаллаб турган лавозимига ноллойиқ эканлиги аниқланганлиги, пенсия ёшига етганлиги, шунингдек илгари шу ишни бажариб келган ишига қайта тикланиши муносабати билан ёхуд меҳнат қонунларини маъмурият бузганлиги натижасида муддатли меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда ходимга икки ҳафталик ўртача иш ҳақи миқдоридан ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг тугатилиши, ходимлар сони ёки штатнинг қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинади, бир ойлик ўрта иш ҳақи тўланади. Ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш ходимнинг ишдан бўшатилиши ҳақида олдиндан огоҳлантириш ўрнини боса олмайди.

Вақтинча ишлаётган ходимларга фақат ҳарбий хизматга чақирилишлари ёки ўтишлари муносабати билангина икки ҳафталик ўртача иш ҳақи миқдоридан ишдан бўшатиш нафақаси тўланади, бошқа ҳолларда эса уч кунлик ўртача иш ҳақи миқдоридан ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

### **5- §. Иш вақти ва дам олиш вақти**

**Иш вақти.** Иш вақти — қонун билан ёки унинг асосида белгиланган вақт бўлиб, бу вақт мобайнида ходим ички меҳнат тартиби асосида белгиланган қоидаларига мувофиқ суратда, ўз меҳнат вазифаларига мос равишда хизмат бурчини бажариши лозим. Бу ўринда шунчаки ишда бўлиш эмас, балки ўзига топширилган ишни бажариш назарда тутилади. Бунда ходим албатта иш жойида бўлиш шарт эмас, маъмуриятнинг фармойиши билан у ўз ишини бошқа жойда,

масалан, сафарда юриб ҳам бажариши мумкин. Гарчи жамоат иши билан машғул бўлиш иш жойида бажарилса ҳам, у иш вақтига қўшилмайди.

Иш вақтининг муддати энг муҳим меҳнат шароитларидан бири бўлиб, барча меҳнаткашларнинг манфаатларига дахлдордир. Шу боисдан ҳам қонун сутка ва ҳафта давомидаги иш вақти муддати нормасини нормал, қисқартирилган, тўлиқсиз, нормаланмаган ва ҳоказо қилиб белгилайди.

Иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига 40 соатдан ошиқ бўлиши мумкин эмас. Иш ҳафтаси бир ва икки дам олиш кунлари билан беш кунлик, олти кунлик бўлиши мумкин.

Сутка давомидаги иш вақти муддати иш куни деб аталади. Меҳнат қонунларида у олти кунлик иш ҳафтасидан келиб чиқиб белгиланади ва етти соатни ташкил қилади. Беш кунлик иш ҳафтасида иш куни муддати қонун билан аниқ белгиланмаган. Бу ҳолда ҳафталик иш вақтининг нормаси меҳнат муддати нормасига асос қилиб олинади ва у ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда сменалилик жадваллари билан белгиланади. Бундай ҳолда гап иш куни ҳақида эмас, балки иш сменаси ҳақида бориши мумкин.

Иш вақтининг бир соатга қисқартирилган муддати дам олиш куни арафасида ва байрам кунлари арафасида белгиланади. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ишчи ва хизматчилар учун ҳафтасига 36 соат ёки олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда кунига 6 соатдан, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига 24 соатни ташкил этади ва уларнинг иш куни 4 соатдан ошмаслиги керак. Ўрта таълим мактаблари, махсус ишлаб чиқариш техника билим юртлари ва ўрта ўқув юртларининг ўқишни иш билан қўшиб олиб бо- раётган ўқувчилари учун бу муддат икки барабар ка- майтирилган.

Шунингдек меҳнат шароити ишлаб чиқаришнинг зарарли омиллари билан бирга кечадиган ишчи ва хизматчилар учун, олий ва ўрта ўқув юртларининг ўқитувчилари, муаллимлар, тиббий ходимлар, мактаб- гача муассасалар ходимлари ҳамда катта руҳий ва ақлий меҳнат сарфлаш талаб этиладиган меҳнаткаш- ларнинг бошқа баъзи тоифалари учун ҳам қисқарти- рилган иш вақти белгиланган.

Тунги иш муддати (соат 22 дан эрталаб 6 га қадар) бир соатга қисқартирилади.

Қонун айрим ҳолларда маъмурият билан ходимнинг заро келишувига кўра иш қабул қилиш чоғида ҳам, шунингдек кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйиш имконини беради. Қисқартирилган иш вақтини белгилашдан фарқли равишда, тўлиқсиз иш вақтини белгилаш маъмуриятнинг ҳуқуқи, асло мажбурияти эмас. Тўлиқсиз иш вақти қонунда кўзда тутилган маълум доирадаги шахслар учунгина эмас, балки тарафларнинг келишувига кўра ҳар бир ходим учун ҳам белгиланиши мумкин. Иш вақти қатъий белгилаб қўйилган вақтга эмас, балки ҳар қанча миқдорда қисқартирилиши, тўлиқсиз иш вақтида ходимнинг бажарган меҳнати ҳам амалда ишланган вақтга мутаносиб равишда бўлади.

**Иш вақти тартиби.** Иш вақти тартиби деб муайян календарь давр мобайнида иш вақти ва дам олиш вақтини тақсимлаш тартибига айтилади. Иш вақти тартиби қўйидаги қисмларни ўз ичига олади: ишнинг бошланиши ва тугаши, сменалар вақти ва муддати, уларнинг алмашилиши.

Иш вақти тартиби ички меҳнат тартиби қоидалари ва сменалар графиклари билан белгиланади.

Ходимларнинг иш тартибидан қорхонанинг иш тартибини фарқлай билмоқ лозим. Қорхонанинг иш тартиби Низом, қонда билан белгиланади. Қорхона кеча-кундуз, ходимлар эса сменаларга бўлиниб ишлаши мумкин.

Иш вақти тартиби бутун қорхона учун ягона ёки унинг турли таркибий бўлинмалари учун турлича бўлиши мумкин. Тарафларнинг келишуви бўйича яқка тартибдаги иш тартиби ҳам бўлиши мумкин. Олти кунлик иш ҳафтасида иш тартиби қонунда белгиланган иш кунига мувофиқ келади. Беш кунлик иш ҳафтасида эса иш куни саккиз соатни ташкил қилиши мумкин.

Бу тартиблардан ҳар бири иш вақтининг қонунда белгиланган нормаси — ҳафтасига 40 соатдан иборат бўлишини таъминлайди.

Айрим қорхоналарда кўп сменали (икки, уч, тўрт сменали) меҳнат тартибига йўл қўйилади. Бунда беш кунлик иш ҳафтасида кундузги ва кечки сменаларда нормал муддат 8 соатдан ошмаслиги керак.

Иш вақтининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса тунги смена ҳисобланади.

Бир сменадан иккинчи сменага ўтиш, одатда, бир ҳафтадан кейин амалга оширилади. Кетма-кет икки сменада ишлаш тақиқланади.

Қонунда шунингдек иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш ҳам назарда тутилган. Бунда иш вақтининг суткалик ва ҳафталик муддати қонунда белгилаб қўйилган нормадан фарқ қилиши мумкин. Баъзи кунлари ортиқча ишлаб юборилса, бунинг ўрнига бошқа кунлари шунча кам ишланади, ёхуд муайян бир давр (уч ҳафта, ой, чорак) доирасида қўшимча дам олиш кунлари берилади. Иш вақтининг умумий муддати эса ана шу муайян давр учун белгиланган иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

Баъзи ҳолларда иш куни ёки сменаси қонунларда қўрсатилган тартибда қисмларга бўлинишига йўл қўйилади. Аммо бунда иш вақтининг умумий муддати кундалик иш вақтининг белгилаб қўйилган муддатидан ортиб кетмаслиги керак. Иш ҳажми сутка давомида тубдан ўзгарадиган жойларда (шаҳар транспорти ҳайдовчилари, баъзи савдо ходимлари) иш вақтининг шундай тартибини жорий қилишга йўл қўйилади.

Корхоналарнинг айрим ходимлари, жамоалари, бўлинмалари учун муайян доирада иш куни ёки иш сменасининг бошланиши, тугаши ва муддатини ўзи бошқаришига йўл қўйилади (ўзгарувчан иш вақти тартиби). Ўзгарувчан графикнинг моҳияти шундан иборатки, ходим учун тайинли вақт белгилаб қўйилади, у шу вақт мобайнида албатта ишда бўлиши лозим; иш кунининг бошланиши ва охири учун белгиланган ўзгарувчан вақт давомида эса ходим ишни ўз билганича бошлашга ва тугаллашга ҳақли. Иш вақтининг ўзгарувчан графиги ҳар қандай иш тартиби доирасида жорий қилиниши мумкин, аммо ҳар бир ҳолда ҳам иш вақти нормаси тўлиқ бажарилиши керак.

Ўзгарувчан иш вақти тартиби маъмурият билан ишга янги келган ходим, шунингдек ишлаб турган ходим ўртасидаги келишувга асосан белгиланади. Кейинги ҳолатда ходим ўзининг иш вақтининг ўзгарувчан тартибга ўтказилаётгани ҳақида камида бир ой олдин хабардор қилиниши лозим.

Иш вақтини аниқ ҳисобга олишнинг иложи бўл-

маган масъул ходимлар, муҳандис-техник ходимларнинг айрим тоифалари, ишчи ва хизматчиларнинг бошқа баъзи тоифалари учун нормаланмаган иш куни жорий этилган. Бунда ходимлар ўз иш вақтларини ё ўзлари тақсимлайдилар, ё худ корхонанинг иш вақти тартибига бўйсунган ҳолда, баъзи ҳолларда ўз хизмат вазифаларини бажариш учун иш сменасидан ортиқча вақт ишда ушланиб қоладилар ёки анча барвақтроқ ишга чақириладиларки, бу ички меҳнат тартиби қондаларида кўзда тутилган бўлади.

Халқ хўжалиги ва маданиятининг айрим соҳаларида иш вақтини бошқарувчи умумий нормалар билан бир вақтда ўзинга хос меҳнат шaroитларида умумий нормаларни амалга ошириш тартибини белгилловчи, шунингдек фақат мазкур тармоқ учунгина хос бўлган иш вақти масалаларини тартибга солувчи (темир йўл транспорти, автомобиль, сув транспорти, алоқа корхоналари ва бошқа шу сингарилар) махсус нормалар амал қилади. Бундай махсус нормалар айрим тармоқлар ходимларининг иш вақти тўғрисидаги Низом ёки ана шу тармоқларда иш вақти тартибини тўғри йўлга соладиган алоҳида меъёрий ҳужжатлар орқали белгиланади.

Меҳнат қонунлари Кодексида иш вақтидан ортиқ ишлаш ҳам назарда тутилган бўлиб, бунда иш вақтининг белгиланган муддатидан ортиқ (иш кунидан ортиқ, иш сменасидан ортиқ, шунингдек, иш вақтини жамлаб ҳисобга олишда ҳисобга олиниб борилган давр учун белгиланган иш вақтидан ортиқ) ишланган вақт тушунилади. Тўлиқ бўлмаган иш куни ва тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси белгиланган ишчи ҳамда хизматчилар учун улар қонунда кўзда тутилган иш вақти муддатидан ортиқча бажарган ишлари, шунингдек, нормаланмаган иш куни жорий қилинган шахслар ҳамда ўриндошлик асосида ишловчи шахсларнинг белгиланган иш вақти муддатидан ортиқ ишланганлиги ҳам иш вақтидан ортиқ ишлаш ҳисобланмайди.

Иш вақтидан ортиқ ишлашга қонунга кўра фақат қуйидаги ҳоллардагина йўл қўйилади:

— республика мудофааси учун зарур ишларни бажариш, табиий офатнинг олдини олиш, ишлаб чиқариш зарурати туфайли ва бошқа баъзи бир фавқулодда ҳолатларда;

— касаба уюшмаси қўмитасининг руҳсати билан;

бунда у бундай ишларнинг ҳақиқатан ҳам зарурлигини текшириши, уларни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаши ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши лозим;

— ишчи ва хизматчини иш вақтидан ортиқ ишлашга жалб этиш сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан ва йилига 120 соатдан ошмаслиги шарти билан.

18 ёшга етмаган шахслар, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида ва ҳунар-техника билим юртларида таълим олаётганлар машғулот кунлари, сил касаллиги билан оғриганлар, шунингдек баъзи тоифадаги аёллар иш вақтидан ортиқ ишларга жалб қилинмайдилар.

Меҳнат қонунлари фақат иш вақтининг муддатинигина эмас, балки ундан фойдаланишни ҳам тартибга солади. Меҳнатни нормалашни, бригада пудрати, меҳнатнинг пировард натижалари учун ҳақ тўлаш, бир неча касбда ишлашни рағбатлантириш ва шу сингариларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари иш вақтидан самарали фойдаланилишига ёрдам беради. Иш вақтидан тўғри фойдаланиш барча ходимларнинг бевосита вазифаси ҳисобланади. Қонунларда маъмуриятларга ходимлар иш вақтидан фойдаланиш бўйича ўз вазифаларини бажаришларини улардан талаб этиш ҳуқуқи берилиши билан бирга ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини ташкил этиш, меҳнат қилиш вақтидан оқилона фойдаланишга ёрдам берадиган шартшароит туғдириш вазифаси ҳам юкланади. Маъмурият амалда иш бажарилган вақтнинг ҳисобга олиб борилишини ташкил қилиши, ишга чиқиш ва ишдан кетишни назорат қилиб бориши, ҳақиқатда ишланган вақтни, иш тўхтаб қолган вақтни, ишда бўлинмаган вақтни, иш вақтининг беҳуда кетиши сабабларини қайд қилиб бориши шарт. Ҳақиқатда ишланган вақтга мувофиқ равишда меҳнат ҳақи тўланади, қўшимча таътиллар берилади. Ҳақиқатда ишланган вақтга иш вақти ҳам, шунингдек қонун бўйича иш вақтига тенглаштирилладиган танаффуслар вақти ҳам қўшилади.

**Дам олиш вақти.** Дам олиш вақти деб ходим ишда банд бўлмаган ва ўз ихтиёри билан фойдаланиши мумкин бўлган вақтга айтилади.

Меҳнат қонунларида дам олиш вақтининг қуйидаги турлари назарда тутилган: ҳар кунги, ҳафталик дам олиш, байрам кунлари, таътиллар.

Ишчи ва хизматчиларга ҳар кунги дам олиш иш куни давомида, шунингдек ишдан кейинги вақтда ҳам берилади. Дам олиш ва овқатланиш учун танаффус, одатда, иш бошлангандан кейин узоғи билан тўрт соат ўтгач берилади ва унинг муддатини ҳар бир корхона ишлаб чиқариш жараёнини, меҳнатни ташкил қилиш ва унинг шароитларини, ходимларнинг таркибини ҳисобга олган ҳолда белгилайди, аммо у икки соатдан ошмаслиги керак. Танаффуснинг бошланиши ва тугаш вақти ички меҳнат тартиби қоидалари, иш графиги билан белгиланади. Иш шароитига кўра танаффус бериш мумкин бўлмаган жойларда ишчи ва хизматчиларга иш вақти давомида овқатланиб олиш учун имконият берилиши лозим. Сменалар оралиғидаги дам олиш вақти 16 соатдан кам бўлмаслиги керак.

Меҳнат қонунларида умумий дам олиш куни қилиб яқшанба белгиланган. Беш кунлик иш ҳафтаси шароитида иккинчи дам олиш куни берилади, бу агар қонунларда жорий этилмаган бўлса, сменалар графиги билан белгиланади. Иккала дам олиш куни, одатда, кетма-кет берилади. Ҳафталик узлуксиз дам олиш вақти 42 соатдан кам бўлмаслиги керак. Дам олиш кунларида ишлаш, шунингдек дам олиш кунини бошқа вақтга кўчириш қонун билан тақиқланади. Истиқно тариқасида дам олиш кунларида айрим ишчи ва хизматчиларни ишга жалб қилишга касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда маъмуриятнинг ёзма равишда чиқарган буйруғи асосидагина ружсат этилади. 18 ёшга тўлмаган шахслар ва айрим тоифадаги аёлларни мустасно қилганда, дам олиш кунлари ишга жалб қилишга қўйидаги ҳоллардагина йўл қўйиладди: биринчидан, табиий офатнинг, ишлаб чиқариш авариясининг олдини олиш ёки уларни тугатиш ёхуд уларнинг оқибатларини дарҳол бартараф қилиш учун, иккинчидан, корхонанинг бундан буён нормал ишлаши учун зарур бўлган ва тўхтатиб қўйиб бўлмайдиган, илгаридан кўзда тутилмаган ишларни тезда бажариш учун.

Барча ходимлар байрам кунларида ҳам ишдан озод қилинадилар. Байрам кунлари Республика Олий Мажлиси томонидан белгиланади. Ишлаб чиқариш-техника шароитига кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмайдиган корхоналарда, аҳолига хизмат кўрсатиш лозим бўлган ишларда, кечиктириб бўлмайдиган

ган ремонт, юк ортиш-юк тушириш ишларида байрам кунларида ишлашга йўл қўйилади.

Байрам кунларида ишлаганлик учун икки баравар миқдорда иш ҳақи тўланади. Ходимнинг хоҳишига қўра байрам кунларида ишлаганлик учун унга бошқа дам олиш куни берилиши мумкин.

Айрим корхоналарда дам олиш ва байрам кунларида, шунингдек иш тугагандан кейин навбатчилик ташкил қилиниши мумкин, бунда албатта касабга уюшмаси қўмитасининг розилиги бўлиши керак. Бундай навбатчилик яқин 10 кун ичида навбатчилик қилган муддат қанча бўлса шунга тенг дам олиш вақти бериш билан компенсация қилинади. Агар ходим иш куни ёки иш сменаси тугаганидан кейин навбатчилик қилган бўлса, унинг эртаси куни ишга чиқиш вақти бирмунча орқага сурилади.

**Таътиллер.** Барча ходимларга иш жойи ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили таътил бериб турилади. У ишланган ҳар бир йил учун бир марта берилиши ва ходимнинг ишга кирган пайтидан бошлаб ҳисобланиши туфайли йиллик таътил деб аталади.

Ҳар йили камида 15 иш кунига тенг муддат билан таътил берилади. Бу таътилнинг энг кам муддати, аммо ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда узайтирилган таътиллер белгиланган (войга етмаганларга — ҳар йили бир календарь ой, олий ўқув юртлари, махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари учун 48 иш куни). Бошқа ҳолларда ходимларга асосий таътилдан ташқари алоҳида шароитларда ишлаётганлиги, бир корхонада узоқ вақтдан буён ишлаб келаётганлиги учун қўшимча таътиллер берилади. Буларга қуйидагилар киради:

— меҳнат шароити зарарли ишлаб чиқаришлар рўйхатига киритилган ишларда банд бўлган ходимларга бериладиган қўшимча таътиллер. Таътил муддати ишлаб чиқаришнинг зарарлилик даражасига қараб белгиланади ва 6 иш кунидан 36 иш кунигача бўлиши мумкин;

— саноат ва қишлоқ хўжалигида, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа баъзи тармоқларида банд бўлган, бир корхонада узоқ муддатли иш стажига эга бўлган ходимларга бериладиган қўшимча таътиллер;

— қонунларда ва жамоалар шартномаларида ёхуд

бошқа маҳаллий меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

Иш кунин нормаланмаган ходимларга бериладиган қўшимча таътил муддати маъмурият томонидан касабача уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда ҳар бир лавозим учун ҳақиқатдаги иш ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади, аммо бу 12 иш кунидан ошмаслиги керак.

12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бор ишловчи аёлларга қўшимча уч кунлик таътил умумий таътил муддати 28 календарь кундан ошмаган тақдирдагина берилади.

Қонун билан белгиланган таътил муддати хоҳ тарафларнинг ўзаро келишуви асосида бўлсин, хоҳ бир ёқлама тартибда бўлсин, ўзгартирилиши мумкин эмас, узрсиз сабаблар билан прогул қилиш ёки ишда уч соатдан ортиқ бўлмаган ҳоллар бундан мустасно. Мазкур ҳолда ҳар йилги асосий таътил, шунингдек қўшимча таътил муддати прогул қилган кунлар сонига камайтирилади. Бу 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бор аёлларга берилган таътилга тааллуқли эмас. Бунда барча ҳолларда таътил муддати 12 иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Таътил бериш вақти ва навбати таътиллар графиги билан белгиланади. У маъмурият томонидан касабача уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда жорий йилнинг бешинчи январидан кечиктирмай тузилади.

Ишнинг биринчи йилида таътил узлуксиз ўн бир ой ишлагандан кейин берилади. Ходимларнинг муайян тонфаларигагина таътил 11 ой ўтмасдан берилиши мумкин.

Одатда, йиллик таътилни пул компенсацияси билан алмаштиришга йўл қўйилмайди, таътилни фойдаланмаган ишчи ёки хизматчи ишдан бўшатилган ҳоллар бундан мустасно.

Алоҳида ҳолларда йиллик таътилни келаси йилга кўчиришга йўл қўйилади. Аммо бунда ходимнинг розилиги бўлиши ва касабача уюшмаси қўмитаси билан келишилиши зарур. Бунда ҳар бир ишланган йил учун олти иш кунидан кам бўлмаган муддат билан бериладиган таътил уни олиш ҳуқуқига эга бўлинганидан кейин бир йил давомида фойдаланиши лозим, қолган кунлар эса келгуси йил таътилига қўшиб берилиши мумкин.

Қонунда ходимларга ҳар йили ва қўшимча таътиллар бериш билан бирга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллар беришга ҳам йўл қўйилади. Алоҳида ҳолларда, масалан, 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бор аёлларга маъмурият тегишли қонун актлари билан белгиланган кундан таътил бериш шарт. Бошқа ҳолларда ходимга бундай таътиллар қорхона раҳбарларининг рухсати билан тарафларнинг келишувига мувофиқ берилади. Бундай таътилни кейинчалик ходим бир кунлик таътил учун бир кун ҳисобидан ишлаб бериши мумкин бўлади. Ишлаб бериш ишдан ташқари вақтда бажарилади. Бунда иш муддати иш кунига мувофиқ бўлиши лозим.

Қуйидаги ҳолларда қонун ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил беришни маъмурият зиммасига юклайди:

2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган ишловчи аёлларга;

санатория-курортда даволаниш учун бепул ёки 30 фойз қиймати тўланадиган йўлланма берилган ходимга навбатдаги таътилни фойдаланиб бўлган ва шу кунлар учун касаллик варақаси бўлмаган тақдирда;

— олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонлар топшириш учун 15 ва 10 календарь куни давомида таътил берилади, ўқув юрти жойлашган ергача бориш ва қайтиш учун кетадиган вақт бу ҳисобга кирмайди.

— ишдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртлари ҳузуридаги тайёрлов курсларида ўқиётган ходимларга битириш имтиҳонлари топшириш учун 15 календарь куни давомида таътил берилади, ўқув юртига келиш ва қайтиш учун кетган вақт бу ҳисобга кирмайди;

— аспирантурага кираётган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ходимларга ўқув юртига келиш ва қайтиб кетишда йўлга кетган вақт учун;

— Ватан уруши қатнашчиларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга — 2 ҳафтага қадар;

— 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бор аёлларга — 2 ҳафтага қадар;

— бетоб бўлиб қолган оила аъзоларига қараб туриш учун, башарти бетоб бўлган кишига қараб турувчи оиланинг бошқа аъзоси бўлмаган тақдирда.

## 6- §. Умумтаълим мактабларида иш вақти ва дам олиш вақти

Мактабларда бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси жорий қилинган, бошланғич синфларда беш кунлик иш ҳафтаси белгиланиши мумкин.

Мактабда иш вақти, унинг бошланиши ва тугаши халқ таълими маҳаллий органлари томонидан сменалар миқдорига қараб белгиланади.

Педагог ходимларнинг иш вақти дарс жадвали ва ўрта мактаб Низоми ҳамда ички меҳнат тартиб-қондаларига биноан уларга юкланадиган лавозим вазифалари билан белгиланади. Маъмурият ишга келиш ва ишдан кетиш ҳисобга олиб борилишини йўлга қўйиши шарт.

Мактабларда педагог ходимларнинг вақтини тартибга солиб туришнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, мактаб директори касаба уюшмаси қўмитаси ва жамоа билан келишган ҳолда ҳар ўқув йилида ҳар бир ўқитувчи учун дарс соатлари миқдорини белгилайди. Бу иш ходимларнинг таътилга кетишига қадар қилиниши ва бунда қуйидаги шароитлар албатта ҳисобга олиниши шарт:

— педагог ходимларда, одатда, синфлар (гуруҳлар)нинг давомийлиги ҳамда дарс соатлари ҳажми сақланиши лозим;

— ўқитувчилар, тарбиячиларнинг айна шу мактабнинг ўзида олган ойлиқлари ҳисобига ўзлари учун белгиланган дарс соатларидан ташқари берадиган дарслари қанча бўлиши кераклиги белгилаб қўйилмаган. Дарс соатларини тақсимлаш чоғида бажариладиган ишнинг сифати, педагог ходимлар билан таъминланиш даражаси ва маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда бошқа омиллар ҳам ҳисобга олиниши керак;

— ёш мутахассисларни улар ўқув юртларини таъмомлаганларидан кейин белгиланган ойлик иш ҳақи-га мувофиқ келадиган дарс соатлари билан таъминлаш зарур;

— ходимга тўлиқ бўлмаган дарс соатлари белгилашга фақат унинг ёзма равишда ифодаланган розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилади;

— педагог ходимларнинг дарс соатлари ҳажми, одатда, бутун ўқув йили давомида ўзгартирилмасли-

ги лозим. Фақат мактабда ўқувчилар ва бутланган синфлар сони қисқарган, уларнинг бир қисми ўша ернинг ўзида янгидан қурилган мактабга ўтказилган, шунингдек бошқа баъзи алоҳида ҳоллардагина дарс соатлари миқдори камайтирилиши мумкин.

Дарс жадваллари ҳам касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ва педагог ходимлар билан таъминланиш даражаси ҳисобга олинган ҳамда санитария-гигиена нормаларига риоя қилинган ва ўқитувчининг вақти энг кўп тежалиши назарда тутилган ҳолда тузилади ва тасдиқланади. Бунда педагог ходимларга услубий ишлар олиб боришлари ва ўз малакаларини оширишлари учун ҳафтада бир бўш кунни назарда тутилиши лозим.

Хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ишчиларнинг иш кунни муддати сменалилик графиги билан белгиланади. Бундай график ҳафта ёки бошқа ўқув даври учун белгиланган иш вақти муддатига риоя қилинган ҳолда тузилади ва мактаб маъмурияти томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Дам олиш, овқатланиш тартиби ва жойини мактаб маъмурияти касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгилайди. Сменалилик графиги ходимларга тилхат олиб таништирилиши ва, одатда, амалга киритилган жойда осиб қўйилиши керак.

Ходимларнинг айрим тоифалари (тунги энагалар, ўт ўқувчилар) учун касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда иш вақти жамлаб ҳисобга олиб белгиланиши мумкин. Ходимларнинг бундай тоифаси учун тузилган иш графигида ҳафтасига 42 соатдан кам бўлмаган муддат билан узлуксиз дам олиш кўзда тутилади.

Байрам ва дам олиш кунлари ишлаш тақиқланган. Дам олиш ва байрам кунларида ўқитувчилар, тарбиячилар ва мактабларнинг бошқа баъзи ходимларини навбатчилик қилиш ва баъзи турдаги ишларга жалб қилишга қонунларда кўзда тутилган алоҳида ҳоллардагина табиий офатнинг олдини олиш ва уни тугатиш, зарур бўлган, илгаридан кўзда тутилмаган ишларни тезда бажариш учун касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги билан маъмуриятнинг ёзма равишдаги буйруғи асосида йўл қўйилади. Дам олиш ва байрам кунларида навбатчилик қилганлик ёки ишлаганлик дам олиш кунни учун амалдаги қонунлар-

га мувофиқ берилади. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунилари кодекси, 76- модда ёки ходимнинг розилиги билан навбатдаги йиллик таътил билан бир вақтга тўғри келмайдиган таътил пайтларида берилди.

Мактаб-интернатлар, болалар уйлари, махсус мактабларнинг ходимлари, иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби жорий қилинган ходимлар дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб қилинадилар. Бу иш вақти, одатда, ойлик иш вақти нормасига қўшилади. Уларга бериладиган дам олиш кунлари графикда кўзда тутилади. Байрам кунлари бажарилган ишга ойлик маошидан ташқари бир ҳисса соатлик ёки кунлик норма миқдорига ҳақ тўланади. Ходимнинг хоҳиши билан унга бошқа дам олиш кўни берилиши ҳам мумкин.

Маъмурият педагог ходимларни мактабда навбатчилик қилишга жалб этади. Навбатчилик машғулотлар бошланишидан камда 20 дақиқа илгари бошланиши ва машғулотлар тугагандан кейин кўпи билан 20 дақиқа ўтгунига қадар давом этиши лозим. Навбатчилик графиги мактаб директори томонидан касабаяношмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда тузилади.

Кузги, қишки ва баҳорги, шунингдек ёзги каникуллар вақти, агар навбатдаги таътилга тўғри келмаса, иш вақти ҳисобланади. Бу даврда педагог ходимлар маъмурият томонидан ўз дарс соатларидан ортиқ бўлмаган вақт доирасида таътил бошлангунига қадар ташкилий ишларга жалб қилинадилар.

Мактаб меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши зарур ҳолларда, аммо йилига камда икки марта ўтказилади.

Педагогика кенгаши мажлислари, одатда, ҳар чоракда бир марта ўтказилади. Уқитувчилар ва тарбиячиларнинг мактаб ичидаги услубий бирлашмаларининг машғулотлари ўқув чорагида кўпи билан икки марта ўтказилади.

Умумий ота-оналар йиғилишлари йилига камда икки марта, синф йиғилишлари — йилига камда тўрт марта чақирилади.

Меҳнат жамоасининг йиғилишлари, педагогика кенгашларининг мажлислари ва услубий бирлашмасининг машғулотлари, одатда, кўпи билан икки соат,

ота-оналар йиғилишлари — бир ярим соат, ўқувчилар йиғилишлари — бир соат, тўғаракларнинг машғулотлари — 45 дақиқадан бир ярим соатга қадар давом этиши керак.

Йиллик таътиллар бериш навбатини мактаб маъмурияти касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда мактабнинг нормал ишлашини таъминлаш заруриятидан келиб чиқиб ва ходимларнинг дам олиши учун қулай шароит яратишни ҳисобга олган ҳолда белгилайди. Таътиллар, одатда, ёзги таътил даврида берилади.

### **7- §. Мактабгача болалар муассасаларида иш вақти ва дам олиш вақти**

Мактабгача болалар муассасаларининг педагог ходимларига қисқартирилган иш вақти белгиланади. Хўжалик бекалари, ўрта ва кичик тиббий ходимлар, идиш-товоқ ювиш ва болаларни овқатлантириш ишида банд бўлган ёрдамчи ишчи-энагалар учун, шунингдек сил касаллиги билан оғриган, ақлий жиҳатдан заиф болалар ҳамда марказий нерв системаси оғир жароҳатланган, шу жумладан нутқда оғир нуқсонлари бўлган ва полиомелит касаллигини бошдан кечирган болалар тарбияланадиган мактабгача болалар муассасаларида олти соатлик иш куни жорий этилган.

Мактабгача болалар муассасаларининг иш тартиби ҳокимнинг қарори ёки тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ҳоким билан келишилган ҳолда белгиланади. Мактабгача болалар муассасалари одатда ҳафтасига беш ёки олти кун ишлайди. Болаларнинг уларда бўлиш муддати иш ҳафтаси олти кундан иборат бўлганда ва бир кун дам олинганда суткада 9, 10, 11, 12 ва 24 соат, иш ҳафтаси беш кундан иборат бўлиб, икки кун дам олинганда суткада 9, 10, 5, 12 ва 24 соат қилиб белгиланади. Зарур ҳолларда уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар учун якшанба ва байрам кунлари ҳам ишлайдиган навбатчи гуруҳлар ташкил қилиниши мумкин.

Болалар боғчасининг иши эрталаб соат еттидан кейин бошланиб, кечи билан соат йигирмада тугайди. Истисно тариқасида бу вақтни ярим соатга ўзгартиришга йўл қўйилади.

Ишчи ва хизматчилар учун икки кун дам олина-

диган беш кунлик иш ҳафтаси жорий қилинади. Смена муддати ички меҳнат тартиби қоидалари ёки сменалилик графиги билан белгиланади.

Беш кунлик иш ҳафтасини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилмаган тақдирда олти кунлик иш ҳафтаси жорий этилади. Ҳар кунги иш муддати ҳафталик иш нормаси 40 соат бўлганда — етти соатдан ва ҳафталик иш нормаси 36 соат бўлганда — олти соатдан ошмаслиги керак.

Беш кунлик ёки олти кунлик иш ҳафтаси мактабгача болалар муассасаси маъмурияти томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ва жамоанинг фикри ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Сменалилик графигини ҳам маъмурият касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқади ва амалга киритилишидан бир ой олдин ҳар бир ходим тилхат билан ундан хабардор қилинади.

Мактабгача болалар муассасалари тарбиячиларнинг овқатланиши иш бошланишидан 30 дақиқа бурун ёки у тугагандан кейин ёхуд болалар билан биргаликда ёки болалар уйқуга кетган пайтда уюштирилади. Иш шароитларига кўра овқатланиш ва дам олиш учун танаффус белгилаш мумкин бўлмаган бошқа ходимлар учун ҳам бу масала шу тахлитда ҳал этилади. Хизмат кўрсатувчи ходимлар учун тушлик танаффус ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

Тариф системаси бир қанча қоидалар йиғиндисини ўз ичига оладики, уларнинг ёрдамида меҳнатга ҳақ тўлашнинг бошланғич нормаларини бирмунча асосли равишда белгилаш мақсадида ҳар хил иш турларини қиёсан баҳолашнинг ягона миқёслари фойдаланилади. Тариф системаси ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тариф системасига ва раҳбар, муҳандис-техника ва бошқа хизматчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тариф системасига бўлинади.

Ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тариф системаси тариф-малака маълумотномаси, тариф жадвали, тариф бўйича белгиланган маош ва тариф коэффициентларидан иборат.

Тариф-малака маълумотномаси ишлаб чиқаришлар ва иш турларига қараб гуруҳларга бўлиб чиқилган ишчи касбларининг тариф-малака тавсифларини, у ёки бу иш мувофиқ келадиган малака даражаларини-

ни, ишчига тегишли малака даражаси беришда билими ва малакасига нисбатан қўйиладиган талабларни ўз ичига олади.

Тариф жадвали малака даражаси ҳар хил ходимларнинг меҳнати ўртасидаги нисбатни уларнинг малакасига қараб белгилайди. У мураккаб меҳнат учун янада юқори ҳақ тўланишини таъминлайди. Тариф жадвали тариф-малака даражалари ва тариф бўйича белгиланган маошдан ташкил топади. Биринчи малака даражаси энг оддий ишлар бўлса, охириги малака даражасига мураккаб ишлар киради. Биринчи малака даражаси билан кейинги малака даражалари ўртасидаги нисбатга тариф коэффициенти деб аталади. У ана шу малака даражалари билан биринчи малака даражаси ўртасидаги тариф бўйича белгиланган маош нечоғли юқорилигини кўрсатади.

Тариф бўйича белгиланган маош — вақт бирлиги соат, кун, ой учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайдиган нормадир. Тариф бўйича белгиланган маош ёрдамда бир хил мураккабликдаги ишларни бажараётган бир хил касбдаги ишчилар меҳнатига бир хилда ҳақ тўлаш таъминланади.

Агар ишчиларга иш ҳақи тўлашда тариф бўйича белгиланган маош асос қилиб олинса, раҳбар, муҳандис-техник ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда лавозим маоши асос қилиб олинади. У ҳам маъмурият томонидан мустақил равишда белгиланади. Бироқ ходимларнинг бу тоифаси меҳнатига ҳақ тўлашнинг бошқа шаклларида ҳам даромаддан фониз, фойдадан улуш ҳисобида ва ҳоказо фойдаланилиш мумкин.

## 8-§. Иш ҳақи

Иш ҳақи корхона, муассаса, ташкилотларнинг ўз ходимларига уларнинг меҳнати учун тўлаши шарт бўлган ҳақ шаклидир. Иш ҳақи ходим меҳнатининг пировард натижалари, унинг шахсий меҳнат ҳиссаси ва меҳнати сифати билан белгиланади ҳамда энг юқори миқдор билан чекланмайди.

Иш ҳақи асосий ва қўшимча қисмлардан иборат. Асосий қисм иш ҳақининг нисбатан доимий қисми ҳисобланади. Унга тариф бўйича белгиланган маош, устама ва қўшимча ҳақлар киради. Устама ва қўшимча ҳақлар муайян муддатга белгиланади ҳамда иш

ёмонлашган тақдирда (меҳнат шароити учун тўланадиган ҳақдан ташқари) бекор қилинади.

Қўшимча қисмга йил якунларига кўра меҳнатнинг умумий натижалари учун бериладиган мукофот ва рағбатлантиришлар киради.

Иш ҳақини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб туришнинг икки: давлат ва маҳаллий турлари мавжуд. Давлат йўли билан нормалаш — давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг умумий шартлари белгиланишидан иборат. Маҳаллий йўл билан тартибга солиш — ҳуқуқ қондаларида меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини белгилашдан иборат бўлиб, улар маъмурият томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда ўзларига берилган ҳуқуқлар доирасида ишлаб чиқишади.

Меҳнат қонунлари Кодексида белгилаб қўйилганки, муайян муддат учун белгиланган иш вақтини тўлиқ ишлаб берган ва ўзининг меҳнат вазифаларини меҳнат нормаларини бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи, корхона мулкчилигининг қайси шаклида эканлигидан қатъи назар, республика қонунларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаслиги лозим.

Ҳақ тўлашнинг қайси тизимини: тариф ставкалари, маошлар, тарифсиз тизимни асос қилиб олишни корхона, муассаса, ташкилотнинг ўзи мустақил равишда ҳал қилади. Тариф ставкалари, маошлар, мукофотлар, бошқа хил рағбатлантириш туловлари, шунингдек ходимларнинг айрим тоифалари ўртасида уларнинг миқдорий нисбати ҳақидаги масалаларни ҳал этиш ҳуқуқи корхонанинг ўзига берилган. Унинг бу ҳақдаги қарори ё жамоа шартномасида, ёки бошқа хил маҳаллий аҳамиятга молик ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган бўлиши керак.

Раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг меҳнатига ҳам, одатда, маъмурият томонидан мустақил равишда белгиланадиган лавозим маошлари асосида тўланади. Ходимларнинг бу тоифаси меҳнатига ҳақ тўлашнинг бошқа шаклларида (тушган пулдан фоиз, фойдадан ҳисса ҳисобида ва ҳоказо) ҳам фойдаланиш мумкин.

Нормал шароитдан фарқ қиладиган меҳнат шароитларида бажарилган ишлар учун корхона, муассаса, ташкилот ходимларга тегишли суратда қўшимча

ҳақ тўлаши шарт. Тўланадиган қўшимча ҳақ миқдори ва шартларини корхона ўзи мустақил равишда белгилайди. Аммо бу масала хусусидаги қарор ҳам жаммоа шартномасида ёки маҳаллий аҳамиятга молик бошқа меъёрий ҳужжатда ўз ифодасини топган бўлиши керак.

**Иш ҳақи тизимлари.** Иш ҳақи тизими дейилганда меҳнат меъёри билан меҳнат учун тўланадиган ҳақ миқдори ўртасида нисбат белгилаш усули тушунилади. Меҳнатни ҳисобга олиб бориш қандай усулда амалга оширилишига қараб ишчиларга вақт ёки тайёрланган маҳсулот миқдори билан иш ҳақи тўлашнинг вақтбай ёки ишбай тизими қўлланилади. Вақтбай тизимда меҳнатга ҳақиқатда ишланган вақт: соат, кун, ой учун ҳақ тўланади, шунинг учун ҳам бу соатбай, кунбай, ой учун меҳнат ҳақи тўлаш деб аталади. Хизматчиларнинг асосий қисми ойлик лавозим маошлари олади.

Ҳақ тўлашнинг бу тизимида ойлик лавозим маош миқдори ойдаги кунлар сонига боғлиқ бўлади, соатбай ҳақ тўланганда эса ойлик иш ҳақи миқдори ойда ишланган соатлар миқдорига боғлиқ бўлади.

Ишчиларнинг якка тартибда бажарадиган иши технология жараёни билан белгиланадиган ва ходимнинг ўзига бевосита ёки деярли боғлиқ бўлмайдиган жойларда вақтбай ҳақ тўлаш тизими қўлланилади ва шу сабабли уларнинг меҳнатини рағбатлантириш учун тариф бўйича белгиланган маоши ёки лавозим маошига кўпинча ишда юқори кўрсаткичларга эришилганлиги учун тўланадиган мукофотлар қўшиб берилади. Бундай ҳолларда иш ҳақи вақтбай — мукофот тизими бўйича тўланади.

Иш ҳақи тўлашнинг ишбай тизимида ходимнинг меҳнатига у ишлаб чиқарган ҳар бир маҳсулот бирлиги учун ишбай баҳолар бўйича ҳақ тўланади. Бу тизим қўлланилганда ходимнинг иш ҳақи у қанча яроқли маҳсулот ишлаб чиқарганига ёки қанча ишни бажарганлигига бутунлай боғлиқ бўлади. Бу тизимдан фойдаланиш техникавий жиҳатдан асосланган нормаларнинг бўлишига ҳамда бажарилган иш тўлиқ ҳисобга олиб борилишига, ишнинг сифати қаттиқ назорат қилиб борилишига ва меҳнат лозим даражада ташкил қилинишига боғлиқ бўлади. Ишбай ишловчи ходимнинг иш ҳақи қилинган баҳоларни ҳақ тўлана-

диган давр мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирликлари сонига кўпайтириш орқали белгиланади.

Бевосита ишбай, билвосита ишбай, ишбай прогрессив ва аккорд тизимлар ишбай асосида ҳақ тўлаш турларига киради. Биринчи ҳолда меҳнат ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғридан-тўғри мутаносиб равишда ўзгармас баҳолар бўйича тўланади.

Билвосита ишбай тизими ёрдамчи ишчиларга ҳақ тўлаш учун қўлланилади; улар ўзлари маҳсулот ишлаб чиқармайдилар, аммо бошқалар ишлаб чиқарган маҳсулот миқдори кўп жиҳатдан уларнинг ишига (созловчилар, кранчилар) боғлиқ бўлади. Улар ишбай асосида ишловчи асосий ходимлар ишлаб чиқарган маҳсулот бирлиги учун иш ҳақи оладилар.

Аккорд тизим қўлланганда тўланадиган ҳақ миқдори алоҳида бажарилган ҳар бир иш учун эмас, балки ҳақ тўланадиган вақт мобайнида бажарилган муайян иш ҳажми учун белгиланади. Бу тизимдан асосан қурилишда фойдаланилади.

Булардан ташқари яна меҳнатга бригада бўйича ҳақ тўлаш усули ҳам мавжуд. Бунда алоҳида олинган ҳар бир ходимнинг иш ҳақи бутун бригаданинг иш натижаларига боғлиқ бўлади. Бригада ишининг натижаларига ҳар бир ходимнинг алоҳида қўшган ҳиссасини тўлиқ ҳисобга олиш учун унинг умумий йиғилиши қарори билан меҳнатдаги иштироки коэффициентлари қўлланилиши мумкин. Уларни белгилаш ва қўллаш тартиби бригада хўжалик ҳисоби, бригада пудрати тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Иш ҳақи тўлашнинг мукофот тизими. Мукофот — иш ҳақининг асосий тизимларида кўзда тутилмаган меҳнат натижаларига қараб моддий рағбатлантириш шаклидир. Мукофотлар, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, иш ҳақининг қўшимча, ўзгариб турадиган қисми бўлиб, унинг миқдори, одатда, аниқ кўрсаткичларнинг бажарилишига боғлиқ ва асосий маошга нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади. Аммо мукофотлар олдиндан шартлашилган аниқ кўрсаткичларнинг бажарилганлиги учун эмас, балки рағбатлантириш тариқасида берилиши ҳам мумкин. Улар ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмайди, аммо меҳнат дафтарчасига ёзиб борилади.

Ҳозирги вақтда корхона мукофот бериш ҳақидаги низомни ўзи мустақил равишда ишлаб чиқади ва

тасдиқлайди. Мукофотлар иши ҳақи фонди ва моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан тўланади. Ишчиларга у фонд ҳисобидан ҳам, бу фонд ҳисобидан ҳам, раҳбар ходимларга эса фақат биттаси ҳисобидан мукофот берилади.

Йиллик иш якунига кўра мукофот пули берилиши мумкин. У рағбатлантиришнинг ўзига хос мустақил шакли бўлиб, моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан тўланади. Мукофот миқдори ишчи ёки хизматчи меҳнатининг натижаларини ҳамда корхонадаги иш стажы муддатини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Бунда энг кам иш стажы бир йил, энг кўп иш стажы беш йил бўлиб, шундан у ёғига мукофот миқдори оширилмайди.

**Меҳнатни нормалаш.** Меҳнатни нормалаш алоҳида ҳар бир ходим ёки бригада маҳсулот бирлигини бажариши (тайёрлаши) учун зарур бўладиган меҳнат (вақт) сарфини белгилашдан иборат. Вақт нормалари, ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари, ишчи ва хизматчилар сони нормаси, нормаланган топшириқ мавжуд.

**Вақт нормаси** — тегишли малакага эга ходим ёки бир гуруҳ ходимлар томонидан муайян ташкилий-техникавий шароитларда иш бирлигини бажариш учун зарур бўладиган иш вақтининг белгиланган ҳажми (ойлар, соатлар ҳисобида)дан иборат.

Ишлаб чиқариш нормаси — тегишли малакага эга ходим ёки бир гуруҳ ходимлар муайян ташкилий-техникавий шароитларда иш вақти бирлиги ҳисобида бажариши шарт бўлган белгиланган иш ҳажмидан иборат.

Хизмат кўрсатиш нормаси — тегишли малакага эга ходим ёки бир гуруҳ ходимлар муайян ташкилий-техникавий шароитларда иш вақти бирлиги ичида хизмат кўрсатиши зарур бўлган бажарилган объектлар (асбоб-ускуналар бирлиги, иш ўринлари сони) сонидан иборат.

Ишчи ва хизматчилар сони нормаси — муайян ишлаб чиқариш вазифаларини ёки иш ҳажмини бажариш учун зарур тегишли малакага эга ходимлар айрим тоифасининг белгиланган сонидан иборат.

Нормаланган топшириқ — ходим ёки бир гуруҳ ходимларнинг вақтбай асосида ҳақ тўланадиган ишларда иш вақти муайян бирлиги (смена, ой мобайни-

да бажаришлари зарур бўлган белгиланган иш ҳажмидан иборат.

Нормалар ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий, технологик жиҳатдан такомиллашиб бориши, иш жойларининг оқилона ташкил қилиниши ва аттестациядан ўтказилиши натижасида касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда маъмурият томонидан вақт-вақти билан ўзгартириб борилади. Янги нормалар жорий қилинишидан кечин билан бир ой бурун ходимлар улардан хабардор қилиниши лозим.

Нормал шароитлардан фарқ қиладиган меҳнат шароитларида бажарилган ишлар учун корхона, муассаса, ташкилот ходимларга тегишли суратда қўшимча ҳақ тўлаши шарт, бунда тўланадиган қўшимча ҳақ миқдори ва шартларини корхона ўзи мустақил равишда белгилайди. Аммо бу масалалар бўйича қабул қилинган қарор жамоа шартномасида ёки бошқа хил маҳаллий меъёрий ҳужжатда ўз ифодасини топмоғи лозим. Бундай қўшимча ҳақлар миқдори қонунларда белгиланганидан кам бўлмаслиги керак. Шумладан, оир неча касода ишлаганлик учун қўшимча ҳақ миқдори асосий ишда оладиган маошининг 50 фонзидан кам бўлмаслиги лозим.

Меҳнат қонунлари иш вақтидан ортиқ ишлаш назарда тутилган. Бундай ишга камида икки ҳисса кўп миқдорда ҳақ тўланиши керак. Ходимнинг илгимосига кўра иш вақтидан ортиқ ишланган соатлар сонига тенг миқдорда дам олиш муддати берилиши мумкин. Бундай ҳолда бир ҳисса миқдорида ҳақ тўланади.

Тунги вақтда ишлаганлик учун ҳам оширилган миқдорда ҳақ тўланади, бундай ҳақ жамоа шартномасида белгилаб қўйилади. Аммо тўланадиган қўшимча ҳақ миқдори халқ хўжалигининг турли тармоқлари ходимлари учун қонунларда белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги керак.

Байрам кунларида ишланганлик учун, одатда, икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Ойлик маош оладиган ходимларгина, агар байрам кунларидаги иш ойлик иш вақти нормаси доирасида қилинган бўлса, маошдан ташқари соатлик ёки кунлик маошнинг бир ҳиссаси миқдорида ҳақ тўланади.

Байрам кунинда ишлаган ходимнинг хоҳиши билан унга бошқа дам олиш кунини берилиши мумкин. Бундай ҳолда бир ҳисса миқдорида ҳақ тўланади.

Дам олиш кунларида ишлаганлик ҳам ё камида икки ҳисса миқдориди иш ҳақи бериш ёки бошқа дам олиш кунни бериш билан қопланади. Тунги вақтда ишлаганлик учун ҳам оширилган миқдорда ҳақ тўланади.

Ходимнинг айбисиз ишлаб чиқариш нормалари бажарилмай қолган ҳолда иш ҳақи амалда бажарилган иш учун тўланади. Ходимнинг айбисиз брак маҳсулот тайёрланган ҳолларда пасайтирилган баҳолар бўйича меҳнат ҳақи тўланади. Бундай ҳолларда ходимнинг ойлик иш ҳақи белгилаб қўйилган малака даражаси тариф маошининг учдан икки қисмидан паст бўлмаслиги керак. Аммо ишлаб берилаётган материалдаги яширин нуқсон туфайли бракка йўл қўйилган, шунингдек ходимнинг айби билан йўл қўйилган брак техника назорати бўлими буюмини қабул қилгандан кейин аниқланган бўлса, ходимга яроқли буюмлар қаторида ҳақ тўланади. Ходимнинг айби билан йўл қўйилган тўла бракка ҳақ тўланмайди, бундай бракка йўл қўйишда айби бўлган ходимдан етказилган моддий зарари учун тоvon пули ундирилади. Ходимнинг айби билан йўл қўйилган қисман бракка тайёрланган маҳсулотнинг яроқлилик даражасига қараб пасайтирилган миқдорда ҳақ тўланади.

Ходимнинг айбисиз бекор қилинган вақт учун, башарти ходим бекор туриш бошланганлиги ҳақида маъмуриятни огоҳлантирган бўлса, ходимга белгилаб қўйилган тариф маошининг учдан икки қисмидан кам бўлмаган ҳисобда ҳақ тўланади, ходимнинг айби билан бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўланмайди.

Ишлаб чиқариш зарурияти билан (корхона бўйича буйруқ билан юкланадиган вақтинча ўринбосарлик) ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг лавозими бўйича хизмат вазифаларини ҳам бажарган ҳолларда башарти у штат бўйича ўринбосар ҳисобланмаса, бундай ходимга унинг ҳақиқатда олаётган маоши билан ўрнида ишлаётган ходимнинг лавозим маоши ўртасидаги фарқ тўланади.

Ўриндошлик тарзида ишланганда амалда бажарилган иш учун ҳақ тўланади. Ишбай асосида ҳақ тўланадиган ҳолларда иш ҳақи амалда бажарилган иш ҳажми учун тўланади.

**Иш ҳақини тўлаш тартиби.** Иш ҳақи камида ҳар ярим ойда бир марта тўланади, аммо бошқа ходим-

ларнинг айрим тоифалари учун бу муддатлар бошқача бўлиши ҳам мумкин.

Иш ҳақи тўлашнинг аванс ва авансиз тартиби мавжуд. Биринчи ҳолда ходим ойнинг биринчи ярми учун аванс олади, ойнинг иккинчи ярми учун эса у билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади. Аванс миқдори маъмурият билан касаба уюшмаси ўртасида келишув асосида белгиланади.

Авансиз ҳисоб-китобда ойнинг биринчи ярми учун иш ҳақи амалда ишлаб чиқарилган маҳсулотга қараб тўланади. Иш ҳақидан ушлаб қолинишига фақат қуйидаги ҳоллардагина йўл қўйилади:

— солиқлар бўйича;

— суднинг чиқарган ҳукмига биноан ахлоқ тузатиш ишлари ўталаётганда, бошқа хил ушлаб қолишлардан қатъи назар, иш ҳақининг 5 фоизидан 20 фоизигача бўлган миқдорда;

— суднинг чиқарган қарорига биноан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда, алимент ундириб олинаётганда ёки боқувчиси майиб-мажруҳ бўлиб қолганда, соғлиғига зарар етказилганда ёхуд вафот этганда, шунингдек босқинчилик ёки ўғрилик туфайли етказилган зарар ундириб олинаётганда — кўпи билан 50 фоиз миқдориди;

— маъмурий тартибда солинадиган ва ҳеч шубҳасиз мажбурий тартибда ушлаб қолинадиган жарималар тарзида;

— корхона олдидаги қарзини ундириш мақсадида қуйидаги ҳолларда маъмуриятнинг фармойиши билан:

а) иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун; ҳисоб-китобдаги янглишишлар натижасида ортиқча тўланган пулни қайтариб олиш учун; хизмат сафарлари ёки бошқа жойда ишлашга ўтганлиги муносабати билан; хўжалик эҳтиёжларига берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун. Бундай ҳолларда авансни қайтариш, қарзни тўлаш ва ҳоказо учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан бошлаб камида бир ой ўтмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш берилиши мумкин, агар бу муддат ўтиб кетган бўлса, у ҳолда қарз фақат суд йўли билан ундирилади;

б) ишдан бўшатилган ходим шу йилги таътилдан

фойдаланган бўлса, ишлаб адо этилмаган таътил кунлари учун; корхона тугатилиши, штатлар қисқартирилиши муносабати билан эгаллаб турган лавозимига нолайоқлиги аниқланганлиги, вақтинча иш қобилиятини йўқотганлиги натижасида ишга узоқ вақт келмаганлиги сабабли, ҳарбий хизматга чақирилиши ёки ўтиши, бошқа ишга сайлаб қўйиладиган лавозимга ўтказилгани, ўқишга юборилгани, шунингдек пенсияга чиққанлиги муносабати билан ходим ишдан бўшатиш ҳоллар бундан мустасно;

— ходимнинг айби билан етказилган зарарни ундириш учун, ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда. Зарарни ундириш ҳақидаги фармойиш етказилган зарар аниқланган кундан икки ҳафтадан кечикмай чиқарилиши ва бу ҳақда ходим хабардор қилинган кундан бошлаб кам деганда етти кундан кейин ижро этиш учун қўйилиши лозим.

### 9- §. Кафолатланган ва бадал тўловлари

Кафолат тўловлари ва қўшимча ҳақлар. Ходимнинг узрли сабаблар билан ўз меҳнат вазифасини амалда бажармаган давр учун қонунда кўзда тутилганга мувофиқ равишда ҳақ тўлаши кафолатли тўловлар деб атадади. Бундай тўловлар қўидаги ҳолларда белгиланади:

— ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлиги учун, қонун бўйича бу вазифалар иш вақтида бажарилган тақдирда. Бундай ҳолларда ходимнинг иш жойи ва ўртача иш ҳақи сақланади (депутатлик бурчини бажариш, депутат сифатида касаба уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари қурултойлари, пленумлари, конференцияларида қатнашиш, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органларига, судга чақирилиш, халқ маслаҳатчилари сифатида суд мажлисларида иштирок этиш қабилар шулар жумласига киради);

— ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда малакасини оширган вақти учун; бунда иш жойи ва қонунда белгиланган маълум тўловлар сақланган тақдирда;

— тиббий кўрикдан албатта ўтиши лозим бўлган ходимнинг тиббий текширувдан ўтиш даври учун. Бундай ҳолда ўртача иш ҳақи сақланади;

— донорлик вазифасини бажарган ҳолларда.

Маъмурият текширувдан ўтиш кунда донорларга рухсат бериши ва уларнинг ўртача иш ҳақини сақлаши шарт;

— ихтиро ёки рационализаторлик таклифини айтишу корхонанинг ўзида жорий қилиш ишида қатнашган вақти учун. Бунда тарафларнинг келишуви асосида иш ҳақи тўланади, аммо у ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак;

— йиллик таътилда бўлган вақти учун ходимга таътилдан олдинги 12 охириги календарь ойлар ҳисобидан ўртача иш ҳақи тўланади;

— совуқ пайтлари очиқ ҳавода ёки усти ёпилмаган бинода ишловчи ишчи ва хизматчиларга исиниш ва дам олишга берилган танаффуслар вақти учун;

— бир ярим ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга боласини эмизишга берилган танаффус вақти учун;

— штат қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилган ходимларга ишга жойлашиш вақти учун, аммо бунда ишдан бўшатилган кундан бошлаб ишдан бўшатилиш ойлик нафақасини ҳам ҳисобга олганда икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга, истисно тариқасида эса ишга жойлаштирадиган органларнинг қарорига мувофиқ, башарти ана шу орган ўзига мурожаат қилган ходимни ишга жойлаштира олмаган тақдирда, учинчи ойга ҳам тўланади.

Шунингдек кафолатланган қўшимча тўловлар ҳам мавжуд. Бундай тўловлар 18 ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларга кунлик иш муддати қисқартирилган, ходимлар бошқа кам ҳақ тўланадиган доимий ишга кўчирилган ва бундай кўчириш ходимнинг илтимоси билан бўлмаган тақдирда тўланади. Кейинги ҳолда икки ҳафталик ўртача иш ҳақи миқдорида қўшимча тўловлар амалга оширилади.

Бадал тўловлари. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши ёки бошқа жойдаги ишга кўчиб ўтиши ёхуд бошқа жойдаги ишга кўчирилиши ва қабул қилиниши билан боғлиқ сарф-харажатларини қоплаш мақсадида тўланадиган ҳақ бадал тўловлари деб аталади. Бундай тўловларга қуйидагилар киради:

— хизмат сафарига юборилганда бериладиган бадал; бунда корхона, муассаса, ташкилот раҳбарининг фармойиши билан ходимнинг доимий иш жойидан бошқа жойга маълум муддатга сафарга юборилиши

тушунилади. Сафар муддати йўлга кетган вақтни ҳисобга олмаганда, 40 кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

Меҳнат вазифалари доимий равишда йўлда бўлишни тақозо этадиган ходимлар (машинистлар, узоққа қатнайдиган автобусларнинг ҳайдовчилари)нинг хизматдаги ишлари билан сафарда юришлари хизмат сафарига юборилган ҳисобланмайди. Ходимларнинг бу тоифасига ойлик иш ҳақига фоииз ҳисобида қўшимча ҳақ тўланади.

Хизмат сафарига юборилган ходимга суткалик пул, йўл кира ҳақи ва турар жой ижараси ҳақи тўланади. Суткалик пул дам олиш ва байрам кунларини ҳам қўшиб ҳисоблаб, хизмат сафарининг ҳар куни учун тўланади. Сафарга жўнаган ва ундан қайтган куни бир кунга ҳисобланади.

Ходимнинг бошқа жойдаги ишга кўчирилиши ёки ёш мутахассисларнинг ишга юборилиши муносабати билан бадаллар бошқа жойдаги ишга кўчиб ўтиш билан боғлиқ бўлганда тўланади. Бу — ходимнинг ўзи ва унинг оила аъзолари учун тўланадиган йўл кира пули, шунингдек ходимнинг ўзига 500 кг гача ва унинг ҳар бир оила аъзосига 150 кг ҳажмда юк ҳисобидан келиб чиқиб йўл кира пули; йўлда бўлинган ҳар бир кун учун суткалик пул; ходимнинг ўзига янги иш жойида тўланадиган ойлик лавозим маоши миқдоридан ва кўчиб ўтаётган ҳар бир оила аъзоси учун ходимнинг ўзига бериладиган нафақанинг тўртдан бир қисми миқдоридан бир сафарлик нафақа; йўлга отланиш ва янги яшаш жойига ўрнашиш даври учун кўпи билан олти кун учун, шунингдек йўлда бўлинган вақт учун янги иш жойи бўйича иш ҳақи миқдоридан;

— ишчи ва хизматчиларга тегишли асбобларнинг эскириши учун тўланадиган бадал; унинг миқдорини маъмурият ходим ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгилайди.

## 10- §. Меҳнат интизоми

Меҳнат интизоми — ходимнинг меҳнат шартномаси (контракти), ички меҳнат тартиби қоидалари, шунингдек Низомлар ва мансаб йўриқномалари билан ўз зиммасига юкланган вазифаларига қаттиқ риоя қилишидан иборатдир. Меҳнат интизоми меҳнатга онгли, ижодий муносабатда бўлиш, ишонтириш, рағбатлантириш усуллари, шунингдек зарур ҳолларда ин-

тизомий таъсир чоралари орқали ҳам таъминланади.

Маъмуриятнинг меҳнатни тўғри ташкил этиши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаши, меҳнат қонунларига оғишмай риоя қилиши, ходимларнинг эҳтиёжлари ва талабларига эътибор берилан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши меҳнат интизомини юксак даражада таъминлашнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Интизомни бузиш интизомий таъсир чораларини, шунингдек амалдаги қонунларда кўзда тутилган бошқа хил чораларни қўллашга сабаб бўлади. Меҳнат интизоми бузилганлиги учун маъмурият қўйидаги интизомий жазо чораларини қўллайди: хайфсан; ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиш; меҳнат интизомини мунтазам равишда бузганлик, узрли сабабларсиз прогул қилганлик, ишга маст ҳолда, наркотик ёки заҳарли моддалар истеъмол қилиб, гангиган ҳолда келганлик учун ходимга ўртача иш ҳақининг 40 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиниши мумкин; ишдан бўшатиш (меҳнат интизомини мунтазам равишда бузганлик, узрли сабаблар билан прогул қилганлик, маст ҳолда ишга келганлик, иш жойида ўғрилик қилганлик, раҳбар ва унинг ўринбосари томонидан меҳнат интизомини қўпол тарзда ҳатто бир марта бузганлик учун).

Интизомий жазо чораси қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши интизомий жазо чораси қўллаш учун тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазо чораси ноҳўя ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмай, молиявий-хўжалик фаолиятни тафтиш қилиш ёки текшириш натижалари бўйича эса ноҳўя ҳаракат содир қилинган кундан бошлаб икки йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр мазкур муддатга кирмайди. Булардан ташқари интизомий жазо бевосита ноҳўя ҳаракат аниқлангандан кейин, лекин шундай ҳаракат аниқланган кундан бошлаб, ходимнинг касаллиги ёки таътилда бўлиш вақтини ҳисобга олмай, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Ҳар бир ноҳуя ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо берилиши мумкин. Интизомий жазо чораси қўлланилаётганда содир этилган хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг аввалги хулқ-атвори, меҳнатга муносабати ҳисобга олинаши керак.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ ходимга тилхат орқали маълум қилинади. Зарур ҳолларда ундан барча ходимлар хабардор қилинишлари мумкин.

Агарда интизомий жазо берилган кундан бошлаб бир йил давомида ходим янги интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Агар интизомий жазо олган шахс яна бошқа ноҳуя ҳаракатлар содир этмаса ва ўзини ҳалол ходим сифатида кўрсатса, маъмурият ўз ташаббуси билан, бевосита раҳбарнинг, меҳнат жамоасининг илтимосномаси бўйича жазони бир йил муддат ўтмасдан олиб ташлаши мумкин.

Интизомий жазо чораси амалда бўлган муддат давомида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

#### 11-§. Моддий жавобгарлик

Моддий жавобгарлик дейилганда ходимнинг айбли, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат содир этиши натижасида корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарарни тўла ёки қисман қоплашидан иборат вазифаси тушунилади.

Корхонага зарар етказганлик учун ишчи ва хизматчиларни моддий жавобгар қилиш юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланади. Моддий жавобгарликнинг мазкур тури моддий жавобгарликнинг бошқа турларидан (мукофотдан маҳрум этиш ёки уни камайтириш, меҳнатдаги улуш коэффициентини пасайтириш кўзда тутилганлиги, интизомий жазо тариқасида кам ҳақ тўланадиган ишга кўчириш) шу жиҳати билан фарқ қиладики, у, биринчидан, корхона мол-мулкининг тўла сақланишини таъминлашга ва хўжасизлик ҳолларининг олдини олишга; иккинчидан, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга; учинчидан, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ҳаддан зиёд кўп ва ғайриқонуний равишда ушлаб қолишлардан муҳофаза қилишни таъминлашга даъват этилган.

Ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарлигини меҳнат ҳуқуқлари нормалари жиҳатдан фуқаролик бўйича мулкӣ жавобгарликдан фарқламоқ лозим. Бу фарқ қуйидагилардан иборат:

— ўзлари моддий зарар етказган корхона билан меҳнат муносабатларида бўлган ишчи ва хизматчиларгина меҳнат ҳуқуқи бўйича моддий жавобгарлик субъекти ҳисобланадилар. Моддий зарар етказган шахс корхона билан меҳнат муносабатларида бўлмаган ҳолларда жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқи бўйича бўлади;

— меҳнат ҳуқуқи нормалари бўйича фақат бево-сита етказилган ҳақиқий зарар, шунда ҳам, одатда, чекланган миқдорда, фуқаролик ҳуқуқи нормалари бўйича эса тўлиқ миқдорда ундирилади, бунда кўрилган зарар дейилганда мулкнинг сарф қилинганлиги, йўқолганлиги ёки бузилганлиги, шунингдек ходим ўз мажбуриятининг адо этган тақдирда олиши мумкин бўлган, аммо бой берилган фойда тушуннади;

— меҳнат ҳуқуқи бўйича моддий жавобгарлик чегараси ҳуқуқ бузилган ҳолатга, мулкнинг турига, меҳнат вазифасига, баъзи ҳолларда эса қилган айбига қараб табақалаштирилган тарзда белгиланса, фуқаролик ҳуқуқи нормалари эса тасодифан зиён етказилган тақдирда ҳам етказилган зарарини ундириш мажбуриятини назарда тутати;

— меҳнат ҳуқуқида бир неча ходимнинг айби билан етказилган зарар миқдори улардан ҳар бирининг айбини ҳисобга олган ҳолда белгиланади, яъни улар ўз ҳиссаларига қараб жавобгар бўладилар. Бир гуруҳ ходимлар томонидан атайлаб жиноят қилинган ҳолларгина бундан мустасно. Фуқаролик ҳуқуқида бир неча шахслар томонидан зиён етказилган тақдирда биргалликдаги жавобгарлик қўлланилади;

— меҳнат ҳуқуқи нормалари бўйича ишлаб чиқариш таваккалчилиги тонфасига киритиладиган етказилган зарар учун ходимлар моддий жавобгарликдан озод қилинадилар, фуқаролик ҳуқуқи нормалари бўйича эса бундай ҳолларда ҳам жавобгарлик қилинади;

— фуқаролар иштироки бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун уч йил даво муддати белгиланган бўлса, меҳнат ҳуқуқида — бир йил белгиланган;

— меҳнат ҳуқуқи нормалари бўйича чекланган моддий жавобгарлик ҳолларида етказилган зарар маъмуриятнинг фармойиши билан ундирилади. Фуқаролик ҳуқуқи нормалари бўйича эса етказилган зарар суд орқали ундирилади.

Моддий жавобгарликнинг икки тури мавжуд:

1. Чекланган моддий жавобгарлик. Бунда ходимлар ўз меҳнат вазифаларини бажариш чоғида корхона, муассаса, ташкилотга мулкӣ зарар етказганликлари учун етказилган ҳақиқӣ зарар миқдорида, аммо ойлик иш ҳақларидан ошмайдиган миқдорда моддий жавобгар бўладилар, қонунларда моддий жавобгарликнинг бошқа миқдори кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Маъмурий ходимлар, агар ортиқча пул тўлаганлиги, моддий ёки пул қимматликлари ҳисобини юриштириш ва сақлаш нотўғри уюштирилганлиги, бекор туриб қолиш ҳолларига, моддий ёки пул қимматликлари ўғирланиши, йўқ қилиб юборилиши ёки бузилишига йўл қўймаслик учун зарур чоралар кўрилмаганлиги оқибатида уларнинг айби билан зарар етказилган бўлса, улар етказилган зарар миқдорида, лекин ўз ўртача ойлик иш ҳақидан ошмайдиган миқдорда моддий жавобгар бўладилар.

Ходимни қонунга хилоф равишда ишдан бўшатиш да ёки бошқа ишга кўчиришда айбдор бўлган корхона раҳбарига уч ойлик маоши миқдорида моддий жавобгарлик юклатилиши мумкин.

2. Тўла моддий жавобгарлик ходимнинг ўзи етказган зарарни тўла ҳажмда қоплашдан иборат мажбуриятдир. Бунда иш ҳақи миқдори ҳисобга олинмайди. Қуйидаги ҳолларда тўла миқдорда моддий жавобгарлик назарда тутилган:

— ходимнинг хатти-ҳаракати билан етказилган зарарда жиноят аломатлари бўлган тақдирда. Бундай аломатлар суд орқали аниқланади;

— меҳнат вазифаларини бажараётганда етказилган зарар учун қонунларга мувофиқ ходимга тўла моддий жавобгарлик юкланган тақдирда;

— меҳнат вазифаларини бажармаётган пайтда зарар етказилган тақдирда;

— ходим тегишли мулкни ва бошқа қимматликларни бир галлик ишонч қоғози ёки бошқа бир галлик ҳужжатларга асосан ўз ҳисобига олган тақдирда;

— фойдаланиш учун берилган материаллар, буюмлар, асбоблар, ўлчов приборлари, махсус кийим ва бошқа буюмлар камомад бўлиши, қасдан йўқ қилиниши ёки қасдан бузилиши сабабли зарар келтирилган тақдирда;

— зарар маст ҳолда бўлган ходим томонидан етказилган тақдирда;

— ходим тўла моддий жавобгарликни ўз зиммасига олиши тўғрисида у билан тузилган ёзма шартнома асосида белгиланган тақдирда. 18 ёшга тўлмаган шахслар билан бундай шартнома тузиш тақиқланади.

Ёзма шартнома бўйича тўла моддий жавобгарлик икки турга бўлинади; шахсий ва жамоа моддий жавобгарлик.

Ўзига топширилган қимматликларни сақлаш, қайта ишлаш, бериш, ташиш билан бевосита боғлиқ лавозимни эгаллаган ёки ишларни бажараётган ходим билан тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши мумкин.

Ходимлар ўзларига топширилган қимматликларни сақлаш, қайта ишлаш, бериш ёки сотиш, ташиш ёки улардан иш жараёнида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган айрим иш турларини биргаликда бажарган тақдирда ва агар ҳар бир ходимнинг тўла моддий жавобгарлигини чегаралаш ва у билан тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиш, иложи бўлмаса, бу ҳолда жамоа моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин.

Моддий зарар етказган ходим етказилган зарарни ўз ихтиёри билан тўла ёки қисман қоплаши мумкин. Ўртача ойлик иш ҳақидан ошмайдиган миқдордаги зарар ходимнинг ёзма равишдаги розилиги бўлган тақдирда маъмурият чиқарган фармойиш асосида иш ҳақидан ундириб олинади.

Маъмуриятнинг фармойиши ходим зарар етказганлиги аниқланган кундан бошлаб икки ҳафтадан кечикмай чиқарилиши ва бу ҳақда ходимга маълум қилинган кундан бошлаб бир ҳафтадан кейин ижро этилиши лозим. Агарда ходим шу ҳақидан ушлаб қолишга ёки унинг миқдоридан норози бўлса, меҳнат низоси унинг аризасига биноан меҳнат низоларини кўрувчи комиссияда қараб чиқилади. Бошқа ҳоллар-

да зарарни ундириб олиш суд орқали амалга оширилади.

Етказилган зарар ходимнинг интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилганлигидан қатъи назар ундирилади.

Ундириб олинadиган зарарнинг миқдорини белгилашда қуйидагилар ҳисобга олинади: ходимнинг моддий аҳволи, моддий қимматликларнинг яхши сақланишини таъминлашда унга маъмурият томонидан ёрдам берилган-берилмаганлиги, бухгалтерия ҳисобкитоби даражаси, моддий қимматликларнинг сақланиши учун нормал шарт-шароит бор-йўқлиги ҳисобга олинади.

Суд айбдорлик даражасини, аниқ ҳолатларни ва ходимнинг моддий аҳволини назарда тутиб ундириб олинadиган зарарнинг миқдорини камайтириши мумкин.

## 12- §. Меҳнат муҳофазаси

Меҳнат муҳофазаси меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини таъминловчи, саломатлигини ва меҳнат қобилиятини сақловчи ҳуқуқий нормалар тизимидан иборат.

Меҳнат муҳофазаси хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясини ўз ичига олади. Хавфсизлик техникаси дейилганда хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ходимларга таъсир этишини бартараф қилувчи ташкилий тадбирлар ва техникавий воситалар тизими тушунилади. Ишлаб чиқариш санитарияси — зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ходимларга таъсир этишини бартараф қилувчи ёки камайтирувчи ташкилий тадбирлар ҳамда техникавий воситалар тизимидан иборат.

Ходимларнинг меҳнат муҳофазасини тартибга солувчи нормалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонунлар кодексида, шунингдек Республика Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий актларида, Вазирликлар ва идоралар, давлат назорат органларининг касоба уюшмалари марказий органлари билан биргаликда ёки улар билан келишган ҳолда қабул қилинган ҳуқуқий актларда берилган. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг турлари, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари

хавфсизлиги, ишлаб чиқариш жараёнлари, ходимларни ҳимоялаш воситалари, бинолар ва иншоотлар хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил қилишга нисбатан қўйиладиган тартибга солинган талаблар давлат андозалари тизими билан белгиланган. Шулар билан бир қаторда меҳнатни муҳофаза қилишда маъмурият билан касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган жамоа шартномалари ва битимлари, маъмурият билан касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича ишлаб чиқариладиган ва тасдиқланадиган йўриқномалар муҳим роль ўйнайди.

Меҳнат муҳофазаси нормаларининг мазмунини қўйидагилар ташкил этади:

- меҳнат муҳофазаси бўйича умумий талаблар;
- ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш;
- ходимларнинг соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаб беришда ва уларни мунтазам равишда яхшилаб боришда маъмуриятнинг мажбуриятлари;
- меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилишда ишчи ва хизматчиларнинг мажбуриятлари;
- ходимлар айрим тоифаларининг аёллар, вояга етмаганлар, меҳнат қобилияти паст бўлган шахслар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча тадбирлари.

Меҳнат муҳофазаси талабларига жаавоб берадиган, хавфсизлик гувоҳномасига эга бўлган ишлаб чиқариш бинолари ходимларининг меҳнатини, саломатлигини лозим даражада муҳофаза қилишнинг зарур шarti ҳисобланади.

Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини яратиш қонунга мувофиқ корхоналар ва ташкилотларнинг маъмурияти зиммасига юклатилади. Ходимларнинг соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўлимлари бевосита жавобгар ҳисобланадилар.

Маъмурият меҳнатни ташкил қилиш жараёнида меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъий амал қилиши, барча ходимларнинг уларни бажаришини талаб этиши лозим. Маъмурият барча иш жойлари техника жиҳатдан лозим даражада жиҳозланишини, иш шарои-

ти яратилишини, техника ҳолати назорат қилиб борилишини; ишлаб чиқариш биноларидан оқилона фойдаланилишини; ускуналардан тўғри фойдаланилишини ва технология жараёнлари тўғри ташкил қилилишини; ходимлар зарарли меҳнат шароитларининг таъсиридан ҳимоя қилинишини; ишлаб чиқариш биноларининг санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига мувофиқ равишда сақланишини; санитария-маиший бинолар лозим даражада жиҳозланишини таъминлаши зарур.

Маъмурият касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда ишлаб чиқариш биноларида ва қурилиш майдонларида ишларни бажариш қоидаларини ҳамда хулқ-атвор нормаларини белгилаб берадиган йўриқ-номаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Шунингдек ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ишларини мунтазам суратда амалга ошириш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва шу сингариларнинг олдини олишга қаратилган хавфсизлик техникаси ҳамда ишлаб чиқариш санитариясининг замонавий воситаларини жорий этиш мажбурияти ҳам маъмурият зиммасига юклатилади.

Иш жойларини аттестация қилиш меҳнат шароитини яхшилаш ва уни муҳофаза этишга хизмат қилади. Ишчи ва хизматчиларни меҳнат муҳофазаси соҳасида пухта тайёрлаш ҳақидаги талаблар, уларга хавфсизлик техникасидан таълим бериш, хавфсизлик техникасига, ишлаб чиқариш санитариясига, ёнғин чиқишидан сақланишга ва меҳнат муҳофазасининг бошқа қоидаларига риоя этиш юзасидан маъмуриятнинг ишчи ва хизматчиларга йўл-йўриқлар бериши меҳнат муҳофазасини таъмин этишга хизмат қилади.

Қонунда ишчи ва хизматчиларни ишлаб чиқариш омилларининг зарарли таъсир этишидан алоҳида ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар тизими кўзда тутилган бўлиб, у ишчи ва хизматчиларни оғир ишларга, меҳнат шароити зарарли ёки хавfli бўлган ишларга, шунингдек бошқа баъзи ишларга қабул қилиш чоғида уларни мажбурий равишда тиббий кўриқдан ўтказиш ва кейинчалик вақт-вақти билан тиббий текширувдан ўтказиб туришни назарда тутди.

Меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, шунингдек алоҳида температура шароитида бажариладиган ёки ифлослантирадиган ишларда ишловчи ишчи ва

хизматчиларга махсус кийим-бош, махсус пойабзал сақловчи мосламалар ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари (қўзойнак, ёруғлик филтрлари) текинга берилади. Ишчи ва хизматчилар ишларни бажариш чоғида бу воситалардан фойдаланишлари, маъмурият эса буни доимий равишда кузатиб бориши ва махсус кийим-бошсиз, махсус пойабзалсиз ва ҳимоя мосламаларисиз ишга қўймаслиги шарт.

Ифлосланиш билан боғлиқ бўлган ишларда ходимларга совун, зарарсизлантириш воситалари, меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда ишловчи ишчи ва хизматчиларга эса сут ва шунга тенг қийматли маҳсулотлар текинга берилади.

Меҳнат шароити алоҳида зарарли бўлган ишларда ходимларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва касб касалликларининг олдини олиш учун уларга шифо-профилактика озик-овқати текинга берилади. Иссиқ цехларда ишловчи ходимларни тегингли суратда ичимлик суви билан таъмин этиш йўлга қўйилади.

Корхоналарда юз берган салбий ҳодисаларни аниқлаш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф қилиш мақсадида бундай ҳодисаларни таҳлил этиш, текшириш ва ҳисобга олиб бориш ҳам маъмуриятнинг вазифасига киради. Бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиб бориш ҳамда бундай ҳодисаларни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф қилиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат қилиб бориш ишини юқори турган органлар, вазирликлар, идоралар, корхона касаба уюшмаси қўмитаси: меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат инспекторлари, касаба уюшмаларининг техника бўйича инспекторлари, давлат назорат органлари ўзларига бўйсунган корхоналарда амалга оширадилар.

### 13- §. Аёллар меҳнати

Маъмурият барча ишчи ва хизматчилар учун хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъмин этиш билан бирга аёллар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилишни лозим.

Ҳомиладор аёлларни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни, 14 ёшга тўлмаган боласи бор (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор) ёлғиз оналарни ишга қабул қилишни рад этиш ва шуни баҳона қилган ҳол-

да уларнинг иш ҳақини камайтириш қонун билан тақиқланади. Ана шу тоифа аёлларни ишга қабул қилишни рад этган тақдирда маъмурият бунинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Ишга қабул қилишни рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни, 14 ёшга тўлмаган боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор ёлғиз оналарни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно, бундай ҳолларда уларни албатта бошқа ишга жойлаштириш шarti билан ишдан бўшатишга йўл қўйилади. Кўрсатиб ўтилган аёллар муддатли меҳнат шартномаси (контракт) муддати тугагани сабабли ишдан бўшатилганида ҳам уларни албатта ишга жойлаштириш назарда тутилади. Ишга жойлаштириш даврида уларнинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади, бироқ бу муҳлат муддатли меҳнат шартномаси (контракт) тузилган кундан эътиборан уч ойдан ошмаслиги керак.

Ишсиз ҳомиладор аёл (агар ҳомиладорлик даври 28 ҳафтадан ошмаган бўлса) иш изловчи шахс сифатида давлат иш билан банд қилиш хизмати томонидан рўйхатга олинади. Башарти давлат иш билан банд қилиш хизмати уни 10 кун мобайнида иш билан таъминлай олмаса, ўн биринчи кундан бошлаб у ишсиз аёл мақомини олади.

Ҳомиладор аёлга, у ишсиз деб эътироф этилган-этилмаганлигидан қатъи назар, 12 ой давомида 26 ҳафтадан ортиқ бўлмаган муддат учун республикадаги энг кам иш ҳақи миқдоридан ишсизлик нафақаси тўланади.

Оғир ишларда ва меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, ер ости ишларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади. Ер остидаги баъзи ишларда, истисно тариқасида, аёллар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилади. Уларга қуйидагилар киради:

- аёл раҳбарлик лавозимини эгаллаган ва жисмоний бўлмаган ишларни бажарган тақдирда;
- аёл санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишларида банд бўлган тақдирда;
- аёл корхонанинг ер ости қисмларида стажировка ўтаётган тақдирда;

— аёл жисмоний меҳнат ҳисобланмаган ишларни бажариш учун вақт вақти билан корхонанинг ер ости қисмига тушини лозим бўлган тақдирда.

Ер ости ишларидан озод қилинган аёллар учун ҳам меҳнат шартли зарарли ишлардан озод қилинган аёлларга берилган имтиёзлар сақланади.

Аёлларнинг улар учун белгилаб қўйилган нормадан ортиқ юк кўтаришлари ва ташишлари ҳам тақиқланади. Аёллар кўтарадиган ва ташийдиган юкнинг энг кўп миқдори, орасида бошқа иш билан ҳам машғул бўлганда, 15 кг дан ортиқ бўлмаслиги керак. 1,5 м дан кўп бўлмаган баландликка оғирлиги 10 кг дан ортиқ бўлмаган юкни кўтаришга рухсат этилади. Иш сменаси давомида доимий равишда юк кўтариш ва ташиш билан машғул бўлганда юкнинг оғирлиги 10 кг дан ошмаслиги керак. Бутун иш сменаси давомида кўтарилган юкнинг умумий оғирлиги 7 тоннадан ортиқ бўлмаслиги керак, юк аравачалар ва контейнерларда бир жойдан бошқа жойга ташилганда куч сарфи 15 кг дан ошмаслиги лозим.

Аёлларни тунги ишларга жалб қилишга, иш вақтидан таниқари ва дам олиш кунларида ишлатишга, эмизикли боласи бўлган аёлларни, шунингдек 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Бу қонда ҳомиладор аёлларга ҳомиладорлиги аниқланган вақтдан бошлаб ва шу ҳақда тегишли маълумотнома тақдим этганларидан кейин тааллуқли бўлади. Бу қонда эмизикли аёлларга болани эмизиш билан ўтган бутун давр учун тааллуқли бўлиб, бу давр ҳеч қандай календарь муддат билан чекланмаган.

Ҳомиладор аёллар ва 12 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар иш вақти тугаганидан кейин ҳам тунги вақтларда, шунингдек дам олиш ва байрам кунларида навбатчиликка жалб қилинишлари мумкин эмас.

Уч ёшдан ўн тўрт ёшгача боласи бор (16 ёшгача ногирон боласи бор) аёллар уларнинг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилинишлари ёки хизмат сафарига юборилишлари мумкин эмас.

Тиббий хулосасига мувофиқ, ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтиради ёхуд улар енгилроқ бўлган ҳамда ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсир этишини истисно қиладиган бошқа ишларга

аввалги ишидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолган ҳолда ўтказилади. Ҳомиладор аёлга тиббий хулосасига мувофиқ енгилроқ бўлган ҳамда ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсир этишини истисно қиладиган бошқа иш бериш масаласи ҳал этилгунига қадар у ана шу сабаблар туфайли ишга чиқмаган барча иш кунлари учун корхона, муассаса, ташкилот маблағлари ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

Бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг раҳбарлари қасаба уюшмалари қўмиталари, санитария назорати органлари билан биргаликда хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг иштирокида тиббий талабларга мувофиқ равишда ҳомиладор аёллар ўтказилиши мумкин бўлган иш жойларини белгилайдилар ва улар қилишлари ёхуд уйга олиб ишлашлари мумкин бўлган иш турларини аниқлайдилар, шунингдек шу мақсадда ҳиссадорлик асосларида ишлаб чиқаришлар ва цехлар ташкил қиладилар.

Аёлларга туққунига қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда 70 календарь кун) ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланганлигидан қатъи назар, аёлга тўлиқ берилади.

Аёлларнинг хоҳишига қараб, уларга бола икки ёшга тўлгунига қадар болани парваришlash учун қисман ҳақ тўланадиган таътил берилиб, шу даврда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Юқорида кўрсатилган таътидан ташқари, аёлнинг аризасига мувофиқ, унга бола уч ёшига тўлгунига қадар болани парваришlash учун иш ҳақи сақланмаган таътил берилади.

Болани парваришlash учун қисман ҳақ тўланадиган таътидан ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган қўшимча таътидан боланинг отаси, буvisи, буvasи ёки болани амалда парваришlashётган қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

Аёл ёки юқорида кўрсатилган бошқа шахслар ўз хоҳишларига қараб болани парваришlash таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти тартибида ёки

уйида ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътили даврида нафақа олиш ҳуқуқлари сақлаб қолинади.

Болани парваришлаш таътили умумий ва узлуксиз иш стажига, шунингдек мутахассислиги бўйича иш стажига қўшилади. Болани парваришлаш таътили вақтида иш жойи сақланади.

Ҳомиладорлик ёки туғиш таътиллари олдидан, шунингдек бевосита ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътили тугаганидан кейин аёлга унинг аризасига биноан навбатдаги йиллик таътил мазкур корхона, муассаса, ташкилотдаги иш стажидан қатъи назар берилади.

Башарти аёл ўтган ишланган йил учун таътилдандан фойдаланмаган бўлса-ю, ҳомиладорлик ва туғиш таътили келгуси иш йилининг бир қисмини қамраб олса, бундай ҳолда унинг илтимосига биноан иккала таътили — ўтган ва жорий иш йиллари учун унга тегишли бўлган таътили ҳомиладорлик ва туғиш таътилига тўғрилаб қўшиб берилиши лозим. Йиллик таътили ҳомиладорлик ва туғиш таътили билан бир вақтга тўғри келиб қолган тақдирда, йиллик таътил тўққандан кейин бериладиган таътил тугаганидан кейин берилиши керак.

Эмизикли боласи бўлган оналар ва бир ярим ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган умумий танаффусдан ташқари, боласини эмизиш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта, ҳар бири камида ўттиз минутлик вақт билан берилади. Болани эмизиш учун бериладиган танаффуслар иш вақти ҳисобига киритилади ва бу вақт учун ўртача иш ҳақи тўланади.

Ҳомиладор аёлнинг 14 ёшгача бўлган боласи бор (16 ёшгача ногирон боласи бор) аёлнинг шу жумладан ўз ҳомийлигида боласи бўлган аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парваришлаётган шахснинг илтимосига кўра тиббий хулосасига мувофиқ маъмурият унга тўлиқ бўлмаган иш куни ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси белгилаши шарт. Бундай ҳолларда уларнинг меҳнатига ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки бажарган ишига қараб ҳақ тўланади.

Маъмурият билан ходимнинг ўзаро келишувига кўра ишга қабул қилиш чоғида ҳам, шунингдек ке-

йинги иш даврида ҳам башарти аёллар болаларини парварнишлаши зарурлиги сабабли одатдаги график бўйича ишлай олмасалар, ўзгарувчан иш графиги жорий қилиниши мумкин.

15 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар уйга олиб ишлаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузишда имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бор бўлган ишловчи аёлларга болаларини парварнишлаши учун ишлаб чиқариш шароитлари имкон берган даврда маъмурият билан келишилган ҳолда икки ҳафтага қадар муддат билан иш ҳақи сақланмаган қўшимча таътил олиш ҳуқуқи берилади; йиллик таътилни ёз даврида ёки ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтда олиш ҳуқуқи биринчи навбатда берилади.

Ногирон болани тарбиялаётган ота-оналардан бирига (васийга, ҳомийга) санаторийда даволанишнинг бутун даври учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади; ойига қўшимча бир дам олиш куни берилиб, унга ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдориди ҳақ тўланади.

Ҳомиладор аёллар ва бир ёшга тўлмаган боласи бор муаллималар аттестацияга киритилмайдилар, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари ва раҳбар ходимларини аттестация қилиш чоғида эса бу қонда бир ярим ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга ҳам қўлланилади.

#### 14-§. Ёшлар меҳнати

Ёшларни 16 ёшдан бошлаб ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Алоҳида ҳолларда касаба уюшмаси билан келишиб, 15 ёшга тўлган шахслар, умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари соғлиққа зарар етказмайдиган ҳамда таълим жараёнига хилоф келмайдиган енгил меҳнатни бажариш учун бўш пайтларда 14 ёшдан ишга қабул қилинишлари мумкин.

15 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар меҳнат муносабатларида вояга етган катта ёшдаги шахслар билан тенг ҳуқуқларга эга бўладилар, меҳнат муҳофазаси, иш вақти, таътиллар вақти ва бошқа баъзи меҳнат шароитлари соҳасида эса имтиёзлардан фойдаланадилар. 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан оғир ишларда ва меҳнат шароити зарар-

ли ёки хавфли бўлган ишларда, шунингдек ер ости ишларида фойдаланиш тақиқланади.

18 ёшга тўлмаган барча шахслар аввал тиббий кўрикдан ўтказилганидан кейингина ишга қабул қилинадилар ва кейинчалик улар 18 ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили тиббий кўрикдан мажбурий тарзда ўтказиб туриладилар. Уларни тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга, шунингдек дам олиш кунлари ишлашга жалб қилиш тақиқланади.

15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ишчи ва хизматчиларга ҳар йилги таътил ёз пайтида ёки уларнинг хоҳишига қараб йилнинг исталган вақтида берилди ва у бир календарь ойга тенг бўлади. Улар учун ишлаб чиқариш нормалари катта ёшдаги ходимлар учун белгиланган ишлаб чиқариш нормаларига асосланиб белгиланади, лекин бу норма 18 ёшга тўлмаган шахслар учун белгиланган қисқартирилган иш вақтига мутаносиб равишда камайтирилган бўлади.

Кунлик иш вақти қисқартирилган ҳолларда уларга иш ҳақи кунлик иш вақти тўлиқ бўлган тегишли тоифадаги ишчи ва хизматчиларга бериладиган миқдорда тўланади. Ишбай асосида ишлашга қўйилган шахслар меҳнатига катта ёшдаги ходимлар учун белгиланган ишбай баҳолар бўйича ҳақ тўланади. Бунда уларнинг катта ёшдаги ходимларнинг кунлик иш вақтига нисбатан қисқартирилган кунлик иш вақти учун катта ёшдаги ходимларнинг тариф маоши бўйича қўшимча ҳақ тўланади.

Умумий таълим мактабларини, ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққан ёшларни, шунингдек 15 ёшдан 18 ёшга қадар бўлган бошқа шахсларни ишга ва ишлаб чиқаришда касб таълими олишга қабул қилиш брани корхоналар ва ташкилотлар учун белгилаб қўйилиши мумкин.

Ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққан ёш ишчилар ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган шахслар олган ихтисослари ва малакаларига қараб иш билан таъминландилар.

15 ёшдан 18 ёшга қадар бўлган ишчи ва хизматчиларни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишда, ишдан бўшатишнинг умумий қондаларига риоя қилишдан ташқари, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг розилиги билан-

гина йўл қўйилади. Бунда корхонанинг тугатилиши, штатнинг қисқартирилиши, эгаллаб турган лавозимига нолайиқлиги, ишни илгари бажариб келган шахс шу ишга қайта тикланиши сабабли ишдан бўшатишга алоҳида ҳоллардагина йўл қўйилади ва мазкур ходим албатта бошқа ишга жойлаштирилади.

Ўқиб туриб ишлаётган вояга етмаган шахсларни ишга жойлаштириш ўзига хос баъзи хусусиятларга эга. Улар каникуль вақтида ҳам, ўқиш даврида ҳам фақат махсус рўйхатда белгилаб қўйилган корхоналар, муассасалар ташкилотлардагина ишлашлари мумкин.

Улар ишга кираётганларида турар жойларидан маълумотнома, муайян ихтисос бўйича ишга яроқли эканлиги ҳақида тиббий маълумотнома, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, ота-оналаридан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг розилиги бўлган шахсий ариза тақдим этишлари зарур.

Ўқиб туриб ишлаётган ўсмирларнинг меҳнат қилиш ва дам олишини ҳуқуқий тартибга солишда ўзига хос муҳим хусусиятлар бор. Агар 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ишчи ва хизматчилар учун кунига 6 соатдан, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ишчи ва хизматчилар учун кунига 4 соатдан ортиқ бўлмаган иш вақти муддати белгиланган бўлса, 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари кунига икки соатдан ортиқ, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари эса кунига 3 соатдан ортиқ ишлашлари мумкин эмас. Башарти мактаб ўқувчиси таътил пайтида ишласа, бу ҳолда унинг учун ҳам кунига тўрт соатдан ортиқ бўлмаган иш муддати белгиланади.

Ўсмирларга уларнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш ҳафтаси шароитида мослашувчан график бўйича ишлашга, шунингдек уйда ишлашга ижозат берилиши мумкин, бунда ўқув машғулотлари тифиз кунларда ишдан холи танаффуслар ҳам берилишига йўл қўйилади.

Ўқиб туриб ишлаётган ўқувчиларга таътил каникуль пайтида ишланган ҳар ой учун икки иш кунини ҳисобидан берилади ва ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Агар кунлик иш вақти қисқартирилган ҳолларда 18 ёшга тўлмаган ходимларга иш ҳақи кунлик иш вақти тўлиқ бўлган тегишли тоифадаги ходимларга

бериладиган миқдорда тўланса, ўқув йили давомида ҳам ўқиб, ҳам ишлаётган ўсмир эса ишлаган вақтида мутаносиб равишда ёки бажарган ишига қараб иш ҳақи олади. Аммо бунда корхона, муассаса, ташкилот унга қўшимча ҳақ белгилашга ёки бошқа хил имтиёзлар ва афзалликлар беришга ҳақлидир.

Ўқиб туриб ишлаётган ўсмир ишдан бўшаши ҳақида уч кун аввал маъмуриятни ёзма равишда огоҳлантиргандан кейин ишдан бўшаши мумкин. Маъмурият эса ота-оналаридан бирининг ёки уларнинг ўринини босувчи шахснинг ёзма равишдаги аризаси бўлган, башарти ишни давом эттириш уларнинг соғлиғи учун хавфли бўлса ёки улар учун бошқача тарзда зиён-заҳмат етказиши мумкин бўлса, бундай ҳолларда меҳнат муҳофазаси устидан назорат олиб борувчи органларнинг ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг ёзма равишдаги рухсатномаси бўлган тақдирдагина ўқувчини ишдан бўшата олади.

Ишдан бўшатганда ўсмирга меҳнат дафтарчаси эмас, балки ишлаганлиги ҳақида маълумотнома берилиб, унда ихтисоси (мутахассислиги), малакаси, лавозими ва ишлаган вақти курсатилади. Бу маълумотларнинг барчаси кейинчалик мазкур шахс умумий асосларда ишлай бошлаганидан кейин белгиланган тартибда тутиладиган меҳнат дафтарчасига ёзилади.

#### **15- §. Ишни таълим билан бирга қўшиб олиб борувчи ходимлар учун имтиёзлар**

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юрларида таълим олаётган ходимларга республика қонунларида муайян имтиёзлар берилади. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар маъмурияти бундай ходимларнинг ишни таълим билан бирга қўшиб олиб боришлари учун зарур шароит яратиб бериши шарт. Жумладан, бундай ходимлар учун ҳеч бир тўсиқларсиз машғулотларга қатнашишлари, имтиҳонлар, синовларни ўз вақтида топширишларига имкон берадиган иш графиклари тузиб чиқилиши лозим. Олган билимларига мувофиқ равишда таълим олаётган ходимларнинг малака даражаси оширилиши, улар хизмат юзасидан юқори лавозимларга кўтарилиши, уларнинг хоҳиши билан йиллик таътиллар асосий машғулотлар ўтказиладиган,

лаборатория ишлари бажариладиган, имтиҳонлар, синовлар топшириладиган вақтга тўғрилаб берилиши мумкин. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари учун биринчи йил ишланганда навбатдаги йиллик таътил 11 ой ишлагандан кейин берилиши мумкин.

Аммо шунинг эътиборда тутиш зарурки, кўрсатилган имтиёзлар ишни таълим билан бирга қўшиб олиб борувчи барча ходимларга эмас, балки ўқув дастурини муваффақиятли бажараётган, яъни ўқув таътили бошланишидан олдинги давр учун имтиҳонлардан қарзлари бўлмаган шахсларгагина берилади. Жорий сессияда қониқарсиз баҳо олиш берилган таътилни бекор қилиш ва тўланган пулни ушлаб қолиш учун асос бўла олмайди.

Ишни таълим билан қўшиб олиб борувчи шахслар учун қонунда назарда тутилган имтиёзлар ишлаб чиқариш, мавсумий ёки бошқача характердаги ҳар қандай сабаблардан қатъи назар берилиши лозим. Ишдаги ҳар қандай камчиликлар, интизомий ноҳуя хатти-ҳаракатлар ва шу сингарилар таълим бўйича имтиёзлар беришга таъсир этиши мумкин эмас. Имтиёзлар беришни рад этиш ҳақидаги ҳар қандай келишув ёки уларни чеклашга меҳнат қонунларини қўпол суратда бузиш деб қаралмоғи лозим.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётганлар учун бериладиган юқорида кўрсатилган имтиёзлардан ташқари, ўрта умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига махсус имтиёзлар берилади. Мазкур ўқув юртларининг ўқувчиларини машғулот кунларида иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш тақиқланади. Улар учун иш ҳақлари сақлаб қолинган ҳолда қисқартирилган иш ҳафтаси ёки қисқартирилган кунлик иш вақти белгилаб қўйилади.

Ишни олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим билан бирга қўшиб олиб борувчи ходимларга алоҳида имтиёзлар берилади. Жумладан, олий ўқув юртларига кирувчиларга кириш имтиҳонлари топшириш учун 15 календарь куни давомида, ўрта махсус ўқув юртларига кирувчиларга эса 10 календарь куни давомида иш ҳақи сақланмаган таътил берилади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга таълим олиш муносабати билан қу-

Йидаги ҳолларда ҳақ тўланадиган таътил берилади. Олий ўқув юртлари кечки бўлимларининг 3-4- босқичларида йўл-йўриқ бериладиган машгулотлар, имтиҳон ва синовлар топшириш даврида 20 календарь кун, ўрта ўқув юртларида 10 календарь кундан иборат таътил берилади. Олий ўқув юртлари, шунингдек ўрта махсус ўқув юртларининг сиртдан таълим олаётган талабаларига 30 календарь кундан иборат таътил берилади. Олий ўқув юртлари кечки бўлимларининг 3—4- босқичлари талабаларига ҳам шунча кундан иборат, сиртқи бўлимларнинг 3—4- босқичлари талабалари учун эса 40 кундан иборат таътил берилади; давлат имтиҳонлари топшириш даврида олий ўқув юртларининг талабаларига, шунингдек ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларига 30 календарь кундан иборат таътил берилади, олий ўқув юртларининг талабаларига диплом ишини тайёрлаш ва ёқлаш даврида 4 ой муддатга, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларига эса 2 ой муддатга таътил берилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ходимлар диплом ишини тайёрлашларидан ёки давлат имтиҳонлари топширишларидан олдинги 10 ўқув ойи давомида олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда ҳафтада бир кун ишдан холи бўлишга ҳақлидирлар. Бундай ҳолда шу кун учун олиб турилган иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди, лекин энг оз иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади. Иш ҳафтаси беш кунлик бўлган тақдирда ишдан холи бўладиган кунлар миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради, лекин ишдан холи бўладиган соатлар миқдори сақланиб қолади.

Корхона муассаса, ташкилот маъмурияти олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг охириги босқичларида ўқиётганларда уларнинг танлаган ихтисосига доир иш билан бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида танишишлари ва диплом ишини тайёрлашлари учун тегишли ўқув юртларининг тавсияномаларига асосан иш ҳақлари сақланмаган ҳолда яна бир ойлик қўшимча таътил бериши мумкин.

Сиртдан таълим олаётган ўқувчиларнинг лаборатория ишларини бажариш, синов ва имтиҳонлар топшириш мақсадида шу ўқув юртлари жойлашган ер-

га боришлари ва у ердан қайтиб келишлари учун йилига бир марта 50 фоиз миқдорида йўлқира ҳақи берилади. Диплом лойиҳасини тайёрлаш учун бориб келинганда ҳам шундай миқдорда йўл қира тўланади.

## 16- §. Меҳнат низолари ва уларни кўриш тартиби

Меҳнат низолари — меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий актлар, жамоа шартномаси ва меҳнат тўғрисидаги бошқа битимлар, шунингдек меҳнат шартномаси контракт шартларининг қўлланилиши юзасидан ходимлар билан маъмурият ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар ва ихтилофлардан иборат.

Меҳнат низолари ўз мазмунига кўра жамоага доир ва шахсга доир меҳнат низоларига бўлинади. Шахсга доир низолар муайян ходим билан маъмурият ўртасидаги низолар бўлиб, улар, одатда, ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиб турувчи меъёрий ҳужжатларни қўллаш борасида юзага келади.

Жамоага доир низолар барча ходимларга тааллуқли бўлган янги меҳнат шароитларини жорий қилиш ёки мавжуд меҳнат шароитларини ўзгартириш, шунингдек, маъмуриятнинг бутун жамоага нисбатан олган ўз мажбуриятларини бажариши борасида юзага келадиган низолардир.

Меҳнат низолари ўз хусусиятига кўра даъво характеридаги низолар ва даъво характерига эга бўлмаган низоларга бўлинади. Даъво характеридаги низолар меҳнат тўғрисидаги меъёрий актларни қўллаш билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бундай низо давомида ходим даъво ариза бериш йўли билан ўз ҳуқуқларининг тикланишига ҳаракат қилади. Улар ҳамма вақт шахсий характерга эга бўлади.

Даъво характерига эга бўлмаган низоларга амалдаги меҳнат шартларини ўзгартириш ёхуд янги меҳнат шартларини жорий этиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган келишмовчиликлар қиради. Улар шахсий характерга, шунингдек, жамоа характерига ҳам эга бўлиши мумкин.

Шахсга доир низолар меҳнат низолари комиссия-

си ёки туман, шаҳар судлари томонидан кўриб чиқилади.

**Меҳнат низоларини кўриб чиқиш.** Меҳнат низолари комиссиялари камида 15 киши ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида сайланади. Сайлаш тартиби, комиссия аъзоларининг сони, таркиби ва унинг ваколат муддатини ҳам умумий йиғилиш белгилайди. Комиссия ўз таркиби орасидан комиссия раиси, раис ўринбосарларини ва котибинини сайлайди. Жамоа умумий йиғилишининг қарорига биноан бўлинмаларда ҳам меҳнат низолари комиссиялари ташкил этилиши мумкин. Улар бўлинма жамоаси томонидан сайланади.

Меҳнат низолари комиссияси меҳнат низоларини кўриб чиқувчи бошланғич орган ҳисобланади, қонун ҳужжатларида қараб чиқишнинг ўзгача тартиби қўлланилиши белгилаб қўйилган меҳнат низолари бундан мустасно.

Башарти ходимнинг мустақил равишда ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмаси ташкилоти иштирокида маъмурият билан олиб борган музокараларида мавжуд келишмовчилик ҳал этилмаса меҳнат низоли меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқилиши лозим. Ходим ўз ҳуқуқлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичида меҳнат низолари комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Белгиланган муддат узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган бўлса, комиссия бу муддатни қайта тиклаши мумкин. Меҳнат низолари комиссияси меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан 10 кун муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Ходим ёзма ариза билан илтимос қилгандагина низо унинг иштирокисиз кўриб чиқилишига йўл қўйилади. Башарти ходим комиссия мажлисида ҳозир бўлмаса, унинг аризасини кўриб чиқиш бошқа кунга кўчирилади. Агарда ходим комиссия мажлисига иккинчи марта ҳам узрли сабабларсиз келмаса, комиссия мазкур аризани кўриб чиқишни кун тартибидан олиб ташлаш хусусида қарор қабул қилиши мумкин, аммо бу ходимни такроран ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Ходим меҳнат низосининг қараб чиқилишида иштирок этиш учун ўз ҳисобидан адвокат таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат низолари комиссияси ўз мажлисида гувоҳларни чақиртириш, мутахассисларни, корхонада фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш вакилларини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат низолари комиссияси мажлисида иштирок этаётган комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилади. Комиссиянинг қарори устидан ходим ёки маъмурият ўн кун муддат ичида судга шикоят қилиши мумкин. Бу муддатнинг ўтказиб юборилганлиги кейинчалик ариза қабул қилишни рад этиш учун асос бўла олмайди.

**Меҳнат низоларини судда кўриб чиқиш.** Суд қуйидаги ҳолларда меҳнат низоларини кўриб чиқади:

— башарти меҳнат низолари комиссияси ўн кунлик муддат ичида меҳнат низосини қараб чиқмаса ва манфаатдор ходим меҳнат низосини қараб чиқиш учун туман судига ўтказишга қарор берган бўлса;

— ходимнинг, маъмуриятнинг ёки ходим манфаатларини ҳимоя қилувчи тегишли касаба уюшмасининг аризасига биноан;

— меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда маъмуриятнинг аризасига биноан;

— прокурорнинг аризасига биноан.

Судларда бевосита қуйидаги меҳнат низолари кўриб чиқилади:

а) меҳнат низолари комиссияси сайланмайдиган ёки бирор сабабга кўра бундай комиссия тузилмаган корхоналарда келиб чиққан меҳнат низолари;

б) меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилиш асосларидан қатъи назар ишга тиклаш, ишдан бўшатиш вақти ҳамда сабабининг таърифини ўзгартириш, мажбурий прогул вақти ва кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлаш ҳақидаги ходимнинг аризаси ёки прокурорнинг аризаси мурожаатномасига биноан;

в) корхона, муассаса, ташкилотга етказилган моддий зарарни ходимдан ундириб олиш ҳақидаги маъмуриятнинг мурожаатномасига биноан;

г) меҳнат вазифаларини бажариш чоғида ходимнинг саломатлигига етказилган зарар ўрнини корхона қоплаши ҳақидаги ходимнинг аризаси ёхуд прокурорнинг мурожаатномасига биноан.

Шунингдек бошқа корхоналардан ўтказиш тарти-

бида ишга таклиф этилган шахсларни ишга қабул қилишни рад этиш; бронь ҳисобидан ишга юборилган 18 ёшга тўлмаган шахсларни; ногиронларни; ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни; 14 ёшга тўлмаган боласи бор (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор) ёлғиз оналарни; қонунларга мувофиқ меҳнат шартномаси (контракт) тузиши шарт бўлган бошқа шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик тўғрисидаги низолар ҳам бево-сита судда кўриб чиқилади.

**Меҳнат низосини ҳал қилиб беришни сўраб судга мурожаат этиш муддати.** Меҳнат низосини ҳал этиш тўғрисидаги ариза судга ходим ўз ҳуқуқлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичида, ишдан бўшатирилганлик тўғрисидаги ишлар юзасидан эса ишдан бўшатирилганлик тўғрисидаги буйруқнинг кўчирма нусхаси олинган ёки меҳнат дафтарчаси олинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида топширилади.

Маъмуриятнинг ходим томонидан етказилган моддий зарарни ундан ундириб олиш масаласи бўйича судга мурожаат қилиши учун ходим зарар етказганлиги маълум бўлган кундан эътиборан бир йил муддат белгиланган.

**Меҳнат низолари бўйича қарор чиқариш.** Меҳнат низолари комиссияси ёки суднинг қарори билан ходим ғайриқонуний асосда ишдан бўшатирилганлиги ёхуд бошқа ишга ўтказилганлиги тақдирда дарҳол ишга қайта тикланиши лозим. Меҳнат низолари комиссияси ёки суд ишга тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда ходимга мажбурий прогул вақти учун ўртача иш ҳақини тўлаш ёки камроқ ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ойлигидаги фарқни тўлаш ҳақида қарор қабул қилади, бироқ бу муддат бир йилдан ошмаслиги керак. Шунингдек ходимни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахсларга мажбуран қилинган прогул вақти учун ёхуд камроқ ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақти учун ходимга иш ҳақи тўланиши муносабати билан корхонага етказилган зарар учун мансабдор шахсинг уч ойлик машидан ошмайдиган миқдорда моддий жавобгарлик юклатилади.

Ишдан бўшатиш сабабининг таърифи нотўғри ёки

амалдаги қонунларга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда меҳнат низолари комиссияси ёки суд уни ўзгартириши ва ишдан бўшатиш сабабини амалдаги қонунларга тўла мувофиқ таърифлаши шарт. Агар ишдан бўшатиш таърифининг нотўғрилиги ходимнинг ишга жойлашишига тўсқинлик қилган бўлса, бир вақтнинг ўзида ходимга мажбурий прогул вақти учун ўртача иш ҳақи тўлаш тўғрисида қарор чиқарилади, бироқ бу муддат ҳам бир йилдан ошмаслиги керак. Бундай ҳолларда меҳнат дафтарчасига киритилган ёзувлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади, ходим эса меҳнат дафтарчасининг ҳақиқий эмас деб топилган ёзуви қайд этилмаган дубликатини беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги, ишдан бўшатиш сабабининг таърифини ўзгартириш ҳақидаги, шунингдек ходимга иш ҳақи бериш тўғрисидаги қарор дарҳол ижро этилиши лозим.

Меҳнат низолари комиссияси ёки суднинг ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш ҳақидаги қарорининг ижроси маъмурият томонидан кечиктирилган тақдирда меҳнат низолари комиссияси, суд унга барча кечиктирилган давр учун ўртача иш ҳақи ёки шу иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Айрим тоифалардаги ходимларни ишдан бўшатиш масалалари билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш. Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, вилоятлар олий давлат ҳокимияти органлари сайлаб қўядиган, тасдиқлайдиган ёки тайинлайдиган раҳбар ходимларни, судьялар, прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари ва ёрдамчиларини ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш, мажбурий прогул қилинган вақт ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун уларга ҳақ тўлаш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш масалаларига доир низолар юқори турган органлар томонидан кўриб чиқилади.

Ходим аввалги ишига тикланган ҳолларда унга мажбурий прогул қилинган вақт ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўланади, аммо бу муддат бир йилдан ошмаслиги лозим.

## 17- §. Жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилиш тартиби

Амалдаги қонунларни қўллаш, жамоа шартномалари ва битимларида янги меҳнат ва турмушнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжуд меҳнат ва турмушнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини ўзгартириш масалалари хусусида меҳнат жамоалари билан корхона, муассаса, ташкилотлар маъмурияти ёки тармоқ бошқарув органлари ўртасида меҳнат низолари зиддиятлари келиб чиқиши мумкин. Улар меҳнат низоларини зиддиятларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қонунларга мувофиқ кўриб чиқилади.

Юқорида кўрсатилган масалалар юзасидан меҳнат жамоасининг талаблари умумий йиғилишда кўпчилик овоз билан таркиб топади ва тасдиқланади. Аммо йиғилиш мазкур талабларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун унда жамоа аъзоларининг ёки конференция делегатларининг тўртдан уч қисми ҳозир бўлиши зарур.

Талаблар ёзма равишда баён қилинган бўлиши ва тасдиқланганидан кейин уч кундан кечикмай маъмуриятга топширилиши лозим. Маъмурият ҳам худди шу муддат ичида мазкур талабларни қараб чиқиши ҳамда қандай қарорга келганлиги ҳақида меҳнат жамоаси томонидан вакил қилинган органга дарҳол маълум қилиши лозим; бунда касаба уюшмаси қўмитаси, жамоа кенгаши шундай органлар бўлиши мумкин.

Агар меҳнат жамоасининг талабларини ҳал қилиш маъмурият ҳуқуқ доирасидан ташқари чиқса, у худди шу муддат ичида бу талабларни кўриб чиқиш учун тегишли органга йўллаши керак. Маъмуриятнинг ёки тегишли бошқарув органининг қарори ёзма равишда баён қилинган бўлиши ва ундан бутун жамоа хабардор қилиниши лозим.

Меҳнат жамоасининг талаблари рад қилинган ёки қисман қондирилган ҳолларда бу талаблар келиштирувчи комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим қилинади. Келиштирувчи комиссия тарафларнинг вакиллари сони барабар таркибда тузилади. Комиссиянинг қарори тарафларнинг келишуви билан музокаралар олиб бориш асосида қабул қилинади, протокол би-

лан расмийлаштирилади ва тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлади.

Келиштирувчи комиссияда бир тўхтама келинмаган ёки унинг қарорлари ижро қилинмаган тақдирда тарафлар меҳнат арбитражга мурожаат этишга ҳақлидирлар. Бундай меҳнат арбитражи жамоага доир меҳнат низоси тарафлари томонидан тузилади. Меҳнат арбитражи аъзоларининг сони ва шахсий таркиби тарафларнинг келишуви асосида белгиланиб, унинг таркибига халқ депутатлари, юқори турган касба уюшмаси органининг, меҳнат ва ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи органнинг вакиллари киради. Меҳнат арбитражининг раиси тарафларнинг келишуви асосида арбитраж аъзолари орасидан тайинланади.

Жамоага доир меҳнат низосини арбитраж тарафларнинг албатта иштирокида ва зарурат туғилганда, юқори органлар вакиллариининг иштирокида кўриб чиқади. Меҳнат арбитражи ариза тушган кундан эътиборан етти кун муддат ичида қарор қабул қилиши лозим. Унинг қарорини бажариш тарафлар учун мажбурийдир.

Меҳнат арбитражи жамоага доир меҳнат низосининг келиб чиқишида айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан юқори ҳўжалик ва касба уюшмаси органлари номига махсус тақдимнома йўллаш ҳуқуқига эгадир.

Башарти келиштирувчи комиссия ва меҳнат арбитражи тарафларнинг келишмовчилигини бартараф қила олмаса, бунинг сабабларидан жамоа хабардор қилинади. Бундай ҳолда жамоа ўз талабларини қондириш учун қонунда назарда тутилган то иш ташлашгача бўлган жамики чораларни қўллашга ҳақлидир.

Иш ташлаш забастовка жамоага доир меҳнат низосини ҳал этишнинг сўнгги чораси. Уни ўтказиш тўғрисидаги қарор жамоа йиғилишида яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва мазкур жамоа аъзолари конференция делегатларининг камида учдан икки қисми унинг учун овоз берган тақдирдагина у қабул қилинган ҳисобланади. Иш ташлашга касба уюшмаси қўмитаси, меҳнат жамоаси кенгаши, иш ташлаш қўмитаси етакчилик қилади.

Иш ташлаш бошланиши ҳақида маъмурият ками-

да беш кун илгари ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим. Иш ташлашда қатнашишга ёки ундан қатнашишдан бош тортишга ҳеч ким мажбур қилиниши мумкин эмас.

Иш ташлашга бошчилик қилган орган жамоага доир юзага келган низони бартараф қилиш тўғрисида битим имзолангунига қадар иш кўради. Иш ташлаш ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда ҳам у ўзининг фаолиятини тўхтатади. Битим шартлари бажарилмаган тақдирда иш ташлашга бошчилик қилган орган ўз ваколатларини қайта тиклайди.

Жамоага доир низони ҳал қилиш жараёнида ишлаб чиқилган битимлардаги шартларнинг бажарилиши устидан касаба уюшмалари қўмиталари, меҳнат жамоаси Кенгаши, юқори давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари назорат олиб боради.

Корхона маъмурияти, шаҳар, туман ҳокими, иш ташлашда қатнашаётган меҳнат жамоаси, корхонанинг иш фаолияти, давлат ва жамоат мулки сақланишини, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилинишини таъминлашлари шарт.

Иш ташлашга йўл қўйилмайдиган ҳоллар қонунда назарда тутилган. Иш ташлаш одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини хавф остида қолдириши мумкин бўлган ҳолларда, шунингдек темир йўл ва шаҳар жамоат транспорти, шу жумладан метро, фуқаро авиацияси, алоқа, энергетика, мудофаа тармоқлари корхоналарида, давлат органларида, Республиканинг мудофаа қобилиятини, ҳуқуқ-тартиботи ва хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажариш зиммасига юкланган корхоналар ва ташкилотларда, тўхтатиб қолиши оғир ва хавфли оқibatларга олиб келиши мумкин бўлган узлуксиз ишлайдиган ишлаб чиқаришларда иш ташлашга йўл қўйилмайди.

Номлари санаб ўтилган корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари келиштириш маросимлари ўтказилгандан кейин ўзларини ҳимоя қилиш учун Республика Олий Мажлисига мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Олий Мажлис уларнинг талабларини кўриб чиқиши ва кечи билан бир ой муддат ичида жавоб бериши лозим.

Қуйидаги ҳолларда иш ташлаш ғайриқонуний ҳисобланади ва унга йўл қўйилмайди:

— давлат ва ижтимоий тузумни зўрлик билан

ағдариш ва ўзгартириш ҳақидаги талаблар, шунингдек миллий ва ирқий тенгликни бузиш билан боғлиқ бўлган талабларнинг илгарига сурилиши билан боғлиқ сабаблар бўлганда;

— белгиланган қоидаларга риоя этилмаган ҳолда эълон қилинганда.

Иш ташлаш ғайриқонуний эканлиги ва уни тўхтатиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Олий суди, вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди томонидан корхоналар маъмурияти, юқори турган хўжалик органи, ҳокимнинг мурожаатномасига биноан қабул қилинади ва оммавий ахборот воситалари, иш ташлашга раҳбарлик қилаётган органлар орқали ундан жамоа хабардор қилинади.

Иш ташлашни тўхтатиш тўғрисидаги қарор меҳнат жамоасига уни тўхтатиш ва қарорнинг нусхаси иш ташлашга бошчилик қилаётган органга топширилган куннинг эртасидан кечикмай ишга киришиш мажбуриятини юклайди.

Иш ташлашда қатнашувчи ходимнинг умумий ва узлуксиз иш стажы, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича таъминот олиш ҳуқуқи сақланиб қолади, ман этилмаган иш ташлашларда қатнашувчи ходимларнинг эса иш жойи ҳам сақланиб қолади. Иш ташлашда қатнашувчи ходимларнинг иш ҳақи сақланмайди.

Меҳнат жамоаси иш ташловчиларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ихтиёрий равишда пул йиғиш ва хайрия ҳисобига махсус фонд, шунингдек махсус суғурта фонди ташкил қилиши мумкин.

Иш ташлашда қатнашмаган, аммо иш ташлаш туфайли ўз ишини бажариш имконига эга бўлмаган ходимларга корхона, муассаса, ташкилот ходимнинг айбисиз бекор турилган вақт учун тўланадиган иш ҳақини сақлаб қолиши шарт.

Суд ғайриқонуний деб топилган иш ташлашни уюштиришга ёки унда қатнашишга меҳнат интизомини бузиш деб қарайди ва бунга нисбатан интизомий жазо чораси ҳамда моддий жавобгарлик қўлланилиши мумкин.

Жамоага доир меҳнат низоларининг келиб чиқишида ёки келиштирувчи комиссия ёхуд меҳнат арбитражининг қарори ижро қилинишини кечиктиришда айбдор бўлган раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахслар эгаллаб турган лавозимларидан олишга қа-

дар интизомий жазога, уларнинг хатти-ҳаракатлари билан моддий зарар етказилган ҳолларда эса йиллик лавозим маошигача миқдорда моддий жавобгарликка тортиладилар.

### 18-БОБ. ОИЛА ҲУҚУҚИ

1. Оила ҳуқуқи тушунчаси ва унинг асосий қоидалари.

2. Никоҳдан ўтиш ва уни бекор қилиш.

3. Эр-хотиннинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари ҳамда бурчлари.

4. Ота-оналар билан болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар.

#### 1-§. Оила ҳуқуқи тушунчаси ва унинг асосий қоидалари

Оила узоқ давом этган тарихий тараққиёт натижасидир, жамият тузилишининг объектив зарур, ажралмас қисмидир.

Ижтимоий маънода оила одамларнинг ижтимоий жиҳатдан алоҳида уюшган гуруҳлар, маънавий, ҳужалик, маиший ва бошқа турмуш шартлари ҳамда манфаатлари бир хил бўлган шахслар иттифоқидир.

Оила энг муҳим ижтимоий вазифаларни: инсонни яратиш, болаларни тарбиялаш, одамларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, уларни маънавий бирлаштириш, биргаликда ҳужалик юритишни таъминлаш, ўзаро ёрдам кўрсатиш, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини таъминлаш демография жараёнларини яхшилаш вазифаларини бажаради. Айни оилада инсон характерининг асослари, меҳнатга, маънавий ва маданий бойликларга муносабат шаклланади.

Жамият мустаҳкам, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом оиладан фойда манфаатдордир. Шу боис у оилани мустаҳкамлаш, ижтимоий вазифаларни бажаришда, болаларни тарбиялашда унга кўмаклашиш, болали оилаларнинг ҳамда келин-куёвларнинг моддий, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш йўлини тутиши лозим.

Оила болалар тўғрисида ғамхўрлик қилишга, она ва бола манфаатларини муҳофаза этишга, оналикни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар туркумини

назарда тутувчи ҳуқуқ оилавий муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Оила давлат ҳимоясига олинган бўлиб, Конституцияда эълон қилинади. Меҳнатга, фуқароларга, хўжалик ва молиявий ишларга доир қонунларда, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва ҳоказо масалалар хусусидаги қонунларда мазкур қоидаларга янада аниқлик киритилган. Бу ўринда оила ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади. Оила ҳуқуқи эр-хотинлар, ота-оналар ва болалар, шунингдек оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар тизими ҳисобланади.

Аммо оилавий муносабатларнинг барчаси ҳам ҳуқуқ томонидан тартибга солинмайди. Бу муносабатларнинг аксарияти ахлоқий, руҳий тусда бўлиб, ўз моҳиятига кўра уларни ҳуқуқ йўли билан тартибга солиб бўлмайди. Масалан, эр-хотинни бир-бирини севишга ҳуқуқий меъёрлар воситасида мажбур қилиб бўлмайди. Бироқ ҳуқуқ оилада юксак ахлоқий вазият яратилишига эришишга, никоҳланганлар иттифоқини мустаҳкамлашга ёрдам бермоғи лозим.

Оила тўғрисидаги қонун давлат томонидан изга солиниши талаб қилинадиган муносабатларни тартибга солиб туради. Бу қонун никоҳдан ўтиш тартиби ва шартларни белгилайди; оилада эр-хотин ўртасида, ота-оналар ва болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида пайдо бўладиган шахсий ва мулкӣ муносабатларни тартибга солиб туради; бошқаларнинг болаларини ўзига бола қилиб олиш, васийликка олиш, ҳомийлик қилиш, болаларни ўз тарбиясига олиш муносабати билан вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиб туради; никоҳни бекор қилиш тартиби ва шартларини белгилайди; фуқаролик ҳолати тўғрисидаги ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.

Шундай қилиб, никоҳ-оила муносабатларининг мажмуи оила ҳуқуқи шуғулланиши лозим бўлган соҳадир. Бу ҳуқуқ никоҳдан ўтиш ва уни бекор қилишга доир муносабатларни, никоҳ қилинган эр-хотин ўртасида, болалар ва ота-оналар ўртасида, болаларни ўз тарбиясига олганлар билан ўша тарбияланувчилар ўртасида, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида пайдо бўладиган муносабатларни ўз ичига олади.

Оила-никоҳ масаласида ҳуқуққа қобилиятли бўлган ва баркамол фуқаролар (эр билан хотин) оиладаги ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Ҳуқуқ қобилиятига эга бўлиш оилавий ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш сингари баъзи ҳолларда бола туғилган пайдан бошлаб юзага келади (яъни бола ўзини боқиш ва тарбиялашлари лозим бўлган ҳуқуқларга эга бўлади), бошқа ҳолатларда эса бундай ҳуқуқ у маълум ёшга етганида (никоҳдан ўтганида) юзага келади.

Баъзи ҳолатларда ҳуқуқий қобилиятлиликнинг юзага келиши муайян шартларга боғлиқ қилиб қўйилади (бир ота-онадан тарқалаётган қариндошлар ўзаро никоҳдан ўта олмайдилар деб қаралади).

Инсон маълум бир ёшда вояга етади. Йигитлар 18 ёшга тулганида, қизлар эса одатда 17 ёшга етганида никоҳдан ўтиш имконига эга бўладилар. Бола бошқа одамнинг тарбиясига олинаётганида у ўз розилигини билдириш ҳуқуқини 10 ёшдан бошлаб қўлга киритади.

Кинининг субъектив ҳуқуқ ва бурчлари унинг ҳуқуқий қобилиятлилиги ҳамда баркомоллигининг мазмунини ташкил этади. Субъектив ҳуқуқ ва бурчлар шахсий ва мулкӣ тусда бўлиб, бунда шахсий ҳуқуқ ва бурчлар устун мавқега эгадир.

Шахсий ҳуқуқ ва бурчлар иқтисодий мазмун касб этмайди, улар шахс билан маҳкам боғланган, шахсий ҳуқуқ ва бурчларни бошқа кишиларга бериб бўлмайди.

Воқеа ва хатти-ҳаракат сифатида юзага келади-ган юридик фактлар оиладаги ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва тўхтаб қолишининг негизи ҳисобланади.

Қариндош-уруғчилик оилавий муносабатлардаги аксарият ҳолатлар учун асосдир. Қариндош-уруғчилик дейилганда қон-қариндошлик, яъни бир-биридан тарқалган кишилар ёки ота-боболари бир бўлганлар назарда тутилади. Қариндошлик бевосита ва ёндош бўлиши мумкин. Бир-биридан бевосита тарқалган кишилар (она, ота, болалар, буви, бўва, набиралар) бевосита қариндошлар ҳисобланади. Ёндош қариндошларнинг ҳам қони бир бўлиб, улар умумий ота-бободан тарқалган кишилардир (бунга туғишган ака-ука-

лар, опа-сингиллар, амакиваччалар, тоғаваччалар, аммаваччалар, холаваччалар, амакилар, тоғалар, аммалар, холалар, жиянлар ва бошқалар киради).

Қонунда туғишган ва отаси ёки онаси бошқа бўлган ака-укалар ва опа-сингиллар, қон-қардош ва бир туғишган деган тушунчалар бор. Ота-онаси бир бўлган фарзандлар туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар ҳисобланадилар. Отаси ёки онаси бошқа бўлган фарзандлар фақат битта умумий отага ёки битта умумий онага эга бўладилар. Бу ўринда агар уларнинг онаси бир бўлса, улар бир қориндан туғилган (бир туғишган) ҳисобланадилар, агар отаси бир бўлса, бир отадан тарқалган (қон-қардош) болалар ҳисобланадилар.

Оила ҳуқуқининг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

— оиладаги барча масалаларни ҳал қилишда эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги;

— миллати, ирқи, динга муносабатидан қатъи назар, эр-хотиннинг ҳамда оила бошқа аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги;

— оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш;

— балоғатга етмаган болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва уларнинг манфаатларини таъмин этиш;

— бир никоҳлилиги;

— никоҳ иттифоқининг эркинлиги ва ихтиёрийлиги;

— жамият назорати остида никоҳни бекор қилиш эркинлиги;

— оилавий муносабатлар қатнашчиларининг бир-бирини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши ҳамда бир-бири тўғрисида ғамхўрлик қилиши.

Никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунлар: Ўзбекистон Республикаси «Никоҳ ва оила» кодексидан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборат бўлиб, улар ёрдамида оилавий муносабатлар тартибга солиб турилади.

## **2- §. Никоҳдан ўтиш ва уни бекор қилиш**

Оила қуриш учун юридик жиҳатдан расмийлаштирилган эркак билан аёлнинг ихтиёрий розилигига асосланган, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчларини ву-

жудга келтирадиган никоҳ оила негизини ташкил этади.

Эркак билан аёлнинг оила қуришга қаратилган иттифоқи никоҳ деб аталиши учун бу никоҳ тегишли тарзда юридик жиҳатдан расмийлаштирилиши керак. Бу иш (фуқаролик ҳолати далолатномасини ёзиш) да рўйхатдан ўтиш орқали амалга оширилади. Республика қонунларига кўра фақат ФХДЁ органларида, шунингдек назарда тутилган ҳолатларда ФХДЁ вазифасини ўтовчи идоралар (элчихоналар, консулхоналар) да қайд этилган никоҳ таъ олинади. Бунинг маъноси шуки, диний урф-одатлар ҳам, амалда бирга яшашлик ҳам, у қанча вақт давом этишидан қатъи назар, никоҳни юзага чиқармайди ва, бинобарин, ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтирмайди.

Қонунда белгиланганидек, никоҳ жамият манфаатлари йўлида, шунингдек эр-хотин ва болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида рўйхатдан ўтказилади. Бошқа кўпгина ижтимоий муносабатлар ўртасида никоҳни рўйхатдан ўтказишгина эр-хотин ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътиборни жалб этади, уларга расмий тус беради. Никоҳни рўйхатдан ўтказиш никоҳдан ўтганлар сонини, никоҳ муддатлари қанча давом этганлигини, никоҳдан ўтаётган кишиларнинг ёш таркибини ҳисобга олиб бориш имконини беради.

Қонунларда никоҳдан ўтиш шартлари ва тартиби аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Биринчи шарт никоҳдан ўтаётган шахслар ўртасида ўзаро розилик бўлишидан иборат, бу нарса эркак билан аёл ўртасидаги ихтиёрий ва эркин иттифоқ ҳисобланувчи никоҳнинг моҳиятидан келиб чиқади. Мана шу шартда ҳаммага маълум қоида мужассамлашган, яъни эркак билан аёл ўртасидаги ҳақиқий севгига ва ўзаро ҳурматга асосланган никоҳгина оиланинг чинакам бахт-саодатини таъминлашга қодирдир. Агар никоҳдан ўтаётган шахс мажбурийликни ҳис қилаётган бўлса, бу мажбурийлик никоҳдан ўтаётганлардан бирининг, ота-оналарнинг, таниш-билишларнинг тазйиқи остида рўй бераётган бўлса, буни эркин равишда никоҳдан ўтиш деб бўлмайди. Никоҳдан ўтишга мажбур қилиш республика қонунига мувофиқ жиноят ҳисобланади.

Иккинчи шарт муайян ёшга етишув ёки никоҳдан ўтиш мумкин бўлган балоғатга етишувдан иборатдир.

Республика қонунига мувофиқ эркакларнинг 18 ёшда никоҳдан ўтиши, аёлларнинг 17 ёшда никоҳдан ўтиши белгилаб қўйилган. Айрим ҳолларда ҳоқимиятлар никоҳдан ўтиш ёшини камайтиришга ҳақлидирлар, бироқ бунда улар никоҳдан ўтиш ёшини қўпи билан бир ёшгача камайтира оладилар, холос. Агар ота-онадан бири 16 ёшга тўлмаган бўлса, улар ўртасида бола бўлган тақдирда ҳам бу ҳолат никоҳни рўйхатдан ўтказиш учун асос бўла олмайди. 17—18 ёшда эса ёшлар жисмоний, ақлий, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан камолга етган деб ҳисобланадилар.

Ёшлар никоҳдан ўтиш ҳақида ариза берган пайтда эмас, балки никоҳланиш рўйхатидан ўтган пайтда никоҳ ёшига етган бўлади.

Қонунларда никоҳдан ўтиш ёшининг охириги муддати белгиланмаган. Никоҳдан ўтаётган шахслар ёши ўртасидаги катта фарқнинг ҳам аҳамияти йўқ.

Қуйидаги ҳолатларда никоҳдан ўтиш мумкин эмас:

— никоҳдан ўтаётган шахсларнинг биттаси ҳозир бошқа никоҳда бўлса, аммо қонунсиз никоҳ муносабатлари амалда тўсиқ бўла олмайди. Айни пайтда икки ёки бир неча никоҳдан ўтиш ҳолати жиноят ҳисобланади ва бундай шахслар жиноий жавобгарликка тортилади. Шу сабабли никоҳланган шахслар ана шу никоҳ бекор қилинганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилганларидагина янги никоҳдан ўтишлари мумкин. Агар никоҳдан ўтаётганлардан бири чет эл фуқароси бўлса ва унинг ҳужжатларида аввалги никоҳи ҳақида маълумотлар бўлмаса, у ўз мамлакатининг тегишли органлари томонидан берилган ва шу шахснинг никоҳи йўқлигини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этиши лозим;

— никоҳдан ўтаётган шахслар ўртасида яқин қариндош-уруғчилик мавжуд бўлса. Бир ота-онадан тарқалган қариндош-уруғлар, туғишган ака-укалар билан опа-сингиллар, отаси ёки онаси бошқа бўлган ака-укалар билан опа-сингиллар, шунингдек болаликка олинганлар билан болаликка олганлар ўртасида никоҳдан ўтиш ман қилинади. Ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар, амакивачча, тоғавачча, аммавачча, холавачча бўлган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек қуда томонидан қариндош бўлганларга нисбатан қонунда бу хилдаги тўсиқ йўқ;

— шахслардан лоақал бири руҳий касаллиги ёки

ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомала лаёқатига эга эмас деб топилса, чунки бундай шахс ўз хатти-ҳаракатларини англамайди ва уларни бошқара олмайди. Бу хилда ман қилишликдан мақсад — ҳуқуқ салоҳиятига эга бўлмаган мазкур шахснинг ўзини муҳофаза қилишдан, ундан бола туғилишига йўл қўймасликдан иборат, чунки руҳий касаллик ва ақлий заифлик кўпинча наслдан-наслга кўчиб турадиган касалликдир.

Агар никоҳдан ўтишгача бўлган даврда муомала лаёқатига эга эмаслик аниқланса, у ҳолда бу нарса никоҳдан ўтишга тўсиқ бўлади. Бордию бу ҳолат никоҳдан ўтилгандан кейин маълум бўлса, бундай никоҳ бекор қилиниши мумкин.

Киши суд томонидан муомала лаёқатига эга эмас деб топилмаган ҳолларда ҳам, агар у ўз хатти-ҳаракатларини тўшунмаслиги мутлақо равшан бўлса, никоҳ рўйхатга олинмаслиги керак, чунки бунда ҳам эркин ва ихтиёрий асосда никоҳдан ўтиш шартларига риоя қилинмаслиги мумкин.

Киши қаттиқ маст ҳолатда бўлганида, гиёҳвандлик ва шунга ўхшаш бошқа салбий ҳолатлар таъсирида бўлганида ҳам у никоҳдан ўтказилмайди, чунки бундай пайтларда у ўз хатти-ҳаракатларини англашга вақтинча қурби етмайди.

Қонунда никоҳдан ўтказиш борасидаги бошқа таққиқлар белгиланмаган ва шу боис никоҳдан ўтаётганларнинг ирқий, миллий, диний фарқлари эътиборга олинмайди.

Никоҳдан ўтувчиларнинг биронтаси ана шу шартларни бузган тақдирда бу нарса никоҳни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлади. Оила қуришни назарда тутмай, сохта йўл билан, яъни ўз фойдасига нималарнидир ундириб олиш; уйга қайд қилдириш, мол-мулкка эгалик қилиш, нафақага шерик бўлиш мақсади ва ҳоказо мақсадлар билан расмийлаштирилган никоҳ ҳам ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Ҳар иккала томон оила қуришни ният қилмаган, бундай ният лоақал улардан бирида бўлмаган тақдирда ҳам расмийлаштирилган никоҳ сохта никоҳ деб тан олинади.

Никоҳ қилинган, аммо уларнинг никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган эр-хотиннинг ҳуқуқлари ва бурчлари бекор қилинади, бошқача қилиб айтганда, ҳа-

қиқий эмас деб ҳисобланади. Бироқ никоҳни ҳақиқий эмас деб тан олиш шу никоҳ туфайли туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб тан олиш учун фақат судга мурожаат қилиш зарур. Бошқа ҳеч қандай орган бундай ишларни кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Ҳақиқий бўлмаган никоҳдан ўтиш билан ҳуқуқлари бузилган шахслар, эр-хотинлар никоҳни ҳақиқий эмас деб тан олиш тўғрисида даъво билан судга, шунингдек васийлик идораларига ёки прокурорга мурожаат қилишлари мумкин. Ташкилот — ижтимоий таъминот органи, уй-жой идораси, молия органи ҳам никоҳни ҳақиқий эмас деб тан олиш тўғрисида даъво билан чиқиши мумкин.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб тан олиш қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:

— ҳақиқий бўлмаган никоҳ пайтида орттирилган мол-мулкка нисбатан оилага доир қонун меъёрлари эмас, балки умумий мулк тўғрисидаги фуқаролик мажмуи меъёрлари қўлланилади;

— эрининг фамилиясига ўтган хотин (ёки аксинча) умумий фамилияда бўлишликдан маҳрум этилади;

— никоҳи «ҳақиқий эмас» деб топилган хотин эридан алимент олиш ҳуқуқидан (агар эр меҳнат қилишга лаёқатсиз бўлиб қолса) маҳрум этилади.

Ушбу жазо чоралари фақат айбдор бўлган эрга (ёки хотинга) нисбатан қўлланилади. Айбдор бўлмаган эр (ёки хотин) ўзининг эр-хотинлик ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди. Унинг алиментга, биргаликда орттирилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Никоҳдан ўтиш тартиби. Никоҳдан ўтишни истовчилар ФҲДЁ органига ариза берганларидан сўнг орадан бир ой муддат ўтгач, никоҳдан ўтадилар деб белгилаб қўйилади. Узрли сабаблар бўлган тақдирда бу муддат қисқартирилиши ёки уч ойга қадар узайтирилиши ҳам мумкин. Эркак армияга чақириладиган бўлса, ҳарбий хизматни ўтаётган бўлажак эр никоҳдан ўтиш учун қисқа муддатга келган ва у яна ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган бўлса, аёл ҳомиладор бўлса, у бола туғса, шошилиш равишда хизмат сафарига жўнаб кетишга тўғри келса ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар рўй берса, булар бир ойлик муддатни қисқартириш учун сабаб бўлиши мумкин. Кўрса-

тиб ўтилган ҳамда диққат-эътиборга сазовор бўлган бошқа далиллар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

Бир ойлик муддатнинг узайтирилиши бўлажак эр билан хотиндан бирининг оғир касалга дучор бўлганлиги, сафарга шошилиш равишда жўнаб кетиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Никоҳни қайд этиш йўлида тўсиқлар пайдо бўлгани тўғрисида ариза тушганда ва уни текшириш зарур бўлганда, шунингдек никоҳланаётганлар яқинда танишган бўлиб, ҳали бир-бирини яхши билмаган, оила қуришга улар жиддий қарамаётган ҳолларда ҳам бир ойлик муддат узайтирилиши мумкин.

Никоҳни рўйхатга олиш вақтида бўлажак эр билан хотиннинг қатнашиши шарт. Улардан бири ҳатто узрли сабаб билан қатнашмаган тақдирда ҳам никоҳ рўйхатга олинмайди.

Никоҳ қоғози йўқотиб қўйилган ҳолларда ФХДЁга мурожаат этиб, дубликат берилишини илтимос қилиш зарур. Агар ҳужжатлар қайд этиладиган дафтарларда никоҳдан ўтганлик ҳақидаги ёзув сақланмаган бўлса, никоҳнинг рўйхатга олинганлиги фактини суд аниқлаб бериши мумкин. Эр-хотин бу тўғрида ариза билан мурожаат қилишлари керак. Агар бу хусусда улардан бири мурожаат қилган бўлса, у ҳолда иккинчиси бу ишда манфаатдор томон сифатида қатнаштирилади.

**Никоҳни бекор қилиш.** Эр-хотин ўртасидаги никоҳ-оилавий муносабатлар қонунда кўзда тутилган асослар бўлган тақдирдагина тўхтатилади. Бундай асослар қуйидагилардан иборат: эр-хотиндан бирининг вафот этиши, эр-хотиндан бири вафот этганлиги белгиланган тартибда эълон қилиниб, никоҳнинг бекор қилиниши. Эр ёки хотин муомала лаёқатини йўқотса, васийлик қилувчи ёки прокурор томонидан ёзилган ариза никоҳнинг бекор қилиниши учун асос бўлади.

Никоҳнинг бекор қилиниши икки йўл билан амалга оширилади: иш судда ва ФХДЁ органида кўриб чиқилади. Эр билан хотиннинг аслида алоҳида-алоҳида яшаши қанча вақт давом этса ҳам, юридик жиҳатдан улар ўртасидаги никоҳ тўхтаб қолмайди.

ФХДЁ да эр билан хотин ўзаро розилик билдиргач, уларнинг никоҳи бекор қилинади, бу розилик уларнинг биргаликдаги аризасида ёки алоҳида-алоҳи-

да ёзган аризаларида ифодаланган бўлиши керак. Яна битта шарт — уларнинг балоғатга етмаган болалари бўлмаслиги лозим. Эр билан хотин ажралиш ҳақида ариза берган кунидан бошлаб орада уч ой ўтгач, қўйди-чиқди расмийлаштирилади ва никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар бериледи.

Эр-хотин ажралишнинг мақсадга мувофиқлигини ёки мувофиқ эмаслигини ўйлаб кўришлари учун уч ойлик муддат белгиланади. Бу муддатнинг қисқартирилиши ҳам, узайтирилиши ҳам мумкин эмас, бироқ узрли сабаблар пайдо бўлганда эр-хотиннинг илтимоси билан бу муддат бошқа вақтга кўчирилиши мумкин. Эр билан хотин белгиланган муддатда узрли сабабга кўра ФХДЁ га кела олмаса, у ҳолда ФХДЁ янги муддатни белгиламай эр-хотин келган куни ажримни рўйхатга олиши мумкин. Ариза бериш чоғида эр билан хотин иштирок этишлари шарт, ажримни рўйхатдан ўтказиш эса улардан бири бўлмаган тақдирда ҳам (агар узрли сабаб билан келмаган бўлса) амалга оширилиши мумкин. Аммо бу ҳолатда ФХДЁга келмаган эр ёки хотиннинг аризаси талаб қилинади, ушбу аризада унинг иштирокисиз никоҳ бекор қилинишини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги илтимоси баён қилиниши керак. Бу илтимос ариза бериш пайтида ва ундан кейин ҳам қилиниши мумкин. Бироқ ишонч қоғози орқали никоҳдан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Агар эр-хотин никоҳни бекор қилиш учун узрли сабабсиз ФХДЁга келмаса, уларнинг ажралиш ҳақидаги аризаси берилмаган деб ҳисобланади. Ариза қайта берилганида эса уч ойлик муддат қайтадан белгиланади.

Агар эр-хотин ўртасида мол-мулкни бўлиб олиш ҳусусида жанжал чиқса ФХДЁда ажралишга йўл қўйилмайди. ФХДЁда ажралиш учун бож тўланади.

ФХДЁ органларида эр ёки хотиндан биронтаси берган аризага кўра ҳам никоҳ бекор қилинади — бунда улардан бири белгиланган тартибда ҳуқуқ салоҳиятини йўқотган, дом-дараксиз ғойиб бўлган ёки қилган жиноий ишлари учун камида уч йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, шундай қарорга келинади. Қолган барча ҳолатларда никоҳ суд томонидан бекор қилинади. Дом-дараксиз ғойиб

бўлган деб эътироф қилинган шахс билан бўладиган қўйди-чиқди масаласи ариза берилган кунни рўйхатга олинади.

Жиноий жазони ўташ жойларида бўлган эр ёки хотинга ҳамда муомала лаёқатига эга бўлмаганлар васийга ФХДЁ ажралишга доир ариза берилганлиги ҳақида хабар қилади. Бундан кузатилган мақсад розилик олиш эмас, балки эр-хотин ўртасида болалар ва мол-мулк хусусида жанжалли масалалар борми-йўқми эканлигини аниқлашдан иборатдир. Билдириш қоғозида муддат белгиланади, шу муддат ичида эр-хотин мол-мулка доир даволари, болалар ҳақида бахслари бор-йўқлигини хабар қилишлари керак.

Қонунда белгиланганидек, эр-хотиннинг бундан буён бирга яшаши ва оилани сақлаб қолиши мумкин эмаслиги аниқланган ҳолларда никоҳ суд томонидан бекор қилинади. Бунинг маъноси шуки, тасодифий сабаблар билан оилада вужудга келган вақтинчалик жанжаллар ва келишмовчиликлар ёки эр билан хотиннинг (эрнинг) никоҳ давом этишини шунчаки истамаслиги эмас, балки жиддий асосларнинг мавжудлигигина никоҳни бекор қилиш учун негиз бўлиши мумкин. Бунга жумладан қўйидаги ҳолатлар киради: эр-хотиндан бирининг спиртли ичимликларга ружу қилиши, оиланинг бузилиши ва эр-хотиндан бирида бошқа оиланинг вужудга келиши, бола туғишга ёки бола туғдиришга лаёқатсизлик. Ҳамма ҳолатларда ҳам суд эр-хотинни яраштириш чораларини кўради. Одатда, никоҳни бекор қилишга доир ишни суд эр-хотин иштирокида кўриб чиқади. Фавқулодда ҳолатларда ва асосланган қарорга биноан, улардан бирининг иштирокида ҳам иш кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

Ишлар очиқ мажлисда кўрилади, аммо сирли масалалар кўрилаётганда эр-хотиннинг илтимоси билан иш ёпиқ мажлисда кўрилишига рухсат берилиши мумкин.

Ажралиш ҳақидаги ариза бўйича суд қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

- никоҳни бекор қилиш;
- даъвони рад этиш;
- ишни кўриб чиқиб кейинга қолдириш ва яра-

шиш учун эр-хотинга муддат тайинлаш, аммо бу муддат олти ойдан ошмаслиги керак.

Айни пайтда эр-хотин ўртасидаги жанжалли масалалар — балоғатга етмаган болаларнинг ким билан яшаш, муҳтож ва меҳнатга лаёқатсиз эрни боқиш учун маблағ зарурлиги, мол-мулкни бўлиб олиш масалалари суд томонидан ҳал қилиниши мумкин. Бу хил жанжалларни суд эр-хотиндан бири ариза ёзиб, илтимос қилган бўлса, кўриб чиқади. Жанжалли масала болалар ёки меҳнатга лаёқатсиз эри манфаатига дахлдор бўлса, у ҳолда иш суднинг ташаббуси билан кўриб чиқилади.

Суд қарори эр билан хотиннинг ажралиш ҳақидаги ишни рўйхатдан ўтказиш мақсадида ФХДЁ органига мурожаат қилишлари учун юридик асос бўлади. Бу иш рўйхатга олиниши биланоқ никоҳ бекор қилинган деб ҳисобланади.

Никоҳни бекор қилишда эр-хотиндан бири ёки уларнинг ҳар иккови ташаббускор бўлиши мумкин. Ҳуқуқ салоҳиятига эга бўлмаган эрни ҳимоя қилиш талаб этилган ҳолларда никоҳни бекор қилиш ҳақида даъвонома васийлик қилувчи шахс ёки прокурор томонидан берилиши мумкин.

Хотин ҳомиладор бўлган пайтда ва бола туғилганидан сўнг бир йил давомида хотиннинг розилигисиз никоҳни бекор қилиш тўғрисида иш қўзғаш ман этилади. Бу ҳолда бола ўлик ҳолда туғилганида ёки бир ёшгача яшамаганида ҳам амал қилади. Никоҳни бекор қилиш тўғрисида эр даъвономани тақдим этганида қўшма аризада ёки эрнинг аризасига тегишли ёзувларни ёзиш йўли билан хотиннинг розилиги берилиши мумкин.

### **3- §. Эр-хотиннинг шахсий ва мулкый ҳуқуқлари ҳамда бурчлари**

Никоҳли бўлиш эр билан хотин ўртасидаги оддий муносабатларнинг ҳуқуқий муносабатларга айланишига олиб келади. Бунинг маъноси шуки, никоҳли бўлиш билан эр-хотинда ҳуқуқ ва бурчлар пайдо бўлади. Ана шу ҳуқуқ ва бурчлар ўз мазмунига кўра шахсий ҳамда мулкый тусга эга бўлади. Бунда шахсий муносабатлар муҳим аҳамият касб этади, чунки бу муносабатлар эр билан хотин ўрта-

сидаги иттифоқ сифатидаги никоҳнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Эр билан хотиннинг шахсий ҳуқуқларига қуйидагилар киради: улардан бирининг фамилиясига ўтиш ҳуқуқи, оила турмуши масалаларини биргаликда ҳал қилиш ҳуқуқи, фуқаролик, яшаш жойи, касб танлаш, болани ўғил ёки қиз қилиб олиш учун розилик бериш, никоҳни бекор қилиш масаласини ҳал этиш ҳуқуқи ва бошқалар.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, шахсий ҳуқуқлар эр-хотин шахси билан чамбарчас боғланган бўлиб, бу ҳуқуқларни улардан ажратиб ва тортиб олиб бўлмайди. Эр-хотин ҳуқуқларини чеклашга қаратилган келишувлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

«Никоҳ ва оила» тўғрисидаги Кодекснинг 22-моддасида бундай дейилган: «Эр-хотин никоҳланиш пайтида ўз хоҳиши билан умумий фамилия сифатида икковидан бирининг фамилиясини танлаб оладилар ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қоладилар. Фамилияни танлашга никоҳланиш рўйхатга олинаётган пайтдагина йўл қўйилади. ФХДЭнинг ҳужжатлар дафтарида ёзилган фамилияни ўзгартириш мумкин эмас. Фамилияни ўзгартириш истаги «Фуқароларнинг фамилиялар, исмлар, отасининг исмларини ўзгартириши тартиби тўғрисида»ги Низомда назарда тутилган умумий асосларга таянибгина қилиниши мумкин.

Никоҳ бекор қилинганида эр ҳам, хотин ҳам никоҳланиш рўйхатига олинаётган пайтда қабул қилган фамилиясини қолдириши ёки никоҳга қадар бўлган ўз фамилияси қайтариб берилишини сўраши мумкин.

Эр-хотиннинг оила турмуши масалаларини биргаликда ҳал қилишга доир ҳуқуқлари уларнинг тенг ҳолатидан келиб чиқади. Биргаликда ҳал этиладиган масалалар доираси кенгдир. Бунга хўжаликни юриштиш ҳақида келишиб олиш, болаларни тарбиялаш, уларнинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш, болаларнинг қаерда яшашини аниқлаш, мол-мулк сотиб олиш ва ҳоказолар кириши мумкин.

Эр-хотиннинг машғулот ва касбни мустақил равишда танлаб олиш ҳуқуқига биноан уларнинг ҳар бири ана шу масалаларни ҳал қилишда фақат ўз истагига амал қилади. Улардан бирининг иккинчи-

сига нисбатан эътироз билдириши, ман қилиши ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди. Улардан бири ушбу масалаларни ҳал қилишга фақат ўз маслаҳатлари, тавсиялари билангина таъсир этиши мумкин.

Яшаш жойини танлаш эркинлиги шуни билдирадики, бундан эр-хотиннинг бири яшаш жойини ўзгартирганида уларнинг иккинчиси ҳам шундай йўл тутиши керак, деган маъно келиб чиқмайди. Эр-хотин турли хоналарда яшаётган бўлса, эр биргаликда яшаш ва унда қайд қилдириш учун амалда хотин яшаётган жойга кириб олган тақдирдагина улардан бирининг иккинчиси яшаётган уй-жой майдонига нисбатан ҳуқуқи юзага келади.

**Эр билан хотиннинг мол-мулкка доир муносабатлари.** Эр-хотиннинг биргаликда орттирган умумий мол-мулки ва моддий маблағлари билан уларнинг ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар мулккий муносабатлар деб тан олинади. Эр-хотиннинг мулккий муносабатлари уч гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга эр билан хотиннинг бир-бири билан ҳар қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олиш, ҳар қандай битимларни тузиш, шу жумладан шартномаларни тузиш (мол-мулкни сотиб олиш ва сотиш, ҳада этиш ва васият қилиш) ҳуқуқи киради. Бу боғида эр-хотин ҳеч қандай чеклашлар билан тўсиб қўйилмаган, бунда улар бегона кишилар сингари иш кўрадилар. Шуни айтиш керакки, бу гуруҳдаги ҳуқуқий муносабатлар унчалик кенг қулоч ёймаган ва бугунги кунда жуда камдан-кам учрайди.

Иккинчи гуруҳга эр-хотиннинг оиладаги буюмлар ва қимматбаҳо нарсаларга эгалик қилиш ҳуқуқига доир мулккий алоқалари киради. Оила ихтиёрида бўладиган нарсалар қуйидагилардан иборат: маош, уй жиҳозлари, шахсий истеъмол буюмлари ва шахсий қулайликлар, жамғармалар ва ҳоказолар.

Учинчи гуруҳга зарур бўлган ҳолларда эр-хотиннинг бир-бирини қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ мулккий муносабатлар киради. Қонун бўйича эр билан хотинга тегишли мол-мулклар шахсий ҳамда умумий мол-мулкларга ажратилади.

Кодекснинг алоҳида-алоҳида мол-мулк объектлари рўйхатида қуйидагилар таърифланган: «Никоҳдан ўтишга қадар эр-хотинга тегишли бўлган мол-мулк, шунингдек никоҳланиш пайтида мерос сифа-

тида улар олган совғалар ҳар иккаласининг мулки ҳисобланади». Эр ёки хотин никоҳдан ўтишга қадар сотиб олган мол-мулк кимга тегишли эканлигини тасдиқлаш учун далиллар кўрсатилиши мумкин, ўша мол-мулк сотиб олинганлиги ҳақидаги қвитанциялар, счётлар, чипталар, сотиб олинган буюмлар бўйича тузилган шартномалар ва бошқа далиллар тақдим қилиниши мумкин.

Никоҳдан ўтиш чоғида ҳадя қилинган буюмлар жумласига қуйидагилар киради: шартнома бўйича сотиб олинган совғалар, ишлаб чиқариш соҳасида эришган муваффақиятлари учун берилган мукофотлар, рағбатлантириш мақсадига берилган мукофот пули (иш ҳақи жамғармасидан ташқари бошқа жамғармалардан тўланган мукофот пули). Шунинг назарда тутиш керакки, бу ўринда гап эр-хотиннинг фақат бирига совға қилинган буюмлар тўғрисида бормоқда. Агар уларнинг ҳар иккаласига совғалар топширилган бўлса, у ҳолда уларга умумий совғалар деб қаралади.

Алоҳида-алоҳида мол-мулк объектига шахсий фойдаланишдаги буюмлар, гарчи улар умумий пулга сотиб олинган бўлса ҳам киради. Қимматбаҳо буюмлар ва бошқа безак буюмлари, жамғарма банкларидаги пуллар бундан мустаснодир. Эр-хотиндан бири жамғарма банкларидаги пуллар уларнинг умумий маблағи ҳисобидан қўйилганлигини даъво қилса ва буни исботласа, у ҳолда бу пуллар суд томонидан умумий мулк деб тан олинади мумкин. Алоҳида-алоҳида мол-мулк объектларига шунингдек давлат заёми облигациялари ва лотереялар ҳам киради, бунда эр ёки хотин уларни ўз шахсий пулига сотиб олганлигини исботлаши керак. Амалда шундай ҳолда вужудга келганки, унга мувофиқ никоҳни бузмаган, аммо аслида никоҳ муносабатларини тўхтатиб қўйган, бу муносабатларни тиклаш нияти бўлмаган, доимий равишда алоҳида-алоҳида яшаётган эр билан хотинга тегишли бўлган мол-мулк ҳам шахсий деб тан олинади.

Эр-хотиннинг ҳар бири ўз мулкига ўзи эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва ўз ихтиёрига кўра бири иккинчисига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўша мулкни тасарруф этади. У ўз мулкни иккинчи тарафнинг розилигини кутиб ўтирмай сотиши, совға қилиши,

васият қилиб қолдириши, ижарага бериши мумкин. Эр-хотин келишилган ҳолда умумий мулк таркибидаги ҳар қандай буюмни бир-бирига шахсий мулк қилиб бериши мумкин.

Эр-хотиннинг биргаликдаги турмуши жараёнида орттирилган жамики нарсалар уларнинг умумий мулки ҳисобланади. Умумий мулк таркибига иш ҳақи, бошқа хил пул мукофотлари (нафақа, бошқа хил нафақалар, қилинган ихтиролар ва кашфиётлар учун берилган пул мукофотлари) киради. Уй-жой, дала ҳовли, автомашина, турли хил турмуш буюмлари, облигациялар, пул-буюм лотереяларининг чипталари ва уларга тўланган ютуқлар, кооперативлардаги жамғармалар сўғурта тўловлари ва ҳоказолар эр-хотиннинг биргаликдаги мол-мулки бўлиши мумкин.

Мол-мулк сотиб олинганми, алмашув туфайли ҳосил қилинганми ёки қилинган меҳнатини рағбатлантириш сифатида берилганми, ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат кимнинг номига берилишида буларнинг сира аҳамияти йўқ. Масалан, умумий маблағ ҳисобидан эр номига сотиб олинган автомашина эр билан хотиннинг биргаликдаги мулки ҳисобланади.

Муддатсиз эгалик қилиш учун ер участкаси кимга берилганлигидан қатъи назар, ўша участкада эр-хотин никоҳдан ўтганидан сўнг қурган уй уларнинг умумий мулки ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказилган никоҳ даврида сотиб олинган мулкгина умумий мулк бўлиши мумкин. Амалдаги эр-хотинлик муносабатлари қанча вақт давом этишидан қатъи назар, бу муносабатлар умумий мулкнинг вужудга келишига сабаб бўлмайди. Бироқ мол-мулкнинг умумийлиги қондаси эр билан хотиннинг вақтинча алоҳида-алоҳида яшашига боғлиқ эмас, агар мана шу алоҳида-алоҳида яшаш эр-хотинлик муносабатларини тиклаш ниятини билдирмаган тақдирда ҳам никоҳнинг аслида бекор қилинишини англатмаса.

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки ҳиссдорлик асосидаги мулк ҳисобланмайди, бунда улар ҳар бирининг умуман мулкка бўлган ҳуқуқи назарда тўтилади. Эр-хотиннинг ҳар бири мулкка қўшган ҳиссасининг ҳажмидан қатъи назар, улар умумий мулкка эгалик қилишда, ундан фойдаланишда, уни тасарруф этишда баб-баравар ҳуқуққа эгадирлар.

Эр-хотиннинг бири уй ишлари билан машғул бўлган, болаларни парвариш қилаётган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил равишда пул топмаган ҳолларда ҳам улар мулкка нисбатан тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Биргаликдаги никоҳ даврида мулкка маблағ сарфланган ва бунинг натижасида мазкур мулк қиймати жиддий тарзда ошган бўлса (капитал таъмирлаш, қўшимча уйлар қуриш, қайта жиҳозлаш) ҳамда булар исботлаб берилса, эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган мулк ҳам биргаликдаги умумий мулк деб эътироф қилиниши мумкин.

Никоҳ даврида эр-хотин орттирган мулкни уларнинг ўзлари ўзаро келишилган ҳолда тасарруф қиладилар. Келишиш чоғида улардан бирига иккинчиси ўз розилигини айтиши даркор. Бироқ, нотариус тасдиғини талаб қилувчи битимлар тузилаётганида эрнинг ёки хотиннинг розилиги ёзма равишда тасдиқланиши лозим. Бундай розилик уйни ТҚЖ (турар жой қурилиш жамоаси) уйидаги хонадонни мусодара қилишда талаб этилади. Агар эр-хотиндан бири шу уйда яшамаса ва унинг яшаш жойи номаълум бўлса, шу ҳолатдагина розилик талаб қилинмайди. Буни тасдиқлаш учун эр-хотиндан бирининг дом-дараксиз ғойиб бўлганлиги тўғрисидаги суд қарори кучга кирганидан далолат берувчи қарор нусхаси тақдим қилиниши лозим.

Бордию эр-хотиннинг бири ёзма равишда розилик беришдан бош тортса, муайян муддатда нотариал идорага келиш унга таклиф қилиниши мумкин. Агар у бир ой давомида нотариал идорага келмаса ва ўз мулоҳазаларини ёзиб жўнатмаса, давлат нотариуси уйга эгалик қилиб турган хотин ёки эр номидан уйни уларнинг иккинчисидан тортиб олишга доир шартномани тасдиқлаши мумкин.

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланган мулкни бўлиб олишда уларнинг ҳиссаси тенглиги тан олинади. Айрим ҳолларда, балоғатга етмаган болаларнинг манфаатларини ёки эр-хотиндан бирининг диққатга сазовор бўлган манфаатини ҳисобга олиб, суд эр-хотин ҳиссалари тенглиги қондасидан четга чиқиши мумкин.

Биргаликда орттирилган мол-мулкка нисбатан эр билан хотиннинг ҳиссалари ана шу мол-мулкни тўп-

лашда турли даражада меҳнат сарфлаганларига қараб ҳам тенг бўлмаслиги мумкин. Жумладан, агар эр-хотиндан бири умумий мулкни тўплашдан бош тортса ёки бу мулкни оила манфаатларига зиён етказган ҳолда сарфлаб юборса, иккинчисининг мулкка бўлган ҳиссаси ошиши мумкин.

Эр билан хотин ўртасида мол-мулкни бўлиш борасида жанжалли масалалар бўлмаса, бу иш нота-риал идорада расмийлаштирилиши мумкин. Бордию жанжал келиб чиқса, у ҳолда мол-мулк суд томонидан бўлиб берилади.

Эр-хотин ўртасида мол-мулкни бўлишда ҳар бир буюм ва унинг қиймати биттама-битта ҳисобга олинади. Эр-хотин ихтиёрида ҳозирги пайтда мавжуд бўлган мол-мулкгина эмас, айти замонда учинчи шахсларга бериб юборилган мол-мулк ҳам тақсимланади. Эр-хотиндан бири умумий мулкни тортиб олган ёки уни иккинчисининг розилигисиз, оила манфаатларини ҳисобга олмай сарфлаб юборган ёхуд яширган бўлса, бу ҳолатлар ҳам мол-мулкни бўлиш чоғида эътиборга олинади. Аммо эр-хотиннинг бири болаларни боқиш ёки касалга чалинган пайтида ўзига сарфлаш учун иккинчисидан ёрдам ололмагач, ихтиёридаги мулкдан фойдаланишга мажбур бўлган бўлса, бундай ҳолат ҳам эътиборга олинмоғи лозим. Бу ҳолатда фақат мавжуд мол-мулк ўртада тақсимланади. Мол-мулк бўлинаётганда эр билан хотиннинг умумий қарзлари ҳам ҳисобга олинади.

Биргаликда орттирилган бойликни бўлиш тўғрисидаги даввони уч йил мобайнида, эр ёки хотин мулкка бўлган ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши керак бўлган пайтдан бошлаб талаб қилиш мумкин.

Эр билан хотин биргаликдаги турмуши даврида учинчи шахслар билан кўпинча турли хил шартнома-лар тузадилар ва ўз зиммаларига муайян мажбуриятларни оладилар. Бундай мажбуриятлар шахсий ҳамда умумий бўлиши мумкин.

Шахсий мажбуриятлар — никоҳдан ўтишгача зиммага олинган мажбуриятлардир; никоҳ даврида мерос бўлиб ўтган қарзлардир; никоҳланиш рўйхатга олинганидан сўнг пайдо бўлган, аммо эр билан хотиннинг шахсий эҳтиёжларини қондириш мақсадида вужудга келган қарзлар (никоҳдан ўтишга қадар сотиб олин-

ган автомашинани таъмирлаш учун олинган қарзлар) дир.

Шахсий мажбуриятлар бўйича қарз шахсий мулкдан ёки умумий мулкдаги ҳиссадан ундириб олинади. Эр-хотиннинг бири жиноий ишга қўл уриб, зиён етказган тақдирда, уларнинг умумий мол-мулки жиноий йўл билан топилган маблағ ҳисобига сотиб олингани исботланган тақдирда, шахсий мажбуриятларга кўра, етказилган зиён ўрни умумий мулк ҳисобидан ҳам қопланиши мумкин.

Умумий мажбуриятлар — эр-хотиннинг бутун оила манфаатлари йўлида юзага келган мажбуриятларидир. Бунда эр-хотиндан бири шартнома тузганлигининг аҳамияти йўқ. Эр-хотин умумий мажбуриятлар бўйича ҳам умумий, ҳам шахсий мол-мулк учун жавобгардирлар. Эр-хотиннинг балоғатга етмаган болалари етказган зарар ўрнини қоплаш ҳам уларнинг умумий мажбуриятлари ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ эр-хотин бир-бирини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари шарт. Бундай қўллаб-қувватлашлари шарт. Бундай қўллаб-қувватлашдан бош тортилганида моддий ёрдамга муҳтож ва меҳнатга лаёқатсиз хотин эридан, шунингдек ҳомиладор аёл ҳомиладорлик пайтида ҳамда бола туғилганидан сўнг икки йил мобайнида эридан суд орқали алимент олиш ҳуқуқига эгадир, агар кейингиси пул беришга қодир бўлса. Рўйхатдан ўтказилган, никоҳи бўлган шахслардангина алимент олиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Яна икки шарт бўлганида: хотин меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолса ва моддий ёрдамга муҳтож бўлса, бу ҳолатда ҳам унга алимент тўланади.

Нафақа олиш ҳуқуқидан қатъи назар, нафақа олиш ёшига етган ёки саломатлиги ёмонлашгани туфайли ногирон бўлиб қолган (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик одатда ҳисобга олинмайди) эр ёки хотин меҳнатга лаёқатсиз деб эътироф қилинади.

Эр ёки хотиннинг муҳтожлик даражаси унинг даромади ва эҳтиёжни таққослаш йўли билан белгиланади. Бу муҳтожлик пул йўқлигида ҳам, маблағ етишмаслигида ҳам бўлиши мумкин.

Ажралишган ва муҳтож бўлган эр-хотиннинг бири никоҳни бекор қилишга қадар меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолса, ёки никоҳ бекор қилинганидан сўнг бир ярим йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолса,

уни иккинчиси боқиши ва унга қараб туриши лозимлиги ҳуқуқига эга бўлади.

Агар эр-хотин узоқ вақт никоҳда бўлиб, сўнгра ажрашиб кетса никоҳ бекор қилинган пайтдан бошлаб беш йил ичида ва ундан кечиктирмай эр нафақа олиш ёшига етган бўлса ҳам, суд ажралишган хотин фойдасига алимент ундиришга ҳақлидир.

Аёл ҳомиладор пайтида ва бола туғилган пайтдан бошлаб икки йил ичида, агар ҳомиладорлик никоҳ бекор қилинишига қадар рўй берган бўлса, уни эри боқиши ва унга қараб туриши ҳуқуқини сақлаб қолади.

Айрим ҳолларда эр-хотиннинг бири иккинчисига қараб туриш ва уни боқиш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин ёки унинг мажбурияти маълум бир муддат билан чегаралаб қўйилиши мумкин. Бу хилдаги қарор никоҳ узоқ вақт давом этмаганида ва ўзига қараб туриш учун маблағ тўланишини талаб қилаётган эрнинг ёки аёлниги меҳнатга лаёқатсизлиги ичкиликни, гиёҳвандликни суиистеъмол қилиш ёки жиноий иш қилиш натижасида вужудга келганида қабул қилинади.

Даъво тақдим қилинган пайтдан бошлаб алимент тайинланади ва меҳнатга лаёқатсиз хотин фойдасига ундириб олинади. Алимент ҳажмини суд белгилайди, бунда эр-хотиннинг моддий ва оилавий аҳволи ҳисобга олинган ҳолда алимент ҳар ойда нақд пул билан тўланади. Алимент олиш муддати чеклаб қўйилмаган.

#### 4- §. Ота-оналар билан болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар

Ота-оналар билан болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг асослари. Болалар муайян ота-оналардан туғилганлигининг белгиланган тартибда тасдиқланиши ота-оналар билан болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг негизини ташкил этади. Никоҳда бўлган ота-онадан туғилган боланинг пайдо бўлиши ота-онанинг никоҳи билан боғлиқ ҳужжатларда қайд этилади ва тасдиқланади. Бунда эр-хотиннинг бирга ёки алоҳида яшашининг аҳамияти йўқ. Боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси унда номлари кўрсатилган ота-онадан ёки онадан у туғилганлигига далилдир. Бола-

нинг туғилиши қонунга мувофиқ тасдиқланмаган бўлса, бу нарса у билан унинг ота-онаси ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши учун асос бўла олмайди.

Никоҳ бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда ҳам хотиннинг эри шу хотин туққан боланинг отаси деб ёзилади, аммо бу ҳолатда битта шарт бор, яъни никоҳ бекор қилинган ёки у ҳақиқий эмас деб топилган кундан бошлаб то бола туғилган кунгача орадан кўпи билан 10 ой ўтмаган бўлиши керак.

Онанинг болани туққанлиги бола туғилган туғруқхона ёки бошқа тиббий муассаса томонидан берилган маълумотнома билан тасдиқланади. Боланинг туғруқхонадан ташқарида туғилганлиги фактини шифкор ёки гувоҳлар тасдиқлаши мумкин. Ана шу маълумотлар асосида боланинг туғилганлиги ФХДда рўйхатга олинади.

Никоҳ даврида онанинг қорнида бўлган, аммо никоҳ бекор қилинганидан сўнг ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганидан сўнг туғилган болани рўйхатга олишда юқоридаги тартибга, яъни ота-онаси никоҳда бўлган вақтда туғилган болани рўйхатдан ўтказиш тартибига амал қилинади. Бунда никоҳ бекор қилинган ёки у ҳақиқий эмас деб топилган кундан бошлаб то бола туғилган кунгача орадан 10 ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлиши керак. Болани бу ҳилда рўйхатдан ўтказишга қарши эътироз билдирса, бу эътироз юридик аҳамиятга эга бўлмайди, лекин ота бу хусусда суд йўли билан баҳслашиши мумкин.

Бола никоҳланган ота-онадан ёки шунга тенглаштирилган ота-онадан ёки шунга тенглаштирилган ота-она муносабати натижасида туғилган тақдирда отанинг ибодт талаб қилинмайдиган ҳуқуқи юзага келади, яъни бундай ота туғилган бола онасининг эри ҳисобланади. Бу қоида отанинг вафотидан кейин туғилган болага ҳам тааллуқлидир, аммо бунда ота вафотидан сўнг то бола туғилгунгача орадан 10 ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлиши шарт.

Бола никоҳдан ташқарида туғилганида унинг онадан туғилганлиги факти ҳар иккаласининг қопи бирлигига асосланади, бу ҳолат тегишли ҳужжатларда тасдиқланган бўлиши керак. Никоҳдан ташқарида туғилган боланинг отасини аниқлашда ё шу боланинг

отаси бу фактни ихтиёрий равишда тан олиши мумкин ёки бу ҳолатни суд ҳал қилиб беради.

Оталикни ихтиёрий равишда тан олиш она билан ўзини туғилган боланинг отаси деб эътироф қилаётган шахс биргаликда ариза ёзишлари йўли билан ФХДЁда амалга оширилади. Бу иш бола туғилганлигини рўйхатдан ўтказиш чоғида ҳам, ундан кейин ҳам бажарилиши мумкин. Аризадан бошқа ҳеч қандай ҳужжатлар талаб этилмайди.

Она муомала лаёқатини йўқотган деб топилган, оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, шунингдек унинг яшаш жойини аниқлашнинг иложи бўлмаган ҳолларда отанинг, аслида ҳуқуқ салоҳиятига эга бўлган отанинг аризасига кўра боланинг отасига доир ҳужжатлар расмийлаштирилади. Спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш ёки гиёҳвандлик билан шуғулланиш оқибатида муомала лаёқатини йўқотган деб суд томонидан чеклаб қўйилган шахсларгина бу қоидадан мустаснодир. Оталикни тан олиш ўзгармас фактдир. Бу ҳақда фақат судда баҳслашиш мумкин.

Балоғатга етган болаларга нисбатан ҳам оталикни тан олиш мумкин, аммо бунда болалар розилик беришлари шарт.

Боланинг ҳақиқий отаси шу боланинг отаси эканлигини ихтиёрий равишда тан олишдан воз кечса, судга даъво билан мурожаат қилиш мумкин. Оталикни тан олиш факти суд томонидан алоҳида йўллар билан аниқланади. Бунда оталикни аниқлашга қўйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади:

— то бола туғилгунга қадар жавобгар шахс боланинг онаси билан биргаликда яшаган ва уй ишлари билан машғул бўлган тақдирда, бу ҳолат бир уйда яшаганлик, биргаликда овқатланганлик, болага биргаликда ғамхўрлик қилганлик, унга буюмлар сотиб олганлик билан тасдиқланади;

— ота-она болага биргаликда қараган ва уни боққан ёки уни тарбиялаган бўлса, бу ҳолат бола туғри-сида ғамхўрлик қилиш, у билан муносабатда бўлиш, унинг яшаш учун пул бериб туриш, унга доимий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказоларда намоён бўлади;

— оталикни ишончли тарзда тасдиқловчи далиллар (хатлар, болани ҳужжатларга ёздириб қўйиш ва бошқалар)нинг мавжудлиги.

Ана шу ҳолатларнинг ёки улардан бирининг мавжудлиги эр билан хотин ўртасида оила қуриш нияти борлигидан далолат берувчи муносабатлар пайдо бўлганлиги тўғрисида хулоса чиқариш учун асос бўлади. Аммо булар сўзсиз далиллар ҳисобланади. Шу сабабли мазкур ҳолатлар мавжуд бўлишига қарамай, жавобгар боланинг отаси ўзи эканлигини бўйнига олмаса, суд суд-тиббий экспертиза ўтказилишини тайинлаши мумкин. Бундан кузатилган мақсад — бола онанинг қорнида пайдо бўлиши вақтини аниқлашдан, бола бўлишига жавобгар қодирми-йўқмилигини билишдан, ота билан бола қонининг тоифаси бир эканлигини аниқлашдан иборат.

Оталикни аниқлашда болалар ҳам худди шундай ҳуқуқлар ва бурчларга, яъни никоҳланган шахслардан туғилган болаларда бўлган ҳуқуқлар ва бурчларга эга бўладилар.

Оталикни аниқлаш даъвоси билан судга ота-онадан бири, васийлик қилувчи шахс мурожаат этиши мумкин, шунингдек боланинг ўзи ҳам балоғат ёшига етганида, прокурорга ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Оталикни аниқлаш даъвономаси билан айна бир пайтда бола фойдасига алимент ундириш ҳақидаги даъвонома ҳам тақдим қилиниши мумкин.

Даъвогар оталикни аниқлаш даъвономаси билан жавобгар яшайдиган жойдаги судга ҳам, ўзи яшаб турган жойдаги судга ҳам мурожаат қилишга ҳақлидир. Бордию бола онасининг эри ҳисобланувчи шахс ихтиёрий равишда болани ўзиники деб тан олса ёки уни ўзига бола қилиб олса ва жавобгар бунга рози бўлса, у ҳолда даъвогар оталикни аниқлаш даъвосидан воз кечиши мумкин.

Агар жавобгар суд мажлисида оталикни аниқлаш тўғрисида ФХДЁга ариза беришга розилигини билдирган бўлса, суд ишни маълум бир муддатга кечиктиришга ҳақлидир, боланинг туғилиш гувоҳномаси тақдим этилганида эса бу ишни умуман тўхтатиши мумкин. Бироқ бунда даъвогарнинг талаби билан суд алимент олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши мумкин.

Балоғатга етмаган шахсга нисбатан ҳам оталикни аниқлаш даъвоси қилиниши мумкин. Аммо бу ишни кўриб чиқишда жавобгарнинг ота-онаси ёки уни васийликка олган кишилар иштирок этишлари керак.

Никоҳланмаган онадан бола туғилганида оталикни аниқлаш тўғрисида ота-онанинг аризаси ёки суднинг қарори бўлмаса, туғилишни қайд этиш дафтаринда бола отасининг фамилияси ёзиладиган жойга онасининг фамилияси ёзилиб қўйилади. Боланинг исми ва отасининг исми онанинг кўрсатмаси билан ёзилади.

**Ота-она билан болалар ўртасидаги шахсий ҳуқуқий муносабатлар.** Ота-она билан болалар ўртасидаги шахсий ҳуқуқий муносабатларга қуйидагилар кирди: исм, ота исми ва фамилияни танлаш ҳуқуқи; ота-онанинг ўз болаларини тарбиялашга доир ҳуқуқи ва бурчи ҳамда болаларнинг ота-онадан тарбия олиш ҳуқуқи; ота-онанинг болалар номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи ва бурчи ҳамда болаларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи.

Ота-она никоҳ бекор қилинганида ҳам болаларга доир ҳуқуқлари ва бурчлари соҳасида тенгдир.

Болага ота-онанинг розилиги билан исм қўйилади, ота исми болага отасининг исмидан олиб қўйилади. Бола никоҳдан ўтмаган онадан туғилганида унинг отасининг номи онасининг кўрсатмаси билан белгиланади. Ота-онасининг фамилияси қандай бўлса болага ҳам худди шундай фамилия қўйилади. Башарти уларнинг фамилияси ҳар хил бўлса, ота-онанинг келишуви билан болага фамилия қўйилади. Бордию улар ўзаро келиша олмаса, васийлик қилувчи орган ихтиёри билан бу иш ҳал қилинади. Болага фамилия бериш ҳуқуқи туғилишни рўйхатга олиш пайтидагина амалга оширилади. Никоҳ бекор қилинганидан сўнг бола туғилган пайтида олган фамилияси билан қолади. Агар бола фамилиясини ўзгартириб олган ота ёки она билан қолган бўлса, шу ота ёки она болани ўз фамилиясига ўтказиб олиш ҳақида васийлик органига илтимос билан мурожаат қилиши мумкин. Бунда гарчи иккинчи томонга бу тўғрида маълум қилинса ҳам, ammo унинг розилиги талаб қилинмайди.

Ота-онанинг болаларни тарбиялашга доир бурчи болалар балоғат ёшига етгунига қадар белгилаб қўйилади. Агар ота билан она алоҳида-алоҳида яшаётган бўлса ва улар бола ким билан (она биланми ёки ота биланми) яшашини ўзлари ҳал эта олмасалар, судга мурожаат қиладилар. Суд бу масалани ҳал қилар экан, ота-онадан қайси бири бола тўғрисида

кўпроқ гамхўрлик қилаётганлигини, унинг ёшини, ота-онадан қай бирига боланинг мойиллигини, унга шариит яратиб бериш имкониятларини ҳисобга олади. Агар бола 10 ёшга тўлган бўлса, суд унинг ҳам фикрини инобатга олади. Бола ким билан яшаётган бўлса, ўша она ёки ота бола билан алоқада бўлиш ва уни тарбиялашда қатнашиш ниятида бўлган иккинчи томонга халақит беришга ҳақли эмас.

Ота билан она ўз боласини қонун ёки суд қарори асосида ушлаб турган ҳар қандай шахсдан уни қайтариб беришни талаб қилиши мумкин. Шу билан бирга суд бундай қилиш боланинг манфаатларига зиддир, деган хулосага келса, болани ўз ота-онасига топшириш хусусидаги даъвои рад этишга ҳақлидир.

Боланинг онаси ёки отаси ёхуд болани ушлаб турган учинчи шахслар уни тарбиялашни лозим даражада таъминлай олмасалар ва суд бу ҳолатни аниқлаб берса, бола васийлик қилувчи органлар ёки прокурорнинг даъвоси билан шу органларга топширилади.

Ота-она балоғатга етмаган болаларни назорат қилиб туриши шарт, 15 ёшга тўлмаган — балоғатга етмаган болаларга етказилган зарар учун ота-она ва васийлик қилувчилар жавоб беради. Балоғатга етмаган — 15 дан 18 ёшгача бўлган болалар етказилган зарар учун умумий тарзда жавобгар бўладилар. Маоши ёки шахсий мулки етказилган зарар ўрнини қоплашга етмаса, у ҳолда бу зарарнинг ўрни жавобгар бола ота-онасининг ҳисобидан қопланиши керак.

Ота-она ўз болаларининг вакиллари ҳисобланади. Бу вакиллик оила, фуқаролар ҳуқуқи, фуқаро-процессуал (суд) ҳуқуқи асосида амалга оширилади. Ота ҳам, она ҳам қонуний вакил ҳисобланади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш. Агар ота-она ўз бурчларини бажармаса, болалар манфаатларига зид равишда ўз ҳуқуқларини амалга оширса, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Бу масалани суд ҳал қилиб беради. Бу қонунда белгиланган қуйидаги ҳолларда рўй бериши мумкин: болани тарбиялашдан бўйин товланса, ота-она ҳуқуқлари сунистеъмом қилинса, шафқатсизлик қилинса, зарарли таъсир ўтказилса, ота ёки она ичкиликка муттасил ружу қилиш ва гиёҳвандликка берилиш каби касалликларга чалинса.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она бола билан қариндошлик омилига асосланган барча ҳуқуқларни йўқотади. Бу ҳолат фақат оила ҳуқуқи доирасига эмас, шу билан бирга бошқа соҳалардаги ҳуқуқ доирасига ҳам таъсир этади. Жумладан, улар қонунга кўра болалар кетганидан сўнг мол-мулкни мерос қилиб қолдира олмайдилар, болалар вафотидан сўнг эса нафақа таъминоти ҳуқуқидан маҳрум бўладилар. Ота-она ўз болаларининг қарамоғида бўлмаган ҳолларда ана шу қондага амал қилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиш уларни ўз болаларини боқиш ва уларга қараб туришдан озод қилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она билан боланинг бирга яшashi мумкин эмас деб топилса, мазкур ота-она бошқа яшаш жойи берилмаган ҳолда, шу хонадондан чиқариб юборилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш муддатсиздир, ammo ота-она тузалиб, тўғри йўлга тушиб олган бўлса, уларнинг ҳуқуқлари суд томонидан тикланиши мумкин. Болалари бошқа шахслар томонидан фарзанд қилиб олинган ҳоллар бундан мустаснодир. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниш қондаси фақат ота-оналарга нисбатан қўлланилади ва бу иш фақат суд томонидан ҳал этилади.

Ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмаган ҳолда уларнинг болаларини тортиб олиш қондаси ҳам мавжуд. Болаларни ота-она қўлида қолдириш хавфли бўлиб қолганда (руҳий касаллик) бу қондага амал қилиш мумкин. Бу вақтинчалик тадбир ҳисобланади.

**Ота-оналар билан болалар ўртасидаги мулкий муносабатлар.** Ота-она билан болалар ўртасида уларга тегишли мол-мулк хусусида мулкий, ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлади. Бу муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи асосида тартибга солиб турилади. Алиментга доир ҳуқуқий муносабатлар эса оила тўғрисидаги қонун асосида тартибга солиб турилади.

Мерос қилиб олинган, шартнома буйича олинган, шунингдек ишлаб топилган пулга сотиб олинган мол-мулк шахсий мол-мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи билан болаларга, шу жумладан балоғатга етмаган болаларга тегишли бўлиши мумкин.

Болалар билан ота-онанинг мулклари алоҳида-алоҳида бўлади. Ота-она ҳаёт пайтида болалар улар-

нинг мулкига эгаллик қилишга ҳақли эмас. Ота-она ҳам болалари мулкига эгаллик қилишга ҳақли эмас, гарчи уларнинг ҳаммаси бир-бирининг буюмларидан фойдаланишса ҳам. Ота-она томонидан болаларга сотиб олинган кийим-кечак, пойабзал, китоблар ва бошқа буюмлар болаларникидир. Ота-она ва болалар қонунда кўзда тутилган ҳар қандай битимларни ўзаро тузишлари мумкин. Ота-она ва болалар умумий ҳиссадор мулк иштирокчилари бўлиши мумкин. Улар ҳиссадорлик асосида уй-жой, дала ҳовли қуришлари мумкин.

**Алиментга доир мажбуриятлар.** Қонунга мувофиқ ота-оналар<sup>1</sup> балоғатга етмаган ўз фарзандларини боқishi ва уларга қараб туриши шарт. Агар ота-оналар шу бурчини бажармаса, у ҳолда суд қарори асосида улар алимент тўлашга мажбур қилинади. Ота ёки оналарнинг алимент тўлаши шак-шубҳасиздир ва у ота-онанинг ёшига ёки пули бор-йўқлигига боғлиқ эмас. Бола балоғат ёшига етгунига қадар алимент олиши тўғрисидаги даъво ҳар қандай вақтда ўртага қўйилиши мумкин.

Алимент балоғатга етмаган болалар фойдасига ундирилади ва у иш ҳақидан болалар сонига қараб фоиз ҳисобида тўланади: бир болага даромаднинг 1/4 қисми, икки болага 1/3 қисми, уч ва ундан кўп болага 1/2 қисми тўланади. Икки ва ундан кўп болага алимент тўлашда ҳар бир болага алимент тўлаш муддати тугаганлиги кўрсатилиши керак.

Алимент асосий иш ҳақидан, шунингдек давлат суғуртаси бўйича олинадиган нафақалардан, вақтинча ишга лаёқатсизлик бўйича олинадиган нафақалар ва бошқалардан ушлаб қолинади.

Алимент тўланишини талаб қилаётган шахснинг илтимосига кўра алимент қатъий пул суммасида ундириб олинади. Агар ота (она) даромад ёки иш ҳақини мунтазам олмаса, иш ҳақининг бир қисmini натура ҳолида олса, бошқа сабабларга кўра иш ҳақиға нисбатан алимент ҳиссасини аниқлашнинг иложи бўлмаса ёки буни аниқлаш қийин бўлса, юқорида кўрсатилган талабга амал қилади.

Алимент тўлаётган ота (она) ёрдамчи хўжаликдан даромад олаётган бўлса, алимент қатъий пул сумма-

<sup>1</sup> Алиментни ота ёки ташлаб кетган она тўлайди.

сида, аини пайтда ҳиссадорлик асосида ундирилади. Алимент асосий иш ҳақидан фонз ҳисобида, қўшимча иш ҳақидан эса қатъий пул суммасида тўланади.

Алимент тўлаётган ота (она) бола учун қўшимча харажатлар қилинишига жалб этилиши мумкин, бу иш ҳозир ҳам, келажакда зарур бўлганда ҳам қилиниши мумкин.

Умумий қоидага кўра, алимент даъво қилинган пайтдан бошлаб кейинги давр учун тўланади. Судга мурожаат қилинишига қадар алимент олиш учун чоралар кўрилганини, аммо у тўланмаганини суд аниқлаган бўлса, бундай ҳолатда ўтган вақт учун алимент уч ой давомида ундириб олиниши мумкин.

Башарти алимент тўлаши шарт бўлган ота ёки онанинг балоғатга етмаган бошқа болалари бўлса ва ўша болалар алимент тўланаётган даврда алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланган бўлса, шунингдек ўзидан алимент ундириб олинаётган ота (она) 1 ёки 2- гуруҳ ногирони бўлса ёки болалари ишлаб, етарли равишда иш ҳақи олаётган бўлса ёхуд бошқа узрли сабаблар бўлса, тўланадиган ҳисса миқдорини ҳамда алиментнинг энг кам миқдорини суд камайтириши мумкин.

Фарзандлар болалар муассасаларига жойлаштирилганида суд томонидан ота-онанинг бирига юклатилган алиментни тўлаш тўхтатилади, болаларни ўз тарбиясига олган муассаса фойдасига ота-онанинг ҳар биридан болаларни боқиш учун пул олиш ҳақида қарор чиқарилади. Ота-она ўз моддий аҳволларига кўра ана шу тўловдан бутунлай ёки қисман озод бўлишлари мумкин, буни ҳам суд белгилайди.

Агар болалар жисмоний ёки руҳий жиҳатдан бирон-бир нуқсон туфайли болалар муассасасига жойлаштирилган бўлса, уларни боқиш учун ҳақ олинмайди. Ёлғиз оналардан ҳам ҳақ олинмайди.

Алимент ихтиёрий равишда тўланади ёки мажбурий равишда ундириб олинади. Алимент ихтиёрий равишда шахсан топширилиши, почта ёки жамғарма банки орқали юборилиши мумкин. Алимент ишхонада, ўқув юртида тўловчининг аризасига биноан ва маъмурият орқали тўланади. Алимент тўлаши лозим бўлган шахс алиментни ихтиёрий равишда тўлашдан бўйин товласа ёки алимент миқдори хусусида талашса, у ҳолда алимент ундан мажбурий равишда унди-

риб олинади. Агар жанжал келиб чиқса иш суд мажлисида фуқаролар ишларига доир умумий қондалар асосида кўриб чиқилади. Келишмовчиликлар бўлмаса, халқ суди иш қўзғатмай, якка ҳолда мазкур ишни ҳал қилади. Бунда алимент тўлаши лозим бўлган шахснинг розилиги олинади ёки унинг эътирозлари белгиланган муддатда олинганида иш кўриб чиқилади.

Алимент тўлашдан қасддан бўйин товлайдиган ота-она жинойи жавобгарликка тортилиши мумкин.

Алимент тўлашдан бўйин товлагани учун ички ишлар органлари томонидан қидириляётган ота-оналарнинг балоғатга етмаган болаларига уларнинг моддий таъминотини яхшилаш мақсадида болаларга бериладиган вақтинчалик нафақалар тайинланган. Бу нафақалар алимент тўлашдан бўйин товлаган ота-оналардан ундириб олинандиган маблағ ҳисобидан тўланади. Бу хил нафақа қарздорни қидириш эълон қилинган тақдирда тайинланади. Нафақани олиш учун ана шу ҳуқуқ юзага келганидан сўнг ҳар қандай вақтда, то бола 18 ёшга етгунинга қадар мурожаат қилиш мумкин. Утган вақт учун нафақа олти ойдан ошмаган муддат учун тўланиши мумкин. Агар нафақа давлат идорасининг айби билан тўланмаган бўлса, у 12 ой учун айни бир пайтда тўланиши лозим, шундан кейин эса ҳар ойда тенг ҳиссада, вақтинчалик нафақа миқдоридан оширмай тўланади.

Қарздор топилиб, унинг кимлиги аниқланса, бола 18 ёшга тўлса, қарздор вафот этса, бола болалар уйига топширилса, болани бошқа одамлар фарзанд қилиб олса, бола вафот этса, ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинса — бундай ҳолларда нафақа тўлаш тўхтатилади.

Болаларнинг ота-оналарини боқиши ва уларга қараб туришига доир бурчлари. Болалар ҳам ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишлари, ота-оналари давлат ёки жамоат ташкилотлари васийлигида бўлган пайтда уларга ёрдам беришлари шарт. Агар ота-она ота-оналик бурчларини бажаришдан бўйин товлаган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса ва бу ҳолатлар суд томонидан аниқланган бўлса, у ҳолда болалар ота-онага қараш ва уларни боқиш мажбуриятидан озод бўлишлари мумкин.

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтож бўлган

ота-онага қараш ва уларни боқиш учун болалардан олинадиган алимент миқдорини суд қатъий пул суммасида белгилайди. Алимент ҳар ойда ота-онанинг ҳам, болаларнинг ҳам моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда туланади.

Алимент ҳажминини аниқлашда алимент тўлаш ҳамма болалардан талаб қилинганми ёки уларнинг фақат биридан талаб қилинганми — бундан қатъи назар, шу ота-онанинг балоғатга етган ҳамма фарзандлари назарда тутилади.

Алимент тўлаши лозим бўлган шахснинг ёки алиментни олувчи шахснинг моддий аҳволи ўзгарган тақдирда суд манфаатдор томоннинг талаби билан алиментнинг белгиланган миқдорини ўзгартиришга ёки алимент тўлашни бекор қилишга ҳақлидир.

### 19-БОБ. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

1. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида тушунча.
2. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.
3. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектлари.
4. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик.
5. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи ва турлари.
6. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишни бошқариш.

### 1-§. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида тушунча

Табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги энг муҳим вазифалардан биридир. Инсон табиатдан фойдалана бориб янги шароит ҳосил қилади, географик муҳитни ўзгартиради, табиатда кечадиган табиий айланish ва модда алмашинув жараёнига таъсир кўрсатади. Бундай таъсирнинг салбий оқибатлари табиатдаги тенгликка зарар етказиши, инсон ва биосфера мувозанатининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам табиатдан фойдаланишда унинг муҳофазасига эътибор бериш объектив зарурият бўлиб қолади.

Табиатни муҳофаза қилиш — инсоннинг онгли ва аниқ бир мақсадга қаратилган фаолиятидир. У табиатни муҳофаза қилишга, унинг ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга, ҳаёт муҳитини ва инсон фаолиятини яхшилашга қаратилган

давлат ва ижтимоий тадбирлар тизими орқали амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилишнинг дастлабки шаклларида бири — уни консервациялаш, яъни инсон томонидан ҳужалик ёки бошқа мақсадларда фойдаланиладиган табиий объектлар, уларнинг комплексларида тўла ҳолда ёки бир қисмини ажратиб олишдир (қўриқхоналар, заказниклар). Иккинчи шакли — фойдаланилаётган табиий объектларга оқилона муносабатда бўлиш, учинчиси эса атроф-муҳитни ҳимоялаш, соғломлаштириш ва яхшилашдан иборат.

Табиатни муҳофаза қилиш фуқароларнинг муҳим вазифасидир: Республика Конституциясининг 50-моддасида бу аниқ кўрсатилган. Бу вазифа фақат ҳозирги авлод манфаатларидан келиб чиқиб эмас, балки келгуси авлод манфаатларидан келиб чиқиб ҳал этилиши зарур. Инсон фақат ўзи ҳақида қайғурмай, балки ўзидан кейин яшайдиганлар тўғрисида ҳам ўйлашни керак. Қадимги Шарқ ҳикматларида шундай дейилган: «Агар ҳар бир инсон бирор болани тарбия қилмаган, бирор уй қурмаган, бирор дарахт экиб ўстирмаган бўлса, унинг умри зое кетган ҳисобланади».

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда асосий эътибор табиатни муҳофаза қилиш, ер, сув ресурслари, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш самарадорлигини оширишга, табиий муҳит ва инфослик тарқатувчи манбалар устидан давлат назоратини кучайтиришга, бу ишларда жамоат ташкилотлари ва аҳолининг иштирок этиш шакллари ва усуллари кенгайтиришга қаратилиши зарур.

Табиат билан уйғун муносабатни қарор топтириш, унинг қонунларининг энг мақбул ҳисоб-китобини олиб бориш, табиий ресурслардан фойдаланишда эҳтиёткорона иш юритиш, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудлар ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш муаммолари тобора кескинлашиб бормоқда.

## 2- §. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш

Табиий бойликларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонун-

ларига, ер, сув, ўрмон тўғрисидаги, ер ости бойликларини тўғрисидаги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади — инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимларини, табиат мажмуаларини ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиши ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг вазифаси ноёб табиий мажмуиларни, табиат ёдгорликларини, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондидини сақлаб қолишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан ҳамда табиий муҳитни кўзатиш ва тадқиқ этиш мажмуида аҳолини экология бобида тарбиялашдан, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ҳудудлардан хўжалик мақсадида фойдаланишни чеклашдан иборатдир.

Ер ости бойликлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг вазифаси халқ хўжалигининг минерал хом ашёга бўлган талаблари ва бошқа эҳтиёжлари қондирилмоғи учун ер ости бойликларидан оқилона, комплекс равишда фойдаланиш, ер ости бойликларини қўриқлаш, ер ости бойликларидан фойдаланиш чоғидаги ишлар хавф-хатарсиз бўлишини таъминлаш мақсадларида кончилик муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва шу соҳадаги қонунчиликни мустаҳкамлашдан иборатдир. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган бошқа қонунлар ҳам аниқ мақсадларни амалга оширишга мўлжалланган.

### 3- §. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектлари

Республика қонунига мувофиқ табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти табиат (табиий муҳит)дир,

у объектив тарзда, инсондан ташқарида мавжуддир ва унинг онгига боғлиқ бўлмаган ҳақиқат, инсон яшайдиган макон, унинг ҳаётининг шарт-шароити ва воситасидир. Буларга ер усти ва ер ости сувлари, атмосфера ҳавоси, нодир ва қимматбаҳо минерал конлари, балиқ хўжалиги, ўрмонларнинг қуриқланадиган минтақалари, тарихий-табiiй ва ёдгорлик боғлари, ботаника ва ҳайвонот боғлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, дендрарийлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартиб асосидаги бошқа ҳудудлар ҳамда алоҳида муҳофаза этиладиган табiiй ҳудудлар киради.

Юқорида санаб ўтилган объектларнинг икки турдаги аҳамиятига таъриф берилади, яъни уларнинг бири табиат ресурслари сифатида таърифланса, иккинчиси табiiй муҳитнинг таркибий қисми сифатида таърифланади.

Табиат ресурслари дейилганда истеъмом манбаи бўлган ва инсон томонидан фойдаланиладиган табиат унсурлари тушунилади. Инсон ҳаётида улар турлитуман: иқтисодий, маданий, соғломлаштириш, коммунал ва оқартув вазифаларини бажаради. Бунда битта унсурнинг ўзи бир неча ресурслар ролини бажариши мумкин. Масалан, ерни олайлик. У ишлаб чиқариш воситаси ва бино-иншоот жойлаштириш учун фазовий базис ролини ўйнайди. Унда тупроқ ва озик-овқат ресурслари мавжуд. Ўрмон бир вақтнинг ўзида ёнилғи-ҳом ашё ва соғломлаштириш ресурслари бўлиб ҳисобланади.

Давлат қуриқхоналари ўз олдига оддий, одатий ва ноёб табiiй мажмуилар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондларини сақлаб қолиш ва ўрганиш, табiiй жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устидан мониторинг ўтказиш мақсадини қўйган табиатни муҳофаза этувчи илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Давлат миллӣ табиат боғлари табиатни муҳофаза қилиш муассасалари бўлиб, уларнинг ҳудудлари алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган, маданий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган табiiй мажмуаларни қамраб олади.

Экологик, илмий, эстетик, маданий жиҳатдан ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмас, қимматли, келиб чиқиши

табiiй бўлган объектлар давлат табiiй ёдгорликлари деб эълон қилинади.

Табiiй ресурсларни тугайдиган ва тугамайдиган хилга бўлиш мумкин. Биринчиси ўз навбатида, қайта тикланмайдиган ва қайта тикланадиган турларга бўлинади. Биринчисига нефть, иккинчисига торф қатлами ва бошқа чуқинди жинслар киради. Қайта тикланмайдиган табiiй ресурсларни муҳофаза қилиш учун улардан оқилона фойдаланиш, қазиб олишда, ташишда, қайта ишлашда ва ишлатишда нобудгарчиликка қарши курашиш лозим.

Қайта тикланиш жараёнида турли ресурс учун ҳар хил муддат керак. Ҳайвонларнинг тикланиши учун, масалан, бир неча йил, кесилган ўрмон учун 60—80 йил, завоп топган тупроққа бир неча юз йиллар зарур. Шунинг учун табiiй ресурсларни сарф қилиш суръати уларни қайта тиклаш суръатига мувофиқ келиши керак. Қайта тикланадиган табiiй ресурслар инсоннинг номаъқул хатти-ҳаракати туфайли қайта тикланмайдиган бўлиб қолиши мумкин. Ҳайвонлар ва ўсимликлар бир қанча турларининг йўқ бўлиб кетиши бунга мисол бўла олади.

Тугамайдиган табiiй ресурсларга сув, иқлим, фазо киради. Аммо бу ерда ҳаммаси нисбий. Амалда дунё океанларининг суви тугамайди. Айни вақтда шундай мисоллар ҳам борки, инсоннинг ўйламай қилган хатти-ҳаракати туфайли ернинг айрим қисмларидаги сув заҳираси камайиб кетади. Орол, Амударё, Сирдарё, Днепр дарёлари ва бошқалар бунга яққол мисолдир.

#### 4- §. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик табиатни муҳофаза қилишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқий жавобгарлиги — бу ҳуқуқий жавобгарликнинг таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқий жавобгарлик учун мансуб барча шакллар, усуллар ва шартлар ҳам унга хосдир, аммо унинг ўзинга хос алоҳида томонлари ҳам бор.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табiiй ҳудудларга

доир қонунни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик қўйидаги ҳолатларда:

табиат — қўриқхона фонди ҳудудлари ва объектларидан ўз ўрнида фойдаланмасликда, муҳофаза этиладиган ҳудудларни барпо этиш ва уларни ишини йўлга қўйиш лойиҳалари талаблари бузилганда;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, уларнинг муҳофаза этиладиган тегралари доирасида ман этилган ҳўжалик фаолияти билан шуғулланилганда;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг объектлари ва муҳофаза этиладиган теграларида олдиндан экологик экспертиза ўтказмай туриб ёки бундай экспертиза хулосаларини бузган ҳолда ҳўжалик фаолияти йўлга қўйилганда;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фалокатларнинг экологик оқибатлари ва бошқа зарарли таъсирларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилмаганда;

табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш тўғрисидаги илтимосномаларни қараб чиқиш муддатлари ва тартиби бузилганда;

муҳофаза этиладиган ҳудудлардан фойдаланиш талаблари бузилганда; табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажарилмаган, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланишда кимёвий, физик, биологик ва бошқа таъсирлар йўл қўйиладиган меъёрдан ошиб кетганда, бундай ҳудудларни истифода этиш учун берилган рухсатномаларнинг талаблари бузилганда;

муҳофаза этиладиган табиий объектларнинг табиий мажмуалари ҳамда уларнинг таркибига киритишни мўлжаллаб асраб қўйилган жойлар бузилганда, уларга шикаст етказилганда ёки улар йўқ қилинганда;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг чегараси ўзбошимчалик билан ўзгартирилганда, бундай ҳудудларни ўз билганича бошқа эҳтиёжлар учун ажратиб берганликда айбдор бўлган шахслар маъмурий, жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик турлари қуйидагилардир: жарима солиш; маъмурий тартиб бузиш сабаби бўлган қуроолларни олиб қўйиш; қонунга хилоф равишда маъмурий тартиб бузиш сабаби бўлган қуроолларни мусодара қилиш; маъмурий қamoқ ва ҳоказо. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг VIII бобида жавобгарлик турлари аниқ кўрсатилган.

Жинорий жавобгарлик: Республика Жиноят кодекси 4- бўлимда алоҳида табиат муҳофаза қонунининг бузилиши билан боғлиқ бир нечта жиноят таркиби назарда тутилган.

Айбдор хулқида ноўрин хатти-ҳаракат мавжуд бўлганда белгиланган тартибга кўра қўлланиладиган интизомий жавобгарлик ҳам мавжуд. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузганлик учун интизомий, маъмурий, жинорий, моддий жавобгарликлар қуйидаги ҳолатларда содир бўлади: давлатнинг табиат манбаларига нисбатан эгалик ҳуқуқи бузилганда; табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланилганда; давлат экология экспертизаси талаблари бажарилмаганда; табиий ресурслардан фойдаланилганлик учун, атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқарганлиги ва оқизганлиги, қаттиқ чиқиндилар тўкканлиги, булар табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганда; табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режалари, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирлар бажарилмаганда; атроф-муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чоралари кўрилмаганда; табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмалари бажарилмаганда; алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботи бузилганда; атроф-муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидалари бузилганда; ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари, кимёлаштириш воситалари, шунингдек, радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талаблари бузилганда; атроф-муҳит ҳолати

ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганда ва ҳоказо.

### 5- §. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи ва турлари

Табиатдан фойдаланишга атроф-муҳитни яшаш учун яроқли ҳолда сақлаш, табиий ресурслардан белгиланган тегишли нормативлар доирасида фойдаланиш ва қайта тикланадиган ва қайта тикланаётган табиий ресурслар қайта тикланишини таъминлаш шарти билан йўл қўйилади.

Тупроқ дейилганда ер қобиғининг тириклик учун фойдаланиладиган ва ўсимликлар билан бирга амал қиладиган юзадаги унумдор қатлами тушунилади. Тупроқдан унинг унумдорлигини пасайтирмаган ҳолда табиий ва маданий ўсимликлардан ҳосил олиш учун фойдаланилади.

Тупроқнинг иншоот остида қоладиган гумусли қатлами бошқа жойларда ҳосилдорликни ошириш учун олиб кетилиши керак.

Ер ости бойликлари дейилганда ер қобиғининг юқори қисмини қамраб олувчи, тадқиқотлар ўтказиш ва фойдали қазилмалар ковлаб олиш мумкин бўлган сатҳ, фойдали қазилмалар дейилганда эса, иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига молик геологик ҳосилалар тушунилади.

Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан қуйидаги шартлар билан фойдаланилади: қазиб олишда ана шу бойлик ва қазилмалар ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган бошқа табиий ресурслардан мажмуий ва оқилона фойдаланиш таъминланса, шунингдек, атроф-муҳит ва ер ости бойликлари ифлосланишининг олди олинса; фойдали қазилмаларни ковлаб олиш чоғида, ҳолати ўзгарган ерлар рекультивация қилинса; қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишига эришиладиган даражадагина фойдаланилса, Давлат миллий табиат боғларининг ҳудудларида табиий мажмуа ва объектлар ҳолатини, уларнинг рекреация, маданий ва эстетик қимматини инobatга олган ҳолда муҳофаза этиш ва улардан фойдаланишнинг табақалаштирилган тартиби белгилаб қўйилади.

Давлат миллий табиат боғларининг теграсида

давлат қўриқхоналари ҳудудлари учун назарда тутилган тартибдаги қўриқ тегралари, рекреация, хўжалик ва ўзга йўсиндаги фойдаланиш тегралари, тарихий-маданий объектларнинг муҳофаза тегралари ажратиладики, уларда давлат миллий табиат боғлари вазифаларига зид бўлмаган фаолият билан шуғулланилади.

Давлат миллий табиат боғлари ҳудудида: дарахт кесишга (санитария мақсадидаги ва парваришлар йўсинидаги кесиш бундан мустасно); экологик жиҳатдан хавф-хатар туғдирувчи саноат корхоналарининг фаолият олиб боришига; гидрологик ва гидрогеологик тартибни ўзгартириб юборувчи ҳаракатларга; тупроқ эрозиясини, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таназзулини келтириб чиқарувчи ҳаракатларга; давлат миллий табиат боғларининг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йўл ва муҳандислик-коммуникация ишлари олиб боришга; кимё ва радиоактив моддаларнинг чиқиндиларини кўмишга, иқлимлаштириш мақсадида тирик организмларни кўчириб келтиришга йўл қўйилмайди.

Давлат миллий табиат боғларида улар ҳудудининг табий, илмий, эстетик ва маданий қиммати пасаёйишига олиб келувчи бошқа фаолият турлари тақиқланиши ёки чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табий айланишини сақлаш, унинг нормативда кўрсатилган даражада тозаланиши таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларни асраш, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экология мувозанатини сақлаш ва сув ҳавзасига ландшафт унсурлари сифатида зиён етказмаслик шартли билан йўл қўйилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув ҳавзалари соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дарахтни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

Атмосфера ҳавоси дейилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиғи тушунилади. Ҳаводан фойдаланишга муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган норматив-

лардан ортиқ даражада ифлослантирмаслик ёки сий-  
раклантирмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Халқаро битимга мувофиқ вазирликлар ва идора-  
лар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий  
шахслар озон қатламга зарарли таъсир этувчи  
кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай мод-  
далардан фойдаланишни қисқартиришлари ва кел-  
гусида батамом тўхтатишлари шарт.

Қонунда жонли табиат объектларидан фойдала-  
ниш шартлари ҳам кўрсатилган. Жонли табиат дейил-  
ганда табиий ўсимликлар, шу жумладан ўрмон, та-  
биатда эркин яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жонли  
организмлар тушунилади. Жонли табиат объектла-  
ридан уларни қайта тикланиш хусусиятларини сақ-  
лаш; уларнинг хилма-хил турини ва тўдаларининг  
барқарорлигини сақлаш; табиий муҳитнинг биологик  
жиҳатдан ифлосланишига йўл қўймаслик шарти бил-  
ан фойдаланилади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш талабларини  
муттасил бузадиган фойдаланувчи табиий ресурслар-  
дан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

## 6- §. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишни бошқариш

Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишни бошқариш  
давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини  
амалга оширишда энг муҳим восита ҳисобланади.  
Бошқарув объекти табиатдан фойдаланиш ва табиат-  
ни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятдан иборат,  
бошқаришдан мақсад — табиий ресурслар ҳисоб-кито-  
бини ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш тadbир-  
ларини бажариш ва табиатни муҳофаза қилиш тўғри-  
сидаги қонунларни бажаришдан иборат.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув  
асосида бошқарувнинг умумий принциплари ётади,  
аммо унинг ўзига хос томонлари ҳам бор (табиатни  
муҳофаза қилиш масалаларига комплекс муносабатда  
бўлиш, бошқарувни ташкил этганда фақат маъму-  
рий-ҳудудий бўлиниш ҳисобга олинмай, балки табиий-  
географик районлаштириш, ҳужалик-ташкилий ва  
назорат функцияларининг бўлиниши ҳам ҳисобга оли-  
нади).

Табиатдан фойдаланиш давлат бошқаруви вази-  
фаларига қуйидагилар киради: ҳисоб-китоб қилиш,

норматив ҳужжатларни яратиш ва уларни жорий этиш, ишларни уюштириш, назорат ўрнатиш кабилар. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича барча тадбирларни ўтказишда умумий раҳбарлик ҳокимият ва бошқарувнинг олий идоралари томонидан амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш Олий Мажлиснинг мутлақ ваколат доирасига киради: давлат экология дастурларини тасдиқлаш; табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги республика қонун ва ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; ҳудудларни фавқулодда экология ҳолати, экология офати ва экология фалокати минтақалари деб эълон қилиш, бундай минтақаларнинг ҳуқуқий режимини ва жафоқурганларнинг мақомини белгилаш; табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли қонунлар ижросини мувофиқлаштириб бориш; табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ олишнинг энг юксак ҳажмини, шунингдек, тўловларни ундириб олишдаги имтиёزلарни белгилаш;

Вазирлар Маҳкамаси табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юритади; табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши тартибини белгилайди, республика аҳамиятига молик табиий ресурсларнинг захираларини тасдиқлайди, экология жиҳатидан танг вазиятлар олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқади, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартибини белгилайди. Экология маорифи ва тарбияси тизимини яратиш, табиатдан алоҳида тартибда фойдаланиладиган ҳудудларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳужалик фаолияти режимларини белгилаш ҳам унинг вазифасига киради.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларига ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар

ундириш, табиатнинг муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш каби тадбирлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда табиатни муҳофаза қилишда муҳим роль ўйнайди ва табиатни муҳофаза қилишнинг бутун масъулиятини ўз зиммасига олади. Унинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш бўйича табиат муҳофазаси фаолиятини, илмий-техника сиёсатини комплекс бошқариш масалаларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, бу соҳада вазирликлар ва идоралар фаолиятини бошқариб туради. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ўрнатади, мазкур масалаларда таклифлар тайёрлайди ва тақдим этади, табиатдан фойдаланиш экологик механизм нормативи қондалари ва стандартларини тақомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Қўмита зиммасига табиат ҳолатига таъсир курсатувчи ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва объектларни қайта қуриш тархлари бўйича давлат экспертизаси ўтказилиши юклатилган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси зарарли чиқиндиларни қўшиб юбориш, сувдан, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш мақсадларида атмосфера ҳавосини ишлатиш учун рухсатнома беради, қишлоқ хўжалик фаолиятининг барча қурилишлари учун ер бериш ва уларни бекор қилишда қуриқхона хўжаликларига раҳбарликни амалга оширади, ов ишларининг бориши ва давлат ҳайвонот дунёси кадастри устидан назорат ўрнатади.

Республика қонунига мувофиқ табиий ресурслар кадастри юритилади. Бу кадастрда табиий ресурсларнинг сон ва сифат ҳолати тўғрисида ишончли маълумотлар жамланади. Ягона кадастр йўқ ва уни яратиш ҳам мумкин эмас, чунки табиий ресурслар бир хил эмас, уларнинг ҳисоб-китоби ҳам ҳар хил.

1. Ер тўғрисидаги қонун.
2. Ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи.
3. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳуқуқи ва мажбуриятлари.
4. Ернинг ҳуқуқий ҳолати.
5. Ерни муҳофаза қилиш ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан назорат.
6. Ер билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш ва Ер тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарлик.

### 1- §. Ер тўғрисидаги қонун

Кенг маънода олиб қараганда ер — инсон истиқомат қиладиган муҳит таркибий қисмларидан бири бўлиб, ўз ичига кишилар меҳнатидан вужудга келмаган ер ости бойликлари ва ер юзасидаги барча нарсани олади. Тор маънода олиб қараганда ер ҳамма хилдаги ишлаб чиқаришлар ва инсоният фаолияти учун зарур бўлган ернинг юзаси тушунилади. Бундай сифатда намоён бўлган ер мустақил қийматга, табиий бойликнинг алоҳида кўринишларига эга бўлиб, улар бошқа бойликлар орасида ҳал қилувчи ўрин эгаллайди, чунки улар одамлар озиқ-овқатининг асосий манбаи ҳисобланади.

Ерга эгаллик қилиш табиий бойликларга эга бўлишни, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишни, аҳоли яшаш жойлари, транспорт, алоқа йўлларини жойлаштиришни билдиради. Шунинг учун ҳам табиий бойликлар орасида ер мулкчилиги бошқа мулкчилик муносабатларига нисбатан ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Собиқ Иттифоқнинг Ер тўғрисидаги қонунинда давлат ягона ер эгаси деб қабул қилинган эди, давлат ердан халқ номидан ва унинг манфаатлари учун фойдаланарди. Амалда бу ҳол одамларни ердан бездирди.

1990 йил 20 июнда Республика Олий Кенгаши «Ер тўғрисида» қонун қабул қилди, ўша йил 31 октябрда «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилди. Бу қонунларда ер умумхалқ бойлиги деб эътироф этилди, ер мулкчининг субъекти — халқ, халқ номидан мулк ҳуқуқини амалга ошириш Олий Мажлисга, Рес-

публика Президентига ва вакил қилинган давлат бошқарув идоралари: Вазирлар Маҳкамаси, шаҳар, туман ҳокимияти идоралари, шунингдек қўрғон ва қишлоқ ўзини-ўзи бошқарув идоралари зиммасига юклатилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Ер тўғрисидаги Қонуни ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, тупроқнинг унумдорлигини тиклаш, табиий муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлар асосида ривожлантириш учун шароитлар яратиш мақсадида ер муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг барча ерлари қайси мақсадда фойдаланилишига қараб қуйидагиларга бўлинади: қишлоқ хўжалик ерлари; аҳоли пунктларининг ерлари (шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари); саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ерлари ва бошқа ерлар; табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион ва тарих-маданият мақсадларига мўлжалланган ерлар; ўрмон фонди ерлари; заҳира ерлар.

## 2-§. Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи

Ер қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш учун жамоа ва давлат хўжаликларига бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналарига, муассасалар ва ташкилотларга доимий эгалик қилиш мақсадида берилади. Шунингдек, доимий ва вақтинча фойдаланиш учун ер Ўзбекистон Республикаси фуқароларига; саноат, транспорт ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига; муҳофаа эҳтиёжлари учун; диний ташкилотларга; қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмаларга ҳамда ажнабий ҳуқуқий шахслар иштирокидаги ташкилотларга берилади.

Белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкаларигагина эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш мумкин.

Ер участкаларини ажратиб бериш ва унга эгалик қилиш ҳуқуқини Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси амалга оширади, «Ер тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ер муносабатларини тартибга солишга

доир баъзи масалаларда ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига, маҳаллий органларига, ҳокимларга берилади.

Эгаликдаги ёки фойдаланишдаги ер участкасини бошқа шахсларга бернш фақат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан кейингина амалга оширилади.

Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, электр узатиш линиялари, бош қувур йўллари қуриш, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эхтиёжлар, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд сифати ёмон бўлган қишлоқ хўжалик ерлари берилади. Мазкур мақсадлар учун ўрмон фондига қарашли ерлардан ер участкалари асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бутазорлар ва қиммати кам ўсимликлар билан қопланган майдонлар ҳисобидан берилади. Ҳокимият ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувчи идоралар, шунингдек корхона, муассаса, ташкилотлар таркибидаги ер участкалари фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш, поллиз экинлари ва пичан етиштириш ва мол боқиш учун берилади.

Транспорт, ўрмон хўжалиги, алоқа, сув, балиқ, овчилик хўжаликлари ва бошқа тармоқлар корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ўз эгалигидаги ёки фойдаланишда бўлган ерлардан ходимларининг айрим тонфалари учун хизмат чек ерларини ажратишлари мумкин.

Ер тўғрисидаги қонунда ердан фойдаланиш муддатлари: уч йилга — қисқа муддатли, уч йилдан ўн йилга — узоқ муддатли қилиб белгиланган. Зарур ҳолларда бу муддатлар ўзгартирилиши мумкин, аммо у дастлаб белгиланган муддатдан ошиб кетмаслиги керак. Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси энг камида 10 йил муддатга ажратилади.

Яйлов чорвачилиги учун ер участкаси жамоа, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларига 25 йилгача муддат билан берилади.

Республика фуқаролари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қўшма корхоналар, республика ва чет эл юридик шахслари иштирок этган халқаро бирлашма ва ташкилотлар, шунингдек хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, чет эл юридик шахслари ва

Фуқаролари ижара шаронтлари асосида ердан фойдаланишлари мумкин.

Қўрғон ва қишлоқлардаги ўзини-ўзи бошқарув идоралари фуқароларга ерни ижарага беради. Корхона, муассаса, ташкилотларга эга туман ҳокимлиги идоралари ижарага беради. Агар бу корхона, муассаса, ташкилотлар бошқа тумандан бўлса вилоят ҳокимлиги идоралари, қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар, уларнинг юридик шахслари ва фуқароларига Республика Вазирлар Маҳкамаси ижарага ер беради.

Ижарага қанча муддатга берилиши шартнома асосида белгиланади, ammo қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари учун бу муддат 10 йилдан кам бўлмаслиги керак.

Шартнома муддати тугагач бу шартномани тиклашда ижарачи устивор ҳуқуққа эга бўлади.

Томонлар келишувига мувофиқ, ижарага олинган қишлоқ хўжалик ерлари ижарачи эгалик қилиши учун берилиши мумкин. Жамоа, давлат ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ер участкаларини ўзининг айрим ёки уюшган ходимларига ижарага бириктириб қўйиш мумкин.

Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ҳокимият ва ўзини ўзи бошқарув маҳаллий идоралари томонидан қонунларда белгилаб қўйиладиган тартибда амалга оширилади. Ер участкалари буш ётган ерлардан ҳам, фойдаланишда бўлган ерлардан ҳам берилди. Фойдаланишда бўлган ерларни беришдан олдин уни олдинги эгалик қилувчи ёки фойдаланувчидан қайтариб олиш керак.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер ажратиб бериш ҳокимлик ва ўзини-ўзи бошқарув идораларининг тегишли қарорига мувофиқ, ерга эгалик қилувчи ёки ердан фойдаланувчи розилиги билан амалга оширилади. Агар ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи бундан норози бўлган тақдирда ерни олиш масаласи суд тартибида ҳал қилинади.

Ер кадастр баҳоларига мувофиқ юқори қимматга эга бўлган ерлар, шу жумладан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳамда тарихий-маданий объектларни қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун олиб қўйиш алоҳида ҳолларда ва фақат Вазирлар Маҳкамаси рухсати билан амалга оширилади.

Ер участкалари олишдан манфаатдор корхона, муассаса, ташкилотлар лойиҳалаштиришга қадар ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар, шунингдек тегишли ҳокимлик идоралари билан объект қуриладиган майдонни, олинадиган участка ҳажмини ва олиш шартларини келишиб олишлари керак.

Фуқароларга берилган ер участкаларини давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш уларга бошқа турар-жой биноси берилганидан ёки уларнинг хоҳишига кўра тенг қийматли ер участкаси берилган ва янги уй қуриб ёки эски уй кўчириб берилганидан сўнг, шунингдек кўрилган зарар қиймати тўла ҳажмда қопланганидан кейин тегишли ҳокимият ёки ўзини-ўзи бошқарув идораларининг қарорлари асосида амалга оширилади. Жамоа, давлат ва бошқа корхона ва ташкилотлар учун ҳам ердан фойдаланишда шундай кафолат жорий этилади.

Ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ер тузиш идоралари жойнинг чегараларини белгилайди, тегишли ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш идоралари ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатини тайёрлайдилар. Бу идораларнинг қарори билан ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам тўхтатилади.

Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишни тўхтатишга қуйидагилар асос бўла олади: ер участкасидан ўз ихтиёри билан воз кечиш, ер участкаси берилган муддат ўтганлиги: корхона, муассаса, ташкилот, деҳқон хўжалиги фаолиятининг тўхтатилиши: ердан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик, ер майдони берилганлиги билан боғлиқ меҳнат муносабатларининг тугаганлиги; ер участкасидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик; тупроқ унумдорлигини камайтириб юборишга, уларнинг кимёвий ва радиоактив ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан ер участкаларидан фойдаланиш; қонунда белгиланган муддатларда ер солиғини мунтазам тўламаслик, шунингдек ижара шартномасида белгиланган муддатда ижара тўловларини тўламаслик; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун мўлжалланган ер участкасидан йил давомида фойдаланмаслик (фуқаролар учун бу муддат уч йил қилиб белгиланган); ер участкасини олиб қўйиш, шунингдек ижара шартномаси унинг шартлари бузилганлиги му-

носабати билан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилади.

Республикада ер эгаллиги ва ундан фойдаланиш пуллик ҳисобланади. Тўлов ернинг сифати, жойлашуви ва сув таъминотига боғлиқ равишда солиқ ёки ижара тўлови шаклида амалга оширилади. Ер тўловини ундиришдаги имтиёзлар қонунда белгиланган. Давлат қўриқхоналари миллий боғлар ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, тарихий ва маданий ёдгорликлар, шунингдек кам унумли ерларни олган корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар, деҳқон хўжаликлари рўйхатдан ўтгандан бошлаб дастлабки икки йил мобайнида, тажриба хўжаликлари, сув хўжалиги корхоналари (ҳаммаси эмас), анъанавий ҳунармандчилик билан шуғулланувчи корхоналар, уруш ногиронлари ва қатнашчилари, байналмилал жангчилар, қонунда кўзда тутилган бошқа фуқаролар ер солиғидан озод қилинадилар.

### 3-§. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳуқуқи ва мажбуриятлари

Қонун ер эгалари ва у ердан фойдаланувчилар ҳуқуқи ва мажбуриятларининг бир-бири билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Улар фақат ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб қолмай, балки ер участкасидан фойдаланиш юзасидан мажбурият ҳам оладилар. Ер эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга: ерда мустақил хўжалик юритиш; етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва сотишдан келган даромадни бошқариш; ер участкасидаги фойдали қазилмалардан белгиланган тартибда фойдаланиш; уй-жой қуриш, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ва бошқа турдаги қурилиш ва иншоотларни бунёд этиш. Мулк ҳуқуқи экилган экинлар ва кўчатларга ҳам тааллуқли бўлиб, агар ер қайтариб олинса ёки ундан ихтиёрий равишда воз кечилса, унумдор ерга кетган ҳамма харажатлар тўла қопланади. Улар ер участкасидан ёки унинг бир қисмидан фойдаланиш учун маҳаллий хокимият идоралари қарори билан бошқа одамга бериб туришлари мумкин. Белгиланган лимитга мувофиқ сув манбаларидан ва каналдан экинларни суғориш ва бошқа мақсадларда фойдаланишлари мумкин.

Айни вақтда қонун ер эгаларига ердан оқилона

фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш ва табиат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиш, экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик; ерни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш; ер солиғини ўз вақтида тўлаб туриш; бошқа ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳуқуқига путур етказмаслик мажбуриятларини юклайди.

Ер эгаларидан фарқли равишда, ердан фойдаланувчилар мустақил ҳуқуққа эга эмас, улар белгиланган шартлар асосида ердан фойдаланадилар. Бошқа жиҳатлари бир-бирига мос тушади. Ер эгалари билан ердан фойдаланувчилар мажбурияти ҳам бир-бирига тўғри келади.

Қонун ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар фаолиятига аралашувига йўл қўймайди, қонуннинг бузилиш ҳоллари бундан мустасно. Агар ҳуқуққа хилоф иш содир этилган бўлса уни қайта тиклаш, келтирилган зарарни тўла қоплаш зарур. Агар томонлардан бири фуқаро бўлса келтирилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низоларни суд ҳал қилади. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлик ёки бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ўртасидаги низолар хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

#### 4-§. Ернинг ҳуқуқий ҳолати

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки шу мақсад учун белгиланган барча ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер деб эътироф этилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидаги ишлар учун берилади: фуқароларга — шахсий ёрдамчи хўжалик, қишлоқ хўжалик, якка, боғдорчилик, полизчилик, чорвачиликни юритиш учун; фуқароларга жамоа хўжаликларига, қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари, ташкилотларига — товар етиштириладиган қишлоқ хўжалигини юритиш учун; кооперативларга, ширкатларга — жамоа бўлиб боғдорчилик, узумчилик, полизчиликни юритиш учун; илмий-текшириш, ўқув ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари, қишлоқ ишлаб чиқариш-техника билим юртлири, умумтаълим мактабларига — илмий текшириш, ўқув мақсадлари, илғор тажрибаларни тарғибот қилиш учун ва товар етиштириладиган қишлоқ хўжалиги учун; қиш-

лоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, шунингдек диний ташкилотларга — ёрдамчи хўжаликни юритиш учун.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар орасида суғориладигани алоҳида ажралиб туради. Бундай ерлар таркибига қишлоқ хўжалигида фойдаланишга ва суғоришга ярайдиган, доимий ва вақтинчалик суғориш тармоқларига эга бўлган, суғориш тармоқлари билан боғланган, сув ресурсларидан суғориш суви оқиб келадиган ерлар киради.

Суғориладиган ерлар алоҳида муҳофаза қилинади. Улар вилоят ҳокимлиги идораларининг Республика Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда тупроқ-мелиоратив шароити ва сув билан таъминланганлиги, мавжуд сув ресурслари, уларга ажратилган лимит ҳисобга олинган ҳолда суғорилмайдиган ерлар қаторига ўтказилади.

**Шаҳар ва шаҳар типидagi қўрғон ери.** Шаҳар ва шаҳар типидagi қўрғон ерига шаҳар ва қўрғон чегарасидаги барча ерлар киради. Бу ерлар таркибига қуйидагилар киради: шаҳар қурилиши ери, умум фойдаланишдаги ер, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер, шаҳар, дарахтзорлар билан банд бўлган ер, темир йўл, сув, ҳаво, қувур транспорти, тоғ-кон саноати ва бошқалар.

Шаҳар чегараси Олий Мажлис томонидан, қўрғон чегараси вилоят ҳокимлиги идоралари томонидан белгиланади.

Шаҳар чегарасидаги ер шаҳар ҳокимлиги идораси ихтиёрида, қўрғон чегарасидаги ер ўзини ўзи бошқарув қўрғон идораси ихтиёрида бўлади.

Уй-жой, коммуналъ, маданий-маърифий, саноат, савдо, маъмурий ва бошқа қурилиш ва иншоотлар қурилган ва қурилиш учун ажратилган барча жойлар шаҳар қурилиши ерларига киради.

Уй-жой ва маданий-маърифий, саноат ва йирик қурилишларнинг бошқа турларини қуришда фойдаланиш учун шаҳар қурилиши ерлари давлат кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотларига берилади. Фуқароларга эса яқка тартибда уй-жой қуриб умрбод эгалик қилиш учун берилади.

Шаҳар, қўрғон қурилишига ажратилган вақтинча фойдаланилмай ётган ерлар қисқа муддатга фойдаланиш ёки энгил типдаги қурилиш объектлари учун ижарага берилиши мумкин.

Шаҳар ва шаҳар типдаги қўрғонларнинг умумий фойдаланиш ерларига майдонлар, кўчалар, ўтиш жойлари, йўллар, сув қирғоқлари ва бошқалар киради, маданий-маърифий талабларни қондириш ва аҳолининг дам олишига дарахтзорлар (хиёбонлар) учун ажратилган жойлар, умум фойдаланишдаги ерлар киради. Умум фойдаланишдаги ерлар аниқ фойдаланувчига бириктирилмайди ва бевосита шаҳар ҳокимлиги ихтиёрида бўлади.

Бу жойларга қурилиш қилиш ва иншоот барпо қилишда маълум мақсад назарда тутилган бўлади. Шаҳар ва шаҳар-қўрғонлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришга мўлжалланган ва бошқа ерларга шудгорлар, боғлар, узумзорлар, тутзорлар, мевазорлар, полиз экинлари етиштириладиган ерлар, кўчатхона, яйлов, суғориш ва дренаж тармоқлари билан банд бўлган ерлар, қурилишлар, ҳовлилар, майдонлар билан банд бўлган ерлар киради. Бу ерларга турар жой, маданий-маърифий ва ишлаб чиқариш қурилишларини жойлаштириш шаҳар ҳокимлиги рухсати билан амалга оширилади.

Дарахтзорлар билан банд бўлган ерлар аҳолининг дам олишини, микроиқлимни, ҳаво атмосферасини ва шаҳар санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, одамларнинг маданий-эстетик талабларини қондириш, шаҳар ҳудудини сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган.

Темир йўл, сув, ҳаво, қувур транспорти, тоғ-кон саноати банд қилган ерлар — корхона, муассаса, ташкилотларга улар зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланишга берилган ерлардир. Қишлоқ аҳолиси яшайдиган пунктлар банд қилган ерларга шу пункт учун белгилаб қўйилган чегарадаги ерлар киради. Бу ерларга қуйидагилар киради: маҳаллий ўзини ўзи бошқарадиган идора ихтиёрида бўлган қишлоқ аҳолиси пункти ерлари; жамоа, давлат ва бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари ихтиёрида бўлган қишлоқ аҳолиси пунктлари ерлари. Қишлоқ аҳолиси пунктларининг чегараси туман бошқарув идоралари томонидан белгиланади ва ўзгартирилади.

Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ерлари. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ерлари — тегишли корхона, муассаса, ташкилотларга улар зиммасига юкла-

тилган вазифаларни бажаришда фойдаланиш учун берилган ерлардир.

Саноат, транспорт, алоқа ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, ўзлари фойдаланмаётган ерларни туман ёки шаҳар ҳокимлиги рухсати билан вақтинча фойдаланиш учун фуқароларга, жамоа, давлат хўжаликларига ва бошқа корхоналарга қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун беради.

**Табиат муҳофазаси, соғломлаштириш, реклацион ва тарихий-маданий мақсадларда фойдаланиладиган ерлар.** Табиат муҳофазаси ерларига қўриқхона ерлари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғи, заказниклар (ов қилинадигани бундан мустасно) ва табиат ёдгорликлари. Бундай ерларда асосий мақсадга зид келадиган фаолият ман этилади. Қўриқхоналар, миллий боғлар ва ҳ. к. тартибини таъминлаш учун уларга жиддий зарар етказувчи фаолиятни таъқиқлайдиган зона муҳофазаси таъсис этилади.

Соғломлаштириш ерларига-табiiий шифо омилларига эга бўлган ерлар киради. Реклацион мақсадларда мўлжалланган ерларга аҳолининг оммавий дам олиши ва туризм учун ажратилган ерлар киради.

Тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерларга-қўриқхоналар, мемориал (ёдгорлик) боғлар, қабристонлар, археологик ёдгорликлар, тарихий ва маданий ёдгорликларга ажратилган ерлар киради.

**Ўрмон ва сув фонди ерлари ва заҳира ерлар.** Ўрмон фонди ерларига дарахтзорлар ва ҳали дарахт экилмаган, аммо ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерлар киради.

Сув фонди ерларига сув ҳавзалари (дарё, кўл, сув омбори, канал, ички денгизлар), музликлар, ботқоқликлар, гидротехника иншоотлари, шунингдек сув ҳавзалари қирғоқлари киради.

Заҳира ерларга доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берилмаган ерлар киради. Эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинган ерлар ҳам шундай ерлар жумласига киради.

#### **5- §. Ерни муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан назорат**

Ерни муҳофаза қилиш ундан оқилона фойдаланишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва

бошқа тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Бу тадбирлар ўзига хос зонал ва ҳудудий томонларни ҳисобга олиб, ерга нисбатан комплекс муносабатда бўлиш асосида амалга оширилади.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар уни муҳофаза қилиш мақсадида ҳудудларни мақсадга мувофиқ ташкил этадилар, уни қайта тиклайдилар ва унумдорлигини оширадилар, ерни сув ва шамол эрозиясидан, сел, сув босиш, ботқоққа айланишдан муҳофаза қиладилар, қишлоқ хўжалик ерларини буталар, бегона ўтлар босиб кетишидан сақлайдилар, ишдан чиққан ерларга дам берадилар, унинг унумдорлигини оширадилар, айниқса дала ишларида тупроқнинг унумдор қатлами ҳосилдорлигидан фойдаланиш ва уни сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга.

Янги объектлар, қурилиш ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва уларни ишга туширишда, шунингдек тупроқ ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи янги технологияни жорий қилишда ерни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказишни назарда тутиш ва уни амалга ошириш зарур. Ерни ишдан чиқишига олиб келадиган объектларни фойдаланишга топшириш ва зарарли технологияни жорий этиш ман этилади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати ҳокимлик ва махсус вакил қилинган идоралар томонидан амалга оширилади. Уларга бу ишда касаба уюшмалари, ёшлар ташкилоти, табиати муҳофаза қилиш жамияти, илмий жамият ва бошқа ташкилотлар яқиндан ёрдам берадилар.

Ерда содир бўлган ўзгаришларни аниқлаш, уларга баҳо бериш, салбий оқибатларнинг олдини олиш ва тугатиш учун ер фонди ҳолатини кузатиб бориш тизимига ер мониторинги дейилади. Унинг тузилмаси, моҳияти ва амалга ошириш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ҳар қандай даражадаги манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларни ер ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаб туриш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер муносабатлари, тузилишини бошқариб туриш, ер учун асосланган миқдордаги тўловларни тўлаб туриш, хўжалик юритиш фаолиятига баҳо беришни ташкил этиш мақсадида Давлат кадастри тайинланган. Бу

ерни эгаларига, фойдаланувчиларига тақсимлаш, ерни тоифаларга бўлиш, унинг сифатини тавсифлаш, ернинг халқ хўжалигида тутган ўрнига оид ҳуқуқий тартибни туғрисидаги зарурий маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборатдир. У маҳаллий ҳокимлик идоралари томонидан юритилади. Сув хўжалиги идоралари эса суғориладиган ернинг мелноратив кадастрини юритади.

**6-§. Ер билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш ва Ер туғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарлик**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек фуқаролар ўртасида ер хусусидаги низолар ҳокимликнинг тегишли идоралари, судлар, хўжалик судлари томонидан ҳал қилинади. Ер муносабатлари билан боғлиқ мол-мулк низолари суд ёки хўжалик судлари томонидан ҳал қилинади.

Қишлоқ, қўрғон ҳудудларида ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш масалаларида фуқаролар ўртасидаги низолар тегишли ўзини ўзи бошқарув идоралари томонидан ҳал қилинади. Шаҳар, туман ҳудудларида шу масала бўйича низо чиққанда шаҳар ва туман идоралари томонидан ҳал қилинади.

Низоларнинг бир томонида республика қарамоғидаги корхона, муассаса, ташкилотлар иккинчи томонида вилоят корхона, муассаса ташкилотлари турган бўлса, шунингдек турли туманлардаги корхона, муассаса, ташкилотлар ўртасида низолар чиққан бўлса—уларни вилоят ҳокимлиги идоралари ҳал қилади.

Турли вилоятдаги ёки бир вилоят доирасидаги ва Қорақалпоғистон Республикасидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасида ер низоларини Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳал қилади.

Бошқа давлат ҳудудида ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш масалалари юзасидан республика корхона, муассаса ва ташкилотлари низоларини, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш масалалари бўйича бошқа давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари низоларини республика ва манфаатдор давлатнинг вакиллари билан иборат тенг ҳуқуқлилик (паритет) асосида тuzилган комиссия ҳал қилади.

Шаҳар, шаҳар типдаги посёлка ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерларида якка тартибда уй қурганлар ўртасида умумий ер участкасидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низо судда кўрилади. Маҳаллий ҳокимлик идорасининг ерга оид низо хусусида қабул қилган қароридан норози томон, агар томонлардан бири фуқаро бўлса, судга шикоят қилиши мумкин, агар ер масаласидаги низо корхона, муассаса, ташкилотлар ўртасида чиққан бўлса хўжалик суди ҳал қилади.

Қарордан шикоят қилиш унинг ижросини тўхтата олмайди. Аммо қарор қабул қилган идора уни тўхта-тиши ёки муддатини чўзиши мумкин.

«Ер тўғрисида»ги қонуннинг 64-моддасига мувофиқ олди-сотди, тортиқ қилиш, гаровга қўйиш, ер участкасини ўзбошимчалик билан алмаштириш қишлоқ хўжалик ерларига ва бошқа ерларга шикаст етказиш, ернинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштириш, қуриш, лойиҳалаш ва ундан фойдаланиш, ердан фойдаланишда табиат муҳофазаси талабларини бажармаслик, вақтинча банд қилинган ерни ўз муддатида қайтармаслик ва уларнинг фойдаланиш учун яроқли ҳолатини тиклаш бўйича белгиланган мажбуриятни бажармаслик, чегара белгиларини, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш чегараларини йўқотиб юбориш, давлат рўйхати маълумотлари, ҳисоб-китоб ва ерни баҳолаш масалаларини бузиб кўрсатиш, ўрмон фондига тегишли ердан ўзбошимчалик билан пичан ўриш ва мол боқиш, ердан хўжасизлик билан фойдаланиш, ернинг ҳолатини яхшилаш бўйича мажбуриятни бажармасликда айбланган шахслар фуқаролик, интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ер участкаларини олди-сотди қилиш, тортиқ қилиш, гаровга қўйиш, ўзбошимчалик билан алмаштириш қонуний кучга эга эмас. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган участка, у қонунсиз эгаллаб олингани ёки фойдаланилгани учун агар унга харажат қилинган бўлса ҳам тўланмай эгасига қайтарилади. Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш ўзбошимчалик билан участкани эгаллаб олган корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаро ҳисобига амалга оширилади.

Ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш қонунсиз эгалик қилаётган ва фойдаланаётган

одам томонидан мунтазам равишда бузилаверса, участка бутунлай ёки унинг бир қисми қайтариб олиниши ва бошқа ер эгасига ёки фойдаланувчига берилиши ёхуд заҳира ерлар таркибига киритиб қўйилиши мумкин.

Қорхона, муассаса, ташкилот ва фуқаро ер қонунига хилоф иш қилганлиги натижасида келтирган зарарни қоплашга мажбур.

## **21-БОБ. ЖАМОА ХҲЖАЛИГИ ВА ДЕҲҚОН ХҲЖАЛИГИНИ ХУҚУҚИЙ БОШҚАРИШ**

1. Жамоа хўжалигини хуқуқий бошқариш.
2. Деҳқон хўжалигини хуқуқий бошқариш.

### **1-§. Жамоа хўжалигини хуқуқий бошқариш**

Республика жамоа хўжаликлари давлат сиёсатида юз берган кескин ўзгаришлар билан боғлиқ мураккаб лаҳзаларни ва қийинчиликларни бошдан кечирди. Жамоа хўжалиги демократик принциплардан чекиниши натижасида республика хўжаликлари иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан жиддий йўқотишларга дучор бўлди. Кейинги йилларда жамоа хўжаликлари ҳаёти ва фаолиятида катта ўзгаришлар содир бўлди, бунга Ўзбекистон Республикасининг кооперация тўғрисидаги қонунни имкон берди.

Қонунда аниқ таърифлаб берилганидек, жамоа хўжалигининг фаолияти унга ихтиёрий равишда кириш ва ҳеч қандай қаршиликларсиз жамоа аъзолигидан чиқиш, шахсий, жамоа ва давлат манфаатларини қўшиб олиб бориш, хўжалик мустақиллиги, моддий манфаатдорлик ва ижтимоий адолат, демократия ва қонуний асосда жамоа хўжалик бошқарув ишларида жамоа аъзоларининг бевосита иштирок этиш принципларига асосланади.

Жамоа хўжалиги унинг фаолиятини тартибга солиб турувчи ҳужжат ҳисобланган Низом рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Жамоа хўжалиги аъзоси хўжалик фаолияти ва бошқарувида қатнашиш, бошқарув ва назорат соҳаларига сайланиши, жамоа хўжалиги фаолиятини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритиши, ўз мутахассислиги ва касби бўйича иш танлаши, даромад, дам олиши, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот, маданий-

маиший хизматдан баҳраманд бўлиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш ҳуқуқига эга.

Улар жамоа ҳўжалигига кирар экан, ўзларига қўйидаги мажбуриятни олади: Низомга риоя қилиш ва умумий йиғилиш, бошқарув қарорини ва раис топшириғини бажариш, жамоа олдида ўз мажбуриятини адо этиш, унинг фаолиятида ўз меҳнати ва мулки билан қатнашиш; жамоа ҳўжалиги бошқарув ишларида фаол қатнашиш, жамоа ҳўжалиги мулкани эҳтиётлаш ва мустаҳкамлаш; жамоа ҳўжалигига берилган табиий ресурслардан фойдаланиш ва эҳтиётлаш.

Жамоа ҳўжалигининг умумий йиғилиши энг юқори бошқарув шакли ҳисобланади. Ёриқ жамоа ҳўжаликларида умумий йиғилиш ваколатига кирадиган масалалар вакиллар мажлисида ҳал қилиниши мумкин. Аммо шуни ҳам назарда тутиш керакки, жамоа ҳўжалиги демократияси якка раҳбарликни инкор этмайди, аммо у умумий йиғилиш қарорига мувофиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

Умумий йиғилиш раиси, бошқарув аъзолари ва тафтиш комиссиясини сайлайди. Бошқарув жамоа ҳўжалигининг жорий ишларига раҳбарликни амалга оширади ва умумий йиғилиш ваколатига тегишли бўлмаган масалалар юзасидан қарор қабул қилади.

Раис умумий йиғилиш ва бошқарув мажлиси қарорларининг бажарилишини таъминлайди, жамоа ҳўжалигини давлат идоралари корхона, муассаса, ташкилот ва бошқа жамоа ҳўжаликларига тақдим этади, шартномалар тузади. Тафтиш комиссияси бошқарувининг молиявий ва ҳўжалик фаолиятини текширади.

Давлат идоралари жамоа ҳўжаликларининг ҳўжалик мустақиллигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятида самарадорликка эришиш, жамоа аъзоларининг ижодий фаолияти ва ташаббусига бирор тўсиқ бўлишининг олдини олишга мажбурдир. Давлат идоралари томонидан жамоа ҳўжалиги фаолиятига қонунда кўзда тутилгандан ташқари бирор бир аралашувга йўл қўйилмайди.

Қонунда таъкидланганидек, ишлаб чиқариш кооперативи, жамоа ҳўжалиги ҳам шулар жумласига кирди, иқтисодий мустақил товар ишлаб чиқарувчи жамоа ҳисобланади. Тула ҳўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принциплари асосида

ишлаб, ўз фаолиятининг йўналиши, ишлаб чиқариш ҳажмини ва тузилмасини аниқлаб олади, уни режалаштиради, уюштиради ва маҳсулотни сотади. Бу қондани ҳар қандай бузишлар ҳужалик ислоҳотини ҳаётга татбиқ этишга тўсиқ бўлади.

Жамоа ҳужалиги ўзига биркитилган ер ва бошқа табиий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланиб, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотига, саноатнинг эса хом ашёга бўлган талабини тўла қондириш мақсадида юқори сифатли маҳсулот этиштириш учун барча имкониятларга эга бўлади.

Ердан, ишлаб чиқариш фондларидан, меҳнат ва молия ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш, даромадни қўпайтириб бориш билан бирга қонун жамоа ҳужаликларига қонунда таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиш имкониятини беради. Жумладан, қишлоқ ҳужалик хом ашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, халқ истеъмол товарлари, ишлаб-чиқариш техник йўналишдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш, савдо, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга хизмат кўрсатиш кабилар билан шуғулланиши мумкин. «Кооперация тўғрисида»ги қонунда жамоа ҳужаликлари амалда мустақил бошланғич меҳнат жамоаларидан иборат кооперативлар деган қонда мустаҳкамланган, уларнинг ҳар бири тўла мустақил ва ҳужалик ҳисоби принципларига амал қилади. У ҳатто давлат банкида ўз ҳисобини очини мумкин.

Жамоа ҳужаликларига агросаноат бирлашмаларига кириш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Бу фан ютуқларидан яхши ва мақсад сари фойдаланиш, нобудгарчилик ва чиқимларни камайтириш имкониятини беради, кишиларнинг ўз меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини оширади, ижтимоий масалаларни муваффақиятли ҳал этишга йўл очади. Булардан ташқари жамоа ҳужаликларига ҳужаликлараро корхоналар ташкил этишда қатнашиш ҳуқуқи берилган, улар бу корхонани ўз вакиллари орқали бошқарадилар. Бу корхоналар маҳсулотларини сотишдан келган даромад, ўз улушларини олиш билан бирга жамоа ҳужаликлари уларнинг фаолияти натижалари учун моддий жиҳатдан жавоб берадилар.

Жамоа ҳужаликларидан ишловчилар меҳнати дав-

лат корхоналари, муассасалари, ташкилотларидаги ишчи ва хизматчилар меҳнати каби тенг ижтимоий аҳамият касб этади. Жамоа хўжалиги аъзоси давлат секторидан банд бўлган фуқароларга берилган ҳуқуқдан тўла фойдаланади.

Жамоа хўжалиги ўз аъзоларига ҳақ тўлаш шакли ва тизимини мустақил равишда ўзи белгилайди. Энг юқори иш ҳақи чегараланмаган. Иш ҳақи пул ва натура билан тўланиши мумкин. Қонунга мувофиқ жамоа хўжалиги ўз аъзолари ва бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш, уларга фойдаланиш учун ер участкалари бериш, ерга ишлов беришда, мол ва парранда боқишни ташкил этишда ёрдам бериш, ўғит билан таъминлаш, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, уруғликлар ва кўчатлар, ем-хашаклар билан таъминлаш учун шароит яратиб беришга мажбур. Ер участкаси бериш тартиби ва ҳажми қишлоқнинг ўз-ўзини бошқарув идоралари, жамоа хўжалиги умумий йиғилишида белгиланади.

Жамоа хўжалиги аъзолари ёрдамчи хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб ўз ихтиёрларига ишлатиши ёки бозорга олиб чиқиб сотиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасига биноан, жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги кооперативларининг хўжалик ёки кооператив таркибидан чиқиб, мустақил деҳқон хўжалиги юритиш истагини билдирган аъзолари кооператив низомига мувофиқ мол-мулк қийматининг ва фойданинг тегишли улушини олишга ҳақлидирлар, бу улуш кооператив аъзосининг меҳнат иштирокини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги кооперативлари, жамоа хўжалиги ёки кооперативнинг деҳқон хўжалиги тузиш истагида бўлган аъзоларига мол-мулк қийматининг ва фойданинг тегишли улуши ҳисобидан ўзаро келишувга мувофиқ жамоа хўжалигидан чиқаётганларга асосий ва оборот маблағларини берадилар ёки уларни ижарага топширадилар, ёхуд деҳқон хўжалиги банклардан кредит олаётганда кафил бўладилар, ёинки ижара ҳақи, улуш суммаси доирасида қоплайдилар. Жамоа хўжалигидан ва бошқа кооператив ташкилотлардан чиқаётганларга мол-

мулк қийматининг ёки фойданинг улүшини тўлаш муддати беш йилдан ошмаслиги керак.

## 2- §. Деҳқон хўжалигини ҳуқуқий бошқариш

1992 йил 3 июлда Олий Қенгашда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун жамоа ва давлат хўжаликларида қишлоқ хўжалигини ташкил этиш билан бирга тадбиркорлик фаолиятининг кўринишларида бири бўлган деҳқон хўжалигини юритиш ҳам назарда тутилади.

«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, бу юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик субъекти бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритади, шунингдек ўз эгалигидаги ер участкасидан фойдаланади. Деҳқон хўжалиги мустақил ишлаб чиқариш бирлиги бўлиб, у мулкчиликнинг бошқа шаклидаги корхона, бирлашма, ташкилотлар билан тенг ҳуқуққа эга.

Деҳқон хўжалиги — давлат, кооператив, ижтимоий корхона, муассаса, ташкилот ва алоҳида шахслар билан муносабатда хўжалик манфаатини ҳимоя қиладиган унинг бошлиғидан, умр йўлдоши, болалари, асраб олган боласи, ота-оналари ва бошқа қариндошларидан иборат. Унга шунингдек меҳнатга яроқли ёшда бўлган ва асосий иш жойи шу хўжаликда бўлган шахслар ҳам киради. Аммо деҳқон хўжалигида меҳнат шартномаси билан ишлайдиганлар бу хўжалик аъзоси ҳисобланмайди.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи ишга лаёқатли, 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалик ишларида тажрибаси бўлган малакали ёхуд махсус тайёргарликдан ўтган аъзоларидан бири бўлиши керак. Деҳқон хўжалиги бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда ёки узоқ муддат бўлмаган кезларда ўз вазифасини хўжалик аъзоларидан бирига бериш ҳуқуқи қонунда таъкидланган. Агар деҳқон хўжалиги бир шахс томонидан юритилса, шартнома асосида ҳар қандай бошқа шахс унинг йўқлигида вазифасини бажариб туриши мумкин.

Деҳқон хўжалиги махсус республика фондидаги захира ерда, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган ва янги суғориладиган, шунингдек зарар кўриб келаётган ёки кам рентабелли давлат хўжаликлари ерида ва

бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида ташкил этилиши мумкин. Деҳқон хўжалиги жамоа хўжалиги ерида ва бошқа кооператив хўжаликларда шу хўжалик аъзолари умумий йиғилиши қарори билан тузилиши мумкин.

Қонун илмий-текшириш, ўқув юртлари ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасаларига, қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари ва умумтаълим мактабларига, шунингдек саноат, транспорт ва бошқа корхона, муассаса, ташкилот ва сув фондига берилган ерларда деҳқон хўжалиги ташкил этишни ман этади.

Деҳқон хўжалиги ихтиёрий равишда унинг аъзолари томонидан туман ҳокимига ёзма мурожаати асосида ташкил этилади ва ерга доимий эгалик ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи давлат ҳужжати берилган вақтдан бошлаб кучга киради. Деҳқон хўжалиги туман ҳокими томонидан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик шахс статусини олади ва банк муассасаларида ўз ҳисобини очади, ўз номи туширилган муҳрга эга бўлади, бошқа корхона, муассаса, ташкилотлар, хорижий фирма ва алоҳида шахслар билан амалий муносабат ўрнатади.

Деҳқон хўжалигида ерга эгалик қилиш, ердан ва сувдан фойдаланиш. Айрим шахсларга деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қолдириш ҳудуди билан эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ками билан ўн йил муддатга ижара тариқасида ер участкаси берилади. Деҳқон хўжалигига берилган ер участкасини хусусийлаштириш, олди-сотди қилиш, гаровга қўйиш, алмаштириш, тортиқ қилиш мумкин эмас.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ажратиладиган ер участкасининг ҳажми ҳар бир алоҳида олинган ҳолда маҳаллий шароит, шунингдек хўжалик таркибининг сони ҳисобга олиниб берилади.

Деҳқон хўжалигини юритиш истагини билдирган шахс ариза билан ер ажратишни сўраб қишлоқ, посёлка ва маҳаллий ҳокимият идораларига мурожаат қилади, улар 15 кун муддат ичида унинг аризасини кўриб чиқади. Ариза берувчининг илтимоси қондирилган тақдирда туман ҳокимига сўраб ариза ёзилади. ҳокимлик энг кўпи билан икки ой муддат ичида деҳқон хўжалигини юритиш учун ер бериш ҳақида қарор қабул қилади. Ҳокимнинг ер участкаси беришни рад қилган қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Маҳаллий аҳоли ер участкаси олишда устивор ҳуқуққа эгадир. Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси олган шахсларнинг қишлоқ аҳоли пунктидаги уйи ва томорқаси сақланиб қолади.

Деҳқон хўжалигига берилган ер участкасини бўлиш мумкин эмас. Унинг ҳажми ва чегарасини хўжалик бошлигининг розилигисиз ўзгартиришга рухсат берилмайди.

Агар ер участкаси қайтариб олинса ёки бошқа шахсга, корхона ва ташкилотга берилса, деҳқон хўжалиги кўрган зарарни ва бошқа харажатларни ундириш ҳуқуқига эга. Ер участкасига эгалик қилиш ва фойдаланиш юзасидан чиққан низолар судда ҳал қилинади.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи вафот этган ёки меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи хўжалик аъзолари розилиги билан уларнинг бирига ёхуд бошқа бир шахсга қонунда белгиланган шартлар асосида ўлказилади. Деҳқон хўжалигининг фаолияти тўхтатилганда унга ажратилган ерга эгалик қилиш ва фойдаланиш масаласи туман ҳокими томонидан ҳал қилинади.

«Ер тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилганидек, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш пуллик. Тўлов ер солиғи ёки ижара тўлови тарзида амалга оширилади. Тўлов миқдори ер участкасининг сифати, қаерда жойлашганлиги ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб белгиланади. Деҳқон хўжалиги рўйхатдан ўтгандан кейинги дастлабки икки йилда ер солиғи тўланмайди.

Деҳқон хўжалиги учун сув олиш лимити давлат, кооператив корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва алоҳида шаҳарларга белгиланган тарзда туман ҳокими вакиллик идоралари томонидан жорий қилинади. Сув хўжалиги идораси ва деҳқон хўжалиги ўртасидаги ўзаро низолар суд, хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

Деҳқон хўжалигини юритиш ихтиёрий жамоа хўжалиги ва қишлоқ хўжалик кооперативи аъзоларида туғилса, улар кооператив низомига мувофиқ ўз ҳиссаларига тўғри келадиган мулк ва фойда қийматини олиш ҳуқуқига эга, унинг миқдори эса меҳнатдаги иштироки ҳисобига олиниб аниқланади. Олинган бу

ҳисса ҳисобига жамоа ҳўжалиги кооператив аъзолагидан чиққанларга ўзаро келишув асосида асосий ва айланма маблағини бериши ёки уни ижарага бериб туриши ёхуд деҳқон ҳўжалиги банкдан қарз олганда қариликка ўтиши, ёхуд олинган ҳисса миқдорига ижара тўлови ва қарздан фойдаланганлик учун фоиз тўлови харажатларини қоплаши мумкин. Жамоа ҳўжалигидан чиққанларнинг мулк қийматидаги ҳиссаси ва олинган фойда ҳиссасини тўлаш муддати беш йилдан ошмаслиги керак.

### Деҳқон ҳўжалиги фаолиятининг асослари

Деҳқон ҳўжалигига ўз уй-жойига, ҳўжалик қурилишига, экинзорига, мол, парранда, қишлоқ ҳўжалик техникаси, анжомлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситасига, шунингдек бошқа турдаги мулкларига эга бўлиш ҳуқуқи берилган. Деҳқон ҳўжалигининг пул фондини шакллантириш манбалари қуйидагилар:

— деҳқон ҳўжалиги аъзоларининг пул ва моддий маблағлари;

— маҳсулотни сотишдан, иш, хизмат кўрсатиш ва меҳнат фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромад;

— қийматли қоғоздан келган даромад;

— қарзлар;

— капитал маблағлар ва бюджетдан олинган дотация;

— хайрия ва бошқа бадаллар, шунингдек корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар ҳадяси;

— қонунда таъқиқланмаган бошқа манбалар ва бюджетдан олинган дотация;

— хайрия ва бошқа бадаллар, шунингдек корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар ҳадяси;

— қонунда таъқиқланмаган бошқа манбалар.

Деҳқон ҳўжалигининг мулки умумий мулк асосида (ҳиссали ёки биргаликдаги) унинг аъзоларига тегишлидир. Деҳқон ҳўжалигининг мулкига эгаллик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш ўзаро келишув бўйича унинг аъзолари томонидан амалга оширилади. Бошқа деҳқон ҳўжалигини ташкил этиш мақсадида ҳўжалик аъзолигидан чиққанда ўз ҳиссасини олиш ҳуқуқига эга. Бунда мулк ҳиссасини натура ҳолда ажратиб олиш шундай амалга оширилиши керакки, бунда аъзоси кетаётган деҳқон ҳўжалигини юритиш учун

зарур асосий фонддан ажратиб қолмаслиги керак.

Деҳқон хўжалиги корхонадан, бирлашмадан, ташкилотдан ва алоҳида шахслардан бир оз мулкни олиш, ижарага олиш ёки вақтинча фойдаланиш учун олиб туриш ҳуқуқига эга.

Деҳқон хўжалигининг фаолияти хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади, аммо вақтинча меҳнат шартномаси асосида ишлатиш учун бошқа шахслар ҳам жалб этилиши мумкин. Меҳнат тартиби деҳқон хўжалиги бошлиғи томонидан белгиланади. Меҳнат шартномаси асосида ишловчиларга иш ҳақи томонлар келишувига мувофиқ пул ва натура ҳолида тўланиши, аммо энг кам иш ҳақидан оз бўлмаслиги керак.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи розилиги билан шартнома асосида хўжаликда ишловчилар деҳқон хўжалиги мулкига пул билан ёки бошқача тарзда ҳисса қўшиниши ва қўшган ҳиссасига мутаносиб равишда миқдорда хўжалик даромади тақсимотида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи хўжалик аъзолари ва меҳнат шартномаси асосида ишловчилар учун хавфсиз меҳнат шароитини яратиб беришга мажбур.

Деҳқон хўжалигида ишлаган вақт умумий ва узлуксиз меҳнат стажига кирди. Меҳнат стажи тўғрисидаги ёзув хўжалик бошлиғи томонидан меҳнат дафтарчасига ёзилади ва маҳаллий ҳокимият раҳбари томонидан тасдиқланади.

Деҳқон хўжалиги аъзолари ва ундан меҳнат шартномаси асосида ишлаганлар ижтимоий сўғурта бўйича нафақа олиш ва олаётган иш ҳақидан қатъи назар тўла миқдорда пенсия олиш ҳуқуқига эга. Деҳқон хўжалиги ўз фаолият йўналишини, тузилмасини ва ишлаб чиқариш ҳажмини мустақил белгилайди. Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг амалдаги қонун билан таъқиқланмаган хоҳлаган тури, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланиши мумкин. Деҳқон хўжалигининг хўжалик фаолиятига давлат, жамоат, кооператив ва бошқа идоралар ва ташкилотлар томонидан аралашувга рухсат этилмайди, хўжалик томонидан қонун бузилган ҳолатлар бундан мустасно. Уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашув, шунингдек давлат, жамоат, кооператив идоралари, лавозим-

ли шахслар ва фуқаролар томонидан қонунда назарда тутилган мажбуриятни тегишлича бажармаслик натижасида деҳқон хўжалиги кўрган зарар ундириб олинади.

Деҳқон хўжалиги ташқи иқтисодий фаолият кўрсатиши ҳам мумкин. Деҳқон хўжалиги етиштирилган маҳсулотни фақат ўзи бошқариш, ихтиёрийлик асосида мустақил баҳо қўйиш, давлат, кооператив корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва муассасалар билан ўз маҳсулотини сотиш учун хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Четга маҳсулот чиқариш, шунингдек хорижий шериклар билан ҳисоб-китоб қилиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги бирлашиб маҳсулот етиштириш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техник, сув хўжалиги, ветеринария, аграр-кимёвий, консультация ва бошқа турдаги хизматлар бўйича кооператив, жамият, ассоциация, концерн ва бошқа бирлашмаларга кириш ҳуқуқига эга.

Деҳқон хўжалиги ўз мажбурияти бўйича фуқаролик қонунига мувофиқ ундириб олиши мумкин бўлган мулкка жавоб беради. Давлат деҳқон хўжалиги олган мажбурият учун жавоб бермайди.

Деҳқон хўжалигининг мол-мулки фуқаролик қонуни нормаларига мувофиқ, ер участкаси «Ер тўғрисида»ги қонунга мувофиқ мерос қилиб қолдирилади.

### Деҳқон хўжалиги фаолиятини тўхтатиш

Деҳқон хўжалигининг фаолияти қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

— хўжалик фаолиятини давом эттирадиган бирор аъзоси, меросхўр ёки бошқа шахс бўлмаса;

— деҳқон хўжалиги раҳбари ер участкасига эгаллик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқидан ўз ихтиёри билан воз кечса;

— ер участкаси берилган муддат тугаган, ерга эгаллик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш мумкин бўлмаганда;

— ердан белгиланган мақсад йўлида фойдаланилмаганда кадастр баҳолаган нормативдан мунтазам равишда кам ҳосил етиштирилганда;

— ернинг экологик ҳолати бузилганда;

— давлат ёки жамоат эҳтиёжи учун белгиланган тартибда ер участкаси қайтариб олинганда:

— деҳқон хўжалиги тўловга қодир эмас, деб эълон қилинганда;

— белгиланган муддатларда мунтазам ер солиғи ёки ижара ҳақи тўланмаганда;

— агар деҳқон хўжалиги рўйхатдан ўтган кундан бошлаб бир йил давомида ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига киришмаган бўлса;

— деҳқон хўжалиги фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун бир неча марта ёки бир марта қўпол равишда бузилганда;

— шартнома шартлари бузилганлиги муносабати билан ижара шартномаси бекор қилинганда:

— деҳқон хўжалиги қайта ташкил этилганда.

Деҳқон хўжалиги фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор туман ҳокими томонидан қабул қилинади. Унинг фаолиятини тўхтатиш билан боғлиқ инзоларни суд ҳал қилади.

Деҳқон хўжалигининг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олишдан олдин деҳқон хўжалиги аъзоларининг хоҳишига кўра ўз участкасига тенг келадиган ер ажратилиши, ер участкасини оладиган корхона, муассаса, ташкилот янги жойда тегишли турар жой ишлаб чиқариш бинолари қуриб бериши ва деҳқон хўжалиги кўрган зарарни ва қўлдан берилган имкониятни қоплаш зарур.

Деҳқон хўжалиги тугатилган тақдирда унинг мулкидан хўжаликда меҳнат шартномаси бўйича ишланганлар меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоб-китобида, бюджетга тўлашда, қарзни банкка қайтаришда ва бошқа қарз ҳисоб-китобларида фойдаланилади.

## 22- Б О Б. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ

1- §. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси.

2- §. Жиноят қонунлари.

3- §. Жиноят тушунчаси.

4- §. Жиний жавобгарлик.

5- §. Жиноятнинг таркиби.

6- §. Қилмишнинг жинийлигини истисно этадиган ҳолатлар.

7- §. Жиноятлар содир қилиш босқичлари.

8- §. Жиноятда иштирокчилик қилиш.

9- §. Жиноий жазо ва унинг турлари.

10- §. Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги.

### 1- §. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси

Республикамиз олдида турган ғоят муҳим вазифалардан бири кейинги вақтда ўсиб бораётган жиноятчиликка қарши кураш олиб боришдир. Бу вазифани ҳал этиш давлат ва фуқаролар томонидан доимо куч-ғайрат сарфлашни, ижтимоий-иқтисодий, тарбиявий ва ҳуқуқий тадбирларни оғишмай амалга оширишни тақозо этади. Бу борадаги ишда қайси қилмишлар жиноят ҳисобланади-ю, мазкур жиноятни содир этган шахсларга қандай жазо берилиши лозимлигини белгилаб берадиган ҳуқуқий меъёрлар катта аҳамиятга эга.

Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқнинг бошқа соҳаларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади: биринчидан, жиноят содир этилиши муносабати билан вужудга келган жиноий-ҳуқуқий муносабатларда, бир томондан, жамият, давлат, иккинчи томондан эса жиноят содир этган шахс субъект бўлади; иккинчидан, жиноий-ҳуқуқий норма билан белгилаб қўйилган таъқиқларни бузганлик учун, одатда, суд давлат номидан қўллайдиган жиноий жазо берилади. Республикамиз Конституциясининг 26-моддасига кўра ҳеч ким суд ҳукмисиз ва қонунга номувофиқ ҳолда жиноят содир этишда айбдор деб топилиши ҳамда жиноий жазога тортилиши мумкин эмас.

Жиноят ҳуқуқининг вазифаларига қуйидагилар киради: шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, табиий муҳитни, жамоат ва давлат манфаатларини ҳамда бутун ҳуқуқ-тартиботни жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигини сақлашга кўмаклашиш, жиноятларнинг олдини олишга, фуқароларни Республикамиз Конституцияси ва қонунларга аниқ риоя этиш руҳида тарбиялашга ёрдам бериш.

Жиноий ҳуқуқ нормалари ўз мазмунига кўра икки қисмга бўлинади: улардан бири жиноят ҳуқуқининг умумий ўрнини, қоида ва тартибини белгилаб беради, иккинчиси эса аниқ жиноятлар белгиларини таърифлаб, мазкур жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазоларни аниқлайди. Биринчи хил нормалар жиноят ҳуқуқининг Умумий қисмини,

иккинчи хил нормалар эса Махсус қисмини ташкил этади.

Умумий ва Махсус қисмлар узвий боғлиқдир. Махсус қисм нормалари Умумий қисм асосидагина қўлланилиши мумкин. Аини пайтда Умумий қисм ҳаётни фақат Махсус қисм нормалари орқалигина акс эттиради. Жиноят ҳуқуқи Умумий ва Махсус қисмларининг бир-бири билан алоқаси жиноят учун жазо белгилаш чоғида ҳам намоён бўлади. Қонун суд зиммасига Умумий қисм нормаларига асосланиб Махсус қисм моддаларида кўрсатилган турдаги ва нормадаги жазони тайинлаш мажбуриятини юклайди. Жазо тайинлаш чоғида Умумий қисм нормалари асосида мазкур ҳолда жиний жазодан озод этувчи ёки шартли қамоқ жазосини қўллаш имконини берадиган ҳолатлар бор-йўқлиги аниқланади.

Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқнинг бир қанча бошқа соҳалари, жумладан, жиноят-процессуал ҳуқуқи, ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ билан узвий боғлиқдир. Масалан, жиноят-процессуал ва ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи билан унинг вазифаси бир хилдир. Жиноят-процессуал фаолият ҳам, ахлоқ тузатиш-меҳнат фаолияти ҳам жиноят содир этилиши билан боғлиқ ҳолдагина амалга ошиши мумкин, ҳолбуки, бу соҳаларнинг ҳар иккаласи ҳам фақат унинг ўзигагина хос бўлган тартибга солиш усулига эгадир.

Жиноят ҳуқуқи қонунийлик, қонун олдида фуқаролар тенглиги, жавобгарлик муқаррарлиги, адолат, демократизм ва инсонпарварлик принципларига асосланади.

*Қонунийлик принципи.* Содир этилган қилмишнинг жинийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

*Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи*— жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил

ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар.

*Демократизм принципи.* Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

*Инсонпарварлик принципи.* Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан унинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлаши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак. Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

*Одиллик принципи.* Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

*Айб учун жавобгарлик принципи.* Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавfli қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

*Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи.* Қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

## 2-§. Жиноят қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунлари. Жиноят кодекси ҳамда айрим жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи қонунлардан иборатдир. Ҳозир амал қилиб турган Жиноят кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йил сентябрда қабул қилинди. Аввалги Жиноят кодекси бундан ўттиз беш йил муқаддам қабул қилинганлиги янги Жиноят кодексини қабул қилиш зарурлигини келтириб чиқарган эди. Республика ижтимоий-иқтисодий тараққиёти суратларининг жонланиши ҳозирги

босқичда жамиятимиз ҳуқуқий муҳофазаси соҳасида ҳам янги вазифалар қўйди, жинойят қонунларини ижтимоий тараққиётнинг янги босқичи талабларига мувофиқ ҳолга келтиришни тақозо этди.

Агар 1959 йилги Жинойят кодекси биринчи галда давлат манфаатларини ҳимоя қилган бўлса, янги Жинойят кодекси биринчи даражадаги эътиборни шахс, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига қаратади. У фуқароларнинг иқтисодий муносабатлардаги мустақиллиги ва ташаббусини таъминлайдики, бу нарса бозор иқтисодиёти ривожига сўзсиз ёрдам беради.

Янги жинойят қонунда халқаро конвенцияларнинг қондалари, чет эл тажрибаси, халқнинг анъаналари ва урф-одатлари, кенг омманинг узоқ муддатли манфаатлари анча тўлиқ акс эттирилган. Унда даража-ланган жинойят жавобгарлигининг илғор қондалари, хусусан, ижтимоий адолат қондаси анча пухта таърифланганки, бу нарса унчалик жиддий бўлмаган жинойятларни содир этган шахсларга нисбатан таъсир этиш чораларини танлашда, оғир жинойятлар ва жинойят рецидив учун қаттиқ жавобгарликни сақлашда, зарур бўлиб қолган тақдирда эса уни кучайтиришда анча ёрқин намоён бўлади.

Аввалги жинойят кодексига хос бўлган, фақат ҳуқуқ илмигагина эмас, балки умуман илм-фанга зид таърифларга тантанаворлик, кўпгина меъёрларнинг сийқалигига барҳам берилди.

Янги Жинойят кодекси мустақил давлатнинг Конституция устунлиги қондасига сўзсиз амал қилган ҳолда ўз жинойят қонунларига мувофиқ одил судни амалга ошириш ҳамда жинойят жавобгарликка тортиш ҳуқуқини амалга оширади.

Жинойят кодекси кўп қиррали қонун бўлиб, унда жинойят ҳуқуқининг барча масалалари тартибга солинган. У жинойят ҳуқуқининг қондалари ва умумий низомлари белгилаб берилган бўлимларни ўз ичига оладиган Умумий қисмдан ҳамда жинойятларни келиб чиқишига қараб тартибга туширувчи Махсус қисмдан иборат. Махсус қисм моддаларида жинойятларнинг муайян таркиблари баён қилинган ва шундай жинойятлар содир этилганда жавобгарлик белгиланган.

Моддада жинойятнинг аломатлари кўрсатиладиган қисми диспозиция деб, жазолар кўрсатиладиган қис-

ми эса санкция деб юритилади. Диспозициялар тавсифий, оддий, бланкетий, далилий (ҳаволавий) бўлади. Жиноят энг муҳим белгиларининг кенг тавсифи берилган диспозиция тавсифий диспозиция саналади. Масалан, Жиноят кодексининг номусга текканлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 118-моддаси жиноятнигина эмас, балки унинг асосий белгиларини ҳам, яъни «Номусга тегиш — зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш»ни ҳам кўрсатади.

Жиноят таркиби белгиларининг тавсифи берилмаган ёки уларнинг энг умумийлари кўрсатилган диспозиция оддий диспозициядир. Жиноят белгиларини кўрсатмай, жиноятни фақат атайдиган модда («эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш») бунга мисол бўла олади.

Бланкетий диспозиция қонунлар меъёри мазмунини аниқлаш учун ҳуқуқ бошқа соҳаларининг ҳуқуқий актларига ҳавола этади. Далилий диспозицияда қонунлар меъёри мазмунини аниқлаш учун жиноят қонунининг бошқа моддасига ҳавола берилади.

Санкция (рухсат)лар нисбий-аниқ, альтернатив ва мутлақ-аниқ санкциялардан иборат уч турга бўлинади. Нисбий-аниқ санкциялар жазо чорасини муайян чегараларда белгилайди. Альтернатив санкция жазоларнинг бир неча турларидан бирини қўллаш имконини беради. Мутлақ-аниқ санкция жазонинг фақат битта турини ва битта чорасини белгилайди. Санкциянинг бу тури амалда учрамайди.

Қилмишнинг жиноят эканлиги ва жазога лойиқлиги жиноят содир этилган вақтда амал қилиб турган қонун билан белгиланади. Қилмишнинг жиноийлигини бартараф этувчи, жазони юмшатовчи ёки шахс аҳволини бошқа тарзда яхшиловчи қонун тескари кучга эга бўлади, яъни қилмишни бундай қонун кучга киргунгача содир этган шахсларга, шу жумладан жазо ўтаётган шахсларга ҳам қўлланилади. Қилмишнинг жиноийлигини белгиловчи, жазони кучайтирувчи ёки шахс аҳволини бошқа тарзда ёмонлаштирувчи қонун тескари кучга эга бўлмайди.

Республика ҳудудида жиноят содир этган барча шахслар республика жиноят қонунларига кўра жавобгарликка тортиладилар. Жиноят кодекси 11-моддасига мувофиқ шундай бир қилмиш Ўзбекистон

ҳудудида содир этилган жиноят деб таниладики, у республика ҳудудида бошланган, тугаган ёки тўхтаб, қолган, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиний оқибати эса Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса; Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жиний оқибат эса Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса; бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан биргаликда содир этилган бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади.

Ажнабий давлатлар дипломатик вакиллари ва бошқа фуқароларнинг жиний жавобгарлиги тўғрисидаги масалани амалдаги қонунлар ҳамда ҳалқаро шартномаларга кўра, республика суди кўра олмайди. Мазкур шахслар республика ҳудудида жиноят содир этгудек бўлса, бу халқаро ҳуқуқ нормалари асосида дипломатия йўли билан ҳал қилинади.

Республиканинг чет элда жиноят содир этган фуқаролари ўзлари ҳудудида жиноят содир қилган давлатлар қонунларига кўра жазоланмаган бўлсалар, республика жиноят қонунлари бўйича жиний жавобгарликка тортиладилар. Республикада бўла туриб, Ўзбекистондан ташқарида жиноят содир этган фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам шу асосларда жиний жавобгарликка тортиладилар.

Ажнабий фуқаролар республика ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун халқаро шартномаларда кўзда тутилган ҳолларда республика қонунларига кўра жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят Амалиётида қонунни тўғри шарҳлаш муҳим аҳамият касб этади, бунда қонун мазмунининг уни қонун чиқарувчи хоҳиш-иродасига аниқ мувофиқ тарзда қўллаш мақсадида билиб олиш ёки тушунтириб бериш англашилади.

Қонунни ким шарҳлашига қараб, ошкора, суд ва илмий шарҳлашга бўлинади. Усулларига кўра грамматик ёки филологик, тизимий ва тарихий шарҳлаш фарқ қилинади. Ҳажмига кўра шарҳлаш айнан, яъни матнига аниқ мувофиқ; қонун қўлланиши мумкин бўлган ҳодисалар доирасини чегаралайдиган чекловчи; қонунга анча кенг маъно берилиб, у анча кенг доирадаги ҳодисаларга қўлланидиган тарқатувчи бўлиши мумкин.

### 3- §. Жиноят тушунчаси

Ўзбекистон Республика жиноят кодексининг 14- моддасида «Айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят» деб белгиланган. Бу эса жиноят — ижтимоий хавфли қилмиш эканлигини англатади, чунки у содир этилганда (ёки содир этилиши мумкин бўлганда) ижтимоий муносабатларга жиддий путур етказилади. Лекин ижтимоий хавфлилик турлича бўлиши мумкин. Майда безорилик бир жамоат хавфсизлигини, ўғирликлар, танга шикаст етказишлар, одам ўлдирриш— бошқа жамоат хавфсизлигини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам ЖКга кўра жиний қонун тақиқлаган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсларгина жиний жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят қонунни тақиқлаган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) қонун қўриқлайдиган объектларга жиддий путур етказадиган ёки етказиши мумкин бўлган ҳаракат шаклида, масалан, шахснинг вояга етмаган болаларини боқишдан атайин бош тортганида бўладиган ўз бурчларини бажармаслик шаклида ифодаланиши мумкин.

Гарчи расмий жиҳатдан қонун тақиқланган бирон-бир қилмишнинг аломатларига эга бўлса ҳам, лекин аҳамиятсизлиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят ҳисобланмайди.

Қилмиш жиноят деб топилиши учун унинг ижтимоий хавфли бўлиши ва қонун билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиши реал бўлиши шарт.

Жиноятнинг шарт бўлган аломати жазога лойиқдир. Агар қонун чиқарувчи у ёки бу хатти-ҳаракатни тақиқлаган ҳолда уни содир этганлик учун у ёки бошқа жазони белгиламас экан, демак, мазкур хатти-ҳаракат жиноят эмас. Лекин бу жазо албатта қўлланилиши кераклигини, у қонунда кўзда тутилган бўлишини, лекин шахс ундан озод этилиши мумкинлигини билдирмайди.

Жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир турларга бўлинади.

Хавфи катта бўлмаган жиноятларга қонун озод-

ликдан маҳрум қилишдан кўра анча юмшоқ жазолар тайинлашни назарда тутадиган жиноятлар киради.

Беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган қасддан қилинган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик орқасида қилинган барча жиноятлар унчалик оғир бўлмаган жиноятларга киради.

Оғир жиноятларга беш йилдан ўн йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган қасддан қилинган жиноятлар, ўта оғир жиноятларга ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки ўлим жазоси кўзда тутилган қасддан содир қилинган жиноятлар киради.

Жиноятлар ижтимоий хавфлилиги даражасига кўра тавсифланишидан ташқари такрор, гуруҳ томонидан содир этилган ва рецидив жиноятларга бўлинади.

Жиноят қонунининг айнан бир моддасида (модда бандида) назарда тутилган иккита ва ундан ортиқ жиноятларни содир қилиш, улардан бирортаси учун шахс қораланмаган бўлса, жиноят такрорланишини ташкил этади. Қонун томонидан махсус шарҳланган айрим ҳолларда жиноят қонунининг турли моддаларида кўзда тутилган жиноятлар такрор жиноятлар деб тан олинади.

Турли моддаларда ёки бир модданинг турли моддаларида назарда тутилган иккита ва ундан ортиқ содир қилиш, улардан бирортаси учун шахс қораланмаган бўлса, жиноятлар жамини ташкил этади. Биринчи ҳолда битта қилмиш билан мустақил тавсифланадиган бир нечта жиноятлар содир қилинади, иккинчи ҳолда бир нечта жиноятлар турли қилмишлар билан содир қилинади.

#### 4-§. Жиноий жавобгарлик

Жиноий жавобгарлик дейилганда жиноят қонунида муайян қиммишнинг жиноят сифатида ифодаланган баҳоланишини ва айбдорнинг уни содир қилганлик учун жамият олдида жавоб беришини туншунмоқ керак.

Жиноий жавобгарлик жиноят оқибати бўлган жазо билан узвий боғлиқдир. Жиноий жавобгарлик жиноят қонунининг бузилишидан бошланадики, бу

эса давлатнинг қонун бузувчини содир қилинган қилмиши учун жавобгарликка тортиш, унга жиноят қонунда кўзда тутилган жазони тайинлаш ҳуқуқи ва бурчини вужудга келтиради. Жиноий жавобгарлик, иш кўриладиган вақтга келиб, у бенуқсон хулқи туфайли судда ижтимоий хавфли эмас деб топилса, гарчи ҳамма вақт бўлмаса-да, жазо орқали амалга оширилади. Масалан, жиноят содир қилган шахс суд ҳукми билан жазодан озод қилиниши мумкин. Жиноий жавобгарлик — жазодан кўра кенгроқ тушунчадир ва у жазо қўлланмай туриб ҳам жорий этилиши мумкин, лекин жазони жиноий жавобгарликка тортмай туриб бериб бўлмайди.

Жиноий жавобгарлик қонун билан қатъий белгиланган вақт чегараларида мавжуддир. У муайян шахс жиноят содир қилган фурсатдан бошланади ва ё давлат шахсга ижтимоий ёки маъмурий таъсир ўтказиш чораларини қўллаган ҳолда, жиноий жавобгарликка тортиш ҳуқуқидан воз кечганида, ёки жиноий жавобгарликка тортиш даврининг муддати туғгани, ё бу авф умумий ёки гуноҳидан ўтиш актлари муносабати билан тўхтайтиди.

Шахснинг қилмишида жиноят таркибининг бўлиши жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Бу эса жиноий жавобгарликнинг бирдан-бир асосидир ва жиноят таркиби доирасидан ташқаридаги барча ҳолатлар, масалан, жавобгарликни енгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган ҳолатлар жазони шахсийлаштиришда, анча енгил ёки анча оғир жазо тайинлаш масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади, лекин жиноий жавобгарлик бошланишини белгиламайди.

#### 5- §. Жиноятнинг таркиби

Жиноят таркиби тушунчаси. Жиноят таркиби — бу қонун томонидан аниқланган аломатлар йиғиндиси бўлиб, уларнинг мавжудлиги жиноят сифатини тавсифлайди. Жиноят таркибининг аломатлар йиғиндиси узлуксиз бутундир. Аломатлардан ақалли биттасининг бўлмаслиги жиноятнинг ҳам йўқлигини билдиради.

Жиноят таркибининг аломатларини фақат қонун аниқлайди. Муайян жиноятнинг аломатлари ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаларида кўрсатилади,

барча муайян жиноятлар учун умумий бўлган аломатлар эса Жиноят Кодексининг Умумий қисмида баён қилинади.

Содир қилинган ижтимоий хавфли қилмиш аломатларининг муайян жиноят белгиларига мувофиқ келишини аниқлаш жиноятни тавсифлаш деб аталади, у Жиноят Кодексининг ушбу жиноят учун жавобгарликни кўзда тутган моддасида ифодаланади. Жиноятни тўғри тавсифлаш қонунийликни таъминлашнинг, жиний жавобгарликка асосли тарзда тортишнинг муҳим шартидир.

Жиноятнинг таркибини ҳосил қилувчи аломатлар зарурий ва факультатив белгиларга бўлинади. Зарурий белгилар жиноятнинг ҳар қандай таркиби учун зарур, факультатив белгилар эса айрим таркиблар: ўрин, усул, вазият, вақт, сабаб, мақсад, махсус субъект ва ҳоказоларни тавсифлашда қонунлар томонидан кўзда тутилади. Бунда факультатив белгилар жиноят муайян таркибига мувофиқ тарзда бу таркиб учун зарурий белги тусини касб этади.

Жиноятлар таркиблари жиноятнинг асосий таркиби, жиноятнинг айбни оғирлаштирадиган ҳолатларга эга бўлган таркиби, жиноятнинг айбни ўта оғирлаштирадиган ҳолатларга эга бўлган таркиби ва жиноятнинг айбни енгиллаштирадиган ҳолатларга эга бўлган таркибига бўлинади.

Жиноятнинг асосий таркиби ушбу турдаги барча жиноятларда намоён бўладиган жиноят моҳиятини ифодаловчи аломатлар билан тавсифланади.

Жиноятнинг айбни оғирлаштирадиган ҳолатларга эга бўлган таркиби тегишли жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини анча оширадиган қўшимча аломатлари мавжудлиги билан тавсифланади.

Жиноятнинг айбни ўта оғирлаштирадиган ҳолатларга эга бўлган таркиби жиноятга ўта ижтимоий хавфлилик (ўта оғир оқибатларга олиб келган бола ўғирлаш) қўшадиган қўшимча аломатлари мавжудлиги билан тавсифланади.

Жиноятнинг айбни енгиллаштирадиган аломатларга эга бўлган таркиби жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги арзимаган даражадалигидан дарак берувчи ҳолатлар мавжудлиги билан тавсифланади.

Жиноят таркиби жиноятнинг объекти ва объектив жиҳатини, субъекти ва субъектив жиҳатини тав-

сифлайдиган аломатлар тўрт гуруҳини ҳосил қилади.

**Жиноят объекти.** Жиноят объекти — бу жиноятчи ҳаракатлари қаратилган нарса, яъни жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлардир. Улар, юқорида айтиб ўтилганидек, шахс фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мулк ва ҳоказо.

Жиноят ҳуқуқи назариясида тажовузнинг умумий, ўхшаш (махсус) ва бевосита объекти ажратилади. Умумий объект — қонун томонидан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлардир. У барча жиноятлар учун ягона бўлади.

Ўхшаш объект — жиноят қонуни томонидан муҳофаза қилинадиган бир турли ва ўзаро боғлиқ ижтимоий муносабатлар гуруҳидир (босқинчилик, ўғрилиқ, фирибгарлик бир гуруҳга бирлаштирилган, чунки бу барча жиноятлар учун мулк ўхшаш объектдир). Ўхшаш объект ижтимоий муносабатлар характерици белгилайди ва сиртдан ўхшаш жиноятларни (террорлик акти ва қасддан одам ўлдириш) фарқлайдиган асосий белгиларидан биридир.

Бевосита объект — бу жиноят тажовуз қиладиган ижтимоий муносабат ёки муносабатлар жами (ҳаёт, саломатлик, ор-номус, қадр-қиммат). Айрим жиноятлар, масалан, талончилик айни вақтда иккита объект — шахс ва мулкка тажовуз қилади.

Жиноятнинг бевосита объекти билан бирга жиноят белгисини ҳам ажратиш ва аниқлаш керакки, унга фақат моддий қобиққа эга бўлиб, ташқаридан идрок этиладиган нарсалар, предметлар, қадриятлар киради. Айрим ҳолларда жиноят предметини кўрсатиб бўлмайди, бошқа ҳолларда эса жиноят таркибининг муқаррар белгиси ҳисобланади. Масалан, ЖКнинг ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш тўғрисидаги 196-моддаси мазкур ҳолда олтин ва қимматбаҳо металллар ҳамда тошлар жиноят предмети ҳисобланишини кўзда тутати.

Жиноят предметини аниқлаш содир этилган нарса ижтимоий хавфлилиги даражасини белгилаш учун, бир қанча ҳолларда эса жиноят даражасини белгилаш учун зарурдир.

**Объектив томон.** Жиноятнинг объектив томони — бу қонун томонидан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга жиддий путур етказган ёки еткази оладиган муайян ижтимоий хавфли қилмишнинг ташқи кўриниши, шунингдек бу путур етказишнинг жойи, вақти, вазияти ҳамда усулидир.

Жиноятнинг қонунда кўзда тутилган турлари аксарият ҳолларда айнан ижтимоий хавфли қилмишда намоён бўлиши характерига кўра, уларнинг намоён бўлиш оқибатлари, вазиятларига кўра фарқланади.

Ижтимоий хавфли феъл-атвор ҳаракатда ва ҳаракатсизликда намоён бўлади. Ҳаракат — бу ижтимоий хавфли феъл-атвор кўринишининг фаол шакли, ҳаракатсизлик эса — суст шаклидир. Жиноятларнинг аксарияти муқаррар равишда ижтимоий хавфли ва англаб етилган ҳаракат натижасида содир қилинади. Агар ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилигини киши англаб етмаса, бу ҳаракат жинойий жавобгарликка сабаб бўлмайди. Буца англаб етганлик мазкур шахсга енгил бўлмас куч ёки жисмоний мажбурлаш натижаси эмас, балки ўша шахс иродасининг ифодаси бўлмоғи керак. Руҳий мажбурлаш, одатда, кишини содир этилган нарса учун жавобгарликдан озод қилмайди, лекин айбни енгиллаштирадиган ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин. Жинойий-ҳуқуқий ҳаракат ўз мазмунига кўра бутун бошли бошқа ҳаракатлар занжирини ўз ичига олган мураккаб ҳаракатдир. Масалан, қотиллик қилган одамнинг ҳаракати пичоқ уришдангина иборат бўлмайди. У пичоқни олиши, қулочкашлаши ва зарб уриши керак эди.

Ҳаракатсизликда шахс қонун томонидан маълум тарзда ҳаракат қилиши кўзда тутилган вақтда ҳаракат қилмайди. Бундаё ҳаракатсизликка, масалан, ҳарбий хизматдан бош тортиш киради. Ҳаракатсизлик-ижтимоий хавфли, англаб етилган, айбли феъл-атвордир. Бироқ гоҳо кишининг қонунда кўзда тутилган ҳаракатларни бажаришдан бош тортиши айбдор томонидан фаол ҳаракатлар қилиниши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, шахс ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиши ниятида ўзига қалбаки ҳужжатлар олади, ёлгондакам касал бўлади.

Ижтимоий хавфли қилмишнинг ўзига хос хусу-

сияти шундаки, у ижтимоий муносабатларга путур етказиши мумкин ёки етказади, яъни ижтимоий муносабатларнинг салбий ўзгаришида ифодаланган хавфли оқибатга сабаб бўлади. Жиноий қилмиш битта оқибат ва кўп оқибатлар туғдириши мумкин. Айрим ҳолларда жиноятнинг узил-кесил таркиби борлиги қонун томонидан белгиланган муайян оқибатлар юз берганда тан олинади. Бундай жиноятлар таркибини моддий таркиб деб аташ қабул қилинган. Буларга қотиллик, ўғрилик, совуққонлик киради.

Бошқа ҳолларда жиноят тугалланган таркибининг объектив томони бўлиши учун унинг оқибатидан қатъи назар, ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилганлик фактининг ўзи етарлидир. Жиноятнинг бундай таркиби расмий таркиб деб аталади. Бундай таркиблар жиноят кодексида кўзда тутилган жиноятларнинг аксариятига хосдир. Моддий ва расмий таркибларга ажратиш жиноят тугаган фурсатни аниқлаш ва унинг даражасини белгилаш имконини беради.

Ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят таркибининг муқаррар белгилари ҳисобланади, оқибат, сабабий боғланиш, шунингдек жиноят содир қилиш шартлари, вазияти, вақти, ўрни, усули, қуроли ва воситалари ҳам факультатив белгиларга киради. Ҳаракат ва ҳаракатсизлик бўлмаса, жиноят ҳам бўлмайди, факультатив белгиларсиз эса жиноят таркиби бўлиши мумкин. Лекин улар жиноят таркибида муқаррар белгилар сифатида намоён бўлиши мумкин. Чунончи, жиноят содир қилинган жой, одатда, жиноят таркибини аниқлашда аҳамият касб этмайди. Бироқ жиноят таркиби бу белгисиз бўлиши мумкин эмас. Масалан, фақат чегарагина контрабанда, республикага ноқонуний кириш ва ундан чет элга чиқиш, чегара ҳудудида яшаш қоидаларини бузиш ўрни бўлиши мумкин, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар ўрни эса шу муассасаларнинг ўзи бўлиши мумкин.

Кўпинча факультатив белгилар содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини оширади, масалан, безорилик содир этилаётганда ўт-очар қуролнинг ишлатилиши номалакали жиноятни малакали жиноятга айлантиради. Жиноят малака-

сини ўзгартирувчи энг кўп тарқалган ҳолат уни содир қилиш усулидир. Чунончи, қотиллик кўп одамлар ҳаёти учун хавфли усул билан содир қилинган бўлса, малакали қотилликка айланади.

**Жиноят субъекти.** Бизнинг қонунларимиз бўйича жисмоний шахсгина жиноят субъекти деб тан олинади. Бироқ жиний жавобгарлик шахс 16 ёшга тўлгандан кейингина бошланади. Бу умумий қоидадан истисно ҳам бор. Қасддан одам ўлдирганлик учун, масалан, жиний жавобгарлик 13 ёшдан бошланади. Зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб, ёки кучли руҳий ҳаяжон ҳолатида содир қилинган қотиллик; соғлиққа қасддан путур етказган оғир ёки сал оғир тан жароҳати; зўрлаш, одам ўғирлаш, талончилик, босқинчилик, ўғриликлар ҳамда ўттиздан ортиқ бошқа оғир ва ўта оғир жиноятлар учун 14 ёшга тўлган шахслар жиний жавобгарликка тортиладилар.

Содир қилингани учун жавобгарлиги 18 ёшдан бошланадиган жиноятлар бор (масалан, ота-оналар ва болаларни боқишдан бош тортиш, балоғатга етмаганларни антиижтимоий фаолиятга жалб этиш—жами 25 та жиноят).

Ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш пайтида руҳий касаллик ҳолатида бўлган, яъни сурункали психик дард, психиканинг вақтинча бузилиши, ақл ожизлиги ёки оғир психик бузилиш туфайли ҳаракатлари тўғрисида ўзига ҳисоб беролмаган ёки бу ҳаракатларни бошқаролмаган шахс жиний жавобгарликка тортилмайди.

Ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ўз иродасига кўра, ўз тушунчалари ва истакларига мувофиқ тарзда ҳаракат қилолмасликни билдиради. Киши ўз хулқ-атворининг ярамаслигини яхши тушуниши мумкин, лекин ўз дарди туфайли унга қарши тура олмайди.

Кишининг ақли норасолиги тўғрисида масала у содир қилган муайян жиноят фактига мувофиқ тарздагина ва фақат жиноят содир қилинган вақтга нисбатан ҳал этилади. Агар шахс бошқа вақтда ва бошқа иш бўйича ақли норасо деб топилган бўлса, унинг ақли норасолигини аниқлаш учун янги суд-психатрик экспертизаси ўтказиш талаб қилинади.

Шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш

вақтида чекланган руҳий ҳолатнинг вақтинча бузилганлиги, яъни оғир руҳий бузилиш туфайли ўз ҳаракатлари аҳамиятини чала англай олса ёки бошқара билмаса, жиний жавобгарликка тортилади. Чекланган руҳий ҳолатнинг вақтинча бузилганлиги жазо белгилаш вақтида ҳисобга олинishi ёки таъбат характеридаги мажбурий чоралар қўллаш учун асос хизматини ўташи мумкин.

Жиноятни маст ҳолатда содир қилган шахс ҳам жиний жавобгарликдан озод этилмайди.

Маълум тоифалардаги шахсларгина ўз иши, хизмати, касби, ёки бирон-бир махсус бурчларини бажариши муносабати билан содир қиладиган жиноятлар бор. Чунончи, ҳарбий жиноятлар учун ҳарбий хизматчиларгина жавобгар бўладилар.

Жиноят кодексига «хавфли» ва «алоҳида хавфли» рецидивист атамалари ҳам учрайди. Қасддан жиноят содир қилганлик учун аввал ҳукм қилинган ва шундай жиноят содир қилган шахс хавфли рецидивист деб тан олинishi мумкин. Шахсни алоҳида хавфли рецидивист деб тан олиш масаласини ҳал этиш вақтида у 18 ёшгача содир қилган жиноятлари учун судланганлиги қонун томонидан белгиланган тартибда ўчирилгани ёки отиб ташлангани ҳисобга олинмайди.

**Жиноят таркибининг субъектив томони.** Субъектив томон — бу айбнинг мавжудлиги бўлиб, бунда шахснинг содир қилган ижтимоий хавфли қилмишига ва унинг оқибатларига руҳий муносабати тушунилади.

Жиноят қонуни, юқорида айтиб ўтилганидек, жиний жавобгарликка жиноятни содир қилишда айбдор бўлган шахсларгина тортилишини назарда тутди. Айбнинг мазмуни — бу онг ва истак-ирода бўлиб, уларнинг турли хил уйғунлашуви айбнинг қасд ҳамда эҳтиётсизликдан иборат турли шаклларини ҳосил қилади.

Қасд тўғри ва эгри бўлади. Тўғри қасд билан тугаши ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатни бажариш вақти билан, яъни жиноятнинг расмий таркиби билан аниқланадиган жиноят содир қилинади. Тўғри қасддан жиноят содир қилган шахс унинг ижтимоий хавфли характерини англаган ва унинг бўлишни истаган бўлади.

Эгри қасд бевосита ва билвосита бўлади. Жиноят уни содир қилган шахс ўз хатти-ҳаракатининг ижтимоий хавфли характери ни англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўрган ва гарчи бу оқибатлар бўлишини истамаган бўлса-да, лекин уларга йўл қўйган бўлса, билвосита деб топилади.

Эгри қасдда ҳам тўғри қасдда ҳам жиноят содир қилган шахс қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англайди ҳамда унинг оқибатларини олдиндан кўради. Агар қасд тўғри бўлганда, одатда, хавфли оқибатлар муқаррарлигини, гоҳо ҳақиқатда муқаррарлигини олдиндан кўриш ва шахснинг уларга ижобий муносабати, улар бошланишини истаганлигини билдирса, қасд эгри бўлганда эса шахс хавфли оқибатлар ҳақиқатда мумкинлигини олдиндан кўриши ва уларга онгли равишда йўл қўйиш билан характерланади.

Қасд эгри ва тўғри қасдларга бўлинишидан ташқари, яна олдиндан ўйланган, тўсатдан пайдо бўлган, муайян, муқобил ва ноаниқ қасдларга ҳам ажралади.

Олдиндан ўйланган қасд дарҳол эмас, балки пайдо бўлгандан кейин бирор вақт ўтиб, амалга ошириладиган қасддир.

Тўсатдан пайдо бўлган қасд дарҳол ёки пайдо бўлгандан сал вақт ўтиб амалга оширилади.

Муайян қасд айбдорнинг бирор-бир муайян оқибат бўлишини олдиндан кўриши, муқобил қасд эса иккита ёки ундан кўп шахсий-муайян оқибатлар бўлиши мумкинлигини олдиндан кўриши билан характерланади. Ноаниқ қасд эса айбдорда хатти-ҳаракатнинг объектив хоссалари ҳақида шахсий-аниқ эмас, балки, умумлашма тушунча борлиги билан характерланади.

Жиноят ўзига ортиқча ишонганлик ёки бефарқлик туфайли содир қилинган бўлса, эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган деб тан олинади. Ўзига ишонганликда жиноят содир қилган шахс ўз қилмишларининг ижтимоий хавфли оқибатлари бўлиши мумкинлигини билади, лекин енгилтаклик билан уларнинг олдини олса бўлади, деб ҳисоблайди. Масалан, шофёр тезликни камайтирмай, яхши оқибатдан

умид қилгани ҳолда, қизил чироққа чиқиб боради ва фалокат содир қилади.

Жиноий ўзига ишонганлик бевосита ва билвосита қасдга сал ўхшайди, лекин қасднинг иккала туридан фарқли ўлароқ, айбдорнинг ўзига ишонганликдаги қилмишлари ўз-ўзича жиноят содир қилишга қаратилмайди. Улар эҳтиёткорликнинг зарар олдини олиш учун белгиланган муайян қоидаларини онгли равишда бузиш билан боғлиқдир. Ўзига ишонганликда зарарли оқибат бошланишини олдиндан кўриш муайян характерда эмас, балки мавҳум характерда бўлади. Айбдор ўз ҳаракатлари қандайдир муайян оқибатни эмас, балки умуман ижтимоий хавфли оқибатларни келтириши мумкинлигини олдиндан кўради. Бундан ташқари, агар бевосита қасдда шахс жиноий оқибатлар бўлишини истаса, билвосита қасдда эса у ҳам, бу ҳам бўлмайди. Бунинг устига, гарчи ушбу мўлжал ҳеч бир нарса билан асосланмаган хомхаёллик бўлса-да, шахс хавфли оқибатларнинг олдини олишни мўлжаллайди.

Жиноий бефарқликда унга йўл қўйган шахс ўз қилмишининг оқибатларини гарчи олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлса-да, лекин олдиндан кўрмайди. Масалан, бирон-бир одам деразадан шишани улоқтиради, у йўловчининг бошига тегиб, унга оғир тан жароҳати етказди. Жиноий бефарқлик шахс ушбу шароитда ўз субъектив хусусиятларига кўра ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан билиши лозимгина эмас, балки мумкин ҳам экани аниқлансагина жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноий бефарқликдан «ҳодиса» ёки «казус» (тасодифан)ни фарқламоқ керак. Казусдаги бошланган оқибат шахс ҳаракатининг натижаси бўлиб, шахс унинг бошланишини олдиндан билмайдигина эмас олдиндан билиши лозим ва мумкин ҳам бўлмайди. Мазкур ҳолда шахс, гарчи унинг ҳаракатлари оқибати оғир бўлиши мумкин бўлса-да, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Жиноят таркибининг субъектив томонини давсифлайдиган белгиларга фақат қасд ёки бефарқликкина эмас, балки шахс амал қилиб жиноят содир этадиган мотив ёки жиноятчи интиладиган мақсад ҳам киради.

Жиноят мотиви — бу шахс томонидан англандан ички нияти бўлиб, унда жиноят содир этиш шижоат тўғдиради ва шу жиноятни амалга оширишга чорлайди.

Мақсад — бу шахс жиноят содир этилиши натижасида интиладиган, эришишни истайдиган нарса. Мақсад — объектив воқелик факти бўлган оқибатида фарқли ўлароқ, исталган натижа тўғрисидаги тушунча, инсон тафаккурининг маҳсулидир.

Мақсад фақат қасддан жиноят содир этишдагина бўлиши мумкин. Бир қанча меъёрлар мақсад жиноятнинг зарурий унсури сифатида намоён бўлади.

### 6- §. Қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган ҳолатлар

Турмушда кўпгина шундай ҳодисалар учраб турадики, шахснинг ҳаракатлари расман айрим жиноят белгиларига тўғри келади, бироқ қонунда назарда тутилган бир қанча ҳолатларга кўра бундай деб топилмайди. Жиноят қонуниларида бу ҳолатларга зарурий мудофаа, охири зарурат, жиноятчини тутиш, буйруқ ёки бошқа бурчни бажариш, шунингдек ўринли касбий ва хужалик таваккалчилиги киради.

**Зарурий мудофаа.** Жиноят қонунда кўрсатилган қилмиш зарурий мудофаа ҳолатида содир этилса, яъни мудофааланувчининг ёки бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатлари жамият учун хавfli ҳаракатлардан тажовуз қилувчига зарар келтириш йўли билан ҳимоя қилинса, агар шу билан бирга зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят ҳисобланмайди, бунда мудофаанинг тажовуз характери ва хавfliлиги даражасига бутунлай мувофиқ келмаслиги тушунилади.

Зарурий мудофаа — бу жиноий тажовузга фаол қарши туришдир. Уни ҳар бир фуқаро амалга ошира олади. Бу унинг ҳаққидир. Бунда у ўзида жиноятчидан қочиб ёки ёрдам беришни сўраб бошқа шахсларга ённки ҳокимият идораларига мурожаат қилиш имкони бўлганида ҳам ҳаққидир. Муайян тоифадаги шахслар учун зарурий мудофаа ҳуқуққина эмас, балки мажбурият ҳамдир. Бундай шахсларга,

Зарурий мудофаа жиноят ҳисобланмаган ижти-

мой хавfli тажовуздан ҳимояланишда, лекин жиноят ҳисобланмайдиган ижтимоий хавfli ҳаракатлардан ҳам ҳимояланишда қўл келади. Унга қонуний қўриқланадиган манфаатларга путур етказаетган тажовуз ёки энг яқин вақтда шундай путур етказиш таҳдиди бевосита ёки ҳақиқатан бўлганда йўл қўйилади.

Қонуний ҳаракатлардан ҳимояланиш, масалан қонуний қўлга олишда, қамашда қаршилик кўрсатиш ярамайди. Мудофааланувчининг тажовуз қилувчига зарур етказган ҳаракатлари тажовузнинг олди олиб бўлинган ёки тугагандан кейин содир этилган бўлса ва ҳимояланиш воситаларини қўллашга зарурат бутунлай қолмаган бўлса, зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб топилмайди. Бу ҳаракатлар уч, ўзбошимчалик билан қасд олиш деб баҳоланади. Бироқ жабрланувчи ёки бошқа шахсларнинг бевосита тажовуз содир қилингандан кейин жиноятчини қўлга олиш ва уни тегишли ҳокимият органларига топшириш мақсадида қилган ҳаракатлари қўлга олиш учун зарур бўлиб, тажовузнинг хавfliлик даражасига ҳамда жиноятчини қўлга олиш шароитига мувофиқ келса, қонуний ҳисобланади ва зарурий мудофаага тенглаштирилади.

Мудофааланувчининг тажовуз қилувчи ҳам фойдаланган воситалар ва қуролдан фойдаланиши талаб қилинмайди. Зарурий мудофаада мудофааланувчига таҳдид солган хавфнинг даражаси ва характери ҳам, унинг тажовузга нисбатан кучи ҳамда имкониятлари ҳам (мудофааланувчилар ва ҳужум қилувчилар сони, уларнинг ёши, жисмоний ҳолати, қуролнинг борлиги, жой ҳамда вақт) ҳисобга олинади. Ҳужумдан ҳимояланиш шароитида киши ҳамма вақт ҳам хавф характерини аниқ ўлчай ва ҳимояланишнинг мувофиқ воситасини танлай олмайдики, бу нарса ўзи жавобгар бўла олмайдиган янада оғирроқ оқибатларга олиб келиши мумкин.

**Охири зарурат.** Жиноят қонунда назарда тутилган ҳаракатлар, гарчи жиноят белгиларига эга бўлса-да, охири зарурат ҳолатида қилинса, яъни давлат манфаатларига, жамият манфаатларига, шу шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёки ҳуқуқларига қўрқинчли бўлган хавфни қайтариш учун қилинган бўлса ва шу хавфни ўша ҳолатда

бошқа чоралар билан қайтариш мумкин бўлмаган бўлса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят ҳисобланмайди. Охирги заруратда зарар келтириш хавфи ҳақиқатан пайдо бўлган бўлиши ёки муқаррар бошланишини, у шахснинг ҳаёлида эмас, балки амалда мавжуд бўлиши керак. Шахснинг хавфни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ўз вақтида бўлиши лозим.

Охирги заруратда хавф манбаи табиат ва техника кучлари, киши танасида кечадиган физиологик жараёнлар (очлик) бўлиши мумкин. Объектив равишда жинорий-жазоланадиган хатти-ҳаракатда бўлиши керак бўлган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ҳам хавф манбалари бўлиши мумкинки, бу хатти-ҳаракатлар (ёнгин чиқишига сабаб бўлган ёнгинга қарши чораларни бажармаслик, ўз-ўзидан алангаланиб кетадиган моддаларга эҳтиёт бўлмаслик) учун жиноят қонунларида жавобгарлик кўзда тутилган.

Зарурий мудофаага бўлганидек охирги зарурат ҳам ижтимоий-фойдали ҳаракатдир, чунки катта зарар олдини олиш учун кичик зарар етказилади. Бироқ, бу зарарлар бир-биридан анча фарқ ҳам қилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, зарурий мудофаа жинорий тажовузга қарши турнишга қаратилган, охирги зарурат эса кишининг ижтимоий хавфли ҳаракатлари натижасидагина эмас, балки табиат ва техниканинг вайрон қилувчи кучи, ҳайвонларнинг ҳамласи натижасида ҳам пайдо бўладиган хавфни бартараф этишга қаратилган. Зарурий мудофаада етказилган зарар олди олгинган зарарга қараганда кам, тенг ёки ҳатто кўп бўлиши мумкин, охирги заруратда эса у олди олинган зарардан ҳамма вақт кам бўлиши керак.

Зарурий мудофаага мудофааланувчи ҳужумга чап бера олиши ёки ёрдам сўраши мумкин бўлганда, яъни у тажовузкорга зарар етказишдан тийиниши мумкин бўлганда йўл қўйилади. Охирги заруратга хавфни зарар етказмасдан бартараф қилиш мумкин бўлса, йўл қўйиб бўлмайди.

Зарурий мудофаада етказилган зарар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни туғдирмайди, охирги заруратда етказилган зарар ўрнини эса қоплаш керак бўлади.

**Жиноятчини ушлаш.** Жиноят содир қилган шахс-ни жиноят содир қилиш пайтида ёки бевосита шундан кейин уни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлашга қаратилган ҳаракатлар, бунда ушлаш воситалари ва усулларининг жиноят ва уни содир қилган шахс ҳавфлилигига, ушлаш вазиятига бутунлай мувофиқ келмаслигига йўл қўйилмаган бўлса, қонуний ҳисобланади. Жиноятчини тутиш ҳаракатларининг қонунийлигини баҳолашда унинг ушланишидан қутулиш ҳаракатлари, ушланувчининг кучи ва имкониятлари, унинг ушланиш факти билан боғлиқ руҳий ҳолати ҳамда бошқа шароитлар ҳисобга олинади.

**Буйруқ ёки бошқа бурчни бажариш.** Янги жиноят кодексига мувофиқ зарар етказиш, агар унга йўл қўйган шахс буйруқ ёки бошқа фармойишни ҳамда ўз лавозими назарда тутган бурчларни қонуний адо этган бўлса, жиноят ҳисобланмайди. Бунда буйруқ, фармойиш ёки бурчларни бажариш вақтида етказилган зарар муҳим шарт ҳисобланади. Ноқонуний буйруқ, фармойиш ёки юклатилган бурчларни бажариш жавобгарликдан озод этмайди. Бунда зарар етказган шахс умумий асосларда жинойий жавобгар бўлади.

**Қонун жинойий буйруқ ёки фармойишни бажариш** вақтида етказилган зарар учун жинойий жавобгарликни назарда тутиб, бундай буйруқ, фармойиш ёки ноқонуний юклатилган бурчларни бажармаган ё бузган шахсларни жавобгарликдан озод қилади.

**Ўринли касбий ва хўжалик таваккалчилиги.** Кишилар ишлаб чиқариш зарурати туфайли қонунни бузувчи, лекин фойдали ҳаракатларни қилишга таваккал қилинганларида қанчадан-қанча ташвишлар, адолатсизликларни бошдан кечирмадилар. Улар гоҳо ҳатто жинойий жавобгарликка тортардилар. Ҳаммаси қонуний, расман тўғри бўлиб, моҳиятан ижтимоий-фойдали ҳаракатлар сунъий тарзда ижтимоий ҳавfli ҳаракатларга айлантириларди. Бугунги кунда жиноят қонунлари ҳаракатлар, гарчи жиноят белгиларига эга бўлса-да, лекин ўринли касбий ёки хўжалик таваккалчилигидан иборат бўлса, жиноят ҳисобланмаслигини назарда тутлади.

Содир қилинган ҳаракатлар ҳозирги замон фан-техник билимлари ва тажрибасига мувофиқ келса,

қўйилган мақсадга эса таваккалчилик билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлар воситасида эришиб бўлмаса ва таваккалчилик йул қўйган шахс зарар олдини олиш учун қўлидан келган барча чораларни кўрган бўлса, таваккалчилик ўринли деб топилади. Агар таваккалчилик бошданоқ экологик фалокат, кишилар саломатлиги ва ҳаёти учун таҳлика билан боғлиқ бўлса, ўринли деб топилмайди.

### 7- §. Жиноятлар содир қилиш босқичлари

Жиноятлар содир қилиш босқичлари—бу қасддан жиноятни содир этилган ҳаракатлар характери ва жиний фаолият тўхтатилиши пайти бўйича ўзаро фарқланадиган тайёрлаш ҳамда амалга ошириш босқичларидир. Қонунда тугалланган жиноятлардан ташқари яна икки босқич: тайёрлаш ва суиқасд босқичлари ажратилган.

Айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолда бошлангунга қадар тўхтаб қолган жиноятни содир қилиш ёки яшириш учун шароитлар яратадиган хатти-ҳаракат жиноятни тайёрлаш деб топилади.

Жиноят содир қилиш учун воситалар ёки қуроллар излаб топиш, ёинки шароитларни бошқа қасддан яратиш жиноятни тайёрлаш ҳисобланади. Жиноят содир қилиш воситалари дейилганда жиноятни содир қилиш учун ёрдам берадиган турли хил ашёлар, ҳужжатлар ва мосламалар тушунилади.

Жиноят содир қилиш қуролларига жиноятни бевосита содир қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган ҳар қандай ашёлар кирази. Булар ўточар ва совуқ қурол, пичоқлар, кастетлар, заҳарлар, мисранглар, болталар ва ҳоказолардир.

Воситалар ва қуроллар излаб топиш дейилганда жиноят содир қилиш учун уларни излаш ҳамда қўлга киритиш тушунилади.

Воситалар ва қуролларни мослаш—бу санаб ўтилган ашёларни тайёрлаш ёки уларни жиноят содир қилишда фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатга келтиришдир.

Шароитларни бошқа қасддан яратиш дейилганда жиний гуруҳ тузиш, мулжалланган жиноят ўрнини ўрганиш, тўсиқларни бартараф этиш тушунилади.

Жиний жавобгарлик оғир ва алоҳида оғир жи-

ноятга тайёргарлик учунгина ва бевосита қасд бўлгандагина назарда тутилади.

Суиқасд дейилганда, агар бунда жиноят шахс иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етказилмаган бўлса, бевосита жиноят содир қилишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади; суиқасд, биринчидан, шахснинг ҳаракатлари бевосита жиноят содир қилишга қаратилганлиги ва тажовуз объекти бевосита зарар етказиш хавфига йўлиқтирилиши билан тавсифланади;

иккинчидан, жиноят тугалланмаганлиги билан, яъни жиноят мазкур таркибининг муқаррар белгиси бўлган жинойий натижа бўлмаганлиги билан тавсифланади;

учинчидан, жиноятчи ўз истагига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра — ташқи тарздаги омиллар муносабати билан интилган натижасига эришолмаганлиги билан. Бу нарса суиқасдни ихтиёрий воз кечишдан ажратишда белгиловчи ҳолат ҳисобланади. Ихтиёрий воз кечиш дейилганда шахснинг бошланган жиноятни, тайёргарлик ҳаракатларини жиноятни охирига етказиш мумкинлигини била туриб ихтиёрий равишда тўхтатиши тушунилади. Бошланган жиноят унга нисбатан ихтиёрий воз кечиш амалга оширилган бўлса, жинойий жавобгарликка сабаб бўлмайди. Агар ҳақиқатда тугалланган хатти-ҳаракатда жиноят таркиби бўлган ҳоллар учунгина жинойий жавобгарлик назарда тутилган. Ихтиёрий воз кечиш хатти-ҳаракатни анча қулай вақтга кўчиришни эмас, балки уни содир этишни тўла равишда тўхтатишни кўзда тутди. Жиноят ташкилотчиси, ғаламиси ёки кўмакчисининг ихтиёрий воз кечиши шахс жиноят содир қилиши олдини олиш учун қўлидан келган ҳамма чораларни ўз вақтида кўрган бўлса, жавобгарликни истисно этади;

тўртинчидан, суиқасд бевосита қасд айби билангина тавсифланади.

Жазоланадиган тайёргарлик ёки суиқасд учун жавобгарлик тугалланган жиноят учун тайинландиган модда бўйича бошланади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида «яроқсиз суиқасд» тушунчаси бўлиб, у яроқсиз объектга суиқасд ва яроқсиз воситалар билан суиқасдга бўлинади.

Биринчи ҳолда шахс ўз ҳаракатларини ҳақиқат-

да мавжуд объект (ҳаёт, мулк)га қаратар экан, тажовуз объектнинг хусусиятлари тўғрисида янглиш тушунчаларга эга бўлганлиги учун мақсадга эришолмайди. Айрим ҳолларда бу нарса жиноят содир қилинаётган пайтда тажовуз объектнинг бўлмаслиги (сумкада пул йўқ экан) билан, бошқа ҳолларда эса жабрланувчига нисбатан янглишиш (киши турибди, деб уйласа, қандайдир ашё ёки маникен экан) билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Иккинчи ҳолда шахс жиноят содир қилиш учун уни амалга оширишни объектив жиҳатдан таъминлай олмайдиган воситалар ва усуллардан фойдаланади (заҳарлаш учун зарарсиз кукун ёки заҳарнинг кифоя қилмайдиган дозасини қўллаш).

Яроқсиз суиқасд умумий қоида бўйича жинойи жавобгарликка сабаб бўлади, лекин шахс фойдаланган воситалар жинсий ният амалга ошишини бошдан оқ таъминлай олмаганда бўлса, ҳаракатларда объектив ижтимоий хавф бўлмаганлиги учун жавобгарлик истисно этилади.

Айбдорнинг жиноят объектив ва субъектив белгиларига тўла ҳажмда эга бўлган ҳаракатларни содир қилиши жиноятнинг тугалланиши деб топилади. Жиноятнинг тугалланиш пайти қонун томонидан аниқланади. Масалан, қотилликни тугалланган деб топиш учун қонун ўлимнинг ҳақиқатда бўлганлигини назарда тутати.

Шуни ҳисобга олиш керакки, санаб утилган босқичлар жиноятда ҳамма вақт ҳам учрайвермайди. Кетма-кет келадиган жиноятлар ҳам бор. Бошқа ҳолларда битта ёки иккита босқич учрайди, айрим ҳолларда эса — улар шахс ниятни дарҳол амалга оширганда (тугалланган жиноят) умуман кўринмайди.

## 8-§. Жиноятда иштирокчилик қилиш

Икки ва ундан ортиқ шахсларнинг жиноят содир қилишда қасддан бирга қатнашиши иштирокчилик ҳисобланади. Ёш ва ақли расолик иштирокчиликнинг муқаррар шартидир. Агар жиноятда ақли норасолар ёки 14 ёшгача бўлган балоғатга етмаганлар қасддан одам ўлдиришда эса 13 ёшгача бўлган балоғатга етмаганнинг қатнашиши иштирокчилик ҳисобланмайди. Иштирокчилик дейилганда жиноятни биргаликда содир қилиш, яъни жиноятни содир қилишда

қатнашган шахсларнинг ҳаракатлари ўзаро шартланган ҳамда ҳар бир қатнашувчи хатти-ҳаракатига сабабий боғлиқликда бўлган ягона жиноий оқибатга эга бўлиши тушунилади. Ният, жиноят содир қилишнинг биргаликда эканлигини англаш ва умумий оқибатларни олдиндан кўриш иштирокчилликнинг муқаррар шарти ҳисобланади. Бу шарт бўлмаса, иштирокчилик тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Жиноят кодексининг моддасида жиноятнинг асосий белгиси сифатида сабаб ёки мақсад кўрсатилса, бундай жиноятнинг иштирокчиси уларни билган ва амалга оширишга кўмаклашган киши бўлади.

Иштирокчиларнинг функциялари турлича бўлиши мумкин: бажарувчи уюштириш, далолат ва ёрдам қилиш.

Бажарувчи — бу ўзи жиноят содир қиладиган ёки бошқа шахслар билан бирга уни содир қилишда бевосита қатнашадиган, шунингдек, қонун туфайли жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бошқа шахслардан фойдаланиш воситасида жиноят содир қилган шахсдир. Шахс жиноятни тўла содир қилгандагина эмас, балки у моддада кўрсатилган хатти-ҳаракатнинг ақалли бир қисмини содир қилганда ҳам бевосита қатнашганлик эътироф этилади. Бу одам ўлдириш, ўғрилиқ, экиб ўстириш таъқиқланган ўсимликларни ўстириш, наркотик воситалар ва психотрон моддаларни ноқонуний эгаллаб олиш каби жиноятларга тааллуқли бўлиб, бунда уларнинг объектив томони қонун билан таркибий қисмларга ажратилмайди ёки жиноятнинг муқобил таснифи берилади.

Ташкилотчи — бу жиноят содир қилишни уюштирган ёки уни тайёрлаш ва содир қилишни бошқарган шахсдир. Жиноятни ташкил қилиш дейилганда иштирокчиларни танлаш ва тайёрлаш, уларни қурол ҳамда воситалар билан таъминлаш, тажовуз режасини ишлаб чиқиш тушунилади. Раҳбарлик қилиш — бу вазифаларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, жиноятни содир қилиш жараёнида уларга кўрсатмалар бериб туришдир.

Далолатчи — жиноят содир этишга мойил қилган шахсдир. Мойил қилиш бошқа шахсда жиноят содир қилишга журъат уйғотишни билдиради. Бун-

да тажовуз факти қўйидаги ҳолларда содир этилган ҳисобланади:

биринчидан, муайян жиноятни содир қилишга бошқа шахсни онгли равишда мойил қилиш, далолатчи бошқа шахсни тортаётган жиноятнинг характери англаш, биргаликдаги жиноий оқибатларни олдиндан кўриш ва улар бўлишини исташ мавжуд бўлганда;

иккинчидан, далолат қилинаётган шахс ўзи ғаламислик қилинаётган жиноятни тўла ёки қисман содир қилишга тайёр бўлганда.

Ёрдамчи — бу жиноят содир қилишга маслаҳатлар, йўл-йўриқлар, воситалар бериш ёки тўсиқларни бартараф этиш билан кўмаклашадиган шахс, шунингдек жиноятчини, жиноят қуроллари ва воситаларини, жиноят изларини яшириш ёки бундай ашёларни сотишни ваъда қилган шахсдир.

Иштирокчилик оддий (биргаликда ижро этувчилик) ва мураккаб (турли ролларни ижро этишда иштирокчилик) иштирокчиликка бўлинади.

Иштирокчиликнинг оддий шаклида гарчи иштирокчилардан ҳар бири фаолиятининг ҳажми тенг ва турлича бўлса-да, биргаликда ҳаракат қилувчи барча шахслар жиноятни олдиндан битишиб олмасдан, бевосита содир этадилар.

Мураккаб иштирокчиликда олдиндан битишиб олинади. Бунда бир киши жиноятни бевосита содир қилади, бошқалари эса ғаламислик ёки ҳамкорлик қилиш шаклида унга кўмаклашадилар.

**Уюшган гуруҳ** — бу биргаликда жиноят содир қилиш учун олдиндан битишиб олган икки ва ундан ортиқ кишилардан иборат барқарор бирлашма.

**Жиноий уюшма** — функционал-иерархик тузилма асосида ҳаракат қилувчи, жиноий фаолият билан шуғулланиш учун бирлашган икки ва ундан ортиқ гуруҳдан иборат бирлашма.

Ташкилотчилар, ғаламислар ва шериклар ижро этувчилар жавобгар этиладиган модда бўйича жавобгардирлар. Ташкилотчилар, шунингдек, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмалар аъзолари ўзлари тайёрлаш ҳамда содир этишда қатнашган барча жиноятлар учун жавоб берадилар. Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшмани яратган ёки уларни бошқарган

шахс, агар улар унинг қасди билан қамраб олинган бўлса, жиноий уюшмалар содир қилган барча жиноятлар учун жавобгардир.

Ташкилотчи, ғаламис ёки шерикнинг ихтиёрий воз кечиши, агар шахс жиноят олдини олиш учун қўлидан келган барча чораларни ўз вақтида кўрган бўлса, жавобгарликни истисно этади.

Амалдаги жиноят кодекси жиноятда иштирок этишдан ташқари, жиноятга дахлдорлик деган янги тушунчани жорий қиладики, бунда жиноятчини, жиноят содир қилиш қуроллари ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан топилган ашёларни олдиндан ваъда қилинмаган яширишни англатади. Оғир ва алоҳида оғир жиноятни яширганлик учунгина жавобгар қилинади. Яширишни содир қилган ёки содир қилинган жиноят учун жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида жиноят тўғрисида маълум қилмаган яқин қариндошлар ва шахслар олдиндан ваъда қилинган яшириш учун жавобгарликка тортилмайдилар.

#### 9- §. Жиноий жазо ва унинг турлари

Жиноий жазо тушунчаси ва турлари. Жиноий жазо — бу жиноят содир қилишда айбдор деб топилган шахсга суд ҳукмига кўра давлат номидан қўлланиладиган ҳамда қонун томонидан маҳкумни ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум этиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлаш чораларидир.

Жиноят кодексига таъкидланишича, жазолаш маҳкумларни тузатиш, шунингдек ҳам маҳкумлар, ҳам бошқа шахслар томонидан қилиниши мумкин бўлган янги жиноятларнинг олдини олиш учун қўлланилади. Жазолаш одамга жисмоний азоб бериш ёки инсонлик қадр-қимматини туширишни мақсад қилиб қўймайди.

Жазоларнинг қуйидаги саккизта тури, шу жумладан: жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклашлар, ҳибсга олиш, ҳарбий-ижроия қисмида тутиш, озодликдан маҳрум қилиш ва ўлим жазоси. Бу асосий жазолардан ташқари, қуйидаги қўшимча жазолар ҳам қўлланиши мумкин: ҳарбий ёки махсус унвондан, давлат мукофотларидан маҳрум этиш, мол-мулкни мусодара қилиш.

Жарима қонунда белгиланган ҳолларда ва миқдорда суд томонидан солинадиган пул жаримасидир. Жарима ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо бўлиши мумкин. Жаримани озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш ва бунинг аксига йўл қўйилмайди. Қўшимча жазо сифатида тайинланган жаримани тўлаб бўлмаслик маълум бўлган тақдирда суд уни тайинланган жарима суммаси миқдорида мол-мулкни мусодара қилиш билан алмаштиради.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг муайян мансабларни эгаллашни ёки муайян фаолият билан шуғулланишни таъқиқлашни назарда тутати. Бу таъқиқ суд томонидан қўшимча жазо сифатида беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ёки қўшимча жазо сифатида уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тайинланади. Жазолашнинг бу тури, одатда, муайян тоифадаги шахслар, масалан, шифокорлар, ўқитувчиларга нисбатан қўлланилади.

Озодликдан маҳрум қилиш, ҳарбий-ижроия қисмида тутиш ёки ҳибсга олишга қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум этишни тайинлашда у жазони ўташнинг бутун вақтига ва бунинг устига, ҳукм томонидан тайинланган муддатга ёйилади.

Ахлоқ тузатиш ишлари икки ойдан уч йилгача бўлган муддатга тайинланади ва маҳкумнинг меҳнат ҳақидан 10% дан 30% гачаси давлат даромадига ушлаб қолинади. Ахлоқ тузатиш ишларини ўташ вақти умумий меҳнат стажига киритилмайди. Ахлоқ тузатиш ишлари мустақил жазо сифатидагина қўлланилади. Бу ишлар нафақадорлар, ҳомиладор аёллар ва бола боқиш бўйича таътилда бўлган аёллар, шунингдек, ҳарбий хизматчиларга қўлланилмайди.

Хизмат бўйича чеклаш офицерлик таркибидаги ҳарбий хизматчи, прапоршчик, мичман, хизматда қолган ҳарбий хизматчини суд томонидан тайинланган муддат давомида вақтинча муайян ҳуқуқлар ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, уларнинг пул маблағидан 10% дан 30% гачасини давлат даромадига ушлаб қолишдир. Хизмат бўйича чеклаш икки ойдан уч йилгача бўлган муддатга тайинланади. Маҳкум жазони ўташ вақтида мансаб, ҳарбий унвон бўйича кўтарилиши мумкин эмас, жазо муддати белгили хизмат йилларига киритилмайди.

Ҳибсга олиш бир ойдан олти ойгача бўлган муддатга тайинланади ва айтмоқчи, қатъий яққалаш шароитидаги эрксизлик нималигини сездириб қўйиш учун хижолатли жазо ҳисобланади.

Ҳарбий-ижроия қисмда сақлаш муддатли хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан тайинланган муддат мобайнида анча қаттиқ ички тартибли маҳсус ҳарбий қисмга жойлаштириш йўли билан муайян ҳуқуқлар ва имтиёзлардан маҳрум қилишдан иборатдир. Ҳарбий-ижроия қисмга сақлаш уч ойдан бир йилгача бўлган муддатга қўлланилади. Судга ишнинг ҳолатини ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишни шу муддат ичида ҳарбий-ижроия қисмда сақлаш билан алмаштириш ҳуқуқи берилади.

Озодликдан маҳрум этиш олти йилдан ўн йилгача бўлган муддатга, алоҳида оғир жиноятлар учун, бу нарса қонунларда назарда тутилган бўлса, йигирма йилгача муддатга тайинланади. Улим жазосини авф этиш тартибида озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилганда у 25 йилгача бўлган муддатга белгиланади. Бундан ташқари, 20 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш содир этилган бир нечта жиноятлар учун берилган жазоларни, агар улардан ақалли биттаси учун қонун ўн йил ва ундан ортиқ муддатга жазо берган бўлса, жамлаш йўли билан тайинланиши мумкин.

Қуйидаги ўн битта жиноят учун назарда тутилади: оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш, 14 ёшга тўлмаган қиз болани зўрлаш, 14 ёшга тўлмаган болага нисбатан жинсий эҳтиёжни ғайри табиий шаклларда зўравонлик билан содир қилиш, геноцид, террорчилик, давлатга хиёнат қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентига суиқасд қилиш, уруш қонунлари ва урф-одатларини бузиш, жиноий уюшма ташкил этиш. Улим жазоси 18 ёшгача бўлган ёшда жиноят содир қилган шахсларга ва аёлларга нисбатан қўлланиши мумкин эмас.

Оғир ёки алоҳида оғир жиноят учун ҳукм қилинган, ҳарбий ёки маҳсус унвони ё давлат мукофоти бўлган шахс улардан суд ҳукми билан маҳрум этилади.

Мол-мулкни мусодара қилиш маҳкумнинг мулки бўлган бутун мулк ёки ундан бир қисмининг суд ҳук-

ми билан давлат мулкига мажбуран бенил олиб кўйилишидир. Мол-мулкни мусодара қилиш қонунда назарда тутилган ҳоллардагина тайинланади. Маҳкум, унинг оиласи аъзолари ҳамда унинг қарамоғида шахсларга зарур бўлган ашёлар мусодара қилинмайди.

**Жазо тайинлаш.** Суд жазони қонуннинг содир қилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутган моддаси доирасида тайинлайди. Бунда тайин этилган жазо жиноят содир қилган шахс ахлоқини тарбнрлаш учун зарур ва етарли бўлиши керак. Озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо унинг мақсадига бошқа енгилроқ жазо билан эришиб бўлма сагина тайинланиши керак.

Жазо содир этилган жиноятнинг характери ва ижтимоий хавфлилик даражаси, хатти-ҳаракатнинг сабаблари, етказилган зарар характери ҳамда ҳажми, айбдор шахси жавобгарликни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда тайинланиши лозим.

Жиноят кодекси жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларга қуйидагиларни киритади:

— айбни бўйнига олиб кельиш, астойдил, тавба қилиш ва жиноятни очишга фаол кўмаклашиш;

— етказилган зарарни ихтиёрий қоплаш ёки етказилган зарарни бартараф қилиш;

— оғир шахсий, оилавий ёки бошқа ҳолатлар зайли билан жиноят содир қилиш;

— мажбурий ёки хизмат, моддий ёинки бошқа қарамлик туфайли жиноят содир қилиш;

— жабрланган шахснинг зуравонлиги, оғир ҳақорати ва бошқа ноқонуний ҳаракатлари туфайли туғилган кучли руҳий, ҳаяжон таъсирида жиноят содир қилиш;

— зарур мудофаа, охирги зарурат, жиноят содир қилган шахсни тутиш, аввалдан ноқонуний бўйруқ ёки фармойишни, ўринли касбий ёки ҳужалик таваккалчилиги шартларини бузган ҳолда жиноят содир қилиш.

— балоғатга етмаган шахс томонидан жиноят содир қилиш;

— ҳомиладор аёл томонидан жиноят содир қилиш;

— жабрланувчининг ноқонуний бадаҳлоқ хулқи таъсирида жиноят содир қилиш;

— катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятни биринчи марта содир қилиш.

Судга жиноят кодексида назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирадиган ҳолатлар деб топиш ҳуқуқи берилади.

Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга қуйидагилар киради:

— айбдор томонидан хотин ҳомиладорлигидан ҳабардор бўлатуриб, унга нисбатан жиноят содир қилиниши;

— жабрланувчи хизмат ёки фуқаролик бурчини адо этаётганда шахс ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан жиноят содир қилиш;

— моддий, хизмат ёки бошқа қарамликдаги шахсга нисбатан жиноят содир қилиш;

— ғараз ёки бошқа паст ният орқасида жиноят содир қилиш;

— гўдакка, ночор аҳволдаги катта ёшли ёки ночор ҳолатдаги шахсга нисбатан жиноят содир қилиш;

— балоғатга етмаганларни жиноят содир қилишга ундаш ёки уларни жиноятда қатнашишга жалб этиш;

— ўта бағритошлик билан жиноят содир қилиш; ижтимоий хавфли усул билан жиноят содир қилиш;

— балоғат ёшига тулмаган ёки руҳий касаллик билан оғриётган шахсга нисбатан, бу нарса айбдорга аввалдан маълум бўлса, жиноят содир этиш;

— оғир оқибатлар келтирган жиноятни содир қилиш;

— ижтимоий фалокат шароитида ёки фавқулудда ҳолат даврида ё бўлмаса оммавий тартибсизликлар даврида жиноят содир қилиш;

— ирқий ёки миллий адоват ёки низо негизида жиноят содир қилиш;

— кишилар гуруҳи, уюшган гуруҳ ёки жинорий уюшма томонидан олдиндан битишиб, жиноят содир қилиш;

— аввал бирон-бир қасддан жиноят содир қилган шахс томонидан қасддан жиноят содир қилиниши;

— алкогольдан мастлик ҳолатида ёки наркотик воситалар, психотрон ёки ақлий-иродавий фаолият-

га таъсир этадиган моддалар таъсири остида жиноят содир қилиш.

Суд жиноятнинг характериға боғлиқ ҳолда санаб ўтилган ҳамма ҳолатлардан исталганини оғирлаштирувчи ҳолат деб тан олмасликка ҳақлидир.

Суд содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини анча камайтирадиган фавқулодда ҳолатларни ҳисобга олиб, жиноятчиға моддада назарда тутилган паст меъёрдан камроқ жазо ёки бошқа анча енгил жазо тайинлашни зарур деб топиши мумкин.

Бир қанча ҳолларда жиноят содир қилган шахс жиноий жавобгарликдан ва жазодан умуман озод этилиши мумкин. Жиноий жавобгарликдан қуйидаги ҳолларда озод этиш мумкин: жиноий жавобгарликка тортиш муҳлатлари, муддатлари тугаганлиги; хатти-ҳаракат ёки шахс томонидан ижтимоий хавфлилиги йўқолганлиги; айбдорнинг фаол тавба қилганлиги; бетоблик туфайли; авф умумий акти асосида.

Жиноят кодексининг 84-моддасиға кўра жиноят қилинган кундан бошлаб қуйидаги муҳлатлар ўтган бўлса, уни содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлмайди: катта ижтимоий хавфли бўлмаган жиноят содир қилинганда уч йил; унчалик оғир жиноят содир қилинганда беш йил, оғир жиноят содир қилинганда ўн йил; алоҳида оғир жиноят содир қилинганда ўн беш йил. Бундан тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар истиснодир. Бундай жиноятларни содир қилган шахсларға даъво муддати жорий этилмайди.

Агарда шахс кўрсатилган муҳлатлар ўтишигача, янги жиноят содир қилса, жиноий жавобгарликка тортиш муҳлатининг ўтиши узилади. Бундай ҳолда муҳлат янги жиноят содир қилинган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Бошқа ҳолларда, агар шахс даъво муҳлати ўтишигача янги жиноят содир қилса, бу муҳлат ҳар бир жиноят бўйича мустақил кечади. Агар жиноят содир қилинганидан кейин 25 йил ўтган бўлса, уни содир қилган шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Агар жиноят содир этган шахс тергов ва суддан яширинса, жиноий жавобгарликка тортиш муҳлатининг ўтиши тўхтади. Бундай ҳолларда жиноий жа-

вобгарликка тортишнинг қонун тайинлаган муҳлатлари икки барабар ортади, лекин 25 йилдан ошмайди. Муҳлат ўтиши шахс қўлга олинган ва айбини бўйнига олиб келган вақтдан бошланади.

Ўлим жазоси тайинлаш мумкин бўлган жиноятни содир қилган шахсга муҳлат қўлланиши масаласи суд томонидан ҳал этилади. Агар суд муҳлатни қўлланиш мумкин эмас деб топса, ўлим жазосини тайинлаб бўлмайди, у озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади.

Шахс жазодан, шунингдек жазони ўташ муҳлати ўтганлиги, шахс томонидан ижтимоий хавфлилик йўқолганлиги туфайли ҳам озод қилинади. Агар маҳкум суд белгилаган синов муддати давомида янги жиноят содир қилмаса ҳамда зиммасига юкланган барча мажбуриятларни адо этса, суд айбдорга жазони шартли қўлланмаслик тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Синов муддати бир йилдан уч йилгача бўлган вақтга тайинланади.

Шартли ҳукм қилинган маҳкум суд томонидан зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёки жамоат тартибини ёки меҳнат интизомини бузса ва бу маъмурий танбеҳ ёки интизомий тазйиқ ўтказиш чораларини қўллашга сабаб бўлса, шартли ҳукм қилинган шахс ахлоқини назорат қилувчи идоранинг тақдимига кўра суд шартли ҳукмини бекор қилиш ва ҳукмона бўйича тайинланган жазони ўташ тўғрисида ажрим чиқариши мумкин. Маҳкум синов муддати давомида янги жиноят содир қилган тақдирда суд аввалги ва янги ҳукномалар бўйича жазоларни тўплаш йўли билан унга жазо тайинлайди.

Озодликдан маҳрум қилишга, ҳарбий-ижроия қисмида сақлашга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилган шахсларга, агар улар ўз ахлоқи ва меҳнатга ҳалол муносабати билан тuzалганликларини исботласалар, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинишлари ва тайинланган жазонинг қолган қисми анча енгил жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Умумий қоидага кўра жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш чораси маҳкумларга:

— катта ижтимоий хавфли бўлмаган ёки сал

оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин;

— оғир жиноят содир қилганлик, шунингдек қасддан жиноят учун суд тайинлаган жазонинг камида учдан икки қисмини ўтагандан кейин;

— алоҳида оғир жиноят содир қилганлик учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан уч қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин;

— аввал жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган ва жазонинг ўталмаган қисми давомида янги жиноят содир қилган шахсга қўлланилиши мумкин.

Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш чораси ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган шахсларга, алоҳида хавfli рецидивистларга, уюшган гурӯҳ ёки жинойий уюшманинг ташкилотчилари ва фаол қатнашчиларига, жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдирганлик, зўрлаганлик ёки айбдор учун 14 ёшга тўлмаганлиги маълум бўлган жабрланувчига нисбатан жинсий эҳтиёжини ғайри табиий шаклларда зўравонларча қондирганлик, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилганлик, босқинчилик учун ҳукм қилинган шахсларга қўлланилмайди.

Жазони енгилроқ жазо билан алмаштириш чораси маҳкумга катта ижтимоий хавfli бўлмаган жиноят ёки сал оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бирини; оғир жиноят, шунингдек қасддан қилинган жиноят учун (агар шахс қасддан қилган жиноят учун озодликдан маҳрум этилган бўлса) тайинланган жазо муддатининг камида ярмини; алоҳида оғир жиноят учун (агар аввал жазодан муддатидан илгари шартли озод этилган ёки унга жазо енгилроғи билан алмаштирилган шахс, жазонинг ўтаб бўлинмаган қисми давомида янги жиноят содир қилган бўлса) тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтаган шахсга нисбатан қўлланилади.

Жазони бироз енгил жазо билан алмаштириш чораси муддатдан илгари шартли озод қилиш қўлланилмайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Жиноят кодексида назарда тутилган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни ақли норасо ҳолатда содир қилган ёки ҳукм чиқарилганга қадар ўз ҳаракатлари аҳамиятини англаш ёки уларни бошқариш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касал билан оғриб қолган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар. Суд бундай шахсларга нисбатан, агар улар содир қилган хатти-ҳаракат характери ва уларнинг руҳий ҳолати жамият учун хавф туғдирса, тиббий тарздаги чораларни тайинлаши мумкин. Жазони ўташ вақтида руҳий касаллик билан оғриб қолган маҳкумларга ҳам жиноий жазо таъбабат тарзидаги чоралар билан алмаштирилиши мумкин. Чекланган шуурли деб топилган шахсларга нисбатан тиббий тарздаги чоралар жазо билан бир қаторда тайинланиши мумкин.

Жиноий жазога ҳукм қилиш судланганликни, яъни одамнинг қонунда назарда тутилган муддат мобайнида давом этадиган жиноий жазони белгилловчи айблов ҳукми қонуний кучга киргандан кейин пайдо бўладиган ҳуқуқий мавқеини яратади. Судланганликнинг бўлиши шунга олиб келадикки, шахс жазони ўтаб бўлганидан кейин ҳам жиноят учун ҳукм қилинганликнинг муайян ҳуқуқий чеклашлари тариқасидаги салбий оқибатларига дучор бўлади, судланганликнинг борлиги эса янги содир этилган жиноят учун жавобгарликни кучайтиради.

Жиноят қонунларига кўра судланганлик суд томонидан ўчирилиши ва олиб ташланиши мумкин. Судланганлик шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан синов муддати тугаши билан; жазони хизмат бўйича чеклаш ёки ҳарбий-ижроия қисмда сақлаш кўринишида ўтаган шахсларга нисбатан жазо муддати тугаши билан; жарима тўлангандан кейин, шунингдек жазони муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари кўринишида ўтаган шахсларга нисбатан — бир йил ўтгандан кейин; қамоқ жазоси ўталгандан кейин — икки йил ўтгандан кейин; жазони беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш кўринишида ўтаган шахсларга нисбатан — тўрт йилдан кейин; жазони беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш кўринишида ўтаган

шахсларга нисбатан — ўн йил ўтгандан кейин ўчирилади.

Суд судланганликни озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазони ўтаб бўлгач, маъмурий ёки интизомий таъсир кўрсатишга тортилмаган шахслардан меҳнат жамоаси, ижтимоий уюшма ёки шахснинг илтимоси билан — юқорида кўрсатилган муддатларнинг камида ярми ўтиши билан; ўн беш йил ва ундан ортиқ озодликдан маҳрумликни ўтаган шахслардан, шунингдек алоҳида хавфли рецидивистлардан, агар улар жазони ўтагандан кейин ўн беш йил давомида янги жиноят содир қилмасалар — афв кучга эга бўлган янги қонун қабул қилинганлиги туфайли; афв умумий ёки гуноҳидан ўтиш акти асосида олиб ташланиши мумкин.

#### 10- §. Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги

18 гача бўлган ёшда жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоққа олиш, озодликдан маҳрум қилиш каби жазолар қўлланилади. Бу тоифадаги шахсларга қўшимча жазолар қўлланиши мумкин эмас.

Фақат ўн олти ёшга тўлган вояга етмаганларгагина иккитадан йигирма бараваригача бўлган энг оз иш ҳақи ҳажмида жарима солинади. Маҳкум олти ой ичида жарима тўлашдан бош тортган тақдирда суд жариманинг тўланмаган суммасини жарима учун бир ой ҳисобида ахлоқ тузатиш ишлари кўринишидаги жазо билан алмаштиради, бунда жарима суммаси иш ҳақининг икки баравари миқдорига тўғри келади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўн олти ёшга тўлган, меҳнатга қобилиятли, вояга етганларгагина иш жойи бўйича, агар айбдор ишламаётган ва ўқимаётган бўлса — бошқа жойларда, у яшаб турган туманда, бир ойдан бир йилгача бўлган муддатга қўлланилади. Вояга етмаган шахс ахлоқ тузатиш ишларида тайинланган жазо муддатининг ўндан биридан кўп вақт бош тортса, суд бу жазонинг ўталмаган қисмини қамоққа олиш кўринишидаги жазога ахлоқ тузатиш ишларининг уч кун учун бир кун қамоққа олиш ҳисобида, лекин уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга алмаштиради.

Қамоққа олиш ҳукм чиқарилган вақтда ўн олти ёшга тўлган, балоғатга етмаган шахсларга нисбатан

бир ойдан уч ойгача бўлган муддатга қўлланилади.

Озодликдан маҳрум қилиш вояга етмаганлар учун олти ойдан ўн йилгача бўлган муддатга тайинланади. Озодликдан маҳрум қилиш унчалик оғир бўлмаган жиноят учун 14 дан 16 ёшгача бўлган вояга етмаганларга уч йилгача муддатга, 16 дан 18 ёшдагиларга тўрт йилгача муддатга, оғир жиноят учун тегишли равишда олти ва етти йилгача муддатга, алоҳида оғир жиноят учун унисига ҳам, бунисига ҳам ўн йилгача муддатга тайинланади. Фақат жиноятлар жами бўйичагина 14 дан 16 ёшгача бўлган вояга етмаганларга 12 йилгача муддатга, 16 дан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга эса 15 йилгача озодликдан маҳрум қилишни тайинлашга йўл қўйилади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилган вояга етмаган шахс суд томонидан жавобгарликдан озод қилиниши ва материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун берилиши мумкин. Уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш кўринишдаги жазо назарда тутилган унчалик оғир бўлмаган жиноят ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун суд вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиши ҳамда мажбурий чоралар қўллаши мумкин. Балоғатга етмаган шахс ёш ривожда анча орқада қолганлиги ва шу туфайли ўз хатти-ҳаракати аҳамиятини тўлиқ англамаслиги аниқланса, суд томонидан жазонинг мажбурий чоралар билан алмаштирилишига йўл қўйилади.

Қуйидагилар вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурий чоралардир: кўпчилик олдида ёки суд тайинлаган бошқа шаклда жабрланувчи кечирим сўраш мажбуриятини юклаш; ўн олти ёшга тўлган вояга етмаганга етказилган зарарни, агар зарар ҳақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса, ўз маблағлари ёки меҳнати билан қоплаш ёки бар-тароф этиш мажбуриятини юклаш (бошқа ҳолларда зарар фуқаролик суд юритиш тартибида қопланади); вояга етмаган шахсни ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

## 23- Б О Б. МУСУЛМОН ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

1. Мусулмон ҳуқуқининг ҳозирги жамият ҳаётида тутган ўрни.
2. Мусулмон ҳуқуқининг дин, шариат ва фикҳ билан ўзаро нисбати.
3. Мусулмон ҳуқуқининг келиб чиқиши.
4. Мусулмон ҳуқуқи манбалари.
5. Мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти.
6. Мусулмон ҳуқуқи тизими.
7. Мусулмон ҳуқуқининг мусулмон мамлакатларининг ҳозирги ҳуқуқий тизимлари билан ўзаро муносабати.
8. Мусулмон ҳуқуқининг асосий тармоқлари.

### 1- §. Мусулмон ҳуқуқининг ҳозирги жамият ҳаётида тутган ўрни

Мусулмон ҳуқуқи — узоқ тараққиёт тарихига эга бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Мусулмон ҳуқуқи XIII асрдан буён бир қанча мамлакатлар тараққиёти тарихига, шу жумладан давлат ва ҳуқуқ, маданият, фан, ижтимоий мафкура ҳамда психология тараққиётига тўхтовсиз ва фаол таъсир кўрсатиб келмоқда. Сўнги йилларда мусулмон ҳуқуқига бўлган эътибор ортиб бормоқда. Бу бир қанча сабаблар билан изоҳланади.

Биринчидан, мусулмон ҳуқуқи ислом диний тизими билан чамбарчас боғлиқдирки, бу тизим дунёдаги 50 дан ортиқ мамлакатларда яшаб турган 1 миллиарддан кўпроқ аҳоли дунёқараши учун белгиловчи аҳамиятга эга бўлиб қолмай, балки бу мамлакатлардаги ижтимоий тараққиёт жараёнларига, умуман жаҳон сиёсатига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчидан, мусулмон ҳуқуқи тадқиқот учун мустақил ва ўзига хос ҳуқуқий тизим сифатида катта тарихий-назарий қизиқиш туғдиради. Бу ҳуқуқ кўпгина ҳуқуқий институтларнинг ишлаб чиқилиши бўйича ҳуқуқнинг энг кўп ривожланган тизимларига киради. Ўзи вужудга келган дастлабки йиллардаёқ мусулмон фуқаролик ҳуқуқи, масалан, мулкий ва мажбурий ҳуқуқни, кўчар ҳамда кўчмас, бўлинадиган ва бўлинмас, асосий буюм ҳамда ва мансубликни фарқлайди. Мулк ҳуқуқининг мазмуни эгалик қи-

лиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ва тасарруф этиш ҳуқуқи, шунингдек, даромадлар олиш ҳуқуқидан иборат бўлади. Мусулмон ҳуқуқи ўзаро розилик ва бусиз тузилган шартномаларни фарқлайди.

Мусулмон ҳуқуқи жинсий жавобгарликни талқин қилиш масалаларида Европа қонуншуносларидан 12 аср ўзиб кетди. Мусулмон ҳуқуқининг турли шароитларда амал қилибгина қолмай, балки бошқа ҳуқуқий тизимлар ўртасида марказий ўрин эгаллай олиши ўрганиш учун катта қизиқиш уйғотади.

Маълумки, ҳалқлари ислом меъёрларига содиқ бўлган кўпгина мамлакатларда мусулмон ҳуқуқи билан бирга бошқа ҳуқуқий меъёрлар, хусусан номуслмонлар ҳуқуқи, Европа ҳуқуқи меъёрлари, шунингдек ҳукмдорлар томонидан чиқарилган фармонлар ҳам амал қилиб келган. Лекин мусулмон ҳуқуқи етакчи роль ўйнаган. Ҳуқуқнинг Ғарб намунаси бўйича қайта қуришнинг фаол жараёнига қарамай, мусулмон ҳуқуқининг бу етакчи аҳамияти ҳозир ҳам сақланиб келмоқда.

Ва, учинчидан, мусулмон ҳуқуқи мусулмон мамлакатларининг ижтимоий тараққиётига амал қилаётган юридик меъёрлар тариқасидагина эмас, балки муҳим мафкуравий омил сифатида ҳам фаол таъсир кўрсатмоқдаки, бу нарса унинг ҳуқуқий устқурма қисми сифатидаги ўзига хос мавқеидаги содир бўлаётган ўзгаришлар билан, шунингдек бу мамлакатларда юз бераётган муҳим қайта ўзгаришлар билан изоҳланади.

Ислом тарафдорлари назарида мусулмон ҳуқуқи-турмуш тарзи тўғрисида таркиб топган тушунчаларни ва ижтимоий идеални рўёбга чиқаришнинг асосий воситасидир. Шунинг учун турли хил ислом сиёсий ҳаракатлари ўз мақсадларини амалга ошириш қуроли сифатида мусулмон ҳуқуқига муҳим аҳамият бермоқдалар. Бунда ҳам консерватив, ҳам илғор йўналишдаги ҳаракатлар бир хил даражада шундай йўл тутмоқдалар. Улардан ҳар бири исломнинг аҳоли кенг қатламларига чуқур таъсирини инobatга олиб, ундан ўз мақсадларини тушунтириш учун фойдаланмоқдалар.

## 2- §. Мусулмон ҳуқуқининг дин, шариат ва фикҳ билан ўзаро нисбати

Мусулмон ҳуқуқи ислом динининг бир қисми сифатида вужудга келди. Ислом дини эса, биринчидан, мусулмон киши эътиқод қилиши керак бўлган ақидаларни тайин этади, иккинчидан, диндорларга улар нима қилишлари ва нима қилмасликларини кўрсатиб беради. Шариатда хўжалик турмушини тартибга солувчи меъёрлар, ахлоқ-одоб ва ҳуқуқ меъёрлари мусулмон урф-одатлари ҳамда байрамлари, диндорлар хулқини белгиловчи бошқа қоидалар ва мусулмонлар жамоаси ҳаётининг тартиби ягона тизимга келтирилган. Мусулмон юридик фани бу меъёрлар билан бирга ҳуқуқий меъёрларни ҳам кўриб чиқади. Одамнинг ҳар бир ҳаракати меъёрий жиҳатдан қатъий белгиланмай ёки лоақал шариат томонидан баҳоланмай қолмайди, деб ҳисобланади. Нуқтаи назар амалга оширилиши билан қоидаларни ҳуқуқий ва ноҳуқуқийга ажратишга аҳамият берилмайди. Булардан бирортасини бузиш аввало диний жазога сабаб бўлади. Лекин амалда меъёрларнинг икки гуруҳи фарқланади: 1) инсон билан Оллоҳ ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, яъни эътиқод асосларини ва муҳим ҳамда ўзгармас диний бурчларни адо этишни белгиловчи қоидалар; 2) инсонларнинг бир-бирлари билан муносабатлардаги хулқатвор қоидалари. Биринчи қоидалардан фарқли ўлароқ, бу қоидалар идроклилиқ принципларига асослангандир, айрим ҳолларда ўзгариши ва ҳатто шариатнинг умумий принципларига амал қилинганда одамларнинг ўзи томонидан яратилиши мумкин. Ҳуқуқий меъёрлар бу қоидаларнинг анчагина қисмини ташкил этади. Туғри, уларни хулқнинг бошқа қоидаларидан чеклаш ҳамма вақт ҳам осон бўлавермайди, чунки улар ўзининг расмий манбаига кўра сезиларли даражада фарқланмайди, мусулмон ҳуқуқий фани эса ҳуқуқни давлат билан боғламайди. Шунинг учун мусулмон ҳуқуқи меъёрлари фақат амалий тарзда, хулқнинг мусулмон ҳуқуқий таълимоти томонидан таърифланган муайян қоидаларига рухсат бериш ва қўллаш бўйича мусулмон давлати фаолиятини таҳлил қилиш билан белгиланади.

Шундан келиб чиқиб, айрим олимлар, шу жумладан ҳозирги олимлар мусулмон ҳуқуқи ўз келиб

чиқишига кўра динийдир, деб ҳисоблайдилар. Ислом, уларнинг фикрича, бу айна вақтда «давлатга ишончдир», мусулмон ҳуқуқи эса ҳуқуқгина эмас, балки дин ҳамдир. Шарқнинг ҳозирги таниқли олимлари Муҳаммад Юсуф ва Субҳи Муҳаммадсоний, мусулмон ҳуқуқининг эътиборли ғарб тадқиқотчилари И. Шахт, Р. Шарль, Р. Давид, шундай нуқтаи назарда турадилар. Р. Шарлнинг фикрича, мусулмон ҳуқуқи — бу аввало диндир. Р. Давид эса мусулмон дини оқилона табиатга эмас, балки, диний, илоҳий табиатга эгадир, деб ҳисоблайди.

Кўпгина тадқиқотчилар исломда «эътиқод ва давлат» дин ҳамда ҳуқуқнинг узвий бирликда экани тўғрисидаги фикр асосида исломга диний ақидапарастлик, ибодат қоидаси ахлоқигина хосдир, юридик меъёрлар эса, агар улар бўлса ҳам, моҳият эътибори билан кўрсатилган қоидаларга мувофиқ келади ва мустақил роль ўйнамайди, ёки иккинчи даражали ўрин эгаллайди, деган хулосага келадилар.

Чиндан ҳам мусулмон ҳуқуқининг дин билан чамбарчас боғлиқлиги шубҳасиздир. Мусулмон ҳуқуқининг характерли хусусияти унинг асосини давлат ҳокимияти эмас, балки айна вақтда дин манбаи бўлган муқаддас китоб — Қуръон, кейин эса Сунна — ислом асосчиси Муҳаммад алайҳиссалом фикрларидан иборат ҳадислар тўплами ташкил этганлигидадир. Қуръоннинг юридик меъёрлари, шунингдек шариятнинг бошқа меъёрлари ҳам илоҳий келиб чиқишга эгадир ва принцип жиҳатдан ўзгармасдир, деб ҳисобланади.

Диний таълимотларга таяниш ва эътиқод асосларини ҳимоялашни мақсад қилиб олиш мусулмон ҳуқуқининг барча босқичлари даражасида кузатилади. Чунинчи, мусулмон ҳуқуқи тизимида марказий ўрин тутган тармоқ — «шахсий мақом» меъёрлари гарчи ҳозирги замон шароитида кўпгина мусулмон мамлакатларида ворислик принципи қўллашнинг диний ва қобилият масалаларини тартибга солувчи меъёрларга ёйилмаса-да, асосан мусулмонлар орасида амал қилади. Мазкур меъёрлар мусулмон аёлининг номуслмон эркакка эрга чиқишини таъқиқлайди. Никоҳ шартномаси тузилаётганда ҳозир бўлган шохидлар мусулмон бўлишлари керак. Вақф (бегоналаштирилмайдиган) мол-мулки институти бундай мол-мулкка

Оллоҳнинг олий ҳуқуқини ва ундан ҳайрия мақсадларида фойдаланишни ташкил этишга асосланади.

Ҳар қандай мулкка олий ҳуқуқнинг Оллоҳга қарашли эканлигини мулк режимини тартибга солувчи мусулмон фуқаролик ҳуқуқи эътироф этади.

Мусулмон давлат ҳуқуқига кўра давлат бошлиғи албатта мусулмон бўлиши керак ва унинг ваколатларини анча қисми диний характерда бўлади.

Мусулмон суд-процессуал ҳуқуқига кўра судьялар мансабларини фақат мусулмон кишилар эгаллаши мумкин. Аксарият ишлар бўйича шоҳидларга ҳам шундай талаблар қўйилади. Оллоҳ номидан бериладиган қасамга алоҳида эътибор берилдики, бунинг ёрдамида жавобгар ўз айбсизлигини исбот қилиши мумкин.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи Оллоҳ ҳуқуқларига суиқасдни энг хавфли жиноятлар деб биладдики, улар орасида ўлим жазосига сабаб бўладиган диндан қайтиш алоҳида ажратилади.

Ва, ниҳоят, мусулмон ҳуқуқини амалга ошириш диний онг билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин юридик меъёрларнинг диний ва ахлоқий меъёрлар билан ички бирлиги тўғрисида, уларнинг туташиб кетганлиги ҳақида гапирганда улар ўртасида муҳим тафовутлар борлигини ҳам назарда тутиш керак.

Мусулмон ҳуқуқининг барча меъёрлари ҳам диний тафсилотга тенг даражада асосланавермайди. Дин билан хулқ-атворнинг Қуръон ва Суннага ҳавола қилиниб белгиланган оз сонли муайян қоидаларигина чамбарчас боғлангандир. Бу — никоҳ-оила муносабатларининг айрим муаммолари, ворислик ва жинорий-ҳуқуқий йул-йўриқлар масалаларидир.

Мусулмон ҳуқуқи меъёрларининг катта қисми муомалага талқиннинг соф мантиқий, оқилона усуллари асосида киритилган эди. Ҳатто мусулмон ҳуқуқининг ундаги пойдевори ва ўзгармас қисми сифатида кўриб чиқиладиган умумий принциплари ҳам моҳият эътибори билан мантиқий ва оқилона усуллар асосида ҳуқуқшунослар томонидан ишлаб чиқилган эди.

Аҳолиси диний таълимотга қаттиқ амал қиладиган айрим мусулмон мамлакатларида у бир-бирига муносабатда қабилавий ижтимоий меъёрларга ва, аввало, кўпинча, мусулмон ҳуқуқи меъёрларига ва

тубдан зид урф-одатларига амал қилиб келган ҳам-да ҳозир ҳам амал қилмоқда.

Юридик ҳодиса бўлган мусулмон ҳуқуқининг мустақиллиги ва унинг ислом диний йўл-йўриқларидан нисбатан мустақиллиги уларни амалга ошириш усуллари билан ҳам тасдиқланади.

Мусулмон ҳуқуқи учун уни қўллашнинг диний принципи устиворлиги хосдир; бу ҳуқуқ аввало мусулмонларнинг ўзаро муносабатларида амал қилиб келади. Лекин бу принцип турмушга ҳеч бир вақт изчил ва сўзсиз татбиқ этилмади. Мусулмон ҳуқуқининг кўп меъёрлари мусулмон давлатининг пайдо бўлиши ва оёққа туришидан бошлаб помусулмонларга ҳам жорий этилиб келинди. Бу, масалан, давлат ҳуқуқига ёки мусулмон бўлмаган аҳолига солиқлар белгилловчи низомларга тааллуқлидир. Мусулмон бўлмаган аҳолига васият, ворислик, эгалик ҳуқуқларини чеклаш, вақф мулки ишларини тартибга солувчи меъёрлар жорий этилди. Мусулмон ҳуқуқи амалда умуман исломнинг диний йўл-йўриқларига боғлиқ бўлмаган тарзда амал қилган ҳоллар кўп учрайди.

Кўпгина мусулмон ҳуқуқшуносларининг нуқтаи назарича, «У дунё жазоси», Оллоҳ олдидаги жавобгарлик диний ёки соф ахлоқий нормативларни бузганлик учун бошланади, ворислик, никоҳ тузиш ва ажратиш каби қоидаларни ҳамда бошқа қоидаларни бузганлик учун суд йўли билан «Бу дунё жазоси» жавобгарлиги бошланади.

Шундай қилиб, мусулмон ҳуқуқи, гарчи дин билан боғлиқ бўлса-да, лекин унга қўшилиб кетмайди. Бу ҳуқуқ ижтимоий тартибга солишнинг ягона тизимидаги диний меъёрлар билан ўзаро биргаликда амал қиладики, буни кенг маънодаги мусулмон ҳуқуқи билан бирга, яъни илоҳий қонун сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Ҳар қандай жамиятда ижтимоий тартибга солишнинг ўз тизими таркиб топадики, бу тизимда меъёрларининг бир неча турлари: ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлар, урф-одатлар, корпаратив меъёрлар, шунингдек хулқ-атворнинг диний қоидалари ажратилади. Бу барча меъёрлар ўзаро чамбарчас амал қилади ва бир-бирини тўлдира боради, ягона тизимни ҳосил қиладиган ижтимоий ҳамда шахсий турмушнинг турли соҳаларида кишилар хулқ-атворини йўналтириш во-

ситасида ижтимоий муносабатларни мажмуан тартибга солишни таъминлайди. Кенг маънодаги мусулмон ҳуқуқи ижтимоий-норматив тартибга солишнинг ана шундай тизимидир.

Лекин ислом тарқалган мамлакатлардаги бу ижтимоий-норматив тартибга солиш тизими ўз хусусиятларига эгадир. Бу хусусиятлардан асосийси, шуки, унинг негизини ташкил этган манфаатлар сиртдан бутун мусулмон жамоаси, умуман ислом манфаатлари сифатида намоён бўлади. Унинг ишлаш бошлаши натижасида ижтимоий муносабатларнинг муайян тартиби, шахсий алоқаларининг барқарор шакллари ва мусулмонлар шахсий ҳуқ-атворининг намуналари, турмушнинг ислом тарзи деб аталган нарса таркиб топади. Шунинг учун бу тизимнинг ўзи шартли равишда ижтимоий тартибга солишнинг ислом тизими деб аталиши мумкин.

Бу тизимни ислом тизими деб белгилаш унинг диний меъёрлар жамидан иборат эканлигини билдирмайди. Унга ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий меъёрлар, ҳам урф-одатлар, ҳам назокат қоидалари киради, яъни у мажмуа характерида бўлади; унга кирган диний меъёрлар диний устқурма унсурлари ҳисобланади, ҳуқ-атворнинг юридик қоидалари эса ҳуқуқий тизим бўлагидир.

Ижтимоий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ислом тизимидаги барча меъёрлар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, биргаликда ҳаракат қилади, ижтимоий муносабатларга мажмуан таъсир кўрсатган ҳолда, бири-бирини тўлдиради. Лекин мусулмон ҳуқуқи диндан нисбатан мустақил ўрин тутаети. Бу ҳуқуқ мазкур тизим билан бутунлай қўшилиб кетмаган. Ҳуқуқ соҳаси ўзига хос хусусиятга эга бўлати, ўзининг алоҳида характериини сақлайди ва шунинг учун муайян ҳолатларни муносабат ёки фактни ҳуқуқий далиллаш, юридик баҳолаш диний-ахлоқий мезонлардан фарқловчи ўз мезонларига асосланади.

«Мусулмон ҳуқуқи» тушунчасини чуқур англамоқ учун унинг гоҳо бир хиллаштирадиган «шариат» ва «фиқҳ» тушунчалари билан ўзаро нисбатини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шариат «борини йўли»ни, диндорларга улар нимани қилишлари ва нимани қилмасликлари кераклигини билдирувчи йўл-йўриқларни билдиради. Шариат

мусулмон кишининг ички дунёси, эътиқодлари ва диний виждонини хулқ-атворнинг юридик қоидаларини қамраб олади.

Ислом тараққиётининг дастлабки даврида фикҳ дейилганда янги дин низомлари бутун мажмуасини эгаллаш, ислом йўл-йўриқларини билиш тушунилган. Ва, шу маънода «фикҳ» тушунчаси амалда «шариат» тушунчасига мос бўлиб тушган. Шундан кейинги даврда ҳуқуқий концепцияни ишлаб чиқиш жараёнида бу иккала тушунчалар бир-биридан фарқлана бошланди. Шариатда одамларга қаратилган, илоҳий ваҳий натижаси ҳисобланган ва Қуръонда, Суннада бўлган йўл-йўриқларнинг маъноси мустаҳкамланиб, фикҳ эса кўрсатилган манбаларда муайян саволларга жавоблар бўлмаган тақдирда, мустақил қарорлар чиқариш тариқасида тушунила бошланган. Бироқ, кейинчалик фикҳ асосан мусулмон юриспруденцияси сифатида қарала бошландики, натижада унинг каттагина қисми юристларнинг Қуръон ва Сунна асосий қоидалари шарҳига асосланиб чиқарган амалий қарорлари сифатида унинг мавзуга айланиб қолди. Айни вақтда шуни ҳам назарда тутиш керакки, шариат билан фикҳни синонимлар деб эътироф этувчи нуқтаи назар ҳам мавжуддир. Бунинг натижасида шариат меъёрларнинг диний ва ахлоқийгина эмас, балки ҳуқуқий бўлиш билан бирга хилма-хил тоифаларни ҳам қамраб оладиган ижтимоий тартибга солиш тизими тарзида тасаввур этиш бошланди.

Мусулмон ҳуқуқи ҳам ана шундай кенг юридик маънода тушинилади. Исломнинг кўпгина тадқиқотчилари шариат ва мусулмон ҳуқуқини бир маъноли тушунчалар деб қарайдилар.

Айрим олимлар шариат ва мусулмон ҳуқуқини умуман зид тушунчалар деб ҳисоблайдилар, чунки улар Қуръон ҳамда Суннага турлича ёндошадилар. Шариат Қуръон ва Сунна йўл-йўриқларини ўз-ўзича, илоҳий ваҳий сифатида қамраб олади. Илоҳий ваҳий тафаккур тарзининг умумий ҳадларини тайин этадики, улар асосида хулқ-атворнинг муайян қоидалари жорий этилиши керак бўлади. Шариат — бу хулқ-атвор муайян қоидаларининг тизими эмас, балки мусулмон киши эришишга интилиши керак бўлган умумий мўлжал, йўналиш, мақсад, мусулмон ҳуқуқи таркиб топган негиздир. Расмий мантиққа амал қи-

линадиган бўлса, мусулмон ҳуқуқи умуман юридик маънода шарриятга бевосита алоқадор эмас. Бу ҳуқуқ шаррият соҳасига ҳақиқатда амал қилиб турган ҳуқуқий меъёрларда ва муносабатлардан фойдаланиш натижасида тарихан ахлоқий кириб қолган бўлиб кейинчалик у билан шариат ахлоқий негизи бўлган динни ҳисобга олган мусулмон ҳуқуқшунослари томонидан ҳуқуқ масалаларининг ишлаб чиқиши йўли бўйича боғлиқ эди.

Анча тўғри бўлган нуқтаи назар ҳам мавжуд. У мусулмон ҳуқуқи — бу шариатнинг бир қисмидир, деган фикрга асосланади. Мусулмон ҳуқуқининг шариатга тузилма сифатида кириши, унинг меъёрлар тизими сифатида дарҳол уюлмаганлиги билан изоҳланади. Давлат ва синфий жамиятнинг пайдо бўлиши ҳали тугалланмаган вақтда ислом ҳамда мусулмон жамоаси тараққиётининг бошланғич даврида хулқ-атвор юридик меъёрлари ва бошқа қоидалари ҳамбарчас туташиб кетган эдики, бу нарса X асргача сақланиб қолди. Уша вақтда ҳуқуқшунослик мусулмон илоҳиётидан ажралиб чиқди ва мусулмон ҳуқуқи феодал-теократик жамият юқори табақалари истагини ифодаловчи хулқ-атвор юридик қоидалари тизимига айланди.

### 3- §. Мусулмон ҳуқуқининг келиб чиқиши

Мусулмон ҳуқуқи уруғ — қабила тузумининг парчаланиши ва синфий жамият ташкил топиши даврида Арабистон ярим оролининг ғарбида пайдо бўлди. Узоқ йиллар давомида халқимиз мусулмон ҳуқуқининг келиб чиқишини, уруғ жамоасининг парчаланиши, ҳукмрон юқори табақанинг вужудга келиши, ҳукмдорлар қуллик қарамлигида қолган омманинг қашшоқланиши, қабилаларнинг ўша вақтга келиб катта қабила иттифоқларига бирлашишга интилишлари, якка худоликка асосланган дин яратишни тазозо этган, деб тушуниб келган эди. Бугунги кунда ислом ҳаққоният ва инсонийлик дини эканлигини, у поклик, ҳаё, инсоф, меҳр-оқибат ва ватанпарварлик каби инсоний фазилатларга чорлашини, маънавий тарбияда дин арбобларининг ҳиссаси катта бўлиши керак эканлиги маълум бўлди. Дин инсонни ҳаққоний бўлиш йўлида тарбиялаши диндорларимизга узоқ йиллардан маълум эди. Лекин Ўзбекистон мустақилликка

эришгунигача диндорлар ва динга нисбатан муносабат анча оғир эди.

Бугунги кундаги динга бўлган кескин ўзгаришни эътиборга олиб Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1-чақириқ 1-сессиясида И. А. Қаримов шундай деди: «Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унитмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қилдилар ва яхши ўғитларга амал қилдилар»<sup>1</sup>. (И. А. Қаримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1955, 54- бет.)

Дин пайдо бўлиш тарихига қайтар эканмиз, араблар яшаб турган ҳудудларда яҳудий, насронийлик каби динлар қисман тарқалган эди. Яҳудийлик тарафдорлари Яман, Ҳижозда яшар эдилар, улардан бир қанчаси Ясриб (Мадина) да истиқомат қиларди. Сурия, Фаластин, Икки дарё оралиғи ва Эронликларнинг баъзилари насронийликни қабул қилган эди. Гарчи яҳудий ва насронийлик арабларни ягона худо ғоясини қабул қилишга тайёрлашда анчагина ўрин эгаллаган бўлса-да, лекин араблар ўртасида ҳукмрон динлар эмасди. Бу динлар араб қабилалари турмушининг ўзига хос хусусиятларини лозим даражада акс эттиролмас ва уларнинг сиёсий бирлашмаси вазифаларига жавоб бермас эди.

Ўзларини ҳанифлар деб танитган кишилар якка худолик тарғиботчилари ва айни вақтда араб қабилалари сиёсий бирлашуви ғоясининг ифодаловчилари бўлдилар. Дастлаб бундай тарғиботчилар ҳалифлар, яъни ҳақиқий изловчилар, эски уруғ ибодатларига қарши курашувчи, яҳудий ва насронийликни эътироф этмовчи, лекин якка худоликни (тавҳид) тарғиб қилувчи кишилар сифатида танилдилар.

Ҳанифийлик ислом вужудга келишининг бошланғич босқичи сифатида қараланади. Ҳанифлар Ясриб (Мадина) да яратилган, мусулмон ривоятига кўра, Муҳаммад алайҳиссалом мансуб бўлган қурайш қабиласининг Маккадаги ягона худо — Оллоҳга ишонини тарғиб қилган ва бошқа уруғ динларига қарши чиққан «диндорлар жамоаси»нинг ҳомийлари ва ўзаги эдилар. Бу жамоанинг асосий сиёсий талаби — сабрли бўлиш ва Оллоҳга итоат этишни билдирувчи

содикликдир. Шунинг учун ҳам динни қабул қилганлар муслимлар, мусулмонлар — итоатгўйлар, садоқатлилар деб атала бошланди.

Бошланғич исломда кўп нарсалар ҳозиргидагидан кўра бошқача бўлган. Ислом ўз тараққиётининг аввалги даврида қадимги Арабистонда тарқалган динлардан олинган қоидалар (рўза, қурбон ҳайит ва у билан боғлиқ Каъба ибодатхонасини ва бошқа муқаддас жойларни зиёрат қилиш) дан бошқа алоҳида ибодат қоидаларига эга бўлмаган. Бошланғич исломда ҳар куни беш вақт намоз ўқиш каби қоида ҳам бўлмаган. Намоз гарчи мусулмонликнинг асосий аломатлари ва талабларидан бири бўлса-да, кейинроқ зардуштийлик таъсири остида пайдо бўлган. Исломни шакллантириш, уни Муҳаммад пайғамбар ҳаёти ва фаолияти билан боғлаш халифалик давридагина содир бўлган.

Исломни Муҳаммад алайҳиссаломнинг номи билан боғланганда уни араб жамияти табиий-тарихий тараққиётининг маҳсули, Муҳаммадни эса бу эҳтиёжни энг чуқур англаган ва уни жамиятнинг барча қатламларига тушунарли хутбаларда етказган шахсина бўлганлигини назарда тутмоқ керак. Муҳаммад алайҳиссаломнинг хизмати шундаки, у бошқа пайғамбарлардан фарқли ўлароқ, ўз фаолиятида уруғ ва қабила доирасидан чиқа олди. У ўзини умумий пайғамбар деб эълон қилиб, барча арабларга мурожаат қилди. Сабрли бўлишни тарғиб қилар экан, у атрофдагилар билан муомалада қаттиқ турувчи, шижоатли ва узоқни кўрувчи бўла олди. Муҳаммад алайҳиссалом бу дунё ва у дунёдаги ҳаёт тасаввурини бирга қўша билди, иккинчисини биринчисига тўла боғлиқ қилиб қўя олди. Ердаги ҳаёти учун инсон охиратда жазоланиши ёки улуғланиши тўғрисидаги ғояни олдинга сурди, одамлар янги дин аҳкомларини қандай адо этганликларига қараб азобланадиган ёки шодланадиган, дўзах ҳамда жаннат тушунчаларини жорий этди. Итоаткор инсон албатта жаннатга тушади, ноитоаткор эса дўзах азобларига дучор бўлади. Бинобарин, ердаги ҳаёт ўз-ўзича қадрли эмас, у абадий бўлган у дунё ҳаётига тайёрланишгинадир. Оллоҳга ўз эҳтиёжлари ва истакларини муттасил тийиб турадиган, бориға қаноат қиладиган, худо ва тақдирга итоат этадиган, бунда ўзини у дунёда нима-

лар кутаётганини унутмайдиган, унга ҳозирлик кўрадиган инсонгина мақбулдир.

Жаннатни кутиш ва дўзах азобларидан даҳшатга тушиш бойни ҳам, камбағални ҳам, бахтиёрни ҳам, бахтсизни ҳам, гўзални ҳам ва хунукни ҳам кўниктириб қўяди.

Ислом мусулмон одам ишониши керак бўлган ақидалар ва кишилар ўргасидаги муносабатларни тартибга соладиган хулқ-атвор қоидалари мажмуи-шариатдан иборатдирки, унга юридик меъёрлар ҳам, яъни юридик маънодаги мусулмон ҳуқуқи меъёрлари киради. Бироқ мусулмон ҳуқуқи ислом пайдо бўлиши билан бир вақтда таркиб топмаганлигини унутмаслик керак. Ҳатто мумтоз ислом ақидасига кўра ҳам, алоҳида фан бўлган мусулмон ҳуқуқи исломдан анча кейин қарор топган, чунки диндорларнинг биринчи авлоди унга муҳтож бўлмаган. Айтишларича, Муҳаммад алайҳиссалом янги дин тарафдорларига улар учун мажбурий бўлган хулқ-атвор қоидаларини кўпроқ илоҳий ваҳийга таяниб маълум қилган, унинг сафдошлари ва издошлари эса шундай қоидаларни белгилашда бевосита Сунна ҳамда пайғамбар Қуръонига мурожаат қилганлар. Агар улар бу асосий манбалардан йўл-йўриқларни топмаган бўлсалар, исломнинг маъносини ва пайғамбарнинг фикрлаш тарзини чуқур англаш улар фикрининг хатосизлигини таъминлаган ҳамда уларга янги амалий меъёрларни жорий қилиш имконини берган.

Бироқ пайғамбар сафдошлари ва уларнинг дастлабки издошлари дунёдан кўз юмиши билан янги ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишга катта эҳтиёж туғилди. Бундай эҳтиёж аввало мусулмон ҳуқуқшуносларининг янги авлоди пайғамбар томонидан ҳуқуқий масалалар ҳал этилганлигига бевосита шоҳид бўла олмаганлиги ҳамда ислом асосларидан ўз ўтмишдошларидек чуқур билимларга эга эмаслиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, истилолар натижасида янги ҳудудларнинг Араб халифалиги таркибига киритилиши, исломнинг ўз урф-одатлари ва ҳуқуқий анъаналарига эга бўлган халқлар ўртасида тарқатилиши, мусулмон ҳуқуқшуносларини мусулмонларнинг биринчи авлодига маълум бўлган ва, табиийки, Қуръон ҳамда Суннада акс этмаган муаммоларни ҳал этиш заруратига дучор қилди. Диндорлар томонидан ҳуқу-

қий меъёрларни излашнинг турли усулларидан эркин фойдаланишга ўхшаш масалалар ечимида муҳим тафовутларга олиб келди.

Бундай тафовутлар ўз-ўзича хавfli бўлмаса-да, лекин шариатнинг Қуръон ва Суннада қайд этилган ҳақиқий мақсадларидан оғишга олиб келиши мумкин эди, чунки мазкур мақсадларнинг ҳуқуқшунослар томонидан тушунилиши даражаси хатоликлардан қафолатланган эмас эди. Буларнинг ҳаммаси ҳуқуқ меъёрларини асосий манбалардан олишнинг қатъий қоидаларини ишлаб чиқишга туртки берди ҳамда VIII аср иккинчи ярми ўрталарида шакллана бошлаган фикҳ концепцияси ташкил топишининг бошланиши бўлди.

Мусулмон ҳуқуқининг пайдо бўлиши тўғрисида илмий нуқтаи назардан гапирганда, ташкил топиш, ҳуқуқий амалиётни аста-секин турлаштириш ва тизимлаш йўли билан мустақил равишда, бироқ ислом диний таълимоти нуқтаи назаридан содир бўлганлигини айтиб ўтиш керак. VIII аср бошларига қадар унга ҳуқуқ соҳасини шариатнинг умумий мақсадларига бўйсундиришга интилиш сезилмади. Биринчи мусулмон қозилари қарорларни асосан ўз ихтиёрлари асосида маҳаллий урф-одатлар ва ҳуқуқий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда чиқарардилар. Улар Қуръон қоидаларини унда қарор топган ҳуқуқий амалиётга қай даражада мувофиқлигига қараб ҳисобга олардилар.

Ҳуқуқни исломлаштириш йўли турмушга VIII асрнинг 20—30-йилларидан эътиборан фаол ўтказила бошланди. Бу вақтда диндорлар хулқ-атвор қоидаларининг кенг қамровли ислом тизимини, ислом турмуш тарзини қарор топгиришга интилувчи ўта диний шахслар қозиликка мансуб бўлдилар. Улар Қуръон қоидаларига қаттиқ амал қилибгина қолмай, балки диний мезонларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги ҳуқуқий меъёрлар ва урф-одатларни тузатардилар. Агар анъанавий қоидалар ёки ҳукмдорларнинг йўл-йўриқлари диний ғоялар ва умумий мулжалларга зид келса, қозилар улардан шариат қоидаларига асосланган қарорлар фойдасига воз кечар эдилар. Ҳуқуқнинг диний-ахлоқий қадриятларга бўйсундирилиши бошландики, бу нарса айрим тадқиқотчилар-

нинг ҳуқуқни шариат билан бир хил деб ҳисоблаш-ларига асос бўлди.

Қуръон ва Суннанинг йўл-йўриқлари аста-секин қозилар гомонидан кўриб чиқиляётган ишлар бўйича қарорлар чиқаришда рия қилиш керак бўлган бирдан-бир йўл-йўриқлар деб танила бошланди. Бу йўл-йўриқлар абадий ва ўзгармасдир ҳамда барча шарт-шароитларга мос келадиган муайян меъёрдаги ишлар асосида шакллантирилиши мумкин, деб ҳисобланарди. Бунда, гарчи мазкур қоидаларнинг ўзи барқарор бўлиб қолаверса-да, лекин жамоа манфаатларини ҳисобга олган ҳолда талқин қилиш ўзгариб туриши мумкин эди. Бундай эпчиллик Қуръон қоидаларига рия қилган ҳолда «абадий» ва «безарар» қоидалардан чекиниш, хулқ-атворнинг янги қоидаларини таърифлаш, мусулмон ҳуқуқи мазмунини ривожлантириш имконини берди.

Лекин Қуръондаги меъёрий негизнинг торлиги, кенг ҳалифалик қисмларининг иқтисодий ва маданий турмушидаги тафовутлари, уларнинг нотекис ривожланганлиги мусулмон ҳуқуқи олдига илгари араб давлатига маълум бўлмаган бундай муносабатларни меъёрий жиҳатдан қатъий белгилаш вазифасини қўйди. Давлат эса мусулмон ҳуқуқининг диний хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий шаклни, уни ижтимоий талабларга мослаштириш мақсадида қайта тузишни бевосита ўз зиммасига ололмас эди. Бу камчиликни, хулқ-атворнинг етишмаган ва кейинчалик давлат томонидан рухсат этилган қоидаларини ишлаб чиққан ҳуқуқшунос олимлар бартараф қилдилар.

Бироқ, турлича ёндашувлар, фикрлар кураши, у ёки бу масалаларни турлича тушуниш юридик фикрнинг турли хил йўналишлари пайдо бўлишига олиб келди. VII—X асрларда шу асосда мусулмон ҳуқуқининг асосий мактаблари, мазҳаблари таркиб топди.

Ислоннинг Сунна мазҳаби доирасида ўнга яқин шундай мактаблар пайдо бўлдики, улар қонунийлар ёки собит қадамлилар деб аталдилар, бироқ ҳозирги вақтгача улардан тўрттаси энг кагта таъсирга эгадир. Булар ўз асосчилари номлари билан тегишли равишда Ҳанафия, Моликия, Шофия ва Ханбалия деб аталади.

Ҳанафия мазҳаби Сурия, Туркия, Ўрта Осиё ва

Қозоғистонда, Россияда — татарлар ва бошқирдлар орасида кенг тарқалди.

Ҳанафия мазҳаби мусулмонлар оламида энг кўп тарқалган мазҳаб бўлиб, қозилик ишини юритишдаги энг кўп сабрлилиги ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олиши билан бошқа мазҳаблардан ажралиб туради. Ҳанафия мактабининг издошлари қуйидаги қондаларга амал қиладилар: а) асосийси қонун-қондаларнинг ҳарфи эмас, балки маъносидир; б) маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш.

Моликия мазҳаби Ҳанафия мазҳабидан фарқли ўлароқ, юридик масалаларни ҳал этишда ривоятлар ва анъаналарга таянади ҳамда заковатга камроқ мурожаат қилади.

Шофия мактабининг издошлари ривоятлар ва анъаналарга таянадилар, бироқ заковатни тўла инкор этмайдиган ҳамда бу билан Ҳанафия ва Моликия тизимларини бирлаштиришга уринадилар.

Ханбалийлар учун заковатга унчалик аҳамият бермаслик ва жазо чораларида ўта шафқатсизлик хосдир. Ханбалия мазҳаби ҳеч бир янгиликларни тан олмаслиги, ҳадислар ва Қуръонга изчил амал қилиши билан ажралиб туради.

Эрон ва Ироқда ҳукмронлик қилаётган шиалик мазҳаби мурасасозликка унчалик риоя этмайдиган мазҳаб ҳисобланади. Шиалар суннийлардан ўзларининг анъана билан боғлиқ бўлган имомат ақидаси билан фарқланади. Суннийликдан фарқли ўлароқ, шиаликнинг ақидаси Муҳаммад алайҳиссаломнинг куёви Али ва унинг авлодларини мусулмонлар дунёсидаги диний ва дунёвий раҳбарликка фавқулодда ҳуқуқини тан олиш (имомат) ҳамда бошқаларнинг халифалик мақомига сайланишига йўл қўймасликдир.

Шиаликдан ташқари, яна Ваҳобия, муржуя ва бошқа мазҳаблар ҳам мавжуддир.

Бир вақтлар бу барча мактабларнинг тарафдорлари ўзаро қаттиқ урушлар олиб борардилар. Кейинчалик сабр-тоқатлилик руҳи рақобатни юмшатди ва эндиликда у «маънавий мунозаралар» доирасидан четга чиқмайди. Бунинг устига, диндорларнинг бирон-бир вақтда ёки узил-кесил бир мактабдан бошқасига ўтишлари ман этилмайди.

XI аср ўрталарида мусулмон ҳуқуқини ишлаб чи-

қишни ривожлантиришнинг янги даври — «анъаналар даври» бошланди. Шу вақтдан эътиборан мусулмон ҳуқуқи амалда у ёки бу мактабнинг ҳуқуқи бўлиб қолди.

Қозилар Қуръон ва Суннага мустақил равишда таяниш ёки уларни етишмовчи юридик меъёрлар асосида таърифлаш ҳуқуқини йўқотдилар, улар ўз қарорларида у ёки бу мактабнинг умум тан олинган қоидаларига таянишлари керак эди. Бунда мусулмон давлати вақт ўтиши билан қозилар зиммасига муайян мактаб таълимотига риоя қилиш, уни расман афзал кўриш мажбуриятини юклай бошлади.

Шу тариқа XI—XII асрларга келиб, халифаликда таркиб топаётган феодал жамияти юқори табақалари, халифатнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида ҳукмронлик қилган ижтимоий кучларнинг умум мажбурий истагини ифодаловчи юридик ҳодиса бўлган мусулмон ҳуқуқининг умумий тизими шаклланди.

#### 4-§. Мусулмон ҳуқуқи манбалари

Мусулмон тадқиқотчилари мусулмон ҳуқуқи таркибида иккита ўзаро боғлиқ меъёрлар гуруҳини ажратадилар. Биринчи меъёрлар гуруҳини Қуръон ва Суннанинг юридик йўл-йўриқлари ташкил этади. Иккинчи гуруҳни маъқул манбалар асосида шакллантирилган мусулмон ҳуқуқий таълимотининг меъёрлари ташкил этади.

Мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаи сифатида Оллоҳнинг ўз пайгамбарлари ва элчиларидан охиргиси Муҳаммад алайҳиссаломга йўллаган ваҳийларидан иборат бўлган Қуръон кўриб чиқилади. Қуръон ҳуқуқ кодекси эмас. Қуръондаги юридик характердаги қоидалар, бир томондан, кодекс тузишга камлик қилади, иккинчи томондан, бу меъёрлар орасида мавҳум диний ва ахлоқий йўл-йўриқлар шаклидаги умумий қоидалар кўпчиликини ташкил этади. Таъсир кўрсатиш чоралари тилга олинса-да, улар айрим ҳоллардагина жазолайдиган даражага келтирилади. Бунда ердаги жазо эмас, балки виждоний жазо назарда тутилади. Айбдорни қамоқ эмас, балки дўзах кутади.

Мусулмон ҳуқуқининг аҳамиятига кўра иккинчи манбаи Муҳаммад алайҳиссалом мулоҳазаларидаги илоҳийлаштирилган ҳодисалар таъсирида келиб чиққан оғзаки ривоятлар мажмуи — Суннадир.

Мусулмонлар Қуръон ва Сунна юридик меъёрларининг келиб чиқиши илоҳий бўлиб, принцип жиҳатдан ўзгармасдир, деб ҳисоблайдилар. Лекин ҳаётда ижтимоий муносабатларнинг барчаси ҳам Қуръон ва Суннага боғлиқ эмас. Қуръондаги 6200 та шеърнинг аксарияти диний-ахлоқий масалаларга тааллуқли бўлиб, айрим маълумотларга кўра 500 таси, бошқа маълумотга кўра эса 250 таси ҳуқуқий характерга эгадир. Бу камчиликни тузатиш ҳам мусулмон ҳуқуқий таълимотининг давомчилари бўлган мусулмон илоҳиётчи-фиқҳларига ишониб топширилгандир. Улар Қуръон ва Суннанинг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда, Қуръоннинг талқини (тафсир) ни бериб, ҳуқуқ соҳасида пайдо бўладиган баҳслар натижасида келишилган фикрлар (ижмони) бера бошладилар. Тафсир ва Ижмо ҳам мусулмон ҳуқуқи манбаларига тааллуқлидир. Мусулмон ҳуқуқшуосларининг фикрича, Ижмо мусулмон ҳуқуқига мослаштириладиган мавзулардан баҳс этар, унга янгидан пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имконини беради.

Мусулмон ҳуқуқининг тўртинчи манбаи бўлган Қиёсга ёки таққослаш бўйича ҳулоса чиқаришга янада катта аҳамият берилади. Бу усул маълум меъёрни, агар таққослашнинг мақсади ва асоси мазкур меъёр мақсади ҳам асосига мос бўлиб тушса, ўзи бевосита назарда тутган ҳодисага нисбатан қўллаш имконини беради.

IX—X асрларда мазҳаблар — мусулмон ҳуқуқи таълимий йўналишлари асосини тузган энг нуфузли ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб қолди.

Қуръон бугунги кунда мусулмон ҳуқуқининг ғоявий, диний асоси, унинг мафкуравий манбаи сифатида қаралади. Р. Шарльнинг таъкидлашича, мусулмон ҳуқуқи тарихан бевосита Қуръондан бошланмайди. У кўпинча муқаддас китобдан четлашган амалиёт асосида ривожланган. И. Шахтнинг фикрича эса «мусулмон ҳуқуқи» фиқҳ ҳуқуқи»нинг ажойиб намуна-сидир. Бу ҳуқуқ хусусий мутахассислар томонидан яратилган ва ривожлантирилган эди. Давлат эмас, балки ҳуқуқ фани қонун чиқарувчи аҳамиятга, дарсликлар қонун кучига эга бўлади».

Мусулмон ҳуқуқи меъёрларининг каттагина қис-

ми — унинг таълимий ишланиши якунидир. Бунинг устига, агар таълимот аввал бошда муайян ҳодисалар бўйича ечимлар берган бўлса, кейинчалик у ҳар қандай муайян ҳуқуқий меъёрни қўллашда бошланғич нуқта сифатида қаралган умумий, мавҳум қоидаларни шакллантира бошлади.

Қуръон мусулмон ҳуқуқшунос — илоҳиётчилар асарлари бўлган Сунна, Ижмо, Қиёс — бу мусулмон ҳуқуқининг сўзсиз асосий манбаларидир. Айрим тадқиқотчилар бу ҳуқуқ манбаларига мусулмон ҳуқуқшунослари ишлаб чиққан шариат (ҳидоя), урф-одат, юриспруденция (амал), қонун меъёрларини қўллаш бўйича қўлланмани ҳам киритадилар.

### 5- §. Мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти

Мусулмон ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ тизимларидан асосий фарқи унинг асл нусхалигидир. Бу ҳуқуқ бошқа ҳуқуқ тизимларидан бутунлай мустақил бўлиб, улар билан сира боғлиқ эмас. Мусулмон ҳуқуқи — бу масчит ҳуқуқидир. Масалан, масчит ҳуқуқи ҳисобланган қоидали ҳуқуқдан фарқли ўлароқ, мусулмон ҳуқуқи — мусулмон динининг ажралмас қисми, ваҳийлар ҳуқуқи, Оллоҳ сўзидир, деб таърифланади. Мусулмон ҳуқуқига бўйсунмаган одам у дунёда жазога дучор этиладиган осий, мусулмон қозиси ҳукмининг қарорини талашган одам жамиятдан қувиладиган бидъатчидир. Қоидали ҳуқуқ дунёвий ҳуқуққа фақат қўшимчагина эди, мусулмонлар дунёси эса шариатдан бошқа бирон-бир нарсани ҳеч маҳал билмаган.

Мусулмон ҳуқуқи меъёрларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти улар ўз ҳаракатида бошқа ижтимоий меъёрлар ва, аввало, диний ҳамда ахлоқий меъёрлар билан чамбарчас алоқада бўлишидир.

Мусулмон ҳуқуқи меъёрларини амалга ошириш диний онгга кўп даражада боғлиқдир. Кўпгина мусулмонлар мусулмон ҳуқуқи меъёрларига диний йўл-йўриқларга қарагандек қарайдилар. Мусулмон ҳуқуқи амал қиладиган соҳа кўпинча ҳуқуқ меъёрларини амалга оширишнинг одатдаги доирасидан четга чиқади, чунки мусулмон давлати бир қанча сабабларга кўра ибодат билан боғлиқ айрим қоидаларга, шу-

нингдек ўз характерига биноан хулқ-атворнинг ҳуқуқ меъёрларига нисбатан ахлоқий меъёрларга яқиндир.

Мусулмон ҳуқуқи меъёрларининг анча қисми тасодифий характердадир, яъни хусусий ҳодисалар бўйича қабул қилинган. Масалан, Қуръон ёки Суннада назарда тутилган ҳуқуқий характердаги меъёрлар нима? Бу ёки пайғамбар томонидан муайян можароларнинг ҳал этилиши, ённки унинг айрим омилларни баҳолаши, ё бўлмаса берилган саволларга жавоблардир.

Муҳаммад алайҳиссалом сафдошлари — тўрт тақводор халифаларнинг мулоҳазалари ҳам тасодифий бўлмаган. Бу халифалар пайғамбар вафотидан сўнг Қуръон ва Суннада тартибга солинмаган, лекин кейинчалик ҳуқуқ меъёрлари бўлиб кетган масалалар бўйича қарорлар қабул қилганлар. Ҳуқуқшуносларнинг муайян ишлар бўйича чиқарадиган қарорлари ҳисобланадиган ижмо ҳам, қиёс ҳам, тавсиф ҳам, ҳидоя ҳам тасодифий характерга эга бўлмаган.

Мусулмон ҳуқуқи бир қондани бошқалари билан алмаштириш йўли орқали ривожлантирилган эмас. Мазҳабларнинг барча хулосалари, гарчи улар бир-бирларидан айрим жиҳатлари билан фарқ қилсалар ҳам, бир хилда ҳақиқий деб тан олинган. Янги ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ келмовчи, ўз умрини яшаб бўлган меъёрларнинг тўғридан-тўғри бекор қилинишига йўл қўйилмаган. Бу нарса мусулмон ҳуқуқи вақт ўтиши билан хулқ-атворнинг бир-бирига боғлиқ бўлмаган қондаларининг улкан, бетизим тўпламига айланишига олиб келди.

#### 6-§. Мусулмон ҳуқуқи тизими

Мусулмон фикрлари мусулмон ҳуқуқи таркибида ўзаро боғлиқ ва ўзаро қарам икки гуруҳни ажратадилар. Биринчи гуруҳ — Қуръон ва Суннанинг юридик йўл-йўриқлари, иккинчи гуруҳ — мусулмон ҳуқуқи таълимоти томонидан бошқа маъқул манбалар: ижмо, қиёс, тафсир, ҳидоя, одат ва қонун асосида шакллантирилган меъёрлардир.

Асосий меъёрларга биринчи гуруҳ меъёрлари киради, иккинчи гуруҳ меъёрлари эса уларни тўлдиради.

Муайянлиги даражасига кўра, Қуръон ва Суннанинг барча меъёрлари қоида талқинига асло йўл қўй-

майдиган, мутлақ аниқ ва мавҳум, шунингдек, ўз аниқланишини талаб қиладиган, егарли даражада аниқ бўлмаган йўл-йўриқларга бўлинади. Шундай бўлмаса, уларни қўллаб бўлмайди.

Айтишларича, пайғамбар қатъий маънодаги янги ҳуқуқни яратишга эмас, балки одамларни барча ҳаётий вазиятларда қандай йўл тутишга, у ёки бу фактга, воқеага қандай муносабатда бўлишга ўргатишга ҳаракат қилган. Шунинг учун мусулмон ҳуқуқи учун асосий нарса — бу диний асосда одамлар ўрта-сидаги муносабатлар параметрини аниқлашдир, юридик қисмлар эса иккинчи даража ҳисобланади.

Мусулмон ҳуқуқшунослари мусулмон ҳуқуқи меъёрларини ҳам турлича баҳолайдилар. Биринчидан, улар Оллоҳ томонидан ваҳийлар шаклида тайин этилган хулқ-атвор қоидалари сифатида, иккинчидан, шарриятнинг энг йирик билимдонлари томонидан Оллоҳ иродаси талқини асосида қилинган хулосалар шаклида белгиланади.

Мусулмон ҳуқуқи меъёрлари ўз мазмунига кўра икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга у ёки бу одамнинг ҳаракатига берилган баҳони англатувчи йўл-йўриқлар киради. Барча ҳаракатларни қўйидаги беш тоифага ажратиш қабул қилинган: мажбурий, тавсиявий, раҳсат этилган, туғиладиган ва ман этиладиган ҳаракатлар. Бунда одамлар хатти-ҳаракатини баҳолашнинг бирдан-бир мезони уларга Оллоҳ иродасини ифодаловчи шарриятнинг муносабатидир. Иккинчи гуруҳга муайян вазиятлардаги хулқ-атвор қоидаларини шакллантирувчи, шунингдек хатти-ҳаракат шарт-шароитлари ва оқибатларини аниқловчи меъёрлар (қасддан одам ўлдирганлик учун ўлим жазоси тайинлашни назарда тутган йўл-йўриқлар) тааллуқлидир.

Мусулмон ҳуқуқшуносларининг аксарияти мусулмон ҳуқуқий меъёрларининг асосий қисми, айрим фикҳларнинг муболағасига қарамай, ижобий хусусиятга эга бўлган буйруқ (императив) меъёрлардир, деб ҳисоблайдилар.

Мусулмон ҳуқуқи тизими, назаримизда ҳали аниқ тармоқларга ажратилмаган. Айрим олимларнинг фикрича, мусулмон ҳуқуқий тизими мусулмонлар турмушининг қўйидаги учта асосий соҳасини тартибга солувчи принциплар ва меъёрлардан иборатдир: дин-

дорларнинг Оллоҳ билан муносабатлари, одамларнинг ўзаро муносабатлари, шунингдек давлатлар ёки диний жамоалар ўртасидаги алоқалар. Гоҳо мусулмон давлати тузилишини ва унинг фуқаролар билан муносабатини белгиловчи меъёрларни мустақил гуруҳга ажратадилар.

Мусулмон ҳуқуқий таълимоти юқорида келтирилган учта тармоқ билан бирга қуйидаги бошқа учта тармоқни ҳам ажратади: ҳукм-ҳокимият ҳуқуқи, қозилик ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ.

Бутун мусулмон ҳуқуқи — бу кўп даражада мулк, айирбошлаш, шахсий мол-мулксиз алоқалар муносабатларидан тарихан пайдо бўлган шахсий ҳуқуқдир. Унда асосий ўринни диний принциплар ва диний-ахлоқий мезонларни кўзловчи хулқ-атвор қондалари эгаллайди. Унинг алоҳида ва энг кўп ривожланган тармоғи «шахсий мақом ҳуқуқидир». Никоҳ, ажралиш, қариндошлик, оилани моддий таъминлаш, болалар тарбияси бўйича мажбуриятлар, қонун бўйича воясизлик, ҳуқуқий лаёқатликни чеклаш, васийлик ва ҳомийлик ва ҳоказолар мазкур ҳуқуқнинг асосий институтларидир. «Фуқаролик ҳуқуқи», аниқроғи мулк масалалари, ҳар хил битимлар турлари ва уларни таъминлашни, мажбуриятларни бажаришни тартибга солувчи мол-мулк ҳуқуқи (муомалот) ҳам хусусий-ҳуқуқий тармоқларга киради.

Жиноят ҳуқуқи—юқорида кўрсатилган иккита ҳуқуқдан умумийлиги ва тафсилотининг озлиги билан ажралиб турувчи, энг кам ривожланган тармоқдир. У таърифидан қатъи назар, барча қонунбузарликлар учун жазо чораларини киритадики, бу нарса унинг хусусиятидир. Бу ерда ҳам оммавий, ҳам хусусий ҳуқуқ меъёрлари бирлашади. Лекин, умуман, ошкора-ҳуқуқий меъёрлар аввало, содир этилганлиги учун Қуръон, Сунна ёки Ижмо томонидан жазонинг қатъиян муайян чоралари белгиланадиган бир нечта энг хавфли хатти-ҳаракатларгагина тааллуқлидир. Бошқа ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти хусусий ҳисобланади, чунки хусусий шахслар манфаатларига тааллуқли бўлади.

Ҳокимият ҳуқуқи маъмурий-ҳуқуқий, молиявий муносабатларни қамраб олади. Халқаро ҳуқуқ тармоғи бошқа давлатлар билан бўлган, яъни халқаро характердаги муносабатларни, шунингдек уруш ва

тинчлик, шу жумладан муқаддас уруш масалаларини, мусулмон жамоасининг бошқа динлар вакиллари билан муносабатларини тартибга солади.

Мусулмон ҳуқуқи тармоқларининг асосий тафовути уларнинг манбаларидадир. Шахсий мақом меъёрлари Қуръонда энг кенг равишда келтирилган бўлиб, унда бу меъёрларга 70 яқин шеър бағишланган, улардан кўплари хулқ-атворнинг дарҳол бир неча қоидаларини қайд этади. Фуқаролик ҳуқуқи меъёрларида ҳам тахминан шунча шеър бор. Бироқ уларнинг кўплари бир-бирини такрорлайди, шунинг учун Қуръон йўл-йўриқларининг умумий сони амалда «шахсий мақом ҳуқуқи» анчагина камдир. Айни вақтда бунда никоҳ-оила муносабатларини тартибга солишда камтарона ўрин тутган урф-одатлар анчагина аҳамият касб этади.

Қуръондаги бор-йўғи бир нечта меъёрларгина ҳоқимият ҳуқуқи тармоқлари таркибига кирган. Бу тармоқ хусусий-ҳуқуқий тармоқлардан анча кейин шаклланди ва асосан ҳуқуқшунос олимлар томонидан такомиллаштирилган эди.

#### 7- §. Мусулмон ҳуқуқининг мусулмон мамлакатларининг ҳозирги ҳуқуқий тизимлари билан ўзаро муносабати

Ижтимоий тараққиётнинг нисбатан секин суръатлари, ижтимоий онг диний шаклларининг тўла устунлиги мусулмон ҳуқуқи XII асрдан бошлаб XIX асргача деярли ҳаракатсиз қолишига олиб келди. Қуръон ва Сунна асосий қоидаларининг бундан буёнги ривожланиш имкониятлари тугаган ҳисобланади. Лекин бу мусулмон ҳуқуқи ўтмишга тааллуқли деган маънони билдирмайди. Бу асло шундай эмас. Мусулмон ҳуқуқи ҳозирги дунёнинг йирик ва муҳим тизимларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мусулмон аҳолини кўпгина давлатлар, гарчи бу мамлакатларнинг ўзлари илгари бўлган ҳолатларига кўпдан буён ўшамасалар-да, бугун ислом принципларига содиқлик тўғрисидаги конституциялар ва қонунларини эълон қилмоқдалар. Бундай ажабтовур вазият қандай таркиб топа қолди?

Бунда мусулмон ҳуқуқининг энг характерли хусусиятларидан бири — унинг турмуш эҳтиёжларига ҳозиржавоблиги, воқеалар ривожига ўзини мослаша

олишида курсатди. Бу ҳуқуқ ўзгармасдир, бироқ у шундай воситаларга эгаки, улар бу ҳуқуқ моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда, ривожланаётган жамият эҳтиёжларини қондирадиган қоидаларни жорий этиш имконини беради.

Шундай восита-имкониятлардан бири урф-одатдир. Урф-одат—мусулмон ҳуқуқига кирмайди ва ҳеч маҳал ҳуқуқ сифатида қўрилмаган, мусулмон ҳуқуқи томонидан ҳеч маҳал қораланмаган ҳамда инкор этилмаган. Ислом дунёда кўп жиҳатдан одамлардан илгари қабул қилинган турмуш тарзидан воз кечишни талаб қилмаганлиги учун кенг тарқала олди. Кўпгина мусулмон жамиятлари мусулмон ҳуқуқининг баркамоллиги ва нуфузига ишонч ҳамда урф-одатларига амал қилиш туфайли яшаб келдилар ва яшамоқдалар.

Мусулмон ҳуқуқида амирона қоидалар жуда камки, бу нарса ташаббусга кенг йўл очиб беради, унинг намоян бўлиш шаклларида бири эса битимдир. «Қонун буюрганини ҳисобга олиб, битимлар тузишда ҳеч қандай жиноят йўқ».— дейилади мусулмон васиятларидан бирида. Шу принцип туфайли мусулмон мамлакагларида суд амалиёти, масалан, никоҳ тузилаётганда хотин агар эри яққа никоҳликни сақламанса, кейинчалик никоҳдан воз кечиши ёки шундай ҳуқуқ олиши мумкин, деган қўшимча шартга йўл қўяди.

Битим натижасида мусулмон ҳуқуқи тайинланган, лекин мажбурий ҳисобланмайдиган меъёрларга муҳим ўзгартишлар киритиш мумкин. Шулар туфайли Сурияда, масалан, оила ва никоҳ мақоми жиддий равишда ўзгартирилган эди.

Мусулмон ҳуқуқини ҳозирги турмуш шароитларига мослаштириш учун фойдаланиладиган муҳим восита-давлат ҳокимиятининг меъёр яратувчилик фаолиятидир. Биринчи қарашда давлат ҳокимиятининг бундай фаолияти истисно қилинади. Ҳукмдор исломча тушунишда ҳужайин эмас, балки ҳуқуқ хизматкоридир. Бинобарин, у қонун чиқариш билан шуғуллана олмайди. Бироқ ҳукмдорга маъмурий ҳуқуқлар берилган, бу ҳуқуқлардан, ҳатто йўл қўйиладиган чегарадан чиқиб бўлса-да, кенг фойдаланилганки, бу нарса унчалик қораланмасди ҳам.

Шундай қилиб, мусулмон ҳуқуқи бир неча асрлар

давомида ўзгармай қолмади. Бу вақт ичида бир қанча янги меъёрлар пайдо бўлди. Конституциявий, маъмурий, молиявий масалалар бўйича кейинчалик «қонун чиқариш сиёсати» деб аталган меъёр яратиш фаолияти ривожланди. Лекин бу мусулмон ҳуқуқига ҳар қалай муҳим ўзгаришлар киритмади. Унинг тубдан қайта қурилиши XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланди.

XIX аср бошларига келиб, мусулмон ҳуқуқи ўзининг анъанавий кўринишида Араб ярим ороли ва Форс кўрфази мамлакатларидагина амал қилди. Бошқа мамлакатлар XX аср ўрталарида асосий ҳуқуқий шакл сифатида шариатдан воз кечдилар ва ҳуқуқий тизимлар ғарбий Европа намуналари бўйича ривожлана бошлади. Мусулмон ҳуқуқи бу ерларда фақат оила-никоҳ, ворислик ва айрим бошқа муносабатларни тартибга солувчи муҳим ролини сақлаб қолдики, бу нарса шахсий ҳамда онлавий ҳуқуқнинг ислом дини билан анъанавий чуқур алоқаси билан изоҳланади. Уларда ҳаммадан кўпроқ шароитда доимо энг муҳим ҳисобланган таомилый ва диний ҳуқ-атвор меъёрлари бўларди. Қуръоннинг энг кўп йўл-йўриқлари айнан уларга бағишланган эди.

Ҳозирги вақтда мусулмон ҳуқуқи бирдан-бир амал қилувчи ҳуқуқ бўлган биронта мусулмон давлати йўқ. Иккинчи томондан, аҳолиси исломга эътиқод қиладиган, ўз мавқени тамоман қўлдан берган биронта мамлакат ҳам йўқ.

Мусулмон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари уларнинг ҳозирги кўринишида турличадир, чунки уларнинг ижтимоий, тараққиёти бир хил эмас. Шу муносабат билан мусулмон мамлакатларини учта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳни мусулмон ҳуқуқининг ҳақиқатда амал қилиш доираси анча кенг бўлган мамлакатлар ташкил этади. Бу Саудия Арабистони, Форс кўрфази амирликлари, Эрон ва Афғонистондир.

Иккинчи гуруҳга Миср, Сурия, Ироқ, Тунис, Судан киради. Бу мамлакатларда мусулмон ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси ижтимоий турмушнинг шахсий мақом ва диний муассасаларига даҳл қилувчи айрим жиҳатлари билан чекланади, ижтимоий турмушнинг янги соҳалари эса асосан «янги» ҳуқуқ билан тартиб-

га солинади, ваҳоланки, бу ерларда мусулмон ҳуқуқининг айрим меъёрларини қўллаш давом этмоқда.

Учинчи гуруҳга Ўрта Осиё давлатлари, шунингдек мусулмон аҳолига эга бўлиб, яқин вақтларгача социалистик лагер деб аталган лагерга кирган бошқа мамлакатлар киради. Бу ерларда мусулмон ҳуқуқий қонун-қоидалари узоқ вақт қўлланилмади, шариатнинг йўл-йўриқлари кучини йўқотган деб ҳисобланди. Бироқ, шунга қарамай, шариатнинг таъсири айниқса кишилар манший турмуши ва ўзаро муносабатлари соҳасида ҳамма вақт етарли даражада юқори бўлиб келди. Бугунги кунда мазкур мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда исломга ва мусулмон ҳуқуқига бўлган ва бўлажак муносабатни қайта ўйлаб кўриш жараёни давом этмоқда. Лекин ҳуқуқ ҳар қандай ҳолда ҳам ислом принципларига нисбатан бутунлай бошқа принципларга асосланган дунёвий ҳуқуқ бўлиб қолмоқда. Барча айтиб ўтилганлар XIX аср ўрталаридан эътиборан мусулмон ҳуқуқи сифатида амал қилади. Соҳанинг қисқариши умумий қонуният бўлиб қолаётганлигидан далолат беради. Бироқ бу қонуният турлича намоян бўлмоқда. Бунинг устига бу қонуниятга зид тамойил ҳам кузатилмоқда.

Аҳолиси исломга эътиқод қиладиган айрим мамлакатларда «мусулмон ҳуқуқига қайтиш» сиёсати эълон қилинмоқда. Шариат меъёрларини уларнинг «ўзига хос» кўринишида расман жорий этиш зарурлиги таъкидланмоқда.

Мусулмон ҳуқуқини тиклашга даъват — бу тасодифий ҳодиса эмас. Унга ҳозирги вақтда диний омилнинг ислом анъанавий тарзда тарқалган мамлакатлар ижтимоий тараққиёти жараёнларига ҳам, ва умуман, жаҳон сиёсатига ҳам таъсири кучайиб бораётганлиги билан чамбарчас алоқада қарамоқ керак. Исломнинг бошланиб, давом этаётган умумий «сиёсийлашуви» содир бўлдики, бу нарса исломнинг ижтимоий турмуш ҳозирги шаронтига аввалгидан кўпроқ даражада ички кўникишида ҳамда турли сиёсий партиялар ва гуруҳларнинг исломдан апча ушумли фойдаланишларида ифодаланмоқда, бу сиёсий кучлар эса оммани сафарбар этиш учун динга тез-тез мурожаат қилмоқдалар.

Ислом ҳаракатининг соф диний ва ижтимоий унсурлари ўртасидаги нисбатда жиддий ўзгаришлар

содир бўлди. Агар илгари бу ҳаракатга жиддий ижтимоий дастур киритилмаган, кураш асосан диннинг халқ оmmasига таъсирини сақлаш учун олиб борилган бўлса, эндиликда мусулмон мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг амалий жараёнлари ҳисобга олинган ҳолда исломни замонавийлаштириш жараёни содир бўлмоқда. Бу жараён «ислом давлати» ва «ислом иқтисодиёти» деган назарияларда ўз аксини топдики, уларнинг моҳияти иқтисодий ҳаётни ислом принциплари билан мувофиқликка келтириш ҳамда уни анъанавий турмуш шакллари билан қўшишдан иборатдир.

«Ислом иқтисодиёти» моделига кўра «буюм сифатидаги» мулк «одамлар ўртасидаги муносабатлар»ни ифодаловчи мулкдан фарқланади. Биринчи ёндашувга мувофиқ мулк илоҳий мансублик сифатида қаралади. Ерү осмонда мавжуд бўлган барча нарсалар Оллоҳга тегишлидир. Одамлар ўртасидаги муносабатлар нуқтаи назаридан эса мулк шахсий ва ижтимоий мулк сифатида намоён бўлади. Ижтимоий мулк, ўз навбатида, давлат ва кооператив мулкларга бўлинади. Шахсий мулк — бу шахсий меҳнат натижасидир. Дарёлар, ўрмонлар, қазилма бойликлар давлат мулки деб эълон қилинади. Бунда давлат улардан фойдаланиш жараёнини «балансланган иқтисодиёт» принципи бузилмайдиган этиб тартибга солади. Ишлаб чиқариш воситаларининг давлат мулклиги принциплари ва тақсимот соҳасида амал қилувчи давлат институтлари монополияларга қарши туриш ҳамда мулк бошқа шакллари ишлашининг энг муҳим дастаги сифатида эълон қилинади.

Ижтимоий жараёнларга ислом ўтказаетган таъсирининг ортиб боришини бир қанча сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Осиё ва Африка мамлакатларининг капитализацияланиши меҳнат ҳамда турмуш анъанавий шартшароитлари бузилишига, ғоят катта кишилар оmmasи учун моддий аҳволининг ёмонлашувига ёки нима бўлганда ҳам унинг нобарқарорлигининг ортишига олиб келдики, бу нарса дин фаол яшаш учун анча имкониятларни сақлаб қоладиган ижтимоий муҳитни яратди ва кенгайтди. Аҳоли анча қисми иқтисодий аҳволининг ёмонлашуви миллий ва бошқа динларни ифодаловчи кучлар, мусулмон жамияти диний негиз-

ларини сусайтирувчи «вестернизациялаш» билан чамбарчас боғланди.

Буларнинг ҳаммаси, табиийки, мусулмон турмуш тарзи ҳимоячилари фаолияти учун қулай шароит яратарди, бунинг устига мусулмон мамлакатларининг аксариятида капитализмнинг ривожланиши ижтимоий турмушни шу ғояларнинг асосан соҳиблари бўлган руҳонийлар таъсиридан озод қилиш учун курашга йўлдош бўлмади. Мусулмон мамлакатларида вужудга келаётган буржуазия диннинг таъсиридан воз кечолмади. Аксинча, ўз мақсадларига эришиш, уларни амалга оширишга оммани жалб этиш учун у тушунадиган дин тилида сўзлашни керак эди.

Исломининг аҳамияти унга эътиқод қилувчи мамлакатлар ижтимоий ҳаётига таъсири ортиб бораётган бир шароитда мусулмон ҳуқуқига қайтишга даъват этишдадир. Фарбнинг ҳуқуқий таъсиридан озод бўлиш учун кураш баҳонасида мусулмон ҳуқуқини меъёрларини қонун йўли билан мустаҳкамлаш таклиф қилинмоқда. Давлат мулкини ҳимоялашни кучайтириш мақсадида шариат назарда тутган жазо чораларини ва ҳусусан қўлни кесиш ва ҳоказоларни қонун йўли билан мустаҳкамлаш талаб этилмоқда.

Мусулмон ҳуқуқшуносларининг аксарияти мусулмон ҳуқуқининг ҳозирги мусулмон жамиятидаги мақсади ва вазифасини ошириш зарурлиги туғрисида гапириб, ҳуқуқий меъёрларни бундан қарийб минг йил илгари таркиб топган кўринишда жорий этиш туғрисида эмас, балки мусулмон ҳуқуқини илғор тараққиёт эҳтиёжларига мослаштириш устида сўз юритиш лозим, деган нуқтан назарга амал қилмоқдалар. Гап энг ёқимсиз концепцияларни қайта кўриб чиқиш зарурлиги, муомалага ҳозирги давр талаб этаётган қоидаларни киритиш устида бормоқда. «Ҳақиқий ислом»га қайтиш байроғи остида фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, қонун чиқариш ҳокимиятига эга бўлган олий вакиллик органлари тузиш, ижтимоий турмушни демократиялаш, хотин-қизларни ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан озод қилиш талаблари илгари сурилмоқда.

Мусулмон ҳуқуқининг мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизимларида тутган ўрни туғрисида юқорида айтилганларни яқунлаб, ижтимоий онг шакли бўлган анъанавий мусулмон ҳуқуқи умуман ижтимоий тараққиётнинг эришилган даражасига мувофиқ кел-

майди ва ижтимоий тараққиёт йўлида объектив равишда тўсиқдир. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, мусулмон ҳуқуқи кўп асрлар давомида амал қилиб турган юридик меъёрларгина бўлиб қолмай, балки мусулмонлар жамияти, ижтимоий онг мафкураси ва руҳиятининг ҳукмрон шакли ҳам бўлиб келди. Мусулмон мамлакатларида эришилган тараққиёт қандай бўлмасин, умрини яшаб бўлган тизим сифатида мусулмон ҳуқуқидан воз кечиб бўлмайди, у гарчи буржуа ҳуқуқи томонидан муттасил сиқиб чиқарилаётган бўлса-да, ўз ижтимоий ва сиёсий аҳамиятини йўқотган эмас.

Тадқиқотчи Р. Давид ҳақли равишда ҳисоблашича, «мусулмон мамлакатларининг ҳуқуқшунослари фақат ҳуқуқий соҳадагина эмас, балки турмушнинг бошқа барча соҳаларида ҳам ўзлари яшаётган жамиятга хос бўлган мулоҳаза ва тафаккурнинг анъанавий усулларига ҳали узоқ вақт амал қиладилар».

#### 8-§. Мусулмон ҳуқуқининг асосий тармоқлари

*Давлат ҳуқуқи.* Давлат ҳуқуқи бугунги кунда кўпгина мусулмон давлатларининг ҳуқуқий тизимларидаги етакчи тармоқ ҳисобланади. Бу ҳуқуқ ижтимоий ва давлат тузуми асосларини, давлат механизмининг ташкил этилиши ва фаолияти принципларини мустаҳкамлайди ҳамда шу билан бирга турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг сиёсий манфаатларини бевосита акс эттиради, уларнинг давлат вазифалари бажарилишидаги, умуман мазкур мамлакат сиёсий тизимидаги ўрнини белгилайди.

Таъкидлаб ўтилганидек, давлат ҳуқуқи меъёрлари мусулмон ҳуқуқининг бошқа тармоқларидан анча кейин шакллантирилган эди, бироқ унинг асосини ҳокимиятнинг ислом концепцияси ташкил этади.

Ҳақиқий ҳокимият Қуръон томонидан фақат шахс фаолияти сифатидагина эмас, балки асосан одамларнинг худо иродаси-ваҳийсига бўйсунishi сифатида, у ваҳий қилган хулқ-атвор тарзига сўзсиз амал қилиш сифатида тавсифланади. Бошқарувнинг ўзи диний мажбуриятни, диний маросимни ифодалайди. Олий ҳокимият ва ундаги ҳуқуқнинг ягона манбаи Оллоҳ эди.

Қуръон ҳокимиятнинг мусулмон давлатига хос бўлган қуйидаги учта даражасини белгилайди: Оллоҳ,

унинг элчиси ва мансабдор шахслар. Диндорлар шуларга бўйсуниларни керак.

Диндорлар жамоаси ҳукмдорларининг фаолияти диндорлар томонидан худо иродаси-ваҳийсининг аниқ адо этилиши тўғрисида ғамхўрлик қилишдан, унинг дахлсизлиги ва илоҳий ваҳий ман этган нарсага йўл қўймаслик ва худо йўл-йўригини жорий этиш тўғрисида фармойишлар беришдан иборат эди. Ҳокимиятнинг Сунна тарафдорлари ақидасига мувофиқ, унинг марказий институти халифа (Муҳаммад алаҳиссалом ўринбосари)— давлат бошлиғидир. Халифа дунёвий ва руҳоний ваколатларга эга бўлган. Бу ақиданинг бошқа бир муҳим институти маслаҳатчилик тамойили эдики, уни амалга оширишда диний арбоблар асосий роль ўйнашларни керак.

Ҳокимият тўғрисидаги шиа тарафдорлари тушунчасига кўра имомийлик улар томонидан олдиндан белгилаб қўйилладиган ўз хусусиятига эгадир. Бу ақидага биноан барча ҳокимлик ваколатлари Муҳаммад алайҳиссаломнинг бевосита авлоди ва шунинг учун ярим илоҳий фазилатларга эга бўлган Имом кўлида жамланишига асосланади. Мазкур ақиданинг ҳозирги замон талқини оддий мусулмонлар билан «яширинган» имом («халоскор» сифатида яна пайдо бўлиши керак бўлган, сирли тарзда йўқолган Алининг ўн иккинчи авлоди) ўртасидаги воситачилар бўлган шиа диндорларига алоҳида роль ажратади.

Ҳокимият ташкил топишининг қайд этилган усуллари фақат бошқарувнинг салтанат шаклига эга бўлган мамлакатларнинггина давлат ҳуқуқига эмас, балки бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган давлатларнинг давлат ҳуқуқига ҳам таъсир этадики, бу нарса кўн жиҳатдан тараққиётнинг буржуача йўли ушбу мамлакатларда улар олдида турган кўпгина кескин ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммолар ҳал этилишига олиб келмаганлиги билан изоҳланади.

Ислом институтлари ва меъёрларининг давлат ҳуқуқига таъсирини ақс эттирадиган ва айни вақтда шундай таъсирнинг ҳуқуқий негизи бўладиган етакчи конституциявий принциплари исломий давлат моҳиятини эътироф этишдирки, бу нарса 30 дан ортиқ мамлакатда жорий этилган. Айрим мамлакатларда ислом институтлари давлат ҳокимиятининг асосий ғоявий негизи деб тан олинмоқда, бошқаларида эса мавжуд

ҳокимиятни «ёритиш» ролида намоён бўлмоқда. Бироқ исломнинг ҳозирги замон давлат ҳуқуқига таъсири асосан бунда эмас, балки мусулмон ҳуқуқи бир қанча муайян институтлари ва меъёрларининг мустақамланишида намоён бўлмоқда. Бу аввало «маслаҳатлар» тамойилига тааллуқлидир. Бир қанча мамлакатларда (Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари) давлат бошлиғи ҳузурида маслаҳатлашиш органи тузилган бўлиб, давлат бошлиғи унинг маслаҳатларисиз қонунлар қабул қилолмайди. Гоҳо «маслаҳатлар» тамойилидан масъулиятли давлат лавозимларига шахсларни тайинлашда фойдаланилади.

Ислом институтларининг ҳозирги замон давлат ҳуқуқига таъсирининг энг муҳим кўринишларидан бири — давлат бошлиғи учун диний эътиқод ҳудудининг тайинланишидир. Чунончи, Иордания конституциясига кўра подшогина эмас, балки бош вазир ҳам мусулмон бўлиши керак. Мусулмон ҳуқуқий меъёрлари давлат бошлиғи ҳуқуқий мақомини тартибга солишда яна каттароқ роль ўйнайди. Бир қанча давлатларда ҳукмдорлар, гарчи халифалар бўлмасаларда, ўз фуқароларининг руҳоний бошлиғи ҳисобланадилар (Марокаш, Судан, Арабистон), бошқа давлатларда ҳукмронларга мутлақ дахлсизлик, қонун чиқарувчи ҳокимиятни якка ўзи амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Ислом омили таъсирини давлатлар бошлиқларигина эмас, балки давлат органлари ва ҳатто айрим муассасалар ҳам сезиб турадилар. Айрим давлатларда, масалан, ислом билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш топширилган махсус вазирликлар ишлаб турибди.

Ислом давлати ҳуқуқий меъёрларининг таъсири шахснинг, хусусан аёлнинг ҳуқуқий мавқеида жуда сезиларли бўлади.

Давлат ҳуқуқи томонидан оилага қаратиладиган эътибор ислом таъсири билан изоҳланади. Кўпгина мамлакатларнинг конституциялари оилани шунчаки жамиятнинггина эмас, балки ислом жамиятининг асосий ячейкаси, «дин, ахлоқ-одоб ва муҳаббат»ни эса унинг таянчлари, деб эътироф этади.

Мусулмон ҳуқуқи ва исломнинг Шарқ мамлакатлари давлат ҳуқуқий тараққиётига таъсири бу ерда таркиб топган давлат шакларида ва аввало бошқа-

рув шаклларида бевосита акс этади. Мусулмон ҳуқуқи, принциплари ва меъёрлари бир қанча араб мамлакатларида, аввало Саудия Арабистонида қарор топган мутлақ салтанатнинг муҳим унсурини ташкил этади.

**Шахс мақоми ҳуқуқи.** Бу тармоқ исломнинг диний ва ахлоқий меъёрлари ва принциплари, мусулмон мамлакатлари кенг оммасининг дунёқараши ҳамда маданий анъаналари билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳатто XIX аср ўрталарида бу мамлакатларнинг энг кўп тараққий этганларида мусулмон ҳуқуқи ғарбий европача буржуа намуналарини ўзлаштирувчи қонунларга аста-секин ён бера бошлаганда «шахс мақоми ҳуқуқи» ўз мавқеини сақлаб қолганлиги тасодифий эмасди. Бироқ вақт ўтиши билан мусулмон мамлакатларида содир бўлган ижтимоий силжишлар бу тармоққа ўзгартишлар киритишни талаб этди.

Шахс мақоми ҳуқуқи аввало оилавий муносабатларни тартибга солади ва бу тасодифий эмас. Исломда ҳуқуқнинг объекти шахс эмас, балки оиладир. Шунинг учун «шахс мақоми ҳуқуқи»нинг марказий институтларидан бири оила тузиш ва уруғни давом эттиришни кўзловчи никоҳдир.

Мусулмон жамиятида никоҳ диний мажбурият, никоҳсизлик эса — қайғули ҳолат ҳисобланади. Қуръон диндор эркакнинг айни вақтда тўртта хотин ва номаълум сонли чўри-қулларга эга бўлишига қаршилик қилмайди.

Диний-ҳуқуқий мактабларнинг аксарияти никоҳ натижасида аёл эркак киши учун «қонуний», «руҳсат этилган» аёл бўлиб қоладиган икки ёқлама шартнома деб қарайди. Одатда шартнома никоҳга кирувчиларнинг ўзи томонидан тузилади, лекин никоҳ шартномасини келин номидан унинг васийи (ота-онаси) тузадиган ҳолларга ҳам йўл қўйилади.

Никоҳ шартномаси тузилаётганда одатда икки нафар эркак гувоҳ, ёки бир нафар эркак ва икки нафар аёл гувоҳ ҳозир бўлиши талаб этилади. Айрим ҳолларда гувоҳлар фақат мусулмонлардан бўлиши кераклиги таъкидланади. Кўпчилик мамлакатлар қонунларига кўра шартноманинг ёзма шакли тайинланган.

Никоҳнинг ҳақиқийлиги мусулмон ҳуқуқига кўра

қўйидагилар билан шартлангандир: муайян шахсларнинг розилиги, бевосита тўсиқларнинг йўқлиги, қонуний расмийларга риоя этилиши. Мусулмон ҳуқуқига кўра қондош-қариндошлар, сут эмган ака-ука ва опа-сингиллар (улар билан она кўкрагидан ҳатто бир марта сут эмган бўлсалар ҳам), бошқа даввогар эркак уйланишни истаган аёл билан никоҳ тузиш ман этилади. Нотенг никоҳларга, мақсади аёл ҳомиладорми-ҳомиладор эмасми эканлигини аниқлаш бўлган ажралишдан кейинги муддати «идда» тугамаган аёл, бева ёки эридан ажралишган аёл билан никоҳларга, шунингдек мусулмон аёлнинг номусулмон эркак билан никоҳига йўл берилмайди. Мусулмон кишининг номусулмон аёл билан никоҳи ман этилмайди (башарти аёл мусулмонликни қабул қилса).

Никоҳга кириш учун муайян ёшга етган бўлиш керак. Бу ерда зарур аниқлик йўқ. Айрим мамлакатларда эркаклар учун 18 ёш, бошқаларида 17 ёш, аёллар учун 17, 16 ва ҳатто 15 ёш белгиланган. Шундай мамлакатлар ҳам борки, уларда ўғил бола 10 ёшга, қиз бола 9 ёшга тўлган болса, балоғат ёшига етган деб топилади. Ҳамма учун умумий қоида бўлажак эр-хотинларнинг жинсий етукликка эришганлиги бўлиб, буни аниқлашда ягона ёндашув йўқдир.

Айрим мамлакатларда ёшларидаги фарқ ҳаддан зиёд катта бўлган шахслар учун никоҳга киришнинг алоҳида қоидалари белгиланган. Иордания ва Сурия қонунларига кўра, бундай никоҳга унинг фойдали эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг қозиллик маҳкамаси ижозат беради.

Мусулмон ҳуқуқи никоҳ шартномаси тузиш учун кўёв ва келин никоҳга рози бўлишларини ҳамда никоҳ тузиш пайтида махсус сўзни айтишни талаб қилади. Никоҳ шартномасини кўёв ва келин розилигисиз тузиш имконияти ҳам бор. Бунга кўёв жинсий етукликка эришмаган, келин эса биринчи никоҳда қизлигини йўқотмаган ҳолларда йўл қўйилади.

Бир қанча мамлакатлар қонунларида никоҳ шартномасининг энг муҳим шартларидан бири сифатида эркаклар ва аёлларнинг «тенглиги» белгиси қараб чиқиладики, бу нарса кўёвнинг никоҳ эвазини тўлаши ҳамда оилани боқилишини назарда тутди.

Мусулмон никоҳи бир нечта босқичлардан ташкил топади. Биринчи босқич битишув, совчилик бўлиб,

бунда куёв ўзи ёки ишончли кишилари орқали келиннинг отаси, васийси ёки ишончли кишига ўз ниятини билдиради. Ушандаёқ эрнинг хотинига ажратадиган мол-мулки туғрисида келишиб олинади.

Иккинчи ва учинчи босқичлар — келинни куёв уйига кузатиш ва тўй тантанаси. Буларнинг ўрни алмаштирилиши мумкин, чунки келин ҳали ёш бўлса, унинг кузатилиши у никоҳ ёшига етгунча кечиктирилади. Тўй вақтида шартнома эълон қилинади ва маҳр тўланади.

Сўнги босқич — никоҳ муносабатларига амалда киришиш, шундан кейин никоҳ маросими тугалланган ҳисобланади.

Мусулмон ҳуқуқига кўра, никоҳнинг муҳим оқибати келин учун эваз (маҳр, қалин) дир. Куёв гарчи мажбуран уйланаётган бўлса-да, уни тўлашга мажбур. Қуръонга кўра маҳр хотинга тегишлидир ва айрим истиснодан ташқари қайтарилмайди. Мвайян қиймат ва хусусиятга эга бўлган, одам эҳтиёжларидан бирини қондира оладиган ҳамда қонун ундан фойдаланишга рухсат этган ҳар қандай буюм маҳр бўлиши мумкин. Маҳр оз ҳам, кўп ҳам бўлмайди. У никоҳ тузилиши билан тўлиқ тўланиши ёки тўлиқ, ённки қисман шартномада белгиланган муддатгача кечиктирилиши мумкин.

Илмий адабиётда яқин вақтларгача шундай бир нуқтаи назар ҳукмрон эдики, унга кўра мусулмон никоҳи олди-сотти тарзида, эр берадиган эваз олинаётган хотин баҳоси сифатида қараларди. Бошқа мамлакатлардаги ислом тадқиқотчилари эвазни жинсий алоқаларни ўрнатишнинг қонунлаштирилган усуллари билан бири деб биладиларки, бу нарса хиёнат қилишдек жинояткорона гуноҳга қарама-қарши қўйилади. Айрим олимларнинг фикрича, эваз исломдан аввалги даврдан келиб чиққан, ўша вақтда никоҳ экзогам бўлиб, аёлларни айирбошлаш улар келиб чиққан қабила, оиланинг заифлашувига сабаб бўлмаслиги керак эди. Бироқ бу айирбошлаш жуда кам ҳолларда бир вақтда амалга оширилган. Шунинг учун ҳам келин учун тўланган ҳақ аёл учун куёв уруғи келин уруғига тўлайдиган гаров ҳисобланарди.

Қуръон эрга ўз хотинига ёмон муносабатда бўлишдан ва унга нисбатан ўта шафқатсизлик қилишдан тийилишини буюрар, айни вақтда эса тўзатиш жа-

зоси сифатида жисмоний таъсир этиш усулларига йўл қўярди, чунки хотин эрига бўйсунуши керак эди.

Хотин эрига ҳамма нарсада бўйсунушга мажбур эдики, бу нарса қонунга мувофиқ келарди. Хотин эри билан яқинлашишни беморлигидан ташқари вақтларда рад этолмайди. Мусулмон қонуни хотиннинг рафиқалик содиқлигига рия қилиш мажбуриятларини назарда тутлади.

Мусулмон шахсий мақомининг марказий институтларидан бири никоҳнинг тўхтатилишидир. Бунга ўлим, никоҳ ҳақиқий бўлмаганлигидан унинг хатоли, эр ташаббуси (талоқ) билан ажралиш, никоҳнинг эр-хотин розилиги ёки қозилик маҳкамаси қарори билан тўхтатилиши асос бўлади.

Эри вафотидан кейин бева хотин ўз тақдирини ўзи тасарруф этиш ва тўрт ойю ўн кунлик муддаг ўтгандан сўнг яна эрга тегиш ҳуқуқига эга бўлади.

Никоҳни тўхтатишнинг асосий шакли талоқ бўлиб, бунинг маъноси эрнинг хотинига уч карра ажралиш беришга ҳақли эканини билдиради. Биринчи ва иккинчи ажралиш, агар, масалан, уч ойга тенг этиб белгиланган муддат (идда) мобайнида эр хотинини қайтиб олса, никоҳ муносабатларини тўхтатмайди. Бунда хотиннинг ёки унинг васийининг розилиги, шунингдек янги никоҳ шартномаси тузиш ва янги маҳр тўлаш талаб этилмайди. Биринчи ва иккинчи ажралишдан кейин идда муддати тугаган бўлса никоҳ тўхтатилади, лекин бу ҳам собиқ эр-хотинларга қўшимча шартларга рия қилиб ўтирмай, янги шартнома тузиб, яна никоҳга киришга халақит бермайди. Учинчи ажралиш узил-кесил ажралиш ҳисобланади, чунки никоҳни бутунлай тўхтатади.

Никоҳни эр-хотин ўртасидаги келишувга кўра тўхтатиш ажралишдан фарқли ўлароқ, томонларнинг никоҳни тўхтатиш ва ўзаро никоҳга кириш тадбирига ўхшаш таклиф ҳамда жавоб билан айирбошлаш воқеасида бу ҳақда битимга келиш истаги борлигини назарда тутлади. Бундай шартноманинг энг муҳим шarti, одатда, эрнинг хотиндан бадал олишидир. Бадал одатда муайян пул миқдори шаклида бўлади.

Ниҳоят, эр ҳам, хотин ҳам, кўпинча эса хотин ажралиш тўғрисида қозилик маҳкамасига даъво аризаси беришлари мумкин. Бундай ажралишга кўп ҳолларда эрнинг бетоблиги ёки жисмоний камчилиги,

хусусан руҳий айниши, жисмоний яқинликка ноқобиллиги, шунингдек эрнинг етарли бўлмаган асосларга кўра 1—2 йилдан кўпроқ бўлмаслиги (бу эса хотинга маънавий путур етказди) асос ҳисобланади.

Никоҳнинг қозилик маҳкамаси томонидан бекор қилинишига шунингдек, эр-хотинлардан бирининг хиёнатини қозилар рухсатисиз янги никоҳ тузиши, эр-хотин ўртасидаги можаро ёки бир-бирига маънавий путур етказиш асос бўлади.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, мусулмон ҳуқуқи эркак кишига ажралиш учун чекланмаган ҳуқуқ беради, хотин кишига эса бундай ҳуқуқни қонун қатъий писандалаган ҳоллардагина беради.

*Фуқароларнинг мулкка эгаллик ҳуқуқи.* Мулккий ҳуқуқ мусулмон ҳуқуқининг эътибор марказида туради. Лекин турли мамлакатларда бу ҳуқуқ улардан ҳар биридаги ижтимоий турмушнинг шакли ва уюштирилишига боғлиқ ўз хусусиятларига эгадир. Бироқ бу мамлакатларнинг мулккий қонунлари асосини ташкил этадиган умумий принциплар ҳам мавжуддир.

Фақат жисмоний шахсларгина мулккий муносабатлар объекти ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг мулккий муносабатлар вужудга келишига асос бўлган ҳаракатлари қонуний (ҳалол) ва рухсат этилган (жонз) ёки ноқонуний, рухсат этилмаган (ҳаром) характерда бўлиши мумкин. Ҳаракатлар мақтовли (мустаҳаб) ва танбеҳли (макруҳ), шунингдек мажбурий ҳам бўлиши мумкин. Жинс, сулола, мулккий ҳолат ва дин ҳуқуқдорликка таъсир кўрсатади.

Тулиқ даражадаги ҳуқуқдорликка эркак мусулмонлар эга эди. Ҳуқуқий лаёқат туғилиш пайтидан, ворислик масалаларида эса туғилишдан илгари бошланади ҳамда ўлим ёки бедарак йўқолган шахсни ўлган деб тан олиш билан тугайди. Ёш болалар ва баалоғатга етмаганлар, одатда, 15 ёшгача, шунингдек руҳий касаллар ва ақлсизлар муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилади.

Буюмлар, ҳаракатлар, шунингдек мулккий характердаги шахсий ҳуқуқлар (ном ҳуқуқи) мулккий муносабатлар объектларидир. Буюмлар кўчар ва кўчмас, уруғ ҳамда ўз меҳнати билан топилган, бўлинувчи ва бўлинмас, асосий ҳамда мансубий, истеъмолга рухсат этилган ва рухсат этилмаган, тортиб олинган ҳамда тортиб олинмаганга бўлинади.

Мусулмон ҳуқуқига мулк ҳуқуқи яхши таниш бўлиб, унинг тушунилиши бизнинг тушунишимизга ўхшашдир. Мулк ҳуқуқининг соҳиби ундан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, бироқ мулкдорнинг ўз бўюмидан фойдаланишда суниестемол қилиши, уни мақсадсиз йўқ қилиши ман этилади. Бузилган мулк ҳуқуқини тиклаш туғрисидаги даъво учун даъво муҳлати бўлмаган. Шариатга биноан муқаддас, бинобарин, дахлсиз ерга бўлган ҳуқуқ мусулмон ҳуқуқининг асоси ҳисобланади. Мулк шаклларида давлат, жамoa мулклари ва хусусий мулклар маълум бўлиб, улар солиқлардан халос этиладиган ҳамда солиқ солинадиган ва вақф мулкларига бўлинади.

Вақф мулки мусулмон мулк ҳуқуқининг ўзига хос соҳасидир. У ихтиёрий хайр-эҳсон, совғага асослангандир.

Вақф — давлат ёки хусусий шахс томонидан диний ва ҳайрия мақсадларига ажратилган мулкдир. Мулкнинг фуқаролар бисотидан ташкил топиши вақфнинг характерли хусусиятидир. Унга ҳеч қандай солиқлар ва ўлпонлар солинмайди.

Мусулмон ҳуқуқи бегона бўюмдан фойдаланиш ҳуқуқи (серветут ҳуқуқи)ни, хусусан шахснинг бошқа шахсга қарашли қудуқ, ариқ ёки сув омборидан сув ичиш ҳуқуқи, шунингдек молларни бошқа шахс ҳудудидаги ариқ ёки сув омборида суғориш ҳуқуқини ҳам беради.

*Мажбурият ҳуқуқи.* Бу ҳуқуқ мусулмон ҳуқуқининг ривожланган ҳуқуқларидан биридир. Мусулмон ҳуқуқи пайдо бўлиш асосларига кўра шартномали мажбуриятлар ва путур етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни фарқлайди. Жисмоний шахс ҳам, юридик шахс ҳам шартномали мажбуриятлар объекти бўлиши мумкин. Вакилликка йўл қўйилади. Қонунийлик, шартнома мазмунининг томонлар истагига мувофиқлиги ва шартнома муносабатлари субъектларининг ҳуқуқий лаёқати шартномалар ҳақиқийлигининг шартларидир.

Буюмлар ва ҳаракатлар шартнома предмети бўлиши мумкин. Заклад, кафолат, гаров ва бошқа мажбуриятларни таъминлаш шартларидир.

Шартномали мажбуриятлардан қўйидагилар маълум: олди-сотти, алмаштириш, ёллаш, қарз, етказиб

бериш, гаров, юк, пудрат, ширкат, армуғон мажбуриялар.

*Ворислик ҳуқуқи.* Мусулмон ворислик ҳуқуқи Қуръон қондаларига асосланади. Пайғамбар эркак ворислар ва айрим аёл ворислар устивор ҳуқуқини, шунингдек мулкнинг ворисликка кўра аёлга мансуб бўлган қариндошларга ўтишини назарда тутган. Мусулмон ҳуқуқида ворислар икки гуруҳининг мавжудлиги айнан шу нарса билан изоҳланади. Булар эркак томонидан бўлган эркаклар ёки қариндошлар — асиб; аёл томонидан бўлган аёллар ёки қариндошлар — фарздор. Бунда эркак ворислар мерос улушини аёл ворислардан икки баравар кўп оладилар. Мусулмон ҳуқуқи хунаса ворисга ворислик ҳуқуқини айрим ажратувчи бирдан-бир ҳуқуқдор. Хунаса меросни ўзида қайси жинс ортиқлигига мувофиқ ҳажмида олади. Белгиланган қоидаларни мутлақ аниқ бажаришни талаб қилиш мусулмон мулк ҳуқуқининг ўзига хос белгисидир. Масалан, ворис меросдан воз кечиши билан мероснинг ворислик бўйича ўтиши тартибини бузиши мумкин эмас. Ҳар қандай ворис мерос қолдирувчи шахснинг давомчиси эмас, балки вориси ҳисобланади, шунинг учун ворис мерос қолдирувчининг мерос тўдаси ҳисобидаги ортиқ қарзларини тўлашга мажбур эмас.

Меросхўрлик ҳам қонун бўйича, ҳам васият бўйича бўлиши мумкин. Қонун бўйича мерос очилиши вақтида ҳаёт бўлган барча қондош-қариндошлар, шунингдек мерос қолдирувчининг хотини (хотинлари) ёки эри меросхўрлар бўлиши мумкин. Ота, она, бува ва буви бошқа меросхўрлар бўлмаганида вафот этган болаларининг меросхўрлари бўлиши мумкин. Мерос биринчи навбатда қуйи чизик бўйича (болалар ва уларнинг авлоди), улар бўлмаганда вафот этганнинг бошқа қариндошларига берилади. Мол-мулк вафот этганнинг қарзлари унинг мол-мулкидан узилгандан кейингина тақсимланади.

Мерос қуйидагича тақсимланади: хотин, мерос қолдирувчининг ўғли қолган бўлса, вафот этган эри мол-мулкнинг саккиздан бир қисмини, агар ўғил ва унинг авлоди бўлмаса, тўртдан бир қисмини олган; эр хотини вафотидан кейин хотин эри вафотидан кейин оладиганидан икки баравар кўп олган; икки меросхўр қизнинг улуши битта меросхўр ўғилнинг улу-

шига тенг бўлган; мерос қолдирувчининг қизлари бўлмаса, мол-мулки ўғиллари ўртасида тенг тақсимланган, мерос қолдирувчининг биттагина қизи қолган бўлса, у меросни тўлиқ эмас, балки ярмини олган.

Мерос қолдирувчи ўздан кейин ёзма ёки оғзаки васият қолдириши мумкин бўлган, лекин уни тузишда катта ёшли икки эркак гувоҳ бўлиши зарур эди. Ўз мол-мулкининг учдан бир қисминигина васият этиши мумкин эди. Мерос қолдирувчи вафотидан кейин ўз истагини бажо келтирувчини тайинлаши мумкин бўлган. Васиятни бекор қилиш ҳам ёзма ва оғзаки бўлиши мумкин. Марҳум васият қилувчининг қотили агар у олдиндан ўйланган ният билан ҳаракат қилган ва қонун бўйича ворис бўлса, мол-мулкни васият бўйича олишга ҳаққи бўлмайди.

*Жиноят ҳуқуқи.* Жиноят ҳуқуқи масалалари мусулмон ҳуқуқи томонидан мулкӣ ҳуқуқ масалаларига нисбатан анча батафсил ишлаб чиқилган. Мусулмон жиноят ҳуқуқига кўра жиноят қонун тақиқлаганини содир қилиш, ёки ҳокимият буюргани, ёки фармойиш берганини адо этмасликдан иборатдир.

Мусулмон ҳуқуқи тарихий ва жинорий-ҳуқуқий мезонларга асослангани ҳолда жиноятларнинг учта тоифасини фарқлайди. Биринчи тоифага Оллоҳ иродасига, яъни бутун мусулмон жамоаси манфаатларига тажовуз қилувчи ва шунинг учун энг катта хавф туғдирувчи жиноятлар киради. Улар аниқ белгиланган (ҳадд) жазога тортилади. Иккинчи тоифа қайд этилган жазо қўлланиладиган, лекин айрим шахслар ҳуқуқларига тажовуз қиладиган жиноятларни бирлаштиради. Учинчи тоифа аниқ белгиланмаган (таъзир) жазога тортилади.

Мусулмон ҳуқуқшунослиги аксариятнинг фикрича, биринчи гуруҳ жиноятларига қўйидаги еттига энг ижтимоий хавfli жиноятлар киради: бевафолик қилиш, маст қиладиган ичимликлар ичиш, ўғрилик, босқинчилик, бевафоликда исботсиз айблаш, диндан қайтиш ва исён.

Иккинчи гуруҳга шарият аниқ рухсат берган қасосни белгиладиган жиноятлар киради. Бу принцип Қуръоннинг қўйидаги қондаси билан мустаҳкамлангандир: «Ким сизга қарши чиқса, сиз ҳам унга, у сизга қандай қарши чиққан бўлса, шунга ўхшаб қар-

ши чиқинг...». Одам ўлдириш ва оғир тан жароҳатлари етказиш бу тоифадаги асосий жиноятлардир.

Одам ўлдирганлик учун жазо умумий қоида бўйича ўлдиришга тенг бўлган ўлим жазосидир. Бунда чекинишларга ҳам йўл қўйилади: муайян шароитларда кечириниш ёки қон учун тўлов олиш мумкин.

Тан жароҳатлари етказиш қўйидаги йўл-йўриққа биноан жазоланиши керак: «Биз бунда уларга йўл-йўриқ бердикки, токи жон учун—жон ва кўз учун кўз, ва қулоқ учун—қулоқ, ва тиш учун—тиш ва жароҳатлар—қасос бўлсин».

Мусулмон ҳуқуқи жиноятларнинг учинчи гуруҳига қонунбузарликларни киритади, улар учун жавобгарлик объектив омилларгагина эмас, балки субъектив омилларга ҳам боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Таъзир, биринчидан, қонунбузарликлар учун ҳаддан ва қасосдан, ҳам гуноҳларни ювишдан иборат аниқ жазолар белгиланмаганда қўлланади; иккинчидан, қонунбузарликлар, гарчи ҳадд ва қасосдан иборат қатъий белгиланган жазоларга сабаб бўлса-да, лекин уларни «шубҳа» туфайли қўллаб бўлмайди.

Жинорий жавобгарлик тўғрисида гапирганда мусулмон ҳуқуқи бу масалада Ғарб қонуншуносларидан кўп асрлар илгарилаб кетганини таъкидлаш лозим. Мусулмон ҳуқуқига кўра, жинорий жавобгарликка ақли расо ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган тирик одамгина тортилиши мумкин, ваҳоланки Ғарбда уз вақтида ҳайвонлар ҳамда мурдалар суд қилинди.

Мусулмон ҳуқуқи жиноят ва жазони энг тўлиқ тарзда тенглаштириш ғоясини изчил тарғиб қилмоқда. Аёллар қонун олдида эркакларга нисбатан икки баравар кам жавобгардирлар. Бу нарса оғир жисмоний нуқсонлари бўлганлигидан васийлик остида яшовчи беморларга ҳам тааллуқлидир. Бироқ катта ёшдаги эркаклар ҳам қонун олдида расман тенг бўлсалар-да, бир турдаги жиноятлар учун турлича жазоланишлари мумкин, чунки одам қанчалик маълумотли бўлса, дин ва ҳуқуқ ишларидан қанчалик кўп бохабар бўлса, унинг жавобгарлиги шунчалик юқори бўлади, ундан шунчалик қаттиқ сўралади. Иккинчи томондан, айнап шундай одамни ишонтириш билан, унга жарима солиш билан ёки жамоатчилик фикри томонидан қоралаши таҳликаси билан тузатиш осонроқ кўчади.

## МУНДАРИЖА

Суз боши ўрнида . . . . . :  
**БИРИНЧИ БУЛИМ. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ**

<b>1-боб. Давлат ва ҳуқуқ назарияси тушунчаси ва предмети</b>	
1-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси тушунчаси ва предмети	6
2-§. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши . . . . .	7
3-§. Давлат ва ҳуқуқ назарияси услубияти . . . . .	17
4-§. Давлат ва ҳуқуқни ўрганувчи фанлар тизимида давлат ва ҳуқуқ назариясининг ўрни ва вазифаси	18
<b>2-боб. Давлатнинг келиб чиқиши ва моҳияти . . . . .</b>	19
1-§. Жамият ташкил топишининг уруғ-қабилла шакли	20
2-§. Ибтидоий жамоа тузумининг ёмирилиши ва давлатнинг пайдо бўлиши . . . . .	22
3-§. Давлатнинг моҳияти . . . . .	25
4-§. Давлатнинг белгилари . . . . .	26
5-§. Давлатнинг типлари . . . . .	29
6-§. Давлатнинг шакллари . . . . .	34
7-§. Давлатнинг функциялари . . . . .	36
<b>3-боб. Ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва моҳияти . . . . .</b>	40
1-§. Ҳуқуқнинг пайдо бўлиши . . . . .	40
2-§. Ҳуқуқнинг моҳияти ва белгилари . . . . .	42
3-§. Ҳуқуқ ва ахлоқ . . . . .	45
4-§. Ҳуқуқий норма ва ҳуқуқнинг шакллари . . . . .	45
5-§. Ҳуқуқ тизими . . . . .	54
6-§. Ҳуқуқнинг типлари . . . . .	57
7-§. Ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий устқурма . . . . .	61
<b>4-боб. Қонунчиликни таъминлаш . . . . .</b>	62
1-§. Қонунчилик тушунчаси . . . . .	62
2-§. Қонунчиликнинг асосий принциплари . . . . .	65
3-§. Қонунчиликни мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари . . . . .	66
4-§. Қонунчиликни янада мустаҳкамлаш йўллари . . . . .	74
5-§. Ҳуқуқий давлат . . . . .	81
<b>5-боб. Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиши</b>	87
1-§. Ўзбекистон ҳудудида қулдорлик давлати ва ҳуқуқ . . . . .	88

2-§. Дастлабки феодал давлатлар ва ҳуқуқ . . . . .	92
3-§. Ўзбек хонликлари (Бухоро, Хива, Қўқон) . . . . .	98
4-§. Россия босиб олгандан кейин Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий тузуми . . . . .	102
5-§. 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ . . . . .	105

*ИККИНЧИ БЎЛИМ. ҲУҚУҚ СОҲАЛАРИ*

<b>6-боб. Давлат ҳуқуқи . . . . .</b>	<b>108</b>
1-§. Давлат ҳуқуқи тушунчаси . . . . .	108
2-§. Давлат ҳуқуқи фанининг предмети ва вазифалари . . . . .	111
<b>7-боб. Конституция — давлатнинг асосий қонуни . . . . .</b>	<b>112</b>
1-§. Конституция тушунчаси ва унинг моҳияти . . . . .	112
2-§. Конституциянинг хусусиятлари . . . . .	113
3-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ривожланиши . . . . .	114
4-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тизими . . . . .	118
<b>8-боб. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тузуми . . . . .</b>	<b>119</b>
1-§. Республика ижтимоий тузумининг тарихий ривожланиши . . . . .	119
2-§. Фуқаролик жамиятининг асослари . . . . .	121
<b>9-боб. Жамият ва шахс . . . . .</b>	<b>129</b>
1-§. Шахс ҳуқуқий ҳолатининг асослари . . . . .	129
2-§. Фуқаролик . . . . .	135
3-§. Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари . . . . .	141
<b>10-боб. Республиканинг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши . . . . .</b>	<b>147</b>
1-§. Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг ривожланиш тарихи . . . . .	147
2-§. Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибида . . . . .	149
3-§. Республиканинг миллий-давлат тузилиши . . . . .	151
<b>11-боб. Давлат органлари. Вакиллик органлари . . . . .</b>	<b>153</b>
1-§. Давлат органлари тизими . . . . .	154
2-§. Вакиллик ҳокимияти органлари . . . . .	154
<b>12-боб. Ижро этувчи-фармойиш берувчи ҳокимият . . . . .</b>	<b>162</b>
1-§. Ўзбекистон Республикасининг Президенти . . . . .	162
2-§. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси . . . . .	165
3-§. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши . . . . .	168
4-§. Вазирликлар ва Давлат қўмиталари . . . . .	169
5-§. Маҳаллий давлат бошқарув органлари . . . . .	170
6-§. Фуқароларнинг узичи ўзи бошқариш органлари . . . . .	173

<b>13-боб. Суд органлари</b> . . . . .	175
1-§. Конституциявий суд . . . . .	175
2-§. Умумий судлар . . . . .	178
3-§. Ҳарбий судлар . . . . .	183
4-§. Хўжалик судлари . . . . .	184
5-§. Одил судлов қоидалари . . . . .	185
<b>14-боб. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари</b> . . . . .	190
1-§. Прокуратура органлари . . . . .	190
2-§. Дастлабки тергов органлари . . . . .	199
3-§. Суриштирув органлари . . . . .	200
4-§. Адлия вазирлиги ва унинг органлари . . . . .	202
5-§. Нотариат . . . . .	203
6-§. Адвокатура . . . . .	204
<b>15-боб. Маъмурий ҳуқуқ</b> . . . . .	206
1-§. Маъмурий ҳуқуқ . . . . .	206
2-§. Давлат бошқаруви . . . . .	207
3-§. Маъмурий ҳуқуқ тизими . . . . .	213
4-§. Маъмурий ҳуқуқ манбалари . . . . .	213
5-§. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар тушунчалари ва уларнинг турлари . . . . .	214
6-§. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар . . . . .	216
7-§. Президент маъмурий ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида . . . . .	217
8-§. Давлат бошқарув органлари . . . . .	218
9-§. Давлат хизмати . . . . .	225
10-§. Жамоат бирлашмалари . . . . .	230
11-§. Фуқаролар маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатида . . . . .	231
12-§. Давлат бошқарувининг шакллари ва усуллари . . . . .	233
13-§. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жазо . . . . .	235
14-§. Халқ таълимини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш . . . . .	245
<b>16-боб. Фуқаролик ҳуқуқи</b> . . . . .	253
1-§. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси . . . . .	253
2-§. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар . . . . .	257
3-§. Ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати . . . . .	259
4-§. Юридик шахслар . . . . .	262
5-§. Корхоналар . . . . .	267
6-§. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари. Кооператив ташкилотлар . . . . .	283
7-§. Хўжалик бирлашмалари . . . . .	286
8-§. Тадбиркорлик . . . . .	287
9-§. Вакиллик . . . . .	290
10-§. Бигим . . . . .	291
11-§. Нарса-буюмлар . . . . .	297
12-§. Муддатлар ва даъво муддати . . . . .	300
13-§. Мулк ҳуқуқи . . . . .	304
14-§. Мажбурият ҳуқуқи . . . . .	327
15-§. Шартнома мажбуриятлари . . . . .	340
16-§. Зарар етказиш ва асоссиз равишда боғиш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятлар . . . . .	357
17-§. Ворислик ҳуқуқи . . . . .	361

18-§.	Муаллифлик ҳуқуқи . . . . .	364
19-§.	Саноат объектига мулкчилик ҳуқуқи . . . . .	366
20-§.	Фуқаролар шаъни ва қадриятини фуқаролик- ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш . . . . .	370
<b>17-боб.</b>	<b>Меҳнат ҳуқуқи . . . . .</b>	<b>371</b>
1-§.	Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, предмети, принцип- лари ва субъектлари . . . . .	372
2-§.	Меҳнат ҳуқуқи муносабатлари . . . . .	376
3-§.	Аҳолини иш билан таъминлаш . . . . .	379
4-§.	Меҳнат шартномаси (контракт) . . . . .	388
5-§.	Иш вақти ва дам олиш вақти . . . . .	408
6-§.	Умумтаълим мактабларида иш вақти ва дам олиш вақти . . . . .	418
7-§.	Мактабгача болалар муассасаларида иш вақти ва дам олиш вақти . . . . .	421
8-§.	Иш ҳақи . . . . .	423
9-§.	Қафолатланган ва бадал туловлари . . . . .	431
10-§.	Меҳнат интизоми . . . . .	433
11-§.	Моддий жавобгарлик . . . . .	435
12-§.	Меҳнат муҳофазаси . . . . .	439
13-§.	Аёллар меҳнати . . . . .	442
14-§.	Ёшлар меҳнати . . . . .	447
15-§.	Ишни таълим билан бирга қўшиб олиб борувчи ходимлар учун имтиёзлар . . . . .	450
16-§.	Меҳнат низолари ва уларни кўриш тартиби . . . . .	453
17-§.	Жамоларга доир меҳнат низомларини ҳал қи- лиш тартиби . . . . .	458
<b>18-боб.</b>	<b>Оила ҳуқуқи . . . . .</b>	<b>462</b>
1-§.	Оила ҳуқуқи тушунчаси ва унинг асосий қонда- лари . . . . .	462
2-§.	Никоҳдан ўтиш ва уни бекор қилиш . . . . .	465
3-§.	Эр-хотиннинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳам- да бурчлари . . . . .	473
4-§.	Ота-оналар билан болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар . . . . .	481
<b>19-боб.</b>	<b>Табиатни муҳофаза қилиш . . . . .</b>	<b>491</b>
1-§.	Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида тушунча . . . . .	491
2-§.	Табиатни муҳофаза қилиш . . . . .	492
3-§.	Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш объеклари . . . . .	493
4-§.	Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун- ни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик . . . . .	495
5-§.	Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи ва турлари . . . . .	498
6-§.	Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишни бошқариш . . . . .	500
<b>20-боб.</b>	<b>Ер ҳуқуқи . . . . .</b>	<b>503</b>
1-§.	Ер тўғрисидаги қонун . . . . .	503
2-§.	Ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи . . . . .	504
3-§.	Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳуқуқи ва мажбуриятлари . . . . .	508
4-§.	Ернинг ҳуқуқий ҳолати . . . . .	509

5-§. Ерни муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан назорат . . . . .	512
6-§. Ер билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш ва ер тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарлик . . . . .	514
<b>21-боб. Жамоа хўжалиги ва деҳқон хўжалигини ҳуқуқий бошқариш . . . . .</b>	<b>516</b>
1-§. Жамоа хўжалигини ҳуқуқий бошқариш . . . . .	516
2-§. Деҳқон хўжалигини ҳуқуқий бошқариш . . . . .	520
<b>22-боб. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси . . . . .</b>	<b>526</b>
1-§. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси . . . . .	527
2-§. Жиноят қонунлари . . . . .	529
3-§. Жиноят тушунчаси . . . . .	533
4-§. Жиний жавобгарлик . . . . .	534
5-§. Жиноятнинг таркиби . . . . .	535
6-§. Қилмишнинг жинийлигини истисно этадиган ҳолатлар . . . . .	544
7-§. Жиноятлар содир қилиш бошқичлари . . . . .	548
8-§. Жиноятда иштирокчилик қилиш . . . . .	550
9-§. Жиний жазо ва унинг турлари . . . . .	553
10-§. Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги . . . . .	562
<b>23-боб. Мусулмон ҳуқуқи асослари . . . . .</b>	<b>563</b>
1-§. Мусулмон ҳуқуқининг ҳозирги жамият ҳаётида тутган ўрни . . . . .	564
2-§. Мусулмон ҳуқуқининг дин, шариат ва фикҳ билан ўзаро нисбати . . . . .	566
3-§. Мусулмон ҳуқуқининг келиб чиқиши . . . . .	572
4-§. Мусулмон ҳуқуқи манбалари . . . . .	579
5-§. Мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти . . . . .	581
6-§. Мусулмон ҳуқуқи тузилмаси . . . . .	582
7-§. Мусулмон ҳуқуқининг мусулмон мамлакатларининг ҳозирги ҳуқуқий тизимлари билан ўзаро муносабати . . . . .	585
8-§. Мусулмон ҳуқуқининг асосий тармоқлари . . . . .	591

КАРИМОВА ОМИНА АБДУРАХИМОВНА  
ҒАФФОРОВ ЗУЛЬФРЕД МУҲАММАТОВИЧ

### ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

*Педагогика олий ўқув юртлари, ҳунар-техника  
билим юртлари, лицейлар ва ихтисослашган  
мактаб ўқувчилари учун дарслик*

Тошкент «Ўқитувчи» 1995

Таҳририят мудир *С. Муминов*  
Муҳаррирлар *С. Хуснуддинов, И. Шоймардонов*  
Бадий муҳаррир *Т. Қаноатов*  
Техник муҳаррир *С. Турсунова*  
Мусаҳҳиҳлар *М. Ибрагимова, Л. Мирзааҳмедова*

ИБ № 6521

Теришга берилди 13.04.95. Босишга рухсат этилди 6.07.95.  
Формати 84×108/32. Тип. қоғози. Кегли 10 шпонсия. Ли-  
тературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди.  
Шартли б. л. 31,92. Шартли кр-отт. 32,235. Нашр л. 28,59.  
Тиражи 27000. Зак № 37.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кучаси, 30.  
Шартнома № 07—96—94.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийул ижа-  
ра китоб фабрикаси, Янгийул ш. Самарқанд кучаси, 44.  
1995.